



Шарқ юлдузи

Ойлик
адабий-бадиий,
ижтимоий-сиёсий
журнал

Ўзбекистон ССР Ёзувчилар союзининг органи.

9

1986

55-йил чиқиши

Бош редактор

Уткир ҲОШИМОВ

Редколлегия:

Ҳафиз АБДУСАМАТОВ

Саид АҲМАД

Абдусайд КҮЧИМОВ

(масъул секретарь)

Мурод МУҲАММАД ДУСТ

(бош редактор ўринбосари)

Омон МУХТОРОВ

(проза бўлими мудири)

Умарали НОРМАТОВ

Гулчеҳра НУРУЛЛАЕВА

Хайриддин СУЛТОНОВ

Зоя ТУМАНОВА

Туроб ТУЛА

УЙҒУН

Ўлмас УМАРБЕКОВ

Носир ФОЗИЛОВ

Тўлапберган ҚАИПБЕРГЕНОВ

Азиз ҚАЮМОВ

Ҳамид ҒУЛОМ

Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти

УШБУ СОНДА




Шеърлият



Омон МУХТОРОВ

ЕҒДИРАСАН БОҒЛАРГА ШУЪЛА Шеърлар

Мен сўзлашим керак.
Асрашга масъул
Биз буюк — СУЗ деган дунё-мулки-
ни.
Минбардан узоққа кетгани маъқул —
Кимки ҳис этмаса
Минбар юкини...



Пьеса

Учкун НАЗАРОВ

ОЙНА

Икки пардали драма

Бу — менинг биринчи драматик аса-
рим.

Мен қинғир ойнадан ҳам, бўяб
кўрсатадиган ойнадан ҳам фойдаланган-
ним йўқ.

Нарсалар қиёфасини ҳаётда борича
акс эттиргим келди.



Ҳикоялар ҳазинаси

Жек ЛОНДОН

БИР КУНЛИК ҚУНАЛҒА

Ҳикоя

Йигирма беш миллионли революцио-
нерлар қўшини — жуда катта куч, ҳо-
кимлар ва ҳукмрон синфларни уйлашга
мажбур қиладиган қудрат... Шундай
кун келадики, биз у пайтда сизлардан
ҳокимиятингизни, тиллага ботган ҳаша-
матли кўшқларингизни тортиб оламиз
ва ана ўшанда бир бурда нон учун
қишлоқдаги деҳқон қанчалик ер тишлаб
ишласа, шаҳардаги муҳтож ва муте
хизматчи қанчалик таҳқирланса, сизлар
ҳам ўшалар каби бўйингизни эгишга
мажбур бўласиз. Меҳнатқашларнинг
қодоқ қўлларига боқинг! Улар нақадар
қудратли!





Неъмат Аминов

ҚАЙҒУ — КЎПНИКИ

Шу кунларда хаёлимда бир фикр айлангани-айланган: қувонч — бирники бўлса, қайғу — кўпники экан. Ҳақиқий инсонлар учун кулфатнинг, қайғунинг бегонаси йўқ. Айтайлик, биров қувончдан яйраб, кулиб турганда, унга қўшилиб яйрамаслик ёки кулмаслик айб эмас. Бунинг кечирса бўлади. Бироқ бировнинг бошига кулфат тушиб, юраги эзилиб турганда, унинг олдидан кулиш, яйраб сафсата сотиш ҳеч қандай одобга ҳам инсонийликка ҳам тўғри келмайди.

Бошимизга оғир кулфат тушди. Чернобил атом электростанциясида авария юз берди. Бу воқеа муносабати билан совет кишиларига ҳамдардлик билдирган минглаб чет эллик граждандарни биламиз. Улардан миннатдормиз. Чунки ҳар қандай соғлом одам бировнинг қайғусига шерик бўлгиси келади. Қуни кеча барча совет кишилари Американинг «Чэлленжер» фазовий кемасининг фожиаи ҳалокати туфайли чуқур қайғуга тушган эдилар. Қуни кеча «Болалар — тинчлик ижодкорлари» халқаро ҳаракатининг асосчиларидан бири, америкалик ўқувчи Саманта Смитнинг фожиаи вафоти қалбларимизни ларзага солди. Совет ҳукумати жаҳоннинг қайси бурчагида табиий офат ёки ҳалокат юз бермасин, биринчи бўлиб ҳамдардлик билдиришга ёки иқтисодий ёрдам қўлини чўзишга одатланиб қолган.

Халқимизда «Емон кунни душманинг душманига ҳам раво кўрма», деган ибратомуз бир мақол бор. Бу мақолнинг замирида инсонпарварлик ётади. Бизнинг халқимиз неча-неча асрлардан бери шунга амал қилиб келган ва шундай бўлиб қолади.

Яшириб ўтирмаслик керак, Чернобил воқеаси туфайли нурдан заҳарланганлар бўлди. Бироқ нурдан заҳарланишдан кўра ёлғондан заҳарланиш даҳшатли экан. Бировнинг бахтсизлигига ҳамдардлик билдириш ўрнига ундан қувониб ўз манфаатлари йўлида фойдаланаётганларни нима деб атаса бўлади. Америка Қўшма Штатларининг айрим нуфузли доиралари «Чернобил аварияси» атрофида турли хил сохта шов-шувларни тарқатиб, антисовет тарғиботини авж олдириб юбордилар. Бу билан улар Совет ҳукуматининг ядро синовларини зудлик билан тўхтатиш ва 2000 йилгача ядро қуролини мутлақо ишлаб чиқармаслик ташаббусига зарба бермоқчи бўладилар. Ўзлари эса «Советлар хавфи» баҳонасида қуролланишга тагин ҳам зўр берадилар. Германия Федератив Республикасининг ўнг матбуоти ҳам Америка Марказий разведка бошқармасининг уйдирмаларига асосланиб, Советларга қарши бор овозда айюҳаннос солмоқда. Ҳатто халқнинг онги шу қадар заҳарландики, бечора одамлар кундалик овқатларини еб-ичишга ҳам чўчиб қолишди. Ҳолбуки олим ва мутахассислар ҳавода ҳеч қандай рентген нурлари йўқлигини аллақачон исботлаган ва бу ҳақда газетада кичкина материал ҳам берилган эди.

Айни кунларда Америка Қўшма Штатларининг ўзида ядро синовлари оқибатида юз бераётган заҳарланишларни биз эмас, мана, оддий америкаликларнинг ўзларидан эшитинг. «Америка тинчлик эксперименти» иштирокчиси Жозеф Эберснинг айтишича, бундан бир ой аввал ўтказилган ядро қуроли синовида бир қанча киши заҳарланган. Ҳатто уларни ҳимоя комбинезонлари ҳам асраб қола олмаган. Ёки шу экспериментнинг яна бир қатнашчиси Жесси Кокснинг ёзишича, Невада штатининг Юкка Флейт саҳросидаги саккиз ярим минг киши ишлайдиган ядро полигонида ёнғин туфайли анча киши заҳарланиб, зудлик билан касалхонага жўнатилган.

Шунинг учун америкалик айрим ҳовлиқма журналист дўстларимиз «Аввал ўзингга боқ, кейин ногора қоқ» мақолига амал қилсалар яхши бўларди.


Ғарбда Советларга қарши қанчалик ёлғон-яшиқ бўҳтонлар тарқатилмасин, Чернобил атом электростанциясида аҳвол асл ҳолига қайтиши аниқ. Курашларда, жангларда чиниқиб, тантана қилган, меҳнатда зафар кучган қудратли куч — совет халқларининг мустаҳкам дўстлиги Чернобил аварияси оқибатларини тугаллашда яна бир бор синовдан ўтмоқда. Мамлакатимиздаги кўпгина ишчи коллективлари, ташкилот ва муассасалар, минглаб чин виждонли кишилар 904-счётга ёрдам пули ўтказиб, чернобилликлар билан ҳамдард, ҳамнафас эканликларини билдирмоқдалар.

Чернобилда юз берган воқеа бутун мамлакатни ташвишда қолдирди. Менинг ҳам ўша кундан бери оромим йўқолди, кўнглимнинг бир чеккаси қоп-қоронғи. Ҳар куни «Время» программасидан Чернобил ҳақида, жасур чернобилликлар ҳақидаги репортажларни кўраман. Мухбирдан тортиб, эшиттириш иштирокчиларигача ҳамманинг қиёфаси жиддий. Ҳамманинг юзида қайғули бир хижолат соя ташлаб тургандай. Йўқ, хайрият, 29 май оқшомидаги эшиттиришда иштирок этган, қўшни атом электростанциясидан ёрдамга келганлар ва бошқаларнинг чеҳрасида кейинги бир ой давомида биринчи табассумни кўрдим, уларнинг кулгиларини эшитдим. Соғлом кулги муҳиби бўлганим учун бўлса керак, ғаш кўнглим чироқ ёққан-дек ёришиб кетди. Демак, станцияда аҳвол анча ўнгланиб боряпти. Шу куннинг эртасига «Известия» газетасида чиққан «Чернобилликларнинг янги адреслари» деган фоторепортажни ўқиб, яна кўнглим ёришди. Чунки унда ўттиз чақиримлик территориядан кўчирилган юз мингга яқин чернобилликларнинг ҳозирги ҳаёти ҳақида ҳикоя қилинган эди. Бу фоторепортажда ҳам одамлар чеҳрасида кулги кўрдим, табассум кўрдим.

...Томас Пейннинг бундан икки асрча муқаддам: «Мен бошга ташвиш тушганда табассум қиладиган, қайғуни енга туриб куч оладиган ва тафаккурни мардлик манбаи деб биладиганларни эъзозлайман», деганида нечоғлик ҳақ эканини беихтиёр эсга оламан.


Шунда чеҳрангиз, вужудингиз даҳшатли рентген нурлари билан эмас, ҳаётбахш табассум нурларидан мунаввар бўлаверсин, азиз қардошлар, дегим келади.

Дарҳақиқат, ростлик, дўстлик ва табассум тантана қилган ерда ҳар қандай рентген ва ёлғондан заҳарланишлар барҳам топади.



Омон Мухторов

ЁҒДИРАСАН БОҒЛАРГА ШУЪЛА



Бухорога

Сенинг
чангиб турган йўлларинг бари
Менинг
чекинмаган ҳаёт йўлларим.
Қишлоқ чолларидек, қишлоқ толлари —
Сени сийпалаган
менинг қўлларим...

* * *

Нима дейди дарё шовуллаб?
Шитирлаган баргнинг не дарди?
Нима дейди гулхан ловуллаб?
Шамол ялаб кўм-кўк қирларни,
Нима дейди?..

Остонадан кечганинг заҳот,
Сени чулғар минг хил саволлар.
Рўпарангда ойнадек ҳаёт,
Сени қийнар аммо хаёллар.
Ўйлаш пайти!..

* * *



Куз куни, далада бораркан,
Шамолда ҳилпираб кўйлагинг,
Вақт ўтиб кетгандек орадан,
Сен баҳор ҳақида ўйладинг.

Баргларни сийпалаб, уларни
Кўзингда асрадинг сен куздан,
Баҳорда тўкилган гулларни
Сидириб олгандек ҳовуздан...

Минбардаги одам

Минглаб,
миллионлаб одамлар ҳар кун
Минбарга чиқишар,
дўстлар, ўйласам.
Мана, минбар тегди.
Мазмун, бемазмун —
Менга фақат боғлиқ —
нима сўйласам.
Сўзингни сўзлаш-ку оддий бир нарса,
Одам гап қидирса,
топилади гап.
Аммо сурилдими саҳнада парда,
Бажаришинг керак
ролингни эплаб.
Минбардаги одам!
Мураккаб анча,
Аслини олганда, дунёда бу роль.
Ахир, сўз гоҳ малҳам,
гоҳида қамчи,
Бир кўрсанг, у дарё,
бир кўрсанг, қурол.
Мен сўзлашим керак.
Менга бахт берган,
Юртим, фарзандингман, дейишим мумкин.
Аммо ўй босади...
Шундай ҳайқирган —
Кўплар
тушунганми,
Минбарнинг юкин?
Тўғри,
жанглар бўлган минбарда кўп пайт,
Ҳақиқат йўлида
тўкилган қонлар.
Аммо чиққан озми
минбарга лоқайд,
Минбардан бошланган
баъзан ёлғонлар.
Мен сўзлашим керак.
Мен халқим билан
Ҳамдам, ҳамнафасман,
дейишим мумкин.
Аммо ўй босади...
Бугун қалқиган —
Кўплар
билармикан,
Минбарнинг юкин?
Тўғри,
дадил сўзга минбар, деб, имкон,
Оз эмас умидвор тикилган жонлар.
Аммо минбарларда кам бўлган исён,
Минбарларда қолган
кўплаб армонлар.
Мен сўзлашим керак.
Мураккаб анча
Минбардаги одам, аталмиш бу роль.
Ахир, сўз гоҳ малҳам, гоҳида қамчи,

Қизик экан,
айланиб ҳаёт,
Шунча йиллар бўлган унинг кийими —
Юмшоқ машинадан
ажралди бу зот.
У, илк бор умрида, гўё яланғоч,
Уйидан
кўчага чиқди пиёда.
Энди шовқин солар, юлганича соч,
Изтироб чеккандек фақат дунёда...

Огаҳий дарахти

(Эркин Самандар ва бошқа
хоразмлик дўстларимга)

Бир туп тут қолибди Огаҳийдан.
Булутдай ҳурпайиб турибди бу тут.
Атроф дала бўлганидан, унга гоҳида
Туташиб кетар булут...

Кейин, ёмғир ёғар... қишнинг қорлари...
Чексизликда учган шамолнинг доди...
Аммо дарахт собит... чунки, бунинг бари —
Буюк Огаҳийнинг ҳаёти...

* * *

Сен ишониб ишқнинг кучига, Кўзларингдан қочганича хоб — Ёмғирдан сўнг чиқдинг кўчага, Булутлардан кейинги офтоб.	Сен қўрқмайсан энди ғурбатдан, Ёғдирасан боғларга шуъла. Юрагингга сени уйғотган — Муҳаббатдан тушган ғулғула...
---------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------	---------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------

Жоним-жоним

(Халқ оҳангида)

1.

Жоним... Жоним! Ғунчадек
Қалба очилиб бординг.
Гўзал руҳим! Бунчалик
Мени ўртаб юбординг.

Сени балки қутқардим —
Дардингни олдим, дилбар!
Аммо менинг-чи, дардим
Бир тор! Кўксимда йиғлар...

2.

Елғондир,
ким деса,
ошиққа

Аёндир
Муҳаббат дарслари.

Мен —

ташна, дилбар бир кўшиққа,
Кўксимда муҳаббат
Дарзлари...

Менинг йўқ

бағримда дафтарим,
Демайман,
Дардимни қил харид.
Менингдир

тош қотган дардларим —
Бўйнингда осилган марварид...

Болалик

[Ҳазил]

Болалигим — ўтган йўлимни
Эслаб, топай, дейман, таърифин.
Бир ёш дўстим тутар қўлимни:
Кимга керак сенинг тарихинг?

Сен, дер, буюк бир зот эмаски,
Умринг бўлса ҳаммага сабоқ.

Йўлларингда тўкилган хасни
Қўя қолгин қайтиб термаёк.

Мен қанчалик бўлмайин фақир,
Бу гап келар кўнглимга малол.
Болаликни унутсам, ахир,
Менда қолмас таржимаи ҳол...

Парвоз

Ут-ўлан,

дарахтлар қолишар пастда,
Уйлар,
симёғочнинг қатор симлари.

Самолёт

юксалар осмонга аста —
Сувга шўнғиётган
Дўлфин сингари...

II

Самолёт —

осмонга отилган бир ўқ.
Аммо кўпроқ

у ҳар ерга бориб кўнган
қуш.

Самолёт —

осмонда порлаган кўшиқ
Ва ердаги
ғаройиб бир туш...

* * *

Атрофга ёруғлик югурди.
Ойнадек ялт этди ойна кўл.
Аёллар уйлардан сигирни
Утлоққа ҳайдашди. Чангли йўл.

Адирлар олисда ям-яшил.
Сўқмоқда арава излари.
Шамол-чи, юрибди адашиб,
Қўйнида гулларнинг ислари...



Учкун Назаров

ОЙНА

ИККИ ПАРДАЛИ ДРАМА

ИШТИРОК ЭТУВЧИЛАР:

АКБАР СОДИҚОВ — 60 ёшларда.
ҚОСИМ МАНСУРОВ — 50 ёшларда.
АРСЛОН — Акбарнинг укаси, 38 ёшда.
Ортиқ — Акбарнинг куёви, 35 ёшда.
ЗУЛФИЯ — 5 ёшли қизча.

БИРИНЧИ ПАРДА

Сахнада — кенг даҳлизли уй. Ҳовлида стол, стуллар. Новдадан тўқилган креслолар. Уйнинг ёнида шинамгина ошхона. Пижама кийган Акбар қозон тепасида овора. Чап томондаги арқонда иккита ҳўл костюм-шим илиғлиқ. Унг томонда мевали дарахт бор, йўғон бир шохига сиртмоқ илинган. Рўпарадаги даҳлизли уйдан сарпойчан, майка-трусси устидан тўн кийган чамаси эллик яшар одам отилиб чиқади, уйнинг орқа томонига югуради. Бироздан сўнг у сочиқ билан оғзи-бурнини артиб, қайтади, уҳ тортиб, тўқима креслога ўтиради.

Ошхона эшигида ҳўл сочлари таралмаган Акбар пайдо бўлади.

АКБАР (Қосимга). Қалай, ошна, сал енгил тортдингизми?

ҚОСИМ (аранг). Ичим сувга тўлиб кетган экан, ҳеч тугай демайди.

АКБАР. Йигитлар сизни силкитишганда, ичингиздан бир челақча сув тушди.

ҚОСИМ. Унисини билмайман. Кимдир орқамдан келиб сочимга ёпишганини биламан, қолгани эсимда йўқ. Ҳушимга келиб қарасам, тепамда оқ халатли одамлар ивирсиб юришипти. Яхшиям сочим бор экан, бўлмаса нима қилар эдингиз?

А К Б А Р. Кийимингиз бор эди. Яланғоч одамни олиб чиқиш қийин бўлади. Қўл сирғаниб кетаверади. Хуши ўзида бўлса, жон талвасасида қутқарувчига ёпишиб олади. Ўзи билан тортиб кетади сув тагига.

Қ О С И М. Сиз нега кўрқмай ўзингизни сувга ташладингиз? Ахир сизниям чўктириб юборишим мумкин эди-ку? Ёки сузиш бўйича разрядингиз борми?

А К Б А Р. Разрядим йўғу, моржман. Ёзин-қишин чўмиламиз. Анҳорда. Қарасам, узокдан қутқарувчилар командаси моторли қайиқда келишяпти. Шартта ўзимни ташладим.

Қ О С И М. Қутқарувчилар келишаётган экан, нега сакрадингиз?

А К Б А Р. Улар етиб келгунича (ичкарига қараб олади), сиз чўкиб кетган бўлардингиз. Биров бўлсам, сизни ушлаб туриш керак эди. Агар қутқарувчилар етиб келишмаганида — қирғоқ анча олис — билмадим, нима бўларди. Балки иккаламиз ҳозир бирон жойда ёнма-ён ётармидик...

Қ О С И М (ўйлаб). Барибир ишонгим келмайди.

А К Б А Р. Нимага ишонгингиз келмайди? Омон қолганингизгами?

Қ О С И М. Омон қолганимга ишониб турипман. Мен сизнинг қилган ишингизга... Ахир, хавф аниқ эди-ку! Сизни ҳам ўзим билан бирга олиб кетишим мумкин эди! Ақл бовар қилмайди. Сиз ё ўз кучингизга ишонгансиз, ё ... кечирасиз, анунақароқ одамсиз...

Акбар кулади.

Агар сувга сакрамаганингизда, биров сизни, чўкаётган одамни қутқармадинг, деб айбламасди-ку! Ҳа, бақириб-чақириб одам тўплашингиз, сузишни билмайман, дейшингиз мумкин эди! Биров сизни текширармиди?

А К Б А Р. Сузишни биламан-ку.

Қ О С И М. Сузишни биласиз, аммо ўзингиз ҳозироқ, чўкаётган одам жон талвасасида қутқарувчига маҳкам ёпишиб олади, чўктириб юбориши мумкин, дедингиз-ку?!

А К Б А Р. Тўғри... (Ошхона ичига қараб олади.)

Қ О С И М. Демак, шахсан сиз учун ўлим хавфи муқаррар эди, шунақами?

А К Б А Р. Умуман — шунақа... Оғайни, коньяк бор, элликта-элликта оламизми ошдан олдин? Қон югуради...

Қ О С И М. Яхши бўларди-ю, соат бешга катта идорага чиқишим керак. Ишим яхши битса, ўзим қисталанг қиламан! Қайтиб келиб.

А К Б А Р. Ихтиёрингиз, сал қон югурсин, девдим. Ўлмай қолганимиз учун...

Қ О С И М. Тавба!

А К Б А Р. Ҳм?

Қ О С И М. Сиз бунақа сўзларни осонликча айтворганингизга ҳайронман! Ахир тасодифдан ўлмай қолдик-а! Тасодифдан! Мен-ку, майли, ўз аҳмоқлигим натижасида чўкиб кетсам, кўргилик, айб ўзимда кетардим. Аммо сиз ўндан тўққиз фоиз ажални кўриб туриб, ўзингизни сувга ташлашингиз!.. Ақл бовар қилмайди! Ёки ҳаётингиз ўзингиз учун шунчалик арзон, қиммати йўқ, аҳамиятсизми?

А К Б А Р. Нима қилишим керак эди? Биров чўкаётганини кўриб туриб, ўзимни кўрмасликка олиб, қайрилиб кетишим керакмиди? Мен яшашни ўйладим ўшанда. Очиғи, ўйлаганим ҳам йўқ. Ўйлашга фурсат йўқ эди. Битта чора — сакраш эди. Ўйласам, сиз ўлиб кетардингиз. Мен эса яшашни истаيمان.

Қ О С И М. Яшашни истаган одам, билатуриб ўзини сувга ташлайдими? Мантиқингизга ҳеч тушуна олмаяпман. Яна, яшашни истаيمان, дейсиз.

А К Б А Р. Агар ўгирилиб кетганимда, бу ёғига қандай яшар эдим, ўйлаб

Пьесани тугатганимда иқболимизда XVI пленум борлигини билмас эдим. Аллақандай ҳаяжон бошқа ёзувчиларнинг ҳам дилига ҳаловат бермай юрган дамлари бўлса керак, дейман.

Ножибдидий кўринса-да, айтай — асар бир ҳафтада битди, машинкада босишга икки ҳафта кетди. Муқим ўтирса, бир ҳафтада биттадан пьеса ёзиш мумкин экан, деган гап эмас бу. Денгиздаги айсбергнинг кўринган қисмини асарга қиёс қилинса, сув остидаги улкан қисми — ўйлаш, фараз қилиш, тахминлар бўтанасида оқиш, тайин нарсаларни инкор қилиш, жозибали имкониятлардан воз кечиш. Ёзувчи ёзмаётган пайтида ҳам ёзади.

Ҳозир кўп муаммолар ўз номи билан

аталмоқда, асарин энди ёзганимда, анчайин ҳадиксирашлардан холи бўлармидим. Ҳали ўзи ҳақида тайин фикр айтилмаган замонда яшаб туриб, шу замон ҳақида муносабат билдириш, ўз номи билан аташ қийин бўлар экан.

Асарга ном қўйишга доим қийналаман. Ном икки-уч сўздан иборат бўлса-да, асарнинг маъноси шу икки-уч сўзга сиғса, ёзиб нима қилардим, деб азобга ботаман. Ушбу асар — хаёл маҳсули, кимларгадир ўхшаб кетиши — тасодиф.

Пьесасга «Ойна» деб ном қўйдим. Бу рамзий ойнада меннинг ҳам аксим бор.

Муаллиф

кўринг! Сузишни била туриб, чўкаётган одамни кўра туриб... Бировнинг ажалини бир умр кўтариб ўтиш, ахир, инсоф қилинг, менинг ҳам тинч ухлагим келади. Нима, менинг ўрнимда сиз бўлганингизда, сиз ҳам шунақа қилмасидингиз? Албатта, сиз ҳам сакраган бўлардингиз. Аминман. Бу ёқдаги умримиз фойдага қолди. Виждон азобисиз яшаймиз. Ҳаётимизни оқлаб олдик.

Қ О С И М. Толе сизни етказганини қаранг, бўлмаса ҳозир ётардим, сувнинг тагида бўкиб. Қилганларингизни бир умр унутмайман, ошна! Оға-ини бўлаемиз! Уйимнинг тўри сизники! Хизматингизга доим тайёрман!

А К Б А Р. Қутқарувчиларга раҳмат. Ўз вақтида етиб келишди азаматлар.

Қ О С И М. Комсомол кўлида айна шу пайт нима қилиб юривдингиз? Тагин келиб-келиб ўша осма кўприкда, худди менинг қайиғим тўнтарилиб кетган жойда?

А К Б А Р. Биларсиз, Комсомол кўлининг нарёғида Республика Архиви бор. Тўрт қаватли сариқ бино. Ушаёққа кетаётувдим. Одатда шу Комсомол кўли орқали ўтаман. Ўзингиз-чи? Битта ўзингиз нима жин уриб қайиқда сузиб юривдингиз? Ё ёшлигингиз эсга тушиб кетдими?

Қ О С И М. Ёшлигимам эсимга тушиб кетувди. Ўзим бу ерлик эмасман, узоқ бир областдан келганман.

А К Б А Р. Командировкагами?

Қ О С И М. Йўқ, ўз ҳисобимдан. Қабул қилишади, ёзилиб келдим. Депутатлик ишларим... Вақт бемалол, овқатланиб, ўша ёққа бориб қолибман. Қишлоқ хўжалик техникумини шу ерда тугатганман, ўша ўспирин пайтларимиз эсимга тушиб, боғ айлангани кирдим. Пахта кампанияси, студентлар кам, қарасам қайиқлар бўш турибди. Бир студентлик давримни хотирлай, деб қайиқ олдим, бинойидек ҳайдаб кетдим... Ўзим аҳмоқ... Шундоққина ёнимда, сув устида қалқиб турган рангли фоторасмга кўзим тушиб қолди. Ярим яланғоч қизларнинг расми экан, кўргим келиб, шундоқ қулоч чўзганимни биламан, шалоп этиб қайиқ тўнтарилиб кетса бўладими? Сузишни яхши билмайман, ўзимни йўқотиб қўйдим. Қолгани ўзингизга маълум.

А К Б А Р. Қанақа экан?

Қ О С И М (тушунмай). Нима — қанақа экан?

А К Б А Р. Ярим яланғоч қизлар?

Қ О С И М. И-е! Гапингизни қаранг. Қулочим етгани ҳам йўқ!

А К Б А Р. Қизлар расмини кўриб, сайр қилмоқчи бўлибсиз-да. Эгри ният шунақа, одамни чалади.

Қ О С И М. Рост. Бизнинг ёшимизда қизлар расмини томоша қилишни ким кўйипти? Ҳа, энди, ошна, асл нухасига қулочимиз етмагандан кейин, расмига чўзиламиз-да (кулади). Ҳужжатлар ивигани яхши бўлмади-да. Сиеҳи суркалиб кетипти, биронта сўзини ўқиб бўлмайди. Яхшиям эрталаб муҳим ҳужжатни топшириб келувдим-а...

А К Б А Р. Жонингиз омон қолганига шукур қилсангиз-чи.

Қ О С И М. Қуридимикин, бир қарай-чи, гиламга ёйиб қўювдим. (Уйга кириб кетади.)

Акбар ошхона томон юради, шу пайт дераза тоқчасидаги телефон аппарати жиринглайди. Акбар тез юриб, трубкини олади.

А К Б А Р. Алё! Алё! Пуф! Пуф! Алё! Ҳа, шу номер. Термиздан? Ҳа, ҳа! Эшитаман. Хўп. Ҳа, мен, Содиқовман... Раҳмат... Тоҳир?! Ваалайкум ассалом!.. Яхши... Тузук... Ўзинг қалайсан? Практиканг қандай ўтяпти?.. Мустақил ўзинг тергов олиб бординг? Ўғлим, ҳали тажрибанг жуда кам!.. Ўқитувчи?.. Ҳм!.. Бугун суд мажлиси бўлади?.. Мен нима дердим, ўғлим... ўз кучингга, лаёқатингга қара... Кўзинг етмаса... Етади?.. Майли, ўғлим. Эҳтиёт бўл. Шарманданг чиқмасин, бировнинг тақдири, ҳар томонлама ўлчаб кўр... Иссиқ пасайдими?.. Биз томонларда салқин тушиб қолди, костюмда юриппиз. Аянг?.. Марямникида аянг, ўша ёққа телефон қилиб кўр... Кейин биласан... ҳа... ўйлама бунни. Ўзингга пухта бўл! Номим юрист, деб нукул айб қидирма. Адолатли бўл, болам... Қўлингдан келганича яхшилик қил... Яхшилик барибир ёмонликдан яхши, болам... Албатта, кўнглинг сезиб турган бўлса, ёнини ол бечорани, ҳимоя қил, бўлмаса икки ямлаб бир ютворишади. Ҳа! Шуни доим миянгга сақла, ўғлим! Хўп. Хайр!

Трубкини қўяди. Бир зум жим ўтиради. Юмуши эсига тушиб, ўрнидан туради, ошхонага кириб кетади. Капгир товуши эшитилади. Уйдан сочини тараб Қосим тушади, осиглиқ кийимларини ушлаб кўради, костюмни ағдариб қўяди. Сиртмоққа қарайди, таажжубланади.

Қ О С И М (ошхона томон овозини кўтариб). Ошна, отингиз нимаиди?

А К Б А Р (ошхонадан овози келади). Акбар Содиқов!

Қ О С И М. Акбар ака, ўғлингиз билан гаплашдингизми, дейман?
А К Б А Р Н И Н Г О В О З И. Ҳа, Қосимжон, ўғлим билан. Исми Тоҳир. Тер-
мизда, практикада! Маслаҳатли гапи бор экан...
Қ О С И М. Болалардан нечта, Акбар ака?
А К Б А Р Н И Н Г О В О З И. Тоҳир институтни бу йил тугатади. Кенжамиз
Саттор армияда. Волгоградда. Бир йилдан кейин қайтади. Қизимиз Марям тўн-
гичимиз. Узатилган.

Ошхонадан чиқади.

Ўзларида нечта?

Қ О С И М. Бешта. Ҳаммаси қиз. Хотин ўғил туғмади. Мижози шунақа экан. Бу
ёғига, Акбар ака, келин ахтариб ўтирмайсиз. Иккитасини чиқарганман. Учинчиси
ўнинчини тугатяпти. Насиб қилса, ажаб эмас, оға-инилигимиз янаям мустаҳкам
бўлиб кетса.

А К Б А Р. Ҳозирги ёшларни биласиз, бирон нарса дейишгайм, чўчийсан киши.
Аммо тақдир қилган бўлса, айтганингиздек, ажаб эмас...

Қ О С И М. Муродимизга етайлик...

А К Б А Р. Қорин қалай, ошна? Очқаб қолмадингизми?

Қ О С И М. Ҳали сув кўп (кулади). Очгани йўқ.

А К Б А Р. Ҳозир гурунч соламан. Ҳаш-паш дегунча пишади. Отамлашиб
ўтирамиз. Бугун шу ерда қоласиз.

Қ О С И М. Жуда сизга дардисар бўлар эканмиз-да? Сизлар, шаҳарликлар,
ёлғизликни ёқтирасизлар...

А К Б А Р. И-е, унақа деманг, ошна. Одам тафтини одам кўтаради. Уй
бемалол. Хотин аразлаб юрибди. Қизиникида.

Қ О С И М. Шунақа денг? Ҳа, майли. Шунақасиям бўлиб туради. Шу ёшда араз
қилиб қаёққаям борарди. Ҳовуридан тушади, келади. Яна апоқ-чапоқ бўлиб
кетасизлар.

Акбар бош ирғайди, жавоб бермайди.

Шундан бир оз кўнглингиз хижилми, дейман, ошна?

А К Б А Р. Ҳа, энди, ўзингиздан қолар гап йўқ. Одамнинг ёши ошгандан кейин,
эр-хотин бир-бирига суяниб қолар экан...

Қ О С И М. Нимасини айтасиз, Акбар ака. Қанақа бўлмасин, кўз очиб
кўрганингиздан айрилмасин экан киши. Акбар ака, ўғлингиз юристми, дейман?

А К Б А Р. Бўлажак юрист. Институтни тугатяпти. Шу институтга киришга ўзим
маслаҳат бердим. Термизда унга мустақил иш топширишпти. Бир ўқитувчи
аллақандай маҳаллий амалдорнинг ўғлига икки баҳо қўйган экан, бечора ўқитувчи
маломатга қолибди-қўйибди. Унга нисбатан ишлатилмаган чора қолмабди. Ҳатто
хотинини ҳам қўлга олишибди. Хотини ҳам устидан шикоят ёзиб берибди. Ўғлимга
шу иш тушипти.

Қ О С И М. Омадини берсин. Чалкаш ишга ўхшайди. Устидан ўз хотини шикоят
ёзиб берган бўлса... Ҳм... Нима деб эри устидан шикоят ёзиши мумкин?

А К Б А Р. Нима деб ёзишни ҳам ўргатишгандир балки. Болалар боғчасида
тарбиячи экан, ўша заҳотиёқ мудирликка кўтаришибди.

Қ О С И М. Товба! Ҳеч нарсадан тап тортмай, иш тутишади-я! Ахир қинғир иш
суриб кетиши мумкин, деб чўчишмайди-я! Ҳаромдан ҳазар қилишмайди-я,
товба! Сизга қанақа, билмадим, аммо ҳаром нарса менга зинҳор ҳазм бўлмайди.
Албатта бир нарсага қасри бориб уради. Бир куни денг, эрталаб ишхонага
кетаятувдим — ерда бир даста пул ётибди. Газетага ўроғлиқ. Ҳаммаси йигирма
беш сўмлик. Атрофга алангладим — ҳеч ким йўқ. Эгаси чиқиб қолар, чиқмаса
давлат банкига топширарман, деб ёнимга солиб қўйдим. Ҳа деганда эгаси
чиқавермагач, нимагадир етишмай, ўша пулдан эллик сўмини ишлатиб юбордим.
Жиянимнинг туғилган куни, нима совға қилай, деб сўрадим, жиян, жинси шим олиб
беринг, деди. Қанча туради, деб сўрасам, икки юз эллик сўм, деди. Сочим тикка
бўлиб кетди. Битта шим шунақа қиммат турадимми?! Орият кучли. Узим олдиндан
катта гапирворганман. Орқага қайтиб бўлмайди. Енимни кавладим. Ропла-роса
икки юз эллик сўм қолган экан, шартта бердим жиянга. Лекин бу қинғир ишнинг
оқаваси кейин чиқа бошлади — сигиримиз бўкиб қолди, бўғзига пичоқ тортиб
юборди. Ҳовлида ка-атта ёнғоқ бор. Бир куни на шамолдан, на довулдан дарак
йўқ — битта йўғон шохи қарс айрилиб томга тушса бўладими? Шиферни дабдала
қилди. Қайтадан тузатишнинг ўзига тўрт юздан кўп пул кетди. Мана бугунни
олайлик, расмга кўнгил кетувди, чўкиб кетишимга сал қолди.

Улар қулишади.

А К Б А Р. Аммо барибир савоб ишларингиз кўп экан, омон қолдингиз.
Қ О С И М. Ҳа, ризқ-насиба узилмаган экан, нафақат чўкиш — уйингизда меҳмон бўлиб ўтирипман, сиздек яхши дўст орттирдим. Омадим бор экан! Айбга буюрмайсиз. Акбар ака, бир нарсани сўрамоқчиман.

А К Б А Р. Марҳамат, Қосимжон. Тортинмай сўрайверинг.

Қ О С И М. (сиртмоқни кўрсатиб). Ановингиз нимаси? Боядан бери қарайман-кўяман, ҳеч нарсага тушунмайман.

А К Б А Р. Ҳа, уми? Сиртмоқ.

Қ О С И М. Сиртмоқ?

А К Б А Р. Ҳа, сиртмоқ.

Қ О С И М. Боя чўки кетишимга сал қолди. Энди бу ерда сиртмоқ. Кўзим тушса, этим жуңжикиб кетяпти. Ёки қўй-пўй илганмидингиз?

А К Б А Р. Йўқ. Қўй илган эмасмиз.

Қ О С И М. Бўлмаса, олиб ташлаш керак. Кўриниши хунук.

А К Б А Р. Ўзи олиб ташлайди.

Қ О С И М. Ким — олиб ташлайди.

А К Б А Р. Хотиним.

Қ О С И М. Хотиним?

А К Б А Р. Ҳа. Ўзи осган, ўзи олиб ташлайди.

Қ О С И М. Ахир аниқроқ гапиринг, ҳеч нарсага тушунмаяпман.

А К Б А Р. Хотиним осган. Мени кўрқитиш учун. Тавба-таззарру қилдириш учун. Чўккалатиш учун! Ўз измига мени солиш учун. Гўё менинг дастимдан ўзини осмоқчи бўлиб!

Қ О С И М. Хўш, нима бўлди? Осдими ўзини?

А К Б А Р. Қаёқда? Осиб бўпти! Жон ширини. Шунчаки найранг.

Қ О С И М. Найранг ҳам шунақа бўладими? Одам инфаркт бўлиб қолиши мумкин — бунақанги найрангдан! Ахир ҳазил ҳам эви билан-да!.. Нима гуноҳ қилувдингиз, хотинингиз дастингиздан ўзини осмоқчи бўлиб, пўписа қилган?

А К Б А Р. Суриштирганим учун.

Қ О С И М. Нимани суриштирганингиз учун?

А К Б А Р. Боғини суриштирганим учун!

Қ О С И М. Боғини? Қанақа боғини?

А К Б А Р. Охирги пайтда ҳаётимиз бошқача йўлга кириб кетаётгандек бўлиб қолди. Нопокроқ йўлга. Рўзгоримизда ғалати матоҳлар пайдо бўла бошлади...

Қ О С И М. Ғалати матоҳлар?

А К Б А Р. Ҳа-да! Жўра-жўра атласлар, қорақўл терилар, биллур идишлар... Бу матоҳлар қаёқдан келяпти, ахир бу нарсалар фалон пул туради, қаердан оляпсан, десам, хотиним, узумини енг-у, боғини суриштирманг, деди. Меники тутиб кетди, роса жанжал кўтардим. Ҳали сен менга ҳаром нарсаларни раво кўрдингми, деб ҳўп исканжага олдим. Бояги айтган мақолинг — аблаҳ мақол, мен бундай сўзлардан нафратланаман, ҳозир кўтариб келган нарсаларингни эгаларига олиб бориб бер, деб туриб олдим. Ўзини ҳушидан кетганга солди, найранг ишлатди, юраги ёмон бўлиб, дори ичди, дарахтга арқон ташлади. Мен ўз айтганимда туриб олдим, нарсаларини бир бўҳча қилиб, қўлига тутқаздим, уйдан чиқариб юбордим. Бир ҳафта бўлди, қизиникида. Арқон ҳатти ҳам жойида турибди... Еш бола билмай бирон ноҳўя иш қилиб қўйса, койиймиз, жазо берамиз. Аммо катталар билатуриб нопок иш қилса, ахир бу — бедодлик-ку! Қандай чидаш мумкин? Ахир халқимиз қаҳатчиликни кўрган, босмачилар билан курашган, ғалаба учун Ватан урушида қонини тўккан пок, ҳаромдан ҳазар қиладиган халқ эди! Кимлар чалғитди?! Қанақа бало ичимизга кириб олди?! Нима учун алдаш, бировнинг назибасига кўз олайтириш, ёмонни яхши дейиш, бегуноҳни жазолаш одат тусига кириб қолди. Ахир бонг уриш, дод дейиш керак!.. (Сезгир тортиб.) Кечиринг... қизишиб кетдим...

Улар бир неча дақиқа жимиб қолишади.

Қ О С И М (сиртмоққа қараб олиб). Бир нарса ёдимга тушиб кетди... Облостимиз марказида янги театр биноси қурилган. Уч йил бўлди ишга тушганига. Шаҳримизнинг фаҳри. Область миқёсида уюштирилган катта мажлислар ўша театрда ўтказилади. Бунақа пайтларда ҳамманинг эътибори шу бинода бўлади — атрофга гуллар экилади, қуриб ётган фонтан ишга туширилади, сутчиноқлар тузатилади, машиналар тинмай сув сепеди. Шу театрда режиссёр бўлиб ишлайдиган йигит бизнинг ёнимиздаги уйда ижара олиб турарди. Таниш эдик, баъзан кўришиб, сўхбатлашиб турардик. Ўзи бошқа шаҳарлик, мусофир, одобли йигит эди. У сахналаштирган бир пьеса муваффақиятли чиқибди шекилли, театр кассаси атрофида одам тўпланадиган бўлиб қолди. Ижрокомда ярим йилдан буён ишлайдиган мансабдорлардан бири ҳам оиласи билан бориб пьесани кўрибди,

аммо томоша тугагандан кейин режиссёрни ўз идорасига чақириб, совуққина хайрлашиб машинасида жўнаворибди. Режиссёр эртасига унинг қабулига бориб бир нарсани биллипти. Яъни — пьесада қатнашадиган салбий қаҳрамоннинг исми ҳам, фамилияси ҳам — айнан ўша раҳбарникига ўхшаш экан. Муниси унга ёқмай, салбий қаҳрамон номини ўзгартиринг, депти, аммо режиссёр, бу менинг ихтиёримдаги ишмас, пьесага ўзгартиш кирита олмайман, бу таниқли ёзувчининг асари, республикамизнинг деярли ҳамма театрларида ўйналади, деб хуллас, рози бўлмабди. Шундан кейин режиссёрнинг пайига тушиш ишлари бошланиб кетибди. Аввалига репертуардан пьесани олдириб ташлашибди, кейин одам қўйиб, уни ичиришибди. Йигит хушёрхонага тушибди, коллектив орасида унинг хулқини муҳокама қилишибди, маданият бошқармасидан маданият министрлигига унинг устидан расмий хат юборишибди. Натижада бечора йигит бадном бўлиб, ишдан бўшатишибди. Мен ўша йигитнинг қисматиغا ачинаман. Салбий қаҳрамон номини ўзгартиришдек арзимаган ишга ўжарлик қилиб, ўз тақдирини таҳликага солиб қўйибди. Бунга нима дейсиз, Акбар ака?

А К Б А Р. Мен сизга бир ривоятни айтиб берай. Хулосасини ўзингиз чиқариб оласиз...

Қ О С И М. Қани, эшитайлик-чи...

А К Б А Р. Кўзи кўр бир одам ҳассасини дўқиллатиб қаёққадир кетаётган экан, фавкулудда олдидан катта ариқ чиқиб қолибди. Нима қилишини билмай гаранг бўлиб турганида, кимдир қўл берибди. Кўр нотанишнинг қўлини ушласа, бошмалдоғида суяги йўқ экан. Хизрлигини англаб, кўр унга маҳкам ёпишибди, қўлини қўйиб юбормабди. Хизр унга юзланиб, эй, бечора кўр, тила тилагингни, кўзинг оғиз экан, сўра, кўзинг очилади, ёруғ дунёни, қуёшни, осмонни, қизлар жамолию гўдаклар табассумини кўрадиган бўласан, илтижоинг борми? — депти. Кўр, илтижом бор, фақат битта илтижо, умрим бўйи орзу қилиб келган илтижо, бу дунёда ҳамма кўр бўлсин, депти.

Қ О С И М. Ё, товба! (Ёқасини ушлайди.) Ё, алҳазар!..

А К Б А Р. Қосимжон, ўтира туринг, гуруч солиб чиқаман.

Қ О С И М. Бемалол, Акбар ака...

Акбар ўрнидан туради.

(Акбарга.) Фурсатдан фойдаланиб, бир идорага телефон қилиб олсам майлими, Акбар ака?

А К Б А Р (йўлида тўхтаб). Шуниям сўрайсизми, ошна? Қилаверинг телефон, бемалол. Хоҳласангиз, уйингизга қўнғироқ қилиб олинг.

Қ О С И М. Раҳмат...

Акбар ошхонада ғойиб бўлади. Қосим телефонга яқинлашиб, номер теради.

(Телефон трубкасига.)

Алёл! Салом алайкум.

Т е л е ф о н д а г и о в о з. Салом. Эшитаман...

Қ О С И М. Кечирасиз, бу мен, Мансуровман. Эрталаб ариза ташлаб, қабулга ёзилиб келувдим... Соат бешга тайин қилувдингиз...

Т е л е ф о н д а г и о в о з. Қосим Мансурович, аризангизни ўзларига топширдим, у киши сизни қабул қилдилар, соат бешда. Ун бешта кам бешда бу ерда бўлинг, пропуск туширилган.

Қ О С И М. Раҳмат, албатта бўламан...

Т е л е ф о н д а г и о в о з. Агар телефонингиз бўлса, ҳар эҳтимол номерини айтиб юборинг, Қосим Мансурович, агар ўзгариш бўлиб қолса, ўзим кўнғироқ қилиб, сизни огоҳлантириб қўяман.

Қ О С И М. Марҳамат. (Акбарга.) Акбар ака, телефонингиз номери қанақа?

А К Б А Р (ошхонадан бошини чиқариб). Қирқ тўрт, олтмиш учу саксон уч!

Қ О С И М. Раҳмат (трубкага). Қирқ тўрт — олтмиш учу саксон уч...

Т е л е ф о н д а г и о в о з. Хайр. (Трубка қисқа ду-ду-дутлайди.)

Қосим трубкани қўяди, маълум ҳаяжонда келиб жойига ўтиради. Акбар ошхонадан помидор-пиёз солинган идиш олиб чиқади, пичоқни пиёла тагига қайраб, аччиқ-чучук қила бошлайди.

А К Б А Р (Қосимга). Бирон нохуш воқеа рўй берганми, дейман, Қосимжон?

Қ О С И М (тушунмай). Нохуш воқеа?

А К Б А Р. Телефондаги гапингиздан тахмин қилдим. Шикоят билан Тошкентга келганга ўхшайсиз...

Қ О С И М. Шикоят деса ҳам бўлади, Акбар ака, ариза деса ҳам...

А К Б А Р. Бошингизга ташвиш тушиб қолдими?

ҚОСИМ (ўйланиб). Нима десам экан, Акбар ака... Мен шаҳар Советининг депутатиман. Сайланганимга бир йил бўлди. Одатда депутатлар ўз сайловчилари билан учрашувлар ўтказиб туришади. Сайловчилар ўз депутатларига ҳар хил топшириқ, илтимослар билан мурожаат қилишади — болаларини боғчага жойлаш, тураржойларини ободонлаштириш, телефон-газ ўтказиш, пенсия, маиший турмуш — шунга ўхшаш кундалик муаммолар... Мен ўз номзодим қўйилган участка аҳолиси билан учрашганимда, бир неча йиллардан бери судралиб келаётган, мундоқ олиб қараганда, бажариш учна қийин бўлмаган бир тадбир яна кўтарилиб қолди. Гап шундаки, шаҳаримиз четроғида бир эски маҳалла бор, беш юздан ортиқ хонадондан иборат. Ҳар бир хонадонда ўртача бешта одам яшаса, демак, маҳаллада икки ярим минг атрофида аҳоли туради. Маҳалланинг ёнидан шаҳар марказига борадиган йўл ўтган, айна ўша ерда автобуслар тўхтайдиган бекат бор. Аммо йўл билан маҳалланинг ўртасида канал бор, кўприк бўлса икки чақирим нарида...

АКБААР. Ҳа, демак, автобус бекатига чиқиб олиш учун одамлар кўприккача икки чақирим пиёда юришлари керак? Тўғри тушундимми?

ҚОСИМ. Тўппа-тўғри. Автобус бекатига қайтиб келиш учун яна икки чақирим йўл босиш керак. Жами тўрт чақирим. Кўплари шаҳарда ишлашади. Қиш совуқ, ёз иссиқ, болалик аёллар, ҳар турли мактабларга қатнайдиған ўқувчилар, кўплари шаҳар бозорию магазинлардан нарсалар харид қилинган сумка-тўрвалар билан қайтишади. Ўзингиз тушунасиз, бу осон иш эмас. Уларнинг талаби шу бўлдики, каналдан яккаоёқ бўлса ҳам кўприк қурдириб беришга ёрдам қилинг, деб сўрашди. Менга бу нарсаян кўриниб, шартта ваъда бериб юбордим, ишга киришиб кетдим. Қарангки, билсам, бу жуда мушкул иш экан. Бормаган ташкилотим қолмади. Ҳамма жойда битта жавоб — кўприк қурилиши шаҳар генерал планига киритилиши, кўприк учун маблағ ажратилиши, лойиҳа тузилиши, бирон қурилиш ташкилотига юкланиши зарурлигини айтишди. Ҳаммаси жойида бўлса, кўприк келажак беш йилликда қурилар экан. Мен масаланинг бу томонини назарга олмаган эканман, ўзимни йўқотиб қўйдим, сайловчиларга ўйламай-нетмай ваъдани бериб юборган эканман, уларни кўрсам, ўзимни четга оладиган бўлиб қолдим. Қачонгача ўзимни олиб қочиб юраман, мулзамлик ёмон, аввалги ой самолётга ўтириб, Тошкентга учиб келдим, тўппа-тўғри Госплан деган баланд иморатга кириб бордим. У ерда ҳам ўша жавобни олдим. Шумшайиб қайтиб кетдим. Бошим қотиб қолди. Бир ошнам яхши маслаҳат бериб қолди. Бори-йўғи гапни икки варақ қоғозга ёзиб яна келдим. Марказий Комитетга кирдим, дардимни айтдим, қоғозларимни топширдим, раҳбарлар қабулига ёзилдим, мана бугун соат бешда қабул қилишади. Ҳозир энди юрагим, нима бўларкин, деб така-пука бўлиб турипти, Акбар ака...

АКБААР. Яккаоёқ кўприк ҳам иш эканми? Одамларнинг ўзлари ҳашар қилиб бўлса ҳам қуриб олишса бўларди-ку.

ҚОСИМ. Қурмоқчи бўлишган. Маҳаллада мажлис қилиб, солиқ солишган, пул тўплашган; керакли ускуналарни ҳам топишган, аммо аллақандай бошқарма, қурилиш лойиҳасини тузиш керак, ҳамма инженерлик параметрларни ҳисоблаб чиқиб, тасдиқлатиш керак, деган ваз билан ишларни тўхтатиб қўйган. Икки қирғоққа қоқилган ходалар, тортилган йўғон симлар ҳали ҳам турипти, болалар ундан сувга калла ташлашади. Кўп болалар айланиб боришга эриниб, симдан осилиб нариги томонга ўтиб олишади. Сувга тушиб кетганлари ҳам бўлган.

АКБААР. Яъни, чўкиб кетганлари ҳам бўлган, демоқчимисиз?

ҚОСИМ. Бунақаларини эшитганим йўқ. Болалар, биласиз, сузишни билишади. Фақат китобларию кийимлари ҳўл бўлган.

АКБААР. Симларни уздириб ташлаш керак. Офат юз бериши мумкин.

ҚОСИМ. Агар бугун гапим ўтмаса, бориб уздириб ташлайман.

АКБААР. Гапим ўтмаса, дейишингиздан, ўзингиз ишингиз битишидан шубҳадан қочингизми?

ҚОСИМ. Энди, Акбар ака, борадиган жойим — катта даргоҳ. Улар республика миқёсида фикр юритишади. Мен бўлсам қанақадир етти метрли яккаоёқ кўприк билан кирсам, майда масалага ўхшаб қолмасмикин?

АКБААР. Менимча, Қосимжон, ўзгаларнинг ғамини ейиш; манфаатини ҳимоя қилиш — майда масала эмас...

Парда ёпилади.

ИККИНЧИ ПАРДА

Ўша кун, ўша ҳовли, ўша жиҳоз. Радиолдан музика товуши аранг эшитилиб турипти. Эшик жириглайди, тақиллайди. Акбар радиони ўчириб, эшикни очади. Ҳовлига Арслон билан Ортиқ киради. Акбар эшикни қия ёпиб келади. Арслон билан Ортиқнинг таъби хира.

АКБАР (икковига). Утиринглар. Қоринларинг қалай? Ош бор. Иситиб келаман. Бир минут.

АРСЛОН. Ака, қорнимиз тўқ. Уринманг.

АКБАР. Бўлмаса, чой олиб чиқаман.

Кетади, ошхонадан чойнак билан пиёлалар келтириб, столга қўяди. Меҳмонларга чой тутади.

Қалай, тинчмисизлар? (Арслонга.) Темурнинг ўқишлари қандай?

АРСЛОН (нохуш). Чакки эмас...

АКБАР. Сиз қалайсиз, Ортиқжон? Марям яхшими? Болалар?

ОРТИҚ. Раҳмат, ада, юришибди...

АКБАР. Авзонинглар бузукроқ? Тинчликми?

АРСЛОН. Биз, ака, сиздан сўрамоқчимиз — тинчликми?

АКБАР (кўнгли нимадир сезиб). Тинчлик. Нимаиди?

АРСЛОН. Ака, қачон қуюласиз, ахир? Найрангларингиз қачон қолади? Яна қанақа жанжал кўтардингиз? Қачон қулоғимиз тинчийди? Ахир кўчада юра олмайдиган бўлиб қолдик-ку? Нима, бу шаҳардан кўчиб кетайликми энди? Тўртта неварангиз бор-а!

АКБАР. Тўртта неварам бўлса, нима қипти? Салла ўраб, мачитга қатнайми? Ё чойхонага кириб, эртадан кечгача гап сотайми?

АРСЛОН. Ака, яна тушунмадингиз, яна тутақяпсиз.

АКБАР. Сенлар мени доим шу қиёфада кўрмоқчи бўласанлар! Сен, Арслон, тўртта неваралик бўлдингиз, энди тоат-ибодатни ҳам ўйланг, деганларинг эсимда!

АРСЛОН. Ака, қизишманг. Олдин сўранг, нега олдингизга келдик экан?

АКБАР. Хўш?

АРСЛОН. Бир танишим кўнғироқ қилиб қолди, устингизда жиққа ҳўл костюм, қанақадир тасқара билан трамвайма-трамвай юрган эмишсиз. Кейин милиция ходими сизни ушлаб олибди, штраф тўлабсиз. Шу ростми?

АКБАР. Рост. Таксичи олмади, трамвайга чиқишга тўғри келди. Нимаси гуноҳ?

АРСЛОН. Нега таксичи олмади?

АКБАР. Кийимлар ҳўл эди, шеригим ҳам оёқда аранг турувди.

ОРТИҚ. Нега кийимингиз ҳўл эди, ада? Биров сизни сувга итариб юбордимми?

АКБАР. Ўзим сакрадим. Ўз хоҳшим билан!

Ортиқ билан Арслон бир-бирига маънодор қараб олишади.

ОРТИҚ. Ада, моржлигингизни биламиз. Авваллари кийимингизни ечиб чўмилардингиз, энди янгича ихтиро қилмоқчи бўлибсиз-да, а?

АКБАР. Кийим ечишга вақт йўқ эди.

ОРТИҚ. Вақт йўқ эди... Ҳм-м. Нега вақт йўқ эди?

АКБАР. Одам чўкиб кетаётувди. Қутқариш керак эди.

Ортиқ билан Арслон яна бир-бирига қараб олишади.

АРСЛОН. Қутқардингизми?

АКБАР. Қутқардим! Ана, ичкарида ётипти. Қараларинг — ишонмасаларинг.

Арслон билан Ортиқ бир-бирига аланглаб туришади. Қосим ётган хонанинг эшигини очиб, мўралашади. Қайтиб келиб ўз ўринларига ўтиришади.

ОРТИҚ. И-е! Бу қаҳрамонлик-ку! Бир одамнинг жонини сақлаб қолибсиз, бу — ҳақиқий қаҳрамонлик! Яшанг, ада! Ўзи (эшик томон ишора қилиб). Қанақа одам экан? Садақа-падақа ваъда қилдимми?

АКБАР. У нима деганингиз?

ОРТИҚ. Ҳа, жони омон қолибди, ўзи бўладими?

АРСЛОН. Қўйинг, Ортиқжон, биласиз-ку, акамиз... (Акбарга.) Менга қаранг, ака, идрокка ён бериб, гаплашайлик. Ростдан ҳам ўзингизни сувга отиб, ўша одамни қутқариб чиқдингизми? Шундоқ забардаст одамни-я?

АКБАР. Ростдан бўлмай нима, кўғирчоқни қутқарибманми?

АРСЛОН. Шунақасиз-да, ака! Акажон! Доим бизни маломатга қўйиб юрасиз. Майли, қутқарибсиз, бу — жуда соз? Аммо ўзингиз биргалашиб чўкиб кетганингизда, ҳозир қанақа айюҳаннос бўлиши мумкинлигини тасаввур қиласизми? Қанчадан-қанча ташвиш, безовтагарчилик содир бўлишини билармидингиз! Биз-ку, майли, ахир нотаниш бир одам, деб ўз жонингизга қасд қилибсиз! Шунақа ишларга аралашини сизга ким қўйибти?! Ахир сиз қутқарув командасининг аъзоси эмасиз-ку! Бу ахир сизнинг ишингиз эмас, ака, бу — бошқаларнинг бурчи!

АКБАР. Сен билан бурч деган сўзни ҳар хил тушунамиз!

О Р Т И Қ. Ада, ҳақиқатда, ахир, чўкиб кетишингиз мумкин эди-ку.

А К Б А Р. Мумкин эди! Аммо бу ишни қилмасам... Ахир қандай қилиб қилмай бўлади?! Қандай?! Тўғри, ҳалок бўлишим мумкин эди! Бир марта дангал ўлардим! Аммо қочиб қолсам, умримнинг охиригача ҳар куни ўлардим! Ҳар куни! Бундан мудҳиш азоб борми одам учун!

А Р С Л О Н. Ака, ахир биз куйганимиздан, сизнинг ҳаловатингизни ўйлаганимиздан ачиниб гапиряпмиз! Наҳот шуни тушунмасангиз?

А К Б А Р. Менга бунақа ҳаловат керак эмас.

А Р С Л О Н. Доим ўзингиз битта иш орттириб юрасиз, ака! Бирон ишқал чиқармаган кунингиз йўқ. Хрустал вазани девордан кўчага улоқтирган экансиз, бировнинг машинасига тушиб, томини пачоқ қилибди. Уч юз сўм бериб аранг қутулдингиз. Марҳум онамиз ўлимлигим, деб беш юз сўм пулни ёстиғи остига яшириб қўйган эканлар, сиз балки ўша ўлимга аталган пулларни сарф қилиб, қарзингиздан қутулгандирсиз. Бу — майли, шунчаки гап. Аммо ўша сиз кўчага улоқтирган ваза бировнинг бошига тушганида, нима бўларди? Майиб бўларди, сиз қамоқда ётардингиз!

А К Б А Р. Менинг хонадонимга бунақа ҳаром нарсалар зинҳор кириши керак эмас! Йигирма беш йил мен билан турмуш қилган келиннинг аллақачон феъл-атворимни ўрганиб олса бўларди? Йўқ, уни ҳам йўлдан оздирдиларинг! Қоракўл ёқали пальто тиктириб кепти, кийиб улгурмасидан, йиртиб ташладим. Бир қутй тўла етти-саккиз флакон—Клима! — француз атири — ҳар биттаси эллик сўмдан арзон эмас. Ҳаммасини синдириб, ҳовлининг этагига кўмиб ташладим, ҳали ҳам аримайди, бутун маҳаллага анқиб кетган, бир километр наридан димоққа уради. Барибир келиннингга сабоқ бўлмади, энди қарасам, сервантда хрустал ваза пайдо бўлиб қопти! Улоқтирдим! Демак, келиннинг, қўлида хирургик пичоқ, операция пайтида касалнинг жонини сақлаб қолишни ўйлаш ўрнига, ундан унадиган совғани ўйлар экан-да!

А Р С Л О Н. Ака, ахир беморларнинг ўзлари сидқидилдан, дарддан холи бўлганлари учун кўнгилдан чиқариб садақа қилишади. Келиннинг беморнинг дилини офритмай, деб рози бўлади. Ўзи сўрамайди. Наҳот шуни тушуниш қийин, ака? Келиннингга берадиганлар ҳам кимдандир ундиради. Ҳозир турмуш тарзи шунақа! Қанақа юлғичлар бор, кўзингга лўқ этиб қараб туради. Бирон нарса чиқармасанг, иш битмайди. Сиз илмли, маърифатли, зиёли одамсиз! Наҳот шу нарсалар борлигини тан олгингиз келмаса? Қачонгача китобий қодалар билан яшайсиз, ака? Балки келиннинг ўша нарсаларни ўз пулига олгандир, балки сиз у кишини ноҳақ дилини офритгандирсиз, хафа қилгандирсиз. Ахир, хотинингиз — хирург, маоши кам эмас! Бирон нарса сотиб оламан, деса, қурби етади!

А К Б А Р. Саккиз флакон француз атирини сотиб олишга қурби етмайди! Қанча маош олиши мумкин. Шунча нарсани сотиб олиши учун бир неча ойлаб оғзига қулф солиб қўйиш керак!

А Р С Л О Н. Ҳа, бўпти. Сиз ҳақдирсиз ҳам. Аммо оқибат нима бўлди? Бировнинг машинасини пачоқ қилиб, уч юз сўмга тушдингиз. Хотинингиз аразлаб уйдан чиқиб кетди, қизиникида яшаб юрибди. Ҳайҳотдек ҳовлида бир ўзингиз ҳувиллаб қолдингиз. Болаларингиз ҳар қаёқда, қизингизни бу ерга келтирмайсиз, ҳолингиздан хабар оладиган бирон кимса йўқ. Биз келайлик, десак, хуш кўрмайсиз. Хотинини чиқиштирмайсиз. Қўшнилари сизни кўрса, четлаб ўтишармиш. Ахир, одамлар орасида яшагандан кейин, маълум одатларга риоя қилиш керак-да! Умрингиз узоқ бўлсин-у, иссиқ жон, бирон кўнгилсиз воқеа рўй берса, тобутингизни кўтарадиган одамлар шулар-ку! Нега ҳаммани зада қиласиз? Сизни ҳатто тўйларга чақирмай қўйишибди. Домкомингиз одами айтиб қолди: бир қўшнингиз етти йил азоб чекиб келган экан, бошқаларга қўшилиб кўнгил сўрагани кирмабсиз ҳам! Жеркиб берибсиз!

А К Б А Р. Нима учун уникига кириб, кўнгил сўрашим керак экан?! Нима, у қон кечиб, Рейхстаг пештоқига байроқ кўндириб кептими — мен уни муборакбод қиларканман? Ёки қон топибдими? Ё саҳрога сув чиқарибдими? Бўрдоқига мол боқиладиган фермада қилган ўғирлиги учун етти йил муҳлатга қамалиб кетган ҳаромхўр! Сенга қолса, мен уникига кириб, кўнглини овлашим, хушмад қилишим, ошини еб чиқишим керак экан-да?! Қай кўнгил билан сен, менинг укам, ўз акангга ҳаром нарсани муносиб кўрдинг? Наҳот мени шу йўлга киради, деб ўйладинг сен? Наҳот сен мени шу қадар гўл, жиловини бурсам, қайрилиб кетаверади, деб ўйлаган бўлсанг?! Билиб қўй, ука, етти йил қамоқда ётиб келган ўғрининг оши ўтган томоғимни бўғизлаб ташлайман, аммо кўйингга кирмайман! Чувварани хом санабсан!.. Ҳамма бало шундаки, мен урушдан аввал туғилганман, сен эса минг тўққиз юз элгинчи йилда туғилгансан, босмачилар билан курашиб, қўлида милтиқ билан болаларга дарс берган, иккинчи жаҳон урушига биринчилар сафида кетиб, Берлингача жанг қилиб борган, ғалабага ўз ҳиссасини қўшган, беш марта ярадорланиб қайтган ва ўша осколкалар асоратидан ўлиб кетган ота тарбиясини

олмагансан! Отамиз вафот этганида олти ёшли бола эдинг, ҳеч нарсани англамасдинг. Отамиз тарбиясини олганинда, ҳақиқий ақида, инсоний қайсарлик, олижаноблик нима эканини билардинг! Нотаниш одамни қутқарибсиз, деб менга дашном берган бўлдинг. Сенинг ҳаётингда балки бунақа имтиҳон бўладиган, фазилатларингни бу йўсинда синайдиган ҳодисалар дуч келмагандир. Дуч келган бўлсаям, сен уларга чап бериб ўтгансан, мен бунга аминман. Бу кўйга тушиш, ички нидони бўғиш учун биринчи синовга чап берсанг, кифоя, қолганларига осонликча чап бериб кетаверасан, виждонинг ҳам қийналмайди, уйқунг нотинч бўлмайди. Ҳаёт ўзи шунақа, иложим қанча, деб қабиҳлигинг сабабини ҳаётга ағдарасан, ҳатто қабиҳлигинг учун ҳаётингдан керакли далиллар ҳам топасан. Бир эслагин, у пайтлар студент эдинг, Оҳангарон тоғларига институтингдан практикага чиқувдиларинг. Бир студент йигит курсдош қиз билан кийик ўти тергани чиқишганда, студент қиз оёғи тойиб, жарга қулаган экан. Йигит эса қизни ўлди, гувоҳ бўла олмайди, деб кўрганим йўқ, мен бўлак томонга кетувдим, деган экан. Сен ўшанда қаттиқ изтиробда, зўр ғазабда қайтувдинг. Сен ҳозир ўша Арслонмисан? Йўқ! У Арслон етмишинчи йилларда ўша тоғлар қўйнида қолиб кетган, руҳи ҳали ҳам изғиб юргандир. Агар ўша Арслон ҳозир бўлганида, ака, чўкаётган одамга қўл чўзибсиз, қутқарибсиз, яхши қилипсиз, дер эди, фахрланар эди. Эндиги Арслон бўлса, менга дашном беряпти, ўз ботқоғига торта олмаётганидан азият чекапти. Ахир, укаларим, чўкаётган одамни кўратуриб, ёрдам бермаслик — бу жиноят-ку! Жиноят! Жиноятга мени итаришга қандай қилиб юракларинг дов берди? Қандай қилиб? Ахир, бунақа яшашнинг ўзи — жиноят! Бунақа жиноят учун суд қилиш керак! Бефарқликда, тошюрракликда айблаб, жазолаш керак...

О Р Т И Қ. Жуда ошириб юбордингиз, ада... Унчалик эмас-да, ахир. Ҳа, тўғри, унча-мунча нуқсонларимиз бўлиши мумкин. Сиз, албатта бошқача одамсиз... ўз ғояларингиз, шиорларингиз бор, сиз ўша ғояларингиз талабига кўра яшайсиз. Аммо биз, укангиз Арслон, куёвингиз мен, сизни авайлагимиз келади, ғояларингизни байроқ қилиб ҳилпиратманг, кулгили бўлманг, олтмишга кириб қолдингиз, савлатлироқ бўлинг, бачкана ҳаракатларингизни қўйинг, деймиз, сиз ҳеч тушунишни истамасиз.

А К Б А Р. Шунақами? Қайси ҳаракатим бачкана экан?

О Р Т И Қ. Ўз қизингизнинг айтишича, масалан, сиз аллақанақа китоблар сотиб олиб, почта орқали қандайдир ёзувчиларга жўнатармишсиз. Буни қандай тушуниш мумкин? Нима, ёзувчилар сизнинг юборган китобларингизга муҳтожми?

А К Б А Р. Мен ёзувчиларга почта орқали юборган китобларим аллақандай китоблар эмас, ўша ёзувчиларнинг юз минглаб нусхада нашр этилган, сотилмай, магазин токчаларида йиллар мобайнида чанг босиб, ахир арзонлаштирилган магазинларга силқиб борган китоблари! Китоб-а! Китоб! Китоб учун бундан аянчли, бундан тақдир қисмат борми ўзи?! Тўғрими-тўғри магазинда сотилмаган китоб арзонлаштирилган магазин токчасида пайдо бўлса, қанақа обрўи қолади, қанақа қиймати бор, кимга керак касодга учраган китоб? Ахир, шу арзонлаштирилган китобнинг нусхалари учун неча тонналаб қоғоз сарф бўлган, қанчадан-қанча мутахассислар нашрга тайёрлашган, босмаҳонадаги юзлаб одамлар меҳнат қилишган, пировардида бу китоб керакмас экан! Демак, ҳеч ким бу китобни кечалари уйқусидан воз кечиб ўқимайди, ҳеч ким шу китоб деб уйига ошиқмайди, ҳаловатини йўқотмайди. Айни бир пайтда, яна битта шунақа китоб босмаҳона дастгоҳларидан қат-қат чиқаётган бўлади! Яна биттаси нашрга тайёрланаётган бўлади. Шуни сиз бачкана иш дейсиз! Бу бачкана иш эмас! Бу ёзувчиларнинг рўпарасига қўйилган ойнаси, аянчли ҳайкали, деб биламан. Ҳамманинг рўпарасида доим ойна бўлиши керак, токи ҳар бир одам ўз қиёфасини ҳамиша кўриб туриши шарт. Лоақал бир ойда бир марта. Бўлмаса одам башараси қийшайиб, баъзи кезларда махлуқ тусига кириб қолганини ўзи билмай қолиши мумкин. Масалан, Ортиқжон, сизни олайлик. Келинг, ўша ойнага биргалашиб қараймиз, розимисиз?

О Р Т И Қ. (Жилмаяди.) Марҳамат.

А К Б А Р. Аммо айтиб қўяй, башарангиз қийшайиб кўринса, айбни ойнага қўймайсиз...

О Р Т И Қ (Беписанд). Бояги, жазолаш керак, деган шиорингизни амалда кўрсатмоқчимисиз? Ожизлик қиласиз, ада, бекорга уринманг. Мен ўз қиёфамнинг қанақалигини яхши биламан.

А К Б А Р. Шунақами? Майли, балки сиз ҳақ чиқарсиз. Лекин ойнага бир назас ташлайлик, а?

Ортиқ елка қисади, Арслонга қараб қўяди.

Эсингизда борми, бир йил бурун, менга маслаҳат солган бўлиб, мени бошқача муовиннинг муовинлигига кўтаришмоқчи, девдингиз, гўё мен йўқ, деса...

гапимга кулоқ соладигандек. Унда сиз бошқармада бўлим раҳбари бўлиб ишлардингиз. Шундайми?

О Р Т И Қ. Шундай бўлиши мумкин, ҳозир эсимда йўқ.

А К Б А Р. Ҳозир эслайсиз. Бу шу қадар ёрқин, бир умр хотирадан ўчмайдиган бахтли онлар бўлганки, эсда қолмай иложи йўқ. Сизлар ўшанда оила-оила бўлиб мудирингиз бошчилигида тахминан ўн киши сайр қилгани тоғ этакларига — маёвқага чиққансизлар. Олдин юборилган ошпазу дастёрлар боришларингизга ҳамма нарсани тахт қилиб туришган. Тоғдан шарақлаб оқиб тушаётган сойнинг бўйида, мажнунтоллар экилган майсазорда бўлган дам оладиган жойларингиз. Эсингизга тушяптими, Ортиқжон? Балли! Қиттай-қиттай отгансизлар, кабоб егансизлар, волейбол ўйнагансизлар, яна ичгансизлар, кайф авжида! Шўхлик қилгансизлар, майсага юмалагансизлар, курашгансизлар. Мудирингиз Шарипов ҳазил йўлига сизни от қилиб минган, хивич билан сизни урган, сиз ўйноқилаб йўрғалагансиз, кейин Шарипов эркалатиб, сизни яна хивичлаган, той бўлиб кишна, деган, сиз той бўлиб кишнагансиз! Шарипов ўт юлиб, олдингизга ташласа, сиз ўтни ҳам еб ташлардингиз!..

У. НАЗАРОВ ◆ ОЙНА ◆ ПЬЕСА

Ортиқнинг ранги оқаради, у кўзини полдаги бир нуқтадан узмайди. Арслон ичидаги ғазабини аранг босиб ўтиради.

Бу гапларни менга сизнинг хотинингиз, менинг қизим Марям ҳазил йўлига мароқ билан гапириб берган эди. Менга деб, нотўғри айтдим, онасига гапириб берган эди, мен кўшни хонада ишлаб ўтирувдим. Ушанда Марямни эркалатиб, нуқул «Биби Марям», «Муқаддас Мария», деб атаган экансиз. Марямнинг оғзи кулоғида. Узингиз Муқаддас Мария кимлигини биласизми?

Ортиқ индамайди.

Мен сиздан сўраяпман. Е ҳа, денг, ё йўқ!

О Р Т И Қ. Гапираверинг энди. Яна ўша гап. Марямга совчи юборганимизда, ҳайдаган эдингиз. Ҳеч тақдирга тан бергингиз келмайди. Ҳатто тўйга ҳам бош кўшмагансиз, қаёққадир жунаворгансиз. Чунки тўй раўйингизга қарши бўлган эди. Тўйни ҳам азага айлантриб юборгансиз. Бечора Марям, хотинингиз қанчалар йиғлашган. Ўз қизингизга ёвдек қарайсиз. Иккита фарзанд кўрдик, сиз ҳануз тан олгингиз келмайди, доим кир қидирасиз, қопмоқчи бўласиз. Боя очиқ суд қилиб, жазолаш керак, девдингиз, энди қанақадир «Муқаддас Мария» билан чалмоқчи бўласиз.

А К Б А Р. Муқаддас Марямнинг исмини биринчи бўлиб сиз атаган экансиз — ўша майсазорда! Соё бўйида! Той бўлиб кишнаганингизда! Хўш, Муқаддас Мария ким? (Арслонга.) Арслон, сен биласанми?

А Р С Л О Н (ижирғаниб). Маъжусийларнинг худосидир-да... Нега энди шу номга ёпишиб олдингиз?

А К Б А Р (гапга эътибор бермай). Мана, Арслон ҳам аниқ билмас экан. Қани ўзингиз айтинг, Муқаддас Мария ким бўлган?

О Р Т И Қ. Ушанда Рая деган ходимимиз шунақа девди, менга ёқиб кетиб, қайтара бошладим. Шундан ҳам ўян қидириш керакми энди?

А К Б А Р. Ривоя қилишларича Муқаддас Мария, яъни Биби Марям Исо пайғамбарнинг оналари эмиш. Муқаддас Мария эр кўрмай, ҳомиладор бўлиб қолган... (Бироз жим қолади.) Ортиқжон, шу ростми?

О Р Т И Қ. Нима, эр кўрмай ҳомиладор бўлиб қолганими?

А К Б А Р (синовчан тикилиб). Тойчоқ бўлиб кишнаганингиз?

Ортиқ бошини четга ўгиради.

Ҳазил, деб одам нималар қилмайди, дейсиз, ука? Нима бўпти? Ҳеч гап эмас. Шариповни миндириб беш-ўн қадам йўрғалабсиз, нима бўпти, белингиз синмапти-ку?... Кишнапсиз, одамларни хурсанд қилипсиз... Лекин шу арзимас ҳангома эвазига муовин бўлиб олдингиз, тагингизда машина. Дастурхонингизда анвойи мевалар — бананлар, ананаслар, алламабало ичимликлар... Болаларингизга ўша анвойи меваларни едирганингизда, ол, е, буларга мен хўжайинимни устимга миндириб эришганман, бу меваларни тойчоқ бўлиб кишнаб, сассиқ ўт ямлаб топганман, дейсизми? Болалар бу хизматларингизни билиши керак, акс ҳолда қадрига етишмайди... (жимиб қолади.) Агар райингизга юрсам, Ортиқжон, устимга кимнидир миндиришим, той бўлиб кишнашим, сассиқ ўт ейишим керак бўлиб қолади. Наҳот мени ўзингизга ўхшатмоқчи бўлсангиз, наҳот башарангизни меникидан аъло, деб билсангиз?!

А Р С Л О Н. Ака, жуда ҳаддингиздан ошаверманг, каттаман деб! Сал эви билан-да!

А К Б А Р (укасининг гапига қулоқ солмай). Ҳали сиз мени йўлга солмоқчи бўлдингизми? Мени ўз сўқмоғимдан олиб, сассиқ ботқоқлардан ўтган йўлингизга қўймоқчи бўлдингизми? Раҳмат! Сиздан шунча мурувват кутмовдим! Наҳот шу сиз эришган қулайликлар, тўқисликлар, имтиёзларнинг баҳоси шу қадар баланд? Наҳот шу анвои мевалар, машина, алоҳида уй — шу қадар қимматки, эвазига одам ўзи учун энг муқаддас бўлган зуннорни бўйнидан узиб ташласа? Менга қаранг, Ортиқжон, хўжайинингизнинг тағин ҳам инсофи бор экан, ҳамиятингизни аяпти. Агар у, эшак бўлиб ханграб бер, ёки чўчка бўлиб чийиллаб бер, деса — чийиллармидингиз?

А Р С Л О Н (чидай олмай). Ака, бас! Тўхтатинг!

А К Б А Р (ўшқириб — укасига). Сен тек ўтир!!! (Ортиққа.) Чийиллармидингиз? Ортиқжон?.. Чийиллардингиз!!! Фақат керагидан олдинроқ чийиллаб қўйманг. Янги амалнинг ҳиди чиққанда чийилларсиз. Агар бемавруд чийиллаб юборсангиз, бевақт қичқирган хўроздек, каллангизни узиб ташлашади. Ахир, ойнада намоён бўлган қиёфангиз — шу калланинг бир бўлаги, шунинг учун каллани авайлаш лозим...

О Р Т И Қ (столни бор кучи билан уради). Сиз нега ҳаддингиздан ошасиз? Сиз ким бўлипсиз? Мен нима — сизга қаровманми, нон-сув сўраяпманми? Сиз нима, прокурормисиз?! Прокурорлигингизни кўрсатиб қўяман! Қизингизни итқитиб ташлайман, ўтирасиз ой-товоғингизни бағрингизга олиб!

А К Б А Р. «Ой-товоқ?» Яна қайтаринг, марҳамат қилиб.

О Р Т И Қ. Ой-товоқ!

А К Б А Р. Шу оғиз, шу тил сизникими?

О Р Т И Қ. Кимники, бўлмаса?!

А К Б А Р. «Муқаддас Мария», «Биби Мария» деган иборалар ҳам шу оғиздан чиққанми? Ё тавба!! Демак, битта оғиздан ҳам ширин, ҳам ифлос сўзлар чиқаверар экан-да? Қайсинисига ишонинг керак? Қайсиниси рост? Менимча, кейингиси рост бўлса керак. Биринчиси ҳар эҳтимолга қарши бирон чўнтагингизда тураверади. Пайти келганда, шартта чиқарасизу ҳаммани лол қолдирасиз! Узингизни олижаноб, зийрак ва меҳрли одам қилиб кўрсатиш учун! Шунақами? Энди менга бир нарсани айтинг-чи, куёв, сиз қайси бири билан яшайсиз? Муқаддас Мария биланми, ё Ой-товоқ биланми? Қайсиниси билан?

О Р Т И Қ. Қайсиниси керак бўлса, шуниси билан!

А К Б А Р. Демак, биринчиси қулай пайтда — Муқаддас Мария билан яшайсиз, иккинчиси қулай пайтда — Ой-товоқ билан. Тўғри тушунган бўлсам, битта ўзингиз ҳам Муқаддас Мария билан яшайсиз, ҳам Ой-товоқ билан! Бу қийин эмасми? Ё ўзингизни ҳам икки қисмга бўлиб қўйганмисиз? Бир қисми Муқаддас Марияга, иккинчи қисми Ой-товоққа? Декабристлар!

А Р С Л О Н. Ака, нималар деб, алжираяпсиз? Декабристлар, дейсиз! Ҳозирги гапга декабристларнинг нима алоқаси бор? Ақлингиз жойидами? Нима деяётганингизни ўзингиз тушунасизми, ака?

А К Б А Р (ўзини тутиб). Сени ҳали хабаринг йўқми бу иборадан?

А Р С Л О Н. Сенат майдони. Петербург. Исён. Декабристлар. Ким билмайди буни?

А К Б А Р. Тўғри.

Пауза

(Ортиққа). Куёв-тўра! Сиз айниқса бу иборани яхши биласиз. Ҳали эсингиздан чиқмаган бўлса керак. Ушанда сиз амал поғонасидан энди-энди кўтарилиб бормоқда эдингиз. Шунинг учун ўзингизни ўта камтар, ишга берилган қилиб кўрсатиш учун бир неча йил мобайнида биронта курортга бориб дам олмагансиз. Отпускани фақат қишда, декабрь ойида олардингиз. Беш-тўртта ўзингизга ўхшаган камтар улфатларингиз ҳам шунақа декабрь ойида отпуска олишарди. Сизлар ўшанда ўзларингизни ғурур билан «декабристлар» деб атагансизлар. Эсланг, аллақайси заводнинг бўшаб қолган пансионатини тағ-туғи — ошпазларидан тортиб массааж қиладиган жувонларигача сотиб олардиларинг. Ҳамма нарса муҳайё: фин саунаси, гиламлар, биллиард, антиқа жиҳозлар, турли-туман таомлар, анвои ичимликлар, тунука идишли пиволар, бир кечага бориб хизмат қилиб келадиган машшоқлар, раққосалар, жононлар... Кайф-сафо, таралла-бедод! Шундай жойни сизлар «сургун», ўзларингизни эса «декабристлар» деб атабсизлар!.. Нас урган шаҳвона ҳаётни «сургун» деб аташ, бадмаст иштирокчиларини «декабристлар» дейиш... Қандай разолат!

А Р С Л О Н. Ака, энди булар шунчаки ҳазил йўлига...

А К Б А Р (гапини бўлиб). Ҳазил йўлига? (Ортиққа.) Органдагиларга топширгасправкангиз ҳам ҳазил йўлигамиди? Эсингизда бўлиши керак, ўша ишратхоналарингизни сири очилиб, тегишли идоралар шуғуллана бошлаганда, типирчилаб

қолувдиларингиз. Энди силжий бошлаган амалингиз чил-парчин бўлиши мумкин эди — сиз аллақайси йўл билан сгравка олиб келиб топширгансиз!

А Р С Л О Н. Справка топширган бўлса, бунинг нимаси ёмон?

А К Б А Р. Справканинг мазмуни «мен жинсий ожизман», яъни медицина тили билан айтганда — «импотентман», «маиший ишларга ярамайман» дейилган экан. Уз қўллари билан топширган эканлар!..

О Р Т И Қ. Оғзингизга қараб гапиринг! Нима ҳаққингиз бор мени ҳақорат қилишга? Нима ҳаққингиз бор?!

А К Б А Р. Мени жосусликка итаришга нима ҳаққинг бор? Менинг ардоқларимни, байроғимни тепкилашга нима ҳаққинг бор?!

О Р Т И Қ (Арслонга). Ана, ўртоқ, акангизни кўриб кўйинг! Қизи менинг қўлимда, шунгаям андиша қилмаяпти бу одам. Уз фойдасини билмаган!.. Гапга қулоқ солмайсиз, Арслон, акангиз аллақачон эсидан озиб қолган! Мажбурий равишда жўнатиш керак, даволаш керак! Бу одам жамият учун хавfli унсур! Арслон, оғайни, гапимга унанг, ўзингиз телефон қилинг!..

А К Б А Р. Сизлар бу ерда қолиб, мен жиннихонага боришим таажужбли эмас! А Р С Л О Н. Ака, тилим бор, деб валдирайверманг!

А К Б А Р. Тек ўтир сен! Ҳали сенинг башарангга ҳам ойна тутаман, кўрасан сен ҳам турқингни!

А Р С Л О Н. Раҳмат! Битта ойна ҳам қифоя. Биз сизнинг манфаатингизни кўзлаб келувдик, ҳамма нарсани расво қилдингиз! Энди биз кетамиз. Нимаики бўлса, ўзингиздан, ўз хулқингиздан кўринг! Биз сўнги марта сиз билан суҳбатлашиб кўрмоқчи эдик, ҳаммасини яна ўзингиз буздингиз! Сизни ўзи эпаккага солиш учун бошқа чора керак экан!..

А К Б А Р. Сен ҳам шу фикрдамисан, Арслон! Шунча кўйиб гапирганларимни эси оққанликка йўйдингми? Наҳот фикрларим руҳий касалниккага ўхшаса?.. Унда билмай қолдим, ким руҳий касал...

А Р С Л О Н. Келинойим ҳам — у киши врач — инкор қилмаяптилар. Кечирасиз, ака, шуларни юзингизга айтишга тўғри келди, нима қилайлик, ўзингиз тушунишни истамасангиз. Энди бизга жавоб.

А К Б А Р. Тўхта! Икки оғиз гапим бор сенга. Бир кунмас-бир кун айтишим керак эди бари бир. Сенлар энди мени кўйишмайсан, билдим. Лоақал айтиб олай, зора фойдаси тегса...

А Р С Л О Н. Бўла қолинг, шошилиб турипмиз.

А К Б А Р. Шошма, ўтир!

Акбар шошмай туради, уйга кириб, докага ўроғлиқ нимадир олиб чиқади, столнинг четига қўяди. Эшик остонасида Қосим пайдо бўлади, бироз ҳушига кела олмай, анграйиб туради. Арслон акасига ишора қилади.

(Қосим томон ўгирилиб.) Э, Қосимжон, ошна, турдингизми? Уйғотвордик шекилли, а? Биз бу ерда кўп бақирдик (Ўрнидан туриб, Қосимга яқинлашади). Уйғонганингиз жуда соз бўлди! Мен ҳозир сизни қариндошларим билан таништириб қўяман. Марҳамат! (Қосимнинг енгидан ушлаб олиб келади.) Сизни булар танишмайди. Сиз булар учун «қанақадир нотаниш бегона одам». Нотаниш бўлмаслик учун таништириб қўяй. Томошамиз кейин давом этади.

Қ О С И М. Ассалом алайкум.

Арслон билан Ортиқ совуқина саломлашишади.

(Акбарга.) Қанақа томоша?

А К Б А Р. Ажойиб томоша. Пулсиз. Ҳозир ўзингиз кўрасиз. Аввал томоша ижрочилари билан танишинг — бу киши Арслон, менинг укам, фан кандидати, ривожланаётган мамлакатларнинг бирига бориб тўрт йил ишлаб келган.

Қ О С И М (Арслонга). Яхшимисиз?

А К Б А Р. Бу киши — Ортиқжон, қизимнинг эри! Бошқарма мудирининг муовини. Утга жуда ўч!

Қ О С И М (ҳеч нарсага тушунмай). Қанақа ўт?

А К Б А Р. Кейин айтиб бераман. Кейин. Мени кўргани борганингизда.

Қ О С И М. Қаёққа кўргани борганимда?

А К Б А Р. Жиннихонага!

Қ О С И М. Нималар деяпсиз, ошна? Ҳеч нарсага тушунмаяпман. Жиннихона деганингиз нимаси?

А К Б А Р. Жиннихона-да! Шуниям билмайсизми? Ҳеч қачон эшитмаганмисиз? Ундоқ бўлса, сўранг булардан, булар яхши билишади. Балки бориб, бош врач билан гаплашиб ҳам келишгандир.

АРСЛОН (ўшқириб). Ака, бас! Алжилламанг! Энди бу киши олдида ҳам майна бўлмоқчимисиз?!

АКБАР (укасининг гапига эътибор бермай). Утиринг, Қосимжон. Мана — чой, томоғингизни ҳўллаб олинг.

Қосим таажжуб ҳолда пиёлани олади, чой ҳўплайди.

ҚОСИМ. Ўзи нима бўлаяпти?

АКБАР. Суд бўлаяпти! Қайсар ака ва бебош қайната устидан! Суднинг ҳукми аллақачон аниқланган! Бугун улар ҳукми амалга ошириш учун бу ерга келишган! Маҳбус мен бўлганим учун охириги сўзни олмоқчиман. Ижозат борми?

Арслон билан Ортиқ жавоб беришмайди. Қосим гоҳ уларга, гоҳ Акбарга олазарак қарайди.

Сукут — розилик аломати. Бошладик... (Бир неча дақиқа жим ўтиради.) Арслон. Мана энди эсла. Хорижий мамлакатга кетишча керак, ҳужжатларингни расмийлаштираётган бир пайт эди. Шу муносабат билан иш бузилмаслиги учун хотининг Саиданинг туғилганини баҳона қилиб, бир тўда раҳбарларингни ўйингга меҳмонга чақирган эдинг. Институтинг директори кайфи ошиб қолиб, Саиданинг қўлларини ҳўп ўпган, танцага тушиб, белидан маҳкам олган, ёғли лабарини хотининг томоғига босган. Сен ўзингни кўрмаганга солгансан, ўзингни юмурига уннаган қилиб, ошхонага чиқиб кетгансан. Ярим ой ўтар-ўтмас хотининг, местком Ялтага арзон путёвка бермоқчи, борсам нима дейсиз, путёвка куйиб кетади, деганида, майли, бориб келақол, анчадан бери дам олмагансан, дегансан. Хотинингни жўнатгансан, ҳафта ўтмай, институтнинг директори ҳам Ялтага кетган. Сен тасодиф, деб ўйлагансан. Бир шерининг Ялтада хотининг билан институтнинг директорини кўрган экан, оқизмай-томизмай, келиб сенга ҳаммасини айтган. Сен қўлоғингни кар, кўзингни кўр қилиб олгансан. Бу гап директорининг хотинининг ҳам қўлоғига етиб борган экан, у ўйингга келиб, жанжал кўтарган, сени ҳезалак деган. Аммо сен бунга чидагансан. Ялтага бориб хотинингни олдинга солиб келмагансан, директоринг тумшугига мушт туширмагансан! Чунки сенинг ҳаёт-мамотинг, ривожланаётган мамлакатга кетишларинг масаласи унинг қўлида эди! Хотинингнинг ҳам орзуси шу эди! Шунинг учун у курортдан қайтиб келганида, чурқ этмадинг, жанжал кўтармадинг, ўйингдан чиқиб кетмадинг! Аксинча, ўзингни билмаганга, эшитмаганга солдинг, директоринг қолдиғига шерик бўлиш учун, ёнига кириб ётдинг.

АРСЛОН. Бўхтон! Бўлмаган гап! Ўзингизнинг мафқурангиз бузуқ! Ниятингиз ёмон! Одамларнинг беғараз ҳаракатларини ўзингизнинг ҳаром тахминларингиз билан ўлчаيسىз! Сиз ғаламис, ҳасадгўй одамсиз! Сиз ҳаётда нуқул ифлос, қинғир нарсаларни кўрмоқчи бўласиз! Сиз илонсиз! Чаёнсиз! Теккан нарсангизни заҳарлайсиз! Битта гулдан ари асал, илон заҳар тўплайди. Сиз нуқул заҳар тўплайсиз! Сиз илонсиз! Илоннинг бошини мажақлаб ташламаса, ҳамма нарсани заҳарлайди! Сиз ҳақиқатда хавfli унсурсиз! Сизни жамият ҳаётидан юлиб-ажратиб, махсус изоляторда сақлаш керак!.. (Фигони чиқиб.) Саида бошқа курортда бўлган, Каримов бошқа курортда! Улар умуман бир-бириларини кўришган эмас!

АКБАР. Кўришган эмас! Нега бўлмаса шерининг гап топиб келди?

АРСЛОН. Наҳот тушунмасангиз? Хорижий мамлакатга боришга у ҳам илинжи бўлиб юрувди. Нима бўлса ҳам, нияти мени Каримов билан уриштириб қўйиш эди! Менинг ўрнимга ўзи кетмоқчи эди! Шунинг учун директорнинг пинжига кираман, деб у Ялтага жўнаган, қўй сўйиб олиб борган, коньякларни тахлаб ташлаган, Каримовнинг хизматларини қилган, бу ёққа хотиним устидан уйдирма, бўхтон кўтариб келган! Мени шу қабиҳ усул билан майиб қилмоқчи, қўлатмоқчи бўлган! Аммо мен тузоғига илинмадим! Чунки мен билардим — у маккор, ориятсиз рақиб эди!

Телефон жириглайди.

ҚОСИМ (кескин ўрнидан туриб). Акбар ака, кечирасиз, бу кўнғироқ мента бўлиши керак, олсам майлими?

АКБАР. Марҳамат Қосимжон, олаверинг.

Телефон жириглашда давом этади. Қосим югуриб бориб, телефон трубкасини олади.

ҚОСИМ (ҳаяжонда). Лаббай?!

Телефондан овоз. Қосим Мансурович, сизмисиз?

Қ О С И М. Ҳа, менман, Мансуровман. Қўнғироғингизни кутаётувдим. Телефондан овоз. Қосим Мансурович, қабул қилиш масаласи ўзгаргани йўқ. Ярим соат ичида етиб кела оласизми? Агар иложи бўлса...

Қ О С И М. Илож бор! Албатта етиб бораман! Албатта! Ҳозир йўлга тушаман. Телефондан овоз. Бўпти. Кутамиз.

Телефон калта ду-дутлайди. Қосим телефон трубкасини қўяди, ҳаяжонда Акбарга қарайди.

Қ О С И М (Акбарга ва ўтирганларга). Мени айбга буюрмайсизлар... Зарур иш чиқиб қолди. Кечирасизлар...

А К Б А Р. Гапни кўпайтирманг, Қосимжон. Узринг ўрнимас ҳозир. Чопинг! Қ О С И М. Бўпти! Раҳмат! Кетдим. Такси оламан.

А К Б А Р. Қосимжон, албатта қайтиб келинг! Кутаман! Уша ёқдан нари жўнаб қолманг — мени хафа қиласиз. Кутаман. Оқ йўл, Қосимжон!

Қ О С И М. Раҳмат, Акбар ака! Раҳмат. Албатта қайтиб келаман. Ахир, натижасини сизга айтишим керак-ку! Албатта келаман!

Югуриб чиқиб кетади. Орага оғир жимлик чўкади. Акбар ўтиради, Арслонга тикилади.

А К Б А Р (Арслонга). Уртоғингни маккор, ориятсиз рақиб, гапларини ёлғон, уйдирма, дединг, а?

А Р С Л О Н. Ҳа, ориятсиз рақиб, дедим!

А К Б А Р. Ҳм. Нега бўлмаса қайнатанг прокурорлик вазифасидан олинганидан кейин, ўша машмашани қўзғаб, хотинингни ҳайдадинг? Бир ойдан кейин? Нега курортдан қайтиши билан шу ишни қилмадинг? Чунки қайнатанг унда ўз жойида ишлар, ишдан четлатилмаган эди. Қайнатанг ўстидан тушган аноним хатлардаги тухматлар текшириш натижасида биронтаси ҳам тасдиқланмади, қайнатангни яна ўз вазифасида тиклашишди. Сен шу заҳотиёқ югуриб боргансан ўшанда! Хотинингдан узр сўрагансан, қайнотангга ялингансан! Директоринг Ялтада пайтида вақтинча унга топшириб қўйган хотининг яна уйингга қайтиб келган, яна ҳеч нарса кўрмагандек, гўё хотининг ўртада олинг-олинг бўлмагандек, яшаб кетгансизлар! Сабр таги роҳат, дейишганларидек, ҳеч қанча вақт ўтмай, чет элга командировкага кетдиларинг! Шўнча таҳқирланиш, уйқусиз, азобли тунлар эвазига олдиларингга суяк ташлашди. Бу суяк шу қадар мазали эдики, эр-хотин ўлжага шаппа ташландиларинг! Икки йил мобайнида биргалашиб суякни обдон ғажидиларинг, кейин суякни қоқувдиларинг, ичидан Газ-24 Волга тушди. Икки йил деганда, отпускага қайтиб келдиларинг. Олдиларингга ташланган суяк шу қадар ширин эдики, тўймадиларинг, иштаҳаларинг очилиб кетди, энди навбатдагисидан нима тушаркин, деб яна суяк қоққиларинг келиб қолди. Яна икки йиллик муддат контрактига қўл қўйиб келдиларинг. Даставвал кетаётганингда онамизнинг кўзлари ожизлашиб қолган эди, отпускага келганингда аранг кўрардилар. Сен онамизга ғамхўрлик қилган бўлиб, уйингга олиб кетдинг. Уғлинг пионерлар лагери, ўзларинг сумкани қўлтиққа босиб, «Волга» олиш билан уззу кун бандсизлар. Магазиндан базага, базадан магазинга югурасизлар. Кимсасиз уйингга бечора, ноғирон онамиз якка ўзлари қолиб кетган. Бир куни гандираклар шафқа бориб урилиптилар, шафқ ўстидан самовар бошларига тушиб, онамиз бир неча соат ҳушсиз қолди, саломатликлари ҳам кескин ёмонлаша кетди. Аммо сен шуни билатуриб, кетишингни бекор қилмадинг. Қайтага, онамиз ўлиб қолса, сафаримиз чатоқ бўлади, маросимлари билан ўралашиб қоламан, деб ҳужжатларинг чалалигини рўқач қилиб, эр-хотин Москвага жўнавордиларинг. Онамизнинг аҳволи оғирлашиб бормоқда, қолиш хавфи эди. Хайрлашаётиб, онамиз йиғлаган — сени бўлак кўра олмаслигига ақли етган эди. Бу хайрлашиш — хайрлашиш эмас, видолашув эди. Сен алланималар, деб онамизни юпатгансан, ёстиғи остига бир пачка пул-тиқиб қўйгансан. Беш юз сўм! Улим тўшагида ётган онамиз беш юз сўм пулингни нима қиларди? Ҳолва олиб ермиди? Еки саккиз тепкилик атлас олиб киярмиди? Сен ҳамманда ўзингга ўхшайди, деб ўйлайсан!

А Р С Л О Н. Мен унақа ўйламайман!

А К Б А Р. Уйламайсан? Одил деган ўртоғингни эсла! Билмай, ўғлининг кўзига йод қўйиб юборишганида, ўша заҳотиёқ, клиникага олиб бориш керак, деб, сенга телефон қилишгани! Сен ачингандин, койингансан, аммо машинангни бузуқ, дегансан. Бир дўстинг ёрдамингга муҳтож пайтида, сен қўл чўзмагансан! Балки ўшанда югуриб борганингда, мунчоқдек ўғли кўр бўлиб қолмасмиди!

А Р С Л О Н. Машинам ҳақиқатдан бузуқ эди! Нима, меникидан бўлак машина қуриб қоптими? Кўча тўла машина!

А К Б А Р. Ҳа, сен шунга ҳам баҳона топасан! Сенда ҳамима далиллар бор! Далилларинг бор, сени суд қилиб бўлмайди, аммо оналар бошига самовар тушиб,

бир ойга етмай ўлаверади, нораства болалар гавҳар кўзларидан жудо бўлади, еттита фарзанд отасидан етим қолиб кетади.

АРСЛОҢ. Етим? Нима, деб валдираяпсан?

АКБАР. Ахир бу воқеа рўй берганига ҳали бир йил ҳам бўлмади-ку! Дарров унутиб юбордингми? Машинангда одам босиб, қанча пуллар бериб, хотинидан тилхат олганинг эсингдан чиқдими? Хотини, даъвом йўқ, эрим ўзини машина тагига ташлайман, деб уйдан чиқиб кетувди, деб сенга тилхат берган эди.

АРСЛОҢ. Ростдан шунақа бўлган. Узи шунақа экан. Пияниста экан. Топганини ичар экан. Оиласига қарамас экан. Бунақа дардисар эрдан қутилганига уйдагилари ҳам хурсанд бўлишган!

АКБАР. Етим қолганлари учун балки сенга раҳмат ҳам дейишгандир. Оёғингга йиқилишгандир!.. Машинанг бузуқ эмас эди ўшанда! Ялтадан келаётган Каримовни кутиб олишинг керак эди!..

Арслон индамайди.

(Арслонга.) Нега ўшанақа қилдинг, Арслон? Нима учун?

АРСЛОҢ. Нима қилипман? Нима?

АКБАР. Беш юз сўм пул... онамизнинг ёстиғи тагига тиқиб қўйгансан?

АРСЛОҢ. Нега бўларди? Онам бўлганидан кейин, беришим керакда. Бурчим.

АКБАР. Сен пора олгансан. Онангга ҳам пора бергансан. Каримовга — институтнинг директорига — кўпроқ бергансан, албатта. Аммо онангга шу ҳам кифоя эди. Дафнига, унча-мунча маросимларига етиб берар, деб ўйлагансан. Ўлимида ўзинг бўлмаганингдан кейин, кўп пул ишлатишнинг нима фойдаси бор? Узинг бўлганингда — аямасдинг! Одамлар назарида обрў орттириш учун! Ўз онасининг ўлимидан ҳам фойдаланиб қолиш учун!

АРСЛОҢ. Сиз нималар деяпсиз, ахир, ака? Мени мутлақо разил, малъун одамга чиқариб қўйдингиз-ку! Обрў орттириш, дейсиз! Пора дейсиз! Қанақа пора? Нима учун пора?

АКБАР. Нима учун пора? Кўзи ожиз, ногирон онамизни уйингда ёлғиз ташлаб кетганинг учун — пора! Бошига самовар тушиб кетгани учун — пора! Кўзлари батамом кўр бўлиб қолгани учун — пора! Соғлиқлари ўшандан кейин кескин ўзгаргани учун — пора! Умрлари қисқаргани учун, ажалидан бурун ўлганлари учун — пора! Еттита бола етим қолгани учун — пора! Дўстинг фарзанди бир умр дунёни кўрмай ўтиши учун, жосуслигинг учун, жаллодлинг учун — пора!!!

Ҳамма жим. Оғир сукунат. Акбар докага ўроғлиқ пулни Арслон олдига ташлайди.

Ма! Ол! Ўлим тўшагида ётган онамизнинг ёстиғи тагига тиққан пулларинг. Тийинига ҳам теккан эмасман! Яна одам босганингда яраб қолар! Е Ялтага бориш учун хотинингга путёвка олиб берарсан!

Арслон индамайди. Қимир этмайди. Ортиқ бошини қўллари билан сиққанича, букчайиб ўтиради.

Онамизнинг — сен ажалини тезлаштирган онамизнинг қабрига тош қўйдим. Ўз меҳнатим — кечалари ухламай, кимларнингдир диссертацияларига рецензия ёзиб топган пулларимга!

Жимлик.

Нега ўшанда қолмадинг, Арслон? Нега кетишдан воз кечмадинг? Ахир онамизнинг омонатлигини, кўпга борса, бир ойлик умри қолганини билмай иложинг йўқ эди-ку?! Наҳот ўша серилик суяк волиданг умридан қиммат бўлса?! (Тўсатдан бақиради, бошини муштлайди.) Қанақа қилиб тинч ухлайсан? Қанақа қилиб гердайиб юрасан? Хотинингнинг ёнига қандоқ қилиб ётасан?! Каримовдан қолган олқиндини?! Наҳот шу ожиз кимса менинг отамдан бино бўлган?! Наҳот шу қўшмачини менинг онам туққан?! Наҳот мен шу ҳашоратлар, махлуқлар, йиртқичлар орасида яшашим керак?!

Нима қилдим сенга, худо, нега бунчалик азобга соласан мени?! Ол жонимни, йўқ қил мени! Йўқ қил!..

ОРТИҚ. Бу — жазава! Арслон, ўтинаман, ҳозироқ телефон қилинг! Ҳозироқ! Бўлмаса, ўзим чақираман!..

Ортиқ сакраб ўрнидан туради, телефонга отилади, аммо телефоннинг ўзи шитоб билан жиринглайди.

А К Б А Р. Тегма телефонга! (Югуриб бориб трубкани олади.) Алё!!!
Тоҳирнинг овози. Ада! Алё!!
А К Б А Р. Тоҳир! Тоҳиржон! Болам!
Тоҳирнинг овози. Ада? Алё!
А К Б А Р. Овозингдан ўргилай, болам! Эшитаман! Гапир! Гапиравер!
Тоҳирнинг овози. Ада! Суд мажлиси тугади! Биз ютдик, ада!
Ўқитувчини оқлашди! Тухмат қилганларнинг ўзлари жавобгарликка тортиладиган бўлишди! Ада, биринчи мустақил ишим! Биринчи мустақил ишим ютди, ада!
Ҳақиқат ютди! Ҳақиқатни топиб бўлмайди, деганларига энди ишонмайман, ада!

Акбарнинг кўзларидан ёш оқади. У гапира олмайди.

А К Б А Р (аранг). Раҳмат ўғлим, раҳмат!.. Ҳаёт барибир яхши! Яхши! Чунки ҳаётда сенлар борсанлар! Сенга ўхшаганлар! Номни ўзгартиришга кўнмаган режиссёрлар! Одамларга кўприк қуриб бериш учун жонини аямаган Қосимлар! Уз байроғига эгалар!... Сени яратиб, чакки қилмаган эканман! Ўлсам, кўзим очиқ кетмайди! Мен бунга аминман!

Тоҳирнинг овози. Ада! Нега овозингиз бунақа! Илтимос, ада! Аямни олиб келинг! Мен аям билан гаплашдим. Ўзлари ҳам мулзам. Кечиринг аямни! Ада, илтимос сиздан! Кечиринг!..

Шу пайт кўча эшик очилади, остонада беш яшар қизча кўринади. Йиғидан кўзларида ёш, жажоки қўлчалари билан қовоғини ишқалайди. Акбар телефон трубкасини қўяди.

А К Б А Р (қизчани кўриб). И-е, Зулфия! Қизим! Нега йиғлаяпсан? Ким сени хафа қилди? Кел бу ёққа! Мен сенга сақич олиб қўйганман. Келақол, қизим!

Зулфия ҳовлига киради. Акбар дераза тоқчасидан сақич олиб, Зулфияга беради.

(Зулфияга.) Ма, қизим! Ананай! Очиб берайми?

Зулфия «Ҳм» деб, бош ирғайди. Акбар сақичнинг қоғозини йиртиб, қизга беради.

Ма, қизим, оғзингни оч!

Қизча оғзини очади, Акбар оғзига сақич солади.

Қани, энди айт-чи, нима учун йиғлаяпсан? Нима бўлди?

З У Л Ф И Я (энтикиб). Оқиб тетти...

А К Б А Р. Оқиб кетди?

З У Л Ф И Я. Ҳм...

А К Б А Р. Нима оқиб кетди?

З У Л Ф И Я. Болам... оқиб тетти... алиқда...

А К Б А Р. Ариқда?

З У Л Ф И Я. Ҳм...

А К Б А Р. Қўғирчоғингми?

З У Л Ф И Я. Ҳм...

А К Б А Р. Э, шунақами? Ҳозир қараймиз...

Акбар ўйнинг орқа томонига чиқади ва ҳўл қўғирчоқ билан қайтади.

А К Б А Р (Зулфияга). Шуми қўғирчоғинг?

З У Л Ф И Я. Ҳм, шу.

А К Б А Р. Омборда тиқилиб ётган экан. Бугун ўзи ҳамма сувга тушадиган кун экан... Зулфия, ивиб кетибди боланг. Кўйлагини қуритиш керак, ечайми?

Зулфия бош ирғайди. Акбар қўғирчоқнинг кўйлагини ечиб сиқади, костюми осиглиқ арқонга осади, яланғоч қўғирчоқни стол устига ўтқизиб қўяди.

(Зулфияга.) Бирпас қурисин, совқотиб кетибди боланг, сочи ҳам ҳўл.

Акбар Зулфиянинг олдига чўккалайди, қизчанинг кўзларини артади.

Нега боғчага бормадинг?

З У Л Ф И Я. Авалия бўлди. Дадам минан «пўм» ман.

А К Б А Р. Нега? Сени даданг хафа қилдими?

З У Л Ф И Я. Боламми. Ел қимиллаганда боламми опчиқмадила.

А К Б А Р. Қўрқдингми?

З У Л Ф И Я. Ҳм. Жавлон яхши, дейди. Мактаб ёпилади, дейди.

Акбар жилмаяди. Шу пайт телефон жиринглайди. Акбар қаддини ростлаб, трубкани олади.

А К Б А Р. Алё! Лаббай!

Қ о с и м н и н г о в о з и. Акбар ака! Бу мен, Қосимман!

А К Б А Р. Эшитаман, Қосимжон! Ишлар қалай?

Қ о с и м н и н г о в о з и. Михдек! Ишлар аъло, Акбар ака! Мен кутганимдан ҳам аъло! Келаси ойдан лойиҳа ишлари тугаши биланоқ кўприк қурилиши бошланадиган бўлди, Акбар ака? Тасаввур қиласизми, шунча йиллар мобайнида судралиб келаётган иш беш минутда ҳал бўлди! Узимда йўқ хурсандман, Акбар ака! Ҳаракатларим бекор кетмади! Энди уйга юзим ёруғ қайтаман! Яхши ҳам эрталаб чўкиб кетмаган эканман! Армоним ичимда кетарди.

А К Б А Р. Табриклайман, Қосимжон! Бугун омадингиз юрган кун экан — чўкмай қолдингиз, ишларингиз муваффақиятли битибди! Табриклайман!

Қ о с и м н и н г о в о з и. Раҳмат, Акбар ака! Сухбатингизга тўймадим, Акбар ака, борсам, айбга буюрмайсизми?

А К Б А Р. Қосимжон, кутаман, дедим-ку! Тезда етиб келинг!

Қ о с и м н и н г о в о з и. Хўп бўлади! Есть!


Акбар телефон трубкасини қўяди. Юзида майин табассум Зулфияга яқин келиб, энгашади.

А К Б А Р (жилмайиб). Зулфия, арғимчоқ солиб берсам, учасанми?

З У Л Ф И Я. Ҳм, учаман. Арғимчоқни яхши кўламан.

Акбар бориб, сиртмоқ тагига стул қўяди, арқонни ечиб арғимчоққа айлантиради. Ёстиқча қўйиб, Зулфияни ўтқизади, учира бошлайди. Зулфия энтикиб, қиқир-қиқир кулади. Арғимчоқ борган сари баланд уча бошлайди. Зулфиянинг кулгиси янада баралла жаранглайди.

ПАРДА ЁПИЛАДИ.



Восит Саъдулла

«ЯНГИ ДЕВОН»ДАН

Адашмасман

Ўзим кирган улуғ роҳи равонимдан адашмасман,
Унинг таърифида ширин забонимдан адашмасман.

Жаҳон кўрдим, Ватан менга очиб кенг дилрабо йўллар,
Жаҳон ичра ўзим топган жаҳонимдан адашмасман.

Менга ардоқ билан доим: илм, ижод, ҳаёт берган,
Жаҳонга ибрати қутлуғ замонимдан адашмасман.

Шиори тинчлигу шодлик, мунаввар давлатим боис,
Фаровон турмушу дориламонимдан адашмасман.

Ғаму дардсиз киши меҳнат талаб, давримга бегона,
Чекиб заҳмат бу етган шодимонимдан адашмасман.

Ўзим ҳам қўшганим ҳисса, ўшал шону зафар ортиб,
Улуғ йўлларга чиққан карвонимдан адашмасман.

Азиз юрт меҳри кирган сўт билан, то мен тирик, чиқмас,
Этарда тавсифин, Восит, баёнимдан адашмасман.

Классик шоирларимизнинг сўз санъати чўққиси даражасига кўтарилган девонлари, дostonлари аруз вазнида ёзилган. Мен, арузнинг бағри тор, деган фикрга асло қўшилмайман. Аруз вазни ҳам бошқа вазнлар сингари шоирдан чуқур билим, кенг мушоада, сўзга бойликни, ҳаётни геран англашни, истеъдодни талаб қилади. Совет даври шеърятимизда Ҳамзадан тортиб, деярли барча шоирлар арузда ҳам асарлар яратдилар. Ҳозирги кунда ҳам бу вазнда муваф-

фақиятли ижод қилаётганлар оз эмас. Мен ҳам ўшаларнинг бириман. Арузда ёзган нарсаларимни тўплаб, тўрт девон тузишга ният қилдим. Биринчиси ўқувчиларга ҳавола этилди. Иккинчиси ҳам яқин орада бориб етади. Журналхонлар эътиборига тақдим қилинаётган мазкур намуналар эса ҳозир тайёрлаётганим — учинчи девонга қиради.

МУАЛЛИФ

Баҳорингман

«Ёз кўнгил яшнаб бугун, ёрим, баҳорингман», деди,
Бир ажойиб ноз билан, «ўз ихтиёрингман», деди.

Хайрият келдинг гулим, ҳажрингда кўп куйдим, десам,
«Мен ҳам ишқингда ҳамон, ёр-беқарорингман», деди.

Жон баҳо қўйсанг, харидоринг ўзим, девдим, кулиб,
«Менга ёр жонинг керак, жон бирла борингман», деди.

Бир умр ёр бўл менга, кўнглим қувонсин, деб эдим,
«Билмадингми сен ҳали, шодлик нисорингман», деди.

Бир чиқайлик, кел кулиб, гул сайрига, девдим, қараб,
«Боғ не ҳожат, боқ менга, мен гулузорингман», деди.

Сен билан бўлсам, ҳаётим гул бўлур ҳар он, десам,
«Сендан ортиқроқ азизим, бахтиёрингман», деди.

Тегмасин кўз, тушмасин ҳижрон, десам, Восит, яна,
«Сен кўнгилни тўқ қилиб юр, барқарорингман», деди.

Азизларим

Шундайин бир боғ қилай, булбуллар ошён айласин,
Мадҳини гул, бонг уриб, тонгларда дoston айласин.

Элма-эл кетсин унинг дунёга зўр овозаси,
Кўрмаганлар бир келиб, кўргунча армон айласин.

Меҳнат аҳли ҳар куни келсин бу боққа, руҳланиб
Ҳордиғи чиқсин тамоm, завқини дармон айласин.

Ёзда келса, тутгуси бу боғни гулларнинг ҳиди,
Ҳид хумор айлаб, келишга аҳду паймон айласин.

Ҳар баҳор йўқдир элимда бир кўчат ҳам экмаган,
Боғшуноским, ҳар кўнгил, элни гулистон айласин.

Яйрамаслар кам эрур, ўз ҳовлисига гул экиб,
Бас, уйин гулгун этиб, аҳдини чандон айласин.

Гул экиш ҳам парвариш айлашни Воситдан сўранг,
Ҳар киши ўз қалбига ибратни мезон айласин.

Ҳаммаи эътибор

Очил гул-гул, чаман-ёшлик, ғанимат навбаҳоринг бу,
Баҳордек бир Ватан фарзандисанким, ифтихоринг бу.

Ватан жонимдан ортиқроқ, дединг, эъзоз эрур менга,
Муқаддас сенда содиқлик эрур, эзгу шиоринг бу.

Не орзуларга интилсанг, етарсан эрк-қанотинг бор,
Эмас ҳайрона сен, ҳушёр, тетик ўз ихтиёринг бу.

Ватан ардоғидир қудрат сенга, қай ишга қўл урсанг,
Зафар ёринг бўлур меҳнатда, ҳар кун иқтидоринг бу.

Сенинг ёшингда мен сайр этмадим, сен кўп жаҳон кездинг,
Қўшиб шону шараф элга, қозонган эътиборинг бу.

Мададкоринг муҳаббат бўлди, сен ҳар ерда дар қолсанг,
Оғир йўл келса ҳам ўтдинг енгиб, омад, бароринг бу.

Ватан меҳри эрур дарё, қулоч от, чиқма бағридан,
Сенинг, Восит, ҳамиша эл, унутма, ғамгузоринг бу.

Ватан мадҳи

Ватан мадҳига пайваста равон қаламим бор,
Шеър мулкига тиккан мени ҳам ўз аламим бор.

Фаҳрим мени дарё қаламимданки, элимда
Ораста менинг ҳам азиз, қутлуғ қадамим бор.

Кўнглим тўла шодлик, амал бу шонли замонда,
Ким менга баҳо бергучи ҳаёт — ҳакамим бор.

Чопсам етаман орзуга, Ватан нажоткорим,
Эзгули ўйим, касбимда гўзал ҳашамим бор.

Сақлай Ватаним жон ила, ёр менга садоқат,
Эл олдида ичган мени онтим-қасамим бор.

Ўстирди элим бағрида, этди одампарвар,
Кўнглимда булоқ ҳар дилга меҳр, карамим бор.

Баҳтим шуки, Восит, мана эл кўнглида борман,
Руҳимни баланд этгучи илҳом — санамим бор.

Қолишмас

Гулим рухсори кўзгудан қолишмас,
Ҳавас қилса, бу орзудан қолишмас.

Эрур жонбахш қуёшдек ҳар нигоҳи,
У ёз қудратки, ёғдудан қолишмас.

Кўрар ботинни ҳам шахло кўзлари,
Сеҳрлашда у жодудан қолишмас.

Лабин васфини сиз сўрманг ўзгадан,
Дудоғин боли орудан қолишмас.

Дили сезгир, тўлиқ ҳисларга доим,
Вафо изловчи туйғудан қолишмас.

Ўзин асрар ёмон кўздан ҳамиша,
У ҳуркакликда оҳудан қолишмас.

Менга, Восит, амалдай тўтиё ёр,
Ки, ёрим васли дорудан қолишмас.

Ҷири Арғам

(Эркин Воҳидов ғазалига мухаммас)

Замондек эл аро машхур бўлиб, дунёга келгансиз,
Амал ойин билан масрур¹ бўлиб, дунёга келгансиз,
Алам, ғам, ғуссадин махжур² бўлиб, дунёга келгансиз,
Аёллар, сиз тароват, нур бўлиб, дунёга келгансиз,
Меҳр дарёси ичра дур бўлиб, дунёга келгансиз.

Жаҳон асло қувонч, ором надир ҳеч билмагай сизсиз,
Чаман, боғ далраболикка уриб барқ тўлмагай сизсиз,
Ки, ошиқ чехралар яйраб, юракдан тулмагай сизсиз,
Ҳаётнинг гулшани манзур, музайян бўлмагай сизсиз,
Бу гулшанга ки, сиз манзур бўлиб, дунёга келгансиз.

Ҳаёт маъмурлигидан бор эртаמידан кўнгил тўқлик,
Хаёл кўзгусига тушмас, бўлиб доғ зорлигу йўқлик,
Кўрар кўзким қаён борса, мукамаллик билан хўблик,
Ярашгай сизлара ёлғиз табассум, эркалик, шўхлик,
Яралмоқдин муродким, ҳур бўлиб, дунёга келгансиз.


Табиат ҳар маҳал инсон учун имкон, диловардир,
Бу уйғун дилраболикни башар сақлашга хушёрдир,
Қуёш боис: мусаффолик, кенг оламга ҳаёт ёрдир,
Агар гулғунчада боқий тирикликдан нишон бордир,
Ушал гулғунчада мастур³ бўлиб, дунёга келгансиз.

Даврга ҳамнафас яшнаб, унга сиз меҳрингиз товланг,
Меҳрга зор кўнгиллар бўлса гар шафқат билан авранг,
Ватан гулзор, келинг, Восит билан мадҳ айлабон сайранг,
Замон тинчликда, Эркин, соғ бўлинг сиз безавол яйранг,
Гўзал дунё каби маъмур бўлиб, дунёга келгансиз.

Андижон

1. Масрур — айрилган.
2. Махжур — ғолиб.
3. Мастур — махфий, беркитилган.





Матназар Абдулҳакимов

**ЮЛДУЗЛАР
АЙЛАНАР ТЕГРАНГДА**



Жасоратнинг юзи

Жамолин нурига мангулик тўлар,
Шу қадар нурафшон у фахр.
Лекин... чўнтакдамас, юракда бўлар,
Шунинг учун уни кўрсатмоқ оғир.

Орзу қилар ёзда сояки каслар,
Мафтун — ким доврўғи, кимдир фахрига.
Бироқ кўп ҳам қучоқ очавермаслар,
Ташланавермаслар унинг бағрига.

Азозил шаклида турган фаришта,
Навоси нафисмас, сўзи эмас бол.
Бағри юмшоқ эмас, бағри тим дағал,
Осмони мовиймас, осмони қаттол.

Қай бирин танлайсиз, айтинг-чи, ўзи,
Шунча хислатидан, бирини, айтинг?
«Лайли юзин кўрсин Мажнуннинг кўзи,
Фақатгина мажнун кўзлари Қайснинг».

Уни сўйлагувчи Машрабдек юрак,
Куйлагувчи Аҳмад Зоирдек марддир.
Уни қучмоқ учун Матросов керак,
Унга учмоқ учун Гастелло шартдир.

Мукаммал бир ошиқ, тугал бир жасур
Умид-орзусидир кўп замонларнинг.
Истайманки, бўлинг Қайсларнинг Қайси,
Қаҳрамони бўлинг қаҳрамонларнинг.

Унга учмоқ, уни қучмоқ, кўрсатмоқ,
Уни жо қилмоқни мард сўзингизга,
Куйлаб ҳаёт қолмоқ бахтин тилайман —
Сизнинг ёлғизгина бир ўзингизга.

Муаллим

Собир дорбоз дорга кичкинтойларни
кўтариб чиқарди. Томошабин ота-оналар
бу билан фахрланар эдилар...

Қариялар ҳикоясидан.

Собир дорбоз дорни баланд қурган кўп,
Арқонларни тортган таранг ҳам пухта.
Дорга чиқса улкан лангар — майда чўп
Ва ўзи кўринар бамисли нуқта.

Гоҳи чарх ураркан дорда қушсурат,
Гоҳ илиб қоларкан, ташлаб ўзини.
Тевага қарашга қилолмай журъат
Не-не мардлар ерга тиккан кўзини.

Лекин тилаганда фалақдан ёрдам,
Кўкка инонгандек нолаларини,
Эл ишониб унга шу баланд дорда
Опичлатиб қўйган болаларини.

Сўндирмаслик учун кифтга танғилган
Бир жуфт мурғак кўзлар маёғини у,
Кўзин боғлаб, на-да, йўлин ёнгилган,
На мункиган, боғлаб оёғини у.

Ўз қалтис йўлидан қиларкан ҳаво,
Солса ҳам минг-минглаб дилга хавотир:
Бир қалбда мардликдан чиқарган савод,
Тарбиялаб берган халққа бир ботир.

Муаллим ҳам шундай мовий диёрда,
Энг юксак ишончлар ўлкасидадир.
Фарзанд борки, унинг ихтиёрида,
Фарзанд борки, унинг елкасидадир.

У кенг майдонларда қуриб баланд дор,
Хатарнок ўйинлар кўрсатмас ҳарчанд.
Ногоҳ ташласа бир қадамни хато,
Бутун бир келажак ҳоли бўлар танг.

Шу боисдан, ҳар гал, эслаган нафас,
Муаллимга халқим қўйган ихлосни.
Қайковус ё Юсуф Хос Ҳожибмас,
Мен, кўпроқ ўйлайман Собир дорбозни...

* * *

Менинг Лайлию Ширинга монанд, сен, сарвинозим йўк,
На Фарҳодга, на Мажнунга, илож қанча, қиёсим йўк.

Сен, бир илтифот кўргузган кўнгил, осмонда лочиндир,
Қолиб четда нигоҳингдан, менинг бу имтиёзим йўк.

¹ Янглишган (хоразмча варианты.)

Кўзимдан кўнглима ботди умидлар, сен кетиб қолгач,
Қуёш янглиғ ловуллашга туганмас эҳтиросим йўқ.

Сен айтган таъналарга тош чидар, тошлар берар бардош,
Менинг бўлса вужудим тоғ эмас, тошдан либосим йўқ.

Қаён кетмак керак сенсиз, билолмасман сира, лекин
Минг илдиз отганим бу элда бир лаҳза турсим йўқ.

Сени севдим ва сенсиз мен чақинман, нури йўқ зарра;
Сени севдим ва сенсиз қалдиरोқман, гулдуросим йўқ.

Унутдинг ногаҳон, сен, Матназарни, бу азобингга
Сени ёд айламакдин ўзга ҳеч бир эътирозим йўқ.

* * *

Сарвинозим кезмаган боғлар ўзин боғ билмасин,
Боғ кезиб кўксимга ул қўйганлигин доғ билмасин.

Ям-яшил боғларга рашк айлаб уни, топдим хазон,
Тиндилар кўнглимда булбуллар, буни зоғ билмасин.

Кимки, ишқсиз — айтмангиз. Кетдим юракларга бугун,
Бахтга йўл топганлигимни энди гумроҳ билмасин.

Мен умид номли баланд тахтдан ёмон тушдим қулаб,
Янглишиб ҳеч бир гадо ногоҳ ўзин шоҳ билмасин.

Сўндилар бир лаҳзада пайдо бўлиб кулгичлари,
Кўмди бир жонимни у, кавлаб икки чоҳ билмасин.

Ёр кезиб кетган бу боғда сайр этиб хомуш ўзим,
Нолалар қилдим бугун — хоҳ билсин у, хоҳ билмасин,

Ишқ фанин ҳар саҳфасида минг уқубат, минг сурур,
Матназар, қутлуғ бу фан мангуга ислоҳ билмасин.

Оқшом хаёли

1

Юлдузларга лойиқ исмингга
Муносибмас сўник сўзларим.
Сен деб, юлдуз топайин десам,
Иложсиздир менинг кўзларим.

Бу орзудан воз кеча олмай,
Нигоҳимни кўкка қадайман.
Иккиланмай Қутб юлдузин
Сенинг исминг билан атайман.

Бу бахтдан у чарақлаб кетар,
Жилваланиб нозли бир рангда.

Энди ҳамма-ҳамма юлдузлар
Айланади сенинг тегрангда!

2


Юлдузлар йиғлайди. Юлдузлар кулар.
Ёғду бўстонида йўқ чегара-чек.
Уйқунимас, сени севади улар.
Уларнинг кўзлари... чўлпондек.

Биладилар, ҳозир ҳар лаҳза — олтин,
Бахтдир ёниб сенга нигоҳ солмоқ жим.
Бечоралар қуёш чиқмасдан олдин
Дийдорингга тўйиб қолмоқчи...

Урганч.



Расмни **Одил БОБОЖОНОВ** чизган.



Абдусаид Кўчимов

ОҚ КАПТАРЛАР ОРОЛИ

ҚИССА

1

Суярқул мактабдан келдию кутмаган жанжалнинг устидан чиқди: катта чечаси — ўчоқ бошида, кичиги — пешайвонда, бир-бирини юмдала-гудек шанғиллашмоқда эди.

— Кеча келиб, бугун хўжайинлик қилишни сенга ким қўйибди, ойимча! — дерди қўлини силкиб каттаси. Кичиги ҳам овсинидан қолишмай, баттар ўчакишарди:

— Ҳо-о, чўрим бўлади, мен Хонзодахон бўлиб ўтираман, деб ўйловдингми, тушингни бориб сувга айт!

Шўрлик она нима дейишини, кимнинг тарафини олишни билмай икки ўт орасида қийналмоқда эди.

— Бас қилинглар, бўлди қилинглар, болаларим, — дерди у қалт-қалт титраб. — Қўни-қўшниданам уятдир, ахир? Секинроқ, жоним қизим, секинроқ. Сизнинг ёшингиз катта, овсинингиздан бир-икки кўйлак кўп йиртгансиз, бўлди қила қолинг, айланай.

— Охирги марта айтяпман, хола, бобом¹ га айтинг, ё бизни, ё анави жинқарчани опчиқиб кетсин бу уйдан. Шундай қилмаса, кетаман, дедимми, бари бир кетаман, бир кун ҳам турмайман бу ғурбатхонада! Турол-май-ман! — катта келин эшикни қарсиллатиб ёпиб, уйига кириб кетди. Кичик келин овсинини ўзича «бир бопламоқчи» бўлиб энди оғиз жуфтлаганда дарвозадан кириб келаётган қайнотасига кўзи тушдию оғзидаги-оғзида, бўғзидаги-бўғзида қолди, — терс бурилди-да, у ҳам ўзини ичкарига урди.

— Отамдан қолган молга талашяпсанларми, етти маҳаллага жар солиб мунча бақирмасанглар! — дарвозадан ҳатлар-ҳатламас хотинига

¹ Самарқанднинг баъзи қишлоқларида келинойисини чеча, қайнонани хола, қайин отани бобо дейишади.

дўқ урди Малик муаллим. — Кўчага чиқиб, кулоқ солиб ўтирибди қишлоқнинг ярми. Тилинг қирқилармиди, уйга кир десанг, а! Уятсизлар, безбетлар! — Малик муаллим бир-икки депсиниб, супа яқинидаги сўрининг бир четига ўтирди. — Қишлоқнинг нариги бошидан эшитиб келяпман-а, ўзи нима жанжал? Нимага ҳиқиллайсан?

Рисолат хола чорсисининг бир учи билан кўзёшини сидириб, чолининг рўпарасига, супага омонат чўкди.

— Ажратмасангиз бўлмайди. Жинни бўп қоламан, адоий тамом қилади мени буларингиз.

— Ҳиқиллама! Ҳиқилламай гапир. Нимага жанжаллашади? Бирон нима етмапими, қорни оч, усти яланғочми? Жанжалнинг сабаби борми, ахир?

— Кучугим биладими! Бир-бирига кўзи тушдими, ит мушукни кўргандай вағир-вуғур, қий-чув...

— Аёлсан, қайнонасан, сўрамайсанми сабабини?

— Сабаби, сабаби... Сабаби — битта! Бир ҳовлига сиғмайди буларингиз. Томорқа олиб, биттасини шартта чиқариб юбормасангиз, эл-юрт олдида шармандаю шармисор бўламиз.

«Томорқа» сўзини эшитган Малик муаллим бешбаттар тутоқди:

— Томорқа, томорқа деявериб, миямни қоқиб қўлимга бердинг. Қаердан оламан томорқани? Ер безга, колхоз бедарвозами сенга!

Рисолат холанинг юраги тўлиб турган эди, ичида борини тўкиб солди:

— Томорқа десам жонингиз чиқади. Одамлар бешикдаги боласигача жой олиб, рават тиклаб қўйипти-ку! Қаёқдан оляпти улар? Ҳаммага бор нарса сизга йўқми? Сиз...

— Ҳей, инсон, тушунсанг-чи, ахир. Сенга неча марта айтдим, ҳозир бу гапнинг мавридимас, деб. Бир йилдан кейин қишлоқ этагидан янги кўча тушар экан, ҳаммага томорқа берилар экан. Раиснинг ўзи, ўз оғзи билан айтди. Сизга бир эмас, иккита томорқа берамиз, деди. Раисдай одам шундай деб тургандан кейин мен нима ҳам қилардим?... «Йўқ, берсанг ҳам берасан, бермасанг ҳам берасан!» деб томоғидан ғиппа бўғайми, а? Айт, нима қилай?!

Рисолат хола лом-мим демай, тиззаларига таяниб, зўр-базўр ўрнидан турди. Айвоннинг бир четида устунга ёпишган кўйи гарангсиб турган Суярқулга кўзи тушдию алланечук бўшашиб, кўзларига ёш қалқди.

— Келдингми, болам, — деди у ниҳоят, овози қалтираб. — Сигирингга нима бўлди экан? Очқап, бўкириб ўлаётгандир. — Кампир чуқур хўрсиниб, ўчоқ бошига юрди. — Дастурхон опчиқ, — деди у юришдан тўхтаб ва ортига ўгирилиб, — токчадаги пиёлада мураббо бор, аввал қорнингни тўйғазиб ол.

Суярқул мактаб формасини ечиб, эски қора шими билан, енги узун қизил кўйлагини кийди. Нон ўралган дастурхон билан, ярим пиёда олча мураббони кўтариб, сўрига чиқди. Отаси чопонига ёнбошлаган кўйи кўзларини бир нуқтага қадаб, ҳарс-ҳарс нафас олмоқда эди. Суярқул отасининг олдига дастурхон ёзди, пиёлаларни сўрининг тагидан оқаётган ариқчада обдан ювди. Малик муаллим бир бўлак нонни мураббога ботира туриб, ўғлини шунчаки сўроққа тутди:

— Уқишинг тузукми, анчадан бери кундалигингни ҳам кўрсатмай қўйдинг.

— Битта «беш», битта «тўрт» олдим. Кеча иккита «беш» олувдим... Суярқул шу сўзларни айтдию отасининг оғзига тикилди. У отасидан «Баракалла, ўғлим, доимо шундай ўқиш керак. Акаларингдан одам чиқмади, энди бор умидимиз сендан», деган мақтовни кутган эди. Отаси бўлса мақташ, эркалаш у ёқда турсин, қайтага, ошхона тарафга қараб бақирди:

— Бир чойдиш чойнинг қайнаши шунчаям қийин бўп кетдими, а? Сигир очидан ўлди у ёқда! Шу жониворнинг уволига қоласан ҳамманг!

Суярқул сўридан сакраб тушиб, ўчоқ бошига югурди. Онаси чой дамлаб, човгумга яна сув тўлдираётган экан. Суярқул чойнакни апил-тапил олдию сўрига томон чопқиллаб кетди. У отасининг ёнига етмасдан

ташқарида аллақандай машинанинг ғийқ этиб тўхтагани эшитилди. Суяркул чойнакни дастурхонга қўя солиб, кўчага югурди. Ташқарида тоғаси — Турди ғилай «Жигули»сининг эшигини зичлаб ёпмоқда эди. Тоғасини кўрдию бирдан Суяркулнинг ҳафсаласи пир бўлди. У тоғасини ёқтирмасди. Илгарилари, отаси айтгандай, «пичоғи мой устида»лигида эшиклари олдидан машинасида ғиз-ғиз ўтса ҳам, жиянларимни бирров кўрай деб, уларникига бирон марта кирмасди. Кассирликдан бўшаб, фермадан ҳайдалгандан кейин эса бўзчининг моксидай серқатнов бўлиб қолди. Жиянлари энди эсига тушибди-да...

— Кўришгинг ҳам келмайди, ҳа, нима бўлди сенга? — Турди жиянининг бурнига бошлаб чертиб қўймоқчи эди-ю, лекин унинг тумтайиб олганини кўриб, фикридан қайтди. — Ким бор, отанг уйдами? — у шундай деб, жавоб ҳам кутмай дарвозадан ҳовлига кирди. Сўрида ёнбошлаб чой ҳўплаётган Малик муаллимга яқинлашар-яқинлашмас, ҳе йўқ, бе йўқ, бирдан кесата кетди:

— Хафа бўлманг-у, почча, аммо ғирт афанди экансиз. Уша кунни раиснинг бир оғиз ширин сўзига учиб, лақиллаб қайтиб келаверибсиз-да, а? Ким айтади сизни қирқ йиллик муаллим, оқ-қорани таниган одам деб? Уч бирдай рўзғор катакадай жойга тиқилиб ўтирган бўлса-ю, сиз томорқа ололмасангиз! Ахир, молхонанинг ёнида икки томорқалик бўш жой бор, шуни аниқ биламан, деб айтувдим-ку сизга. Ҳатто, худди олдиндан сезгандай, раис у ерни биронта қорни каттага мўлжаллаб юрган бўлса, мабодо алдовига учманг, маҳкам туринг, деб қайта-қайта тайинлабман-а! Эсизгина гап, шунча ҳаракат, ҳаммаси осмонга учиб кетибди. Раис бошлабди, ёш боладай роса лақиллатибди сизни!

Бояги жанжалдан кейин ҳали-ҳануз ўзига келолмаган Малик муаллимга Турди ғилайнинг кесатиқлари тошдай ботди.

— Ҳа-а, осмон ўзилиб, ерга тушибдими? — У қаддини ростлаб, Турдига ёмон тикилди. — Эшикдан кирмай туриб, бунча дағдаға қилсан. Аввал мундай ўтир, кейин гапир одамга ўхшаб.

Турдининг овозини эшитган Рисолат хола ошхонадан шоша-пиша чиқиб келди.

— Ана шу-да, шунақа энди, — деди Турди ғилай опасига ўгирилиб ва бурнини шиғ этказиб тортиб. — Тўғри гап туққанингга ёқмайди. Мен бу одамни деб ким-кимлар билан бўғишиб юрибман-у...

— Менга қаранг, Турдивой, — деди Малик муаллим ўзини зўрға босиб, чой ҳўплаб. — Биз ўлигимизни бировнинг устига ортадиган даражада эмасмиз ҳали. Қўлингизни ҳадеб пахса қилаверманг унақа. Гапингиз бўлса, аввал бундоқ ўтиринг, сўнг одам боласи тушунадиган қилиб гапиринг.

— И-е! Хабарингиз йўқми ҳали? — Турди ғилай Малик муаллимнинг ёнига чўкди. — Рост айтяпсизми? Ахир, раис колхозга омбор қурамыз деган жойга, Ўсар буғалтир иморат соляпти-ку!

Малик муаллим бу гапдан бохабар эди. Кеча эшитган, бугун Ўсар бухгалтернинг лой тепаётган пахсакашларини ҳам кўрган, кўчадан феъли айниб келишининг сабаби ҳам шу эди.

— Бир нима десангиз-чи! — орага гап қўшди Рисолат хола.

— Нима дейман? — хотинига заҳрини сочди Малик муаллим. — Бор гапни ўзбекча қилиб тушунтирдим-ку, сенга. Яна нима керак?

— Бир кунгина уйда ўтириб, келинларингизнинг ғиди-бидисини эшитинг. Шунда биласиз, нима дейишни. Ичим зардобга тўлиб кетди! — Рисолат хола жаҳл билан уқасининг енгидан тортиди. — Турди, тур! Бу кишининг бўлган-тургани шу. Ўзим бораман ўша раиснинг олдига.

Буни кутмаган Малик муаллим ҳам ўрнидан ирғиб турди.

— Ўтир! Мен ўлганим йўқ ҳали! — деди у дўпписини тиззасига уриб. — Чулчутдай мунча бидиллайсан!

— Қон бўп кетдим, қон... — Рисолат хола супага ўтириб пиқ-пиқ йиғлай бошлади.

— Нима қил дейсан, а? Нима қилай? — хотинига зўғим қилди у. — Муштлашайми энди раис билан?

— Томоша қилинг, раис омбор қурамиз деган жойда бош буғалтир солаётган уйни томоша қилинг! — яна кесатди Турди ғилай.

— Қурса қураар, бизга насиб қилганиям бордир, ахир. Шунгаям ота гўри-қозихонами.

Малик муаллимнинг бу гапи Турди ғилайни баттар тутоқтирди:

— Қанақа одамсиз ўзи? Аҳмоқ қилишаётганини наҳотки ҳалиям тушунмасангиз?

— Бу кишининг хаёли етти қават осмонда. Тумшуғи тагидаги ошни пишак ҳалоллаб кетсаям, ғинг демайди! — пишанг ташлади кампир.

Малик муаллим тилига буров солингандек, қаққайганча туриб қолди.

— Гап шапалоқдай ерда эмас, почча! Дунёда ҳамият, иззат-нафс деган гаплар ҳам борлигини биласизми ўзи?

— Токайгача берсанг ейман, урсанг ўламан, деб ўтирасиз!

Малик муаллим ҳаммасига бардош берса ҳам хотинининг бу гапига чидолмади, оловдай сачраб кетди.

— Биз сенга берсанг ейман, урсанг ўламан деб, қорнини қашиб ётган лўлининг эркаги бўп қолдикми ҳали! — деди у ранги кум ўчиб. — Бўпти! Қўрамиз! — Малик муаллим ғазабдан титраб-қақшаб чорпоядан тушди, тумшуғи япалоқ эски туфлисини оёғига илди-да, шахд билан ташқарига юрди.

— Тагин қаёққа? — йиғламсираб сўради Рисолат хола.

— Очиқ лаҳадга! Идорага-да!

— Бу бошқа гап! — Турди ғилай яйраб кетди.

— Сенам боргин, Турдижон. Бу кишининг қўйини яна пуч ёнғоққа тўлатиб юборишман.

Иккови Турдининг қаймоқранг «Жигули»сига ўтиришдию катта йўлга чиқиб, идорага қараб елиб кетишди.

Суярқул ҳам чала-чулпа нонушта қилгач, сигиридан хабар олгани даштга жўнади.

II

М

ашина жойидан қўзғалгандан бошлаб, то манзилга етгунча Турди ғилай поччасини «ўқитиб» борди:

— Энди сираям бўш келманг. Уларнинг ниятини мана, биз биламиз. Агар паст кетсангиз...

Турдининг гаплари Малик муаллимнинг қулоғига кирмасди. У омбор қуриладиган жойга колхознинг бош бухгалтери ўғлига атаб иморат солаётганини эшитгандан буён ўзига келолмас, ўқувчиси, ўзи ўн йил ўқитган ўқувчиси лақиллатганини сира ақлига сиғдирилмас эди.

Машинанинг беҳосдан тўхташи Малик муаллимнинг хаёлини тўзитиб юборди. Улар колхоз правлениесининг икки қаватли оппоқ биносига етиб келган эдилар.

— Менам кирайми, ё...

Малик муаллим Турдининг гапини эшитмасликка олиб, индамай машинадан тушди. У, кап-катта одам, бир парча ер деб жанжал кўтармоқчи бўлаётгани учун ичида ўзини койир, айна чоқда собиқ ўқувчисига алдамчилик қанақа бўлишини кўрсатиб қўйгиси келарди.

Назаров Малик муаллимни илиқ қарши олди:

— Деразадан кўриб, ҳойнаҳой, олдимга келаётгандир, деб ўйловдим, — деди у муаллимга пешвоз чиқиб. — Адашмабманми, устоз?

Негадир, кабинетига киришим билан қош-қовоғини уюб дўқ-пўписани бошлайди, деб ўйлаган Малик муаллим раиснинг бундай муомаласидан бир зум эсанкираб қолди. «Демак, Турдиниям кўрибди. Шу палакатни эргаштирмай девдим-а», дея хаёлидан кечирди.

— Қани, домла, марҳамат, ўтиринг. Э-э, у ергамас, бу ёққа, мана бу ерга, юзма-юз ўтирайлик.

Узун, ялтироқ столнинг икки ёнидаги стулларга рўпарама-рўпара жойлашдилар. Раис тўрга ўтиб стол ёнидаги тугмачани босди, котиба кирди.

— Битта аччиқ кўк чой дамласангиз. Устоз билан бир отамлашайлик, а?

— Шарт эмас, овора бўлманг, қизим, — деди Малик муаллим баттар хижолат чекиб. — Мен бир минутга...

— Э-э, ҳар кун келиб ётибсизми, устоз. Озиб-ёзиб бир йўқлабсиз-у, яна бир минутга дейсиз-а. Эсингиздами, ёмон баҳо олган пайтларимизда худди мана шунақа қилиб, рўпарангизга ўтқазиб қўйиб насиҳат қилардингиз.

Малик муаллим калласини лиқиллатиб кулди-ю, лекин биронта жўяли гап топиб айтолмади. Ё тавба! Уни ўқувчисининг салобати босдимми?..

— Хўш, соғлиқлар, домла. Зерикиш йўқми, ишқилиб?

— Зерикиб бўладими. Шу... — Малик муаллим чайналди. — Келинлар сёл нобопроқ чиқиб қолди-да, Назаров ука.

— Айтувдингиз, айтувдингиз. Ҳозирги келинларнинг барисиям шу — бир оғиз гап — кам, икки оғизи — кўп, доимо бир ярим оғиз гап топиб айтиши керак бечора қайнатаю қайнона.

— Кампир ҳам кулоқ-мияни еб ташлади томорқа деявериб. Ҳалиги...

Малик муаллим айтими, йўқми деб иккиланиб қолди.

— Хўш-хўш?

— Шу, ҳалиги молхонанинг ёнбошига буғалтир иморат қураётганини эшитибдими-е, тоза гаранг қилворди одамни.

— Шундай денг, — Назаров хиёл тўлиша бошлаган гавдасини стул суянчигига ташлаб, шифтга қаради. — Ўзимам бир ишқал чиқади-ёв, девдим-а...

Жимиб қолишди. Назаров суҳбатдошига ер тагидан қараб қўйди. «Бунақа ғалвалар билан муаллимнинг иши йўқ. Уни Турди ғилай тезлаган». «Ишнинг тигизида каллани қотириб ўтирганимни. Ўзи аёлнинг гапига кирган эркак — эркакмас-да...» — хаёлидан кечирди Малик муаллим.

Жимликни Назаров бузди:

— Сизга ростини айтсам, ўзим ҳам олдингизда жуда хижолатдаман. Лекин бир жойда ишлагандан кейин «йўқ» дейишдан қийини бўлмас экан, домла. Молхонанинг ёни ҳақиқатанам омборга планлаштирилган эди. Ўсархон акамиз тирғалиб олгандан кейин... — Назаров секин жойидан туриб, дераза ёнига борди. — Шунча кутдингиз, яна ярим йил сабр қилинг, домла. Яқинда қишлоқ этагидан янги кўча тушади. Ўттиз хўжалikka уй-жой, томорқа берамиз. Шунинг иккитаси сизники.

Малик муаллимнинг кулоғи остида Турдининг: «Ўша буғалтирчаликмасмисиз?» дегани жананглаб кетгандай бўлди. Хижолати аллақандай оғриқ билан алмашди.

— Ҳар қалай, ўша ерни Ўсар буғалтиргаям бермаслик керак эди-да, — деди у раисга тик қараб.

Назаровнинг ғаши келди. «Жигули»га суяниб, шу тарафга тикилиб турган Турди ғилайга кўзи тушдию жаҳл билан дераза пардасини туширди. Сўнг:

— Бўлган иш-бўлди, домла, — деди ижирғаниб. — Энди Ўсархон аканинг паҳсасини бузолмайсиз-ку!

Малик муаллимнинг ҳам тажанглиги қўзиди:

— Ўсарга топилган йўл, бизгаям топилар, — деди ўтирган жойидан бир кўзғалиб. — Биззи шароитам уникидан яхшимас, укам.

— Йўқ, демаяпмиз-ку, — ошқора жаҳли чиқди Назаровнинг. — Тушуниш керак-да, устоз. Колхоз катта, раис бўлса битта.

— Мен-ку, тушунаман-а... Лекин сизлар, сизлар...

— Нима бизлар, нима қипмиз бизлар! Ҳамма келиб бизни айблайти! Ҳамма ёқамизга ёпишади. Гўё биз еб, бошқалар қуруқ қолгандай.

Назаровнинг пўписаси Малик муаллимга яна Турдининг гапларини эслатди: «Паст кетсангиз...»

— Менга йўқ деб, буғалтирга томорқа бериб ўтирганингиздан кейин... айбимиз нима? Буғалтир бўлмаганимизми?!

— Шундай бўп қолди. Хўш? — Назаровнинг юзида бояги табассуму тавозедан асар ҳам қолмаган, қаҳрли кўзлари алланечук чақчайиб

турарди. Бояги ширин калому сохта табассумлар; шунчаки бир ниқоб эканини Малик энди тушунди. Тушундию кўпдан буён томирларида тўниб ётган қон қайнаб, вужуди мисдай қизиб, ўрнидан туриб кетди.

— Шунақами, атайин қилдим, денг?

— Шунақа!!!

Малик муаллим бўзарди. Биров гўё қулоқ-чаккасига қарсиллатиб ургандай, гарангсиз қолди. Назаровнинг шунчалар каттазангликка бориши унинг етти ухлаб тушига кирмаган, қулоқларига ишонгиси келмасди.

— Менга қаранг, ука, — деди у раисни инсофга чақирмоқчи бўлиб. — Сиз...

— Қараб турибман, — унинг сўзини кесди Назаров. — Бир соатдан бери телевизорга қарагандай тикилиб ўтирибман афтингизга. Нима демоқчилигингизниям, бу ерга сизни ким юборганиям яхши биламан. Энди, менга қаранг. Анави Турдингиз бир йил безорижон қилди, бормаган эшик, бормаган идораси қолмади. Энди сиз... Қўясанларми, йўқми? Агар шу жой керак бўлса, ана, олинглар. Қўш қўллаб топшираман! Қўш қўллаб!

— Жойинг ўзингга буюрсин, укажон. Мен...

— Домла! Дардлашиб бўлдик. — Гапни чўрт кесди Назаров. — Демак, биздан норозисиз? Норози бўлсангиз, катта-катта идоралар кўп, истаган жойингизга бориб арз қилинг. Лекин мени тинч қўйинг. Шундоғам ишим бошимдан ошиб ётибди.

— Ҳали шундай денг?!

— Ҳа, шундай!

Малик муаллим яна нимадир демоқчи бўлди-ю, деёлмади, жаҳл билан эшикни итарди. Эшик чой дамлаб кираётган қизга зарб билан урилди. Қизнинг қўлидаги чойнак ерга учиб тушиб, чил-чил синди. Қиз «вуй!» деб чинқириб юборди. Малик муаллим ташқарига чиқиб кетди.

* * *

Малик муаллимнинг Турдига алланималар деганини, Турди ғилай идорага қараб қўл силтаганини, кейин иккови машинага ўтириб жўнаб кетишганини Назаров деразадан кўриб турди. Ғазаби қайнади — «Сен етмай турувдинг! Эшакмия чол, гапга тушунмайди-я! «А», деган заҳоти «ма», деб оғзига солсанг буларнинг. Сабр-қаноат, муомала деган гап йўғ-а, биронтасида. Ҳамма доно, ҳамма закунчи. Кимга яхшилик қилишнIAM билмайсан».

Қалампир нусха гулли дўппини қулоғигача бостириб кийган шопмўйлов, эллик беш ёшлардаги бақалоқ Ўсар бухгалтер кабинетга кириб раиснинг хаёлини бузди:

— Малик муаллим тажанг бўп кетяпти, нима гап ўзи? — деди у ёшига ярашмайдиган чаққонлик билан йўрғалаб келиб Назаровнинг қаршисида тўхтаркан. — Нима гап? Тинчликми, ишқилиб?

Назаров унга ёмон ўқрайиб тикилди:

— Нима гап, нима гап. Худди ҳеч балодан хабари йўқдай талмовсирайди. Нима бўларди, томорқанинг жанжали-да.

— Э, шунга — шунчами, сал бўлмаса юрагимни ёрворай дедингиз-а, — деди Ўсар бухгалтер ёқасига туфлаб. — Бунақа жанжални энди кўряпсизми, Бегматжон. Ўзингиз ҳам жуда асабий бўлиб кетяпсиз-да кейинги пайтларда.

— Сизга осон, концертни қўйиб, томоша қилиб ўтираверасиз бир бурчақда чўт қоқиб. Ҳамма бало-қазога балогардон — биз. Бугун ўқитувчи келиб дўқ уради, эртага подачи гаврон кўтариб келади. Ишонган тоғим сиз бўлсангиз... Битта томорқа деб бошимни дўзахга тикиб ўтирибсиз. Ревком ҳам қарши, партком ҳам қарши. Биласизми, парткомингиз нима деди? «Бош планни бузишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. Оқибати ёмон бўлади». Ҳа, худди шундай деди.

Бош бухгалтер пинагини бузмади.

— Парво қилманг, — деди у хотиржам қиёфада. — Қўлидан ҳеч бало келмайди. Қолаверса, бу — правление қарори. Тамом-вассалом.

Назаров ҳозир бу тепса тебранмас одамга нима дейишни яхши биларди-ю, аттанг, тили қисик-да. У ич-ичидан тошиб келаётган нафрат ва ғазабни аранг ютиб, чуқур сўлиш олди.

Турди ғилайнинг қўллари қувонч ва ҳаяжондан титрайди, ичидагина Малик муаллимга сездириб қўймаслик учун рулга маҳкам ёпишиб олган. «Мана, энди ҳунарингни кўрсатадиган пайт келди, Турдивой, — дейди ичида ўзига-ўзи. — Олдин ёлғиз эдинг, гуноҳкор эдинг — тилинг тушовда эди. Энди бўлса... поччани ишга солиб, сан раис тўрани бир ўрай-бир ўрайки, қайси тешикка кирарингни билмай қолгин! Қасосли дунё бу, оғайни, қасосли!»

Турди ғилай сурункасига олти йил колхозда кассирлик қилди. Жарақ-жарақ пуллар қўлидан ўтди. Бир кунда юз минг сўмлаб тарқатган пайтлари ҳам бўлган. Юзидан бирни, мингидан ўнни ушлаб қоларди.

Ким нима деса-десин, лекин дунёда кассирликдай тушумли иш йўқ. Одамлар раис бўлай, министр бўлай дейди. Хўш, раиснинг нимаси яхши? Ғалванинг уяси-ку! Қассир бўлса... Оти сал анақароғ-у, лекин пайти келганид унча-мунча раиснинг бир ой ишлаганини бир соатда топади.

Турди ғилай олти йил кассирлик қилиб, шу фикрга келди. Аммо, Бегмат унинг олти йиллик тоат-ибодатини бир пул қилди. Раис бўлган йилиёқ ишдан бўшатиб ташлади. Сабаб? «Одамлар норози», эмиш. «Хўш, одамлар қайси кассирдан рози? Идорага келган ҳар бир меҳмонни зиёфат қилиш (баъзиларига бериладиган совға-саломни айтмаса ҳам бўлади), банк мудирига пул тиқиш (агар пул тиқмасанг, бир тийин олиб бўпсан!), раис курортга жўнаса, чўнтагини қаппайтириш, яна қанча майда-чўйда харажатлар кимнинг зиммасида? Кассирнингми? Хўш, шундай экан, у шўрлик шунча пулни қаердан олади? Пул заводи борми кассирнинг? Одамларга пул тарқатганда беш тийин, ўн тийин ушлаб қолиб йиғади-да!» Бегмат шуларни биларди. Партком эди, кўзи кўр, қулоғи қар эмасдир, ахир. Аслида, Жўрақул аканинг тагига сув қуйган ҳам унинг ўзи. Икки йил Жўрақул аканинг ўнг қўлиман деб юрди, юрдию ағдарди-ташлади. Ғафлатда қолди Жўрақул ака. Қандай одам эди, қандай одам эди-я! Баҳоси йўқ эди. Олти йил бадалига, иримига бўлса ҳам бирон марта койимапти-я! У қаерга борса, Турди ёнида эди. У тўй-ҳашамларнинг тўрида, базми-жамшидларнинг зўрида раис билан даврадош эди. Мушугини «пишт» дейдиган мард йўқ эди колхозда. Бегмат кўриб-билиб юрарди шуларнинг барисини. Лекин, миқ этмасди. Дарди ичида экан. Раис бўлди-ю... Ишдан олди—чидади, ўрнига бурни оқиб юрган бир болани қўйди — чидади. «Майдароқ иш берар», деган илинжда дардини ичига ютди. Кутди. Бухгалтирга ёрдамчиликни ҳам раво кўрмади, занғар! Еттинчи синф маълумоти билан бухгалтерияда ишлаб бўлмасмиш. Юз минглаб пулларнинг ҳисоб-китобини қилиб юрган одамни шундай дейиш инсофданми? Жа-а билмай қолса, кўр эмас, гаранг эмас — ўрганиб кетарди!

Турди ғилай эски раиснинг биқинида юриб, колхознинг анча-мунча «сири»ни билиб қолган эди. Йил охирида шу «сир»дан биттасини очди. «Колхоз жун планини пул билан тўлдирди», деган мазмунда райкомга думалоқ хат ёзиб юборди. Афсуски, факт тасдиқланмади. «Бу хумпар райкомнинг оғзини мойлаган» деб, яна ёзди. Шикоятни янги маълумотлар билан «семиртириб» ёзди. «Колхоз фермасида раиснинг иккита шахсий хўкизи бор (Жўрақул ака шундай қиларди, буям ундан қолишмас), чойхона учун келтирилган пишиқ ғишту ёғочдан раис ўзига данғиллама уй курди».

Колхозни бир неча кун комиссия текширди. Яна ҳеч гап йўқ. Жиғибийрони чиққан Турди ғилай энди очик «ҳужум»га ўтди. «Мени ҳеч қандай гуноҳсиз ишдан бўшатди», деб тўғри райкомга борди. Шайтон раис бунинг ҳам йўлини топди. Ун-ўн беш чоғли колхозчидан «тилхат»

ёздириб олган экан. Райкомга элтиб берди. «Собиқ кассирнинг олти йиллик ишини текшириб кўринглар», дейишди райкомдагилар. Турди қараса — иш чатоқ. Бировга отган тоши қайтиб келиб ўзининг бошини ёрадиган. «Олти боламга раҳминг келсин» деб Бегматникага йиғлаб борди. «Яна шундай аҳмоқчилик қилсам, тил тортмай ўлай», деб қизиқ устида «эчки» қасам ичиб юборди. Ҳар қалай, Бегмат ишни босди-босди қилди. Биров кўнглига раҳм-шафқат солдими, ишқилиб, сал ўтмай Турдини сут-товар фермасига ҳисобчи қилиб қўйди. Шунисига ҳам шукурлар айтиб, сочилган насибасини кўп қатори териб еб юрган эди. Шу йилнинг бошида фермадан ҳам қадами қирқилди. Нима эмиш — ем-хашак сотганмиш. Бир тўрва ем, бир қоп сомон билан колхознинг уйи куйиб кетарканми! Фармон ферма уни ҳимоя қилиб раисга анча ялинди. Раис кўнмади. «Қинғир одам букирдай гап, икки дунёда-ям тўғрилаб бўлмайди уни», дебди.

Турди ғилай Фармоннинг икки жуфт ғунажинини бир ярим йил боқиб, буқадай смирнтириб берган, Бегмат ўғлига тўй қилганида, колхознинг акангмен деган ҳўкизини ўз қўли билан сўйиб, аравага ортиб юборган, лекин энди исботлаш қийин, устига-уштак ошим ёмонга чиққан, деб чидаб келарди, дарди ичида эди. Яна бошқа гаплар ҳам бор. Мана энди раиснинг кўзини мошдай очиб қўяди!

III

Суярқул анҳор кўпригидан ўтиши билан, ўрик яқинида арқонланган ола сигир чўзиб-чўзиб «мўў»лади. «Танидинг-а, жонивор, — деди Суярқул хаёлан сигирига мурожаат қилиб, — қорнинг очдими, сувсаб кетгандирсан. Ҳозир ўт юлиб бераман. Ариқ бўйидаги барра ўтлардан. Маза қиласан. Кейин сув ичасан. Йўқ, аввал суғориб, кейин ўт бераман. Одам ҳам оч юриши мумкин, лекин сувсизликка чидолмайди-ку. Эрталабдан бери бир ҳўплам сув ичганинг йўғ-а, сен жонивор».

Суярқул худди айтганидай қилди: аввал сигирни анҳорга етаклаб бориб суғорди, кейин уватнинг серўт жойига, йўнғичқазорга етмайдиган қилиб қозиқни қоқди. Сигир худди очофатдай, кўм-кўк майсага ёпиша кетди. Сигирнинг майсаларни ширт-ширт узиб олиб, бураб оғзига тиқшидан завқи тошган Суярқул: «Мешқорин-ей, тозаям очқопсан-ку», дея яйраб кулди.

Бу «мешқорин»ни ўтлатиш Суярнинг зиммасида эди. У ҳар куни эрталаб сигирни даштга олиб келиб қозиқлаб кетади. Мактабдан сўнг эса яна келиб суғоради, ўт юлиб беради, баъзан уватда, анҳор бўйларида етаклаб ўтлатади. Аммо, бу мешқоринни тўйдириш осонмас. Тўрт тараф — экинзор. Анҳор бўйи демаса, гилам ўрничалик ҳам мол ўтлатадиган кўкалам-ўтлоқ йўқ. Бедазор — колхозники. Қоровул — Қарши чўлоқ, баджаҳл одам. Бир тутам беда юлганингни кўрса, қайтиб бу ерларга йўламайдиган қилади. Агар шу одамнинг гапи чин бўлса, бу жойлар илгари қалин чакалакзор экан. «Тустовуқ, қуён, жайра, шоқол, бўриям бўларди», деган эди у. Ҳозир, ҳув Ажинатепани биқинида бири-бирига суяниб турган тераклардан бўлак ҳеч вақо қолмаган. Тепалик олисдан мўъжаз оролчага ўхшайди — гиртевараги сув, теракларнинг ости кўкрак бўйи бутазор. Бу ер Суярқулнинг энг севимли жойи — «Ширич хаёллар оролчаси».

Оролчанинг «кашф» этилиш тарихи ҳам қизиқ, ҳам ғаройиб бир эртақ.

География ўқитувчиси «Ороллар ва ярим ороллар» темасида дарс ўтаётган эди.

— Қуруқликнинг материкларга қараганда кичикроқ, ҳамма томондан сув билан ўралган қисми орол деб аталади. Ороллар катта-кичиклигига қараб уч гуруҳга — Материк, Вулкан ва Маржон оролларига бўлинади. Мисол учун... — ўқитувчи гапти шу ерда тўхтатиб, синфга савол ташлади. — Хазинатепани ким кўрган?

Болалар ҳайрон бўлиб бир-бирларига қарашди.

— Ажинатепани айтяпман, — кулди ўқитувчи.

Ҳеч кимдан миқ этган садо чиқмади.

Қишлоқдан анча нарида, дашт этагида жойлашган бу тепалик ҳақида ваҳимали миш-мишлар тарқалган эди. Эмишки, бир замонлар тепалик ажиналар макони бўлган экан. Ажиналар тепага яқинлашган одамни чалиб кўзини ғилай, оғзини қийшиқ, оёғини шол қилиб ташлаган эмиш...

Ўқитувчи болалар дилидаги шубҳани сезиб, кулимсиради.

— Ажинатепа билан боғлиқ афсоналарнинг бари ўйдирма. Унга ишонманглар. Ажина деган нарсанинг ўзи йўқ. Менга қолса уни Ажинатепамас — Хазинатепа деб атардим. Тепа сув билан ўралгани учун трактор киролмайди. Ахир, у ер экзотика! Табиатнинг табиий музейи! Биронтанг борганмисан яқинроғига?

Яна ҳеч ким миқ этмади.

— У ерга бориб бўларканми, — деб тўнғиллади кимдир орқадан.

— Мен борганман, — деди сабри чидамай Суяркул.

Осмондан бир ғаройиб нарса шалоп этиб синфхонага тушгандай, ҳамма бараварига Суяркулга қаради.

— Қачон?!

— Бир ўзинг-а?! — деган ҳайратомуз саволлар ёғилди.

— Ёзда. Ҳамид акам билан йўқолиб қолган қора наввосимизни излаб борувдик.

— Ажинадан астойдил сўраганингда, наввосингни топиб берарди. — Ҳазил қилди Мамаюсуф.

— Ажина... кўринмади, — деди Суяркул қизариб. — Каптар, чумчуқлар росаям кўпакан.

— Вей, ажина-да шу! Сенга қуш бўлиб кўринган! — деди Жумавой. Синфда «гурр» кулги кўтарилди. Ўқитувчи кулгини босиб, гапни бошқа ёққа бурди:

— Хўп десанглар, дарсдан кейин ўша тепага борамиз. Мен сизларга Хазинатепанинг хазиначиларини кўрсатаман.

Шовдорсой канали тепаликка етмай тенг иккига бўлинади-да, тепани айланиб ўтиб, яна битта ўзанга тушиб кетади. Қачонлардир анҳор устига ағанаб тушган йўғон тол антиқа кўприк ҳосил қилган. Сув шалоплаб «кўприк»ка урилади. Оролча қирғоғи тизза бўйи ялпиз билан қопланган. Бир-бирига чирмашиб ётган ўт-ўланлар белга уради. Танаси қучоққа сиғмайдиган уч туп теракнинг атрофи одам бўйи бутазор. Терак шохлари қушлар инига тўлиб кетган.

— Бундай гўзал боғ қаерда бор! — деди ўқитувчи атрофга суқланиб қараб. — Ҳавосининг тозалигини-е! — У қулочини кериб шундай чуқур нафас олдики, ҳаваслари келиб кетган ўқувчилар ҳам турли-туман гиёҳлар бўйи анкиб турган ёқимли ҳаводан тўйиб-тўйиб симирдилар.

— Манавининг номини ким билади? — деб сўради бир маҳал ўқитувчи, бинафшаранг гулли чиройли ўсимликни кўрсатиб.

Йигирмадан ортиқ ўқувчининг биттаси ҳам унинг номини билмас экан. Муаллим хафа бўлди. Энгашволиб, ўсимлигу гуллар номини санай кетди:

— Маврак, бу, маврак! Анави қизғиш гуллар — қўзиқулоқ. Униси тўранғил, юлғун, илончирмовиқ. Ёввойи жийдани биларсизлар ҳеч бўлмаса! Бу аҳволда... Келинлар, шу ерни оталиққа оламиз, авайлаб-асраймиз. Тупроғини, ўсимликларини яхшилаб ўрганамиз, қушларга ғамхўрлик қиламиз...

Эртаси кун болалар оролчани оталиққа олишга ва унга муносиб ном топиб, унинг янги макет — лойиҳаси учун конкурс эълон қилишга қарор қилдилар.

Конкурс қизғин мунозараларга сабаб бўлди. Биров: «Оролдаги ҳамма ўсимликларни йўқ қилиб, янгидан боғ яратиш керак», деса, бошқаси: «Теварагини темир панжара билан ўраб, тепалик устига фонтан ўрнатиш»ни таклиф қилди. Энг охирида Суяркулнинг фикри ҳаммага ёқиб тушди:

— Оролдаги нарсаларнинг биттасигаям тегиб бўлмайди, — деди у. — Фақат баъзи ёввойи ўтларни юлиб, ўрнига атиргул экса яхши бўлади. Тепаликка шийпон қурилса, ёзда жуда маза: ҳур-ҳур шамол, ҳаммаёқ

А. КҮЧИМОВ ◆ ОҚ КАПТАРЛАР ОРОЛИ ◆ ҚИССА

кафтдек кўриниб туради. Тераклар остидаги бутазорни сал қисқартириб, ҳовуз кавласак, балиқ урчитиш ҳам мумкин...

— Номи-чи, номи нима бўлади? — сўради кимдир.

— Ётволиб хаёл сурадиган жой экан. Келинглар, ширин хаёллар оролчаси, деб атаймиз.

Шу-шу Ажинатепа «Ширин хаёллар оролчаси»га айланди.

Оролчада ишлар қизиқ кетди: ҳар ким ҳар хил гуллар, ўсимликлар келтириб экди. Қушларга инлар қурилди. «Кузатув дафтари»га оролда юздан зиёд гиёҳ, ўсимлик ва жониворлар борлиги қайд этилди. Қушлар бу ҳисобга кирмасди. Навбат ҳовуз қазишга келганда, география ўқитувчиси районга ишга ўтиб кетди. Уқувчиларнинг баъзилари ўқитувчидан уялгани учун ўзини табиатпарвар қилиб кўрсатиб юрган экан, ўқитувчи кетдию оролчага келмай қўйишди. Беш киши — Суяркул, Мавлон, Мамаюсуф, Жумабой ва Ҳақим қолди энг охирида. Беш ўртоқ оролчага қараб, ўйнаб, чўмилиб юришган эди. Бултур ёзда, чўмилишаётганларида, Жумабойнинг билагига сувилон осилиб чиққанидан кейин, уларнинг ҳам оролчадан қадами узилди. Суяркул ёлғиз қолди охири. У кунда — шунда. Сигирига ўт юлиб бергандан кейин оролчасига боради. Гулларни, дарахтларни челақлаб сув ташиб суғоради. Каптарларга дон-дун беради. Айниқса оқ каптарини жудаям яхши кўради. Бир кун кўрмаса туролмайди. Жониворнинг ўзиям каптармисан — каптарда! Учганда ҳамма каптардан баландга парвоз қилади. Суяркул Семурғ деб от қўйган бу каптарга. У Семурғ билан гаплашади. Худди эртақдагидай, узоқ суҳбатлашади. Баъзида кўзларини чирт юмиб, «Эй, семурғим, қайдасан, кел ёнимга!» — деб чақиради қушни. Шунда, Суяркулнинг хаёллари ичига кириб олиб, бир томоша қилсангиз эди, оғзингиз очилиб қоларди: Семурғ атрофда шамол кўзғаб, оролчага учиб келади. Суяркулнинг ёнига тушиб, тилга киради: «Эй, паҳлавон йигит, — дейди Суяркулга, — қайси дев, қайси ялмоғиз, қайси жодугар қийнапти сени. Буюр, амрингга мунтазирман». Суяркул хахолаб кулади: «Сен айтган замонлар аллақачон ўтиб кетди, семурғим, — деб тушунтиради қушга, — Ҳозир дев ҳам, ялмоғиз кампир ҳам, жодугар ҳам йўқ. Лекин, улардан ҳам хавфлироқ одамлар бор». «Ким улар, менга кўрсат, иккимиз бориб, ер билан яксон қилайлик». «Унақа ёвуз одамлар капиталистик мамлакатларда яшайди. Айниқса, Америка деган юртда, ёвуз кимсалар жудаям кўп. Ҳаммаси бой — миллионерлар. Лекин давлатим янаям кўпайсин деб, улар тинч яшаётган одамларнинг уйига ўт қўяди, мол-мулкни талайди, қаршилиқ кўрсатганларни ўлдиради, қамайди. Ҳар куни телевизорда кўрсатади ўшаларни». «Ундай бўлса, кел, қанотимга ўтир, — дейди қуш қаҳрланиб. — Ҳозир борамизу ҳаммасини қириб ташлаймиз!» Ана шундан кейин энг ҳаяжонли лаҳзалар бошланади. Суяркул қушнинг қанотига ўтиради. Қуш баланд тоғлар, бепоён чўлу саҳролар, сертўлқин денгизу океанлар устидан учиб ўтиб, «Кўзингни оч», дейди Суяркулга. Суяркул кўзини очадю улкан самолёту снарядлар, баҳайбат ракеталарни кўриб, ғазабдан титрайди. «Тинчликнинг душмани мана шулар!» Шунда қушнинг қанот патлари бомбага айланиб, ажал қуролларининг устига ёғилади... Эҳ-ҳе, ҳар куни қанча-қанча ажал омборларининг кулини кўкка совуради улар.

«Сен ўтлаб тур, — деди Суяркул сигирига. — Мен ғизиллаб бориб оролчамиздан хабар олиб келаман. Тез қайтаман, сал ҳаяллаб қолгудай бўлсам, бўкириб тревога кўтариб юрма тагин. Хўпми? Мен кетдим».

Суяркул, сув шалоплаб урилаётган «қил кўприк»дан ўтиб, эҳтиёткорлик билан, оёқ учида тераклар яқинига борди. Кейин икки бармоғини оғзига тиқиб, визиллатиб ҳуштак чалди. Қушлар, каптарлар патир-путир қилиб осмону фалакка кўтарилди. Суяркул бўлиб-бўлиб яна ҳуштак чалди. Каптарларнинг кўз илғамас баландликларда тизилишиб учишларини завқланиб кузатди. Бўйни толганча осмондан кўз узмади. Кейин дарахтга чиқиб, ўз қўли билан ясаган каптархонасидаги идишларга сув қўйди, қушларнинг қайтиб келишига «зиёфат бўлади» деб нонушқ, дон сепиб қўйди.

Теракдан тушиб, симдан тўқилган беланчакка ётиб, тебранди-да, «Нега ҳамма ер оролчадай тинч эмас. Одамлар нима учун жанжаллашар экан-а» — деб ўйлай кетди. Мисол учун, чечалари. Уйда ҳамма нарса бор. Унча кўп иш ҳам қилишмайди. Лекин онаси айтгандай бир-бирини кўришга кўзи, отишга ўқи йўқ. Ҳадеб жанжал-тўполон қилишгунча, опа-сингил бўлиб, аҳил яшашса нима қиларкан? Чечалари йўғида уйлари қандай тинч, қандай яхши эди-я! Кичиги келдию... Келинлар уришиб-уришиб ин-инига кириб кетаверишади. Қийин-қийин, бечора онасига қийин. Жанжал чиқмасин, деб ҳамма ишни ўзи бажаради: азонда туриб сигир соғади, сут пиширади, эшик-орани супуради, яна чой ҳам дамлаб кўяди келинпошшаларнинг уйқудан туришига. Суяркулнинг раҳми келади онасига, чечаларини, уларга кўшиб акаларини ҳам ёмон кўради. Ахир, акалари онамга қараш, деб хотинига айтса бўлади-ку. Йўқ, сира индашмайди. Ёки айтгани билан, чечалари гапга кирмайди. Тезроқ кетгани яхши эди икковининг ҳам. Отаси томорқа олиб берса эди... Томорқа олиш ҳам қийин экан. Раис бобо ҳам ўлгудай хасис одам. Шунча ердан битта томорқа ажратгиси келмайди-я! Отаси ҳам жуда қийналиб кетди.

Элас-элас кўзга ташланадиган баландликда учаётган каптарлар бирдан турган жойларида қотиб қолишди ва пастга томон шўнғишди. «Семурғим, — уларга қараб ич-ичидан мурожаат қилди Суяркул. — Раис бобога айт, отамга томорқа берсин. Бермаса, онам касал бўлиб қолади». Каптарлар вағир-вуғурлашиб келиб, ўзларини каптархонага уришди.

Суяркул «беланчак»дан тушиб, сигирининг ёнига қараб кетди. Йўл-йўлакай ёввойи йўнғичқа, қорапечак, ғумаи юлиб, қучоғини тўлдирди. Қучоғидагининг ярмини сигирга берди, ярмини боғлаб, орқалаб олди. Ола сигирнинг кечки овқати бу.

Сигирни оғилга боғлаб, ариқчада қўлини юваётганида тепасига отаси келди. Жудаям аламзада, нимадандир қаттиқ норозига ўхшаб кўринди у: юзи бўғриққан, лаблари пир-пир учарди.

— Суяркул, тез бориб амакиларингни чақириб кел, — деди отаси овози титраб. — Ҳозир бораркансиз, дегин.

Суяркул ошхонадан акамерос эски велосипедни судраб чиқди.

Ҳадемай меҳмонхона қариндош-уруғлар билан тўлди. Қариндошларининг кўплигини Суяркул шунда билди. Вой-бу-й! Қишлоқнинг ярми қариндош-уруғ экан-ку. Тоға, амаки, қуда бува, жиян.. Эҳ-ҳе! Санаб — саноғига етолмайсан. Қариндошлар ярим тунгача алланималарни муҳокама қилдилар. Турди тоғаси: «Сизни, қирқ йиллик муаллимни шунчаям оёғости қиладимиз? Бунга ким чидайди? Мен уларнинг кирдикорларини беш қўлдай биламан. Оғайнилар, энди бирлашиб иш кўрайлик. Бугун раиснинг шохини қайириб ташламасак, эртага у ҳаммамизни эшак қилиб минволади», деб ўтирганларга гап уқдирди. Уни биров ёқлади, кимдир қоралади. Қуда бува индамай нос чекиб ўтира берди. Тортишув қизиди. Ким нима деяётганини билиб бўлмай қолди: «Колхоз катталарининг бариси ўғри каламуш. Боплаб райкомга ёзиш керак!» «Катталар осмондан тушибдими, ҳар биттасининг гала-гала оғайниси бор, агар биз ёз-ёз қилсак, улар мўлтайиб қараб турарканми?» «Бўлмаса, қирқ йиллик муаллимни бир тирмизак оёғости қилаверсинми?..»

Пойгакда папкасини қучоқлаганча мудраб ўтирган Суяркулга ҳеч ким эътибор бермади. Катталар уни гўё унутиб юборгандай эди.

Суяркулни уйқу элитар, киприклари қўрғошиндай оғирлашиб борарди. Кап-катта кишиларнинг ёш болалардай бақириб-чақиришларини жон-жон деб томоша қилгиси келар, аммо уйқу...

IV

Турди ғилай ёзиб берган «Шикоят»ини ўқий туриб, Малик муаллимнинг аъзойи баданидан муздай тер чиқиб кетди. «Агар шу гаплар чин бўлса, учдан бири рост чиқса ҳам жуда виждонсиз бўп кетган экан бу Назаров, — деб ўйлади у. — Балки ёлғондир? Қариганимда мендан лозиммиди шу? Эшитганлар нима деб ўйлайди. Малик чол ўз ўқувчиси-

нинг устидан ёзибди, деб нафратланмайдими?» Ҳуқувчиси, нима бўлганда-ям ўзи ўқитган ҳуқувчиси-да, бу Назаров.

«Шикоят» бир ҳафтача лаҳча чўғдай кўкрагини куйдириб юрди. Бир ҳафта давомида иккиланиб, ўзи билан ўзи олишди. Идорага бормоқчи, бир пайтлар Назаровни синфда ҳаммадан кейин олиб қолиб койиғанларидек, кабинетига кириб панд-насиҳат қилмоқчи, шу қоғоздаги гаплар ростми, деб сўрамоқчи ҳам бўлди. Охири, борди идорага. Лекин раиснинг бир қилиғи... Уни кўриб, худди кўрмагандай ёнгинасидан машинасида кўчани чангитиб ўтиб кетиши оғир ботди Малик муаллимга «Сендай калтабин, баднафс кимсанинг бир кун, ҳатто бир соат ҳам раис бўлишга ҳақинг йўқ экан. Бор-е, бўлганича-бўлар». Жўнатиб юборди...

V

«Газ — 24» идора олдидан тўхтар-тўхтамас, Назаров ирғиб ерга тушди. Эшикни зарда билан ёпди. Бир қадам ташлаб биров орқасидан тортгандай тўхтади — машина эшиги плаши белбоғини қисиб қолган эди.

— Ёпишмаган сен қолувдинг! — силтанди. Узилиб кетган белбоғ эшикда илон пўстидай осилиб қолаверди. «Тоза пўстагини қоқишганга ўхшайди, — дея кулди ўзича шофёр. — Энди шўринг қурғур бир бечорадан бошлаб аламини олади».

Котиба раис кириши билан дик этиб ўрнидан турди.

— Ҳзсельхозтехникадан телефон қилиб айтдики...

— Бош буғалтирни чақир! — Назаров қизнинг гапига қулоқ солмай эшикни елкалаб очиб, хонасига кириб кетди. Плашини бурчакдаги устига кип-қизил гилам тўшалган диванга улоқтириб, хонада бетоқат кезина-верди. Ҳозир унинг бош бухгалтерга айтадиган гапи жуда кўп эди: «Сени деб, шу балога гирифтор бўлдим. Сенга яхшилик қиламан, томорқа бераман деб, ер билан тенг бўлдим. Мисқоллаб йиққан обрўйим бир пул бўлди...» Қулоғига қалам, қўлтиғига бир дунё қоғоз кистириб олган Ҳсар бухгалтерга юзма-юз келгандан кейин эса... Ҳеч вақт, ҳеч қачон бундай деёлмаслигини тушунди: «Ў-ў, не-не сандиқларнинг калити бор-а, бу мўйловнинг қўлида. У ҳамиша ҳисоблашишга маҳкум бу одам билан! Дилидагини тилига чиқаролмай, ичи тутаб кетди. Ер тепиб бориб, ўзини диванга ташлади. Тишлари орасидан аламнок бир нидо титраб чиқди:

— Энди нима қилдик, оқсоқол?

Раиснинг важоҳатидан кўп нарсаларни фаҳмлаган Ҳсар бухгалтер қоғозларини столга қўя солиб, дераза тоқчасида устига духоба «чопон» кийгизилган чойнақдан бир пиёла чой қуйиб, раисга узатди.

— Шунини ичволанинг, тафтингиз босилади.

Назаров пиёлани Ҳсар бухгалтернинг юзига отгудай бир шашт билан кўтарди-ю... сипқориб юборди. Муздай чой ҳақиқатдан ҳам ичак-човоғини қовураётган аланга тафтини сал пасайтиргандай бўлди. Ҳсар чаққонлик билан пиёлага яна чой қуйди. Раис пиёлани қўлига олаётди:

— Исқирт! Ипириқки! — деди пишқириб.

Ҳсар бухгалтер тумшугини ари уясига тикиб олган айиқдай илқис ортига чекинди.

— Ким... ни айтяпсиз, Бегматжон?

— Кимни! — Назаров «сендан бўлак исқирт ҳам борми бу дунёда» демоқчи эди. Ҳсарнинг «кимни»-деб ўсмоқчилаши... Назаров столга бир мушт туширди. Пиёла дириллаб кетди. — Мияси қуртлаган чолингизни-да! Яна бир қулоч ариза ёзибди райкомга! Бир тоғора мағзава тўкибди устимга!

— А-а... — Ҳсар бухгалтер, бўшашиб, стулга ўтириб қолди.

— Нимани ёзипти, раис?..

— Ҳожатхонага борганим қопти, холос. Колхозда маданият ишлар дабдала, шийпон, боғча — номига, раис — амир Олимхон — хушла-ганнинг бошини силайди, хушламаганнинг бошини олади...

— Опший гапларакан-у. Ёмонам ваҳимачисиз-да, ўзингиз...

— Охиригача чидаб туринг! Сизни ҳам қуруқ қуйгани йўқ.

— И-би! Биз нима қиппиз.

— Тайёр бўл туринг. Ҳаммомга кетган харажатлар учун жавоб берасиз ҳали.

Ўсар бухгалтер илонни босиб олгандай сесканиб кетди. Колхоз ҳаммоми учун олиб келинган қурилиш материалларидан ўғлига беш хонали бир уйча тиклаб бергани рост. Лекин у ишни жуда пухта қилгани учун, қилни қирқ ёрадиган устаси фаранг ҳам тополмайди калаванинг учини, деган хаёлда юрарди. Раиснинг совуқ гапидан сўнг болохонали, олди ойнаванд иморатнинг деворлари устига босиб тушаётгандай ғужанак бўлиб қолди.

— Вой, иплос, вой иплос-ей... — деб вишиллади у.

Унинг талвасага тушиши Назаровнинг нафсини бир оз қондиргандек бўлди.

— Колхозга келган юз куб тахтани бош буғалтир «олтмиш куб» деб расмийлаштирган. Қолган қирқ кубини сотган. Иккита кўприк, тўртта шийпон, клуб капитал ремонт қилинди, деган қоғоздаги иш учун халқнинг ўн икки минг сўм пули ўмарилган. — Раиснинг оғзига қараб қолган Ўсар бухгалтернинг сарғиш юзи оқарди. Кўкиш кўзлари қинини ергудай олайди:

— Буб... буб... буларни... қаёқдан билибди, а?

— Сиздан сўраймиз буюғини, буғалтир бобо! Кўрсичқондай уйда қамалиб ётган чол шунча маълумотни қаёқдан олди! Ҳамма ҳисоб-китоб дафтарлари кўлингизда бўлса. Темир сандиқларнинг қалитини кирмонингизга солиб қўйган бўлсак. Яна икки тиллик қилиб... Иккита шохга осилган одам ажалидан бурун ўлади-я!

— И-е, шуни ўйлаб айтяпсизми, Бегматжон! — Ўсар бухгалтер титраб-қақшаб, жойидан туриб кетди. — Мани ким деб ўйлаяпсиз, ука. Етти болам, йигирма уч неварам бор мани! Қизиқ одам экансиз-ку, ука.

— Бўлмаса, шайтонга айланиб сейфингизга кириб чиқибди-да, анавилар! А?!

— Менам... шунисига доғман-да, ука. Кейинги вақтларда Турди ғилай идорага танда қўйган. Ўша...

— Буям ҳолва. Қолганини эшитинг! Колхоз икки йилдан буён гўшт, мой планини бозордан мол сотволиб бажаради, дебди. Бозордан кимларнинг моли сотиб олингани-ю, ҳар битта молнинг ҳақиқий нархи қанчалигича аниқ қилиб ёзилган у ерда. Бунисига нима дейсиз?

Ўсар бухгалтер елкасини учирди. Назаров ҳозир унинг кўнглида: «бу товоқнинг ошини Фармон билан ўзинг егансан. Қанча дод-войлаганим билан юқини ҳам ялатмагансанлар менга. Увол-савобиям энди ўзларингга сийлов», деган ўй кечаётганини сизди. Райкомдан келаётиб, йўл-йўлакай тузган режасини баён қилиш фурсати етгандай, асосий мақсадга кўчди:

— Ё учовимиз, ёки учовимиздан биттамыз, — деди у ҳамсуҳбатига маъноли назар ташлаб. — Уч кишининг жабр торганидан бир кишининг жабр торгани осонроққа ўхшайди. Шундай эмасми?

Ўсар бухгалтер, қилич кимнинг бўйнига тушаётганини кўрди. Кўрдию хиёл енгил тортиди.

— Шундайликка-шундайку-я, Фармон кўнармикан...

— Кўнади! Кўнмай гурга борармиди. Икковлашсак, албатта кўнади. — Назаров бошини орқага ташлади. — Аввалиси унчаликка бормас. Еру жўралар ўлган эмас, тирик-ку, ахир.

— Илонлар-ей, келиб-келиб ков-ков қилишга топган вақтини қаранг. — Нимасини айтасиз. — Назаровнинг бўғзини ўкинчли хўрсиник кўйдириб ўтди. — Ҳамид Кўбаевич жойида турганидами!.. — қийик кўзлари ғазабдан қисилиб, кўринмай қолаёзди. — Қумурсқани эзгандай, мана бундай қилиб, — бош бармоғини столга босиб айлантирди, — мажақлаб ташлардим бу итдан тарқаганларни!

Хонага оғир сукунат чўкди.

— Кейинги пайтда замон нозик бўлиб қолди, — афсус билан бош чайқади Ўсар бухгалтер. — Ҳаммаёқ остин-устин бўлиб ётибди. Кўпларга жавр бўлди. Ҳамид Кўбаевичга ҳам.

— Одаммас, тилло эди Ҳамид Кўбаевич! Ҳазилакам хизмати сингмаган у кишининг бу районга. Шундай одамнинг қадрига етишмади-я! Кўрасиз, пушаймон ейишади ҳали. — Назаров қизишиб кетди. — Мен завучлик пайтимдан биламан у кишини. Биззи одам қилган ҳам Ҳамид акам бўлади. Бўйнига қўйишган айбни қаранг, — порахўр, кўзбўямачи эмиш! Пора олмайдиган раҳбар қоптими. Ҳар катталар борки, туяни илик ютгандай ютворади. Янгисини ҳам кўрамиз, узоғи билан бир йил авлиёлик қилиб туради, кейин Асқартоғни қандай ютганини кўролмай қоласиз. — Назаров ичидаги бор аламини тўкиб солдию бирдан ҳушёр тортди. — Яна ким билади, дейсиз, Янги секретарнинг тутуми бошқача.

— Оғзини искаб кўрмадингизми, Бегматжон, тил топиб бўлмасми-кан?

— Исковуч тозимидим мен! — Усар бухгалтерни жеркиб ташлади Назаров. — Гап деганда тутурук ҳам бўлиши керак-да. — Усар бухгалтер ўтирган жойидан ирғиб туриб, қўл қовуштирди.

— Мен... ундай демоқчимасдим. Бирга ишлашсак бўларканми, деб...

— Сизга нима, ўтираверасиз-да, чўтингизни шиқиллатиб. Қийин-қийин — бизга қийин. Мана бугун бюрода соясидан шайтон ҳайикадиган Тўқлибоевдай одамни ер билан битта қилди.

— Яратганнинг ўзи асрасин. Яхши ният қилайлик, укажон, — деди Усар бухгалтер раисга мўлтайиб. — Бу ёғи нима бўлади?

Назаров сукут ичида хонани бир айланиб, Усар бухгалтернинг рўпарасида тўхтади:

— Кечқурун правление ўтказамиз. Мен бўлай, сиз бўлинг, яқинларимиздан бир-иккитасига тайинланг, Фармон акага ул-бул деб, иримига койиган бўламиз.

— Маъқул, кўп маъқул, — унинг фикрини қувватлади Усар бухгалтер, — фақат, хўжакўрсинга бўлсаям, уч-тўрт ой фермадан четлатган тузукмиди. Тағин ўзингиз биласиз.

Раис тирсиллаб йўғон торта бошлаган бўйини қашиди.

— Ака ғиди-биди қилмайдими? Ҳозир икки кўзингнинг дўстлигига ҳам ишониб бўлмай қолди. Бўлмаса, ўзингиз шоҳид, ҳазилакам яхшиликлар қилдимми Турди ғилайга. Мен индамасам онасини учқўрғондан кўрарди. Охир-оқибат, занғарнинг қилиб юрган ишини қаранг. Арининг инига чўп суқади-я?

— Шуни айтяпман-да мен ҳам, Бегматжон. Замон олағовур, ит ҳам бит ҳам закунчи. Шунақа қалтис пайтда, ўзингиз айтганингиздай, Фармонга хўжакўрсинга бўлса ҳам қаттиқроқ чора кўрмасангиз, анави «ёзувчи»лар тинчимас, деб қўрқаман. Нима бўлганда ҳам, Маликнинг жилови Турди ғилайнинг қўлида-да.

— Ҳе... — Назаров гўё қаршисида Турди ғилай тургандай ёмон сўкинди. — Яхшиликни билмаган аҳмоқ! Бу кўзинг ҳам оқиб тушади ҳали сен ҳайвоннинг. Айб асли ўзимда. Икки буклаб тиқиб юбориш ўрнига, мен нодон унга туппа-тузук иш бериб ўтирибман-а! — Назаров бир-бир босиб дераза ёнига борди. — Ничево, — деди кўчага қараб. — Бу мишиқидан тепки еб, қараб турадиган аҳмоқ йўқ. — Раис Усар томон ўгирилиб, ёвуз илжайди. — Шундай боплайки, ўз-ўзи билан қирпичоқ бўлиб, бир-бирининг гўштини ейди ҳали улар.

Назаровнинг ўч олиш усулини яхши билган Усар бухгалтер унинг мақсадини сал-пал фаҳмлади. Лекин бир нарсани аниқлолмади: Малик пенсиядаги чол — ушлагулик жойи йўқ. Турди ғилайнинг гуноҳлари ҳам эскириб, ириб-чириб кетган. Пичоққа илингудек ким бор бу уруғда? Тўйчи? Топибди! Жон жойидан ушлабди. Балойиазим бу! Усар бухгалтер бошини елкалари орасига тортиб ҳиринглади:

— Магазинчими?

— Тсс... Дамингиз чиқмасин. Қалай?

— Нақ кекирдагидан бўғибсиз, кекирдагидан!

— Илонга — илонмиз, чаёнга — чаён. Шундан кейин ҳам кўзи очилмаса бир ўзини моховдай ажратиб ташлайман одамлардан. Ҳа! Ҳозирча, эл кўзига ён бергандек бўламиз. Муаллимга томорқа берамиз,

ер давлатники — олсин хоҳлаган жойидан. Уч-тўрт чолни уйига юбориб, кечирим ҳам сўраймиз. Томоша ана ундан кейин бошланади.

VI

Суярқул кун ботар паллада «мешқорин»ни етаклаб, қишлоққа қайтди. Сигирни оғилга боғлади. Меҳмонхонага — отасининг олдига кирмоқчи эди, бўсағада бир-бирига мингашган калишлар, чанг-чунг ботинкаларни кўриб, ичкари киришга ботинмади. Қия очиқ эшикдан Турди тоғасининг дарғазаб овози эшитилди:

— Энди воситачининг зарили йўқ. Керак бўлса, Москвагача борамиз!

Суярқулнинг юраги дукиллаб уриб кетди. Ташқарига отилди. Дераза олдига лайлак қилиб қўйилган эшак арава турарди. У аравага суянган кишидай, ичкарига қулоғини динг қилди.

— Ҳўй, мулла бобо, қурвақани босса нима дейди, «вақ» дейди-ми,а? — дўриллади тоғаси. — Бу киши одам-ку!

— Турдибой, улим, сизам жа қизишаверманг-да, — дерди босиқ бир овоз. — Хом сут эмган банда борки, адашади. Раис бобо ҳам бир тойди. Аммо-лекин, хатосини тан оляпти, кечирим сўраяпти катта бошини кичкина қип.

— Пайтавасига қурт тушгандами?

— Арзимас гап деб, колхозимизнинг отини ёмонга чиқармайлик-да, улим, — тортишувга кўшилди бошқа бир овоз. — Ҳаммамиз қариндош-уруғ, қуда-анда бўлсаг-у, шуйтиб ўтирсак...

— Қариндош-қариндош дейсиз, Тўйчини обехесга босдирган ким? Суюкли қариндошимиз ўртоқ Назаров эмасми? Бизни билмайди деб ўйлайди-да. Йўқ, биламиз. Ер остида илон қимирласа сезамиз. Сизлар эса билмайсизлар. Сиз ҳам билмай туриб ўртага тушманг-да, мулла бобо!

— Ҳў-ўй, нима қиляпсан?

Суярқул ялт этиб орқасига ўгирилди: уч қадамча нарида ақаси Ҳамид турарди. Суярқул ўғрилиб устида қўлга тушгандай қип-қизариб кетди.

Ақаси кайфдан қисилиб, милтиллаб турган кўзини унга қадаб:

— Бақа ке қани, ҳиқ... — деди. — У ерда... нима бўляпти? — Меҳмонхонага имо қилди. — Ё, тағин, ҳиқ... майлисми? — Ҳамид бировни урмоқчидай қўлларини мастона силтади, чайқалиб кетиб, ариқ лабидаги катта кундага ўтириб қолди. Худди юзини ювгандай қилиб, тиришган пешонасини, бетларини сийпади. Қизарган кўзларини сузиб Суярқулга тикилди. — Суярга ўхшайсанми... укам-у! Ке... ҳиқ... ука, ўтир. — У оғир кўзғалиб, кунданинг бир четидан уқасига жой кўрсатган бўлди. Бир ёқаси шалпайган костюми чўнтагидан тимирскилаб, яримлаган шиша чиқарди. Шишани бурнига яқинлаштириб, қизиқсиниб тикилди-тикилди-да, сўнг даст кўтариб, култ-қулт ича бошлади.

Суярқул ақасининг буришиб, тиришиб бораятган афтига қараб, ачи-ниб кетди: «Ҳар кун ичади. Илгари бунақамасди. Ёки Мамаюсуфга ўхшаган «жўра»лари хафа қилармикан?...» Унинг назарида ақаси билан ўзи ўртасида аллақандай ўхшашлик бордай эди. Икковиям ночор. Икковиям яккамохов. Ғалати бўлиб кетди. Ақасини қучоқлаб олиб йиғлагиси келди. Кунданинг бир четига омонатгина ўтирди:

— Ака, жо-он ака, ичманг...

— «Ичма». Ичмаганингга қўядими. — Ҳамид меҳмонхонага қараб олиб, чуқур хўрсинди. — Анови, ғилай тоғангам борми?

— Ҳим...

— Майлис де? — Ҳамид бирдан қизишди. Қўлидаги шишани зарда билан деворга отди. Шиша чил-чил синди. Уқасининг елкасига таяниб, базўр оёққа турди. — Майлис де? — такрорлади яна. Теваракка аланглади, чайқалиб бориб девор тагида тахлоғлик арчилган тол ходаларидан бирини илкис суғуриб олди.

— Ака, нима қилмоқчисиз, ака?

— Улдираман! — Ҳамид ходани икки қўллаб кўтариб дарвозага урди. Хода қарсиллаб синиб кетди. — Чиқ ҳамманг! — Меҳмонхонага қараб ҳайқирди у. — Сенга айтяпман, ҳўй, ғилай!

Тўс-тўполонни эшитиб, Суяркулнинг ўртанча акаси Насим ялангоёк югуриб чиқди. У:

— Э, сатқайи одам-е! — деб, Ҳамиддан ходани тортиб олди. Узини бўлса ёш боладай даст кўтариб, ичкарига олиб кириб кетди.

— Қўйвор, қўй дедим сенга! — юлқинарди Ҳамид. — Сенда калла йўқ. Ҳамма жирканади биздан. Битта столда ўтириб текин арақ ичмайди. Ор қилади, билдингми, ор қилади! Ҳей, қўйвор дейман!

— Вос-вос бўп қопсиз! — деди Насим пешайвон тўридаги эшикни те-пиб очар экан. — Ҳамма нима ғамдаю... Ўлган яхши бу кундан. — У Ҳамидни бир қоп ундай опичлаб, гиламга отиб юборди.

Бурилаётиб, орқасида турган Суяркул билан тўқнашиб кетди.

— Дайди пишакдай мунча оёғостида ўралашмасанг! — Тишларини фижирлатди у. — Бор, ишингни қил!

Деворга қапишиб қолган Суяркул тирналган тирсагини уқалаб, супа лабига бориб турди. Насим меҳмонхонага кириб кетгандан кейин оёқ учида бориб, аста эшикни очди. Уй ўртасида юзтубан ётган Ҳамид акаси ёш боладай хўнг-хўнг йиғлар, ғўлдираб сўкинар, яна йиғлар эди.

Суяркул кўзларидан тирқариб чиққан ёшни тўхтатолмай, ташқарига отилди. Меҳмонхона остонасида уймаллашиб турган кишилар ёнидан ўқдай учиб ўтиб, кўчага чиқди. Жонҳолатда югуриб кетди. У қаёққа чо-паётганини билмас, фақат ҳеч ким кўрмайдиган, ҳеч ким эшитмайдиган жой топиб, Ҳамид акасидай хўнграб-хўнграб йиғлагиси келарди...

Суяркул кўчама-кўча қанча юрди, қаерларга борди — билмайди. Қайтиб уйга келса, меҳмонхонада отаси, Насим ва Турди ғилайдан бошқа ҳеч ким қолмабди.

— Ана, жиянчаям келди. Бориб оғайниларни айтиб келсин. Тағин бир кенгашиб кўрайлик, — деди Турди ғилай Суяркул эшикдан кириши билан.

Малик муаллим қовоғи остидан ўғлига қаради. «Не кунларга қолдиг-а, болам...» ўйлади у.

— Бор, жиян, амакигларни чақириб ке, — домладан нидо чиқмагач буюрди Турди ғилай. Суяркул тоғасининг малларанг қошларига тикилган-ча, бу гапни гўё эшитмагандай индамай тураверди. Негадир ҳозир тоғасига гап қайтаргиси, «сизни ёмон кўраман!» деб бақиргиси келарди.

— Нимага бўзрайиб қолдинг, югур! — ўшқирди Турди.

Суяркул ноилож пиёздоғ, куюнди иси тутиб кетган ошхонадан шалоғи чиққан велосипедини етаклаб чиқди.

VII

Суяркул терлаб-пишиб чимзорга етиб борганида, ўйин ҳали бош-ланмаган эди. Майкачан, кўйлақчан, иштонбологини тиззагача шимариб олган болалар шунчаки оёқнинг чигилини ёзиш учун тўп теппиша-ётганди. Суяркул тўп теппишга келган болаларнинг кийим-бошидан глобус-дай олатароқ толнинг кавак танасига суяниб, шоша-пиша ечинди. У чўккалаб, тумшуғи арчилган туфлисининг ипини боғлаётганида, уч-тўрт бола машқни тўхтатиб, шу томонга хезланиб кела бошлади. Суяркул энг олдинда жўжахўроздай хурпайиб келаётган Мамаюсуфни ер остидан кўриб, бўшашиб кетди: «Ҳозир бир балони бошлайди бу бочка. Жалол-нинг ўчини олади. Бир ўзи бўлганда-ю... ишқилиб, тепалашамиз, демасин. Келмасам бўларканда...»

Суяркул тошми, кесакми излаб теваракка олазарак кўз ташлади. Яқин атрофда қўлга илинғудай нарса кўринмагач, оёғидаги туфлисининг бир пойини ечиб, ичини ковлаштираётгандай, киши билмас ҳамлага шайланди.

— Яна келдингми? Биз билан ўйнамайсан, девдим-ку! — Олисдан ўдағайлаб келаберди Мамаюсуф.

— Елкаси қичиган-да, елкаси, бизнинг тепкини соғинган, — камшик тишини кўрсатиб ишшайди Мамаюсуфнинг «ўнг қўл вазири» — Жумабой. — Ҳозир пешонасидан дарча очиб қўямиз. Ана ундан кейин ҳечнима эсидан чиқмайдиган бўлади. — У ҳарбий хизматни ўтиб келган акасининг камарини белидан ечиб, қўлига ўради. Камар учидаги ялтиратиб артилган

тўқа қуёшда ярақлаб кетди. Суяркулнинг қути ўчди. Ахир, бир ўзига тўрт киши-я, ҳазилми бу! Нажот излаб атрофга аланглади. Гирдига ола-була оҳак тўкилган чимзорда болалар қий-чув қилиб тўп тепишмоқда эди, яқин-ўртада ўзигу рақибларидан бўлак ҳеч ким йўқ. Тўп тепаётганлар орасида фақат бир киши — Мавлон шу томонга қараб турган экан. Лекин Суяркулнинг қараётганини сезган заҳоти у ҳам чопқиллаб, болаларга қўшилиб кетди. Нега?! Барибир, жонажон жўрасининг шу ердалиги Суяркулга бироз мадад бўлди.

Устига қуюндай бостириб келаётган хатарни аниқ сезиб турсада, Суяркул ҳозир жанжаллашмоқчи эмасди. У, умуман, жанжал-тўполонни хуш кўрмайди. Кеча ҳам, агар Мамаюсуфнинг ўзидан ўтмаганда, унга ярим оғиз ёмон гап айтмаган бўларди. Қолаверса, унинг ўзи ҳам азалдан Жалолни ёмон кўради. Жалол ким? — Говзомбир! Яқинлашган одамни жизиллатиб чақволади. Мактабда биров билан ёқалашмаган куни, албатта укаларини чирқиратади. Нос отиб, тамаки тутатиб юришлари-чи. Тағин ўзини «шеф» санаб, Суяркулни ўз «соя» сига олмоқчи бўлиб керилишларига ўласанми! Тунов кунги қилиғини қаранг: ўша — Жалол говзомбир, Мамаюсуфни кўчада тутволиб: «Суярга финг десанг, бурнингни деволга ишқаб, пачафингни чиқариб ташлайман» дебди. Гомзомбирда калла бўлса, одам қуриб кетгандай, келиб-келиб Мамаюсуфга пўписа қиладими! Тавба. Мамаюсуфнинг ўзи нимаю... Бочка! Бочка бўлгандаям, ичи бўм-бўш бочка. Бир чертсанг, вой-войлаб бориб онасини етаклаб келади. Суяркул келиб-келиб шу бочкадан кўрқарканми? Кўрқиб бўпти! Уша куни адабини бериб кўярди-я, аттанг! Яна Жалол говзомбир халақит берди-да. Бочка билан энди бир ҳисоб-китоб қилай деб турган эди. Худди осмондан тушгандай ёнгинасида Жалол пайдо бўлиб қолса бўладими? Бунисиям майли-я, ҳе йўқ, бе йўқ, «Суярга тегинадиган сенмисан ҳали?», деб Мамаюсуфнинг орқасига ўхшатиб бир тепганига нима дейсан! Бечора Мамаюсуф «вой энажон»лаб бақирганча орқасига қарамай ура қочди. Суяркул унга қўлини теккизган бўлса, нон урсин! Аслида эса бочкани тупроққа белаб тепкиласа ҳам ҳаққи кетарди. Хўш, биров сени ҳамманинг олдида бекордан-бекорга тўполончига чиқаради-ю, индамайсанми! Нима эмиш — Суяркул дунё харитасини йиртганмиш! Мамаюсуф ўз кўзи билан кўрибди: «Йиртма, бу ўқув қуролимиз-ку», деса, «Бировга финг десанг Жалолга айтаман, тилингни суғуриб олади», деб кўрқитганмиш Суяркул уни. Жумабой билан Ҳакимча-чи? Вой тавба, вой тавба! Икковиям: «Биз ҳам кўрдик, Суяркул йиртди», деб кўзини лўқ қилиб турибди-я! Вой тухматчи қирқпеслар-е! Учовининг тили биттада! Харита яқинига йўламаган бўлса ҳам (ким билсин, балки ўшаларнинг ўзи йиртгандир), тухмат қилиб, Суяркулни шарманда қилишмоқчи. Уч кишининг гапи бир бўлгандан кейин ким ишонмайди уларнинг сўзига. Бутун синф олдида Суяркулнинг юзи қора бўлди. Муаллим ҳам чиппа-чин ишонди: «Сени яхши ўқувчим деб юрардим, — деди у қаттиқ ранжиб, — лекин кейинги пайтларда айниясан, ҳар хил бўлмағур қилиқлар чиқаряпсан». Суяркул: «Мен йиртганим йўқ», деёлмади. Дегани билан, барибир бефойда, ҳеч ким ишонмасди унинг сўзига. Хуллас, Суяркул тухмат қилиш қанақа бўлишини Мамаюсуфнинг кўзига кўрсатиб қўймоқчи бўлди. Дарсдан кейин бошқалардан олдинроқ синфдан чиқиб, катта йўл бўйидаги тутнинг панасида рақибини пойлаб турди. Димоғи чоғ Мамаюсуф фўнғир-фўнғир қўшиқ айтиб ўтаётганида панадан чиқиб, йўлини тўсди. Лекин, гапиришга улгурмасидан, ҳали айтганимиздай, Жалол кепқолиб, ишнинг расвосини чиқарди. Мамаюсуфнинг жиртакилигини кўра-бала туриб, бир тепди. Мамаюсуф бўлса, худди одатдагидай, хўнграб уйига — онасининг олдига чопди. Онасининг одати ҳаммага отнинг қашқасидай маълум. Устига-устак, Суяркулнинг отаси Малик муаллимдан қандай ўч олишни билолмай юрган эмасми, шу заҳоти Суяркулларникига етиб келиб, ҳовлини бошига кўтарди: «Ферманинг бошига етганларинг каммиди! Бутун нонимни яримта қилганларинг каммиди! Ширин ошимга заҳар қўшганларинг етмовдимми! Энди боламни уриб майиб-мажруҳ қилмоқчимисанлар!» Бўлди шовқин, бўлди ғавғо! Суяркул ёш боладай онасининг этагига

ёпишиб, «пиқ-пиқ» йиғлаётган Мамаюсуфга қараб туриб ҳам ҳайрон бўлди, ҳам қўрқиб кетди: устбоши тупроқ, сочигача чанг-лой, костюмининг бир учи узилган белбоғи эчкининг думидай ликиллаб, орқасида осилиб турибди. Биров тупроққа булаб роса тепкилаган, дейди уни кўрган киши. Мамаюсуфнинг онасини Суярқулнинг онаси бир нима деб юпатмоқчи бўлган эди, у баътар тутоқди: «Илоё иловандо у дунёю бу дунё косанг оқармасин! Уйингга ўт тушсин. Эрингнинг кўкини киявериб, куйиб ўлгин!» Икки аёл юлишиб кетишига сал қолди. Шовқин-суронни эшитиб қетишган кўшуналлар ўртага тушиб, уларни зўрға ажратишди. Бўзариб кетган Малик муаллим Суярқулнинг қулоғини шундай бурадики, боланинг кўзларидан тирқираб ёш чиқиб кетди. Биринчи марта сўрамай-нетмай кўча тўла одамлар олдида юзига шапатилаб юборди. Зарби ҳозиргача қулоғи тагида... Энг ёмони, Суярқулнинг оти «муштумзўр»га чиқди. Мамаюсуфнинг «ўнг қўл вазири» ўша куниёқ «Суярқул Жалол тоғаси билан Мамаюсуфни роса урибди», деб ҳаммаёққа овоза қилиб юборди. Бу хабарни эшитган бола Суярқулни ёмон кўриб қолиши табиий. Айниқса қизлар, бирам ғазабланишдики. Гулсум бўлса гўё Мамаюсуф эмас, ўзи таёқ егандай, «кичидан пишган писмиқ бу! Унга яқинлашган киши балога қолади», деб Суярқулга заҳрини сочи. Мамаюсуфга худди шу нарса керак эди. У болаларнинг ҳаммасини ўз томониغا оғдириб олди. Оғдириб олдигина эмас, яккамохов қилиб, ажратиб ташлади Суярқулни. У Жумабойнинг турқи туришига, қўлида чақмоқдай ярақлаб турган камарининг тўқасига қараб туриб, юрагини ваҳима босди. Жумабой ўпкадан ҳар балони кутса бўлади. Агар, ўпкалиги кўзиб, камари билан, ўзи айтгандай, Суярқулнинг миясига солиб қолса борми...

Мамаюсуф уч-уч ярим қадамча нарида тўхтади: оёқларини кериб, қўлини белига тираб, Суярқулга ишшайиб қаради. Шериклари эса Суярқулни ёйдай ўраб олишди.

Суярқулнинг туфли тутган қўлига титроқ кирди. Бир кўнгли, бурила солиб қишлоққа қочай дедию бутун мактабга калака бўлишни ўйлаб, зўрға ўзини тийди; сир бой бермаслик учун, бир қадам тисланган жойида рақибларига қўрқув аралаш ўқрайиб қаради. Жумабой Мамаюсуф «ол» деса, Суярқулни таппа босадиган қиёфада, бир имога маҳтал, тиржайиб турарди. Ҳақимча ахлаланишдан иккиланаётгандай, гўё унга ачинаётгандай, пастки лабини маҳкам танишлар олган. Қосим кадиқалла билан Раҳим дароз эса томошага интиқ — тезроқ жанжал бошлансаю улар икки тарафни бир-бирига гиж-гижлаб, маза қилишса. Мамаюсуфнинг қиёфаси ўша-ўша: «Қалайсан энди, болакай?» У Суярқул томонга бир қадам ташлаб, менсимай:

— Ўзинг кетасанми, ёки... — деди-да, ҳамроҳларига илжайиб қараб қўйди. Суярқул ҳам бўш келмади.

— Яқинлашма! Мана шу билан бир ураман, ўласан, — деди у туфлисини ўқталиб, — ўлгинг келаётган бўлса, майли, кел, яқинроқ келавер. — Лекин унинг дўқи шу қадар заиф эдики, рақиблар бараварига «ва-ҳа-ҳа»лаб юборишди.

— Ишқилиб, Мамай жўрангнинг қорнига тепмагин-да, тарвуздай ёрворасан-а! — майна қилди уни Жумавой. Кулгидан кўзлари қисилиб кетган Мамаюсуф ҳам қараб турмади:

— Туришини кўринглар буни, туришини! Ҳожимуқон-а, Ҳожимуқон! Пуф деб учирвораман дейди-я, одамни!

— Тўхтанглар, бир нима деяптими? — деди Жумабой кулгидан тийилиб. — Нима дединг, сўқдингни? Яна бир қайтар! — У камарини ўйнатиб Суярқулга хезланди.

— Ҳештима деганим йўқ, — деди Суярқул бошини ёқасига яшириб.

— Ҳештима? Онангни... деб сўққан ким? Узим эшитдим-ку! Яна тонади-я! Тилини суғуриб олиш керак бу зўравонни! — Жумабой ҳозир айтганини қиладигандай Суярқулнинг устига от сураётган эди, Ҳақимча ўртага тушди: У Жумабойни итариб, Суярқулга дағдаға қилди:

— Сен бола, эсинг борида этагингни ёпиб, даф бўл бу ердан. Бўлмаса, сичқон инидан паноҳ излаб юрма кейин...

Суяркул, «Мен сенларга нима ёмонлик қилдим», демоқчи эди. Лекин: «Кетмайман. Чимзор энангники эмас!» деган сўзлар беихтиёр оғзидан чиқиб кетганини билмай қолди. Мамаюсуфга садоқатини доимо биринчи бўлиб кўз-кўз қиладиган «ўнг қўл вазир»: «Энангнинг чимзори мана бундай бўлади!» деб, Суяркулнинг калласини кўзлаб камар билан солди. Яхшиямки, унинг ўпкалиги Суяркулга маълум. Вақтида энгашиб, зарбага чап берди. Йўқса... Жумавой яна ҳамла қилган эди, бу сафар Мамаюсуф қўймади.

— Ҳовлиқма! Жойимас! Ҳамма қараб турибди! — деди у Жумабойни жеркиб. — Ошиқма, кучингни кўрсатадиган пайт келади ҳали.

— Узинг айтувдинг-ку, ўласи қилиб урамиз, деб, — норози бўлди Жумабой. Мамаюсуф уни итариб юборди ва қатъий қилиб деди:

— Ишинг бўлмасин. Бор, анави ерга бориб тур. — Кейин Суяркул томонга бир қадам ташлади. Суяркул беихтиёр орқасига тисланди. Мамаюсуф шап этказиб елкасидан чангаллаб олди. Бири кўрқув ва аламдан, бири ғазабу нафратдан ёнган кўзлар тўқнашди. Шу асно бир нафас тикилиб туришди.

— Менга қара, шипиёнбачча! — Суяркулнинг елкасини омбурдай қисиб ўшқирди Мамаюсуф. — Кўзингга кўрсатиб қўярдиму... Майли, ҳисоб-китобни бошқа жойда қиламиз. Йўқол бу ердан! — уни силтаб юборди. Суяркул болаларнинг оёғи остида топталган майсалар устига чўккалаб тушди. — Сен, Жалол говзомбирингга ишонма кўпам, — бурилиб кетаётиб яна пўписа қилди Мамаюсуф. — Унингниям иштонини бошига кийдираман ҳали.

Суяркул осон қутилганига ичида шукур қилиб турган бўлса ҳам рақибларининг кетаётганини кўрибми, ўзини ғазабдан тиёлмади.

— Яккама-якка чиқ, зўр бўлсанг! — Тирсагига илашган хас-хашакни қоқа туриб, талаб қилди у. Мамаюсуф таққа тўхтади:

— Нима дединг? Яна бир қайтар!

Суяркулнинг дами ичига тушиб кетди. Ҳакимча унинг аҳволига ачиндимми ёки жанжал бўлишини истамадимми, ҳар қалай, Мамаюсуфни қўлидан маҳкам ушлаб, уришгани қўймади.

— Ўлгинг келяптими? Нимангга мунча гердаясан! — деди Ҳакимча Мамаюсуфни чимзор томон тортаркан, Суяркулга қараб, — ҳозир Мамай бир «бос» деса, ярим муштан тегмай кетасан-ку, кўккартишка! Кет, дегандан кейин эсинг борида қуён бўлгин-да!

Худди шу пайт иштонбалоғини шимариб олган, оёқяланг, ярим яланғоч «судья»нинг: «Ҳей, Мамай, келасанларми-йўқми?!» деган овози эшитилиб қолди.

— Шошмай тур! — тишини ғижирлатди Мамаюсуф. — Туғилганингга пушаймон ейсан ҳадемай!

— Менга раҳмат дегин-да, думининг тайига жангал тиқилган куррачадай, уйингга қараб қоч. — Ҳингир-ҳингир кулди Ҳакимча. — Бўлмасам, шўринг қурувди, кўккартишка! — ҳаммаси ортига қарай-қарай, майдон сари чопиб кетишди. Суяркул уларни гап билан илондай чақиб олгиси келар, бироқ қуруқшаб қолган тили айланмасди. «Ўйнайман! Барибир ўйнайман!» — Ужарлик билан яна туфлисини кияверди. Кимдир тепасига келиб, «шилқ» этиб бурнини тортди. Чўчиб бошини кўтарди: Мусо. Япалоқ бурни артилавериб шолғомдай қизариб кетган Мусо.

— Ҳа, бурунбой, сенам уришмоқчимисан? — деб зўрға илжайди Суяркул.

— Нимага тиржаясан! Улар сени ўлдирмоқчи-ю... — Мусо тезгина атрофга аланглаб олгач, энкайиб Суяркулнинг қулоғига пичирлай кетди. — Мамай айтдики, Суяркулни уриб ўлдирган савобга қолади, деди. Отаси ёмон одам, ҳамманинг устидан юмалоқ хат ёзиб, бировни бировга гиж-гижлайди. Агар Суярни ҳозир бир ёқлик қилмасак, каттарганда уям отасидай ҳаммани безор қилади, деди. Жумавой жинни бўлса, Суярни яккамохов қип, ажратиб ташлаш керак, деди, Ҳакимча айтдики, Суяркул отасининг шипиёни, бизардан гап ўғирлаб, отасига ташийди. Бундан кейин ҳеч ким у билан ўинамасин, деди. Кейин бариси бир бўлиб, ўласи қилиб

урмоқчи бўлди сени. У-ў, ёмонам қўрқувдим-да... — Мусо тўсатдан бошини кўтарди.

— Суяркул, отанг шунақа-ёмон одамми? — деди кўзларини олайтириб.

Суяркул қандай жавоб берарини билмай ўйланиб қолди. Сўнг юзини четга бурди. Очиғи, отаси ҳақида ҳар хил гаплар эшитавериб...

— Ҳеч қайсиси тарафимни олмадимми, а? — гапни бошқа ёққа бурмоқчи бўлди Суяркул ва чимзордаги болалар орасидан Мавлонни излади. Мавлон копток орқасидан ҳаллослаб югуриб юрарди.

— Мен олай дедим-у... Мамайдан кўрқдим. Хай, бўлмасам, сен энди кет, мен ўйинни томоша қилмасам бўлмайди. Биласанми, бугун зўр ўйин бўлади. — Мусо бурнини билагига арта-арта чимзор томон чопиб кетди. Суяркул унинг кетидан бир пас қараб турди-да, боя толшоҳига илган кўйлак-шимини қўлтиғига қисди. Бурунбойнинг гаплари Мамаюсуфнинг дўқидан ҳам ёмонроқ таъсир қилганди унга. Футбол ўйнаш иштиёқи бирпасда сўнди-қолди. Уват ёқалаб қориб, тутзорни кесиб ўтди. Бедазорга етганда негадир мадори қуриб, оёқлари шалвираб қолди. Қизғалдоғу чучмомалар билан қопланган ариқ уватига беҳол чўкди. Чимзор томон ютоқиб термулди. Ўйинчилар кўринмас, тутзор ортидан: «Тепмайсанми! Ошир!», деган ҳайқириқлар эшитиларди. Туриб-туриб ичи қизиди, алами ғазабга айланди: «Нима ҳаққи бор!» Ўрнидан беихтиёр учиб турди. Чимзор сари беш-олти қадам босдию худди кимдир кўкрагидан итариб тургандай, яна таққа тўхтади. «Баттар бўлинглар!» — чимзорга қараб қўл силтади. Йўнғичқаю чучмомаларни босиб-янчиб анҳор томон жўнади. У сигирига бир тутам ҳам ўт юлмай тўғри оролчасига борди. «Қил кўприк»дан юриб, оролчага ўтди. Анҳор бўйидан бир тутам ялпиз юлиб олди-да, кўк терак тагига беҳол чўкди. Терак шохларига каптарлар уни танибми, патирлаб осмону фалакка кўтарилди. Бошқа пайт бўлганда Суяркул қаттиқ ҳуштак чалар, завқи тошган каптарларнинг кўзга аранг чалинган ҳолда ўйинга тушиб, бир-бирларини қувлашиб учишларини томоша қилган бўларди. Ҳозир эса юрагига қил сиғмайди. У тиззаларини қучоқлаб ўйга толди. Кўз олдига яна чимзор келди. Мамаюсуфнинг гаплари бирдан наша қилиб кетди. «Шипиёнбачча, дедими?» — Бу сўзнинг маъносини энди англагандай, туюқиб кетди. — «Ўзинг-чи? Ўзинг кимсан? — Мамаюсуф билан юзма-юз тургандай ўдағайлади у. — Тухматчи-сан, аҳмоқсан, билдингми? Отанг бўлса очкўз — колхознинг молини еб қўйган. Очкўзлиги учун ҳам қамалади энди. Шуни билиб қўй, менинг отам минг дод-вой деганинг билан отангга ўхшаган муттаҳам эмас. Ҳамманинг ўзидай ҳалол, инсофли бўлишини истайди, билдинг!» — Шу гаплар боя эсига келмаганини қаранг-а! Сувга тушган мушукдай шумшайиб турганча, шериклари олдида ер билан битта қилиб ташламадимми, ўша бочкани! Суяркул анча ҳовридан тушди. Қўлини қаншарига ёстиқ қилиб ётди. Каптарлар мовий осмонда дам тўпланиб, дам ажралиб учишарди. Шохдан-шоҳга учиб-қўнаётган чумчуқларнинг чирқиллаши, қарғаларнинг қағиллаши бу сафар Суяркулга ёқмади. У яна Мамаюсуфни эслади. Унга бир бало бўлди. Илгарилари ҳечам бунақа эмасди. Бирдан ўзгариб, Суяркулни ёмон кўриб қолди. Нуқул жанжалга баҳона қидиради, бошқаларнинг олдида майна қилмоқчи бўлади. Партага ўтираётганда билдирмай тагига сиёҳдон қўйиб қўяди. Коридорда кетаётганида пусиб келиб папкасини уриб туширади. Синфга кираётганида эшикнинг панасида турволиб, оёғидан чалади. Нега? Шу тариқа отасининг ўчини оляптими? Отаси...

Суяркулнинг кўз олдига тунов кунги кўнгилсиз манзара келди.

... У отаси ва онаси билан чорпоёда нонушта қилиб ўтирган эди. Бир маҳал дарвоза тарақлаб очилдию Мамаюсуфнинг онаси Улжон хола ҳовлига қуюндай бостириб кирди. Чорпоёга етмасданоқ, қўлларини силтаб, энгини ҳалпиллатиб қарғай кетди:

— Ҳей, умидгинанг узилгур Малик. Домулла бўлмай очиқ мозор юткур. Ферма сенга нима қилувди. Орқангга қозик қоқувдимми? Нимага устидан ёздинг, бўйнинг тагингда қолгур!

Суярқулнинг отаси шунча қарғишдан кейин ҳам қилт этмади. Онаси чиқолмай, ковушини олиб Улжон холага отди:

— Оғзингдан чиқиб ёқанга ёпишсин! Олашақшақдай нималар деб шақиллаяпсан ўзи, алвасти?

Суярқул бу «томоша» сабабини Мамаюсуф билан бўлган жанжалдан кейин билди. Малик муаллим Мамаюсуфнинг отаси Фармон ферманинг устидан ёзиб, уни мудирликдан бўшатибди. Ҳозир иши судда эмиш. Фармон ферма Мамаюсуфга моторли велосипед олиб бераман деб турган экан. «Агар отам қамалса, оролчангда ётган жойингда ўроқ билан чавақлаб ташлайман сени!» деб, дўқ урди унга Мамаюсуф. Уша кунни уларнинг орасидан оламушук ўтди. Шу-шу...

Суярқул чуқур хўрсинди, кўзларини юмиб ўйга толди: «Отам нега ундай қилдийкин. Томорқа дебми? Томорқани бермаган Мамаюсуфнинг отасимас, раис бобо-ку!» Уйлаб ўйининг тагига етолмади. Боши говлади. Ёрқин қуёш нурида каптарлар бутунлай кўринмай кетган нуқтага бирпас маъносиз тикилди, сўнг кўзларини юмди. «Ким тўғри иш қиляпти?» — дея оқ каптарларига мурожаат қилди у. — Отамми, ёки...» Хаёл осмонида қанотлари самолётникидай катта-катта, ўзи қордай оппоқ Семурғ пайдо бўлди. «Отанг ҳақ йўлдан боряпти. Сен қўрқма, иккиланма, ёрдам бер отангга, — жавоб берди Семурғ. — Лекин кураш осон бўлмайди».

VIII

... Ота-бола ҳар доимги жойлари-кўча томондаги уйда ётишган эди. Ширин уйку оғушидаги Суярқул дераза ойналарининг шарақлашидан уйғониб кетди: биров деразани устма-уст муштлар эди.

— Ким у? — Жойидан тураётиб овоз берди отаси.

— Очинг тезроқ, менман — Тўйчи!

Малик муаллим чопонини эгнига ташлаб аввал чироқни ёқди, сўнгра деразани очди.

— Ҳа, бемаҳалда, тинчликми?

— Адо бўлдим, ака. Уйим куйди! Обехес дўконни печатлаб кетди!

— А-а?... — Маликнинг елкасидаги чопон сирғалиб, ерга тушди. —

Нима дединг, тушунтириброқ гапир.

— Нимасини тушунтираман. Магазинни обехес босди... Обехес!

Болалар сағир қолади энди.

— Учир чакагингни, кир уйга. Кўчада туриб мунча жар соласан.

— Ай-й... — Тўйчи чўнтагидан сигарета олиб тутатди.

— Сенга неча марта айтдим, — ярим танасини деразадан чиқариб, укасини койиди Малик муаллим. — Нафсингни тий, беш панжангни оғзингга тикма, деб, сен...

— Эй-й, кўтаринг ўша насиҳат-пасиҳатингизни! — Акасига заҳрини сочди Тўйчи. — Қайси-қачон сиздан жўяли гап чиқувди ўзи. Одам бўғилиб ўламан деяпти-ю, бу киши... — Тўйчи сигаретани улоқтириб, йўлда турган машинасига қараб юрди.

— Қаёққа? Шошма! — Маликнинг деразадан пастга тушиб кетишига оз қолди. Тўйчи бурилиб қарамади. Газни қаттиқ босиб, машинасини физиллатиб ҳайдаб кетди.

Малик муаллим нима қиларини билмай, бир зум турган жойида тун қаърига тикилиб қолди: «Энди нима қилдик. Биттаю битта укам. Ҳайвон! Зарда қилади-я, яна. Қаёққа даф бўлди? Турдини топиш керак, Турдини. Шундан бир гап чиқмаса»... Шоша-пиша ковушини кийиб, нариги уйда икки набиранинг ўртасида ётган хотинини уйғотди:

— Тез тур, Ҳамидингням турғиз, физиллаб бориб Турдини топиб келсин. — Эрининг овозидаги ваҳимадан Рисолат холанинг уйқуси ўчиб, вужудига титроқ кирди. — Бир гап бўлдими? — деди у набиралари орасидан сирғалиб чиқаркан. — Ҳай, гапирсангиз-чи!

Малик муаллим хотинининг саволига жавоб бермай, хонадан чиқди. Суярқулнинг ёнига қайтиб келиб, ўриннинг бир четига ўтирди. Чуқур ух тортиб, ерга ёнбошлади. Рисолат хола кирди:

— Юрагимни ёрвораи дедингиз-ку! Нима бўлди ўзи, а?

Малик муаллим қоматини ростлаб, чордона қурди:

— Тўйчини обехес босибди.

— Вой, ўлмаса-м! — Рисолат хола ўз овозидан қўрққандай рўмолининг учи билан оғзини беркитди.

Жимиб қолдилар.

Ҳамид келиб Турди тоғаси Тўйчи амакиси билан аллақеёққа кетганини маълум қилди.

— Қаёққа кетади ярим оқшомда. Энди нима қилдик?

— Чироқни ўчир, жойингга бориб ёт, — деди Малик хотинининг саволларига қандай жавоб беришни билмай. Ўзи чопонини ечмай Суяркулнинг ёнига чўзилди.

Уй ичи зим-зиё бўлиб қолди.

Суяркулнинг ҳам уйқуси ўчиб кетган эди. У отасининг тикан устига ётгандай тўлғанишидан жуда хунук воқеа юз берганини сезди. Обехес ёмон одам бўлиши керак. «Болаларим сағир қолади», деб йиғламоқчи бўлди-я, амакиси. Ростанам... Йўғ-е... Ахир, Тўйчи амакисининг олтига боласи бор! Энг каттаси ҳам Суяркулдан кичик — бир синф пастда ўқийди. Амакиси қамалса, улар нима қилади...

Дарвоза рўпарасига машина келиб тўхтади. Малик муаллим шоша-пиша туриб, чироқни ёққунича, Турди ғилай билан Тўйчи эшикдан ичкарига кириб келишди. Тўйчи пойгакдаги қувурлари қийшайиб ётган чўян печ устига омонат ўтирди-да, ерга қараганча индамай папирос чекишга зўр берди. Турди ғилай эса, Малик муаллим билан саломлашгач, гапнинг лўндасини айтди.

— Икки минг топиш керак, почча, икки минг. Ҳозир. Бўлмасам, чатоқ.

Ичкари киришга ботинолмай остонада турган Рисолат хола бу талабни эшитиб «Вой шўрим!» деб юборди. Малик муаллим хотинига олайиб қаради. Тўйчи ижирғаниб пўнғиллади:

— Улар ҳолдамасдирсиз.

Бир ёқда Тўйчининг сурбетларча зўғим қилиши, бир ёқда тийинлаб тўплаган икки мингдан ажраб қолаётгани Рисолат холани ўртаб юборди.

— Бу нима деганингиз, укача. Ҳам ғарлик, ҳам пешғирликми!

— Ғарлик қилиб бировнинг хотинининг қўйнига кирибманми, чеча! Нимага ўлаётган одамнинг устига чиқиб тепасиз. Бермасангиз берманг! — Тўйчи сапчиб туриб кетди. Печканинг шовдираб турган қувурлари тарақлаб ерга тушди. Бурчакни қоп-қора тўзон қоплади. Ис босган қувурларни тепиб, чиқиб кетаётган Тўйчи акасининг «Тўхта!» деган амирона ҳайқирғини эшитиб, ноилож тўхтади.

— Қайт орқангга, тирмизак! — Малик муаллим ирғиб туриб бориш баробарида укасининг қўлидан ушлаб, силтаб юборди. Тўйчи ёш боладай гилам устида чўккалаб қолди. Эрининг қалт-қалт титраётганидан капалаги учиб кетган Рисолат хола сандиқли уй томон ғизиллади.

— Ҳаммасини опке! — Хотинининг ортидан бақирди Малик муаллим.

Хонага пашша учса эшитилгудек жимлик чўкди. Ҳаммалари Малик муаллимнинг ҳансирашини эшитиб туришар, ўзлари эса нафас чиқаришдан қўрқаётгандай қотиб қолган эдилар. Жимликни Рисолат холанинг айвондан келаётган овози бузди.

— Йўғамас, худога шукур, бор. Неварамнинг тўйига, деб йиғиб юрганимиз бор. Зарил экан, аярмидик ўз жигаримиздан.

Малик муаллим куядори иси гупуриб турган тугунчани хотинининг қўлидан юлқиб олиб, Тўйчининг олдига улоқтирди.

— Ол! Лекин бунақа гапни бошқа тилингга олма! Очдан ўлсам ўламанки, сени ташлаб қўймайман. Аҳмоқ!

Тўйчи «дўп» этиб ёнига тушган тугунга бир қарадию оёқларини йиғиштириб, деворга суянди; юзини четга буриб, чуқур уф тортиди. Малик муаллим «қулт» этиб ютинди. Турди ғилай чўк тушиб, тугунни ечди.

— Хафа бўлманглар. Насиб бўлса бу кунлар ҳам ўтиб кетади. Ҳисобли дўст — айрилмас. Ердан топсанг ҳам санаб ол, деганлар.

Малик муаллим кўз илғар-илғамас бир абжирлик билан пул санаётган Турдига қараб туриб, ғалати бўлиб кетди. «Бу нима? Порами? Йўғ-е... Нега, йўқ? Порага бериледи-да бу пуллар, порага... Тўйчини сақлаш учун. Гуноҳини ёпиш учун. Пора...» Пора деса, порахўр деса, тепасочи тикка бўлиб кетарди. Мана энди мўлтайиб томоша қилишини... Тавба дейиш керак экан, тавба...

Бўйи паст, бошини ияги аралаш қора шол рўмол билан танғиган Робия — Тўйчининг хотини ҳовлиқиб келиб қолди. У йиғидан қизарган кўзлари билан уйдагиларга бирров нигоҳ ташладию:

— Укачангизни худо урди, овсин, — дея хўнграб, Рисолат холанинг елкасига осилди. Рисолат хола:

— Қўйинг, қўйинг — деб уни овута бошлади.

— Бас! Укирма! — Хотинига ўшқирди Тўйчи. — Болаларни ташлаб нимага санкиб юрибсан? Жўна уйга!

Робия пишган қовоқларини енгига арта-арта қора бахмал нимчаси орасидан газетага ўроғлик бир нимани олиб эрига узатди:

— Бир ярим минг. Акамдан опкелдим... — бурнини тортиб, яна йиғлашга тушди.

— Мен сенга пул топ дедимми? Сен...

— Олавер. — Тўйчининг гапини бўлди Турди ғилай. — Бунақа маҳалда зиён қилмайди. — Қани, тур, кетдик, илоё ишимиз ўнгидан келсин. — Икковлон чиқиб кетишди.

— Мен неча марта айтдим бу нодонга, нафсингни тий, кўзингга қараб юр, деб, — жиғибийрон бўлди Малик. — Мана, оқибати.

— Қирон келсин томорқасигаям, — ёзғирди Рисолат хола. — Ҳадеб томорқа деявермасам шу гаплар йўқмиди.

— Камалади, соғ қўйишмайди энди, — деб ҳиқиллади бир маҳал Робия. Малик муаллим яна «қулт» этиб ютинди. «Хафа бўлманг, келин, насиб бўлса ҳеч нима қилмайди» демоқчи эди-ю, лекин беихтиёр оғзидан:

— Қилмишига яраша жазосини тартади-да! — деган сўзлар чиқиб кетди.

— Ҳали сиз... акам деб юрсак... — Робия бошини ёқасига буркаб ўксиб-ўксиб йиғлади.

— Нима бало, юрагингиз кесак бўп қолдими? — Рисолат хола чолига ялинчоқ боқди. Малик муаллим тутатиб кетди:

— Егандан кейин қусади-да, ҳа!

Робия бирдан ҳиқиллашдан тўхтади. Қўлининг орқаси билан кўзёшини сидириб, Малик муаллимга тик қаради.

— Сизни деб, сизни деб шу кўргиликка дучор бўлдик, ака, билдингизми?

Малик муаллим ялт этиб келинига қаради. Биров бигиз суқиб олгандай кўкрагининг ости чимиллаб оғриди.

— Ним-ма?!

— Ҳа-а?! Қандай бўларкан. Ким қўювди сизга раис билан довлашишни! — Робия сира тап тортмай Маликнинг юзига таъна тошларини отаверди. — Укани дўзахга тиқиб, тилни бир қарич қилишини кўринг. Сиз айбдорсиз, сиз!

— Бобиллама! — Умрида биринчи марта келинини сансираб юборди Малик муаллим. — Раис ўчини мендан олмай сендан оладими, занғар! Робия Малик муаллимникидан қолишмайдиган бир ғазаб билан илкис жавоб қайтарди:

— Сиздан? Нимангиздан?! Сўйса бир томчи қон чиқмайдию... Икки минг берганга жонингиз чиқиб кетди-ку. Қўрқманг, еб кетмаймиз, етса молим, етмаса жонимни сотиб тўлайман! — Робия ортига кескин бурилиб, ташқарига чиқиб кетди. Рисолат хола унга эргашди:

— Овсинжон, ундай деманг. Одам жигаридан қизғанадими...

Маликнинг биқинидаги оғриқ шундай зўрайдики, худди биров пичоқни сопигача тиқиб бурагандай, букчайиб қолди.

Кўрпадан бошини чиқариб ётган Суяркоул ирғиб турди.

— Ота! — деди қўрқув билан отасини суяб. — Ота!

— Сув... сув бер, болам...

Суярқул токчадан чойнакни олиб отасига тутди. Малик муаллим чойнак жўмрагидан икки-уч култур совуқ чой ичди. Судралиб бориб, тўшакка чўзилди. Ташқарида Рисолат холанинг қарғангани эшитилди. «Қирғин келсин томорқасигаям». Уйга кириб чойнак ушлаб турган Суярқулни кўрди.

— СенIAM ухлатишмадимми, қуриб кетсин бариси. Бор, ёт. Чироқни ўчираман.

— Ўчирма, — чаппа қараб ётган жойида хириллади Малик. — Ўзим... сўғинроқ ўчираман.

Рисолат хола бир пас каловланиб турдию чиқиб кетди.

Бироздан кейин Маликнинг бақинидаги оғриқ хиёл босилди. Бир-икки марта чуқур-чуқур нафас олди. Ҳамон қалтираётган қўли билан ўғлининг калта, тикандек қаттиқ сочини силаб:

— Ухла, — деди астагина. — Эртаминан мактабингга кеч қоласан.

Суярқул ҳозир отасига бир оғиз яхши гап айтиш зарурлигини ҳис этди. Аммо ҳарчанд бош қотирмасин, ўша бир оғиз гапни тополмади.

Малик муаллим дераза томонга ағдарилди. Тўрдаги дераза олдида устига гулдор елим дастурхон солинган сарғиш стол турарди. Столда кундалик газета ва журналлар тахлаб қўйилган. Бу унинг ўттиз йиллик иш столи. Уттиз йил шу столда дарсларга тайёрланди: китоб титди, газета-журнал варақлади, конспект ёзди. Ўн беш йиллик конспекти, иш планлари ҳозир ҳам анави ерда — икки токча ўртасидаги қизғиш шкафта турибди. Токчалар илгари ҳар хил китоблар, дарсликлар билан тўла бўларди. Пенсияга чиққандан кейин мактабга бериб юборди ҳаммасини. Алишер Навоий билан Муқимийнинг сувратигина илинган жойида — токча тепасида қолди. Бу икки шоирни жонидан ортиқ сўйгани учун ҳеч кимга бермади. У Навоий билан Муқимийнинг ўнлаб ғазалини ёд биларди. Унинг дарс ўтишига, шеър ўқишига ҳавас қилмайдиган одам йўқ эди мактабда. Дарс ўтиш методини умрида биринчи марта «бўлмади»га чиқарган одам Назаров бўлди.

Назаров, Назаров... Муштдайлигидан билади уни. Чўпдай озғин, доимо бурни оқиб юрадиган бола эди. Юқори синфда бирдан ўзгарди: тиришқоқ, тиниб-тинчимас, ҳар соҳада ўзини кўрсатишга ишқибоз. Институтда ҳам яхши ўқибди. Гапи рост бўлса, диплом қўлига текканидан кейин домлалари унга «Қолинг, сиздан зўр олим чиқади» деб, кўп ялинишибди. Назаров «Олисинг донидан яқиннинг сомони яхши» деб, тўғри ўзи ўқиган мактабга келган. Бир йилда кабинетини шу даражада ўзгартириб юбордики, кўрсангиз тарих музейи дейсиз. Унинг кабинетида икки марта район ўқитувчиларининг методик совети ўтказилди.

Малик муаллим собиқ ўқувчиси билан фахрланарди. Бир марта дарсини кузатганидан кейин... Аввало, синфдаги жиҳозлар ёқмади унга. Худди келинчакнинг уйи. Ортиқча безаклар ўқувчининг фикрини бир нуқтада жамлашига халақит беради. Дарс ҳам... «Жуда паст савияда ўтдингиз дарсни, — деди Малик муаллим дарсдан кейин Назаровга. — Бу усунлигиз, кечирасиз-у, урра-урадан бўлак гап эмас». Бегмат илжайди: — «Ҳар кимнинг ўз методи бор, домла. Камчиликларимизни сиздай устозларга қараб, тузатамиз-да, секин-секин!»

Шу орада Назаров лоп этиб илмий бўлим мудирлигига кўтарилдию хатоларини тузатишга вақти етмай қолди. Директор бўлганидан кейин эса дарс беришни бутунлай йиғиштирди. — Энди унинг учун бошқалар дарс ўтади, директор бўлса мактаб шуҳратини ошириш билан овора. Ҳар икки гапнинг бирида: «Бу йил бирорта ўқувчи ҳам «2» олмаслиги керак. Мен РайОНОга юз фоиз ўзлаштиришга эришамиз деб, ваъда берганман», деб таъкидлайди. Кунларнинг бирида директор Малик муаллимни кабинетига чақиртирди. Уларнинг ўртасида илк марта кескин тортишув бўлди: «Бир синфда икки ўқувчига «2» қўйибсиз». «Билмаганидан кейин...» «Сиздан нима кетди, «3» қўйиб юборавермайсизми. Магазинчимидингизки, камомад қиламан, деб чўчийсиз». «Ёлғондакам, ошириб баҳо қўёлмайман». «Жудаям соз. Ўқитинг, ўргатинг. Домла, сизни ҳурмат қиламан,

лекин иш — иш. Агар «икки»ларингизни тузатмасангиз, масалангизни педсоветга қўяман!» «Икки»лар меники эмас». «Фарқи нима? Тузатинг педсоветгача».

Педсоветда Малик муаллим йигирма беш йил бадалида биринчи марта огоҳлантириш олди.

Бу устозу шогирд ўртасидаги илк тўқнашув эди. Иккинчиси йил охирида юз берди. «ОблОНО билан талашиб-тортишиб, тўртта медаль ундирдим. Шунга кандидатура танлаяпмиз. Сиз кимларни тавсия қиласиз? — деди директор қўлини-қўлига ишқаб. — Бир мактабдан тўртта медалист. Зур-а?! «Битирувчилар орасида биттаям арзийдигани йўқ». «Йўқ! Бу нима деганингиз. Ҳеч бўлмаса менинг фанимдан, денг!» «Ана, сиз айтганчалик бўлақолсин. Барибир эмасми?!» «Йўқ, барибирмас! Мактабнинг, педагогик коллективнинг обрўйи бор ўртада. Юқори мактабни қанча ўқувчи тамомлаганига қараб эмас, нечта болага медаль берилганига қараб баҳо беради ишимизга. Сиз... Домла, келинг, бекорга тортишиб ўтирмайлик. Медаль оладиганларнинг биттасиям адабиётчи бўлмайди. Технический вузларга киради. Шундай бўлгандан кейин... Журналнинг уч-тўрт жойини тузатсангиз нима қипти». «Гап бундай, хурматли директор. Мен журналга тегмайман. Мен қўйган баҳоларга бировнинг қўл тегизишига ҳам йўл қўймайман!»

Назаров ёмон ўчакишган эди шунда Малик муаллим билан. Уша йили колхозга партком бўлиб кетдию ҳаммаси унутилди. Ҳатто, кетар чоғи: «Сизни бир оз ранжитдим, биздан ўтган бўлса, кечиринг», деб узр ҳам сўради. Хуллас ўртадаги чоғ йиллар ўтиши билан тупроққа тўлиб, текисланиб кетган эди. Мана энди — яна кавланяпти. «Ким кавляпти, ким? Яна ўша. Шошма, — Малик муаллим тўсатдан хушёр торти. Келинининг аччиқ кесатиғи қулоқлари тагида жаранглаб кетгандай бўлди: «Раис билан довлашишни сизга ким қўювди. Сиз айбдорсиз, сиз!» Мен... Йўғ-е...» — Малик муаллим миясини каламушдай кемираётган изтиробли ўйлардан қутулмоқчи бўлиб кўзларини юмиб олди. Аммо келинининг кесатиғи гўё илонга айланиб нақ миясидан чақди, оғу аста-аста бутун вужудига ёйила бошлади. «Келиннинг гапи рост, — деди унга бегона бир овоз. — Сендан, тўридан гўри яқин чолнинг нимангдан ўч олади? Болаларинг ҳам ўзингдай толеи паст чиқди — уларда на амал бор, на унга ҳавас. Уруғ-аймоғингда Тўйчидан бўлак пичоққа илингудай одам бўлмагандан кейин...» «Одам боласи шунчалик ҳам пасткаш бўладими?! — Маликнинг аъзойи-бадани қизиб, танаси лахча чўққа айланиб бормоқда эди. — Тағин, раис — колхознинг отаси эмиш. Эй, дунёи кўтир... — У оғир нафас олди. — Нима кераги бор эди Тўйчига тегинишининг? Ахир, унинг одати маълум-ку! Бировга бир ёпишса канадай ўла қолса қўймайди. Жанжал катта бўлади энди, жудаям катта бўлади.» «Жанжал ўчоғига ўтин қалаётганларнинг биринчиси ўзингмасми? — Яна эшитилди бегона овоз. — Томорқа ололмай қолганингдан кейин...» «Мен ҳақиқат юзага чиқсин дегандим». «Тўхта! Шу пайтгача қайси қавакда беркиниб ётган эдинг?! Беҳабармидинг шунча гапдан. Йўқ, хабаринг бор эди, ҳар куни эшитар эдинг. Лекин кару кўрликка олардинг ўзингни». «Гапинг қизиқ бўлди-ю, — ён бергиси келмади Малик муаллим. — На сонда, на саноқда йўқ мендай қариб чуриган чол қандай қилиб олишади тоғдай аждаҳолар билан» «Қандай олишармиш. Олишяпсан-у балодай». «Мажбур бўлдим. Чидаёлмадим!» «Ҳа-а, баракалла, бу энди бошқа гап. Сенга ўхшаш лоқайд кимсаларнинг фожиаси ҳам ана шунда — биров тумшуғига солмагунча мудраб юраверади. Таёқ егандан кейин эса...» «Мен ишонмасдим, эшитардим-у, лекин ишонмасдим кўзбўямачи, қаллоб кимсалар борлигига». «Опқоч-а, опқоч! Шу гапимга биров ишонади, деб ўйлайсанми. Чучварани хом санабсан: Билардинг, бошқани бўлмаса ҳам Назаровни беш қўлдай билардинг. Фақат «сен менга тегма, мен сенга», деб бепарво қўл силтаб юрардинг. Қадри-қимматингни ҳақорат қилишгач, ноилож кавлашга тушдинг. Кавлаб кавлаб, кучинг Фармон фермага етди. Уғрибоши Назаров эса...» «Қўймайман уни ҳам!» «Қўйма!» «Фақат Тўйчи...» «Ҳа-а, ана энди ўзингга келдинг. Тўйчи ким? Уғри! Одамларни алдаб, чўнтагини қоқлаб

юрган ўғри. Сен бўлсанг... Э, ўргилдим сендақа ҳақиқатгўйдан». «Нима қилай ахир?! Тўйчи укам, жигарим...» «Ҳа-а, қандай бўларкан? Пичоқни ўзингга ур, оғримаса бировга. Аслида, ўзинг ҳам ўғри-каззобларнинг бирисан.» «Елғон! Тухмат!!»

Малик муаллим тун бўйи тикан устида ётгандай тўлғаниб чиқди.

IX

Бугун яна кўнгилсиз воқеа юз берди: икки йилдан буён бир партада ўтириб келаётган Гулсум ҳе йўқ, бе йўқ, «Мен Суяр билан ўтирмайман», деб Мастуранинг ёнига ўтиб кетди. Қиз бола шунақа қилиб турса, одамга ёмон алам қиларкан. Нега бундай қилди? Тушунолмади. Танаффусда Мавлонга дардини ёрмоқчи эди, у ҳам чап берди. Чизмачилик дарсида бундан беш баттари бўлди: Саодатнинг фломастери йўқолиб қолди. Мамаюсуфнинг қистови билан портфеллар тинтув қилинди: Ё тавба! Қайси кўз билан кўрсинки, фломастер унинг — Суярқулнинг сумкасида ётарди... Олти йил бир синфда ўқиб, «ўғри»лигини билмаган болалар Суярқулга қараб ҳайрон қолишди. «Ишонгинг келмайди-я», — ошқора ҳайратланди кимдир. «Ўғри! Бўлиши мумкин эмас!» — Суярқулнинг ёнини олди Омон. Лекин ер ёрилмадию Суярқул ерга кириб кетмади. Фломастернинг қаёқдан сумкасига кириб қолганини ўйлайвериб, боши оғриб кетди. Кейин... сумкасида турган «Капитан Грант болалари» китоби ғойиб бўлди. Мактаб кутубхонасидан олган эди. Қидирмаган жойи қолмади. Дарсдан сўнг уйга кетаётганда эса... мактаб орқасидаги ариқда шилтага беланиб ётган китобини кўриб, йиғлаб юбораёзди. Ахир у ҳеч кимга ёмонлик қилмаган эди-ку!.. Бирдан папкалар тинтув қилинаётганда Мамаюсуфнинг «Ҳаммани ўғри деб нима қиласизлар, ўғри ана!» деб, Суярқулни кўрсатгани эсига тушди... «Шу! Шу қилган», деган фикр миясига урилди. Ундан бошқа ҳеч ким бундай қилмайди. Шошмай тур ҳали».

Касос! Унинг фикру зикрини ана шу сўз эгаллаб олди. Ҳар минутда минг хил режалар тузади. Охири яккама-якка учрашишга аҳд қилди. Ўзини кинолардаги қасоскор қаҳрамонлардек тутиб, рақибнинг изига тушди. Дарсдан кейин, орқасидан бориб, муюлишда шартта елкасидан ушлади, силтаб ўзига қаратди. Суярқул Мамаюсуфнинг олдида қилтириқ кўринса ҳам, ўнта Мамайни пачоқлагудек қудрат сезарди ҳозир ўзида.

— Қўлга тушдингми, бочка! — Унинг вазоҳати Мамаюсуфни довдиратиб кўйди.

— Қўйвор, кўйлагимни йиртасан, — деди Мамаюсуф кетига тислаиб. — Қўй деяпман сенга!

— Йў-ўқ. Ҳозир менга ё нимага калака қилмоқчи бўлганингни айтасан, ёки... — Суярқул уни бор кучи билан силтаб ўзига тортди. Бир нима «ширр» этиб йиртилди. Мамаюсуф унга ёпишди. Еқалашиб кетишди. Суярқул рақибнинг зарбаларига дош беролмай, чекиниб бориб, йўл четидаги ариққа чалқанчасига йиқилиб тушди. Мамаюсуф унинг устига миниб олди. «Тамом, ўлдим». Суярқул кўзини чирт юмиб, қўллари билан юзини тўсди. Лекин худди шу пайт кимдир унинг устида пишқириб турган Мамаюсуфни коптоқдай тепиб юборди. Сапчиб турган Суярқул, Мамаюсуфнинг устига миниб олган Жалолни кўрди. Кўрдию бир ҳамлада уни итариб юборди. Фурсатдан фойдаланган Мамаюсуф тура солиб, ура қочди.

Мамаюсуфни анча ергача қувиб борган Жалол, ҳансираб қайтиб келгач, Суярқулга захрини сочди:

— Нега ундай қилдинг, аҳмоқ?

— Суярқул индамай уст-бошини қоқаверди.

— Шу бочкадан таёқ еб ўтирибди-ю, тагин...

— Ишинг бўлмасин. Аралашма! — Унинг гапини чўрт кесди Суярқул. — Билдингми? Менинг ишимга аралашма.

— Калланг борми?!

— Йўқ!.. — Суярқул қариндошига ёвқараш қилди. Тупроққа беланиб ётган папкасини олиб, чангини артди.

— Э-э, менга деса ўлиб кетмайсанми? — дея қўл силтади, жаҳли чиққан Жалол.

Иккови икки тарафга ажралиб кетишди.

Жалол туфайли калтакдан қутулиб қолган бўлса ҳам, у қариндошидан норози эди. Энди Мамаюсуфнинг тили ўн қарич чўзилади.

X

Эрталаб турган Суярқул ариқчада бет-қўлини юваётган эди, Ҳамид акасининг эшиги тарақлаб очилиб, чечаси уйдан отилиб чиқди: бир қўлида катта тугун, бир қўлида нимча, супада туриб, очик қолган эшикка қараб қарғана кетди:

— Ифвогарлар, ичиқора писмиқлар! Одамгарчилик бораканми сенларда. Мен ит, шунча йил чидабман, тагин. Бўлди, кетаман! Елкамнинг чуқури кўрсин мохов теккан бу уйни!

Малик муаллим гўнг тўла замбилғалтакни гўнгтепа томон суриб бораётган, Рисолат хола сигир соғаётган жойида ҳангуманг бўлиб, қотиб қолишди. Келин жадаллаб ҳовлидан чиқиб кетгунича сас-садо чиқмади, икковидан ҳам. Кейин бири замбилғалтагини, бири челагини ташлаб, дарвоза томон ҳовлиқишди.

— Келин, ҳой, айланай, тўхтанг, — келин аллақачон ҳовлидан чиқиб кетган бўлса ҳам Рисолат хола ялиниб келаверди. Шу пайт Ҳамид уйдан чиқиб, онасини тўхтатди.

— Овора бўлманг, эна, барибир қайтмайди.

— Нимага қайтмайди, болам, саҳарлаб нега уришдинглар?

— Уришганимиз йўқ биз. Ана, отамдан сўранг, айтиб беради ҳаммасини.

— Мен... нимани айтаман мен? — Ҳайратдан кўзлари олайди Малик муаллимнинг.

— Нимани бўларди, отасининг устидан ёзганингизни-да.

— Ким ёзибди? Нима деб валдираяпсан, аҳмоқ!

— Билмасликка олади-я. Ёзибсиз-ку, қудам бир мошин ғишти ҳужжат-пужжат сўрамай тушириб олди, деб. Кеча келиб, битта қўймай опкетишибди, сизга раҳмат айтиб.

— Миянг борми, қайнатангнинг ғишти билан нима дардим бор?

— Қўйинг-е, ота. Ёзаман десангиз бошқа гап қуриб кетувдим.

— Ҳой, инсон, ёзганим йўқ деяпман, сенга. Улимдан хабарим бор, лекин бундан беҳабарман.

— Уста Муроднинг ёғочини ҳам мен ёзмаганман, дерсиз ҳали? Кеча униқиниям опкетишибди. Шарманда бўлдик, ота!

— Сен... ҳайвон шу гапларга ишониб юрибсанми, ҳали!

— Кўчада юргилигимиз қолмади сизнинг «ёз-ёз»ингиздан. Сиз...

Малик муаллимнинг аъзойи-бадани титраб кетди.

— Йўқол кўзимдан! — Уғлига тутақиб бақирди у. — Мендан номус қиладиган бўп қолдингми ҳали. Кет, даф бўл!

— Кетаман, ота. Ҳайдамасангиз ҳам юролмайман энди бу қишлоқда.

Ҳамид шахд билан кўчага томон юрди. Довдираб қолган Рисолат хола орқасидан чопди:

— Ҳамид, болам!

— Тўхта, борма! — Хотинига аламли ҳайқирди Малик муаллим. — Керакмас, керак... — Малик муаллим тўсатдан кўкрагини чангаллаб, ғужанак бўлиб ўтириб қолди. Кўрқувдан ранг-қути ўчиб кетган Суярқул чопиб бориб отасини суяди. Ичкаридан Насим билан хотини югуриб чиқишди. Малик муаллимни уйга олиб кириб, кўрпага авайлаб ётқиздилар. Юзи докадай оқариб кетган Малик муаллим бир қултум сув ичганидан кейин аранг кўзини очди.

— Мен... эмас, мен эмас, бу қандай бало! — дея ингранди у.



атта йўл бўйидаги ошхонада ғала-ғовур авжида. Хўрандалар ҳар бир стол атрофида бешта-олтитадан бўлволиб, овқатланишмоқда эди. Бир қўлда коса, бир қўлда қошиқ-кўзлари олазарак жой излаётганлар бурчакдаги бутун бошли столни эгаллаб ўтирган икки кишига тижирганиб қарайди: «Онангни уйими бу ялпайиб ўтираверасан. Қорнинг тўйдими, бўшат-да, жойни!» Икки кишининг эса ҳеч ким билан иши йўқ, тамаки бурқситиб, ўзларича алланималарни берилиб муҳокама қилишмоқда. Оёғостида бўш шиша думалаб ётибди. Кир-чир столда бир тақсимча шўрбодринг, яримлаган шиша. Ёғи қотиб қолган кабоб атрофида пашшалар ғужғон ўйнайди.

— Онасини ўлдирдимми, хотинига тегиндимми, а, Турди ака! — дея бошини мастона чайқади уларнинг бири.

— Акангнинг касрига қолдинг, Тўйчибой, акангнинг...

— Одамгарчилик қани, ака, одамгарчилик! Оғиз энди ошга етганда. Унта кетди, ака, ўнта! — Тўйчи гурсиллатиб столни муштлади. Идишлар шарақлаб кетди. Атрофдагилар қизиқиш аралаш норозилик билан уларга қараб қўйдилар.

— Хабарим бор-ку, ука, ҳаммасидан хабарим бор. Фақат чида, яна озроқ чида. Машўйхлар айтганки, ойни ўн беши қоронғи бўлса, ўн беши ёруғ деб. — Турди ғилай шеригига томон энгашди. — Сенга бир гапни айтмай, Назаров деганларинг ҳадемай товонимни ялайди, укам, товонимни. Қани, олдик. — Чети учган пиёлалар бир-бирига жаранглаб урилди. Тўйчи шўрбодрингни ғарч-ғурч чайнардан:

— Назаров! Шу итваччани бир ёқли қилмасам бўмайди, — деди ғазабланиб.

— Ўлдириб нима зарил. Ўзи ўлади, ўзи, — унга далда берди Турди. — Помбуғалтирнинг калити аканг қарағайни кистасида. Бир гапларни айтиб бердики... Маймундай ўйнатаман ҳали Назаровни.

— Бўлмайди! — Тўйчи яна столга муштлади. — Назаровни йўқотиш керак. Наз-заровни!

— Помбуғалтир айтдики...

— Буғалтир-муғалтир билан ишим йўқ. Одаммас, пешка, пешка уларнинг ҳаммаси. Наз-заровнинг гўрини кавланг, Наз-заровни!

— Назаров, Назаров деб бунча бўкирмасанг! Назаровинг ким бўпти? Чувалчанг, йўқ, кумурсқачалик ҳам жони йўқ Назаровингни. Арслондай гариллаб юрган пайтлари ўтиб кетди. Замон-замон—бизнинг замон бўлади энди буёғи. Шу стаканни қасд қилганларнинг паст бўлиши учун кўтарамиз!

Икковлон шишани бўшатганларидан сўнг бир-бирига суяниб, ошхонадан чиқди. Сувоғи кўчиб кетган зинадан тўшаётиб, Тўйчининг оёғи чалишиб кетди. Агар Турди ғилай ушлаб қолмаса, бурни билан ер шохлаб қолган бўлар эди.

— Оз-оздан ичганимиз соз бўлди, а? — деди у, Турдининг елкасига осилиб, қаддини ростларкан. — Ҳозир Орол қассобнинг тўйига бориб, тўйгунча отамиз.

— Э-э, бизда тўёнаси бор эди-ку! Эсингга балли. Қани, юр, кетдик.

Улар тўйхонага базм айна қизиган пайтда кириб боришди. Ярим танобча келадиган жойнинг атрофига қалин гиламлардан «девор» қилинган. Қатор-қатор столларнинг икки ёни меҳмонлар билан лиқ тўла. Дўппини дол кўндириб олган новча ҳофиз тўйхонани бошига кўтариб хониш қилмоқда эди. Атлас кўйлакли, қадди-қомати келишган бир жувон ўртада белини билтанглатиб, муқом қилмоқда. Сархуш ва маҳфуз кўзлар унга маҳлиё. Кўрсатилган жойга ўтириб, тўй қуллуқ бўлсин қилишди, атаган тўёнларини беришди. Дарҳол меҳмонлар олдига бекам-кўст патнис ва шишалар қўйилди. Тўйчи иккинчи пиёлани бўшатгандан кейин, битта ўнталик қўлида, гандираклаб ўртага чиқди. Атлас кўйлакли жувон минг муқом билан унга қараб йўрғалаб келаверди.

— Қадди-бастингдан аканг! — деди Тўйчи завқи тошиб. Пулни

жувоннинг кўкрагига — атлас кўйлаги ёқасига қистирди. — Ташашамизми, кўзидан!

Жувон қошини қоқди. Тўйчи теваракка бир қараб олди. Правление аъзолари қуршовида тўрдаги сўрини тўлдириб ўтирган Назаровга кўзи тушиб, бир зум иккиландию кейин қулочини кериб, оёқларини тапилятиб чайқала-чайқала ўйинга туша кетди.

— Тўйчи хўроз, қўймайсан! — Қичқирди кимдир.

— Опачанг билан тўйма-тўй юрсанг бўларкан-ку! — Луқма отди бошқаси.

— Райисни торт, улфатингни! — Гиж-гижлади хириллаган бир овоз.

Тўйчи колхоз катталари ўтирган сўри яқинига бориб, раисга қараб муқом қила бошлади: қошини учириб, қийшанглади; қўдини белига тираб елкаси орқасини беўхшов ликиллатди. Бўлди кулги, бўлди кулги! Назаров ўтирган жойида безовталанди, тўйхонадагилар Тўйчининг эмас, ўзининг устидан кулаётгандек туюлди унга. Шерикларининг ҳиринг-ҳиринги ярага туз селгандай, баттар аламини қўзитди. Хали-ҳанузгача унча-мунча одам раис ўтирган давранинг яқинига йўламасди. Каттаю кичик унинг кўнглини олиш пайида, битта имосига маҳтал, ҳамма қўл қовуштириб турарди. Унинг икки оғиз фатвосисиз қишлоқда биронта тўй бошланмасди. Бугун эса... Идора ходимлари келганида тўй аллақачон қизиб кетган, ҳатто, уларга ажратилган жой ҳам банд эди. Сўридагилар пастга тушгунча бир оз тик туришга тўғри келди. Сўридан зўрға ва оғриниб тушаётган пўрим бир кимсанинг, «катта бўлса ўзига, вақтида келиш керак-да», деб тўнғиллаши Назаровга айил ботди. «Тўйинг бошингдан қолсин», деб чиқиб ҳам кетмоқчи бўлдию яна шайтонга ҳай бериб, юқорига кўтарилди. Лекин дастурхонга қараб бўлмасди: шўрданак пўчоқларию ғажиб ташланган товуқ гўштининг суяклари, папирос қолдиқлари... Кўрпачанинг икки-уч жойига чойми, арақми тўкилган, ҳўл. Назаровнинг феъли бузилиб турганида Усар бухгалтер уни этагидан секин тортиб, жойига ўтқазди: «Аввал бир оғмин қилайлик, сўнг бир гап бўлар». Кўрпачани алмаштириш ҳеч кимнинг хаёлигаям келмади. Назаров кимга аччиқ қилаётганини ўзиям тушунолмай, шерикларини турғизди-да, кўрпачанинг тескарисини ағдариб тўшади. Тўй эгаларидан биронтаси иримига бўлса ҳам «нима бўпти?» деб сўрамади. Ушандан буён тўйда эмас, азада ўтиргандай дили хуфтон эди Назаровнинг. Тўйчининг томошаси ўлганнинг устига чиқиб тепгандан баттар бўлди.

— Хў-ўй, Қосим! — деди у хизмат қилиб юрган йигитга зарда билан. — Манови итни ҳайдасанг-чи, ҳаром қилиб ташлади-ку, ҳамма-ёқни!

Қосим етиб келгунича Тўйчи ўйинни тўхтатиб, сўрини айланиб ўтди-да, Назаровнинг олдида борди. Чўзилиб дастурхондан арақ тўла пиёлани олди.

— Райис тўр-ра! Сизам ўласиз, бизам. Ке, бевафо дунёда бир тўқиштирайлик.

Ғазабдан Назаровнинг тили айланмай қолди. Дастурхон четидаги яримлаган «коньяк» шишасининг бўйнидан чангаллаб жойидан кўтарилаётганда Усар бухгалтер ирғиб туриб, елкасидан босди:

— Раис бобо, шайтонга ҳай беринг. Утиринг. — У Назаровни овутиш баробарида тиржайиб текин томоша кўраётган Қосимга дағдаға қилди. — Маймун ўйнатяптими, энағарди боласи. Олмайсанми бу итни!

— Ит? Ким ит?! — Тўйчи қўлидаги пиёлани қулочкашлаб бухгалтернинг юзига қараб отди. Қосим вақтида Тўйчининг қўлига туртиб юбормаганида эди, пиёла сўри суянчиғига эмас, Усарнинг қоқ пешонасига тегиб чил-чил синган бўларди.

Қосим Тўйчини қучоқлаб олиб четга тортди. Тўйчи унинг қучоғидан қутулмоқчи бўлиб юлқинар ва ҳадеб сўкинарди:

— Ялоқхўр. Раиснинг лайчаси! Ҳе ўша шоп мўйловингга!..

Тўйчини тўйхонадан зўрға судраб олиб чиқишди. У ёқда: «Нима учун Тўйчини тўйдан ҳайдайсанлар!» деб, Турди ғилай тўполонни бошлади. Турдини алдаб-авраб юпатишгунча, колхоз катталари ўтирган сўри

хувиллаб қолди. Тўйхона бирпас совуб турди, кейин доира, ўйин-кулги, қийқириқ садолари яна авжига минди.



XII

Назаров елкасида бош эмас, гўё тегирмонтош олиб юргандай, эрталаб бошини аранг кўтарган ҳолда идорага келди. Кабинетга кирса боши тарс ёрилиб кетадигандай эди. Бир пасгина ҳордиқ олмоқ ниятида дам олиш хонасига ўтди. Эшикдан кираверишдаги устига қимматбаҳо гилам солинган диванга беҳол чўкди. Кабинетдаги буюмлар унинг толиққан кўзларига гўё бегонасираб қараб тургандай эди. Бугун биринчи марта ўзи билан хонадаги нарсалар ўртасига алланечук ёт ҳиссиёт қутқу солганини сездию аъзойи-баданига титроқ кирди. «Сен бу ерда меҳмонсан. Ҳадемай ўрнингга бошқа одам келади», деяётгандек бўларди шер панжали стол-стуллар унинг назарида. Назаров шифтда совуқ нур сочаётган қимматбаҳо қандилга кўзларини қадаган кўйи ғужанак бўлиб олди — гўё қандил ҳозир устига босиб тушадигандек. Обдан эзғилангандай ланж танасига мудроқ югурди. Ёнбошлаб, киртайган кўзларини юмди. «Бу мебеллар, бу қандиллар, бу безакдор анжомларни топгунча қанча вақтим, қанча мол-дунём кетди, — ўйлай бошлади у. — Энди бариси сабил қолади. Ёниб кетмайдим! Ҳаммаси беҳуда. Ҳаммаси».

Узоқдан бир ниманинг жиринглагани қулоғига чалинди. Жиринглаётган телефон эканини идроклагунча орадан бир неча дақиқа ўтди. Трубкани олишга эринди. Узун столнинг тўрида титраб-қақшаб жиринглаётган қизғиш аппаратга маъюс термулиб ётаркан, «Сахарлаб кимга зарур эканман», деб ўйлади. Қўнғироқ овози ўчди. Қани энди кечгача шу аҳволда мазза қилиб ётса. Ҳеч ким халақит бермаса. У чуқур-чуқур сўлиш олди. Энди кўзини юмган ҳам эдики, телефон яна жиринглади. «Об-бо, бир пас мизғигани қўймайди-я. Норчучук қайси гўрда экан. Олса ўладими. Мен олмайман. Олди-ёв. Ким экан? Зарур бўлсам келиб айтади.»

Эшик очилиб, кимдир ичкарига кирди.

Назаров истамайгина кўзини очди. Норчучук. Андак ташвишли.

— Аҳмедов сўраяптилар. Ҳозир телефон қиларкансиз.

Аҳмедовнинг номини эшитгач, Назаровнинг карахтлигидан асар ҳам қолмади. Ирғиб туриб, аппаратга ёпишди.

Қиз хонадан чиқиб кетди.

— Уртоқ Риза Аҳмедович, салом... мен... шу ердаман, идорада... Бугунми? Ҳозир... Хўп-хўп, ўртоқ... — алоқа узилди. Назаров бир пас серрайиб турдию бирдан калаванинг учини топгандай ҳовлиқиб, стол ёнидаги тугмачани қаттиқ босди. Норчучук келмагунча тугмачани қўйвормади.

— Тани маймоқ билан бош буғалтирни топиб кел, — деб буюрди эшикдан кўриниши билан Норчучукка. Ўзи тоқатсизланиб, дераза олдига борди. Пардани каттароқ очиб, осмонда тоғ томон сузиб бораётган кўрпадай қоп-қора булутга қаради. «Яна қандай бало кутаётган экан мени. Шу ойда учинчиси-я...»

Болалигида чап оёғини арава босиб кетган Тани оқсоқнинг кирганини раис сезмади. Бурилиб, пойгакда қўл қовуштириб турган идора қоровулини кўргандан кейин зардаси қайнади:

— Немиснинг шипиёнига ўхшаб сасинг чиқмайди. Келдим десанг, ўласанми, овсар!

Аччиқ-чучук гапларни эшитавериб қулоғи пишиб кетган қоровул, сабр-қаноат билан гапнинг даромадини кутди.

— Меҳмонхонани тахла. Кассирни топ. Айт, физиллаб бозорга тушиб чиқсин. Комиссия келади. Бор, оёғингни қўлингга ол. — Тани бир гап айтмоқчи бўлган эди, раис бўкириб юборди:

— Ҳалиям шу ердамисан, чўчқа! Чоп дедим сенга! — Тани бир ютиниб чиқиб кетди. У кетиши билан хонага кирган Усар бухгалтер Назаровнинг авзойини кўриб, гап бошлашга ботинолмай, раисга термулди.

Назаров қаҳрли илжайди.

— Келдингизми. Сизнинг дастингиздан умрнинг қолганини қил кўприк устида ўтказамиз, шекилли, а?

— Тағин бир гап бўлдими, Бегматжон?

Назаров жавоб беришга шошилмай, аста бориб диванга ўтирди. Чўзилиб ўнг тарафдаги хонанинг бир томонини эгаллаб турган китоб жавонининг ғаладонини титкилаб, ҳар замонда бир чекадиган «БТ» пачкасини олди. Пачкадан сигарета олиб, лабига қистирди, ёндира туриб:

— Қоққан қоziқдай ғўдаймай, ўтиринг! — деб Усарга зўғим қилди.

Усар бухгалтер диваннинг бир четига омонат чўкди.

— Районда бизни текширмаган идора қолмади-ёв. Мана, энди навбат областга етибди.

Усар бухгалтернинг ичи музлаб кетди.

— Облаstdан...

Назаров сигаретани ютоқиб сўриб, тўппа-тўғри Усарнинг юзига пуфлади. Дамқисма касалига дучор бўлгандан буён ўзини эҳтиётлаб юрган Усар, ғафлатда қолди: «Ўх-хў, ўх-ху, ўх-ху!» Нафаси қайтиб, йўтал баттар хуруж қилди. Назаров унинг ҳолини кўра-била туриб, яна тутун пуфлади. Усарнинг афти бужмайиб кетди. Бошқа одам бўлганда анави стул билан бошига соларди. Бу азозил кимсан — Назаров бўлса...

— Бегматжон... Ўх-хў, ўх-хў!.. Ундай қилманг, биласиз-ку... Ўх-хў, ўх-хў... жо-он ука... ўх-хў...

Титраб-қақшаб ўқчиётган Усар бухгалтерга қараб туриб, Назаров роҳатланди. Сигаретани чиғаноқ-кулдонга босиб ўчираркан мазах аралаш:

— Э-э, касалингиз бор эди-я, — деди.

Усар бухгалтер дастрўмоли билан оғиз-бурнини артди.

— Эгангни егур шу йўтал бир кун жонимни суғуриб олади-да.

— Жон беришга шошманг. Ҳеч бўлмаса комиссия кетсин.

— Калака қиласиз, танингиз соғ-да, — гинахонлик қилди Усар бухгалтер. — Биз ёшимизни яшаб, ошимизни ошаган одам бўлсак...

Назаров ижирғанди, «Дийдиёга топган вақтингдан ўргилдим сани!»

— Анавиларнинг ҳисоб-китобини тўғрилаб қўйганмисиз?

— Нимани?

— Гўштга олган молларни айтяпман.

— Шундан кўнглим сал нотинчроқ, ука. Тўғрилашга тўғриладим-у, лекигин, исковучроқ одам дарров топади.

— Юрагингиз ёрилмасин! Комиссиянинг олдидаям шуйтиб ўтирсангиз, уйимга ўт қўйиб юборасиз-ку!

— Сиз сўрадингиз, мен айтдим, раис бобо. Йигирмата мол игнамаски, бир ковакка беркитиб қўйсак.

Назаров индаёлмай қолди.

Йил бошида гўшт планини бажариш учун бозордан йигирмата қорамол сотиб олинди. Ҳар бири ўртача саккиз юз сўмдан баҳоланган молларни Назаров минг сўмдан қилиб дафтарга ёздирди: Харажатим кўпайиб кетди, деган баҳонани рўқач қилиб, тўрт минг сўм фойдани яккаш ҳамёнига урди. Бош бухгалтерга тўрт мингдан тўрт тийинни ҳам раво кўрмади. Усар бухгалтер ҳозир шуни раиснинг юзига солмоқда эди.

Назаров тошбақани миниб олган чаёндай рақибининг қаерига найза санчишни билолмай, бир пас тажанг бўлиб турдию сўнг қўлини бигиз қилиб:

— Барисига сиз айбдорсиз! — деди ғазаб билан, — томорқа деб миямни ачитмаганингизда, бу ғағғолар йўқ эди. Энди бўлса, уялмай бор айбни менга тўнкаб ўтирибсиз.

— Мен сизга бир нима деётганим йўқ-ку, раис бобо. Томорқага келсак... ким билибди дейсиз, бир парча ердан шунча жанжал чиқишини.

Раис унга еб юборгудай қаттиқ тикилди.

— Бир нарсага ҳеч тушунолмаяпман, — деди заҳарли товўшда. — Турдикўр бухгалтериямиз ҳисоб-китобларини қаердан, кимдан оляпти? Усар бухгалтер елкасини қисиб, ўйловда қолди.

— Буюқ ургандай намуңча жунжикасиз? Битта-яримтадан гумонингиз бордир. Помингиз қанақа бола?

— Қурбонми, йўғ-е... Тағин, ким билади, дейсиз. Ҳозиргиларнинг ичидагини яратганнинг ўзи билмаса, бандаси ожиз.

— Гумоним бор, ўша болангиздан. Эҳтиёт бўлинг, олдида ҳар нимани валдирайверманг деб, неча марта айтдим сизга. Қулоқ солмадингиз. Мана энди...

Усар гапни бошқа ёққа буриб, ўзини оқлаган бўлди.

— Бузоқнинг югургани сомонхонагача, Бегматжон. Азроил — Турди ғилай. Тўйчи воқеасиям кўзини очмади. Қайтага, яна битта ғаним кўпайди. Тўйдаги қилиғини қаранг. Тупроқ билан тенг қилди одамни. Тезроқ бир иложини топиб тинчитмасангиз, дунёни чаппа айлантургудай шашти бир бу ғилай ўлгирни. Малик муаллимникида ҳар кунни майлис ўтказармиш. Бир дунё хатомизни топибди. Идора активларини тавбасига таянтирмасам, отимни бошқа қўяман, деб юрганмиш. Юборган оқсоқолларимизни ҳам калтак олиб қувлагандай ҳайдаб юборибди.

Назаровнинг бурун катаклари керилиб, безовта отдай пишқирди. Япалоқ юзлари аввал кўкарди, сўнг мраммартосдай қорайиб, қизарган кўзларида совуқ ўт чақнади.

— Шу чолни жувонмарг қилмайин, болаларининг қарғишига қолмайин девдим. Аттанг, ўзига-ўзи қилди. Умрингни турмада чиритмасам, сан занғарни! — Туриб бориб хона бурчагидаги каттакон темир сандиқни очди. Печати бузилмаган бир пачка юзталиқни олди. Салмоқлаб кўраётгандай бир муддат кўлида ушлаб турди. Сўнг сандиқни қулфлаб, хотиржам Усар бухгалтернинг ёнбошига келиб ўтирди.

Пулни кўриб, Усарнинг ранги қум ўчди. Раиснинг нияти кундай равшан бўлди унга. Кўз олдида Сулаймон бригадирнинг ҳайкалдай жонсиз юзи, изиллаб йиғлаётган болалари келиб, дами ичига тушиб кетди. «Йўқ-йўқ! Унақа қилиб бўлмайти. Сулаймон бригадирнинг, болаларининг қарғиши авлод-аждодимга етади. Мен аралашмайман. Мен...»

— Олинг буни! — деди Назаров пулни Усар бухгалтернинг тиззаси устига қўйиб. — Яна бир марта ҳунарингизни кўрсатасиз. Бошқа йўл йўқ.

Усар бухгалтер тиззасига пул эмас, бир ҳокандоз чўғ қўйилгандай сапчиб кетди.

— Гуноҳга ботган одамман, Бегматжон, мени қийнаманг, — йиғламоқдан баттар бўлиб зорлана бошлади у. — Мен бир тақводорни одам эдим... Қўлларим ҳаром бўлди. Оқшомлари... — Усар бирдан чўк тушиб раиснинг тиззаларини қучоқлаб олди. — Болангдан айланай, Бегматжон, ундай қилманг. Сулаймоннинг қарғиши еттипуштимга етади, айланай.

Раис оёғига ит тирмашгандай бир силтаб тиззаларини тортиб олди-да, Усар бухгалтернинг ёқасидан бўғиб, қаттиқ силтади:

— Тур-э! Сахту сумбатингдан ўргилдим сендай тақводорни! Бизни тандирга тиқиб, ёнишимизни томоша қилмоқчимисиз ҳали! Дийдиёни нариги дунёга ботганида онангизга қиласиз. Икки қулоғингиз билан эшитиб олинг, агар айртганимни қилмасангиз, ланғиллаб турган тандирга бошингизни тиқаман. Ҳа! Тиқаман! — Назаров Усар бухгалтерни итариб, туриб кетди. Утириб қолган Усар шалвираган танасини аранг тутиб, ўзини диванга ташлади. Унинг тили ғўлдираб, оёқ-қўли дағ-дағ қалтирарди.

Қизиқ устида қуюшқондан чиқиб кетганини англаган Назаров, бир зум гарангисиб туриб қолди. Бу одам билан ўртаси бузилса, оқибати нима бўлиши маълум эди. Дарҳол тусини ўзгартириб, «андавалашга» ўтди.

— Жаҳл устида қизишиб кетибман, ака. — деди у Усар бухгалтернинг ёнига келиб жойлашаркан. — Шундоқ маҳалда бир-бировимизни тушунмасак, бу ёғи нима бўлади, ака.

Усар бухгалтер унга азроилга қарагандай ҳадиксираб тикилди. Раис ерга тушиб кетган пулни эҳтиётлик билан олди-да, яна Усар бухгалтернинг тиззасига қўйди.

— Гуноҳи ўз бўйнимга, йўқ деманг. Сиздан бўлак суянадиганим йўқлигини биласиз-ку, ака...

Усар бухгалтер, қўллари дир-дир титраб пулни олди. Раисга охириги

марта жавдираб қаради. Ҳеч қандай нажот аломати тополмагач, зўрға оёққа турди, биров бўйнига арқон солиб судрагандай, ит азобида хонадан чиқди. У кетгандан кейин Назаров хиёл енгил тортиб, энди ўтирган ҳам эдики, партком — Бахтиёр Жўраев ҳовлиқиб кириб келди.

— Бу ёқда экансиз-у, раис ака, изламаган жойимиз қолмади.

— Келинг, — деди раис хушламай. — Хўш?

— Партмажлисада бухгалтерия масаласи қўйилган. Бош бухгалтернинг ҳисоботини эшитмоқчимиз.

— Нима учун энди бухгалтерни?

— Анча-мунча хатоликлар борга ўхшайди.

— Менга қаранг, ука, — деди у иложи борича ўзини босишга тиришиб. — Бухгалтерни ўз ҳолига қўя туринг. Шусиз ҳам текшир-текширдан бошимиз чиқмай қолди. Малик чол билан Турди ғилайнинг қилиб юрган ишларини кўриб турибсиз-ку. Ушаларни бир ёқлик қилиб олайлик аввал.

— Буни партмажлисага нима даҳли бор? — деди Бахтиёр кўрслик билан. — Бизники планивий йиғилиш, партбюро тасдиқлаган. Ундан кейин... — Бахтиёр бир нимани мулоҳаза қилгандай бир пас индамай турди. Назаровнинг сабри чидамай уни қистади:

— Хўш-хўш?..

— Малик домланинг юзига ҳадеб қоракуя суртавермаслик керакми-ди. У кишининг даъволарида ҳақиқат ҳам бор.

— Шунақа деи, — Назаров парткомга бошдан-оёқ менсимай қараб чиқди, — Малик домлангиз тўғри хўжаю биз эгри эканмиз-да? «Узимдан чиққан балога, қаерга борай давога»ми, дейман бу ёғи, а?

— Биров сизни эгри деб айблаётгани йўқ-ку, Бегмат ака, нега жаҳлингиз чиқади?

— Малик домла ҳақ бўлса, биз айбдор бўлмай, ким айбдор бўлади? Бизни ҳеч балога ақли етмайдиган анойи деб ўйлаяпсиз, шекилли?

— Ким оқу ким қоралиги ҳали-ҳозирча маълуммас. Аммо, колхоз активлари адресига айтилаётган ҳар хил бўлмағур гапларга партбюро индамай қараб туролмайди. Хўп десангиз, икки-уч кишилик комиссия тузиб...

— Яна комиссия! — Ҳайқириб юборди ғазабига чидолмай Назаров. — Нима бало, ҳаммангнинг онанг комиссия деб танглайингни кўтарганми, а? Ун кунда уч марта комиссия келди. Ярим соатдан сўнг яна келади. «Ковла-ковла»дан бошқа ташвишларинг йўқми. Менга қаранг, ҳеч қандай комиссия ҳам тузилмайди, майлис ҳам ўтказилмайди. Қулоғимиз сал-пал тинчисин, ҳар кун майлис ўтказсангиз ҳам ишим йўқ.

— Мажлисни ўтказмасак бўлмайди, — ўжарлик қилди партком. — Биз...

— Ундай бўлса, истаган вақтда, билганингизча ўтказаверинг. Бошқа гапингиз бўлмаса, сизга жавоб.

Раис ёлғиз қолгач, парткомнинг сўзлари баттар наша қилди. Шу бола ҳам бошга битган бало бўлади-ёв. Анави ишни тезлаштирмасак... Уша масала қўзғалса, одамларнинг диққати бўлинармиди. Унғача комиссия билан тил топишиб олармидик...

XIII

Турди ғилайнинг кайфи чоғ. Кейинги пайтларда қўли устун. Раисга сичқоннинг ини минг танга бўлиб қолади ҳадемай. Комиссиялар зулукдай қонини сўряпти. Бугунги хатни текшириш бошлансин, ана ундан кейин кўрасиз томошани. У минғиллаб кўшиқ айта бошлади:

Қаро кўзим кел-ей мардум!
Қаро кўзу-ум келе-ей ма-ардум...

Уёғини эслолмади. Бошқасини айтди:

Оғо соғ борсангиз аввал
Отамларга салом айтинг...

Бу кўшиқдан ҳам эсида қолгани шу эди. Узидан ўзи ҳафа бўлиб кетди. Шу ёшга кириб, бирорта кўшиқ билмаса-я. «Артистларга қойил. Унлаб кўшиқларни ёд айтади. Раисни тинчитай, зўр кўшиқдан биттасини ўрганиб, катта тўйда ўртага чиқиб бир олайки...» Қишлоққа киргач, йўлнинг ўнг бетида чарм папкасини қўлтиғига қистирганча энгашиб кетаётган мактаб директори Бердиев кўринди. Машинага илкис тормоз босди. Эшикни очиб, кабинадан бошини чиқарди.

— Домла Бердиев, ассалом алайкум, ўтиринг, обориб қўяман.

Бердиев Турдининг ёнига ўтирди. Қўл олиб кўришгач, эски чарм папкасини тиззасига қўйди.

— Бугун мактабга андак кеч қопсизми, домла?

— Ҳа, меҳмон бор эди уйда. Ушланиб қолдик. Ўзингиз районга тушган экансиз-да?

Турди ғилай бош ирғади.

— Ҳа...

Машина жойидан қўзғалди.

Бердиев жойлашиброқ ўтириб олгач, ҳамроҳига юзланди.

— Ишларингиз хушми, Турдибой?

— Юрибмиз, тупроқдан ташқарида.

— Турдибой, шу чакки ишлар бўляпти-да.

— Лаббай?

— Яхши иш қилмаяпсиз, деяпман.

— Нима қиппиз, устози калон?

— Нималигини биласиз, ука, лекин, кўпдан бери сизга бир гапни айтмоқчи бўлиб юрган эдим. Мавриди кеп қолди, мана, айтяпман. Бузғунчиликдан ҳеч зот барака топган эмас.

— Тўғри айтдингиз, домла. Осиш керак унақа ўйин бузиқиларни.

— Битта тирриқ тана бутун бошли подани булғайди. Қишлоқнинг оти ёмонга чиқиб қоляпти, ука. Қўшни қишлоқларга тўй-маракага бориб, бошни кўтаролмай қолдик. Ҳамма, «қишлоқларингдаги жанжал нима бўлди?» деб, ижикилайди. Шунчаликмас-да, ахир? Сизга нима етишмайди? Бола-чақа бор, ҳовли-жой бор. Остингизда — мошин. Кўринишингиз туппа-тузук. Қилиб юрган ишингиз-чи?

— Э-ҳа, гап бу ёқда, денг? Бу дейман, раиснинг думи эмасмисиз ишқилиб?

— Тўхтат мошинингни! Тўхтат дейман!

Машина илкис тўхтади. Бердиев пастга тушди. Аммо эшикни ёпмай, энгашиб бошини ичкарига суқди:

— Менга қаранг, ука. Мен холис одамман. Тинчлик бўлсин, дейман. Раисгаям худди шу гапни айтдим. Бузоқнинг чопгани сомонхонагача. Сенларни чопиб-чопиб расвонг чиқади-ю, лекин баъзи виждони соғ одамларнинг устига шилта сочаётганларинг хун қилади одамни. Жилла-қурса, Малик муаллимни аралаштирманглар шу ҳаром-ҳариш ишларингга. Ҳалол-покиза бир одамнинг оти ёмонга чиқмасин.

— Раҳмат устоз, куллуқ. Осмон қўлингизда турганга ўхшайди, ишқилиб, ташлаб юборманг-да!

— Суф-е, сендай одамга! — Бердиев эшикни қарсиллатиб ёпди.

Турди ғилай машина билан бир уриб, қурбақадай мажақлаб ташлагиси келди Бердиевни. «Шошмай тур, сениям суробингни тўғрилаб қўядиган пайт келади».

Машинани Малик муаллимниқига бурди. Суярқул мактабга отланиб турган эди. Уни ёнига ўтқизиб, ўйига олиб келди. «Бир пасда битта хатни кўчириб берасан», деб ярим соатча алланималарни ёзди. Дарсдан кеч қолаётган Суярқул чўққа ўтиргандек зўрға чидади.

Ниҳоят, Турди ғилай унга ручка, қоғоз берди. У тоғаси узатган «хат»ни олиб, ишга киришди.

«РайОНОга. 17-мактаб директори Қ. И. Бердиев устидан шикоят». — Бирдан ҳушёр тортди. Бу — Қодир Иноятович-ку! Шошиб яна қоғозга тикилди. — Қ. И. Бердиев ўн икки йилдан бери мактабни «соғиб ичиб» келади. У бошлиқ бўлгандан кейин мактабда таълим-тарбиявий ишлар

издан чиқди. Уқувчиларнинг етмиш проценти «икки»чи. Лекин, уларга қонунга хилоф равишда «3», «4» қўйилади. Мактаб ўртоқ Бердиевнинг шахсий хўжалигига айланган. Укаси, келини, жияни шу ерда ишлайди. Ҳзи директор бўла туриб, адабиётдан дарс ҳам олган. Лекин, сабоқ ўтмайди. Амалидан фойдаланиб, ёш ўқитувчиларни эксплуатация қилади», — Суяркулнинг қўллари титрай бошлади. Ахир бу тўхмат, қип-қизил тўхмат-ку! Қодир Иноятовичнинг қандай ўқитувчи эканини билмаса ҳам майли эди. Энг яхши кўрадиган, ҳурмат қиладиган ўқитувчингни биров шундай деб турса...

— Ёзаяпсанми? — энгашиб сўради Турди ғилай. Суяркул Унинг малларанг қошлари тагидаги қисик, айёр кўзларига тикилиб, энг ёмон сўзлар билан узиб-узиб олгиси келар, лекин азбаройи ғазоби қўзғанидан тили айланмас эди. У сапчиси турди. Қоғозни ғижимлади, йиртди.

Турдининг эсхонаси чиқиб кетди.

— Сиз... ёлғончи! Тўхматчи. Тўхматчи! — Суяркул кўчага отилди.

— Вой тирмизаг-ей, Ҳамидга ўхшаб буям девона бўп қопти-ку! — орқасидан қичқирганча қолди Турди ғилай.

Суяркул орқа-олдига қарамай, боши оққан томонга чопиб кетаверди.

Мол таппилари эзғиланиб ётган кўча. Анҳор. Уч ёнини сув қуршаган тепалик. Бир-бирини суяб турган тераклар... Суяркул ўзи билмаган ҳолда «Ширин хаёллар оролчаси»га келиб қолган эди.

У бир зум каловланиб турди. Сўнг ҳамон чангалида турган қоғозни ерга ташлаб, оёқлари билан роса эзғилади. Гўё қандайдир ифлос нарсадан қутулгандай, қўлларини шимиға артди. Узини бир оз енгиллашгандек ҳис қилди-ю, яна бирдан маънос тортди. «Тамом!» — чуқур хўрсинди. У бошини қуйи солиб узоқ ўтирди. — «Ҳаммаси тугади». Кейин ўз фикрларини худди қирқ тугунли арқонни ечгандек еча бошлади.

«Тоғам... Бундан чиқди Мамаюсуфларнинг даъвоси тўғри экан-да! Наҳотки отам... ҳам!!!»

Суяркул отаси билан доимо фахрланарди. Унинг ҳалоллигига, тўғрилигига ишонарди. Энди-чи... «Битта томорқа, раиснинг икки калима сўзини деб, қишлоқни икки душман гуруҳга ажратиш...» одамлардан эшитган бу гаплар қулоғи остида акс-садо берди.

«Рост-да, — ўйлади у, — ахир, томорқа дегани нима? Бир парча ерми? Ер ана — юз, минг, миллион кишидан ортиб-тошиб ётибди-ку! Отамни анави ғилай йўлдан урди. Йўқ! Икковининг тили бор. Икковиям... Шунинг учун одамлар ёмон кўради бизни. «Ифвогар, ифвогарнинг боласи, шипиёнбачча», дейди.

XIV

Кўнғироқ. Бир неча дақиқали ҳаяжонли шовқинлар. Дилни энтик-тирувчи сукунат. Қодир Иноятовичнинг бошини ўзига хос равишда энгаштириб келиши...

Суяркул партага қапишиб олди. «Қанийди, эсидан чиқиб... Йўқ. Қодир Иноятович айтганини унутмайди. Ҳозир турғизади. Ҳозир...»

— Хўш, ўтган дарсимизда, баъзи болалар бизга сўз беришган эди, шундайми? — «Тамом!» Суяркул оёқлари титраб ўрнидан турди.

— Мен... мен... ҳалиги... — деб чайналди, мижғовланди. Уқитувчи тушунди. Ручкасини стол четига қўйди.

— Маликов, сенга нима бўлди? — деди кейин паст, лекин ўқувчиларнинг у ёқ-бу ёғидан ўтиб кетадиган оҳангда. — Нега бўшашиб кетяпсан. Ёки тобинг йўқми?

— Дарс қилишга вақти йўқ, — луқма ташлади Ҳакимча.

— «Думалоқ хат» ёзади.

Суяркул овоз эгасини таниб, ялт этиб Мавлонга қаради. Бадани ток ургандай жимиллаб кетди. У тоғаси билан бўлган можарони танаффусда дўстим деб шу болага айтувди. «Қасам ичувди-я...»

Синфда шивир-шивир бошланди.

— Жим! — ҳукмрон овозда буюрди ўқитувчи. — Холматов, ўртоғинг шундай қилганини сен қаёқдан биласан? — сўради жаҳл билан.

— Ўзи айтди. Сизнинг устингиздан ёзишган экан, — ўзини оқлади Мавлон.

— Сотқин экансан! — деди Омон.

— Тўппа-тўғри! — Омоннинг фикрини қувватлади ўқитувчи. — Де-мак, ўртоғинг сенга ишониб сирини айтган, сен бўлсанг...

— Ёлғон! — ўрнидан шартта туриб, ҳайқирди Суяркул ва мадори куриб, яна жойига ўтириб қолди.

Оғир, юракни орзиқтирувчи сукунат чўкди синфга.

Қодир Иноятович-қўлини орқасига қилиб, парталар орасида у ёқдан-бу ёққа юрди, дераза олдида бироз ўйланиб турди. Сўнгра болаларга юзланиб, хотиржам ва қатъий қилиб деди:

— Омон жуда тўғри айтди. Холматовнинг бу қилиғи хоинликдан бошқа нарса эмас, — деди. — Шундай! Маликовга келсак, паришонхотирликка, ваъдабозликка чек қўй энди. Қани, жим бўлинглар. Шодиев, сен жавоб бер ўтган дарс юзасидан.

Шу дақиқадан бошлаб, Суяркулнинг қулоқлари том битди. Танафус бўлганини ҳам ҳаммадан кейин — синфда ғовур-ғувур бошланганида англади. Туйқусдан уйғониб кетгандай ирғиб турди. Мавлонни излади. Тулкиникидай ориқ, чўзинчоқ юзи оқарган Мавлон доска яқинида турар, Омон унга алланималарни уқтирар эди. У Суяркулнинг бўғриқиб кетган юзига, ҳайратдан бақрайган кўзларига қараб, қўрқиб кетдимми, беихтиёр орқасига тисланди. Шу пайт Мавлонни даҳшатга солган воқеа содир бўлди: Суяркул унинг устига ташланди. Иккови гурсиллаб полга ағанаб тушишди. Суяркул абжирлик билан юзи-кўзи демай рақибини муштлай кетди. Қизлар, «ажратинглар!» деб чийиллашар, кимдир бақирар, ким-кимга гап уқтирар...

Ўзини йўқотиб қўйган Суяркул эса нима қилаётганини англолмасди. Ҳушини йиғиб қараса — Омон маҳкам кучоқлаб турибди. Гирдида болалар, қизлар.

— Тўғри гап алам қилдимми?

— Сотқинга буям кам!

— Қойил, кесакдан олов чиқди! — деган овозлар эшитилди. У бир силтаниб, Омоннинг кучоғидан чиқдию ўзини эшикка урди. Узун коридор ўртасидаги гиламчадай ўртаси қизил, икки чети сариқ рангга бўялган йўлакдан ўқдай учиб, ҳовлига чиқди. Сершовқин ҳовлини кесиб ўтди, дарвозадан чиқаверишда Жалолга дуч келди. У панада Ғани деган синфдоши билан папирос чекиб турган эди.

— Ҳа, ажина қувдимми? Тўхта! — деди Суяркулни кўрган Жалол. Суяркул истамай тўхтади.

— Сени гаплашиб турувдик, — Жалол тамаки сўриб шеригига узатди. — Тунов куни ким сени уйинга қўшмади. Мамаюсуф қилдимми шуни?

Суяркул жавоб бермади.

— Аттанг, ўша кун эшитмабман-да. Ҳалиям кутулиб бўпти!

— Дарсдан кейин ҳув анави ерга келиб толларнинг орқасида кутиб тур. Олдингга судраб келиб, бурнини ерга ишқайман. Кўрасан! Менгаям қолдир. — У шеригининг қўлидаги тугай деб қолган сигаретани юлқиб олиб, устма-уст ютоқиб тортди. Сўнг ерга ташлаб, товони билан обдон эзгилади.

— Кетдик, звонок чалинганга ўхшайди.

Суяркул уларнинг кетидан каловланиб қараб турди. Сўнгра кўча чети бўйлаб кетаверди. Мактабдан олислашган сари ўз-ўзидан қадами тезлашарди...

Бир маҳал оёғи буталарга илашиб, мункиб кетди. Тиззасининг кўзи ари чаққандай қизиб оғриди. Бошини кўтариб, яна «Ширин хаёллар оролчаси»га келиб қолганини англади. Буталар оралаб бориб, анҳор юзида лопиллаб турган «қилкўприк»дан ўтди-да, ўзини ерга отди. Аммо,

энди — истаган жойини топганда, кўзидан қатра ёш чиқмади. Ҳалигина томоғигача қадалиб турган аллақандай тугун ҳам гўё эриб кетгандек... юраги бўм-бўш. Димоғига зах аралаш ялпиз ҳиди урилди. Тиззаларини қучоқлаб, бўтана сувнинг «қилкўприк»ка шалоплаб урилишига тикилиб қолди. Жўралари билан шу овлоқ оролчада ўтказган бахтиёр кунлари ёдига тушди. Мавлоннинг китоб ўқиётган Суярга мўлтайиб қараб туришлари, Мамаюсуфнинг теракдаги чумчуқ уяни бузаман деб йиқилиб тушганлари, анҳорда чўмилаётганларида Ҳақимнинг билагига сув илон осилиб чиққани...

Суяркул жойидан туриб, секин-секин юриб оролчани айланиб чиқди. Шамол қийшайтирган гулларни тўғрилади, наъматак яқинидаги икки туп чиннигулни сариқпечак босган экан, эринмай териб, тозалади. Тинимсиз учиб-кўниб турган каптарлар унинг ҳар бир ҳаракатини кузатишар, афтидан каптархонага дон-дун сепмаётгани, идишлардаги сувни янгиламаётгани учун Суяркулдан норози бўлиб, ўз тилларида алланималар деб вағир-вуғур қилишар эди.

Суяркул айланиб келиб, симтўр беланчакка чўзилиб, ўзини-ўзи тебратди. Тўғрисидаги терак шоҳида ўша катта оқ қаптар — Семурғ унга тикилиб турарди. Қуш худди «Сенга нима бўлди? Биров хафа қилдимми? Қандай ёрдам керак?» деб сўраётгандай ғалати қараб турарди унга. «Ишларимиз ёмон, — деди Суяркул хаёлан унга мурожаат қилиб, — Жуда ёмон. Охирги жўрам Мавлон эди. У ҳам сотди мени. Бирортаям ўртоғим қолмади синфда. Мамаюсуф айтгандай яккамохов бўпқолдим, яккамохов... — унинг юраги тўлиб, хўрлиги келиб кетди. Хўнграб йиғлаворай дедию яна ўзини кўлга олди. — Шу қилганига Холмат чақимчидан тортиб, Мамаюсуф бочкагача ҳаммасининг таъзирини бераман». У кўзларини юмиб, қасос олишга тушди. «Топ, олдимга ҳайдаб кел уларни!» — буюрди Семурғга у. Семурғ кўз-очиби юмгунча амрни адо этди — тўрт болани оролчага ҳайдаб келди. «Энди дарахтга чиқиб, томоша қил, — деди Суяркул қушга. — Аммо жанжалга қўшилишни хаёлинггаям келтирма. Дўсти Семурғ билан бизни урди деб, миш-миш тарқатишдан ҳам тоймайди булар. Қани, дўстим, бор, боравер, сенга жавоб».

Суяркул жойлашиброқ ётволиб, оёқларини чалиштирди, беланчакда тебраниб, рақибларига беписанд илжайди:

— Хўш, полвонтойлар, яқинроқ келинлар-чи. — Болалар қимирламадилар. — Битта-битта чиқасанларми, ёки... менга бари бир. Хоҳла, яккама-якка, хоҳла тўртовинг бараварига. — Болалардан яна садо чиқмади. — Ҳа, Мамай, бунча тайсалламасанг. Вақтида Жалол билан Суяркул мени урди деб, гап тарқатганинг эсингдами? Чимзордаги воқеачи? Манави шотирларингга «Суяркулни уриб ўлдириш керак» деганинг эсингдадир? Эслолмаяпсанми? Балки, Ҳақимчанг эслар, а, Ҳақимбой?

— Ановинг қараб турибди-да, — дарахт тепасига ишора қилиб тўнғиллади Ҳақимча. — Бўлмаганида-ку...

— Хо-хо-хо! Шу юрак билан юрибсанми ҳали! — Уни калака қилди Суяркул. — Қойил-е! Битта қушчага шунчами? Қўрқма, айтдим-ку, агар мени ўлдириб қўйсанг ҳам у энди қўшилмайди. Сен бола мендан кўрққин, мендан, Суяербек акангдан!

— Тўрт киши шу мишиқига масхара бўлиб ўтираминми? — Юрагини босволиб, ҳамроҳларини гиж-гижлади Ҳақимча. — Мамай, Жума, давай, босдик! — Учови Суяркулнинг устига бостириб келаверди. Мавлон бўлса қулай фурсатдан қочмоқчи бўлди. Бунга кўриб турган Суяркул ётган жойида пинагини бузмай Мавлонни майна қилиб кулди:

— Ҳа, қуёнботир, сиз қаёққа? Қочиб қолишни хаёлингизга ҳам келтира кўрманг-а! Бугун сен болакай билан алоҳида ҳисоб-китобимиз бор.

Бу орада рақиблар ўртасидаги масофа бир қадам ҳам қолмади. Бостириб келаётганларнинг қўллари мушт бўлиб тугилган, Жумабойда эса ўша — чимзорда Суяркулнинг пешонасини ёришига оз қолган акасининг камари. Суяркул бўлса ҳали ҳам пинагини бузмай жилмайиб ётибди. Ана,

Жумабой, ҳар доимгидек, биринчи бўлиб муштлашувни бошлаб берди: у камарини боши устидан айлантириб Суярқулнинг юзига урди. Камар ҳали мўлжалга тегмасдан мўъжиза содир бўлди. Суярқул худди пружинадай сакраб туриб кетди. Туриш баробарида Жумабойнинг биқинига чунонам тепдики, у коптокдай учиб бориб, теракнинг шохига осилиб қолди. Қуршовни ёриб чиққан Суярқул чаққонлик билан бурилиб, навбатдаги ҳамлага шайланди. У худди кинолардаги каратэчилардай мускулларини ўйнатиб, ғалати оҳангда вишиллади, қўлларини аввал илондай буради, кейин худди найзадай рақибларига ўқталди ва бор овозда:

— Хий-йя!!! — дея ҳайқирганча ҳужумга ташланди. Қўли билан Мамаюсуфни, оёғи билан Ҳакимчани урди. Мамаюсуф дарахтга бориб урилиб йиқилди-ю, ўша жойда ерпарчин бўлиб қолди. Буталар орасига учиб кетган Ҳакимчанинг қаерга тушганини эса Суярқулнинг ўзи ҳам кўролмади. Ранги қути ўчиб кетган Мавлон бурила солиб қочди. Лекин Суярқул уни «қилкўприк» устида ушлаб олди-ю, пахмоқ сочидан чангаллаб, сувга мушукдай пишаверди.

— Энажон! Ўлдим! — деб бақирарди Мавлон.

— Иккинчи марта сотқинлик қиласанми?

— Йўқ! Тавба қилдим! — Оғзидан сув пуркаб ялина бошлади Мавлон. — Улай агар ундай қилмайман. Пес бўлай, мохов бўлай!..»

Суярқулнинг бурнига битта хира пашша қўниб, дикиллаб ўйнай бошлади. У кўзини хиёл очиб пашшани кузатди: ана, нақ бурнининг учида, исқирт оёқларини питиллатиб, гўё кесак устида ўтиргандай ўйин кўрсатяпти. Суярқул пашшани мўлжаллаб туриб, жони борича урди-ю, ўзи ҳам сапчиб туриб кетди. Хаёлида бурни пақ этиб ёрилиб кетгандай бўлди. Кўзларидан ёш чиқиб кетди. Анҳорда юзини ювгандан кейингина сал-пал ўзига келди. Лекин қизишиб кетиб, хаёл билан бурнига қаттиқ урган эканми, оғриғи ҳадеганда босилавермади. У бурнини шилқ-шилқ тортиб, яна беланчагига бориб ўтирди. «Муштлашишнинг охир-оқибати мана шу, — деди ўз-ўзидан ранжиб. — Бир гал бурнинг қонайди, бир гал пешонанг қашқа бўлади, яна бир гал... Шошма, ҳадеб қасдлашгунча, бир ерга тўпланиб, яхши гап билан орани очик қилиб олса бўлмайдами? — Суярқул миясига келган ана шу фикрдан қувониб кетди. — Ростда, — ўзича таъкидлади у: — Ҳадеб ёқалашидан нима фойда? Яххиси-чи, мана бундай қилиш керак: «Мамаюсуф, — дейиш керак Мамайга. — Сен, Жумабой, Ҳаким, Холмат — ҳамманг бугун оролчага боринглар. Жудаям зарур иш бор». Улар келишади, албатта келишади. «Мана, келди, — дейди Мамаюсуф аввал дўқ, уриб. — Хўш, нима дейсан?» «Мен-ку, ҳеч нима демайман-а, лекин сен, сен бочка!..» Э, йўқ, унақада жанжал чиқиб кетади. Бундай нозик пайтда қизиққонлик кетмайди. Сухбатни мана бундай бошлаган маъқул: «Келинлар, жўралар, келинлар. Қани мана бундоқ ўтиринглар-чи. Эсларингдами, бу ерда қандай яхши ўйинлар ўйнаганимиз? Мамаюсуф, сенинг ҳам эсингда бордир, а? Лекин... Лекин мен бир нарсага сираям тушунолмаймапман. Қани, айт-чи, сен нега мени ёмон кўрасан, а? Сенга тирноқчалик бўлса ҳам ёмонлик қилган жойим борми? Айт, зиғирча айбим бўлса ҳам яширма, ҳамманинг олдида айт, гуноҳим бўлса бўйнимга олай, керак бўлса кечирим сўрай. Агар айбим, сенга ёмонлигим бўлмаса, у ҳолда тушунтириб бер — мени нега ёмон кўришинг, болаларни тезлашинг, менга қайраб солишинг, тухматлар қилишинг — ҳамма-ҳаммасининг сабабларини тушунтириб бер менга! Мард бўлсанг, тўғрисини гапир, эшитсин манавилар ҳам. Гапларим тўғрими, жўралар?» — Суярқул шу сўзларни айтиб, Жумабойнинг кўзларига тик қарайди. Жумабой гапга нўноқ, бирданга ақлли гап чиқиши даргумон унда. Лекин Суярқулнинг сўзларидан қаттиқ таъсирланиб кетган Ҳакимчанинг булбулигўё бўлиб кетиши аниқ: «Тўғри, гапинг жудаям тўғри, — дейди у ҳаяжондан кўпириб, — масалан, сен менга тариқчаям ёмонлик қилмагансан. Лекин мен — у бир зум дудуқланиб қолади. — Менинг гуноҳларим эса оз эмас. Ҳозир, ҳалиги гапларингни эшитиб туриб, рости хафа бўлиб кетдим ўзимдан. Жудаям аҳмоқ эканман. Энди сираям

бунақа номаъкулчилик қилмайман. Суярқул, жүражон, сўзларимга ишон». Ҳақимчанинг тавба-таваллоси Мамаюсуфни ҳам сайратиб юборади. «Эси йўқ бола эканман, — дейди у Мамаюсуфга кўз остидан бир қараб. — Очиғини айтсам, папканга қурвақа солиб қўйган ҳам, синфда харитани йиртган ҳам мен эдим. Мамаининг гапига кириб... Мамай, шундайми, а?» — Жумабой нафрат билан Мамаюсуфга тикилади. — Тўғри... — дейди Мамаюсуф ерга боқиб. — Мен... мен айбдорман барисига. Лекин отам, отажоним қамалиб ётсаю мен...» — Мамаюсуф ҳиқиллаб йиғлаб юборади. «Йиғлама Мамаюсуф, йиғлама, — дейди ичи ачиб Суярқул, — сенга ҳам бировлар айтган-да, отангни Суярқулнинг отаси қаматди, деб. Шундай эмасми?» «Ҳа-да, — дейди кўзёшини артиб Мамаюсуф. — Ўсар амаки худди шундай деди. Улар душманмиз, улардан ўч олишимиз керак... Ахир, отанг ҳам ёзган, ёзган-да! Тўғрими?» «Тўғри, ёзган, — тан олади Суярқул. — Лекин тўхмат қилган эмас, рост гапни ёзган отам. Отанг адашибми, бировнинг буйруғи биланми, ишқилиб, хато ишлар қилган-да, Мамаюсуф. Лекин, ўчингни мендан олмоқчи бўлишларинг...» «Бўлди, дўстим, бўлди, — ёлворгудай бўлади Мамаюсуф, — гапириб қийнама мени. Кўзим мана энди очилди. Майли, ҳарқанақа жазога тайёрман». «Йўқ, мен сени жазолайман, деб қақирганим йўқ, бу ерга. Хатони тушунишининг ўзи етади. Мана энди ҳаммаси жой-жойига тушди. Ҳеч ким, ҳеч нима бузолмайди энди дўстлигимизни. Мамаюсуф, жүражоним, эшитяпсанми!»

Суярқул чуқур хўрсинди. Унинг икки кўзи жиққа ёш эди. «Шу ўйларнинг ҳаммаси чинга айланиб қолса эди-я, — деб армон билан пичирлади у. — Тўртовимиз яна ўртоқ бўлиб ўйнар эдик. Агар катталар ҳам шунақа қилишса борми?.. Рост-да, катталар бир жойга тўпланишиб, қизишмай, очиқ-ойдин гаплашиб олишса бўлади-ку! Ҳадеб жанжал, жанжал... Умуман, бу ғавғоларнинг сабаби қаерда ўзи?»

Катталар ўртасидаги жанжал, Суярқулнинг назарида, чуқур ва зим-зиё қудуққа ўхшар эди. Ҳамма жанжал-тўполонларнинг сабаби ана шу қудуқнинг тубида. Суярқул ҳозир тезроқ ана шу қудуқни топишни, қудуққа тушиб, лаънати тўполонларнинг сабабкорини инидан олиб чиқиб, ҳаммага кўрсатишни жуда-жуда истар эди...

Суярқул беланчакка чўзилиб осмонга тикилди. Қани энди, шу пайтда оқ каптари, ҳақиқатан ҳам оппоқ семурғга айлансаю ўша қудуққа олиб борса уни. Суярқул кўзларини юмиб олди. Хаёл кўзгусида каптари эмас ўйнинг бир кунжагида муштдайгина бўлиб ўтирган отаси, ўйдан чиқиб кетган Ҳамид акаси келди. «Акам қаерларда юрган экан, — ўйлади у. — Наҳотки, қайтиб келмаса». Ҳамид ўша кетганича қорасини кўрсатмас, қаердалигини ҳеч ким билмасди. Отаси, бечора отаси ўзини жуда олдириб қўйди. Кун-уззукун ўйдан чиқмайди. Дераза қаршисидаги сарғиш столга кўксини бериб, газета-журнал титкилайди. Суярқул отасидан бирор нарсани илтимос қилмай қўйганига ҳам анча бўлди. У юввош тортиб, ўйчан ва хомуш бўлиб қолди. У доимо бир нарсани ўйлаб, қандайдир оғир бир масалани ечолмай юрганга ўхшайди.

XV

Мамаюсуф кўз олдидан лип-лип ўтаётган тепаларга, дарахтларга, ўйларга қараб завқланади, қанотларини патирлатиб ярим йўлда қолиб кетаётган мусичаларга тилини чиқариб калака қилгиси келади. «Машина қандай маза-я! — ўйлайди у. — Бир пасда истаган жойингга борасан. Автобус кутмайсан, урҳо-ур тиқилинчда биров ўхшатиб оёғингни босиб олмайди. Тўрт қаватли кўрпачада ўтиргандай, ёнбошлаб кетаверасан».

Тойчоқлари борлигида (отаси «Волга»ни тойчоқ деб эркаларди) зўр эди. Соатлаб автобус кутишмасди. Отаси «Волга»ни гараждан ҳайдаб чиқиб, дарвоза рўпарасига қўярди. Онаси кийиниб чиққунча, ота-бола тойчоқни ялтиратиб артиб қўйишарди. Кейин хоҳлаган томонларига қушдай учиб кетаверишарди. Текшир-текшир бошландию бир кечада

уйлари ҳувиллаб қолди. Отаси тойчани аллақайёққа «гум» қилди. Девордаги гиламларниям қариндошларникига қўйиб келишди. Мамаюсуфга ҳаммасидан ҳам алам қилгани — моторли велосипед! Эрта-индин велосипедли бўламан деганида... Ҳақимчаларга мақтаниб қўймаган бўлсаям майлийди-я. Изза бўлиб қолди жўралари олдида.

Мамаюсуф деразадан бошини чиқармоқчи эди. Шамол кўз очирмади. Юмшоқ ўринда ястаниб, атрофни томоша қилиб кетаверди.

— Отам моторли велосипед обертмоқчи эди, — деди у анча юришгач, худди ўзига гапиргандай.

Ўсар бухгалтер орқага ялт этиб қаради.

— Валасапит дедингми? Валасапитам гап бўптими. Ўзим обераман. Шу бугун обераман. Валасапит мингинг келганакан, бир оғиз шипшиб қўймайсанми қулоғимга. Сени қара-ю! Билиб қўй, сен мани ўғлимсан. Отанг билан ман битта одам эдик. Уттиз йил бир идорада ишладик. Битта майизни топсак бўлиб едик. Отангдай танти эркак қишлоқда йўқ. Падар лаънати Малик ёз-ёз қилмаганида айшини суриб, гуриллаб юрган эди. Аммо-лекин, адабини берамиз ҳали у закунчини.

Ўсар бухгалтернинг гаплари Мамаюсуфга ёқди. Ўзиям бир мақтаниб қўйгиси келди:

— Биз Суярни боладик. Уйинга қўшмай, чимзордан ҳайдадик.

— Суяринг ким? — йўлдан кўз ўзмай сўради Ўсар бухгалтер.

— Малик малимни ўғли.

— Болабсилар-у! Айлантириб-айлантириб, қулоғини тайига солмабсизлар-да!

— Урардиг-у, урсак — ўқитувчимиз биззи уришади-да. Шундоғам, роса адабини бердик. — Мамаюсуф олдинги ўриндиқ суянчиғига осилиб, илжайди: — Бир кун-чи, билдирмай папкасига бировни фламастерини сол қўйдим. Ахтар-ахтар пайти топиб олишди. Шундан бери, ҳамма, «Суяр ўғри» дейди уни.

Ўсар бухгалтер рулга ётиб, пих-пих кулди.

— Яна бир кун кутубхонадан олган китобини ариққа обориб ташладим. Ҳақимга айтувдим, доскага чиққанида тагига перо қўйиб қўйди. Тап этиб ўтирдию вой-войлаб юборди.

Икковлашиб хўп кулишди.

— Тўғри қипсан, — деб маъқуллади Ўсар бухгалтер, — Малик малимнинг болалариям сену менга душман. Отангни бошига етган ўшалар. Майли, ҳечқиси йўқ. Отанг ҳадемай кутулиб келади. Аммо-лекин, сану ман бу ерда қараб ўтирмаслигимиз керак. Уч олиш керак, ўч! Бугун бир иш қиламиз, бўптими. Шаҳардан келайлик, айтаман. Аммо-лекин, отанг эшитса, сендай азамат ўғли борлигидан хўп суюнади-да.

Мамаюсуфнинг қўллари мушт бўлиб тугилди. Қани энди, шу пайт олдидан Суярқул чиқиб қолсаю машинадан сакраб тушиб, болаб саваласа.

Дала-дашт, боғ-роғлар орқада қолди. Машина сершовқин шаҳарга шўнғиди.

— Аввал ошхонадан муздай лимонад ичиб, чанқов босди қиламиз. Кейин айрапортга борамиз. Самолётни учиб-қўнишини кўрганмисан?

— Йў-ўқ.

— Вуй, шу пайтгача-я! Уйлантурса бир келинчакни обориб-опкеладиган бўптию ҳалигача айрапортни кўрмапти-я! — яйраб кулди Ўсар бухгалтер. — Отанггам ғирт експлататир экан-да, ўзи.

Мамаюсуф «келинчак» сўзини эшитганда қизариб кетди. Аммо қувончи ичига сиғмасди. Тезроқ самолётни кўргиси келди. Самолётлар осмонда қалдирғочдай учиб ўтганини, портлаб кетганини телевизор ва кинода талай марта кўрган, лекин ҳақиқий самолётни ҳали-ҳануз учратганича йўқ. «Чанқов босди»дан кейин «Жигули» аэропорт томон қушдай елди. Бугун Ўсар амакисининг «ўнг ёни» билан турган куни экан. Самолётларни кўрсатгандан кейин уни бир тор кўчада ярим соатча машинада ёлғиз қолдириб кетгани демаса, роса сийлади: истироҳат боғидаги «ракета»да учирди, икки марта музқаймоқ олиб берди. «Спорт

товар» дўконидан моторли велосипед олинган пайтда Мамаюсуфни бир кўрсангиз эди!..

— Қалай, маза бўлдими? — сўради қайтишда.

Мамаюсуфнинг оғзи қулоғида, таассуротлари шу қадар кўпки, ичига сиғмайди. У:

— Зўр бўлди, зўр бўлди! — дея олди холос.

Улар қишлоққа етиб келдилар. Машина пардай енгил чанг кўтариб, Мамаюсуфнинг дарвозаси олдида тўхтади.

— Кечгача маза қилиб жўраларингга мақтан. Кечқурун уйга кел, хўпми? — тайинлади Ўсар бухгалтер... Мамаюсуф шом қоронғусида Ўсар амакисиникига борди. Ўсар амакиси алланимадан ташвишланаётгандай, жуда безовта эди.

Амаки-жиян кўчага чиқдилар. Ташқари зим-зиё. Ой ҳали чиқмаган. Ҳар жой-ҳар жойга деразалардан ола-чалпоқ хира нур тушиб турибди. Ўсар Малик муаллимнинг ҳовлиси яқинида тўхтаб, Мамаюсуфга оғирлиги бир килоча келадиган тугун тутқазди. «Ушла, — деди у пишиллаб. — Ҳув теракдан томга ўтиб, бостирма тагига тиқиб келасан».

Мамаюсуф тугунни олишга олди-ю, томга чиқишга кўрқди.

— Кучуги ёмон... қопади, — деди у бошқа баҳона тополмай.

— Кучук-пучуги йўқ. Тайсаллама, тез бўл. Айтганимни қилсанг, эртагаёқ отангни душманидан қутуламиз. Бор ўғлим, борақол, битта-яримта кепқолмасин.

Мамаюсуф теракка қараб юрди. Қоп-қора тун одамни ютаман дейди. Алланимага урилди. Тугун қўлидан тушиб кетай деди. Бир хаёли, уйга қараб қочмоқчиём бўлди. Лекин Ўсар бухгалтер... Мамаюсуф тугунни билагидан ўтказиб, теракка тирмашди. Томга қараган шохга осилиб, бостирма ёнига тушди. Бостирма худди ғишт тергандай усталик билан тахланган, пичан боғларини суғуриш машаққат эди. Бир боғ пичанни тортиб олгунча йиғлаворишига оз қолди. Ишни битириб, чиққан йўли билан томдан тушди. Зўрға чидаб турган Ўсар бухгалтер, унинг қўлидан ушладию судрагандай югургилаб кетди. Ўсарнинг терлаган қўли титрарди.

— Ҳеч ким кўрмади, а? — деди Ўсар бухгалтер уйларига етиб келишгач. — Кўрмади. Бопладинг. Баракалла. Энди дамнингни ол. Бир-рортага ғинг дема. Эртагами, индингами яна шаҳарга олиб бораман-а, маза қиласан. — Қўлини қўйиб юборди. Ушлаган жойи жиққа ҳўл бўлиб кетган эди.

Мамаюсуф уйига, Ўсар бухгалтер Назаровникига жўнади.

...Мамаюсуф анчагача ухлолмади. Кўз юмса, тугун пайдо бўлади. Хаёлида тугундаги нарса бомбаю ҳозир портлаб, бостирма лов-лов ёнаётгандай, челақ, кетмон кўтарган кишилар қий-чув билан Суярқуллар-никига қараб чопишаётгандай...

* * *

Назаровнинг уйқуси қочди. Гоҳ у, гоҳ бу ёнбошига ағдарилиб, тезроқ тонг отишини, катта «томоша» бошланишини интиқиб кутади. Кўзларини юмиб, Маликнинг қандай аҳволга тушишини тасаввур қилди. Ана у, қўлларини ёйган кўйи ўзини оқламоқда, сутдай покман, деяпти. «Факт, биз фактдан кўз юмолмаймиз, — дейди бадқовоқ терговчи. — Сиз ўқитувчи бўла туриб... Қонун олдида жавоб берасиз. Халқ олдида жавоб берасиз». Малик ғўлдирайди. Нима деганига ҳеч ким тушунмайди. Милиционерлар уни усти ёпиқ машинага тиқадилар. Хотини сочини юлиб додлайди... — Одамлар, «Аттанг, аттанг», деб бош чайқайдилар.

Назаров ҳузур қилиб керишди. «Эсинг бўлса, келиб-келиб мен билан довлашасанми, мияси суюлган чол!»

* * *

Ўсар бухгалтер столга кўкрагини тираб, оппоқ қоғозни бўймоқда. У ҳар бир жумлани узоқ ўйлаб, кейин ёзади. Ёқмаса, бир пас туриб,

ўчириб ташлайди. Яна ёзади. Қоғоз зорлангандай шитирлайди, перо ўжарлик қилгандай қитирлайди. «Малик жинояткор. У кўп йиллардан буён...» Ўсар бухгалтер қоғозга охириги нуқтани қўйгач, икки қайта ўқиди, тузатди, яна бошқатдан кўчириб, конвертга жойлади. Конвертни тили билан намлаб ёпиштирди. Кўнгли алланечук безовта бўлиб, чирокни ўчирди. «Бу охиригиси, ўртоқ Назаров. Энди отиб юборсанг ҳам... унақа қилмайман... Э худо, ўзинг кечир. Кўриб турибсан-ку барисини. Мажбурман, иложим қанча...» Юмшоқ ўринга кириб чўзилди. Ухладими-йўқми, билмади. Бир маҳал қараса, тонг ёришига келяпти. Апил-тапил юзини ювиб, машинага ўтирди. Район марказига етгач, машинани йўл, четида қолдириб, истироҳат боғига кирди. Прокуратура боққа туташ қизғимтир ғиштин бинода жойлашган эди. У карусель атрофида юрган болани ёнига имлаб чақирди.

— Отинг Саитқулмасми?

— Йўқ. Эшмамат.

— Саитқул деган аломат болага жуда ўхшар экансан. — Ўсар бухгалтер Эшмаматнинг елкасига қоқиб кўйди. Атрофга ўғринча назар ташлаб олиб, қўйнидан пакетни чиқарди. — Жуда шошиб турувдим, шу хатни ғир этиб прокурор амакингга бериб келмайсанми?

— Прокурор амаки қаерда?

— Ана, анави дарчадан кириб «Туропов амаки қанилар?» десанг, шундоқ олдиға олиб боришади. Хўпми? Мен шу ерда кутиб тураман. — Ўсар бухгалтер ёнидан битта бир сўмлик чиқариб болага берди. — Ол, морожний ейсан.

Бола иккиланиброқ пулни олди-да, дарча томон чопқиллаб кетди. Ўсар бухгалтер тез бориб машинага ўтирди. Моторни ўт олдириб, дарчага тикилиб турди. Бир неча минут ўтди, дарчадан аввал Эшмамат, кейин новча, ориқ киши кўринди. Бу кишини Ўсар бухгалтер яхши танир эди. У газни босди. Машина теп-текис асфальт йўлда елдек учиб кетди...

XVI

Тўйчини, Назаровни, ўзини ўйлайвериб тонгга яқин кўзи илинган Малик муаллимни хотини муштлагандай қаттиқ турткилаб уйғотди.

— Туринг уйимиз кўйди! Турмайсизми?!

Малик муаллимнинг кўзлари чарақлаб очилди. У яқин ўртада хотинининг бунчалар кўрққанини кўрмаган эди.

— Нима гап?

— Мановига қаранг. Суярингиз бостирмадан олиб тушди. — Хотини қизғиш тугунчани эрининг олдиға ташлади. — Наша!

Ўткир ҳид гуп этиб Маликнинг димоғига урилди.

— Наша?! — қўллари титраб, тугунни очди. — Наша-ку! Қаердан олдинг?

— Айтдим-ку, Суярингиз бостирмадан топди, деб.

— Бостирмадан? Қаёқдан кеп қопти? Суяр қани?

— Молларга емиш беряпти.

Малик муаллим тугунни олиб, кўйлакчан ташқарига отилди. Ҳаллослаб бориб, деворга тираб кўйилган нарвондан томга чиқди. Чиққунча икки марта оёғи тойиб, йиқилиб тушишига оз қолди. Орқасидан хотини ҳам чиқиб келди.

— Қаердайкин?

— Манави ердан, бир боғ бедани тагидан топибди. Молларга емиш олай деса...

— Ким қўйибди?!

— Мен қаёқдан билай?.. Сиз... Душманларингиз қилган-да. Уйимиз кўйди. Ҳозир мелиса босади!

— Оғзингни ёп! Туш пастга! Тез бўл!

Малик муаллимга ҳали-замон милиционерлар келиб қоладигандек туюлиб кетди. Оёғи қалтираб, зўрға томдан тушди. Югуриб уйга кирди. Тахмондаги кўрпа-ёстиқларни ағдариб, тугунни сандиқнинг орқасига

тиқди. Кўрпани жойига йиғмоқчи бўлдию яна фикридан қайтди. — Тугунни олиб, ҳожатхонага чопди. Ҳожатхонага кирган ерида яна аҳди ўзгарди — кетмонни олиб, ҳовли тўрига борди. Ер бағирлаб ўсган ҳусайнининг кундасини кавлашга киришди.

— Эсингизни еб қўйдингизми? — деди орқасидан соядай эргашиб юрган хотини. — Уйда қолдириб бўлмайти, бу зормондани!

— А! Рост айтасан. — Малик муаллим кетмонни отиб юбориб, кўчага югурди. Қишлоқ энди уйғониб келаётган пайт, кўчалар бўм-бўш. «Тезроқ қутулиш керак, тезроқ!» У оёғи ерга тегяптими, йўқми, сезмасди. Қишлоқдан чиқди. Анҳорга етиб, кўприк устида тўхтади. Атрофга аланг-жаланг қараб қўлидаги тугунни сувга отмоқчи бўлдию яна фикридан қайтди — сувдан топиб олишадигандек туюлди. «Ажинатепага обориб ташлаш керак», деган фикр туғилди миясида. Анҳор ёқалаб бориб, «қилкўприк»дан ўтди-да, тугунни буталар ичига отиб юборди. Ажинаям тополмайди бу ердан. Даҳшатли хатардан қутулганини сезса ҳам, юрагидаги ғулғула пасаймади. «Ё тавба! Ё тавба!» Унинг бўғинлари, қаншари қақшаб оғрир, томоғи қуруқшаган, тили шишгандай оғзига сиғмас, юраги гурс-гурс тепарди. Кимдан гумонсирашни билмас, ҳамма нарса уни масхара қилаётгандек, кўзига хунук кўринарди. Уйга келиб, Суярқулдан бор гапни қайта сўраб, билиб олгач, қўрқуви баттар ошди. Хотини узатган чойнинг ҳар қултуми бир ҳовуч чўғдай ичак-чавоғини куйдириб ўтди.

— Томорқа олинг демай мен ўлай, қишлоқнинг ярмини ўзимизга душман қилиб қўйдик, — йиғламсиради хотини. — Энди нима қиламиз, топиб олишса — тамом...

Малик муаллимнинг назарида дарвозадан бировлар кириб келаётгандай туюлди. «Суярқул айтиб қўйса-я!» деган даҳшатли ўйдан юраги тўхтаб қолаёзди.

— Сўяр қани? Ҳозироқ сигирни етаклатиб, далага жўнат. Кечгача келмасин. Белбоққа нон тугиб бер. Мактабигаям бормасин. Тур, тез бўл!

— Ергина ютгур раис қилган, — қўзғала туриб қарғанди хотини.

— Валдирама. Туя кўрдингми — йўқ. Тамом.

— Назаров «Малик домлани йўқ қилмасам отимни бошқа кўяман», деб юрганмиш. Ушани иши бу — ўшаники!

— Тилингни тий, дейман сенга!

— Раиснинг қўлидан ҳар бало келади. Эсингиздами, Сулаймон бригадирниям шунақа қилиб, бошини евди.

— Бас, дедим сенга! Кўрдингми, ушладингми?

— Кўнглим сезиб турибди, кўнглим.

Малик муаллим сўз тополмай қолди. Хотини айтган гапларнинг ҳаммаси ўзининг кўнглидан ҳам ўтган эди.

— Бир гап бўлар, хотин, — деди у оғир тин олиб. — Аммо-лекин ҳозирча бировга миқ деб оғиз оча кўрма. Болаларинг, келинларинг ҳам билмасин. Суярқул эсли, тайинласанг — тушунади. Ҳеч нарса билмагандай ишингни қилавер. Агар битта-яримтаси келиб, «Уйингни текширамыз» десаям, сир бой берма, кўрса-кўраверсин. Бизни ҳеч нимадан хабаримиз йўқ. — Малик муаллим хотиржам бир қиёфада чой ҳўплайверди. Хотини унинг ичида нималар кечаётганига тушунолмай, сўрашга ботинолмай, кўнгли алғов-далғов бўлиб Суярқулни қидириб молхонага қараб кетди. Суярқул молхонадаям, уйдаям, кўчадаям йўқ эди...

XVII

Усар бухгалтер машинани гаражга қўйиб, уйга кирди. Утиролмади. Юраги ҳаприқиб кетаверди. «Текширувчилар келганмикин? И-е, ҳалитдан келадимми. Тушларда келсаям. Балки бугун келмас. Ишқилиб тезроқ бир ёқлик бўлсин-да. Шу иш тугасин — бўшайди. Дунёга икки марта келмайди-ку. Шунча гуноҳга ботди — бас. Худога шукур, давлати етарли, бировга қарам бўладиган аҳволда эмас. Томошага боради. Дам олади Ялта, Сочи деган жойларда. Фақат мана шу иш тезроқ бир ёқлик

бўлсайди. Ўсар бир жойда ўтиролмасди. Охири чидолмай кўчага чиқди. Мундоқ ўзига келиб қараса, Малик муаллимнинг уйига бориб қолибди. Ё алҳазар! Дарвоза олдида иккита машина турибди. Орқасидаги раиснинг «Виллис»и, олдиндагиси бегона. «Келишганга ўхшайди». Таваккал қилиб тўғри кириб бораверсамикин. Йўғ-е, нима деб ўйлашади. Ҳеч нима билмагандай ўтиб кетаверади.

Дарвозага етганда ичкаридан, Малик муаллимнинг девор-дармиён кўшниси Жўра амаки чиқиб қолди.

— Ўсар ука, бу ёққа келинг, — деди у ташвишли қиёфада.

— Ҳа, тинчликми, Жўра амаки?

— Одамлардаям имон деган нарса қолмабди, ука. Маликдай одамни нашафуруш деб ёзишибди-я! Органдан одамлар кепти. Уйини обуск қилармиш. Гувоҳ керак дейишди. Келинг, икковимиз бориб турайлик.

— Тавба қилдим, — ёқасини ушлади Ўсар бухгалтер — Малик домла нашафуруш... Бўлмаган гапдир-ей.

Ўсар бухгалтер Жўра амакига эргшиб ичкарига йўналди. Дарвозахонада Малик муаллимнинг хотинига дуч келдилар.

— Янга, яхшимисиз. Бир ёмон гап айтди амакимиз.

— Нимасини айтий ака, косанг оқармагур бир пес шунақа тухмат кипти домлангизга.

Молхонадан Назаров, шофёри ва одми кийинган икки нотаниш киши чиқиб келишди. Ўсар бухгалтер улар билан шошиб саломлашди. Нотаниш кишилардан бири, Ўсарнинг кимлигини, қаерда ишлашию қаерда яшашини ёзиб олди. Ўсар ер остидан раисга қаради. Раис бошқаларга сездирмай кўз қисиб қўйди.

— Тепаниям бир кўздан кечирамиз, — деди меҳмонлардан бири. Нарвондан томга чиқдилар. Ўсарнинг оёқлари қалтирай бошлади.

— Бостирма тагида ҳеч нарса йўқмикин? — раисга юзланди бояги киши. Назаров елкасини учирди. Малик муаллим илжайди:

— Нега? Бор. Оғил бор, оғилда мол-ҳол бор.

— Шунақа денг. Ҳозир кўрамыз-да. — Меҳмон букчайиб беда боғларини бирин-кетин суғуриб ола бошлади. Тўрт-беш боғини олиб, бирдан тўхтади. Қаддини ростлаб, ёнидагиларга ишшайди:

— Яқинроқ келинглар-чи. Бу нима бўлди?

Ўсар бухгалтер ҳаммадан олдин «Ё алҳазар!» деб юборди.

— Нима экан? — деди Малик муаллим хавотирлангандай.

Меҳмон сумкасидан фотоаппарат чиқарди. Тугунчани аввал у ёғидан, бу ёғидан чиқиллатиб суратга олди, кейин авайлаб олиб, ерга қўйди, яна суратга туширди. Малик муаллим у ёғи нима бўлганини кўролмади. Кўз олди жимиллашиб, боши айланиб, силласи қуриб пичан ғарамига суянган кўйи тошдай қотиб қолди. Ўша, боягина ўз қўли билан Ажинатепага ташлаб келган тугун эди бу! Маликнинг қулоғига, «Бунда нима бор, домла?» деган сўзлар элас-элас эшитилди. У беихтиёр бошини сарак-сарак тебратиб, аранг ҳушини йиғди. Том устидагиларнинг ҳаммаси тугун атрофида қаққайиб туришарди. «Домла, яқинроқ келинг», деди меҳмонларнинг бадқовоғи. У оёғини зўрға судраб, борди. Меҳмон чўнқайиб ўтириб олди-да, шошилмай тугунни ечди. Ечдию афти бужмайиб кетди. Тугундаги нарса бир чангал мол тапписи эди.

— Қизиқ бўлди-ку, — деди меҳмон қўлини қаерга артарини билмай ўрнидан тураркан. — Таппини шунча эъозлайсизми, домла?

Малик домла кўзларини катта-катта очиб тугунга, кейин атрофдагиларга боқди. Бирдан юраги тўлиб, ғазабдан тутақиб кетди:

— Энди ким қўйганини топиб берасанлар. Оғиз-бурнига шувайман ўша падарлаънатини! — у шундай деб ўтли нигоҳини раисга қадади. Раис мурдадай оқариб кетган Ўсарга тикилиб, оғир ютинди.

Жўра амаки бўлса, кўшнисини оқлаш билан овора:

— Мен сизларга айтдим-ку, бу душманларнинг иши деб. Маликвойни муштдайлигидан биламан. Умрида бунақа ишнинг кўчасидан ўтмаган.

Шу орада Ўсар бухгалтер ҳам ўзини ўнглаб олди.

— Одамларда имон қолмабди-е. Шунақаям ҳазил қиладими-а! —

дея сайрай бошлади у. — Отиш керак ундайларни. Осса... — Назаровнинг ўкрайганини кўриб, тутилиб қолди. — Осса ҳам кам.

Ўсар бухгалтер бу ерда ўзини ғоят ортиқча сизди. Яна бир нафас турса мадори қуриб, пастга қулаб тушадигандай эди.

— Биз энди... кетаверсак ҳам бўлар, — деди Ўсар Жўра амакига қараб зўрға. — Иш зарил эди.

— Ҳа-ҳа, сизларга жавоб. Катта раҳмат, — миннатдорчилик билдирди меҳмон.

Ўсар бухгалтер нарвондан қандай тушди, қандай уйга етиб келди билмайди. Боши лўқиллаб оғрир, йил ўн икки ой тўшакда ётган одамдай, танасида дармон қолмаган эди. Ўзини тўшакка ташлар экан, «Билардим, бу ишнинг оқибати бир чангал таппига тенг бўларини билардим. Энди Назаров гўштимни ейди!» деб, оқ уриб юборди. Бирдан нафаси чиқмай қолди. Юраги урмай қолгандек эди. Бор кучини йиғиб: «Хоти-ин!» деди-да, ҳушидан кетди... Кўп ўтмай етиб келган «Тез ёрдам» машинаси Ўсарни район касалхонасига етказди...

Назаров партком кабинети олдида бир зум беҳол туриб қолди. Қия очик эшиқдан ғўнғир-ғўнғир овозлар эшитиларди. Умрида биринчи марта ҳамиша беписанд очиб-ёпадиган бу эшик тутқичини ушлашга энди қурби етмаётганини сизди. У шундай бўлишини анча олдин Малик домланинг томидаёқ англаган эди. Ўсарни «тез ёрдам» олиб кетганини эшитгач, ичидан зил кетди. «Тамом! Ҳаммаси барбод бўлди! Ҳаммаси... Учирishaди. Емоқнинг қусмоғи бор деганлари шу». Назаров тақдир ҳукмидан, адолат ҳукмидан қочиб қутулиб бўлмаслигини аниқ-тиник ҳис қилди. Бу руҳи инқироз баттар қутуртириб юборди уни. «Йўқ! Бир ўзи гўрға кирадиган овсар йўқ! — деди у тишларини ғижирлатиб. — Очаман! Ҳаммангнинг хонумонингга ўт қўяман. Жавоб берасанлар. Биринчи бўлиб сен жавоб берасан, Ўсар буғалтир, сен! Инфарк бўлиш у ёқда турсин, юрагинг тарс ёрилиб кетса ҳам қутилиб кетолмайсан. Сен ҳам омон қолмайсан, Турди ғилай. Сен ифлос ўйлайсанки, раис кетиб, мен қоламан, деб. Ноъмақулининг нонини ебсан! Шундай боплайманки, мендан олдинроқ бориб турсан борадиган жойга. Тўйчи дўкончингнинг ҳам еган-ичгани бурнидан булоқ бўлиб чиқади! Малик муаллимни, Малик чолни...» — Назаров Малик муаллимни тўрға илинтиргулик баҳона тополмай жиғи-бийрони чиқди. Ҳазаб ва аламдан титраган кўйи бор кучини тўплаб, эшикни очди.

* * *

Кейинги иши тўғрими, нотўғрими, Суярқул билмас эди. Лекин, тугундаги таппини кўрган текширувчиларнинг қандай аҳволга тушишини тасаввур қилганда, ич-ичидан завқланарди. Ишқилиб, отаси уришмаса, бас. Отаси қаёқдан билиб ўтирибди? Ҳеч ким кўрган эмас, ҳеч ким билмайди. Лекин эрталаб томга чиққан пайти, бостирмадаги ўзгаришни сезиб қолмаганидами?... «Яхшиямки, сезиб қолдим-а, — қувончдан ичига сиғмай борарди Суярқул. — Агар, кўриб туриб, индамай кетаверганидами...»

Ҳар кунги одати бўйича подага кетадиган молларга емиш олиш учун томга чиққан Суярқул бостирма яқинига бориши билан кимдир ғарамга тегинганини сизди. Ерда хас-хашак қолдиқлари, бир боғ пичан ғарамдан ярим қаричча чиқиб қолган. Худди биров суғириб олгану яна жойига киритолмай шу ҳолда ташлаб кетаверган. «Ким тегиниши мумкин? — деб ўйлади у бир боғ пичанни ерга ташлаётиб. — Отам ҳам, онам ҳам томга чиқишмайди. Насим акамнинг мол-ҳол билан иши йўқ. Ёки... — У хаёлига келган шубҳадан чўчиб кетди. — Ўғри пичаннинг остида нима қилади?»

Таваккал қилиб, ўша пичан боғини суғириб олди... Қараса — тугунча. «Фу-у! Ҳидининг ёмонлигини» — у тугунчани кўчага қаратиб отмоқчи ҳам бўлдию яна бир отамга кўрсатайин, деб бу фикридан қайтди. Яхшиямки, ўша пайтда калласининг ишлагани...

Суярқул оласигирини уватга қозиқлаб, оролчасига қараб кетди. Йўл-

йўлакай бир кучоқ шох-шабба териб олди. Оролчанинг хилват бурчагида олов ёқди. Тугунчадагини боя ўзи яшириб кетган жойидан олиб, оловга ташлади. «Ёмон нарсалар оловда ёниб кул бўлиши керак». Қелиб беланчагига чўзилди. Кейин тип-тиниқ осмонга тикилиб, терак барглари-нинг ёқимли шитир-шитирига қулоқ тутди. «Худди бир-бири билан гаплашаётганга ўхшайди-я. Қизиқ, нима ҳақда гаплашаётган экан бу тераклар? Балки, бостирмаизга ким тугун кўйганини тахмин қилиша-ётганмикин? Ким бўлганда ҳам отамга кучи етмайдиган, отамдан ўлгудай кўрқадиган пасткаш одамнинг иши бу.

Демак отамнинг иши тўғри. Отам — ҳақ!»

Суярқул шу тарзда қанча ётди, билмайди. Бир маҳал оролчада аллакимнинг юрганини сезиб, ирғиб туриб кетди. Отаси! Ё тавба! Беш-олти қадам нарида бир нимани излаётгандай аланглаб турибди!

— Ота! — деб юборди у ҳаяжонланиб.

Бир сакраб тушган Малик муаллим, ялт этиб ўғлига қаради.

— Суяр! Сен... Сен нима қиялпсан бу ерда?

— Ётибман, — жилмайди Суярқул. — Оролим-ку бу ер менинг. Узингиз-чи, ўзингиз нима қилиб юрибсиз адашиб?

Малик муаллим ўғлининг саволига жавоб бермай:

— Бир балонинг иси келяптими? — деди ҳавони искаб.

— Ҳа, олов ёқувдим.

— Олов? Шу иссиқда-я?

— Ёқиб юбордим, ановини.

— Нимани?

— Ўша-да, тугунчадаги-чи?

Малик муаллим ўғлига қараганча бақрайиб қолди.

— Сен қаердан била қолдинг бу ерда...

— Биламан-да, — отасининг чехраси ёришганини кўриб илжайди Суярқул. — Оролчамдан пашша учиб ўтса биламан, сиз нима деб ўйляп-сиз.

— Ҳали, шунча томошанинг бариси меники дегин? Оббо, шалпон-қулоғ-е! Мен бўлсам еган-ичганим татимай, хавотир олиб юрибман-а?

— Ота, буёғи нима бўлади энди? Сизга тегинмайдами ҳеч қим?

— Менгами? Нимамага тегинади менинг. Лекин Турди тоғанг билан Тўйчи амакинггаям яхши бўлмайди.

— Нега шундай қилишдийкин, а, ота?

— Э, ўғлим-е, ёмон одамлар борда ҳали. Улар тўғрилиқка бас келолмаганларидан кейин, мана шунақа пасткашликлар қиладилар, отани болага, болани отага гиж-гижлаб шу йўл билан ўч олмоқчи бўладилар. Лекин, тўғри бўлсанг ҳеч ким буколмайди белингни.

— Энди Ҳамид акам ҳам келар, а, ота? Чечам ҳам келади. Томорқа оламиз. Уйимизда ҳечам жанжал бўлмайди. Тўғрими, ота?

Малик муаллим ўғлига қараб жилмайди.

Кўпдан буён отасининг кулганини кўрмаган Суярқул худди кичкина-лик пайтларидагидек югуриб бориб отасининг бўйнига осилгиси, серсоқол юзларидан чўлп-чўлп ўпгиси келиб кетди.

— Бу ер жудаям тинч экан, — деди Малик муаллим атрофга суқланиб, — Кел, бир пас дам олайлик.

Ота-бола терак остига ёнма-ён ўтирдилар.

Малик муаллим ёнбошлаб, рўпарасида чамандай очилиб турган боғгулига ҳавасланиб боқди.

— Мунчаям чиройли-я, бу гуллар.

— Эҳ-ҳе, ҳув анави ерда шунақанги чиройлилари борки, қараб тўймайсиз. — Мақтанди Суярқул. — Айтгандай, каптарларимни кўрган-мисиз? Мана, ҳозир кўрасиз. — У бармоқларини оғзига солиб, чийиллатиб хуштак чалди. Каптарлар патиллаб, осмонга кўтарилди. — Кўряпсизми, ҳув анависи — энг баланддагисини кўряпсизми? Ушасининг оти — Семурғ, каптарларимнинг энг зўри — ўша!

Ота-бола оролча устида царх уриб учаётган оппоқ каптарларга маҳлиё бўлиб қараб қолдилар...



ЮЛДУЗЛАРНИНГ ШАЛОЛАЛАРИ

Туроб Ниёзов

Манзара

Пуштирангга бўялган барглар,
Титроқ босиб чайқалар елда.
Офтобнинг нурлари ярақлар,
Ердан узоқ кетгиси келмай.

Анҳор, сойлар осмондай тиник,
Кўз-кўз этар тошига қадар.

Дарахтларнинг шохлари эгик,
Кўтаролмас мевасин улар.

Уйғотади тонгни шўх ёшлар,
Баланд кўйиб товушларини.
Кейин бориб, учира бошлар —
Пахтазорнинг оққушларини.

Мақсуда Эргашева

* * *
Оқиб ётар сомон йўлида
Юлдузларнинг шалолалари.
Ухлаб ётар осуда ва тинч
Бу заминнинг шўх болалари.

Ухлаб ётар улар, беҳабар
Бу дунёнинг шўришларидан.

Хабари бор ҳали на замин
Ва на осмон урушларидан.

Уйғонсалар, уларга пешвоз —
Олма, ўрик, шафтоли боғлар.
Уларнинг тинч уйқуларига
Масъулдирлар барча уйғоқлар...

Оллоёр Бегалиев

Қўлларингни таниб ол, болам

1
Бешигида ётган чақалок
Ўз қўлларин қилар томоша:
Яқинлатар кўзларига ва
Узоқлатар яна дам оша.
Ҳали унинг ўз қўллари йўқ,
Ўзиники эмас ўзи ҳам.
Шодлиги йўқ ҳали ўзининг,
Ғами-да йўқ ва шундан беғам.

Ҳали йўқдир ортиқ дунёси
Ва дунёсин ҳали йўқ ками.
Бу иккиси келгунча, бола
Қўлларини олмоқчи таниб:
Яқинлатар кўзларига ва
Узоқлатар яна дам оша —
Бешигида ётган чақалок,
Ўз қўлларин қилар томоша.

Таниб олгин қўлингни, болам,
Улар сенинг яккаш бойлигинг.
Улар сўзлар оламга сенинг
Хасис ёки хотамтойлигинг.
Қўлларингни бўйла, пайт келар
Улар сочар тупроқнинг таъмин.
Қийналмайсан ўшанда, ҳозир
Қўлларингни ололсанг таниб...

Қўлларингни таниб ол, болам,
Ҳали қадоқ тушмасдан бурун.
Ҳали ўзинг қатори чарчаб,
Улар ухлаб қолар кечкурун.
Ҳали кунлар келар, кифтингга

Бор юкини ташлайди дала:
Қафтинг узра миллион салмоқли,
Қиёси йўқ хирмон юксалар.

Қўлларингни таниб ол, болам,
Қизармасин учун бир кун юз.
Тутмоқлиги учун ўзингга
Ва ўзгага улар нону туз.
Урган уни лаҳзама-лаҳза,
Айла улар сирини зоҳир:
Ўз қўлларин, бир умр яшаб,
Таниёлмай ўтганлар бордир...

Қўлларингни таниб ол, болам!

* * *

Ўзгармасдир
умринг тунлари:
ёшлигингни сақлар,
севгингни...
Ҳали-ҳамон чекка уй томон
бурилади ўйлар тизгини.
Ҳали-ҳамон тунги тераклар
ойни отиб,
ўйнайди кифтда.
Ҳали-ҳамон кўзларинг қолар
михланганча
юлдузли шифтда.

Бу дунёда ўлганлар бўлмас —
фақат тунда!
Тун —
тирик хотир.
Шунданмикин онанг ортингдан
боқар,
кўзи тўла хавотир.
Кузатасан,
кўзинг чарчамас
тун суратин қалбга кўчириб...
...Уйку эса ўтиб уйма-уй,
чироқларни
юрар ўчириб...

Абдунаби Ҳамроев

Уруш бўлмаган жойлар

Бу ерларда жанг бўлмаган, кезмаган аччиқ тутун,
Далаларда қолгани йўқ сон-саноксиз жасадлар.

Снарядлар портламаган, уйлар ҳам қолган бутун,
Бутун қолган боғу роғлар, бутун қолган сарҳадлар.

Бари бутун қолган... аммо, қай кимса айта олур —
Бу ерларда бутун қолган биронта дил қолганми?!

Бутун қолган бирон орзу, бутун қолган бир ният,
Уқ тегмаган бирон умид, бутун кўнгила қолганми?!

... Ажал етса, бари бекор. Кампир ўтди оламдан,
Кутмаганда жон берди у, ернинг бағрин тўлдирди.

Аммо шўрлик ўлгани йўқ дарддан ёки аламдан,
Мен биламан, уни асли душман ўқи ўлдирди...

Сулув келин эси кетиб қолди ногоҳ, алҳазар!
Сочин ёзиб чопар, тунлар қичқиради: «Йўқ! Йўқ! Йўқ!»

«Қорахат»ни қўлга олиб, қишлоқ кезар дарбадар,
Мен биламан, келинчакнинг миясига теккан ўқ...

... Жуда йироқ-йироқлардан, тоғу дарёлар ошиб,
«Қорахат»лар учиб келар булутларнинг остида.

Уч ўғлини кузатган чол уйга беркинар шошиб:
Ёвнинг маккор ўқи келар «Қорахат» либосида...

Бу ерларда жанг бўлмаган...

Султон Жўра монологи

Эгмоқ бўлиб уриндилар, эгилмадим, синмадим,
Милтиғимда сўнгги ўқим қолмагунча тинмадим.
Оппоқ қорни қизартирар энди қайноқ бу коним,
Аммо ҳали кўзим равшан, узилгани йўқ жоним.

Танийман бу шаҳидларни, дўстларимдир барчаси,
Бунисига беш ўқ теккан, бунга — мина парчаси.
Хайқириқлар тингани йўқ: «Ура! Олға! Тўхта! Ёт!»
Хув, нарида қорга ботган, мажақланган пулемёт.

Нурсизланиб борар кўзим... Йўқ! Улмоққа ҳаққим йўқ!
Милтиғимда бор-ку ҳали фашист учун сўнгги ўқ...
Аста-секин қизаради атрофимда оқ қорлар,
Хотирамга босиб келар соғинтирган дийдорлар.

Ховли, тандир, кекса она... янги ёпган нон иси,
... Ойдин кеча... теракзор... қиз... узилган райхон иси...
Хиралашар туйғуларим, қорни чангаллар қўлим,
Дарахтларнинг панасида ўрмалаб келар ўлим.

Йўқ, ўлмайман, бир оз ухлаб, пича қувват тўплайман,
Сўнг тураман... Тураману милтиғимни ўқлайман!
Энди ухлай... ана, соҳил... кимларнингдир излари...
Сой бўйида қўшиқ айтар Бухоронинг қизлари...

Мейлибек Норбоев

Шоир

Дунёнинг севинчи-ғами бир бўлиб,
Унинг тинч юрагин ёқа бошлайди.
У шунда уммондай жўшиб, тўлғаниб,
Дардларин шеър қилиб, тўкиб ташлайди...

* * *

Кузакда сезишгач изғирин ҳидин,
Қушлар йўл олишар ўзга маконга.
Улар учиб кетар сирли ва беун,
Ўз руҳин қолдириб Ўзбекистонга.

Тун қўйнида, йироқларда милтирайди бир учкун,
Алангага айлансаму тун бағрини тилсам, дер.
Йўқ, у ўтга айланолмас, босиб турар қора тун
Ва орзусин поймол этиб, аста савалар ёмғир.

Бироқ учкун порлар ҳамон хирагина нур сочиб,
Ёмғир билан курашади, курашади басма-бас.
Ҳадемайин тонг отади унга қучоғин очиб
Ва оламга нур сочар у, қуёш билан ҳамнафас...

Кўпқарида

Хув, нарида олатасир тўс-тўполон кўпқари,
Бу майдонда билинармиш йигитларнинг алплари.

Бола оғир хўрсинади, тойчоқ ёлин тарайди,
Юрагида ажиб туғён, кўпқарига қарайди.

Ана кимдир «чу» деганча, қамчи босди отига,
Катта соврин қўйилганмиш навбатдаги зотига.

Лекин улоқ қолиб кетди майдон аро юлкиниб,
Чавандоз-чи, армон билан қолаверди ўкиниб...

Ур-сурларнинг нимасидир бола қалбин ёқарди,
Гоҳо эса умид билан тойчоғига боқарди...



* * *

Сиз уруш даврини кўргансиз, ота...
Очликдан силласи қуриб гўдакнинг,
НОН, дея чирқириб, йиғлашларини
кўргансиз,
эзилган қалбингиз.
Боланинг нигоҳин титраб-қалтираб,
Бир парча қоғозни кўксига босиб —
сочлари ёйилган,
ёқавайрон ОНАНИНГ
ерни муштлаб,
оҳу фарёд чекишларини
тинглаб,
кўзёшга айланиб кетгансиз,
биламан, ОТА...
Давр шамоллари, шафқатсиз ВАҚТ — бу,
ҳар куни бир ташвиш,
ҳар кун имтиҳон —
ҳаётнинг кўп оғир синовлари-ла
ўсгансиз —
буларнинг ҳаммаси
юзингизда ажин бўлиб
қолган-ку, ОТА...
«Биз бир оми одаммиз» — дейсиз,
тўрт синф ўқигансиз, биламан, лекин
қадоқ қўлингизда меҳнат ҳарфлари,
ўзингизни ўйламадингиз...
ҚАҲРАМОН атайми ёки ФИДОЙИ,
сиз — уруш даврининг БОЛАЛАРИНИ?!
Юзларида ҳур Ватан табассумлари.
Кўзларида акс этиб тонг чароғонлиги,
қайтганида ғолиб жангчилар —
маъюс жилмайдингиз,
дардли жилмайдингиз, онангиз дилхун,
ахир —
акасиз боланинг ҳоли не кечар,
отасиз боланинг ҳоли не кечар?..
Ҳамон қийнайди-ку, ахир, ОТАЖОН,
етим кечаларнинг дардли унлари...
Жанггоҳларда бўлмадилар лекин —
ОНАЛАР ғалаба қилдилар,
БОЛАЛАР ғалаба қилдилар...

Қаҳрамон Суяров

* * *

Турналарнинг қанотида қайтиб келди навбаҳор,
Қир бағрида юзин ювар ёмғирларда гул, чечак.
Отажоним, юрагингга хона келар энди тор,
Отажоним, юрагингга чигит ташла сен бу чок.

Отажоним, юрагингга чигит ташла сен бу дам,
Кўксинг узра униб чиқсин — оппоқ умид бир кучок.

Отажоним, юрагингдан, ахир, арир шунда ғам,
Эзгуликни, тинчликни сен, бошинг узра қил байроқ.

Турналарнинг қанотида қайтиб келса навбаҳор,
Қир бағрида юзин ювса ёмғирларда гул, чечак.
Деҳқон отам юрагига келиб қолар хона тор,
Ўзбекистон юрагига чигит қадайди бешак.

Турналарнинг қанотида қайтиб келди навбаҳор...

Абдулла Жалил

* * *

«Юрагин суғуриб итимга ташла!»—
Жаллодга буюрди қонхўр Чингизхон.
Етти ёшли гўдак турар кўз ёшлаб,
Атрофин қуршаган ваҳший оломон.

Золимнинг қўллари, зумда гўдакни
Юзтубан ётқизиб, тупроққа қорди.
Унинг сийнасидан юлққан юракни
Хон итин олдиға отиб юборди.

Норасида шунда жон бераётиб,
Беҳолгина бир сўз деди: «Онажон!»
Кўзларида фақат суратдек қотиб,
Жаллоднинг тасвири қолди шу замон...

Бугун Чингизхондан қонхўр минг бора,
Душман режасидан безовта олам.
Огоҳ бўлинг, гўдак каби, жаллодга —
Бермасин тағин у Еримизни ҳам...

Усмонжон Шукуров

* * *

Дадам ерни жуда севарди,
Табиатни севарди яна.
У гоҳида, кўплар қатори,
Пичирларди: «Ер бизга она».

Пушталарга бошини қўйиб,
Мизғир эди иш тифиз кунлар.
«Қара, — дерди ғўзага боқиб, —
Вазмин куйлар, ҳофиздай куйлар».

Уй сурарди суянганича
Кетмонининг дастасига жим...
Ўқариқдан сув ичарди сўнг —
Тўлдирганча икки ҳовучин.

У беш қўлдай биларди гўё
Ер феълени, баланд-пастини.

Табиатни алдамасди ҳеч,
Алдамаган каби дўстини.

Тирикчилик учунгинамас,
Жонин бериб кетмон чопгани.
Оилага етиб ортарди
Қўл қавартиб, терлаб топгани...

У ер билан оларди нафас,
Яйрар эди табиат билан.
Яшаб ўтди шундай, зорланмай,
Боши каби руҳи ҳам баланд.

Бугун, мана, у ўзи севган,
Ардоқлаган ерда ётибди...
...Қабрига-чи, она-табиат
Алвон гуллар қўйиб кетибди.

Тонг

Оппоқ саҳар,
Тун сўйлаб бўлган эртақларини.
Қуёш куйламоқда,
Нурга тўлдириб —
Куннинг зарбоф этақларини.

Тонг уйғонмоқда:
Кўзлари тиниқ,
Юзлари тиниқ,
Саломи лабидаги
Сўзлари тиниқ.
Туғилган куни-ю
Осмони тиниқ.
Ҳавоси, навоси,
Сабоси тиниқ.
Бугуни, эртаси,
Даврони тиниқ.

Тонг уйғонмоқда,
Балки, тушлари
Етақлаб кетгандир
Олис юртларга...
У гуллар тутмоқдадир.
Ливанлик қоракўзга,
Чилидаги қизчанинг
Ярадор елкасини
Боғламоқдадир, шарт йиртиб
Ҳарир оқ кўйлагини

Ва қалбининг лоларанг
Осмонига юлдузлар сочмоқдадир.
Фаластинлик дарбадар
Етимга меҳр билан
Шивирламоқдадир:
Юр, олиб кетайин Ўзбекистонга.
Ҳар лаҳзаси, ҳар зарби
Гуллар очмоқдадир —
Никарагуанинг
Минг ямоқ ерларида.
Шитоб-ла бошлаб борар
Миллион-миллион улусни
Келажакка, иқболга,
Сафи борар кенгайиб.
Элатларнинг қўлида
Тинчликнинг яловлари,
Тилак омон, омон қалб,
Қонида оловлари...

Тонг аста уйғонмоқда,
Латофатли борлиғи.
Уни кутар қушчалар
Ўз тилида сайрашиб.
Мен эса хавотирда,
Титроқда ҳаяжоним,
Турибман тонгга боқиб,
Бирор шовур, шовқиндан
Қўрқиб уйғонмасин, деб...

* * *

Рухим ойдин, хаёллар ёрқин,
Кўзларимда чақнайди чақин.
Ўзни сезгум осмонга яқин
Сен сўроқлаб, сўраб келган кун.

Гоҳо шоду гоҳо юрак хун,
Унутганда яшашни бутун,
Яшнагайман, яноқлар гулгун
Сен сўроқлаб, сўраб келган кун.

Боғда гуллар хандон уради,
Меҳринг билан бағир тўлади.
Йўлларида адашади тун
Сен сўроқлаб, сўраб келган кун.

Келгил, аразларни унутиб,
Муҳаббатнинг кўлидан тутиб.
Эркатошинг бахти бус-бутун
Сен сўроқлаб, сўраб келган кун.

Исмоил Тўхтамишев

Дунёнинг

устунлари

Ўз-ўзимча дунёнинг чигал
Савдосига қотираман бош.
Олисларга боқаман маҳтал,
Дил очгали излайман сирдош.

Гоҳо кулиб баъзи дўстларим
Дейишади: Қўй, кўп бўлма хун.
Яшасанг-чи, ҳамма қатори,
Ҳеч ким бўлмас дунёда устун.

Шунда армон бағрим тилади —
Мен улардан кетаман нари
Ва ҳайқириб айтгим келади:
Бу дунёнинг бор устунлари.

Келажакка эзгулик тилаб,
Очганлар бор оламнинг сирин.
Гоҳ, тунларни тонгларга улаб,
Уйлаганлар дунё тақдирин.

Фидойилар бор бўлган жойда,
Ҳар тирик жон топгуси нажот.
Олиб чиққан инсонни ойга,
Ахир, орзу, истак, эътиқод.

Уйга ботиб гоҳ чексанг ташвиш,
Қимдир келар бергали малҳам.
Ё бошингга тушса бирор иш,
Мадад қўлин чўзади шу дам.

Сен қатори куйдиради жон,
Ҳатто меҳмон келса уйингга.
Ёнбошингда камтарин инсон
Турар яхши-ёмон кунингда.

Бундайлар бор экан сафда, чин,
Боқий эрур оқибат, қадр.
Унутган ўз манфаат, тинчин,
Бу дунёнинг устунларидир.

* * *

Бирорта танишнинг қочганда тоби,
Ахтариб топамиз дори-ғиёҳни.
Ютуғинг кўрганда ошса хуноби,
Айт, нима қиламиз дили сиёҳни?

Ёмонлик келади душман-ғанимдан,
Айланиб ўтамиз у қазган чоҳни.
Дўстман, деб, ёмонлик тиласа зимдан,
Айт, нима қиламиз дили сиёҳни?

Мавлуда Очилова

Қишлоқда

Қишлоқ. Қор устида ухлар далалар,
Бағрига босганча ёзни, баҳорни.
Қор чирпирак уриб куйлар, аллалар,
Ором оғушида ётган боғларни.

Аммо кўчаларнинг жўшқин сатҳида
Куй-кўшиқлар оқар, кулгулар оқар.
Минг битта ташвиш бор қишлоқ аҳлида:
Тўйларнинг гулхани қалбларни ёқар.

Тонггача давомли, уйку ҳам келмас,
Полвонлар кураши, улоқ-кўпқари.
Хоналарда эса чироқлар ўчмас,
Серюмуш қизларнинг толмас қўллари —

Пахтазор, гулзордан олиб андоза,
Жилвагар рангларда яшнатар гилам.
Кашталар бағридан қирларнинг тоза
Баҳорий нафаси гурқирар кўркам.

Кун келиб тугайди: суронлар, тўй, баҳс,
Сукутга чўмади ҳовлилар, уйлар.
Далаларга кўчар кашталар акси,
Пахтазордан қишлоқ овози келар.

Тун қора ўйларин чизади.
 Тун борлиқни қора тусга бўяб,
 Яширади рангин оламнинг
 назокатини,
 ҳароратини,
 малоҳатини.
 У яширар ёруғликни,
 мавжудликни.
 Аммо,
 парча кўзгуда кундузни кўрсатар ой.
 Шабада эса шу пайт,
 чидамай беорликка,
 гулларнинг хушбўйини,
 дарахтларнинг куйини —
 соча бошлар борлиққа.
 Шу пайт,
 парчаланиб сукунат,
 гўё, тирикликка бериб шаҳодат,
 бир гўдак йиғиси кетади янграб.
 Онанинг кўксига талпиниб —
 янграган чақалоқ йиғиси,
 шабада анқитган гулларнинг бўйи,
 шовуллаган дарахтлар куйи —
 уланиб кетади оқ-ойдин тонгга...

Исмоил Маҳмуд

Булбул ҳақида баллада

1

Кўпдан буён булбул овозин
 Эшитмаган' эдим мен қониб.
 Мўъжиза юз бергандай бирдан,
 Бугун тонгда кетдим уйғониб:

Айвонимиз деразасидан
 Ташқарига боқдим ногаҳон.
 Симёғочнинг нақ тепасида
 Бир қуш тинмай сайрарди чунон.

Шундоқ ёнда, арча шоҳида
 Яна бир қуш сайрарди тинмай.
 Мен қушларни танирдим, аммо
 Қийналардим номларин билмай.

Бу қушларнинг овозин босиб,
 Сайрар эди, қайдадир булбул.
 Апрель ойи — ҳали илк баҳор,
 Очилмаган далаларда гул.

Булбул — жоним, жонажоним деб,
 Бир-бир дарахт, симёғочларни

Қараб чиқдим кўз югуртириб,
 Қараб чиқдим бор оғочларни.

Кўкка боқдим, атрофга боқдим,
 Қийин эди илғамоқ чиндан.
 Ёниб келар эди бу овоз,
 Қайнаб чиқар эди дил-дилдан.

...У булбулмас, болакай эди,
 Олти ёшли шўх бир болакай.
 Куйлар эди у булбул бўлиб,
 Ўзлигини куйларди тинмай...

Ҳовлимизнинг саҳни-чи шундоқ
 Мўъжизага борарди тўлиб.
 Куй янграрди, она-тупроқнинг
 Саҳардаги овози бўлиб.

II

Оддий оҳанг — булбул овози
 Сабаб бўлиб турфа баҳсларга,
 Ғала-ғовур кучайиб кетди,
 Ҳовли тўлди қизғин сасларга.

«Хўп, у хуштак, аммо мўъжиза,
Сайрашини тингласанг-чи, бир.
Кўпдан буён булбул овозин
Тингламаган эдим мен, ахир!

Теградаги кушларни қара,
Соғинишган улар булбулни.
Бўлмаса жўр бўлишармиди,
Қўй, зиқ қилма, дўстим, кўнгилни».

«Бўлди, бас қил, ҳей тирранча, бас,
Нима сенга отанг уйими?!»
«Шумтака, хўп ўзбошимчайкан,
Хоҳлаганча чалар куйини».

«Йўқ, булбулмас, бу бир безори,
Эрталабдан бу қандайин ҳол?!
Нега бунда ўтирибмиз жим,
Овозини тинчитмай дарҳол?!»

«Бўлди қилинг, балли-е, сизга,
Ким айтади сизни олим деб?!
Бу санъат-ку тушуниш керак,
Юрибсиз-да, қорин тўйдириб...»

Авжга чиқар эди баҳс-жанжал,
Шу баҳс сабаб, оқ билан қора
Ажраларди икки томонга,
Очиқ бўлиб дам сайин ора...

III

Авжга чиқа бошлади куй ҳам,
Авжга чиқа бошлади баҳслар.
Бу тонг куйга айланди чиндан,
Бу тонг роса яйрашди кушлар.

¹ Болаларга ўйинчоқлар ясовчи машҳур халқ устаси
Ҳамробуви Раҳимова назарда тутиляпти.

Бола эмас, Момо¹ куйларди,
Булбул эмас, куйларди Момо.
Юрагимга тўлиб борарди
Тоза бир рух, тоза бир ҳаво...

IV

Булбул, кечир, танимадилар,
Мўъжизага ишонишмади.
Сени, ахир, кўрмаган улар,
Шунинг учун тенг ёнишмади.

Таниганлар, кўрганлар мушток,
Кўпдан сенга интизор эди.
Ахир, юрак сен чалган куйга,
Булбулларга чиндан зор эди.

Ениб куйла, ўт бўлиб куйла,
Мўъжизага ишонсин тошлар.
Овозингдан сув бўлиб оқсин,
Кўзларидан тўкилсин ёшлар.

Болакайлар тингласин қониб,
Қалбларига жо этсин сени.
Оппоқ бир тонг, юраги тўлиб,
Куйлайверсин сен чалган куйни.

Сенга ташна оналар тинглаб,
Эсласин ўз болалигини —
Булбулларнинг куйидан сархуш —
Қизғалдоғу лолалигини...

V

Табиатда мўъжиза кўпдир,
Борлигига ишондим минг бор.
Ғойиб бўлган булбуллар бу кун —
Бола бўлиб сайрарлар такрор!

Дилором Исмоилова

* * *

Қўнғироқ чалади боғларда кузак,
Жаранглаб тўкилар олтин япроқлар.
Ҳар ғўза бағрида очилган кўсак,
Оппоқ ифтихорга тўлган чаноқлар.

Пахтазор кўйнига оқар шаҳарлар,
Кун ҳавас қилади улар бахтига.
Бутун Ўзбекистон туриб саҳарлар,
Қўл чўзар фаҳримиз, шонли пахтага...

Висол

Қорли оқшом,
Оппоқ олам,
Оппоқ қўшиқ бошлар тун.
Тушга ўхшаш бир нарса бу —
Бир ширин-эй, бир ширин.
Бу дунёда борлигингни
Билмагандек ҳеч замон,
Юра-юра рўпарангда
Пайдо бўлгум ногаҳон.

Жилмаясан
Масрур, сархуш,
Тун — оппоқ қор ичиндан.

Оппоқ оқшом, оқ тун ва сен...
Тушга ўхшайди чиндан.

Секингина,
Секингина
Пичирлайсан: «Севаман!»
Жавоб қалбдан то тилгача
Минг йил чопар: «Биламан!»

Қорли оқшом,
Оппоқ олам,
Куйлар, куйлайверар тун.
Тушга ўхшаш бир нарса бу —
Бир ширин-эй, бир ширин.

Сотим Аваз

Қизил қорачиқли кўзлар

Ҳ. Олимжонга

1

Табиат кўкламда «гуллар» деб
Қизил қорачиқли оқ-оппоқ
Кўзлар ато этди ўрикка
Атрофга бир қарашидаёқ

У кўрди, нурларнинг рангини,
Гулларнинг чайқалиб туришин,
Парвоздаги қушчага қараб
Мақсаднинг қиқирлаб кулишин.

II

Менинг, ўрикларга тикилиб,
Нигоҳларим қувончга тўлди.
Қизил қорачиқли кўзларда
Келажакни кўргандай бўлдим.

Оламнинг ҳам баҳори келиб,
Кўзи очилганда дунёнинг,
Қорачиғи байроғимиздай
Қип-қизил бўлади, ишонинг.

* * *

Тонг билан тур.
Уфқларни —
бу дунёнинг
кенгликларин кўр.
Сўнг заминга
аста қадам ташласанг,
қалбингга бир дарё
қуйила бошлар,
бу ишончинг дарёси, билсанг.
Шунда гўё
руҳингни қўлда
кўтаргандай бўлар тўлқинлар.
Сен эса кетавер,

кетавер йўлда,
улар тўлқин эмас,
улар — умидлар.

Тонгги ҳислар
қордайин тоза.
Ахир нур туғилар
тонг чоғи.
Вақт ўтса,
куёш ҳам ўйланиб,
бир томонга
кетади оғиб.

* * *

Армони йўк, ўз юрагини	Уни ёлғиз қўйишмас гуллар,
Меҳру ишққа ватан этганнинг.	Ётганида сўнгги жойида.
Шу ватан кўп яшашин билиб	Ватанидан саломлар айтиб,
Сўнгра, бу дунёдан кетганнинг.	Тизилишар унинг пойида.

* * *

Дунёдан нур эмиб, ҳаётга чанқоқ
 Ерга илк қадамлар ташлаган дамда,

Қўлларингиз ёзиб, мададга муштоқ,
 Турган эдингиз-ку, қараб орқамда.
 Онажон, қўрқмангиз энди йиқилсам,
 Йиқиларман Ватан қўлларига ман.

Катта байрам эди, қўлларим байроқ,
 Уйнаб борар эдим отам кифтинда.
 Байрам, деган сўзни аниқ ҳис этмоқ,
 Балки насиб этди менга шу кунда.
 Отажон, ғам еманг, энди байрамни,
 Мен баланддан эмас, қалбдан излайман.

Баҳром Ғойиб

* * *

Эзиб ёғаверса кузак ёмғири,
 Қуёш чиройини кўрсатмаса ҳеч...
 Бор овозинг билан, тик қараб —
 Ҳайқиргинг келади осмонга,
 Токи, қилич каби, товушинг
 Булутларни ўтса парчалаб
 Ва акс-садо бўлиб қайтса,
 Қуёшнинг заррин нурлари билан.

Осмон ҳам шундай бир жавоб қайтарса,
 Булутли, ёмғирли кунларда... Сенга...

* * *

Номаълум аскар, бу —
 Номаълум юлдуз,
 Кўкдан учган аллақачонлар...
 Аммо бизга келар нурлари ҳануз
 Олис-олис само қаъридан,
 Тилка-пора қилиб қоронғиликни.

Келаверар, келаверар асрлар бўйи —
 Фарқ қилмасдан кечами, кундуз.
 Келаверар, келаверар
 Қиличлардай ярқираб,
 Йўлини қирқай деб,
 янги урушнинг...

* * *

Оппоқ булутларнинг оппоқ кўксига
Катта ҳарфлар билан ЭЗГУЛИК сўзин
Безаксиз
Нақшлаб қўйсаму
Ёмғирга айланиб улар заминнинг
Ҳар еридан униб чиқсалар...

* * *

Қари тутнинг бужур танаси
Терига ёзилган «Авесто»ни эслатар.
Унда ривоятлар, ўлмас қўшиқлар,
Орзулар,
Армонлар,
Мардлик, қабиҳликлар
чаплашиб кетган.
Фақат саводинг етиб,
ўқий олсанг, бас...

Олқор Дамин

Сен — онажонсан, Ўзбекистонсан

Атир боғларингда шамоллар — атир,
Баҳор жамолинга баҳорлар асир,
Меҳринг-марҳаматинг оламга татир,
Ахир,
Сен—онажонсан, Ўзбекистонсан.
Бошдан то оёғинг — оппоқ барака,
Деҳқонинг шуҳрати сиғмас фалакка.
Гул бўлиб қадалгин ҳар гул юракка,
Ахир,
Сен—онажонсан, Ўзбекистонсан.

Сени севмоқ ўзи қилмас кифоя,
Мушкуллардан керак қилмоқ ҳимоя.
Самимият ўзи — сендаги ғоя,
Ахир,
Сен—онажонсан, Ўзбекистонсан.

Дардингни олгали яралган жонмиз,
Сен учун қувончмиз, шарафмиз, шонмиз.
Кулиб тур, кулгингни севар инсонмиз,
Ахир,
Сен — онажонсан, Ўзбекистонсан.



Жек Лондон



Бунақа ваҳшиёна пойгани ҳеч қачон кўрмагандим. Қўша-қўша ит қўшилган минглаб чана муз устида елиб борар, аммо ҳовур туфайли итлар кўринмас эди. Шу кеча уч киши совуқда ўлиб қолди, ўн киши эса бутун умрга дард орттириб, ўпка касалига йўлиқди. Мен дарё юзидаги муз тешигидан қараб, сув тубини ўз кўзим билан кўргандим, олтиннинг кўплигидан сув туби сап-сарик эди. Шу сабабли Юкондан ўзимга жой белгилаб олдим ва талабнома ҳам бериб қўйдим. Ҳамма машмаша ўша талабномадан бошланди. Лекин кейин у ердан ҳеч нима чиқмади. Умуман ҳеч вақо топилмади. Нега шундай бўлганини ҳали-ҳануз билмайман.

Шортининг ҳикояси

Жон Месснер қўлқопини ечмасдан, бурғич ходани бир қўллаб чангаллаганча, нарт¹ ни изга солар, иккинчи-қўли билан юзи ва бурнини зўр бериб ишқалар эди. Тўғрироғи, у қўлини бетидан олмас, борган сари бадтар увишаётганини сезгани ҳамона яна ҳам жазави билан ишқалашга тушарди. Мўйна шлем унинг манглайи ва қулоғини беркитган эди. Қиров босган қизғиш қалин соқоли даҳанини совуқдан сақларди.

Унинг орқа тарафида оғир юк ортилган юкон нартлари лапиллаб сирғалар, олдинда беш ит қўшилган чана учиб борар эди. Итлар нартни тортадиган абзал Месснернинг оёғига ишқаланарди. Итлар муюлишда бурилганларида Месснер

¹ Нарт — итга қўшиладиган узун чана.

абзалнинг иккинчи томонига ҳатлаб ўтиб оларди. Муюлишлар кўп эди, у неча-неча мартабалаб ҳатлашга мажбур бўларди. Баъзан абзалга илиниб, йиқилиб тушишига сал қоларди: ҳаракатлари кўпол бўлиб, ҳолдан тойганини кўрсатар, нарт ўқтин-ўқтин оёғини босиб кетарди.

Тўғри йўлга чиқиб олгач, нартнинг бир қанча муддат бошқарувсиз боришига имкон туғилгач, у бургич ходани қўйиб юборди ва ўнг қўли билан ходани бир неча бор урди. Қўлнинг қон айланишини тиклаш осон эмасди. Шундай бўлса ҳам у қаттиқ ходани ўнг қўли билан тапиллатиб уриб турган айни бир паллада сўл қўли билан юзи ва бурнини тўхтовсиз ишқаларди.

— Йўқ, йўқ, бундоқ совуқда сафар қилиш тентаклик, — деди Жон Месснер. Танҳоликка ўрганган одамлар каби у овозини баланд қўйиб сўзлади. — Бунақа совуқда фақат жиннилар йўлга чиқади! Ҳозир совуқ саксон даражага етмаган бўлсаям, нақ етмиш тўққизининг ўзгинаси.

У соатини чиқарди, қўлида айлантиргач, қалин жун курткасининг ички чўнтагига қайтариб солиб қўйди, кейин осмонга боқди, уфқнинг оқ чизигига кўз ташлади.

— Соат ўн икки, — гўдранди у. — Осмон тоза, офтоб ҳам кўринмайди.

Ўн дақиқача у сўзсиз борди, сўнг гўё орада ҳеч қандай сукут бўлмагандай қўшиб қўйди:

— Жойимдан қўзғалмабманам-а. Бунақа совуқда йўлга чиқиш ярамайди.

У бирдан итларга: «Та-ак!» деб бақирди ва тўхтади. Бутун вужудини қўрқув қамраб олганди, ўнг қўли батамом жонсизланиб қолаёзганди. У бургич ходани қўли билан тапиллатиб ура кетди.

— Ҳей... сен шўрликлар! — дам олиш учун ўзини музга ҳорғин ташлаган итларга қараб деди у. Увушган қўлини хомага тапиллатиб ургани сайин овози узилиб-узилиб чиқарди. — Нима гуноҳларинг борки, икки оёқлилар сенларни нартга қўшади, табиий туйғуларингни бўғиб, ўзларингни аянчли қулга айлантиради?

У бурнига жон киргизмоқчи бўлиб жазава билан ишқалай кетди. Жон Месснер музлаб қолган каттакон дарё ўзани бўйлаб борарди. Бу ўзан неча-неча бор буралиб, қорга бурканган ўрқач-ўрқач унсиз тоғлар орасида йўқолиб, неча-неча миляга чўзиларди. Олдда дарё ўзани бир қанча тармоққа бўлиниб орол ҳосил қилар ва уни ўз кўксига кўтариб бораётгандай туюларди. Ороллар жимжит ва оппоқ эди. Бу сукунатни на ҳайвонлар қичқириғи ва на ҳашаротларнинг финғиллаши бузарди. Муздан қотган бу ҳавода биронта қуш учмасди. Бунда одам товуши эшитилмас, инсоннинг барҳаётлигидан дарак берувчи бирон кулба кўринмасди. Олам ухлар ва унинг уйқуси айнан ўлимнинг ўзгинасидек эди.

Теварак-атрофда ҳукм сурган бу сукут Жон Месснерга ҳам ўтгандек эди. Совуқ унинг миясини танг қилмоқда эди. У бошини эгиб олганича, атрофга қарамай, бурни ва юзини беихтиёр ишқалай-ишқалай олдинга судралар, нартлар тўғри йўлга чиққанда, ўнг қўли билан ходани урар эди.

Аммо итлар ҳушёр эди ва улар бирдан таппа-тақ тўхташди. Бошларини эгалари томонга ўгириб, унга саволомуз қарашди. Уларнинг киприкларини ҳам, тумшукларини ҳам совуқ оқартириб юборган, бу оқлик ва ҳорғинликдан улар жуда қари кўринар эди.

Одам итларни жадалламоқчи бўлди-ю, лекин ўзини тутди ва бор кучини тўплаб, теваракка қаради. Итлар муз устидаги ўйиқ ёнида тўхташган эди; бу муз ёриғи эмас, балки инсон қўли билан уч ярим фут қалинликдаги муз махсус чопиб ясалган ўйиқ эди. Янги пайдо бўлган қалин муз қатлами кўпдан бери ўйиқдан фойдаланмаётганидан далолат берарди. Месснер атрофга аланглади. Итлар унга йўл кўрсатиб туришарди; уларнинг қиров боғлаган тумшуғи қорда зўрға кўз илғайдиган сўқмоққа қаратилганди; бу сўқмоқ асосий йўлдан айрилиб, орол соҳили бўйлаб тепага қараб йўналганди.

— Ҳай, майли, бечоралар, — деди Месснер. — Бориб кўриб келай-чи. Узим ҳам сенлардан баттар чарчаганман.

У ёнбағирга кўтарилди ва ғойиб бўлди. Итлар ётиб олмади, балки тик турганларича сабрсизлик билан эгаларини кута бошлашди. Қайтиб келиб, нартнинг олд тарафига бойланган арқонни олди-да, ҳалқани елкасига ташлади. Кейин итларни ўнгга бурди ва қирғоққа ҳайдади. Чаналарни тик соҳилга чиқариш амримаҳол, аммо итлар чарчаганларини унутиб, қорда узала тушиб чўзилиб қолсалар-да, сабрсизлик ва севинчли ифодаловчи ингиллаш билан жонҳолатда тепага интиларди. Олдингалари тойғанса ёки тўхтаб қолса, кейинги итлар уларнинг сонидан тишларди. Одам итларга гоҳ далда бериб, гоҳ таҳдид қилиб кичқирар ва гавдасининг бутун оғирлиги билан арқонни тортарди.

Итлар нартни шиддат билан тепага олиб чиқиб, шу заҳоти сўлга бурилдилару

¹ Фут — 30,479 сантиметрга баробар келадиган инглиз ўлчови.

кичкина ёғоч кулба тарафга тизиллатиб олиб кетдилар. Бу кимсасиз кулбада эни саккизу бўйи ўн фут келади битта хона бор эди. Месснер итларни бўшатди, нартлардаги юкларни туширди ва хонага эгалик қилишга тушди. Хонанинг сўнгги тасодикий эгаси ўтин қолдирган экан. Месснер хонага кичкина темир печкасини ўрнатди-да, ўт ёқди. У бешта қоқ балиқни — итлар емишини духовкага қўйди, қаҳва идишини ва сатилни муз тагидан олиб келинган сув билан тўлатди.

Месснер сув қайнашини кутиб печка тепасига энгашди, соқолида музлаб сумалакка айланган ҳовур эрий бошлади. Печкага соқолидан сув томгани сайин пишиллаб буғ кўтариларди. Жон Месснер соқолидаги сумалакни юлиб олар, улар ерга тақиллаб тушар эди.

Итларнинг ютоқиб ҳуришини эшитиб, у қилаётган ишини тўхтатди. Бегона итларнинг ингиллаши, ириллаши, кимнингдир овози эшитилди. Эшик тақиллади.

— Кириң! — бўғиқ товушда кичқирди Месснер, чунки шу дақиқада юқори лабидаги музни сўраётган эди.

Эшик очилди ва Месснер атрофини қуршаган паға-паға буғ орасидан остонада тўхтаган эркак ва аёлни кўрди.

— Кириң, — амирона деди у, — ёпақолинг эшикни.

Буғ орасидан у кирганларни аниқ илғолмади. Аёлнинг боши ўраб-чирмаб ташланган, фақат қора кўзлари кўринар эди. Эркак ҳам қоракўз, соқоли қиртиш-лаб олинган эди; музлаган мўйлаби оғзини тамомила ёпиб қўйган эди.

— Бу ўртада яна бирор кулба йўқми — шуни сиздан билмоқчийдик, — дея сўради эркак қулбанинг ғарибона анжомларига кўз югуртираркан. — Биз бу ерда ҳеч ким йўқ деб ўйлапмиз.

— Бу кулба меники эмас, — жавоб қилди Месснер. — Узим ҳам уни бир неча дақиқа бурунгина топдим. Кириб жойлашаверинлар. Жой етарли, печкангизни қўйишга зарурат ҳам йўқ. Бир амаллаб сиғишармиз.

Унинг овозини эшитиб, аёл қизиқсиниб қаради.

— Ечин, — деди аёлнинг ҳамроҳи. — Мен итларни бўшатиб, сув опкеламан, кейин овқат пиширамиз.

Месснер муздан тушиб юмшаган балиқни олиб, итларга қарагани чиқиб кетди. Қараса, бегона итлар унинг итларига ёпишиб, ириллашиб ётган экан, уларни ажратиб, кулбага қайтиб кирганида, янги келган киши нартнинг юкини тушириб, сув опкелишга улгурган эди. Месснернинг қаҳва қайнатгичидаги сув қайнади. У қаҳва дамлади, қўйқаси тагига чўксин деб яна ярим кружка сув қўйди-да, печкадан олди. Кейин бир неча бўлак қаттиқ нонни иситгани қўйди ва ўтган кеча пишириб, эрталабдан бери музлатиб олиб келган лўяни сатилда иситди.

Месснер янги келганлар овқат тайёрлаб олиши учун печкани бўшатиб бериб, юмалоқланган тўшакка ўтирди-да, озиқ-овқат солинган яшикни стол қилиб қўйди. Овқатланаркан, нотаниш киши билан йўл ҳақида, итлар хусусида сўзлашар, у эса печ тепасида энгашиб, мўйлабининг музини эритиш билан машғул эди. Ахийри сумалаклардан қутулгач, нотаниш кимса тўшаклар ўрамини кулбадаги икки сўрининг бирига ташлади.

— Биз шу ерда ухлаймиз, сиз шуни танламаган бўлсангиз, албатта. Бу ерга биринчи бўлиб сиз келгансиз, хоҳлаганингизни танлашингиз мумкин.

— Менга барибир, — деди Месснер, — фарқи йўқ.

У ҳам ўз ўрнини ҳозирлади ва тўшак чеккасига ўтирди. Бегона киши ёстиқ ўрнига дори-дармон солинган халтачасини қўйди, устига аёлини ёпди.

— Сиз врачмисиз? — сўради Месснер.

— Ҳа, — деган жавоб бўлди. — Лекин шуни айтиб қўяйки, мен Клондайкка врачлик қилиш учун келган эмасман.

Ҳамроҳи печканинг оловини жўнаштираркан, аёл овқат пиширишга ҳозирлик кўра бошлади. Кулба ярим қоронғи эди, ёруғлик чўчка мойи суртилган қоғоз ёпиштирилган кичкина дарчадангина тушар ва Жон Месснер аёлни яққол кўра олмасди. У бунга уринмас ҳам эди. Аёл уни жудаям кам қизиқтиргандек эди. Аммо аёл у ўтирган қоронғи бурчакка ўқтин-ўқтин қизиқсиниб қараб кўярди.

— Бу ерда ҳаёт қанчалар яхши-я! — завқланиб деди врач бир дақиқага пичоқни печка мўрисига чархлашдан тўхтаб. — Тириклик учун кураш, ҳамма

Жек Лондон ажойиб ҳикоялари ва романлари билан нафақат Америкада, балки бутун дунёда машҳур адибдир. Унинг иккита ҳикоялар китоби, моҳир таржимон Қодир Мирмуҳамедов таржима

қилган «Мартен Иден» романи ўзбек китобхонларига яхши таниш.

Йигирма ёшли Жек Лондон 1896 йилда Аляскага, Клондайк дарёси ҳавзасига йўл олади — ўша даврда минг-минглаб

америкаликлар олтин қидириш учун бу ўлкага ёпирилган эди. Ана шу оғир сафар бўлажак ёзувчи ижодига маълум маънода таъсир қилган, албатта. Сиз қуйида ўқийдиган ҳикоя ҳам олтин қидирувчилар ҳақида.

нарсага ўз кучинг билан эришмоқликка уриниш, бу ҳаётнинг ибтидоийлиги, унинг реаллиги менга ёқади.

— Ҳа, бу жойларнинг совуқлик даражаси жудаям реал, — кулди Месснер.

— Неча даража экан, биласизми? — сўради врач.

Месснер бош чайқади.

— Унда мен сизга атай: нартимдаги спиртли термометр етмиш тўрт даража совуқни кўрсатапти.

— Яъни музлаш нуқтасидан қуйида юз олтини. Сайру саёҳат учун совуқлик қилади, а?

— Ўзни ҳалокатга дучор қилишнинг айна ўзгинаси, — деди доктор. — Одам жуда кўп куч сарфлайди. Оғир нафас олади, совуқ тўғри ўпкасига кириб боради ва тўқималар чеккасини совуқ олади. Одам қаттиқ-қаттиқ, қуруқ йўталади, ҳаёл йўталганда балғам ташлайди ва келаси йил кўкламга бориб, нега бундай бўлганига ақли етмай ҳайрон қолганича, зотилжамдан ўлиб кетади. Совуқнинг даражаси камида эллик даражага тушмагунча бу кулбада бир ҳафтача қоламан.

— Қара-чи, Тэсс, — деди у бирон дақиқадан сўнг. — Менимча қаҳва қайнаб қолди.

Аёлнинг исмини эшитиб Жон Месснер сергакланди. У аёл тарафга бир қараб қўйди, унинг юзиде қачонлардир кўмиб юборилган ва тўсатдан қайта тирилган қайғунинг шарпаси пайдо бўлди. Аммо бир дақиқа ичида у ирода кучи билан бу шарпани қувиб солди. Унинг юзи аввалгидай вазмин тус олди, лекин у ёруғликнинг заифлигидан аёлни яхши кўролмаётганидан ғижиниб, сергаклик билан унга тикила бошлади.

Аёл қаҳва идишини оловдан олди. Фақат шундан сўнггина у Месснерга қаради. Лекин Жон Месснер ўзини тутиб олган эди. У сўрида хотиржам ўтирар ва лоқайдлик билан мўкасини ини кўздан кечирмоқда эди. Аммо аёл овқат ҳозирлашга тушганда Месснер яна ялт этиб унга қаради, аёл ҳам худди ўшандай тез ўгирилди: нигоҳлар тўқнашди. Месснер дарҳол кўзини олиб қочиб, врачга қаради ва аёлнинг ҳийлакорлигига ўзича кулиб қўйди.

Аёл озиқ-овқат қутисидан шам олиб ёқди. Унинг шуъла тушиб турган юзига бир неча марта боқилишнинг ўзи Месснерга етарли эди. Бу кичкина кулбада Месснернинг олдида келиш учун аёл бир неча одим ташлаши кифоя эди. Аёл атайлаб шамни унинг бетига яқин тутиб, кўркувдан олайган кўзларини унга тикди: уни таниди. Месснер унга хотиржамгина кулиб қўйди.

— У ерда нима излаяпсан, Тэсс? — сўради ҳамроҳи.

— Шпилькани, — деб жавоб берди аёл ва Месснер ёнидан нари кетиб, сўридаги нарсалар солинган қопчиғини кавлаштиришга тушди.

Улар яшиқларини стол қилдилар ва Месснер томонга қараб унинг яшигига ўтирдилар. У эса қўлини боши тагига қўйиб, сўрида узала тушганча, уларга қараганча дам олиб ётди. Бу кичкина кулбада гўё учалови бир стол атрофида ўтиргандек эди.

— Қайси шаҳардансиз? — сўради Месснер.

— Сан-Францискодан, — жавоб берди врач. — Лекин икки йилдан бери шу ерданман.

— Мен Калифорнияданман, — деди Месснер.

Аёл унга илтижоли назар ташлади, лекин у жилмайганча сўзини давом эттирди.

— Берклидан...

Врач дарҳол қизиқсинди.

— Калифорния университетиданмасмисиз? — сўради у.

— Ҳа, саксон олтинчи йил битирувчиларидан.

— Мен бўлсам, сизни профессор деб ўйлабман. Кўринишингиз ўхшайди.

— Афсус, — дея унга жилмайди Месснер. — Менга қолса, мени олтин изловчи ёки ит ҳайдовчисига ўхшатишгани маъқул эди.

— Сен докторга ўхшамаганингдек, у ҳам профессорга асло ўхшамайди, — гап қўшди аёл.

— Миннатдорман, — деди Месснер. Кейин аёлнинг ҳамроҳига юзланди: — Ростдан ҳам, доктор, фамилиянгиз нима?

— Хейторн. Шундоқ оғзаки айтганимга ишонингизга тўғри келади. Визит карточкаларимни, бу тарафга равона бўлишдан олдин, маданиятга қўшиб улоқтириб юборганман.

— Бу киши, албатта, мисс Хейторн... — Месснер жилмайиб таъзим қилди.

Аёл унга шундай назар ташладик, унда илтиждан кўра ғазаб кўп эди.

Хейторн ҳам ўз навбатида ундан фамилиясини сўрамоқчи бўлиб оғиз жуфтлаган эдики, аммо Месснер ундан аввал тилга кирди:

¹ Мўкасин — шимолӣ америкалик ҳиндуларнинг юмшоқ пойабзали.

— Сиз, доктор, мени қизиқтирган бир масалага ойдинлик киритолсангиз керак. Икки-уч йил муқаддам профессорлар доирасида бир жанжалли воқеа юз берганди. Профессорлардан бирининг хотини қочиб кетганди... Кечирасиз, мисс Хейторн... Сан-Францисколик бир врач биланмиди, фамилияси ёдимда йўқ. Сиз шу тўғрида эшитганмисиз?

Хейторн бош ирғади.

— Бу воқеа ўша пайтларда жуда катта шов-шувга сабаб бўлди. Унинг исми Уомбл эди. Грехэм Уомбл. Тажрибали врач эди. Мен уни бир оз билардим.

— Билгим келади, унга нима бўлди экан? Балки сиз эшитгандирсиз? Бедарак кетишди-я.

— Ҳа, боплашди, ҳеч ким билмай қолди гум бўлишганини, — Хейторн йўталиб кўйди. — Савдо кемазида жануб денгизларига жўнаб кетди деган миш-мишлар юрган эди, ўша ёқда, тайфун пайтида ҳалок бўлиб кетишди чоғи.

— Бунақа гапларни эшитгандим, — деди Месснер. — Сиз шу воқеани эслайсизми, миссис Хейторн?

— Яхши эслайман, — деди аёл. Овозининг хотиржамлигида кўзларида ёнган ғазабнинг акси бор эди. У юзини Хейторндан яшириб, ўгириб олди.

Врач Месснердан унинг исмини сўрамоқчи бўлиб оғиз жуфтлаганди, аммо у гапини давом эттираверди:

— Уша доктор Уомбл... жуда чиройли бўлган дейишади... аёллар орасида... э-э... жудаям аёлларга ёқарди дейишармиди.

— Бўлса бордир, лекин бу воқеа обдан мазасини кетказган, — ғудранди Хейторн.

— Хотини жудаям заҳар эди. Шунақа деб эшитгандим. Берклида эрининг кунини кўрсатган дейишади... шундоқ...

— Биринчи бор эшитишим, — жавоб қилди Хейторн. — Сан-Францискода бутунлай аксини гапиршарди.

— Жафокаш хотин эканми? Оилавий ҳаётнинг жабр-зулмида эзилган-а? Хейторн бош ирғади. Месснернинг кулранг кўзлари қизиқсинишдан бўлак ҳеч нимани ифода этмас эди.

— Шундоқ бўлиши керак эди — танганинг икки томони бор-ку. Берклида яшаб юриб фақат бир томонини кўрардим. Уша аёл Сан-Францискода тез-тез бўлса керак.

— Марҳамат қилиб менга қаҳвадан қўй, — деди Хейторн.

Унинг кружкасини тўлдириб туриб, аёл ёйилиб кулди.

— Хотин-халажлардек ғийбат қиласизлар-а, — дея таъна қилди эркакларга.

— Бу жуда қизиқ-да, — жилмайди унга Месснер. Кейин яна врачга мурожаат қилди: — Эрининг Сан-Францискода унча обрўси ҳам бўлмаган бўлса керак.

— Аксинча, уни маънавий жиҳатдан жуда юксак баҳолашарди, — деб юборди Хейторн ошиқча шахд билан. — Майдакаш, сусткаш одам.

— Сиз уни билармидингиз?

— Умрим бино бўлиб кўрган эмасман. Мен университет доирасида аралашмаганман.

— Яна бояғидай — танганинг иккинчи томони, — деди Месснер воқеани ҳар тарафлама лоқайд муҳокама қилаётгандай. — Умуман, унча хушрўй ҳам эмас эди, мен унинг ташқи қиёфасини айтаяпман, лекин ёмон одам эмас эди. Студентлар қатори спорт билан шуғулланарди. Унча-мунча лаёқати ҳам бор эди. Диний маросимга бағишлаб ёзган пьесаси муваффақият қозонган. Уни инглиз бўлимига декан ҳам қилишмоқчи бўлишганини эшитганман, лекин шу воқеа юз бериб, у истеъфога чиқиб, қаёққадир кетиб қолди. Менимча, мана шу воқеа унинг бошига етди. Ҳарҳолда, бизнинг доирада, бундай зарбадан кейин ўзини тиклаб ололмайди, деб ҳисоблашганди. У хотинини жудаям яхши кўрарди, дейишади.

Хейторн, қаҳвани ичиб тугаллади ва лоқайдлик билан ниманидир ғўнғирлаб, трубка тутатди.

— Уларнинг бахтига фарзандлари йўқ экан, — давом этди Месснер.

Хейторн, печкага қараб, шапка ва кўлқопини кийди.

— Утин келтирай, — деди у. — Кейин мўкасинимни ечиб, жойлашиб ўтириб оламан.

Унинг ортидан эшик ёпилди. Орага узоқ жимлик чўкди. Месснер ҳолатини ўзгартирмай сўрида чалқанча ётарди. Аёл унинг рўпарасида, яшиқда ўтирарди.

— Нима қилмоқчисиз? — сўради аёл кескин.

Месснер эринибгина унга қаради.

— Сизнингча нима қилишим керак? Томоша кўрсатмасман ахир? Ўзи йўлдан чарчаб келганман, сўри дам олишга жуда қулай экан.

Аёл унсиз ғазаб ичида лабини тишлади.

— Аммо... — қизишиб гап бошлади у ва қўлини ишқаб жим бўлди.

— Уйлайманки, мистер... ҳалиги... Хейторнни ўлдиримизми истамасиз? —

деди у мулойим, деярли ёлвориб. — Жудаям ачинарли бўлади бу... умуман, керак бўлмаган нарса.

— Лекин ахир бир нима қилишингиз керак-ку! — қичқирди аёл.

— Аксинча, умуман, ҳеч нима қилмасам керак.

— Сиз шу ерда қоласизми?

У бош ирғади.

Аёл ноҳорлик билан кулбага, нариги сўрига солинган тўшакка кўз ташлади.

— Кеч тушиб қолди. Бу ерда қолишингиз мумкин эмас. Мумкин эмас!

Тушунасизми, сираям мумкин эмас!

— Нега энди, мумкин. Сизга эслатиб қўйишга ижозат беринг, кулбани биринчи бўлиб топган мен бўламан, сиз икковингиз — менинг меҳмонимсиз.

Аёлнинг кўзлари кулбани яна кезиб чиқди ва назари иккинчи сўрига тушганда, кўзларида даҳшат акс этди.

— Бўлмасам биз кетамиз! — деди у кескин.

— Бунинг иложи йўқ. Сизда, боягина мистер... хаҳ... Хейторн бошлаб тасвирлаган қуруқ, қаттиқ йўтал бор. Упкангизни аллақачон сал шамоллатиб олгансиз. Ахир у врач, бунга тушунади. Сизнинг йўлга чиқишингизга йўл қўймайди.

— Бўлмасам сиз нима қиласиз? — яна сўради аёл бўрондан далолат берувчи кескин овозда.

Месснер бетига имкони борича ҳамдардлик ва қаноат туси беришга уриниб, унга оталарча боқди.

— Азизим Тереза, сизга боя айтдим, билмайман, деб. Мен ҳали бу ҳақда ўйлаб кўрганимча йўқ.

— Ё тангрим, мени жинни қилмоқчимисиз? — аламига чидолмай яшиқдан ирғиб турди. Қўл силкита туриб: — Илгари сиз бунақа эмасдингиз! — деди.

— Ҳа, ўлгудек юмшоқ, беозор эдим, — тасдиқлади у. — Сиз мени шунинг учун ташлаб кетган бўлсангиз керак-а?

— Шунчалар ўзгариб кетибсиз! Бунчалар мудҳиш хотиржамликни қаёқдан олдингиз? Мен сиздан кўрқаман! Қандайдир даҳшатли бир нарсани ўйлаясиз. Ҳазабга эрк берманг, ақл билан иш тутинг...

— Сиз кетганингиздан бери... — унинг сўзини бўлди Месснер. — Мен ортиқ ўзимни йўқотмайман.

— Жуда танг қолдирар даражада тузалибсиз, — деди аёл.

Унинг гапини тасдиқлаб Месснер жилмайди.

— Нима қилишимни ўйлаб олганимча сизга маслаҳатим шу: менинг кимлигимни мистер... хаҳ... Хейторнга айтсангиз. Бу ҳол бизнинг бу кулбада бўлишимизга, ҳарҳолда... эркинлик беради.

— Нега менинг кетимдан бу даҳшатли ўлкага йўл солдингиз? — сўради аёл кутилмаганда.

— Сизни қидириб келди, деб ўйламанг, Тереза. Ўзингизга кўп бино қўйманг. Учрашувимиз — тасодифнинг ўзгинаси. Университет ҳаётига хотима қўйганимдан сўнг қаёққадир кетиш керак бўлди. Ростини айтсам, сизни бу ерда сира учратмаслигимга аминлигимдан Клондайкка келганман.

Зулфин шикиллади, эшик очилди ва бир қучоқ ўтин кўтариб Хейторн кирди. Унинг қадам товуши эшитилгани ҳамон Тереза ҳеч нима бўлмагандек идишларни йиғиштира бошлади. Хейторн яна ўтинга кетди.

— Нега сиз бизни бир-биримизга таништирадингиз? — сўради Месснер.

— Унга айтаман, — жавоб берди аёл бошини силкитиб. — Қўрқади деб ўйламанг.

— Бирон нимадан кўрққанингизни мен ҳеч қачон пайқамаганман.

— Юрагингиздагини очиб солишингиздан ҳам кўрқмайман, — деди аёл. Унинг юз ифодаси юмшади, овози майинроқ эшитилди.

— Сизнинг юрак очишингиз тамагирликка, ўз фойдангизни кўзлашга, ўзингизни улуглашга айланмасайди, деб кўрқаман.

— Бунчалик китобий қилиб сўзламанг, — деди аёл инжиқлик билан, аммо унинг товушида мулойимлик бир қадар ошган эди. — Мен унақа ақлли гап таллашишни ёқтирмайман. Ундан ташқари, сиздан ўтинишдан ҳам кўрқмайман.

— Умуман олганда, сизни кечирадиган ҳеч нима йўқ, Тереза. Яхшиси, мен сиздан миннатдор бўлишим керак. Рост, аввалига анча азоб чекдим, лекин кейин — гўё кўкларнинг юмшоқ нафасидай — бахт туйғуси, катта бахт ҳиссини туйдим. Бу ғаройиб бир кашфиёт эди.

— Яна сизга қайтсам-чи? — сўради аёл.

— Бу ҳол мени анча қийин аҳволга солиб қўяди, — деди у аёлга қувлик билан мийиғида кулиб қараркан.

— Мен сизнинг хотинингизман. Ахир сиз ажралишга ҳаракат қилмадингиз-ку?

— Ҳа, шундай, — деди у ўйчан. — Ҳаммасига менинг бепарволигим айбдор. Уйга қайтишим билан шунга ҳаракат қиламан.

Аёл унинг ёнига келди ва қўлини унинг елкасига қўйди.

— Энди сизга керагим йўқми, Жон? — деди. Аёлнинг овози майин жаранглар, қўлининг елкага қўйиши эркалашдай эди. — Агар мен сизга, хато қилибман, десам-чи? Жудаям бахтсизлигимни тан олсам-чи? Ростдан ҳам бебахтман. Дарҳақиқат, хато қилдим.

Месснернинг қалбида кўрқув пайдо бўла бошлади. Аёл қўлининг енгил тегиб ўтганидаёқ бўшашганини ҳис қилди. Энди у ўзини баланд тутолмас, бутун керилган хотиржамлигидан асар қолмади. Аёл унга мулойим боққани сайин, бу одамнинг қатъияти эриб кетмоқда эди. У ўзини жар ёқасида ҳис қилар ва уни ўша ёққа итараётган кучга қарши кураша олмас эди.

— Сизнинг хузурингизга қайтаман, Жон. Шу бугун.. шу топда қайтаман...

Месснер худди уйқусида алаҳсираётгандай, мана шу қўл ҳукмидан қутулишга ҳаркат қиларди. Назарид афсонавий сув қизлари — Лорелларнинг майин қўшиғини эшитаётгандай эди. Гўё узоқ-узоқларда рояль чалинаяптию унинг товуши онгига зўр билан қуйиляпти.

Месснер сўридан ирғиб турди, аёл уни қучмоқчи бўлганди, итариб юборди ва эшикка тисарилди. У ўлардай кўрқиб кетганди.

— Ўзимни тутаман, деб кафил бўлолмайман! — деб қичқирди у.

— Ўзингизни тутинг деб огоҳлантирдим-ку! — дея аёл мазаҳ қилиб кулди ва яна идиш ювишга тутинди. — Ҳеч кимга керагингиз йўқ. Шунчаки ҳазиллашдим. Мен у билан бахтлиман.

Аммо Месснер унинг сўзига ишонмади. Бу аёлнинг доғулигини, маккорлигини яхши биларди. Ҳозир ҳам макрини ишлатмоқчи. Мана у — ниқобланган тамагирлик! У бошқаси билан бахтсиз ва ўз хатосини тан оляпти. Месснернинг иззат-нафси қониқди. У қайтишни истайди, аммо Месснерга бунинг асло кераги йўқ. Жон Месснер беихтиёр эшик зулфинидан тутди.

— Қочманг, — дея кулди аёл, — сизни тишлаб олмайман.

— Қочаётганим йўқ, — жавоб қилди Месснер болалардек тажанглик билан, қўлқопини кияркан. — Сувга бориб келай.

У бўш пақирларни олиб, эшикни очди. Кейин орқасига ўгирилди.

— Мистер... хаҳ... Хейторнга менинг кимлигимни айтишни унутманг.

Месснер бир соат ичда ўйиқ бетини қоплаган музни синдирди-да, пақирни тўлдирди. Лекин у орқасига, кулбага қайтишга шошилмасди. Пақирларни сўқмоққа қўйди. Совуқ қаттиқ эди. Сал қизиш учун гоҳ олдинга, гоҳ орқага тез-тез юра бошлади. Соқолини оппоқ қиров боғлади, пешонасидаги ажинлар текисланиб, бетида қатъият пайдо бўлди. Режаси пишди шекилли, совуқ қотган лабларида истеҳзоли табассум ўйнади. У юзи музлай бошлаган пақирларни олди ва кулба томон юрди.

Эшикни очиб, печка ёнида турган врачни кўрди. Унинг юз ифодаси ясама, мужмал эди. Месснер пақирни ерга қўйди.

— Сиз билан танишшдан хурсандман, Грэхэм Уомбл, — уларни гўё ҳозиргина таништирганларидай такаллуф билан деди Месснер.

Уомбл қўлини узатмади. Одатда ёмонлик қилган кишиларга шундай қилар, ҳозир ҳам Месснерга нафрат билан қараб, депсиниб турар эди.

— Демак, ўша сиз, — деди Месснер ўзини ҳайрон қолгандай кўрсатиб. — Ҳм, ҳм... тўғриси, сиз билан танишганимдан жуда хурсандман. Менга... ҳм-ҳм. Сизнинг нимангиз Терезага ёққанини билгим келади, тўғрироғи, нимангиз уни қизиқтирганига ҳайронман. Ҳа, шундоқ...

Месснер, худди отни кўздан кечирганларидай, унга бошдан-оёқ қараб чиқди.

— Мени кўргани кўзингиз йўқлигини тушунаман... — гап бошлади Уомбл.

— Э, аҳамияти йўқ! — унинг сўзини бўлди Месснер расамади мулойимлик билан. — Гапириб ўтиришга арзимаёди. Мен фақат Тереза ҳақидаги фикрингизни билмоқчи эдим. Умидларингиз оқландими? У ўзини қандай тутди? Сиз энди, албатта, хушбахт тушдагидай яшаётган бўлсангиз керак?

— Бўлмағур гапларни қўйинг! — гапга аралашди Тереза.

— Мен оддий одамман, нимани ўйласам шуни гапираман! — ғамгин товушда деди Месснер.

— Барибир ўзингизни одамдай тутмоғингиз керак, — кескин деди Уомбл. — Нима қилмоқчисиз, биз шуни билмоқчимиз.

Месснер нима қиларини билмаганга солиб, қўлини ёйди.


— Билмадим. Бу шундай дарди харина бир ҳолки, унинг охири нима бўлишини билмайсан киши.

— Учовлон бу кулбада тунаб қололмаймиз.

Месснер бош ирғади.

— Демак, кимдир кетиши керак.

— Ҳеч шубҳасиз, — тасдиқлади Месснер. — Уч жонки, шу бир кулбада айни бир пайда туролмас экан, уларнинг бири ғойиб бўлмоғи керак.



— Сиз ғойиб бўлишингиз керак, — маънос эълон қилди Уомбл. — Кейинги манзилгача яна ўн миля бор, аммо сиз бир амаллаб етиб оласиз.

— Мулоҳазангиздаги биринчи хатойингиз шу, — эътироз билдирди Месснер. — Нега энди мен кетарканман? Кулбани биринчи бўлиб мен топганман-ку ахир.

— Лекин Тэсс йўлга чиқолмайди, — деди Уомбл, — унинг ўпкаси шамоллаган.

— Гапингизга қўшиламан. Бу совуқда у ўн миля юролмайди. Ҳеч сўзсиз, у қолиши керак.

— Демак шундоқ бўлади, — қатъият билан деди Уомбл.

Месснер йўталиб олди.

— Сизнинг ўпкангиз соғлом-а, шундоқми?

— Ҳа, нима эди?

Месснер яна йўталиб олди ва гўё ҳар бир сўзи устида мулоҳаза юритаётгандай битта-битта деди:

— Ҳеч нима... Фақат шуниси, борки... ўзингизнинг фикрингизга кўра, бу совуқда ўн миля сайр қилсангиз, сизга ҳеч қийинчилиги йўқ. Бир амаллаб етиб оласиз.

Уомбл Терезага шубҳа билан қаради ва унинг кўзида шодиёна ҳайрат учқунини кўрди.

— Сен нима дейсан? — сўради у.

Аёл иккиланиб жим қолди ва Уомблнинг юзи ғазабдан қорайиб кетди. У Месснерга ўгирилди.

— Етар! Сизнинг бу ерда қолишингиз мумкин эмас.

— Йўқ, мумкин.

— Мен бунга йўл қўймайман! — Уомбл таҳдид билан елкасини керди. — Бу ишни мен ҳал қиламан.

— Мен барибир қоламан, — деб ўз сўзида туриб олди Месснер.

— Мен сизни улоқтириб ташлайман!

— Мен қайтиб кираман.

Уомбл ўзини тутиб олиши учун жимиб қолди. Кейин оҳиста, паст, бўғиқ товушда деди:

— Менга қаранг, Месснер, агар кетмасангиз, мен сизни калтаклайман. Биз Калифорнияда эмасмиз. Мана шу муштарим билан абжафингизни чиқараман. Месснер елкасини қисди.

— Агар менга қўл кўтарсангиз, олтин қидирувчиларни тўплайман, ана унда, биринчи учраган дарахтга сизни қандай осганларини томоша қиламан. Жуда тўғри айтдингиз, биз Калифорнияда эмасмиз. Олтин қидирувчилар оддий халқ, калтак изини кўрсатиб, ҳамма ҳақиқатни ўртага ташлаб, ўз хотинимга бўлган ҳуқуқимни айтсам бас.

Аёл бир нима демоқчи бўлди, аммо Уомбл жаҳл билан уни уришиб ташлади.

— Сен аралашма! — деб кичқирди у.

Месснернинг овози бошқача жаранглади:

— Марҳамат қилиб бизга халақит қилмасангиз, Тереза.

Ғазабдан ва ҳаяжонини зўрға босиб турганлигидан аёлни қаттиқ, қуруқ йўтал тутди. Унинг юзи қизарди, кўлини кўксига тутиб, хуружнинг ўтиб кетишини кутди.

Уомбл йўталга қулақ бериб, аёлга маънос қараб турарди.

— Бир қарорга келиш керак, — деди у. — Унинг ўпкаси совуқни кўтармайди. Ҳаво илимагунча у йўлга тушолмайди. Мен уни сизга ташлаб кетмайман.

Месснер ювошилик билан «ҳм» деб кўйди, йўталиб олди, кейин яна «ҳм» деб кўйди-да:

— Менга пул керак... — деди.

Уомблнинг юзида дарров нафратомуз ифода пайдо бўлди. Мана шу топда Месснер унинг кўз ўнгида жуда тубанлашиб кетди, ахийри у ўзининг пасткашлигини намоён этди-я!

— Бир халта олтин қумингиз бор, — давом этди Месснер, — нартдан тушираётганингизда кўрган эдим.

— Қанча берай? — сўради Уомбл, унинг юзида намоён бўлган нафрат товушида ҳам эшитилди.

— Халтангизда қанча бўлишини чамалаб кўрдим ва... ҳалиги.. ўйлайманки, йигирма фут келиб қолса керак. Тўрт минг бўлса-чи?

— Ахир менда бор-йўғи шунча-ку! — кичқирди Уомбл.

— Сизнинг Терезангиз бор, — юпатди уни Месснер, — Ахир шу пулга у арзимайдими? Ахир нимадан воз кечаётганимни бир ўйлаб кўринг-а. Тагин ҳам арзон баҳолаяпман.

— Бўпти! — Уомбл олтин солинган халта ёнига борди. — Ишқилиб тезроқ бир ёқлик қилайлик бу ишни! Эҳ, сизни қаранг-у!.. Пасткаш!

— Йўқ, ноҳақ гапиряпсиз, — истеҳзоли кулиб деди Месснер. — Одоб нуқтаи назаридан қараганда, пора берган кимса пора олгандан кўра яхшими? Ўғирлик молни яширган кимса ўғридан яхшимас-ку, шундоқми? Бу кичкина келишувдаги арзимаган афзаллигингиз билан ўзингизни овутманг.

— Этикангизга минг лаънат! — жаҳл билан деди Уомбл. — Бу ёққа келиб кумни ўлчашимга қараб туринг. Яна алдаб қўймай сизни.

Аёл эса сўрига суянганича, яшикка қўйилган торозида қум ва соф олтинни ўлчашларини дарғазаб кузатарди — бу унинг эвазига тўланаётган ҳақ эди. Торози кичкина эди, бўлиб-бўлиб ўлчашга тўғри келарди. Месснер эса ҳар гал синчковлик билан текширарди.

— Бу олтиннинг ичида кумуш кўп экан, — деди у халтанинг оғзини боғларкан. — Ҳар унция¹ да учдан бирга тўғри келса керак. Сиз менга панд бериб кўйдингиз чоғи, Уомбл.

У халтани бундай қимматбаҳо нарсага кўрсатиладиган эъзоз билан кўтарди ва нартга олиб чиқиб кетди. Қайтиб келгач, идишларини йиғиштириб олди, озиқ-овқат яшигини жойлаштирди, тўшагини юмалоқлаб олди. Кейин бўҳчаларини жойлаштиргач, ғингшиётган итларини қўшди ва қўлқопини олгани яна кулбага қайтди.

— Хайр, Тэсс! — деди у остонада туриб.

Аёл унга ўғирилди, нимадир деб жавоб бермоқчи бўлди-ю, лекин қалбиди қайнаган ғазабини сўз билан ифодалай олмади.

— Хайр, Тэсс! — мулойим такрорлади Месснер.

— Аблаҳ! — дея олди ниҳоят Тэсс.

Аёл гандирақлаб тўшак ёнига келди, ўзини юзтубан отди ва ҳўнграб йиғлаб юборди.

— Ҳайвонлар! Разил ҳайвонлар!


Жон Месснер орқасидан эшикни оҳиста ёпди ва йўлга тушиш олдидан катта қониқиш ҳисси билан кулбага ўгирилиб қаради. У қирғоқдан ўзанга тушди, нартни ўйиқ ёнида тўхтатди ва юкни тортиб турган арқонлар тагидан олтин солинган халтани олди. Сув бетини юпқа муз қоплаган эди. У мушти билан музни синдирди ва халта боғичини тиши билан ечди-да, ичидаги олтинларни сувга ағдарди. Дарёнинг шу ери саяз бўлиб, икки фут масофадан туриб Месснер дарё тубини кўрди. Сўнаётган куннинг сўнги ёғдусида дарё туби сарғиш кўринарди. Месснер ўйиққа тупурди.

Кейин у итларни Юкон бўйлаб қўйиб юборди. Итлар ҳазин ингиллар ва истар-истамас югурарди. Унг қўли билан бургич ходани тутган, сўл қўли билан юзи ва бурнини ишқалаган Месснер, дарё муюлишида итлар иккинчи томонга бурилганларида, абзалга қоқилиб кетди.

— Қани, олдинга, маймоқлар! — кичқирди у. — Қани, ҳа, олға, олға!

Русчадан Холида АҲРОРОВА таржимаси

¹ Унция — турли мамлакатларда турли қимматга эга бўлган оғирлик ўлчови.



Шомурод Сиддиқов

ОБРУ

— Амма, аммажон, суюнчи беринг... табриклайман!

Кун пешиндан оққанда Маҳмуджон қўлида газета ушлаганча, Рисолат аянинг ҳовлисига шошиб кириб келди.

— Қадаминдан айланай, яна қандай хушxabар ола келдинг? Қани ўтир, гапириб бер-чи! — Рисолат ая стол атрофидан жиянига жой кўрсатдию унинг оғзига тикилди.

— Ўзимизнинг Тўхтаxonни партиямиз XXVII съездида Марказий Комитет аъзолигига кандидатликка сайлашибди. Мана, сайланганлар орасида унинг фамилияси ҳам турибди. — Маҳмуджон шундай деб аммасига газетанинг ўша жойини кўрсатди.

— Раҳмат, жигарим, раҳмат. Бу — Тўхтаxon учун ҳам, биз учун ҳам обрў, дегин.

— Обрў бўлганда қандай, бу ҳар кимга ҳам насиб қилавермайди... Хайр, майли, мен далани бир айланиб, ишлаётган тракторлардан хабар олиб келишим керак. Кечроқ яна кириб ўтарман, — аянинг совхозда участка механиги бўлиб ишлаётган жияни шундай деганича машинасига ўтириб жўнаб кетди.

Рисолат ая эса кўзига кўзойнагини қайта тақиб, у қолдириб кетган газетанинг ҳалиги жойига тикилиб-тикилиб кўз югуртирди.

— Ишқилиб, ёлғизимнинг умри узоқ бўлсин, — у шундай дея чуқур ўйга толди. «Ёлғизим» деган сўзни тилга олди-ю, кўнгли ажабтовур бўлиб кетди. Хаёлидан умрининг армонли дамлари бирма-бир ўта бошлади.

У ёш оналигидаёқ фарзанд доғини кўп кўрди. Бир эмас, олти нораства фарзандини ер бағрига берди. Нимагадир, аксига олиб болалари узоқ турмади. Тўхтаxonгача беш ўғил ва бир қиз кўрганди-я, эсиз. Ёстиқдоши Бозорбой билан ҳам ораси шундан бузилди. Онаизор учун ҳар бир фарзандни йўқотиш қанчалик оғир бўлса, ота учун ҳам шунчалик мусибат эди. Эр-хотиннинг бу бахтсизлик боисини бир-бирларига тўнкаб, аламини бир-бирларидан олган кезлари ўртага яна ҳам совуқлик тушарди. Эри охири фарзанд доғига чидаб туролмай: «Мен шўрпешона эканман, ҳаммасига ўзим сабабчи бўлсам керак-да», деб бир куни уйдан бош олиб чиқиб кетди. Шу-шу у изига қайтмади. Бозорбой ўшанда уйдангина эмас, балки ўзи туғилган юртдан бош олиб чиқиб кетган эди. Рисолат унинг тақдири нима кечганини ҳали ҳам билмайди. Эрини дараклаб ўтирмади, унда на ҳафсала, на рағбат бор эди. У нуқул «бўлажак фарзандимнинг тақдири не бўларкин?» дея хавфсираш ҳиссини бошдан кечирарди.

Орадан ойлар ўтди. Рисолат қиз туғди. Унга фарзанд айрилигида ўртанган она ҳеч бўлмаса шуниси турсин, омон бўлсин, дея қақалоққа «Тўхтаxon» деб исм қўйди. Рисолат ёлғизини еру кўкка ишонмай, оқ ювиб, оқ тараб вояга етказди.

Қирқинчи йилларнинг охирларида республикада қадимий Мирзачўлни ўзлаштириш оммавий тус олди. Улкамизнинг ҳамма областларидан, жумладан, Фарғона вилоятидан ҳам Мирзачўлга чўлқуварлар ёпирилиб кела бошлади.

Рисолат аянинг бугунгидай эсида. 1959 йилнинг баҳори эди. Олтиариқ районидаги «Коммунизм» колхозининг марказига йиғилган бўлажак чўлқуварларни хўжалик фаоллари араваларда бирма-бир темирўл станциясига олиб чиқибди. Рисолат ҳам бева-бечоралигига қарамай, Мирзачўлга отланган собиқ жангчи укаси Ҳожиболанинг этагидан ушлаб, чўлга боришга қатъий аҳд қилди. Унинг хаёлидан ўша кезде «мабодо, юртни ўзгартирсам, эски дардларим тез унутилар», деган фикр ҳам кечган эди. Ушанда қўлидан тутиб, юк

поездига бирга олиб чиққан кўз қорачиги Тўхтагон энди етти ёшга қадам қўйган эди. Кўч-кўронини ортган кишилар орасида кўзлари милтираб, атрофдагиларга ҳайратланиб қараган ёш қизча одамлар, ўз онаси, тоғаси қаёққа ва қандай мақсадлар билан кетаётганини, уларнинг бундан кейинги тақдири қандай кечишини тасаввур ҳам қилолмаган эди. У ойисига илтижо билан тикилиб: «Қаёққа кетаямиз?» деб сўраганда она: «Мирзачўл деган жойга бораямиз. У ерда кўпайлашиб, тоғанг билан биргалашиб, чўлни обод қиламиз. Кўп-кўп ишлаб, тўқ яшаймиз, кийим-бошимиз бут бўлади», деб қизига тасалли берган эди.

Олтиариқлик чўлқуварларнинг бир қисмини Верхне-Волинский районидаги (ҳозирги Ворошилов) «Пахтаобод» колхозига жойлаштиришди. Улар орасида укаси Ҳожибола бош бўлган Рисолат опа хонадони ҳам бор эди. Улар қамишдан қапа тиклаб, унда роса беш йил истиқомат қилишди.

Бийдай чўл. Одамлар манзилгоҳ қилиб олган жойларнинг атрофи тўқайзор, қамишзор. Унда эрталаб адашган кимса, кечгача ўз капасини тополмайди. Бунинг устига тўқайзорнинг пашшасини айтмайсизми. Кеч кириб, даладан чарчаб қапага қайтган ҳамона бу лаънатилар очофатдай одамга ёпишади.

Чўлга катта гапириб келиб, лекин қийинчиликларга бардош беролмай жуфтак ростлаганлар ҳам бўлишди. Рисолатхон, аёл ҳолига қарамай, ўз укаси билан аҳдида қатъий турди. У ўзи бошда оддий ишчи, кейин эса звено бошлиғи, укаси Ҳожибола бригадир сифатида янги ерларни ўзлаштиришга жон-жаҳди билан киришдилар. У эртадан кечгача далада тер тўкди: баҳорда гўзани яғана ва чопиқ қилди, айни чиллада эркаклар қатори эгатларга сув таради, кузга бориб эса этак тутиб пахта терди. Аста-секин тетапоя бўлиб бўй чўзиб келаётган қизи Тўхтагон ҳам янги ер ўзлаштириш қанчалик заҳматли эканини ҳар куни кўриб, кўзи пишиб борди.

Шу орада улар «Пахтаобод» колхозидан йирик хўжалик — «Малик» совхозига кўчиб ўтишди. Тўхтагон дастлаб совхознинг 1-бўлимидаги ўрта мактабнинг 7-синфини тамомлади. Кейин эса кундузи онасининг ёнида, пахтада ишлаб, ўқишни кечки-ёшлар мактабида давом эттирди. Шу орада совхознинг ремонт-устахонаси қошида хотин-қизлар механик-ҳайдовчилар курси ташкил этиладиган бўлди. Тўхтагон ҳам ремонт-устахонасига келиб, Жумагул Умарова, Хадича Хидирова, Тўйин Усмонова сингари дугоналари қаторида механик-ҳайдовчилар курсига ёзилди. Ремонт-устахонаси механизми Муслиддин Алиев техника базасида йигирма нафар қиз билан машғулот бошлади. Техникага ҳавас қўйган қизлар терим машинасини ўрганишга алоҳида қунт ва эътибор бердилар. Улар икки ой давомида машинани бошқариш техникасини бирмунча эгаллаб олдилар. Курс муддати тугагач, ҳар қайсисининг қўлига «механик-ҳайдовчи» деган гувоҳнома топширилиб, ўз уचाсткаларига ишга юборилди. Ёш Тўхтагон ҳам тоғасининг бригадасига ишга келди. Энди унга; «Кўпнинг кўзи менда, машинани яхши бошқариш, пахтани тўкиб-пайҳон қилмасдан тера олармиканман?..» деган масъулият ором бермасди.

Биринчи йили тажрибали механизаторларга шогирд тушган Тўхтагон кейинги мавсумда терим машинасини мустақил бошқарди ва илк бор 80 тонна пахта териб, совхоз хирмонида тўкди. Мана шу илк ютук унинг ўз имкониятига бўлган ишончини оширди. У сурункасига бир неча йил ўзига биркитилган машинада пахта терди. Тажрибаси ошган сайин терган пахтасининг салмоғи ҳам ортиб борди: 150, 180... 200 тонна... Тўхтагон ишчанлиги, ҳалол меҳнати билан аста-секин эл назарига тушди. 1963 йилда энди 21 ёшга тўлган Тўхтагон Қирғизбоевага жамоатчилик катта ишонч билдирди. Шу йили у Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати қилиб сайланди. Республикамининг олий ҳукумат органига вакил бўлиб сайланиши унинг зиммасига катта масъулият юкледи. Сайловчилардан тушган нақазларни ижро этиш учун ўз вақтида тегишли ташкилотлар билан яқиндан мулоқотда бўлди, баъзи беғамроқ раҳбарларни жон-ҳолига қўймай, ишни юритишга эришди. Унинг бу ҳаракатини кўрган сайловчилар: «Депутатимиз ёш бўлсаям дадил, айтганини ундирмаса, тинчмайди...» деб, Тўхтагонга тан беришарди.

Тўхтагон Қирғизбоева 1970 йилгача пахтачиликда механик-ҳайдовчи, сўнгра маккажўхоричилик комсомол-ёшлар бригадаси бошлиғи бўлиб ишлади. У шу йилларда ҳам қийинчиликларни енгиб, ишда ўзини кўрсатди, айни вақтда деҳқончилик соҳасида тажриба тўплади. Энди расмий йиғинларда бошқалар қаторида унинг хизмати ҳам етук, омилкор деҳқон, моҳир механизатор сифатида мамнуният билан эътироф этиладиган бўлди.

Тўхтагон оилада отасиз, онаси бағрида ёлғиз ўсиб, ёшлиқдан тирикчилик ташвишларига шерик бўлганиданми, унинг табиатида камсухану камтарлик,

вазминлик хислатлари эрта шаклланди. Шу боисдан у эришган ютуқ-муваффақиятларини ўзи бош қўшган коллективнинг шарофати, «Бир киши ҳамма учун, ҳамма бир киши учун!» деган юксақ гоё асосига қурилган жамиятимизнинг муруввати, деб билди. Ўз бахтида бошқалар қувончини, ўзгалар омадида ўз севинчини кўрди. Бу ҳиссиёт замирида шахс ва коллектив бир бутун эканини, шахсни коллективдан ташқари тасаввур қилиб бўлмаслигини чуқур тушуна борди. Бу туйғуни, айниқса, 1970 йили оилавий пудрат усулида ишлайдиган пахтачилик звеносига бошлиқ бўлиб тайинлангандан кейин янада яққолроқ ҳис эта бошлади.

Дарвоқе, Тўхтаҳон Қирғизбоева ишлаётган Сирдарё районидаги «Малик» совхозини намунали-тажриба хўжалиги деб бежиз айтишмайди. Ҳақиқатан ҳам хўжалиқ бошқалар учун ибрат бўлган, механизациялашган қишлоқ хўжалиқ корхонасидир. Бу ерда ишлаб чиқаришнинг барча жараёнлари тўғри йўлга қўйилган. Деҳқончиликнинг ҳар бир соҳасида агротехника қодаларига амал қилиш аллақачонлар ишлаб чиқариш мезонига айланган. Мазкур хўжаликда бўлиб, унинг ишлари билан яқиндан танишган киши, худди шу ерда фан билан амалиёт муваффақиятли равишда уйғунлашганини кўриб қувонади. Бош агроном Ҳасан Чилтоновдан тортиб, совхоз директоригача — асосий мутахассисларнинг ҳаммаси илмий даражага эга бўлган кишилардир. Улар ҳар бир янгиликни деҳқончиликка, умуман, совхоз ишлаб чиқаришига шошма-шошарлик билан жорий этмайдилар, аксинча, унга фан кўзи билан қараб, уни аввал бирор участкада синовдан ўтказишади. Уша янгилик амалда ўзини оқласа, шундан кейингина уни ишлаб чиқаришга жорий этиш тадбирларини кўрадилар.

Шу жиҳатдан қараганда, Тўхтаҳон Қирғизбоева бошлиқ пудратчи звено даласини ҳам ўзига хос ишлаб чиқариш лабораторияси деса бўлади. Биз хизмат бурчимиз тақозоси билан шу йил баҳорда — айни чигит экиш палласида унинг даласини кезганимизда бунга яна бир марта иқрор бўлдик.

Аدل тушда «Малик» совхозини марказига кириб бордик. Совхоз идорасига рўпара бўлгандик, қоровул: ҳамма далада — иш бошида, деди. Биз ҳам тўғри Тўхтаҳоннинг дала шийпони томон йўл олдик. Звено ошпазидан уни суриштиргандик, у чигит эканлиги сеялкачилар қошига бориб кўринлар, деб жавоб қилди. Аста юриб карта бошига келдик.

Кенг ва қўл қафтидек текис карта. Сеялкалар тақилган тўртта универсал трактор бирварақайига ерга уруғ ташлаб борарди. Ҳар бир агрегатга бир киши миниб олган. Афтидан, у сеялкадан чигитнинг тушиш меъёрини синчиклаб кузатарди. Тўхтаҳон эса карта четида тракторларга тиркалган сеялкаларнинг маркеровка (белгили чизиқ) олишини кўздан кечирар эди.

Унинг билан карта четида учрашиб сўрашдик. Шу тобда Тўхтаҳоннинг қиёфаси нимаси биландир курашга чоғланган паҳлавонни эслатарди. Бошига гулдор дурра танғиб олган, буғдой юзлари қурғоқ келган баҳор офтобида бироз қорайган, оёғида қора хиром этигининг қўнжигача чанг ўтирган. У негадир паршон кўринарди.

— Лоқал шу кеча-кундузда икки соатгина майдалаб ёмғир ёғса, ташлаётган чигитимиз патиллаб кўқарарди, — деди у қовоғи солиқ осмонга тикилиб. — Баҳорнинг бундай қурғоқ келиши биз деҳқонлар учун анча ташвиш туғдирадиган бўлди. Чигитнинг бир текис униши учун тупроққа нам керак. Бу йил эса сув камчил...

Карта четида бошланган суҳбатимиз шийпон рўпарасидаги сўрида давом этди. Гап мавзуи Тўхтаҳоннинг КПСС XXVII съездида делегат бўлиб қатнашгани, унинг съезддан қандай таассуротлар билан қайтганига келиб тақалди.

— Ҳаммасидан ҳам аямнинг қувонганини айтмайсизми, — дея чеҳраси яна ҳам ёришиб гап бошлади Тўхтаҳон. — Москвадан уйга келсам, бир кучоқ газетани столнинг устига тахлаб қўйибдилар, денг. «Қизим, янги мартабанг кутлуғ бўлсин», дея кучиб қувонганидан гапга тушиб кетди, денг: «Манави газеталарнинг ҳаммасида исму фамилиянг бор экан. Бу хушхабарни газета кўтариб келиб, тоғаннинг ўғли Маҳмуджон биринчи етказди. Хаёл жиловсиз дарё деганларича бор экан. Ўзим ҳаяжонланаяпману дастлаб Мирзачўлга кўчиб келиб, қамиш калада қийналганларимиз кўнглимдан кечса бўладими... Қани энди бедарак кетган даданг ҳам ҳозир бўлсаю бугунги бахтимиз, қувончимизни кўрса, боши кўкка етарди...»

— Эски алам дардни қўзғар экан, аям ўша топда дадамини эслаб кўзига ёш ҳам олди, — деб бироз маъюсланиб ҳикоясини давом эттирди суҳбатдошимиз. — Съезд хусусида гапирадиган бўлсам, у жуда жиддий ўтди. 1974—1979 йилларда ўнинчи қақриқ СССР Олий Советига депутат қилиб сайланган вақтларимда ҳам Москвадаги сессия йиғилишларида ва бошқа йиғинларда

қатнашганман. Лекин бу галгидек ошқора ва танқидий моҳияти мустақкам нутқларни кам эшитганман. Сўзга чиққан нотикларнинг ҳаммаси ҳар бир масалага жиддий масъулият билан ёндашиб, муҳим ҳаётий муаммоларни ўртага ташлади, Иттифоқ-миқёсидаги министрликлар ва идора раҳбарлари адресларига ҳам жиддий эътирозлар билдирилди. Сиёсий докладда республикамиз шаънига айтилган аччиқ танқидларни эшитганда эса, ростини айтсам, ўзимизни қаерга қўйишимизни билмай қолдик. Йўл қўйилган хатолар, камчиликлар учун биз ҳам ўзимизни айбдор ҳис қилдик. Бу ҳаққоний танқидлар зиммамизга катта масъулият юкледи. Ҳақиқатан ҳам пахта тайёрлашдаги фирромлик шаънимизга доғ туширди. Энди ҳар биримиз, қайси участкада ишламайлик, ўзимизга ўзимиз ҳисоб беришимиз, ишимизга, шахсий фаолиятимизга танқидий кўз билан қараб, ижтимоий бурчимизни ҳалол меҳнатимиз билан оқлашимиз лозим.

— Партиямиз съезди қўйган бугунги талаблар назари билан қараганда, сизнингча, пахтачиликда ҳал қилиниши зарур бўлган қандай муаммолар бор? — Тўхтагонни атайин яна гапга тортидик.

— Визда, хусусан, пахтачилигимизда ҳал этилмаган масалалар талайгина, — деди у таъкид оҳангида гапираркан. — Мана, алмашлаб экиш система-сини олайлик. Бу ҳақда анча йиллардан бери йиғинларда, семинарларда кўп гапирилди. Лекин ҳамма жойда ҳам бу талабга кўнгилдагидек амал қилинмади. Ёки бўлмаса уруғчиликнинг аҳволини олинг. Бу иш ҳам ўн-ўн беш йиллардан бери қониқарсиз ҳолда келаётир. Уруғлик чигитни калибровка (хиллаб саралаш) қилиш сифати паст. Ҳозир биз экаётган «оқ олтин» навининг чигити ҳам яхши калибровка қилинмаган: эзилганлари, янчилганлари анчагина. Демак, шикастланган уруғлар унмайди. Оқибатда ниҳоллар ола бўлиб унади. Бундай жойларга қайтадан қўлда чигит экиб чиқиш керак. Бунга ҳам харажат, ҳам вақт керак. Шунингдек, жойларда техника қарови ва ундан фойдаланиш масаласи ҳам кўнгилдагидек эмас. Хўжасизлик оқибатида техника кучларидан фойдаланиш муддатларига амал қилинмайди. Масалан, терим машинаси 9—10 йиллаб фойдаланишга мўлжалланган. Афсуски, кўпгина хўжаликларда бунга мутлақо эътибор берилмаётир. Эскисини қаровсиз қолдириб, ҳар йили янги терим машиналари сотиб олаётган хўжаликлар эса давлатдан қарз устига қарз бўлиб қолдилар. Мен шахсан ўз тажрибамда техник қаровни ўрнига қўйилса, машинада бемалол ўн мавсумгача пахта териш мумкинлигига тўлиқ ишонч ҳосил қилганман. Ўзимга биркитилган «ХВ—1,7» машинасида тўққиз йилдан бери пахта тераман. Кейинги беш мавсумда шу машинада 690 тонна пахта тердим. Бу йил ҳам ундан фойдаланиш ниятидаман. Тўғри, терим машиналарини янада такомиллаштириш лозим. Даставвал очилган, юқори нав пахтани кам тўкадиган, пахтани табақалаб (хиллаб) терадиган ва бошқа шу хил афзалликларга эга бўлган машиналарни конструкторлардан кўпдан бери кутаяпмиз. Янги, ойнаванд кабинали машиналарнинг дастлабки нусхалари ўтган мавсумда бизнинг совхозимизда синовдан ўтди. Бирмунча такомиллашган шундай машиналарни тезроқ ишлаб чиқаришга етказиб бериш лозим. Бир оғиз мулоҳаза ғўзани суғорадиган эгилувчи шланглар ҳақида. Буларнинг ҳам ўн-ўн беш йил бурунги сифатли эди. Биз еримизни ўқариқлар очмаслик ҳисобига тежаш учун кўп йиллардан бери суғоришда шундай шланглардан фойдаланиб келаяпмиз. Лекин ҳозиргилари жуда сифатсиз, айни суғораётган пайтда ёрилиб кетиб, сувчиларни ортиқча ташвишга қўймоқда. Бу ҳақда ҳам мутасадди ташкилотлар ва заводларнинг мутахассислари ўйлаб кўришлари лозим. Пахтага ҳақ тўлаш ҳусусида ҳам бир мулоҳазани билдирмоқчиман. Ҳозир давлатга топширилаётган 4-нав пахтага тўланаётган ҳақ унга кетган харажатни қопламаяпти. Демак, давлатга 4-нав пахта топшириш хўжалик учун қонизийен. Умуман, пахтанинг харид нарҳини стабиллаштириш масаласи обдон ўйлаб кўрилиши керак.

Совхозда пахтачиликда бир неча йиллардан бери пудратчи звено усули кенг қўлланиб келинади. Бу усулнинг асосий моҳиятини меҳнаткашларнинг моддий манфаатдорлиги ташкил этади. Биз суҳбатимиз ниҳоясида Тўхтагондан ишлаб чиқаришнинг пудратчилик усули манфаатлари борасида ҳам сўзлаб беришни илтимос қилдик.

— Олдиндан оққан сувнинг қадрини йўқ деганларидек, баъзан ғалати ишлар бўлади-да, — деди у салмоқлаб гапини давом эттираркан. — Республикамизда вақтида илғор, намунали хўжаликларнинг илғор тажрибаларини ва янги иш усулларини илғаб ўрганишга, уни кенг ёйишга етарли эътибор берилмади. Масалан, бизнинг совхозда деҳқончиликнинг ҳамма соҳасида биргаллашиб ишлаш усули кўпдан бери қўлланиб келади ва у яхши самара бермоқда. Шу усулнинг ташаббускори ўзимиз бўлатуриб, биргаллашиб ишлаш

усулини ипатовчилардан ўрганишга интилдик, уларнинг ҳузурига «элчилар» юбордик. Очиғини айтсам, ипатовчилар усули биз учун янгилик эмас эди. Республикамизда «Малик» совхозига ўхшаган пешқадам хўжаликлар шу хилдаги фойдали усулларни ўзлари кашф қилган эдилар. Биз бундай ташаббусларнинг қадрига етмасдан, уни бошқа томонлардан қидиришга уриндик. Ҳа, ишлаб чиқаришни ташкил этишдаги бу хил шошма-шошарлик ва ҳайбаракаллачилик ҳолатлари умумий ишимизга салбий таъсир кўрсатмай қолмади. Уша йиллари бир қатор хўжаликлар учун ипатовчилар ҳаракатининг моҳиятини тушуниб-тушунмасдан, маҳаллий шарт-шаротиларни ҳисобга олмасдан қўллашга уринишлар қимматга тушди. Орадан кўп ўтмай, бу «ташаббус»нинг ҳам ҳовури сўнди.

Бизда оилавий пудрат тартиби қатъий жорий этилганига анча йиллар бўлди. Мана кўриб турибсиз, 91 гектарлик яхлит бир картага чигит экаямиз. Унда чигит униб, бўй кўрсатиши билан, яъни май ойининг бошларида шу майдонни звено аъзоларига тақсимлаб берамиз. Ҳар бир оила ўзига ажратилган майдоннинг ғўзасини парвариш қилади ва кузга бориб ҳосилини ҳам ўзи йиғиштиради. Улар бунда пул ва бошқа моддий харажатларни иложи борица тежашга ҳаракат қиладилар. Чунки тежалган маблағнинг бир қисми йил якунида уларга устама ҳақ — мукофот тариқасида берилади. Шунингдек, етиштириладиган пахтанинг таннархи ҳам арзонга тушади. Масалан, биз Лафиса Раззоқова, Мавлуда Умарова сингари звеномиз аъзоларига бу йил ҳам оилавий имкониятларга қараб, 6 гектардан 10 гектаргача ғўза майдони ажратиб берамиз. Демак, ҳар бир тўп ғўза эгали бўлади. Оилавий пудрат шароитида ҳар қайси ишловчи ўзининг моддий манфаатини аққол кўриб туради. Бу, моддий рағбат эса бизда иш унумини оширишнинг асосий омили сифатида ўз самарасини кўрсатаётир. Ҳар йили гектар ҳисобига ойлик иш ҳақи 160—180 сўмни ташкил этади. Моҳир сувчимиз, меҳнат ветерани Эргаш ака Умаров, Тўракул Тўланов сингари тажрибали механизаторларимизнинг ойлик даромади эса 260 сўмдан 300 сўмгача боради. Пудрат усули фақат бизнинг звеномиздагина эмас, совхоз ишлаб чиқаришининг барча соҳаларида ҳам жорий этилган. Шу боисдан ҳам хўжалигимизда меҳнат интизоми деган муаммо аллақачонлар барҳам топган. Унумли меҳнатнинг самараси ўларок, 34 миллат вакилидан таркиб топган совхозимизнинг интернационал оиласи тўқ-фаровон яшамокда. Мавжуд саккизта болалар боғчасига мактаб ёшигача бўлган ҳамма кичкинтойлар тортилган: барча ишчилар газлашган ва шинам уйларда истиқомат қилишади. Спортчиларимиз ўз стадионига, расмий командаларига, маданият ходимлари эса муқташам Маданият саройига эга.

Бизда нимагадир ўз вақтида «Малик» совхозига ўхшаган намунали хўжаликларнинг тажрибаларини кенг ўрганиб, ўзаро алмаштиришга эътибор берилмади. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришига бағишланган семинарлар шаҳарларда эмас, худди шундай хўжаликларда ўтказилиши ўринлидир.

Уша куни кечгача Тўхтаҳон Қирғизбоева звеноси механизаторлари 91 гектарли майдонга чигит экиб тамомладилар. Шу муваффақият якунида ҳозир бўлган совхознинг бош агрономи Ҳасан Чилтонов ғолиб механизаторлар даврасида бир ҳақ гапни айтди:

— Бугун 12 апрель — Совет космонавтикаси куни. Бу сана биз совет кишилари учун ғолиблик рамзи бўлиб қолган. Фазодаги парвоз ҳам аслида она заминдан бошланган. Она тупроққа меҳр қўйиб, уни эъвозлаган киши элда иззат-ҳурмат, обрў топаверади. Буниси биз ҳамкасбимиз Тўхтаҳон Қирғизбоева тимсолида аққол кўриб турибмиз. Бу заҳматкаш деҳқон аёлининг бугунги обрўйига ҳамманинг ҳаваси келади.

Дарҳақиқат, ҳалол хизмат, бурчга садоқат туфайли эришилган обрўнинг замини мустаҳкам бўлади. Даврлар, йиллар эпкинида ҳам унинг оҳори тўқилмайди. Сохта шухратларнинг миси чиқаётган ҳозирги соғлом шароитда ҳалоллик қудрати янада салобатлироқ намоен бўлмоқда.

Ушандан бери орадан беш ойдан кўпроқ вақт ўтди.

Яқинда, Тошкентда Тўхтаҳонни яна учратиб қолдим. У шу кечакундузда звеносида пахта теримида ҳар томонлама пухта ҳозирлик кўрилганини, ҳадемай механик-ҳайдовчилар ёппасига теримга тушишини айтди. «Ўзим ҳам бу йил яна ўша эски машинада ўнинчи мавсум ҳисобига пахта тераман», деб қўшиб ҳам қўйди.

Ҳа, мард майдонда синалади.

Маълумки, 1986 йил жамиятимиз тарихига съездлар йили, ижтимоий ҳаётимизни қайта қуришнинг бошланғич палласи сифатида киради. Мана шу бир йил Тўхтаҳон Қирғизбоевадек ҳақиқий ватанпарвар замондошларимиз фаолиятида ҳам муҳим из қолдиради, албатта.



Адҳат Синўғил

Элим менинг

Элим менинг — отамдирсан, аждодимсан,
Элим менинг — боламдирсан, авлодимсан.

Элим менинг — йўғимдирсан, боримдирсан,
Элим менинг тақдириму ёримдирсан.

Элим менинг — ёзим ўзинг, қишим ўзинг,
Элим менинг — созим ўзинг, ишим ўзинг.

Элим менинг — ўғлингдирман, инсонингман,
Элим менинг — мен чашмангман, имонингман.

Элим менинг — менга фаҳру жароҳатсан,
Тилинг бирла олам аро саёҳатсан.

Элим менинг — республикам, менинг ерим,
Мамлакатим, улуғ юртим — СССРим.

Намангандан келган нон

Намангандан келган нон,
Ёпилгандир тандирда.
Битар қолган ҳамма иш
Нонинг борми — қайғурма.

Нон бўлмаса қоринда,
Кўринмагай ёринг ҳам.
Боғлиқ эрур нон билан
Сенинг йўғу боринг ҳам.

Нони борнинг бағри бут,
Довруғи бор, шони бор.
Нони йўқда не бордир?
Ёлғизгина жони бор!

Намангандан келган нон,
Ёпилгандир тандирда.
Улмай яшар қардошлик —
Нон бор экан тақдирда.

Татарчадан Абдулла **ОРИПОВ** таржимаси.

Ўтди ёшлик

Уруш йилларини кўрган
тенгдошларга...

Ўтди ёшлик, оқар сувлар каби
Ер юзидан шовуллаб ўтди.
Ўтди ёшлик, уруш бўлиб кўздан
Нонга тўймай, нон тилаб ўтди.

Ўтди ёшлик, тоғлар бўлиб бизнинг
Босиб ўтди ёш ўмизлардан.
Иш отидай юклар тортиб ўтди,
Ўтли терлар оқди юзлардан.

Ўтди ёшлик, поезд каби учиб,
Чўллар аро чинкириб узоқ.
Қуёш тафтин ялаб чопди қирда,
Бошоқ йиғиб қип ялангоёқ.

Ўтди ёшлик, улғайтириб ўтди.
Дудоқлардан ўпди ёндириб,
Тонг еллари билан ойли тунда
Туманлардай тарқаб, ёйилиб —

Ўтди ёшлик. Сел-довуллар ўтди
Юракларда қолдириб излар.
Тепалардан ўтди, гуллар териб —
Пишди етим болалар, қизлар.

Ўтди ёшлик, саф-саф ҳатлаб ўтди
Сочимизга қорларни солиб.
Ёш ўрмонлар куйин куйлаб ўтди,
Қараб қолдик кўзимиз толиб.

Татарчадан **Миразиз АЪЗАМ**
таржимаси.

Совет Жаманғараев

Чўпон уйида

Оқ юзли келинчак куйманар,
Гоҳ ўтов пардасин ёпади.
Устида оқ кўйлак, ҳилпирар,
Ел ўйнаб, пойини ўпади.

Нозик қад, кийим-бош ярашиб,
Кўрганнинг кўзини олади.
Қўй-қўзи қолсами маърашиб,
Қувонч-ла интилиб қолади.

Керага — тол ёғоч қалқинар,—
Эҳ, шамол, олдимини улоғни.
Қир қимиз бўйига бурканар —
Анқийди, ёргудек димоғни.

Кўнгилда хушбахтлик жаранглар,
Жаранги кулоққа ёқади.
Оқ билак, оқ ўтов — оҳанглар —
Қирларда кўшиқдай оқади.

Қизилқум

Кунинг илик, тунинг ойдин — Қизилқумсан,
Бўри чиқмас ўру сойдин — Қизилқумсан.
Одам меҳри, замон тафти тафтинг олар,
Яшнагансан, ариб қайғунг — Қизилқумсан.

Туя ўркач каби сийрак яйдоқ қолган,
Уён-буён не ариқлар йўллар солган.
Очилгансан, синаштага сирларинг йўқ,
Қучоғингни гул, чечаклар ўраб олган.

Буталарнинг новдаларин торлар мисол,
Елиб ўйнаб, ўринлатиб чалар шамол.
Ҳамма нарса куйлар бунда, тинглар бунда,
Сеҳрланиб банди бўлар ногоҳ хаёл.

Қуён суяк гулинг қиздай қарқирайди,
Япроқлари ял-ял ёниб, ярқирайди.
Силкинишиб, имо қилиб саксовуллар
Йўловчини хушҳол этиб, ҳол сўрайди...

Қозоқчадан **Турсун ИБРОҲИМОВ** таржимаси.

Нусратилла Раҳматов

МЕНИНГ ДЎСТИМ—АСАЛАРИ

Одатдагидек борлиққа фараҳбахш шуъла таралиши билан оилада безовталиқ, бесаранжомлик бошланди. Ҳамма ҳам ўзига ёд бўлиб кетган хизматини сидқи-дилдан, беминнат бажаришга киришди.

Бу оиладаги юмушлар шу қадар беададқи, эрта тонгдан қоронғу тушгунча, эрта баҳордан то қора сувуқлар бошлангунча тиним нималигини билмай ишлашса ҳамки, ташвишларнинг охири кўринай демайди. Ҳатто тунда ҳам, қаҳратон қишда ҳам ишлашга тўғри келади. Табиатнинг яшаш учун кураш қонунини, оиланинг темир интизоми, тирикчиликнинг буткул таомили уларни шунга даъват этади.

«Малика» бу тун ҳам ҳаловат топмади. У кейинги йилларда анча кексайиб, камхоб, ҳар бир шарпадан ҳадиксирайдиган, алланималардандир хавотир оладиган бўлиб қолганди. Ўтган тунда ҳам немаҳалгача уйқуси келавермагач, ўзига тегишли мулкнинг бир қисмини кўздан кечириб чиқди. Чунки назарида қаердадир подшоликка даъвогар янги бир малика вояга етаётгандай бўлиб туюлаверди. Йўқ, беҳудага шубҳаланибди: оилада осудалиқ ҳукм сураб эди. Қоровуллар ўз жойида сергак турганлиги, ишчилар тунги навбатда ҳам худди кундузгидай тиним билмай меҳнат қилаётганлиги унга таскин ва тасалли берди.

Мана, олдинда яна серташвиш тонг. Қоронғу тушгунга қадар худди марафонча югурадиган кишидай бор қувват ишга солиниши, асаблар таранг бўлиши керак. «Малика» эса бутун оила масъулиятини ўз зиммасида ушлаб туриши, авлоддан-авлодга ўтиб келаётган майл — инстинкт қонунларининг заррача бўлса ҳам бузилишига йўл қўймаслиги, ҳар бир аъзонинг меҳнат қилишини таъминлаши, уларни назоратда тутиб туриши керак. Ҳа, бу — осон эмас.

Бугун ҳам у ишни олти қиррали бежирим бешикчаларда вояга етаётган ёш авлоднинг кўздан кечиришдан бошлади. Катакдан чиқмоқчи бўлаётган бир аричанинг ини устидаги юпқа пардани очишга кўмаклашди. Соғлом, серғайрат арича инидан чиқиб, қанотларини қоқди. «Малика» унинг ҳаракатларини зимдан кузатиб, мамнун бўлди. Чунки мурғак арича бугун ўйнаб-қулади: болалик гаштини суради. Эртадан бошлаб эса ҳамма қатори меҳнат қилади, оилага наф келтиради. Йўқ, болалик даврони учун бир кун ўнчалик оз эмас. Инсон умрига таққослаганда, бу — ишчи ари учун икки йилга баробар. Ҳа, бу жонивор («малика» билан эркак арилар бундан мустасно) қирқ кунча умргузаронлик қилади, холос. «Малика» бу заҳматкаш ишчи ариларни узлуксиз оғир меҳнат анча эрта ишдан чиқариб қўйишини яхши билади ва бу ҳолдан афсуслар чекади. Бу митти заҳматкашлар тақдирга тан бериб, ўша дашту далаларда жон берадилар. Ҳатто жасадлари ҳам оила учун ташвиш келтиришини исташмайди. «Малика» оиладаги қирқ мингга яқин ишчини, йигирмадан зиёдроқ текинхўр эркак арининг барини танийди, уларга омад тилайди. Ҳар оқшом арилар жамулжам бўлганда, қадрдон гўшага қайтиб келолмай йўлда жон берган ишчи ариларни эслаб қайғуради ҳам. Ўша заҳотиёқ уларнинг ўрнини тўлдириш ташвишига тушади.

«Малика» учун бунақа ташвишлар оз эмас. У эрталаб соқчилар ишини бир бор кўздан кечирмаса кўнгли тинчимайди. Чунки соқчилар ёш: тажрибасизлик қилиб, бирор кори ҳолга йўл қўйиб қўйишлари ҳам ҳеч гап эмас-да!

Соқчиликка навқирон арилардан кўра мақбулроғи йўқ. Улар ўз умрини «малика»га мулозимлик қилишга бағишлаган лоқайд эркак арилардан ёки туллак бўлиб қолган кекса ишчи арилардан кўра ҳар томонлама ишончли. Ёш арилар оиланинг темир интизомига хиёнат қилишмайди. Ана, ҳозир ҳам улар ҷумолиларни инга йўлатишмаяпти, бол ташиётган ариларни бирма-бир кўздан кечириб чиқишяпти. Бу яхши!

Лекин «малика» улардан кўп хавотирланади. Чунки бу азаматларда соқчига хос ҳушёрлик, куч-қувват бор-у, аммо тажриба етишмайди. Оиланинг душманлари эса бундан устакорлик билан фойдаланишади. Оила бошлиғи у бадкирдорларнинг барини танийди, баридан ҳазар қилади. Уларни озчилик ёки ожиз деб бўлмайди. Ахир, ўз номи билан душман душман-да.

Бели ингичкадан келган сарғиш ари бор. Бу ёвузни асалари бўриси, дейишади. Кўпинча, эшик бўсағасида пойлаб турадию, гулшира — нектар олиб келаётган ишчи арига ташланиб қолади. Жигилдонидоғи озгина ширинлик деб, уни ўша ернинг ўзида нобуд қилади. Бу ярамасдан хабар топган соқчилар ҳам югуриб чиқишади. Аммо йиртқич бўрига бас келиш осон дейсизми?! Бояқчи соқчилар бу нохушлик хусусида зудлик билан «маликаи ҳукм фармонга» ҳам хабар етказадилар. Аммо табиат жониворларга насиба улашаётган пайтда асалари бўрисига болари тўғри келиб қолган бўлса, у шўрлик ҳам нима қилсин?! Тўғри, бундай пайтда «малика» жуда ҳаяжонланади, оилани ҳушёрликка чорлайди, нобуд бўлганлар ўрнига янги кучлар юборади, лекин душманга қарши ҳаммани сафарбар қилолмайди. Бир-иккита ари деб, оила тақдирини хавф остига қолдириш яхши эмас-ку! Гап фақат бунда ҳам эмас. Она табиат душманга қарши оммавий бўлиб курашиш қобилиятини фақат чумолиларгагина ато этган.

Йўқ, «маликаи тождор»ни ташвиш, таҳликага соладиган асосий рақиб бўри эмас. Ундан кўра куркунак анча хавфлироқ. Ёзда ва кузда кўпаядиган бу парранда асалари уни устида парвоз қилиб, бол ташиб келаётган ариларни тутиб еяверади. Ишчи арилар жон талвасасида унинг танасига ниш ҳам санчадилар. Лекин бу жоҳилга заҳар кор қилмайди. Осмонда куркунак пайдо бўлиши билан соқчилар безовталаниб оилани огоҳ этадилар. Шунда «малика» жонини ҳовучлаб туради. Йиртқичнинг қорни тўйиб, нарироққа учиб кетмагунча, ариларнинг парвозини тақиқлаш тўғрисида фармон беради.

Бу ҳам ҳолва. Соқчиларнинг тажрибасизлиги, айрим ишчиларнинг бефаҳмлиги оқибатида гоҳида оилага варроа деган япон канаси кириб қолади. Ана шу бало — ўлатнинг ўзгинаси! Ҳукмдор бу зараркунанда ҳақида тасаввурга ҳам эга эмасди. Утган авлоду аждодлар варроа нималигини билишмаган. Утган йил уч-тўрттаси хонага кириб қолган экан, оила йил давомида азият чекди. Уша зараркунандани илаштириб келган лакалов арини лаънатлади, уни кўкда кўркунак еб кетмаганидан, бўри ёриб ташламаганидан афсусланди. Уша кунни эшик бўсағасида турган соқчиларга лаънатлар ёғдирди, лекин булар бари энди бефойда эди. Варроа каналари энг аввало исқирт эркак ариларга ёпишиб, уларнинг қонини сўраётган ва кўплаб насл урчиатаётган эди. Бу қонхўр илашган арилар худди саратон касали — ракка йўлиққан одамлардек ожизланиб қолишар ва кўп ўтмай нобуд бўлишарди.

Ариларни табиатан ўзига жуда дўст тутадиган асаларичи бир кун қопқоқни очди-ю, одатига кўра уларга сўз қотди.

— Эҳ, жониворлар, жониворлар, кана босибди-ку сизларни.

Хўжайиннинг ноумид бош чайқоганини кўриб, «малика» ўксиди. Чунки унинг ягона умиди хўжайиндан эди. Хўжайин ҳар қандай душмандан кучлироқ ва тадбиркорроқ.

Хўжайин бу гал ҳам тадбир қўллади. Кечқурун арилар жам бўлгач, эшикни беркитдию хонанинг полига газета тўшаб, қандайдир мослама билан унинг ичини исита бошлади. Арилар ҳеч қачон бунақа дўзахий иссиқликка дучор бўлмагандилар: ўлиб қолиш ҳеч гап эмасди. Вужудни қовурадиган қайноқ ҳароратдан, ҳаво етишмаётганидан ҳамма типирчилар, жон талвасасида у ёқдан-бу ёққа югуришарди. Лаънати варроаларга эса бундан ҳам қийинроқ бўлди. Иссиқликка бардош беролмай, беҳол бўлиб йиқила бошладилар. Зум ўтмай газетанинг бети чалажон варроаларга тўлиб кетди. Кейин хўжайин газетани оҳистагина олиб, зараркунанда-лар билан бирга ёқиб ташлади.

Оила енгил тортди. Энди соқчилар ҳушёр бўлиб турсалар, даракчилар, ишчилар лоқайдлик қилмасалар, бу даргоҳга бунақа бадният душманлар йўламаслиги турган гап.

«Малика» бари бир хавотирда яшайди. Даракчилардан ҳам унинг кўнгли унчалик тўқ эмас. Соқчи арилардек тажрибасизлик қилишади. Чунки улар ҳам ёш. Дунёга келиб икки-уч кун соқчилик қилгач, «малика» уларни даракчиликка ўтказган. Улар гулзорларни топишлари, ундаги гулширадан намуналар олиб келишлари керак. Айрим пайтларда арзимаган шарбат учун бир неча қақиримлаб йўл босишга тўғри келади.

Табиатда нима кўп — ўт кўп, гиёҳ кўп. Лекин уларнинг барида ҳам гул бўлавермайди. Айримларида гул бор-у, шарбат йўқ. Ари учун эса гули гулширага сероб боғлар, қийғос гуллаган бедазорлар, дори сепилмаган экин майдонлари керак.

Кўпинча, баҳорни гул фасли, дейишади. Аслида эса она табиат арини ёзда ҳам, ҳатто кузда ҳам озиқсиз қолдирмаслик тадбирларини тузиб қўйибди. Дов-дарохтлар гулини тўккандан кейин себаргалар, йўнғичқалар, ундан кейин эса янтоқ, оққуврай, кузга яқин кунгабоқар, ғўза гул кўрсатади. Хуллас, излаган бенасиб қолмайди. Фақат кунт ва меҳнат бўлса, бас. Гоҳида «малика» даракчи ариларда ана шундай хислатлар етишмаслигидан хуноб бўлади. Баъзан уларга ачинади ҳам. Чунки заводларнинг мўрилардан чиқаётган бадбўй тутун, тепадан сепиладиган турли дорилар уларни кўплаб нобуд қилади. Ҳаётнинг ана шундай ачиқ сабоқларидан татиб кўрган, оғир синовларга бардош берган даракчиларгина заҳматқаш ишчи ариларга айланишлари мумкин.

Ишчи ари! Асаларилар жамиятини аслида «малика» эмас, ана шу ишчи арилар тутиб турадилар. Оиладаги асосий юмуш, тирикчиликнинг жамики ташвишлари ана шу азаматлар зиммасида. Улар эрта тонгдан алламаҳалгача гулзорлардан гулшира ташийдилар. Ҳали уни бол деб бўлмайди. Гулшира томчисини гул чангига аралаштириб асал тайёрлаш учун тун бўйи ишлашга тўғри келади. Бундан ташқари асал жамғариш, тухум қўйиш учун қанчадан-қанча мумкатак тайёрлаш керак. Хонани тозалаш, жиҳозлаш, шамоллатиш, ҳароратини мўътадил қилиб туриш, ёш ариларни озиқлантириш сингари узлуксиз юмушларни айтмайсизми? Шунинг учун ҳам «малика» ишчи ариларнинг муттасил кўпайиб туришидан манфаатдор.

Лекин улардан огоҳ ҳам бўлиб туриш керак. Ногаҳоний бадкирдорликлар қилиб қўйишлари мумкин. «Малика» улардан ҳам хавотир тортиб, огоҳ бўлиб туради. Бирор кори ҳолдан норози бўлиб қолишса, турли низолар, дилси-ёҳликларни бошлаб юборишади. «Малика» ҳамиша ана шундай кўнгилсизликларнинг сабабларини ўрганади, уларнинг илдизини қирқиб туради. Жумладан, оилада янги малика пайдо бўлса, ишчи ариларнинг осойишталиги муқаррар тарзда бузилади, агар олди олинмаса, бу ҳол нохушликлар туғдиради: ишчи ариларнинг бир қисми янги «малика» тарафига ўтиб олади ва бол ҳам ташимай тўполон қилаверади. Ёдида: унинг ўзи ҳам худди шу аллоҳда ҳоқимият эгаси бўлиб қолганди. У мумкатақдан бош кўтариб чиққан заҳоти, эски ҳукмдордан норози бўлиб юрган ишчи ариларнинг бир қисми унинг томонига ўтиб олганди. «Кампир»нинг мижғовлиги, инжиқлиги уларнинг жон-жонига тегиб кетган бўлса ажаб эмас. «Ҳукмдори олий» бундай бўлишини кутмаган эди, албатта. Чуңки у ҳар куни оилани кузатиб чиқар, тахтга даъвогарлар учраб қолгудай бўлса, уларни мурғаклигидаёқ қатл қиларди. Бунинг устига оиладаги ҳар бир арини танир, вақтида уларга кўпдан-кўп яхшиликлар ҳам қилганди. Алам қилади-да: бутун умрингни, куч-қувватингни шу нонкўрларга бахшида этсанг-у, улар сенга қарши бош кўтариб туришса! Бевафо фалак деб шуни айтишса керак-да!

Ушанда у мураса йўлини танлади. Ўзига тегишли мулозимлар, содиқ ишчи ариларни эргаштириб, оилани тарқ этмоқчи бўлди. Чунки айна вазиятда ҳоқимият учун курашишдан кўра жонни сақлаб қолиш, қолган умрни бирор гўшада ҳаловат билан ўтказишни афзалроқ билди.

Исёнкор арилар ҳамон бетиним ғовуллалар, кўзлари совуқ йилтилар, мақсад-муддаолари қоронғу эди. Собиқ ҳукмдор ўкинч оғушида мулозимлари кўршовида эшик томон йўл олди. Аммо бу ерда кутилмаган жуда кўнгилсиз ҳол юз берди. Аллақачон навқирон ва соҳибжамол «малика»га сотилган, унинг фармони билан иш тутишга ўтган соқчилар «малика»нинг йўлини тўсдилар. Кекса «малика» бундан сесканиб кетди. У орқага қайтишни ҳам, ташқарига чиқишни ҳам билмай турганда, бир исёнкор ногаҳон унга ташланиб қолди ва кўкрагига найза санчди. Кейин яна бири... яна... Алвидо, ҳаёт!

Эрталаб индан хабар олган хўжайин янги «малика»ни кўриб қувонди.

— Ие, янгилик-ку! Бечора «кампир»...

Унинг нигоҳларида ачиниш ҳам, мамнунлик аломатлари ҳам зоҳир эди. Бу — табиий: у садоқат билан хизмат қилди, унинг раҳбарлигида озмунча асал олинмади. Лекин у энди кексайиб-қартайган: кўп тухум қўёлмас, тез ҳориб қоларди. Оилага ишчан, талабчан, навқирон раҳбар керак эди. Ҳа, навқирон «малика» ана шу зарурият юзасидан дунёга келди ва ҳукмдор бўлиб қолди. Дастлабки кунлари у ишлаган эмас. Оила, ундаги арилар билан танишди, режалар тузди. Кейин эса ғайрат билан тухум қўйишга киришди. Бундан кўзда тутилган муддао наслни кўпайтириш эди. Чунки насл қанчалик кўп бўлса, шунчалик мўл асал тўплаш мумкин-да! Асал етарли бўлса хўжайин ҳам мамнун, оила ҳам тинч.

Лекин йиллар ўтиб, ютуқлари ва хатоларини чуқурроқ ҳис этадиган бўлди. У дастлабки йилларда хўжайинга сидқидилдан эътиқод қўйди, уни жами ариларнинг такаюҳи деб билди, унга садоқат билан хизмат қилишни ҳам қарз, ҳам фарз деб ҳисоблади. Аммо биринчи йилиёқ кузга келиб, ундан кўнгли бироз ранжиди. Чунки арилар йил давомида не-не азобларда йиққан болни у ўта хасислик билан тортиб олди. Лоақал чорагини қолдирса ҳам оила саркорига қишлоқ ваҳимаси тушмасди. Бирор томчи ҳам қолдирмай сидириб олди, нобакор!

Қаршилик кўрсатмоқчи бўлган ишчи арилар нобуд бўлишди. Оилада нохушлик, норозилик бошланди. У бўлса аросатда қолди. Бир ёқда хўжайин, бир ёқда арилар. Хайтовур хўжайин андак инсофга келди. Эртаси шакардан сунъий асал тайёрлаб, арихонага қўйди. Малика ҳам, арилар ҳам қишлоғга етадиган озиқни кўриб таскин топишди. Лекин унда асалнинг таъми ҳам, ҳиди ҳам, қуввати ҳам йўқ эди. Шунинг учун ҳам баҳорга бориб, оила жуда кучсизланиб қолди, ишчи арилар кўплаб нобуд бўла бошладилар.

Эҳ, хўжайин, хўжайин! Тушуниб бўлмайди уни. Меҳрибонлигини ёки қаттиққўллигини ҳам, сахийлиги ёки хасислигини ҳам билиб бўлмайди. Баъзида ундан кўра шафқатлиси йўқ: каналарни қиради, иннинг ичида иссиқ, юмшоқ кўрпачалар тўшайди, ён-теграда гулшира камайиб қолганда, бошқа гулзорларга кўчиради, оила йириклашиб кетганда низоларга йўл бермай, уни иккига ажратади. Айрим пайтларда эса... Авваллари у хонадаги асални олиш билан қаноатланарди. Кейинчалик арилар уянинг тирқишларини беркитиш учун не-не машаққатларда ташиб келадиган прополисларни ҳам пичоқ билан қиртишлаб олишга одатланди. У ҳам майли: ҳозир катаклар тубидаги озгина асалари сутига ҳам кўз олайтирадиган бўлган. Ана шу сут бўлмаса, катакдаги тухумлар вояга етмайди. Шунини кўра била туриб, навқирон авлоднинг насибасини қирқиш инсофдан эмас-да!

Буларнинг барига пул деб аталадиган ўша увада қоғоз айбдор. Одамлар прополис ва асалари сутини турли яралар, юрак, жигар хасталиклари каби юзлаб касалликларни даволашда бебаҳо эканлигини билиб қолишгандан бери аҳвол шу. Йўқ, хўжайин одамлар соғлигини ўйлаб, бу неъматларни ўмармайди. У негадир пул тўплаш ишқига тушиб қолган.

Бугун тушдан кейин базми жамшид белгиланган. Шунинг учун ҳам «малика» ишни жадаллаштирди ва белгиланган вақтда катакларни тарк этиб, пастга тушди. Бу ерда уни бир неча эркак мулозимлар кутиб туришади.

«Хукмдор» табиатан эркак ариларни ёқтирмайди. Ўзингиз ўйлаб кўринг: оиладаги бирор юмушга қўл урмагандан кейин қандай қилиб ёқтирсин?! Бол ташишда иштирок этишмайди, лекин ҳаммадан кўпроқ асал ейишади, уй қуришда қатнашишмайди, аммо ҳаммадан каттароқ уй талаб қилишади. «Малика» ҳар гал уларни камайитишни ўйлади-ю, аммо базми жамшиддан кейин қарорини унутди.

Ана, эркак арилар «малика»га асал ялатиш, уни эркалаш, силаб-сийпашни бошлаб юборишди. Сўнг эркак арилар ташқарига йўл бошлади. У эркак арилар қуршовида ва ҳимоясида гулзор томон парвоз қилди. Кўп ўтмай гулзорлар барқ уриб очилган, мажнунтоллар шивирлаб қўшиқ айтаётган манзилгоҳга етиб келишди. Ҳадемай базм бошланди. Маст ва беғам эркакларнинг шовқинлари авжига чиқа бошлади. Бу кайфият «маликага» ҳам юқди ва беихтиёр базмга жўр бўлди.

Ҳадемай шом қўна бошлади. Салтанат эгаси оила аъзоларини яна бир бор назардан кечирди. Гарчанд арилар тўпланиб бўлишса ҳамки, аллақандай хавотирланиш, ҳадиксираш билан хобгоҳ томон йўл олди.

Тоштемир Ўнгбоев,
Ўзбекистон Травматология ва ортопедия
илмий-текшириш институти директори, меди-
цина фанлари доктори.

Туроб Ҳасанов,
медицина фанлари кандидати.

ИЧКИЛИК – УМР ЗАВОЛИ

КПССнинг Янги таҳрирдаги Программасида совет кишилари соғлигини мустаҳкамлаш, уларнинг фаол умрини узайтириш жуда муҳимлиги таъкидланиб, ичкиликбозликка изчил ва қатъият билан барҳам беришга жиддий эътибор қаратилган. Бизнингча, ҳар биримиз ҳам ана шу давр талабларидан келиб чиқадиган ҳолда шикастланиш, алкоголизм ва бошқа касалликларни камайтириш, уларнинг олдини олиш борасида янада фаол ва янги услубда ишлашимиз лозим.

Совет Иттифоқи Коммунистик партия Марказий Комитетининг «Ичкиликбозлик ва алкоголизмни бартараф этиш тадбирлари тўғрисида» қабул қилган қарорида ичкиликнинг ижтимоий-маънавий зиёни, кишилар саломатлигига ва турмуш тарзига ғоят зарарли эканлигини ҳамда бу сарқитга барҳам бериш чоратадбирларини аниқ ва равшан белгилаб берди. Ичкиликбозликка қарши кураш тадбирларини изчиллик билан амалга ошириш, шу мақсадда давлат, хўжалик органларининг партия, жамоат ташкилотларининг куч-ғайратларини бирлаштириш ҳамда алкоголизмга қарши ташвиқотни хусусан медицина фани соҳасида авж олдириш зарурлиги ҳақида алоҳида тўхталиб ўтилди.

Коммунистик қурилиш муваффақиятли олиб борилаётган ҳозирги кунда ичкиликбозликнинг ҳамон ҳукм сураётгани чидаб бўлмас бир ҳолдир. Ичкиликбозлик меҳнаткашлар соғлигига катта зарар келтиради, у силоларнинг бузилиб кетишига олиб келади, бола тарбиясига ёмон таъсир кўрсатади. Алкоголь таъсирида кишида масъулият ҳисси йўқолади, натижада безорилик ва бошқа

Ичкиликбозликни ҳар бир даврда ҳар бир халқнинг етук мутафаккирларигина эмас, балки ана шу барча даврларнинг меҳнаткаш оммаси ҳам ҳамиша қоралаб келган. КПСС Марказий Комитетининг «Ичкиликбозлик ва алкоголизмни бартараф этиш тадбирлари тўғрисида»ги тарихий қарори мамлакатимизда ичкиликбозликка қарши кураш йўлида ғоят муҳим аҳамият касб этди. Бу тадбир кенг жамоатчилик томонидан зўр мамнуният билан қўллаб-қувватланди.

Ушбу сонда «Бир қултум фожиаси» рубрикаси остида берилаётган мақолалар, асосан, тиббий мавзуда бўлиб, уларда майнинг инсон саломатлигига етказадиган зиён-заҳмати рўй-рост очиб берилган.

ахлоқий бузуқликлар содир бўлади. Ичкиликбозлик ишлаб чиқаришда меҳнат интизомининг бузилишига, прогулга, аварияга, йўлларда турли фалокатлар юз беришига ва ҳатто ўлимга ҳам сабаб бўлади.

Пролетариатнинг улуғ доҳийси В. И. Ленин ичкиликбозлик тўғрисида шундай деган эди: «...пролетариат юксалиб бораётган синфдир. У ўз ҳисларини ўтмаслаштирадиган ёки кўзғатиб юборадиган мастлик ҳолатига муҳтож эмас, унга ҳушёрлик, ҳушёрлик ва яна ҳушёрлик даркор».

Олимларнинг аниқлашича, қондаги алкоголь концентрацияси жуда оз миқдорда бўлганда ҳам машина ҳайдовчиларнинг ҳушёрлиги кескин камаяди. Йўлларда содир бўладиган автомобиль ҳалокатининг асосий сабаби ҳайдовчи реакциясининг сусайишидир. Ичиб олган кишининг рулда уйқуси келади, йўлдаги белгиларга эътибор қилмайди, хавфни сезмайди, натижада авария қилади.

Мастлик ҳолатида жароҳатланганлар орасида суяк синиши, мия чайқалиши, бошқа аъзоларнинг жуда оғир шикастланишлари кўп учрайди. Спиртли ичимликларни суистеъмол қиладиган кишиларда суяк битиши қийинроқ бўлади, суяк кўпинча кеч битади ёки битмай қолиши ҳам мумкин.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг (ВОЗ) маълумотига кўра, ҳар йили жаҳон автомобиль йўлларида 8 миллиондан ортиқ киши жароҳатланади, шундан 300 мингдан кўпи ҳалок бўлади. 500 мингдан кўпи меҳнатга яроқсизланиб қолади.

Республика Давлат автоинспекцияси (ГАИ)нинг маълумотига қараганда, ҳозирги вақтда бутун автомобилдан шикастланишнинг 14,5 фоизи спиртли ичимлик ичганлар ичида юз берса, шикастланганларнинг 20 фоизи ўлимга маҳкум бўлади, автомобилдан шикастланишнинг 30 фоизи эса хусусий автомашина ҳайдовчиларининг маст ҳолда автомобиль бошқарганлари туфайли кечади.

Кўрилган тадбирлар натижасида 1985 йили ўтган йилга нисбатан алкоголь таъсирида йўл транспорти тасодифи 6,3 фоиз, йўл транспорти тасодифи оқибатида шикастланишлар 5,1 фоиз ва нобуд бўлганлар 23,6 фоиз камайган.

Институтимиз маълумотига кўра, бу йил ўтган йилга нисбатан травматологик пунктимизда ичкилик туфайли шикастланиб даволанган беморлар 7,5 фоиз, клиникаларимизда даволанганлар эса 8 фоиз камайган.

Ичкиликбозликка қарши курашни янада кучайтириш тадбирлари юзасидан катта ташкилий ва амалий ишлар йўлга қўйилганлиги туфайли Москва шаҳрида Бутуниттифоқ ҳушёрлик учун кураш кўнгилли жамиятининг марказий совети тузилди. Бундан жамиятлар республикаимизнинг область, шаҳар ва районларида ҳам ташкил топди. Тошкент шаҳрида ҳушёрлик учун кураш жамияти раислигига Урта Осиё Педиатрия медицина институти ректори В. Мажидов сайланди. СССР Соғлиқни сақлаш министрлигида эса махсус наркологи бўлим ташкил этилди. Шунингдек, алкоголизмга қарши илмий ишларни ривожлантириш учун Бутуниттифоқ Ичкиликбозлик ва алкоголизмнинг олдини олиш медико-биологик илмий тадқиқот институти очилди.

Алкоголизмни даволашда Москва шаҳри бош наркологи Э. Дроздов: «Энг таъсирли дори бу меҳнатдир», деб ёзди. Бунда алкоголь касалига учраган бемор кундуз куни завод ёки фабрикада ишлаб, кечқурун уйга эмас, шифохонага қайтади ва у ерда даволаниб яна ишга боради, ана шу йўл билан 25 фоиз бемор соғайиб кетади ва ўз иш фаолиятини тиклайди.

Шуни айтиш керакки, ҳамон кишилар маст ҳолда шикастланиб шифохоналарга тушмоқдалар. Фикримизнинг далили учун қуйидаги беморларни мисол тариқасида келтирамиз.

1. Андрей, 24 ёшда. У Тошкент шаҳар Куйбишев районида яшайди. Ҳеч қаерда ишламайди, у ўзининг мастлиги оқибатида бинонинг иккинчи қаватидан қулаб тушган, натижада унинг болдир суяклари синган.

2. Михаил, 40 ёшда. У Тошкент область Ҳалаба районида истиқомат қилади, ҳеч қаерда ишламайди. Маст ҳолда йўлни ҳаракат қоидасига риоя қилмай кесиб ўтаётганда, уни «Жигули» машинаси уриб кетган ва болдир, қўл суяклари синган. Ҳозир институт қошида даволанмоқда, энди у бир неча ой меҳнатга ярамайди.

3. 38 ёшли Жуманазар ўз шахсий машинасида катта тезликда елиб, йўлдан чиқиб кетади ва кўча четидаги иморатга урилади. Уни жуда оғир аҳволда шифохонага олиб келишди. Унинг калла суяги, қовурғалари синиб, ички аъзолари қаттиқ шикастланган эди, врачларнинг берган ёрдамига қарамай, у шифохонада жароҳат оғирлиги туфайли жон берди.

Йўл тасодифларини бартараф этиш учун республика ГАИ бошқармаси қошида институтимиз врачлари иштирокида махсус бригада тузилди, улар йўл транспорти шикастланишларининг олдини олиш борасида тадбирлар белгилаб, йўлда спиртли ичимлик истеъмол қилган ҳайдовчиларни аниқлайдилар, бу эса ҳайдовчиларни маст ҳолда машина бошқаришдан сақлайди. Алкоголизм ва травматизмнинг олдини олиш борасида институтимизда қуйидаги тадбирларни амалга оширмоқдамиз: булар — коллектив ўртасида тарбиявий иш олиб бориш, шифохонада

даволанаётган беморлар ўртасида санитария ва маориф ишларини кучайтириш, ҳар бир шифохонага маст ҳолда тушган беморнинг иш жойига ва уйига махсус — алкоголь ичимлиги таъсирида шикастланиш оқибатини кўрсатиб хат ёзишдан иборатдир.

Шунингдек, алкоголизм ва травматизмнинг олдини олиш оммавий бўлиши, ГАИ ва медицина ходимлари, Қизил Ярим Ой жамияти аъзолари ташкилий ва оммавий ишлар билан мунтазам шуғулланишлари ҳам мақсадга мувофиқдир деб ўйлаймиз.

Носир Қосимов,

Улка Медицина илмий-текшириш институти
клиника бўлими мудир,
медицина фанлари кандидати

ИЧКИЛИК ҚАНДАЙ КЕЛИБ ЧИҚҚАН?

Партия ва ҳукуратимиз совет халқининг соғлиғини яхшилаш учун тинмай ғамхўрлик қилмоқда, меҳнаткашларнинг моддий-маиший фаровонлигини янада яхшилаш учун катта ишларни амалга оширмоқда. Социалистик мамлакатимизда алкоголизмнинг ижтимоий илдизи тугатилган бўлсада, жамиятимизда бу иллатга мубтало бўлган кишилар учраб туради. Шунинг учун ҳам ичкилик касали медицинанинг асосий муаммоларидан бири бўлиб келмоқда. Шундай экан, ичкиликка қарши курашиш ва унинг салбий оқибатларга олиб борувчи омилларини йўқ қилиш зарур.

Ичкиликнинг ўзига хос тарихи бўлиб, ибтидоий жамоа давридаёқ ҳар хил спиртли ичимликларни тайёрлашган. Совет археологларининг аниқлашича, ўша вақтда одамлар ичкилик тайёрлашнинг турли йўллари билганлар. Қўлдорлик даврида ҳам халқ орасида вино кенг тарқалган. Қадим замонларда турли халқлар ичкилик ичишни ва тайёрлашни дин билан боғлаб, кимки ичкилик ичиб кайф қилиб юрса, худолар ҳаётига яқинлашади, деган ақидага ишонганлар. Ичкиликни турли мевалар ва узум, арпа, буғдой, картошка, асал каби маҳсулотлардан тайёрлаганлар. Ўрта асрларда алхимиклар томонидан таъми аччиқ, ҳиди ўткир, рангсиз суюқлик олинди. Бу суюқликнинг дилни хушнуд қилувчи ва кўзғатувчи хоссага эга бўлганлиги сабабли «Аква-Вита» деб атадилар. (Лотинча бу сўзнинг маъноси «ҳаёт суви», демасдир). Сув билан спирт аралашмасининг «Ҳаёт суви» деб юритилиши бежиз эмас эди. Чунки бу суюқлик вабога қарши дори-дармон сифатида кенг қўлланилган эди. Орадан анча вақт ўтгач, бу суюқликни «Ажал ва кулфат» суви деб атадилар. Ичкилик чиндан ҳам маккор хусусиятга эга бўлиб, инсон бошига кўп оғир мусибатлар келтирган эди.

Бошқа алхимиклар ҳам спирт олиш усулини билиб олишгандан кейин «Спирт» сўзи халқ орасида кенг тарқалди. («Спирт» лотинча сўз бўлиб, — нафас олаяпман, деган маънони билдиради.) Шунинг учун халқ орасида спиртли ичимликлар соғлиқ келтиради, дардни енгиллаштиради, касалликка қарши курашади, деган фикр ва мулоҳазалар юради. Буюк аллома Абу Али ибн Сино ичкиликнинг саломатликка ҳар томонлама зарар эканлигини айтган эди. Қадимги Хитойда майхўрларнинг қатл этилгани хусусида маълумотлар бор. Ҳиндистонда эса ичкилик давлат қонуни билан ман этилган. Урта асрларда Англияда ичкилик ичиб маст ҳолда қолган кишиларни махсус кийим кийгизиб ва пешонасига «ичкиликбоз» деб ёзиб қўйиб, кўчаларда сазойи қилганлар. Буни кўрган одамлар лаънатлар ўқиб, улардан ҳазар қилганлар. Капиталистик мамлакатларда ичкиликдан қурол сифатида фойдаланиб келишган. Негаки, монополичилар халқнинг ичкилик ичишидан жуда катта манфаат кўришган. Чор Россияси даврида халқнинг аҳволи оғир, маданияти паст, эзиш авжига чиққанлиги учун омма ичкиликка ружу қўйган. Ҳатто Екатерина II ўз даврида «ичкиликбозлар устидан ҳукмронлик қилиш осонроқ», деб айтган эди. У қовоқхоналарни кўплаб очиш ҳамда спиртли ичимликларни мўл-кўл ишлаб чиқаришни буюрган. Россия халқига 1908—1912 йилларда 440 миллион челақ ароқ сотилган бўлиб, умумдавлат даромадининг учдан бир қисмини ташкил этган.

Шу сабабли бундан келган даромад «ичкилик бюджети» деб бекорга ном олмаган. Улуғ Октябрь инқилобидан кейин совет давлатининг илк кунларидаёқ

ичкиликка қарши қаттиқ кураш олиб борилди. 1919 йили партиямизнинг VIII съезди доҳиймиз В. И. Ленин раҳбарлигида очилди. Доҳий таклифи билан съезд кун тартибига сил ва таносил касалликларига қарши курашиш билан бир қаторда ичкиликка қарши ўт очиш масаласи қўйилди.

И. В. Павлов: «Вино одамларга севинчдан кўра, кўпроқ ғам-ташвиш келтиради. Ҳолбуки, уни дилни ёзиш мақсадида ичишади», деб жуда тўғри айтган эди. Этил спирти, умуман алкоголь заҳар ҳисобланган наркотик группаларга кириб, барча тирик организмга зарарли таъсир кўрсатад... Тажриба қилиб кўрилганда, унинг ҳатто ҳайвонот ва ўсимликлар дунёсига ҳам зарарли таъсир кўрсатиши аниқланган. Атоқли олим И. М. Догель алкогольнинг турли ҳайвон ва қушларга таъсир қилишини ўрганиб, шундай хулосага келди: алкоголь одам аъзои баданига қандай таъсир қилса, қушлар ва ҳайвонларга ҳам шундай таъсир кўрсатади. Машҳур физиолог В. Я. Данилевский алкогольнинг одам организмга таъсирдан хулосага келиб, алкоголь ўз навбатида руҳий сферага, сўнгра сезги ва ниҳоят ҳаракат сферасига таъсир қилишини кўрсатди. Баъзилар спиртли ичимликларни оз-оздан ичса зарар келтирмайди, деб ўйлашади. Бу — нотўғри. Озми-кўпми, бари бир ичкиликнинг барча турлари организм учун зарарлидир. Ичкилик иштаҳани очади ҳамда ақлий, жисмоний қобилиятни оширади, деган даъволар ҳам ғайриилмийдир. Медицина илми ва амалиётида аслида бунинг аксинча натижа бериши аллақачон исботланган.

Маълумки, ақл-заковат ҳеч қачон ичкиликни ёқлаган эмас. Гёте ўзининг кундаликларида: «Агар одамлар спиртли ичимликларни камроқ ичганда, инсоният жуда катта ютуқларга эришган бўлар эди», деб ёзиб қолдирган. Машҳур олим Гельмгольц: «Спиртли ичимликларнинг озгинаси ҳам ғояларнинг пайдо бўлишига тўсқинлик қилади. Уларни мияга келган заҳотиёқ йўққа чиқаради», деб айтган эди. Л. Н. Толстой: «Вино одамни ярамас ишлар қилишга анча мойил этиб қўяди. Маст одамда ахлоқ, одоб, тарбия бўлмайди», деб ўқдирган.

Дарҳақиқат, биз тарихга ва ҳозирги замонга назар солсак, ичкилик ҳеч кимга ҳеч қачон адолат, камолот ва яхшилик келтирмаган. Ичкилик туфайли, унинг салбий оқибатларида қанча-қанча кишиларнинг умри хазон бўлган, оналар, болалар, хотинлар кўзёши тўкиб фарёд чекканлар. Кўплаб истеъдод эгаларининг умри эговланган. Ичкилик туфайли йўл транспортларида қанчадан-қанча фалокатлар, авариялар юз берган. Завод ва фабрикаларда, қишлоқ хўжалигида брак ва камчиликларга йўл қўйилиши, ҳатто жиноят содир бўлиши ҳам ана шундан. Ичкилик ичган кишилар фақат ўзларига ғам-ташвиш келтирмасдан оила аъзоларига, ҳамкасбларига, жамоатга ҳам катта зарар етказади.

Сўнги ўн йил ичида тараққий этган давлатларда хотин-қизлар орасида сурункали ичкиликбозлик авж олди. Ичкилик хотин-қизлар орасида жиддий ва оғир асорат қолдириб, оғир мусибатларга, турли касалликларга олиб келиши турган гап. «Эр ичса — уйнинг ярми куяди, хотин ичса уй хонавайрон бўлади», деб халқ бежиз айтмаган.

Майхўрлик қандай ёмон оқибатларга олиб боришини асло эсдан чиқармаслик керак.

Худоёр Алимов,
ТошМининг психиатрия кафедраси мудири,
медицина фанлари доктори, профессор

МАЙГА МАЙЛ ҚЎЙГАНДА...

Касалликнинг келиб чиқишида, шахс руҳий ҳолатининг ҳам ўрни катта. Кўпинча, арақхўрлар ўртасида ақли заиф, иродаси суст, ялқов, қийинчиликларга бардош бера олмайдиган кишилар учрайди. Ичкиликка мубтало бўлиб, бу оғуни муттасил истеъмом қила бошлаган ҳар қандай бақувват, соғлом, руҳи тетик одам ҳам аста-секин бирор касалликка чалинмай қолмайди. Алкоголь таркибидаги этанол заҳардан ҳам кучли бўлиб, киши организмга салбий таъсир этади. Биринчи навбатда ошқозон, ичак, жигар, юрак, ўпка, буйрак ва бош мия каби муҳим аъзолар хасталикка йўлиқади. Бу муҳим аъзоларни батамом соғайтириш эса осон кўчмайди. Ичкиликбозлик оқибатида оиланинг моддий ва маънавий зарар кўри-

ши, наслга зиён қилиши, қолаверса, жамиятимиз равнақиға путур етиши кўпчиликка маълум, албатта.

Ичкиликбозлардаги бир қатор ўзгаришлар ҳақида гап борганда, шуни айтиш керакки, бундай товланишларнинг даражаси майхўрларнинг ёшига, жинсига, миждозига ва бир қанча шунга ўхшаш омилларга боғлиқ. Масалан, болаларда ва хотин-қизларда сархушлик, тўғрироғи, хасталик тез ривожланиб, оғирроқ кечади.

Ичкиликбозликнинг бошланғич даврини билиш қийин, унинг аломатлари арақхўр ва атрофдагилар учун ҳам сезиларсиз бўлади. Секин-аста ичкилик миқдори ортиб боради. Энди арақхўр ичкиликни қўмсайдиган бўлиб, тартибсиз усулда тез-тез истеъмол қилишга ўтади. Илгарилари ичиш маълум сабаблар билан боғланган ҳолда бўлса, кейинчалик енгил-елпи баҳоналар туфайли ҳам ичилаверади. Бора-бора майга мойиллик пайдо бўлади ва ичмаса кайфияти бузила бошлайди. Арақхўр касалликнинг бошланғич даврида яққа ҳолда ичишга ҳам ўтади. Сўнги кунларда арақхўр асабийлашади, ўзида ланжлик ҳис этади. Қилада сабабсиз жанжаллар чиқаради. Бу — ичкиликбозликнинг бошланғич зарари ҳисобланади, аммо хасталикни ҳали аниқлаб бўлмайди.

Иккинчи босқичда кўрсатилган аломатлар кўпайиши билан бирга толерантлик ортади ва бош оғриғи ёки хуморлик ҳолати юзага келади. Ичкиликнинг эртаси лоҳаслик, юрак уришининг тезлашиши, баданда қалтироқ аломатлари кузатилади, руҳ тушиб, кўнгилда шубҳа, хавотирлик ва қўрқув ҳислари пайдо бўлади, уйку бузилади. Бу нохуш ҳолатдан халос бўлиш учун арақхўр яна ичишга тутинади. Ичкиликка бўлган руҳий ташналик очлик ва ҳирс туйғуларидан ҳам кучли экани ҳақида далиллар мавжуд. Мана шу, иккинчи босқичда ўқтин-ўқтин руҳий ўзгаришлар — психозлар кузатилиши мумкин. Ундан ташқари узлуксиз кечадиган бир қанча руҳий ўзгаришлар юз беради. Майхўрда мақтанчоқлик кайфияти оустн келиб, ўзига танқидий қарай олмайди. Масыулият ҳисси камаяди, оилага ғамхўрлик, хизматга интизом сусаяди. Ичкиликка муккасидан кетиш оқибатида ёлғон гапириб, қарз олади ҳамда болаларнинг кийим-кечагини, рўзғор буюмларини сотиб, пулига арақ олиб ичади.

Хасталикнинг сўнги босқичида ҳам эслатилган аломатлар янада ўткирлашади ва тағин бир қанча касалликнинг янги белгилари кўринади. Талайгина аъзоларнинг функцияси бузилади. Ичкиликка толерантлик камаяди. Беморлар бир неча кун сурункасига ичиб, кейин камроқ ёки бутунлай ичкилик ичишни тўхтатишлари мумкин.

Ахлоқий, руҳий ўзгаришлар билан бир қаторда, майхўрнинг иш қобилияти пасаяди, хотираси сусаяди, ақли ва идроки заифлашади. Ундан ташқари бундай кимсанинг фикр-мулоҳазаси саязлашиб, ўз хатти-ҳаракатини танқидий баҳолай олмайди. Ижодий ишларга қобилияти бутунлай пасайиб кетади. Шунингдек, майхўрда узоқ кечадиган руҳий бузилишлар—психозларнинг узоқ давом этадиган турлари—галлюциноз, параноид ва бошқа шакллари пайдо бўлади.

Бундай беморларни даволашнинг услублари ва яхши натижа берадиган доридармонлар кўп. Хасталикнинг даврига, беморнинг ёшига, жинсига, оилавий шароитига ва бошқа сабабларга қараб, амбулатория ёки стационар муолажа белгиланади. Амбулатория шароити махсус наркологиа диспансерларида яратилади. Стационар услуб эса наркологиа ёки психиатрия шифоналарида амалга оширилади. Касалликнинг сўнги давларида ва беморлар даволанишдан бош тортганларида, улар меҳнат билан даволаниш профилакторияларига юборилади. Бу ерда суд ҳукмига кўра, 1,5—2 йилгача ёпиқ шароитда даволаш билан бирга меҳнат тарбияси ҳам қўшиб олиб борилади.

Кейинги йилларда Иттифоқимизда махсус махфий наркологиа кабинетлари,

● ИЧКИЛИК — ИЖТИМОИЙ ИЛЛАТ ●

...пролетариат юксалиб бораётган синфдир. У ўз ҳисларини ўтмаслаштирадиган ёки қўзғатиб юборадиган мастлик ҳолатига муҳтож эмас, унга ҳушёрлик, ҳушёрлик ва яна ҳушёрлик керак.

В. И. Ленин

Партия меҳнат интизомининг бузилишига, ўғрилик ва порахўрлик, чайқовчилик ва текинхўрликка, ичкиликбозлик ва безориликка, хусусий мулкчилик психологияси ва таъмагирликка, лаганбардорликка ва хушомадгўйликка изчил ва қатъият билан барҳам беришга

биринчи даражали эътибор беради. Бу иллатларга қарши курашиш учун жамоатчилик фикри, обрўсидан ҳам, қонун кучидан ҳам тўла-тўқис фойдаланиш лозим.

КПСС Программасидан

Мастлик — ўз хоҳиши-ла жинни бўлишдир.

Гиппократ

Биликли фўр ичса биликсиз бўлур,
Биликсиз фўр ичса адно на қилур.
Юсуф Хос Хожиб

диспансерлари ташкил этилди. Булар «аноним кабинетлар» деб юритилади ва даволаш ишлари учун маълум миқдорда пул тўланади. Бу муассасаларда беморнинг шахси суриштирилмайди ва ҳеч қандай улар тўғрисида расмий идораларга маълумот ҳам бермайдилар.

Қадимий табобатнинг аънанасида касалликни даволашга нисбатан унинг олдини олиш, яъни профилактика қилиш осон деб қаралган. Ибн Синонинг «Тиб қонунлари»да бу қоида қайта-қайта уқтирилган. Совет медицинамиз ҳам ана шу азалий аънага катта эътибор бериб келмоқда.

КПСС Марказий Комитетининг «Ичкиликбозлик ва алкоголизмни бартараф этиш тадбирлари тўғрисида»ги қароридан профилактика масаласига ҳам алоҳида эътибор берилган. Албатта, профилактика тадбирлари билан фақат медицина ходимлари эмас, балки бутун жамоатчилик ҳам шуғулланиши керак.

Атовулла Оқилов,

Ўзбекистон Медицина генетикаси жамияти раиси, Урта Осиё Медицина педиатрия институти биология ва ирсият кафедраси мудир, биология фанлари доктори, профессор

ИРСИЯТГА ПУТУР ЕТАДИ

Тарихий қарор совет кишининг сиҳат-саломатлиги, унинг фаровон ҳаёти, ажойиб келажagini янада яхшилаш борасидаги ғамхўрликнинг ёрқин ифодасидир. Мамлакатимизнинг барча меҳнаткашлари Коммунистик партиямизнинг бу эзгу тадбирини жуда зўр мамнуният билан қўллаб-қувватладилар.

Дарҳақиқат, ичкиликнинг оғу, бахт ўғриси, жиноятлар ва кулфатлар манбаи, ризқимиз кушандаси эканлиги ҳақида жуда қадимдан донолар, олим фозиллар ўз дурдона фикрларини айтиб ўтганлар. Қомусий аллома, дунё тиббиёт фанига улкан ҳисса қўшган Абу Али ибн Сино ўзининг кўп жилдлик «Тиб қонунлари»да «ҳар қандай шароб, унинг тури, қолаверса, миқдоридан қатъий назар инсон танасига қайтариб бўлмас зарар келтиради, инсон учун бебаҳо ҳисобланмиш — унинг зурриётини ҳам заҳарловчи омилдир», деган фикрларни ёзиб қолдирган. Улуғ мутафаккир Алишер Навоий ҳам ўзининг адабий меросларида ичкиликнинг оғу эканлигини қайд этиб ўтган.

Тиббиёт илми тарихига назар ташласак, улуғ рус олимлари С. П. Боткин, И. И. Мечников, И. М. Сеченов, И. П. Павлов ва бошқалар ўзларининг кўп қиррали ижодларида, илмий-амалий изланишларида ичкиликнинг айрим аъзолар, тўқималар, системаларга заҳарли таъсирини исбот қилганлар.

Медицина илмининг вакили, қолаверса, одам ирсияти мутахассиси сифатида баъзан шаҳар ва областларимиз туғруқхоналарида, болалар касалхоналарида бўлишимга, туғма камчиликлар, ногирон чақалоқлар ва ёш болаларни консултация қилишимга тўғри келади. Баъзан қаршимда тил-забонсиз, анқов, ақли паст,

● ИЧКИЛИК — ИЖТИМОИЙ ИЛЛАТ ●

Ичган кишида шароб ғалаба қилса, ундан ақл кетади.

Маст кишидан ақл, ҳаё ва сабр кетади. Модомики, инсон шулардан ажралар экан, одамгарчиликдан чиқади.

Шароб заҳарларнинг бири. Агар оч юрган киши овқат ва ичкиликлардан ҳаддан ташқари истеъмо қилса, уларнинг ҳаммаси заҳарга айланади.

Ақлли киши наҳорда шароб ичишдан сақланади.

Мияси кучсиз киши тез маст бўлади. Шаробнинг зарари кўпроқ мияга уради.

Ичган киши сабабсиз севинади, деб ўйлаш беҳудадир.

Абу Али ибн Сино

Мастликни шохид этиб ақл тамом ишонадики, ичкиликнинг оқибати билниҳоя кўрқинчлидир.

Ичкилик — ақлнинг душманидир, қўлига қилич олиб инсонлар устидан жангсиз ғалаба қилади, ҳеч ким муқобила этолмайди.

туғма кўр (кўзи ожиз), қўл-оёқлари мажрух, туғма юрак хасталигига дучор — ўз аянчли аҳволи учун ўзи заррача айбдор бўлмаган, қисмати мушкул бемор болалар туради. Улар ота-оналарининг нажот сўраб, кўзлари жавдираб турганини кўриб, изтироб чекасан, киши.

Медицина муассасаларида кўпинча анча йил оилавий ҳаёт қуриб, фарзанд кўрмаган эр-хотинларни қабул қилишга, уларни ҳам шу мушкул аҳволдан қутқариш учун нажот калитини ахтаришга тўғри келади. Биз, шифокорлар ҳар бир касалликка тиббий муолажа ахтаришдан аввал унинг содир бўлиш сабабларини изчил ва муфассал ўрганиб чиқишга ҳаракат қиламиз. Бинобарин, касаллик сабаби пухта ўрганилса, даво чоралари ҳам тезда самарали натижалар беради. Ҳали эслатиб ўтганимиз туғма нуқсонли фарзандлар туғилишида ҳам, хусусан, бефарзандликнинг негизиде ҳам, кўп ҳолларда асосий омил — ичкилик ётади. Шу бегуноҳ фарзандларнинг туғма нуқсонли бўлишига деярли муттасил ичиб юрган оталар сабабчи эканлиги маълум.

Олимларимизнинг морфологик, цитологик, биохимик, генетик илмий изланишлари исботлашича, ичкилик инсон организмни, барча аъзо, тўқима ва ҳужайраларни бир хилда заҳарлаб улгуради. Ичкилик ҳаётини зарур аъзолар: бош мия, юрак, жигар, меъда-ичак, буйрак, эшитув, кўрув аъзоларига салбий таъсир этибгина қолмай, балки одам наслига, унинг ирсиятига ҳам зиён-заҳмат етказди.

Олимларимизнинг махсус илмий текширувларига қараганда, бир бора истеъмол қилинган ичкиликнинг салбий асорати инсон тўқималари ва ҳужайраларида 80 кундан зиёд сақланиб қолади.

Ичкилик таъсирда энди балоғатга етган йигит ва қизларда ёки оилавий ҳаёт қуриб келаётган эркак ва аёлларда жинсий ҳужайралар тараққиёти тезда издан чиқади. Эркакларда уруғ ҳужайралари сон жиҳатдан камайиб, улар нимжон бўлиб қолади ва фаол ҳаракатчанлигини йўқотади. Аёлларда эса ҳар ойда бир бора — бир дона етилувчи тухум ҳужайраси касалланиб, ота-онадан соғлом белгиларни элтувчи жинсий ҳужайралардаги омиллар: хромосомалар, уларнинг нафис таркибий қисми ҳисобланмиш генлар ичкилик таъсирида заҳарланиб, бунинг эвазига ҳомиладорлик умуман бўлмаслиги ёки ҳомиладорликнинг турли муддатларида ўз-ўзидан бола ўлик туғилиши ёки туғма нуқсонли чақалоқларнинг дунёга келишига замин яратади.

Минг афсус, кейинги йилларда ҳаётимиз фаровонлашганиданми, тўқликка — шўхлик деганларидек, аёлларимиз ўртасида ҳам турли гап-гаштаклар баҳонасида ичимликка оз бўлса-да, ружу қўйиш ҳоллари кузатилмоқда. Эркакларнинг «қувват бўлади», «саломат бўлинг» дея қилган ноўрин таклифлари баъзан аёллар томонидан рад этилмайди. Бундан дилхушликнинг нохуш маҳсули — ногирон гўдаклардир. Табиат аёлларга хусн, иффат, назокат ҳислари билан бирга уларга она бўлишдек улкан, бебаҳо бахт туҳфа этган. Баъзан эркаклар ўзларининг ноўрин «меҳрибонлик»лари ифодаси ўлароқ қадаҳлар тутиб, уларни ана шу бебаҳо бахтдан маҳрум ҳам этадилар.

Ичкилик балосидан ёш ниҳол — ўспиринларни, бўлажак келин-куёвларни жуда эҳтиёт қилиш керак. Никоҳ кечаларида, баъзи бир корчалон куёв-навкарлар «ботирлик» рамзи дея ичкиликни куёвларга ҳам таклиф этадилар. Бу — калтабинлик, худбинлик, келажак наслини заҳарлашга илк қадамдир.

Менимча, ўрта мактаб ўқув программаларида, махсус таълим ўқув юртларида педагоглар, мураббийлар, педагогика, этика ва психология билимлари доирасида, ахлоқ ва одоб қоидаларига изчил амал қилган ҳолда ёшларга таълим берсалар, уларга ичкиликни оғу, бахт ўғриси ҳамда касалликларнинг манбаи эканлигини

● ИЧКИЛИК — ИЖТИМОЙ ИЛЛАТ ●

Май косаси ичида жилваланиб турган кўёш алдамчи кўёшдир. У сенинг оғзингга ботишидан эҳтиёт бўл.

Ақлдан оздирадиган ҳар қандай модда, гарчи у май бўлмаса ҳам, майнинг яқин қариндошларидир.

Май ўз ичувчиларининг яширин сирларини ошкор қилиб беради.

Эй май, улуг мартабалар биноси ва ақл қошоналари сен туфайли харобага айланди.

Биз ўз фойда-зарарини билмайдиган махлуқлармиз, ахир, дунёда майдан бўлак ҳам лаззат берувчи неъматлар жуда мўл-ку.

Майхўр ҳаёт қадрини билганда эди, майни дўстларига эмас, душманларига ичирган бўларди.

Май дўстларни койиш, улар билан жанжаллашиш, ҳамсуҳбатларига озор бериш ва яқин кишилардан жудолашишга сабаб бўлади.

пухта ўргатсалар, ўзлари эса барча ҳаётӣй жараёнларда шахсий ўрнак кўрсатсалар ўта хайрли, шарафли иш қилган бўлур эдилар.

Барча касаллик ва иллатларнинг давоси бўлганидек, ичкиликбозлик дардини ҳам даволаш мумкин. Кўпчилик беморлар негадир ўз тақдирларига ўкиниб, тушкунликка тушадилар.

Ичкиликбозлик касалидан соқит бўлиш учун фақат битта омил — у ҳам бўлса беморда қатъият, яъни ирода бўлмоғи даркор. Ичкиликнинг зарарли эканлиги ҳаммага маълум. Ахир, шундай бўлгач, одамларнинг ўзларини кўр-кўрона заҳарлашларидан, турли касалликларга йўлиқиб, умрларини бевақт хазон этишларидан бирор маъно борми?!

Мана шу саволга ҳар бир бемор, энди бошлаб ичаётган шахс ҳам, бу дардга муқкасидан кетганлар ҳам тушуниб етмоқлари ва шундан ўзларига хулоса чиқариб олишлари лозим.

Бахтиёр Сиддиқов,

Тошкент шаҳар Октябрь райони ички ишлар бўлими бошлиғи, милиция майори

МАНФААТ УСТУН КЕЛГАНДА...

Ичкиликбозлик иллатига қарши курашда жамоат тартибини сақлаш органлари ходимлари билан бир қаторда партия, совет, касаба союз, комсомол ташкилотлари, жамоатчилик вакиллари ҳам фаол иштирок этмоқдалар. Уларнинг сидқидилдан берган ёрдами ҳамда назорати натижасида жойларда спиртли ичимликлар истеъмол қилиш ва бунинг оқибатида келиб чиқадиган кўнгилсиз воқеа-ҳодисалар сезиларли даражада камайди.

Шу кунларда «Самарали меҳнат ва соғлом турмуш учун» Бутуниттифоқ рейди муваффақиятли давом этмоқда. Бу тадбир коллективларда меҳнат интизомини янада мустаҳкамлашга, иш унумдорлигини оширишга самарали таъсир кўрсатмоқда. Савдо, маиший хизмат ва умумий овқатланиш тармоқларида аҳолига хизмат кўрсатиш маданияти анча юксалмоқда. Буни пойтахтимизнинг нисбатан сераҳоли ҳисобланган Октябрь райони мисолида ҳам кўриш мумкин. Тарихий қарордан сўнг районда спиртли ичимликлар билан савдо қилувчи магазинлар сони тўрт бараварга қисқартирилди. Район тасарруфидаги бешта бар-пивоҳона тугатилди. Урнига шарбатлар, чанқоқбосди ичимликлар, музқаймоқ ва ширинпазлик маҳсулотлари билан савдо қиладиган дўконлар очилди.

Аммо кўрилган чора-тадбирларга қарамай, ҳанузгача қонун ва ўрнатилган тартибни бузиш ҳолатлари учраб турибди. Айрим оилалар, меҳнат коллективлари ҳанузгача ичкиликбозлик ва алкоголизмдан зарар кўрмоқда. Мана, мисолларга мурожаат қилайлик.

Шу йилнинг февраль ойи охирлари. Тошкентнинг кўҳна кўчаларидан бири — Дархон оқшом оғушида. Негадир иркит кийинган бир неча кимса бу кўчада тез-тез кўзга ташланадиган бўлиб қолди. Улар сигарет тутунларини бурқситиб-бурқситиб, атрофга олазарақ боқишар, сўнгра Товуш проездеда яшовчи А. исмли кишининг

● ИЧКИЛИК — ИЖТИМОЙ ИЛЛАТ ●

Ичкилик ҳар бир балонинг эшиги, сен ўша эшикка бош суқишдан эҳтиёт бўл.

Эй май, агар сенда кишиларга озор беришдан бошқа бирор хусусият бўлганда албатта унда сени ичиш раво кўриларди.

Абу Ало ал-Мааррий

Шаробхўрларнинг ҳосили икки нарса: ё беморлик, ё девоналик.

Мастликда кўп сўзласанг, ҳушёрликда йиғласанг, бу — девоналикдир.

Кайковус

Май ичишар ёноқ бўлсин деб зебо, Охири қилар у юзни қаҳрабо.

Саъдий Шерозий

Бода ҳар бир бошга кириб келган дам, Ақл ундай бошдан узади қадам.

Камолиддин Биноий

Донолар мастлик қилмас,

Оқиллар шароб ичмас.

Ўзин билган ҳар киши

Пастликка қадам қўймас.

Абулмажид Саной

уйига «лип» этиб ўзларини уришарди. Бу сирли ҳаракатлар маҳалла фаолларининг диққатини жалб этди. Милиция ходимлари А.нинг хонадони ва бу ерга келиб-кейтиб юрувчилар устидан назорат ўрнатишди. Маълум бўлишича, қурилиш ташкилотларидан бирида қурувчи-пардозловчи бўлиб ишлаётган 40 ёшли А. манфаат кўриш, қўшимча даромад топиш мақсадида «Русская водка»нинг ҳар бир шишасини 10—12 сўмдан пуллар экан. Оқшом келган мижозидан 10 сўмдан, тунда келганидан 12 сўмдан шилаверибди. Тинтув пайтида унинг уйдан 15 шиша ароқ топилди. Албатта, бу «ҳожатбарор» «фалокат»га ўз вақтида чек қўйилди. Қонунбузар Ўзбекистон ССР Жиноят мажмуасидаги моддага кўра жиноий жавобгарликка тортилди. Чайқовчилик оқибатида гулдек оила ва болалари чирқираб қолди. Ноилож, кейинги пушаймон ўзингга душман. Жиғилдон манфаати виждондан баланд келганда, ҳамisha оқибати «вой» бўлади. Негаки, биз — ҳаммамиз қонун олдида бирдек жавоб берамиз.

Партия ва ҳукуматимиз, барча совет кишилари ичкиликбозлик ва алкогонизмга қарши фаол кураш олиб бораётган бир даврда, афсуски, Абдумуталдек қинғир йўлга кириб умргузаронлик қилмоқчи бўлган кимсаларга дуч келмоқдамиз. Октябрь районининг Хуршид кўчасидаги 336-уйда истиқомат қилувчи Ҳ. Одилов ва Э. Сайдалиев, Чақарариқ кўчасидаги 5 -уйда яшаган Н. Мелибоев ҳам ўз хонадонида арақфурушлик қилаётганида тумшуғидан илинди. Улар қилмишларига яраша жиноий жавобгарликка тортилдилар.

Биз халқимиз ва жамиятимизга доғ бўлиб тушаётган ёт иллатга қарши ҳужум бошладик. Лекин, тан олиш керакки, шу пайтга қадар арақхурликка қарши чинакам оммавий курашга киришмаган эдик. Энди эса ёвуз иллатни тағ-томири билан кўпориб ташламоқдамиз. Лекин ҳақиқатдан кўз юммаслик керак: бизда ҳалигача халқ манфаатини, жамият манфаатини менсимай, ўз манфаатини ҳамма нарсадан устун қўядиган кимсалар топиллади. Бундай кимсалар савдо ходимлари орасида ҳам йўқ эмас. Негаки, бозори чаққон молларнинг чайқовчилар қўлига тушишида уларнинг «ҳиссаси» катта. Тақиқланган вақтларда «мижоз»ларга спиртли ичимлик сотиш ёки магазин қоровулига тунда «эрмак» қилиш учун ўнлаб шиша спиртли ичимликлар қолдиришда ҳам уларнинг «ҳиссаси» бор. Бундай қўлиэгри ва қонунбузарликнинг охири «вой» бўлади. Ахир, кўза кунда эмас, кунда синади, деган гап бор. Фақат тақиқланган вақтларда спиртли ичимликлар сотгани учун Қонун белгилаб қўйган жарима ва жавобгарликни улар менсимасалар керак. «Нима бўпти: 100—150 сўм жарима солса — солибди-да! Мен бу пулни уч кундаёқ ортиғи билан ўрнини қоплайман», деб хомхаёлга берилувчи савдо ходимлари йўқ дейсизми? Ёки вазифасидан олиб, бир неча йилга савдодан четлаштиришса, «шунга ҳам қайғуравериш керакми» дегувчилар ҳам топилиб қолади. Чунки, бир савдо жойига ўтиб ишлаш — баъзида хамирдан қил суғургандек осон битмоқда. Районимиз савдо шохобчаларида юз бераётган айрим тартиббузарликлар ана шундай хулоса чиқаришимизга имкон беради. Спиртли ичимликларни тақиқланган вақтларда ёки 21 ёшга тўлмаганларга сотиш савдо ходимларига нисбатан янада кескин ва қаттиқ чоралар қўриш зарурга ўхшайди.

Қарорда қўлбола спиртли ичимлик ишлаб чиқарувчилар, спиртли ичимликларни кўп миқдорда уйда сақловчилар, умуман, спиртли ичимликларни ичишга рағбатлантирувчилар ҳақида ҳам алоҳида эслатиб ўтилган. Албатта, спиртли ичимлик ишлаб чиқаришнинг чекланиши айрим нафси ўпқон кимсаларга қўл келиб, уларнинг тегирмонига сув қўйиши мумкин. Шунинг учун қўлбола спиртли ичимлик тайёрлашга иштиёқманд кимсалар ҳалитдан эътиборга олиниб, улар оғохлантирилмоқда. Фаҳм-фаросатли одамлар, илгари шу иш билан шуғулланган-

● ИЧКИЛИК — ИЖТИМОЙ ИЛЛАТ ●

Арақ ўзи билан бахтсизлик, касаллик, инсон қайғусини олиб келади.

С. Д. Дрожжин

Ичкилик кишиларнинг жисмоний соғлигини йўқотади, ақл-идрокини емиради, оилаларнинг бахт-саодатини барбод этади ва энг аянчлиси, аҳволи руҳияти ҳам наслини инкирозга учратади.

Л. Н. Толстой

Мастлар, бош миясининг ярим шарлари олиб ташланган ҳайвонларга ўхшайди.

И. П. Павлов

Заруратда тутсанг май тўла коса, Сен май ич, сени ичмасин роса.

Амир Хисрав Деҳлавий

Олижаноб одамга мастлик сифати ярашмас.

Камол Хўжандий

Ҳамма кишилар ҳам еб-ичадилар, бироқ ёввойи одамларгина маст-аласт бўлиб юришади ва мечкайлик қилишади.

В. Г. Белинский

нини тан олиб, барча асбоб-усқуналарини келтириб топширишмоқда. Бунда, албатта, уларга ҳеч қандай маъмурий жазо қўлланилмайди.


Қарорда иш вақтида ва иш жойида спиртли ичимликлар истеъмол қилган шахсларга нисбатан маълум жазо чоралари қўлланилиши айтилган. Аммо бу жазо чоралари тўлақонли самарага олиб келмоқда, деб бўлмайди. Баъзи бир иш жойларида, ишлаб чиқариш майдонларида ичиш давом этмоқда. Биргина бизнинг районда шу йилнинг ўтган олти ойи мобайнида юзга яқин ана шундай кўнгилсиз ҳол юз берди. Албатта, тартиббузарлар қонун бўйича тегишли маъмурий ва маънавий жазога тортилмоқда. Тўғриси айтганда, бундай тартиббузарларга нисбатан бир оз кўнгилчанлик қиялпмиз. Биз уларга жарима солиш, маошидан қисқартириш, мукофотдан маҳрум этиш билан чеклашиб қолялпмиз. Натижада, бироз вақт ўтгандан кейин улар яна тартиббузарликларини такрорламоқдалар. Ана шу йўсинда улар билан иш олиб бориш мақсадга мувофиқ эмас. Шунинг учун янада жиддийроқ жазо чораларини қўллашга тўғри келади. Бундоқ ўйлаб қаралса, масаланинг моддий жиҳатидан кўра, маънавий жиҳати кўпчиликни ташвишга солмоқда. Йўқотилган иш вақти, меҳнат унумдорлигининг пастлиги, йўққа чиққан режалар — масаланинг моддий томони бўлса, одамларнинг путур етган соғлиги, оилаларнинг бузилган тинчлиги, ажрим варақалари ва норасида гўдакларнинг келажаги, жамиятнинг нуфузи — масаланинг маънавий, энг асосий жиҳатидир. Жамият ўз танида пайдо бўлган иллатдан тез фориғ бўлиши керак.

Масаланинг яна бир муҳим жиҳатига тўхталмоқчиман. Маълумки, ўзбек тўйлари қадим-қадимдан ичкиликсиз ўтказилган. Полвонлар кураши, қизиқчилар ўйини, ҳофизлар куй-қўшиғи ҳар бир тўйни унутилмас таассуротлар билан бойитган. Нега биз бугунги кунда ҳам шундай қила олмаймиз? Районимизда ана шу масалаларга эътибор берилиб, маҳаллаларда тарғибот-ташвиқот ишлари олиб борилди. Фаолларимиз тўйга ҳаддан ташқари кўп меҳмон чақириш, катта дастурхон тузаш, қути-қутилаб арақ қўйиш хонадоннинг иқтисодида салбий таъсир кўрсатиши ва бу ичкиликбозликка қарши кураш чоралари ҳақидаги қарорга зид эканлигини одамларга тушунтиришди. Шунингдек, замонавий анъаналарни ҳам тарғиб қилдилар. Энди районимизда тўйларнинг асосий қисми спиртли ичимликсиз ва дабдбасиз ўтказиладиган бўлиб қолди.

Ичкиликбозлик ва алкоголизмга қарши курашда жамоатчилик асосида ташкил этилган наркология кабинетлари ва постлари муҳим ўрин тутлади. Ҳозир ҳамма жойларда ана шундай постлар муваффақиятли иш олиб бормоқда. Бу борада, айниқса, давлат автомобиль инспекция йўналишида ташкил этилган кўчма наркология кабинетларининг фаолияти ибратлидир.

Пойтахтимиз, шунингдек, районимиз давлат автомобиль инспекцияси ходимлари ичкиликбозлик ва алкоголизмга қарши қизғин кураш олиб бормоқдалар. ГАИ ходимлари йўл ва чорраҳалардан ўтаётган ҳар бир транспорт воситасининг техник жиҳатдан соз ёки носозлигини синчиклаб кўздан кечириб, рулни ширакайф бошқараётганларни ўз вақтида аниқламоқдалар ва уларга тегишли чоралар кўрмоқдалар. Қарорда бундай ҳолларга мурасасиз бўлиш лозимлиги таъкидланиб, маълум муддатга ҳайдаш ҳуқуқидан маҳрум этиш, сўнгра қайта синовдан ўтказиш чорасини қўллаш уқдирилган. Бизнингча, бу чорани янада кескинлаштириш керак. Шундагина автомобиль билан боғлиқ кўнгилсиз ҳодисаларга асосан чек қўйилади.

Соғлом турмуш — самарали меҳнат, бахт ва саодат гаровидир. Ичкиликбозликка қарши кураш ҳар бир кишининг бурчига айланиб, оммавий тус олган тақдирдагина арақ ва унинг оғир оқибатларини турмушимиздан бутунлай суриб чиқарамиз.



Ботирхон Акрамов

ҚАЛБ ПОКЛАНМОҒИ КЕРАК

Ижтимоий ҳаётнинг ҳамма жабҳаларида содир бўлаётган ҳозирги ўзгаришлар, янгилашлар жараёнида маънавий дунёни соғломлантириш ўзига хос ўрин тутлади. Қизиғи шундаки, замондошнинг руҳан покланиши деганда, мен бу ғоят муҳим ҳаётий муаммо билан муштарак маънога эга бўлган Навоийнинг машҳур байтини эсладим: «Демонки, кўнгли поку ҳам кўзи пок, тили поку сўзи поку ўзи пок». (Маълумки, гениал шоир маънавий оламнинг бу фавқуллодда мухтасар, пурмаъно таърифи — характеристикасини ўзининг фазлу камолда тенгсиз идеали — Фарҳоднинг ақлий заковати — интеллектуал дунёси билан уйғунликда деб билган эди.)

Улуғ Навоий шунчалар ардоқлаган поклик тимсолини ҳозирги шеъриятимизнинг меъёрларидан бири сифатида олиб таҳлил қилиш мақсадга мувофиқдир.

Жамият ва шахснинг маънавий ҳаёти, такомилли учун кураш адабиёт, жумладан, шеъриятнинг доимий мавзуларидандир. Бугунги воқелигимиз бу азалий муаммога ҳар қачонгидан кўра дахлдор, ҳаттоки бурчдор муносабатни тақозо қилмоқда. Шў маънода, ҳозирги шароитда бевосита ҳаётнинг ўзи илгари сураётган маънавият масалалари талқинини шеъриятдаги граждандликнинг ўзига хос бадиий тажассуми деса бўлади. Бинобарин, улуғ ижодкорлар «халқнинг виждони» деб таърифлаган адиблар ва шоирларнинг позициясига қараб, бемалол уларнинг ижтимоий қиёфасини белгилаш мумкин.

Шуни айрича қайд этиш керакки, ҳозирги янгилаш, покланиш шароитида рўй-ростлик, ошкоралик мезонига, яшаш, ишлаш, ўзаро муносабатлар тарзига айланиб бораётган ленинча адолат принциплари, биринчи навбатда, том маънода катта шоирлар, шунингдек, қатор ёш истеъдод эгалари томонидан бундан анча илгариеқ граждандлик жасорати билан қаламга олинган эди. Улар эътиқод, имон заифлиги, виждон ғофиллиги, маънавий хасталик, ахлоқий тубанлик каби хавфли иллатнинг турли кўринишларини, баъзан уларнинг туб сабаблари — ижтимоий илдиэларини дадиллик билан фош қилган, бу билан шеъриятнинг ғоявий — маънавий мавқеини юксакликка кўтара олган эдилар. Мен, хусусан, ҳалоллик ва камтариншикасталик билан кечган умрининг сўнгги манзилигача ҳақпарварликни баайни асосдек нажоткор суянчиқ деб билган устоз Миртемирнинг чин халқона куюнчаклик туйғуси билан йўғрилган тўғенли шеърларини бугун комил эҳтиром ва эъзоз билан эслаб ўтишни истардим. Халқнинг ўзидай, агар меҳри жўшса, буюк неъматларимизга дил-дилдан шукрона ўқиб (лоақал «Шодиёна» сарлавҳали бир неча шеърини эслаш кифоя), ажойиб зафарларимиздан олам-жаҳон қувониб, «қўшиғи сел, сўзи алёр» бўлиб янграган, агар қаҳри келса, халқнинг ўзидай сўзи «беомон ва беаёв» тус олган ҳассос шоирнинг шундай муросасиз, ҳужумкор сатрлари борки, улар турли жинсдаги ёмонликнинг машъум қаллоблик ниқобини йиртиб ташлашда аини шу қунларимиз хизматини ўтайди.

**Ўзини тулпор билмаса қирчанғи — сўқим,
Бахмалдан бичишмаса эшакка тўқим...
Уруғи ушиб кетса тирик боқимлар.
Одамни хор этмаса ғараз, чақимлар.
Лойқаланмай оқса-чи тиниқ оқимлар...
Ёвузликка жиндақ ҳам жой қолмасайди,
Ҳар ювуқсиз ёқага чанг солмасайди.
Қанийди...**

Ҳалолликни, ҳақгўйликни ўзининг ҳаёт ва ижод тарзи деб билган шоир қаллоблик, нопоклик устидан ленинча ҳақиқат ва адолат принциплари қатъий ҳукмини чиқаришига қаттиқ ишонган эди. Шунинг учун сатрлари халқчил журъатли, ўткир мантиқи, ошкора самимияти билан ўзига тортади:

**Тангрига тухмат қилманг,
Шайтонга тухмат қилманг...
Замонга тухмат қилманг...
Яхшики, бу оламда Ильич бор ва барҳаёт
Шарманда бўлмай қолмас на малъун, на ёвуз зот.**

Устознинг самимий армонлари унинг ўзидай ҳақиқатпараст, эътиқоди баланд шогирдларидан Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Омон Матжон, Жамол Камол, Рауф Парфининг бақувват шеърларида мазмунан салмоқдор, бадиият эътибори билан бетакрор лавҳа-образларда тажассум топганини кузатамиз. Чунончи, Абдулла Орипов «У тирик...» шеърисида Лениннинг барҳаёт сиймоси ҳозирги даврнинг нафақат ижтимоий-сиёсий жабҳаларида, балки маънавий-руҳий соҳаларида ҳам поклантирувчи роль ўйнашини шундай бадиий талқин қилади:

Ҳа, Ленин ҳар кимга ҳамдам, ҳамсафар,
У билан башарнинг бир эрур дарди.
Алҳазар, алҳазар, минг бор алҳазар,
Ленин ўлган бўлса нима бўларди?
Ленин яшамаса агар виждонда,
Ким ҳам курашларда бўларди шерик?!
Яхшиям ғалвали вақту замонда
Ленин орамизда юрибди тирик!

Миртемирнинг: «Яхшики, бу оламда Ильич бор ва барҳаёт» сатрида ўз ифодасини топган чуқур эътиқод, руҳий-маънавий қониқиш туйғуси Абдулла дастхатиға хос курашчан-полемик характердаги мисраларда («Алҳазар, алҳазар, минг бор алҳазар, Ленин ўлган бўлса нима бўларди? Ленин яшамаса агар виждонда...») бошқача бадиий рангинлик касб этади. Хуллас, шеърятдаги граждандликнинг айниқса бугун кенг таомилга кирган ўзгача талқини — жамият ва шахснинг маънавий покланиши муаммоси фақат 80-йиллар аломати бўлмай, балки бунда шеърятимиз такомилга хос «авлодлар алоқаси» ўзининг чуқур заминига эга эканлигидан далолат беради.

Жамият ва шахснинг тинимсиз маънавий ривожини, бугунги кун нуқтаи-назаридан қараганимизда, маънавий покланиш жараёни лирик шеърятда асосан — инсон-замондошнинг ўзлиги — субъектив дунёси орқали, унга тобора чуқурроқ разм солиш, каттароқ, жиддийроқ талаблар билан ёндашиш, ўз-ўзи билан ҳар қачонгидан ошқора мубоҳаса юритиш тарзида қаламга олинмоқдаки, бундай шеърларда, шубҳасиз, граждандликнинг янги қирраларини кузатиш қийин эмас. Масалан, Асқад Муҳторнинг «Қари солдат ҳақида баллада» асарида софдил ветераннинг қийноқли ўйлари, унинг уруш йиллари госпиталда ўлган тенгдоши билан бугунги ғойибона суҳбати тасвирланади. Хаёл оинасида жонланган ўша навқирон солдатнинг: «Полкдошлар қалай?» деган сўроғи кексалик ҳаётини муборак хотираларсиз тасаввур қилолмайдиган ветеранни оғир ўйга толдиради. Бугунги тинч, фаровон кунларимизга омон-эсон етиб келган сафдошлар ҳақида: «Бари яхши» дейишга тили бормай қийналади. «Полкдошлар... бири бор, бири йўқ ҳозир. Ҳалол яшади деб бўлмас барини...» Наҳотки, Улуғ Ватан урушининг даҳшатларини шахсан кўриб-кечирган кишиларнинг орасида ҳам тинч ҳаёт неъматларига ношукурлик қилганлар, манфаатпарастлик, дунёпарастлик, худбинлик, нопоклик кўчасига кирганлар бўлса!.. Ахир улар ўша омонсиз уруш жабҳаларида Ғалабадан кейин, жуда ёш ҳалок бўлган жангчилар учун ҳам яшаш насиб этса, тинчлик шароитидаги ҳаётнинг тарзи, тартиби, маъно-мазмунини, қадри тўғрисида «бошқача ўйлардилар-ку! Бундай азобли ўйлар билан ўлиш қийин» туюлмасди ҳам. Шоир имони бут кекса солдатнинг ана шундай улуғлайди; улар беҳисоб қурбонлар эвазига сақлаб қолингани учун ҳам, бугун, тинчлик, фаровонлик шароитида, айниқса, уруш даҳшатларини кўрмаган авлодлар назарида қадрсизланишига сира йўл қўйиб бўлмайди — мана шу ҳақда баҳс очилади. Ватан ва эзгу эътиқод йўлида жон фидо қилган номаълум ёш солдат билан бугун орамизда юрган, фақат зоҳири хотиржам кўринган собиқ (демак, кексайган) жангчининг ғойибона диалогида шеър фавулодда драматизм касб этади:

— Нега бундай ахир! — дейди ёш жангчи.
— Мен айбдорми! Уйлаб кўрсанг-чи.
— Сен тириксан, сен қолгансан омон.
— Қўй, мени қийнама, юрагим ёмон...

Бу сатрлар нафақат жанговар авлодларнинг азиз, муборак хотираси ҳақида, балки уларнинг эътиқодига содиқ қолиш, унга муносиб ворислик — бугунги куннинг маънавий муаммоларидан баҳс қилади, балки ҳаёт ўз зиддиятлари билан қудратли ва қадрли эканини боз таъкидлаб туради, бизни ҳаёт, умр ҳақида чуқур ўйга толдиради.

Туркумдаги «Бир томчи...» шеърисида баъзан одам виждон қаршисида танҳо қолиб, ўз-ўзи билан олишадиган кезлардаги мушкул ҳолат мураккаб руҳий кечинмалар тарзида ифодаланади. Бунда шоир виждон ҳақамини аёвсиз ички муҳолиф — «ўз шайтони» билан яқма-яқка олишувини вазиятида кўрсатади. У «аждодларига унча ўхшамайди: ўта сезгир дунёнинг айби, хатоси, нолиши, фарёдларига». Шунинг учун мубоҳаса ниҳоятда кескинлашиб, ёмонлик илдизи — асл моҳиятга кўчганда шайтон шайтонлигини қилади:

Мени хушёр қилиб, бир томчи заҳар
Йўқолиб кетади иссиқ қонимда...

Шеърнинг том маънодаги контраст-полемик образлари — шоир қаҳрамони ва унинг «шайтони» ўртасидаги мана бу шиддатли диалог бизни ҳам сергаклантиради:

— Кир қидирма дейман, — зимистон деддинг.
Ахир ўтирибмиз ёруғда, кунда.

— Ҳа, — дейди, — юзада бўлмас зимистон.
Сен бундай теранроқ тушгин-да.
— Аслинга тортасан, оғайни, — дейман, —
Тамуғнинг тубидан чиққан юҳосан.
— Ҳа, — дейди шайтоним, ўринидан туриб, —
Ҳа, ўзингга келдинг: ўтдан қўрқасан.

Биз шайтон — муҳолифнинг ўз мантиқи, ўз фалсафаси борлигини билганимиз ҳолда, бир муддат ўйлаб қоламиз. Тўғри, шоир юқорида махсус эслатиб ўтган: бу мунозара аёвсиз — «нақ душманларча» тус олади, акс ҳолда, баъзи китобхон «шайтон» вазвасаси таъсирида унинг сўзларидан саросимага тушиши ҳам эҳтимолдан узоқ эмасди. Бироқ одамнинг «ўз шайтони» — ичидаги душманнинг заҳарли сўзлари бизни ҳушёр торттиради. Шу нуқтада шоир кейинчалик очиб ташланган барча негатив ҳолларга қарши курашни ўзимизга жиддий равишда танқидий қарашдан, «ўз шайтони»мизни англаб олишдан бошлamoғимиз керак эмасми, деган фикр бир қадар англашилгандай бўлади. Бизни йўл қўйилган хоҳ энгилроқ, хоҳ оғир хатолардан сабоқ олишга, нимаки сохта, қаллоб, ножинс ва нопок бўлса, ундан имкони борича тезроқ қутулишга, минбаъд ҳазар қилишга ундаётгандай бўлади. Ҳақиқат учун курашнинг машаққат ва мушкулотидан чўчиб, иродасизлик, пассивлик, мурасосозлик қилмаслик, лоқайдликка ўрин бермаслик («адолатни ҳеч ким қилмас садақа»), замоннинг мураккаб муаммоларидан ўзини четга олмаслик — «ўтдан қўрқмаслик»ка даъват этади. Ҳар бир виждони уйғоқ, имони бут киши ўз-ўзи билан шундай олишадиган пайти келди, деяётгандай бўлади шоир. «Бир томчи...» шеърининг руҳига, образларига жойланган маъно теранлиги, унинг ҳаётий зиддиятлари сири шунда.

Абдулла Ориповнинг «Утин» шеърида оламнинг турфа рангли сеҳр-жозибаси қаршисида «унинг томошасидан ҳайрати ортган» (Навоий), орзу-хаёллар оғушида тўлиб-тошган, ошиқиб-энтиқиб яшаётган бугунги ўсмирлик ва ёшликка қаратилган қуйидаги ҳақ сўзлар, аслида ҳаммамизга дахлдордир:

**Ҳар кимга ўз даврин йўруғидир ёр,
Майли тап тортмагин сен ҳам ҳар ишдан,
Болам, фақатгина бир ўтинчим бор,
Ҳазар қилсанг басдир ҳаром-харишдан.**

Омон Матжон тарихий апрель (1985) Пленумидан анча аввал маънавий покланиш, янгиланиш ғоясини чинакам ижодий башорат қилиш иқтидорини кўрсатган, салмоқдор, кўп қиррали маънодаги «рост сўз» рамзий образи билан ажралиб турувчи «Ёлгончи дунё ҳақида Жуманиёз Кўзиев монологи»ни яратган эди. («Ёлгончи дунёни рост этмак учун аканг қарағайлар келган дунёга».) Шоир ўтган йили эълон қилган «Йоғ машқлари»да ўзининг маънавий позициясини бу гал «юксак ҳақ сўз», «руҳ тарбияси» каби оригинал умумлашма образлар орқали янада кучайтиради.

**Имон дарёсида қурилган ГЭСман
Улуғ тоғларимга тикканман кўзни.
Тилим айланмайди асло ёлгонга,
Касбим порлатмоқдир юксак ҳақ сўзни...
Қани, дўст, хоҳласанг сафга тур, ўрган.
Оғиз чучимайди ҳалво дейишдан.
Бу — руҳ тарбияси. Дастваб бошлаймиз
Оқни оқ, қорани қора дейишдан.**

Манфур ёлгон, қаллоблик, кўзбўямачиликнинг ниқобини аёвсиз йиртиб ташлаш учун шоирнинг «юксак ҳақ сўзи» қанчалик баравж янграса, бу халқнинг тобора ортиб бораётган маънавий-эстетик эҳтиёжлари учун шунчалик керакли. Тўғри, нарсаларни ўз номи билан аташ, ҳаётнинг ўзи тақозо этаётган объективлик, ошкоралик, фикр билан сўз, сўз билан иш бирлиги, ҳақиқатга, у қанчалик аччиқ бўлмасин, тик қараш каби ленинча принциплар Иттифоқ ва республикамиз вақтли матбуотида истеъдодли публицистлар, машҳур ёзувчилар, жумладан, катта шоирларнинг мақола; очерк ва адабий қайдларида кучли ҳаётий мисоллар билан шарҳлаб бериляпти. Лекин, барибир, шеърият мухлисларининг талаби бошқача: улар маънавий ҳақиқатлар умумий шарҳ-тавсифларда эмас, балки юқорида келтирилган ёрқин мисоллар, чунончи, «... Жуманиёз Кўзиев монолиги», «Йоғ машқлари»га хос бетақдор кечинма-образларда, ижодий изланишлар маҳсули бўлган салмоқдор поэтик ташбеҳларда ифодаланишини истайди.

Шоирнинг ўзлиги аниқ, ёрқин намоён бўлиши — индивидуаллиги унинг шеъриятдаги ҳақиқий, муносиб ўрнини белгилайди, шу тариқа шеърият унинг ижодий тақдирига айланади. Ижодий тақдир тушунчасида энди шоир шахси билан чегараланмаган кўлам, теранлик мавжуд. Гап шундаки, ҳақиқий талант фақат ижод қилиш — яратиш стихияси билан кифояланиши мумкин эмас. Истеъдод характери, ижодий имкониятлари турли даражадаги шоирлар учун муштарак бўлган: «Йўқ, ҳаловот истамайман!» (Эркин Воҳидов) шиорида ўзидан, ўзлигидан қониқмаслик туйғуси мавжуддирки, шеъриятдаги граждонлик шу сирли нуқтадан, безовта-дардли ҳолатдан бошланса ажаб эмас. Шу маънода, шеърият ҳаёт гўзаллигидан ҳайратланишу шавқ-рағбатдан туғилади, деган анъанавий тасаввур жуда камлик қилган бўларди. Тўғри, поэтик ижод жараёни ҳақидаги баҳсларда «дард» сўзи ҳам тез-тез учраб туради. Баъзи шоирлар, мунаққидлар, уни аксарият ижод — яратиш қийноқлари маъносидан талқин қиладилар. Ҳолбуки, ўша шеър яратиш дарди, моҳият эътибори билан шоир учун ижтимоий дард билан тенгдир. Улуғ Гёте шоир ўзлигини кашф қилиши ҳали жасорат эмас, у ўзлигидан юқори кўтарилиши керак, дейдики, бу асли шоирнинг граждонлик туйғусидир.

Шу маънода Рауф Парфининг «Санъаткор», «Шоир», «Туркистон ёди» каби манзумалари замиридаги катта ижодий дард Усмон Азимовнинг «Театр», «Дашт ҳақидаги баллада», «Бахшиёна»дан..., Шавкат Раҳмоннинг «Бахт сўзи», «Гуржистон мозаикаси», «Испанияда янги йил», Мирза Кейжабоевнинг «Даштлар — кенгликлар», «Умумий вагон» шеърларида ҳам ўзгача оҳанглар, тугилмаган ёрқин образлар ифодаланади.

Рауф Парфи «Ленин мақбарига гулчамбар» шеърида инсоннинг маънавий бурч, ижтимоий дард нималигини чуқур идрок этиши учун унинг виждони покланмоғи лозим, деган фикр-ғояни ўз дастхатига хос оригинал рамзий образларда ифодалади:

**Уни елкасида олиб ўтади
Тафаккур дунёси мақбара томон...
Абаднинг кўзида юмиб кўзларин
У дунё ҳақида суради хаёл.
Бунда у кўзларни тингламоқ керак,
Покланмоғи керак ҳар қандай юрак.**

Лениндек беназир покдомон зотнинг башарий ғоялари таъсирида виждони «покланмоғи» зурурлигини яхши англаб олган кишигина бошқанинг дардини тушуниб етиши, кенг маънода, «халқ ғамидан ғами» (Навой) бўлиши мумкин. Инсоннинг виждонан ҳалоллиги масаласи айниқса бугун масъулиятли мавқега кўтарилган, маънавий позицияни белгиловчи омилга айланиб бораётган экан, Рауфнинг: «Покланмоғи керак ҳар қандай юрак» сатрини, унинг замиридаги вақт ўтиши билан аҳамияти асло камаймайдиган, балки тобора ошиб борадиган маъно теранлигини ҳар бир хуштабъ, эътиמודли китобхон янгидан тадқиқ қилишига шубҳаланмаса бўлади. Усмон Азимов «Қасида» шеърида партиявий адолатнинг ҳаромхўрлик ва қаллобликка қарши қақшатғич зарбини ифодаловчи наштардек ўткир образлаҳа яратади:

**Азм этдинг,
Айрилди думчаларидан
буқаламун янглиғ мунофиқ жонлар.
Йиғлашар тубанлик дарчаларидан
Йўл топиб юсакка чиққан ёлғонлар.**

Шоирнинг фольклор оҳанглари заминида яратган «Бахшиёна» туркумига кирган шеърларида «тубанлик дарчаларидан... юсакка чиққан ёлғонлар» яна бошқача контрастлар орқали, халқ кўшиқлари ва ҳажвийётига хос ўткир мажозлар, киноялар, истиоралар, муболағали чандима нисбатлар воситасида очиб ташланади:

**Шоирман деганинг шеърфуруш чиқса...
Суюнчим деганинг элфуруш чиқса...
Одамман деб турса темирлар, тошлар,
Десалар: дунёда битди кўзёшлар,
Туғларни пайтава қилса молбошлар,
Сен кураш, болам-эй, сен кураш!..**

Шавкат Раҳмоннинг «Бахт сўзи» («Шеърларингда бахт сўзи кам учрар деган дўстимга») миниатюрасида, Усмон Азимовнинг «биронинг дарди» рамзий образида катта ижтимоий дард билан йўғрилган муаммо индивидуал бадий талқинини топади.

**Бахтиёрман деган биргина сўзни
айтиш учун керак қанча куч, чидам.
Оғир ботмасмикан бу сўз кимгадир...
Қандоқ бардош бериб яшайман кейин
Бахтсиз кимсаларнинг нигоҳларига.**

Қандай яхшики, биз ҳаёт зиддиятларини соғлом идрок ва холисона назар кузата бошладик. Эндиликда воқелигимизнинг объектив қонуни бўлган ҳақиқат ва адолат принциплари эътиқодсиз, диёнатсиз кимсалар томонидан уларнинг худбин субъективизми туйфайли талайгина бузилган ҳолларни, бунинг фоже оқибатларини рўй-рост очиб ташлашга, ҳақиқатга тик қарашга журъат этяпмиз. Шу жумладан, инсон шахси билан боғлиқ бўлган бахтиёрлик баъзан объектив ва субъектив сабаблар билан кимгадир бахтсизликка айланиши мумкинлигини энди ортиқ тортиниб-ийманмасдан, ҳайиқмасдан айта бошладик. Лекин бадий асарларда ҳаётни юзаки, бўяб-безаб кўрсатиш тамойилига, бир ёқлама мадҳияю васфияларга қарши кураш кучайган бир шароитда, барча ижодкорлар, жумладан, эмоционал табиати билан инсон қалбига, унинг севинч ва дардига ўзини бевосита дахлдор деб билган шоир... инсоний бахт мавзуида ҳавойи-романтик хаёлларга берилиши (айниқса ҳозирги таҳликали даврда) мантиққа зид бўлур эди. Шу жиҳатдан Шавкатнинг ҳаққонийлиги билан жозиб сатрлари бизни ҳам ўйга толдиради.

**Авалло, бу сўзни ўзгалар айтсин,
Айтсинлар кўзлари қувончга тўлиб.
Элнинг бахти учун умрини тиккан
Шоирлар айтмасин биринчи бўлиб...
Ғам сўзин элимдан аввалроқ айтдим.
Бахт сўзин айтаман
элдан кейинроқ.**

Менимча, бу парчада шоирнинг давомли, қийноқли ўй-хаёллари мухтасар шаклда умумлаштирилган. Унинг кузатган мақсади ҳаётнинг ҳал қилиниши унчалик осон бўлмаган мураккаб муаммоларига бориб тақаладики; буни бир қадар англаб олишга «ғам сўзи», «бахт сўзи» муқобил образлари ёрдам бериши мумкин. Тўғри, ҳаётда «бахт» сўзини нисбий, лекин ҳар ҳолда, комил маънода ҳам талқин қилиш мумкин, бунга мисоллар йўқ эмас. Чунончи, кўп

йиллар бирдан-бир армон билан яшаган аёлнинг, ниҳоят, оналик бахтига машарраф бўлиши; уруш жафодийдалари бўлган собиқ гўдаклар — ака-ука, опа-сингилларнинг жудолик йилларидан кейинги ногоҳ учрашиш бахти, оғир дард (айтайлик, туғма ногиронлиги) тўғайли умид чироғи сўна бошлаган кишининг ҳозирги табиб — заковатли, халоскор докторнинг олижаноблиги билан шифо топиб, ҳаётга, жамиятга қайтиш бахти; ёки тақдир ҳукми билан ҳорижга кетган кишининг охири Ватан тупроғини тавоф этиш бахти... Ҳар бир ижодкорни илҳомлантира оладиган инсоннинг чинакам бахтиёрлиги мавзуида яна қатор мисолларни келтирса бўлади (лекин, барибир, яхши одам учун эзгу умид, собит ирода билан курашиб, шахсий бахтини топиши кифоя қиладими, унинг ўзгалар бахтига бўлган муносабати-чи, деган саволлар туғилади). Масаланинг мураккаблиги шундаки, турли тоифадаги кишилар «бахт» сўзини юксак ижтимоий, умумбашарий маънолардан тортиб маънавий маҳдуд, мешчанларча шахсий роҳат-фароғат истагигача — турлича талқин қилишлари мумкин. Шоир-чи? Албатта, шоирга осон тутиб бўлмаслигини юқоридаги сатрлар маъносини баҳоли қудрат шарҳлашга уриниб юритаётган мувоҳасамизнинг ўзи кўрсатиб турибди. Шавкатнинг: «Бахт сўзини элдан кейинроқ айтаман» сатри инсоннинг чинакам бахтига шоир лозим даражада юқори қиммат беришини, бинобарин, бу муаммо ҳаётнинг ўзидай мураккаб, замондошимиз тақдиридай зиддиятли эканини кўрсатади.

Поэтик истъёдорнинг муҳим қирраси — ижодий индивидуаллиги билан ажралиб турадиган шоирлар, жумладан, ёш талантларга хос кучли бир жиҳатни алоҳида таъкидлаб ўтмоқчимиз: улар анъанавий «соф» интим мавзуда ҳам муайян ижтимоий салмоғи бўлган фикр айтиб, маънавий позиция ярата оладилар. Масалан, Мухаммад Солиҳ Севгиннинг ҳаётбахш-маънавий кучига берган фавқуллодда юксак қиммат бизни ишонтиради:

**Бир одам кимнидир севаркан токи
Севгини туғ каби кўтарса азот —
Бутун башарият яшашга ҳақли,
Ўзини оқлайди ердаги ҳаёт.**

Бу зоҳиран оддий сатрлар поэтик умумлашма даражасига кўтарилган Мухаммад Солиҳда мухтасар сўз — мўъжазгина шакл доираси — қатрада оламнинг бутунлигини кўра билишга қодир ижодий изланувчан, синчков мушоҳада тарзи бор. Мана шу хусусияти унинг интим мавзудаги миниатюр шеърларига ҳам кутганимиздан зиёда гоёвий мазмундорлик, маънавий-ахлоқий юксаклик, бадий жозибадорлик бағишлайди. Мисол учун шоирнинг «Сен борсан» сарлавҳали саккизлигини мушоҳада этиб кўрайлик:

**Сен борсан. Мен сени йўқотганим йўқ.
Чунки топганим йўқ, сени, севгим.
Мен сени излайман, чунки ёлғондир
Йўқлигинг ҳақдаги бор ҳақиқатлар.
Ерни гир айланиб излайман, аммо
Айланиб келмасман яна шу ерга —
Сени топмагунча ёлғондир чунки
Ёлғондир заминнинг юмалоқлиги!**

Шоир фақат муҳаббатнинг сирли-ғаройиб фалсафаси билан муайян таносиб ярата оладиган, унинг дунёда мавжуд эканлигига, гениал классикларимиз таъбирича, «дард аҳли»гина ишонадиган ҳақиқат ҳақида ўз эътиқод ва эътимодини ифодаламақда. Бу муҳаббат туйғусининг ҳаётий маъноси, моҳияти заминда ўзгача бадий мантик, яратиш маҳоратидир. Эътибор беринг-а: «ёлғондир йўқлигинг ҳақдаги бор ҳақиқатлар». Токи муҳаббатни (майли, унинг ҳаёлий тимсолини бўлсин) буюк эътиқод деб билагунча, бу қутлуғ, азалий, эзгу ҳиссиётга шайдоларча ишониб, имон келтирмагунча, гўёки унинг «йўқлиги ҳақдаги бор ҳақиқатлар» устидан даҳриёна ҳукм чиқариш — уларни исёнкорлик билан инкор қилишга асос, жасорат топилармиди? Бу реал имконияти мушкул, «васли мумкин йўқ» (Навоий) гўзал ҳаёл — «чиройли ёлғон»дан ғойибона имкон яратишдек поэзиянинг мўъжазакор қудратидан бир далолат, фақат шеърятга хос бадий мантик, намунасидир. Демак, шеърят ҳақиқати баъзан муҳаббат ҳақидаги ҳаёлий, кўпинча умидсиз, лекин ҳаётда барқарор тушунчалардан ҳам, агар зарур бўлиб қолса, «заминнинг юмалоқлиги» каби илмий ҳақиқатлардан ҳам юқори туриши, эмоционал жозибаси билан мўътабар рационал тасаввурларга ён бермаслиги ажабланарли ҳол эмас. Фақат шоир бундай кутилмаган эмоционал мантиқ кучи билан бизни ҳайратга сола билиши керак.

Бежизмаски, улуғ Навоий шоирни «тахайюл мулкининг султони» деб атайди. Ҳақиқатдан ҳам унинг ижодий фантазияси ўзининг фавқуллодда миқёслари, бадий координатлари, зоҳирий рангин жилолари, ботиний теран қирралари билан энг буюк фантаст ёзувчининг ҳаёлот дунёсини ҳайратда қолдирса ҳеч ажаб эмас. Сарбаст шеърнинг отаси Уолт Уитмен: «Биласизми, мен ўзимдан, ўзлигимдан бениҳоя кенг ва катта эканлигимни ҳис қила бошладим. Наники мени шляпам билан бошмоғим оралиғига сиғдириш имкони бўлса?» — деган экан. Чиндан ҳам шоир истъедоди, айниқса катта истъедод дунёи унинг ўзлигига «сиғмаслиги»дан бошланмайдими? Назаримда, лирик шеърятга хос гражданлик ҳам ана шу сирли-ғаройиб нуқтадан — шоир шахси билан унинг катта ижтимоий дунёси «оралиғи»даги номаълум, ҳеч қандай белгисиз чегарадан бошланса керак. Муҳими, шоир оламининг ўзига хос инсоний, ижтимоий дарди бўлса бас. Шундагина у «халқнинг виждони» деган эзгу, муборак номга муносиб бўлади, чиндан ҳам қалби покланган бўлади.

DU. M. D. A. T. U T. A. T. A. P.

1. Биринги асарингизнинг эвлон қилиниши тарихини гапириб берсангиз.
2. Бевосита ёзиш жараёни Сизда қай тарихқа кезади? Ўзодда „тиртки“ деган тушунга бор. Масалан, Лев Шолстой синиб ётган бўтакўзни кўриши билан қалбда, шурида тўсатдан „чақмоқ чаккану“ сизу биз яхши биладиган „Хожимурод“ деган аждойиб асарини ёзган экан. Сизнинг таърибангизда ҳам шундай ҳолатлар бўлганми? Қайси асарингизда?
3. Қайси асарингиз ўзингиз узун айниқса қадрли? Қайси биридан кунелингиз тўлмаган?
4. Ўзодда кимни устоз деб биласиз?
5. Ёзувчининг актив фразедалик позицияси деганда нималарни тушунасиз?
6. Ҳаётингиздаги энг бахтли дамлар қайсию энг бахтсиз кун қайси?
7. Ўқяётган асарларимизнинг қайси қалғилиги Сизни айниқса таъбишга солади? Ўз ижодингизда ҳам қалғилик сезасизми?
8. Инсондаги қайси фазилатларни қадрлайсиз? Қандай қусурларни ёмон кўрасиз?
9. Ёзган журналхонлар „фалон китобнинг фалон қаррамони ҳаётда боғрми ёки уни ёзувчи ичидан тўқиб чиқарганми?“ деб сўрашади. Ҳаёт ҳақиқатининг бадиий ҳақиқатга айланишини ўз ижодингиздаги айрим мисоллар билан айтиб берсангиз.
10. Шанқидеа муносабатингиз? Ўзингиз танқидчи бўлсангиз нима қилардингиз?
11. Ҳозир қандай асар устида ишляпсиз?

Ушбу сонда Ўзбекистон ССР халқ ёзувчиси Раҳмат ФАЙЗИЙ ва шоир Усмон АЗИМОВнинг анкета саволларига жавобларини ўқийсиз.

1. Бундан олтмиш, эллик йил муқаддам, бизлар мактабда ўқиб юрган йилларда деворий газетада мақола, шеърлари билан қатнашиш, уни безаш, редколлегия сафида бўлиш, редакторлик қилиш жуда катта иш ҳисобланарди, маҳорат, масъулият талаб қиларди. Кўпинча бу ишга ўқитувчиларнинг ўзлари бош-қош бўлишарди. Мактаб болалари газета активларини ўзимизнинг ёзувчиларимиз, деб фахрланишарди. Тўрт йиллик бошланғич мактабни битириш худди ҳозирги кунда ўнинчини битириб чиқишдек катта воқеа ҳисобланган давр учун бу табиий бир ҳол эди. Шулар қатори камина ҳам қачон қарасангиз, ҳатто танаффус вақтларида ҳам учком хонасида газета ишлари билан уймалашиб юрган бўлардим. «Ленин учқуни» редакциясида ишлаб юрган кезларимда, шу газета ҳамда «Еш ленинчи» саҳифаларида босилган мақола, очеркнамо лавҳаларни ҳисобга олмаганда, «Зеби ленинчи» номли биринчи шеърим 1938 йили босилган эди. Узим ўқиб юрган кезларимда ҳам маҳалладаги саводсизликни тугатиш курсида дарс берардим. Зеби хола паранжисини ташлаб, ўқишга чиққан ўрта ёшлардаги жувон эди. Шеър шу аёлга бағишланган, уни босиб чиқарган «Янги ҳаёт» газетаси ҳам эндигина саводини чиқараётган кишиларга мўлжалланган, материаллари ҳам йирик-йирик ҳарфларда териладиган махсус газета эди.

2. Ёзиладиган асар катта-кичиклигидан қатъи назар у миёда пишиб, хаёлан бир қолипга тушмагунча ёзишга ўтиролмаيمان. Уйлаганларим, кўз олдимга келтирганларим, тўқнашувлар ва характерлар ёзилиш жараёнида ўзгариш мумкин, аммо ишга ўтиришдан олдин асосан пишган бўлиши керак. Энди туртки масаласига келсак, ўйлаб қарасам, деярли ҳар бир асаримга туртки бўлган ҳодиса, воқеани эсласам бўларкан. Мана, улардан баъзилари: Кўрсанинг Ўлғов шаҳрида дам олардим. Шу ерда Улуғ Ватан уруши йиллари ҳалок бўлган жангчиларнинг қабристонига бўлдим, бир неча ўзбек йигитларининг фамилияларини ёзиб олдиму шу кундан бошлаб, бу қабрлар ва унда ётганлар хотираси менга тиним бермай қолди. Шаҳарга чиқишда ҳам, қайтишда ҳам қабристонга кириб ўтадиган бўлдим. Нимадир қилишим керак, дердим-у, лекин нималигини ўзим ҳам билмасдим. Қабристонда ётган ўзбек жангчилари фикр-ўйларимни чулғаб олган эди. Эрталаб ҳам, кундузи ҳам, кечқурун, баъзан кино кўраётганимда ҳам...

Бизга қарайдиган ҳамшира, ҳар гал палатамизга врачлар киришганда, нима учундир уларнинг орқа томонида туриб, менга тикиларди. Мен буни бир неча марта сездим-у, аммо эътибор бермадим. Якка ўзи кирганида эса, палатадаги ҳамроҳларим билан муомала қиларди-ю, мен билан гаплашишдан ўзини олиб қочарди, дориларни берардию очиқ чеҳра билан кулиб чиқиб кетарди.

Бир кунни ҳампалатамиздан бири, кекса соатсоз Алексей Павлович гап топиб келди. Ҳамшира унга ёрилибди. Урушда, ўзи хизмат қилган полкда кўнгил қўйган йигити ўзбек экану оғир жангда ҳалок бўлибди. Шу-шу, Ўзбекистондан кимни кўрсат, яраси янгиланар экан. Уйли-жойли, икки болали бўлибди ҳамки, ҳамон ўша йигитни унутолмасмиш. Палатада биз ҳазил-мутойиба қилиб юрганларимизни ҳам сезган экан. «Қандай қилай, тик қарагани, гаплашгани ботинолмайман», дебди. Алексей Павлович ҳали гапини тугатгани ҳам йўқ эдики, мен калаванинг учини топгандек, хурсанд бўлиб кетдим. Бу ҳолатимни сезган ҳамроҳларим яна уни ўзларича талқин қилиб, ҳазилни давом эттиришди. Шу кеча деярли ухлай олмадим. Ҳаёл мени қадрдон Мирзачўлга учириб олиб кетди. Номини ҳам топдим: «Чаноққа томган қон». Эрталаб яхши кайфият билан ўрнимдан турдим. Уйда бўлса, столга ўтира қолардим. Бу ерда эса шароит йўқ. Лекин у мени ташвишлантирмасди. Чунки асосий ишни пиштиб олгандан кейин, ёзишга қачон ўтиришим шарт эмас. Аксинча қанча шошилмасам, шунча яхши эди, ҳар қалай, менга шундай туюларди.

3. Кимдир жуда топиб айтган: ҳар бир асар, муаллифнинг фарзандидек гап. Қайси ўғил ё қизингизни яхши кўрасизу қайсисидан кўнглингиз тўлмайди, деган саволга жавоб қайтариш қийин бўлганидек, ўз асарларинг ҳақида фикр айтиш ҳам осон эмас. Фараз қилайлик: мен фалон асаримдан кўнглим тўлмаган деб, ўзимни камтарин кўрсатмоқчи бўлсам, бу — юмшоқроқ қилиб айтганда, китобхонга ҳурматсизлик бўларди. Ахир, китобхон унда нега нашр қилдингиз, деб сўраши мумкин-да. Модомики, кўлдан чиқариб, нашрга берган эканман, демак, асар ўзимга маъқул бўлган. Тўғри, асарлар бири-биридан қай жиҳатдандир фарқ қилади. «Чўлга баҳор келди» повести Москвада декадада ҳам, республика-камизда ҳам умуман яхши қабул қилинган, асар ҳақида жуда фойдали фикрлар ҳам айтилганди. Мен уни қайта ишлаб, нашрга тайёрладим. Орадан йигирма йил ўтгандан кейин, шу асарни уч-томликка киритиш лозим бўлганидан, шу ҳолича негадир кўнглим тўлмади. Худди китобхон, орадан йигирма йил ўтибди-ю, сиз лоақал у ер-бу ерини бугунги талаб назаридан кўздан кечириб бермабсиз-да, деётгандек бўлаверди. Асарни қўлимга олдиму қайта ишладим. Тўлдирдим. Роман ҳолида нашрга топширдим. Ўз меҳнатини миннат қилишмас-у, аммо янги асар ёзиш бундан осонроқ кўчарди. Ҳар қалай, асарларимдан кўнгли тўлмаслик, қаноатланмаслик ҳисси мени сира тарк этмайди. Аслида «қойил қилиб қўйдим», деган хотиржамликдан кейин тахта-ўқловни йиғиштирса ҳам бўлаверарди.

4. Иккам юз ёшида оламдан кўз юмган бувим бор эди. У киши бирон жойда ўқимаган бўлса ҳам маҳаллага танилган отин эди. Маҳалладагилар ҳар қандай диний маросимларга қақриб олиб кетишарди. Мен тушунолмасдим, ўқимаган, оми бўлсалар-да, отинбиби, дея ҳурматлашса, маросимларга қақришса, деб ҳайрон бўлардим. Бир сафар, билмайман неча ёшдаман, ҳар қалай, ақлим етадиган ёшда бўлсам керак:

— Буви, борган жойингизда нималарни ўқийсиз? — деб сўрасам у киши:

— Оббо болам-э, билсам ўқийман-да, ҳар қалай, у-буга ақлим етса керакки, маслаҳатга қақришади. Иннайкейин, уёқ-бу ёқдан гурунг бошланади. Шунда китобхонлик давраларида эшитганим борми, бошимдан ўтган, кўрган-кечирганларим борми, ипга тизгандек айтиб

беравераман. Хикояларим қизиқроқ бўлса керакки, одамлар сира ҳол-жонимга қўйишмайди, — деган эди.

Чиндан ҳам кўп яшаб, кўпни кўрганидан бўлса керак, бувим бирон воқеа ёки ҳодисани хикоя қилса, ҳамманинг оғзи очилиб қоларди. Биз қариндош-уруғлар, неваралар тўпланиб қолганимизда ҳам бирон нарса айтиб беришини сўраб, ҳол-жонига қўймасдик. Ушандай пайтларда афсоналарни эмас, ҳаётда кўрганларини шунақа жонли, образли қилиб гапирардики, воқеалар бутун тафсилоти билан кўз ўнгимизда жонланар эди. Яна бир жиҳатлари сира эсимдан чиқмайди. Одамларнинг қиёфасини, ҳолатини рассомдек аниқ чизиб берардилар. «Кўчқор келувди, авзойи хунуқроқ, гаплари ҳам қовушмайди, қовоқлари уюлганча, ўй суриб, хийла туриб қолди. Ичида бир олам дарди бор. Лекин айтолмади. Хайрлашишнияма унутиб, чиқиб кетди...» — деган эди бир сафар.

Ҳозирча нимаики ёзган бўлсам, шулардаги аёл, айниқса, қариялар образини яратишимда кўз олдимда бувим туради. Биринчи устозим — бувим деб баралла айта оламан. Негаки шогирдикни ўринлатолмай қолсам, ўзимнинг бувим, гуноҳимдан ўтадилар.

Максим Горький, Чехов асарларини, Шолохов романларини севиб ўқийман, баъзиларини такрор қўлга оламан, мутулаа қиламан. Ойбек, Фафур Фулом, Абдулла Қаҳҳор суҳбатларидан, маслаҳатлари, панд-насихатларидан баҳраманд бўлганимдан, кези келганда дастёрлик қилиб, кўлдан келганча ҳожатларини чиқарганимдан, этакларини ушлолганимдан хурсанд бўламан, бир умр ҳурматлари олдида таъзимдаман.

5. Езувчи яшаб турган даври билан ҳамнафас бўлмас экан, жамият кишилари, замондошларининг қувончини баҳам кўриб, дардига ҳамдард бўлолмас экан, ёзадиган асарига бадий ҳақиқат яратолмайди:

6. Ўзининг эл-юртга зарур эканингни ҳис этишинг катта бахт. Ҳаётда бўлиб турадиган бахтсиз кунларни эслашдан нима фойда?

7. Китобхон нима деркин, деган ташвиш мени сира тарк этмайди. Биронта асаримни мукамал дея олмайман. Қанийди умр етса, ҳаммасини бир чеккадан қайта ишлаб чиқсанг. «Чўлга баҳор келди»ни уч топқир қайта ишладим, ҳамон кўнгил тўлмайди.

8. Поклик, ҳалоллик, камсуқумлик, меҳр-оқибатли бўлиш — бу инсоний фазилатлар қандай ярашади одам боласига. Шулардан ўзини маҳрум қилганлар яшаяпман демаса ҳам бўлади. Шунчаки тирикчилик қилишяпти улар.

9. Асарларимнинг деярли ҳаммасида десам, янглишмайман, асосий қаҳрамонларнинг ҳаётда асл тимсоллари бор. Биринчи шеъримдаги Зеби хола, Маҳкам ака, Меҳри опа («Ҳазрати инсон») Муҳиддин, («Чўлга баҳор келди»), Викториа, Камолиддин («Чаноққа тўкилган қон»), Едгор («Едгор») ҳаётда бор кишилардир. Ҳаёт ҳақиқатини бадий ҳақиқатга айлантиришни «Ҳазрати инсон» романим мисолида кўриш мумкин. Ҳатто, китобхонлар йўллаётган хатларда асардаги асосий образлар, тошкентлик темирчилар оиласи — уруш етимларини бағрига олган Шомаҳмудовларнинг бадий образлари эканини тушуна туриб, ўзларини ҳам ўша оила бошлиқлари ҳамда болаларнинг бугунги тақдири қизиқтираётганини ёзишади.

10. Танқид адолатли, соғлом, холис, самимий бўлса, бадий ва ғоявий юксак савия билан асарга ёндашса, автор илғаб ололмаганини ишонарли қилиб кўрсатиб берса, ким ҳам бундай танқиддан миннатдор бўлмайди? Танқидчи бўлишни ўйлаб кўрмаган эканман. Езувчиликдан бўлса, чарчаганимча йўқ. Китобхонлардан ҳали қарзим кўп.

11. «Ҳазрати инсон» романимнинг иккинчи китоби устида ишлаяпман.

Усмон Азимов

1. Биринчи «асарим» тўққизинчи синфда ўқиб юрганимда областимиз газетасида босилган.

Бу шеърнинг ёзилиш тарихи шуки, газета варақлаётиб бир туркум шеърга кўзим тушди. Шеърларга сўзбоши ҳам ёзилиб, унда шоир Теша Сайдалиев саккизинчи синф ўқувчиси Муҳаммаджон Раҳмоновнинг ажойиб қобилиятини қувониб таърифлаган эди. Мен — тўққизинчи синф ўқувчиси! — саккизинчи синфда ўқийдиган боланинг бундай «шон-шўрат»ига чидаб туролармидим?.. Шартта ўтириб шеър ёздим. Қарабсизки, икки ойдан кейин бизнинг шеър ҳам чиқиб турибди! Бошимиз осмонда, оёғимиз ерга тегмайди!

Биринчи устозларим — марҳум Теша Сайдалиев, шеърятнинг Сурхондарёдаги фаол ташвиқотчилари Хуррам Мақсадқулов, Болта

Ериев. Бу холис кишилар адабиётимиз учун Эркин Аъзамов, Муҳаммад Раҳмон, Тоғай Мурод каби изодкорларни излаб топишган. Уларга илк йўл-йўриқлар беришган.

Аммо барибир ўша пайтда ёзган нарсаларимни адабиётга тегишли жойи камроқ.

Мен кейин узоқ вақт — етти-саккиз йил чамаси бирор — бир редакциянинг яқинига келганим йўқ. Сўнграқ, шеърларим баҳонаи сабаб билан яна яхши одамларнинг — Омон Мухторов ва Шўхратнинг қўлига тушди. Улар менга далда бердилар...

Ўша пайтда «Гулистон» журнаliga Асқад Мухтор муҳаррирлик қиларди. У биз ёшларнинг асарларини кетма-кет чоп эта бошлади. Асқад ака бу хайрли ишни оғринмай, бировга хизматини кўз-кўз қилмасдан, майда-чуйда гапларга қайрилиб ҳам қарамасдан, сабот

билан бажардилар. Натижада, бу журнал адабиётимизда бутун бир авлоднинг шаклланиш жараёнига бош бўлди.

Қани энди, Асқад Мухторга ўхшаш муҳаррирларимиз кўпроқ бўлса!..

2. Илҳомни — ёзиш жараёнини тасвирлаб бериш қийин... Аллақандай лаззатли ва бенажот оғриқ... Илк севгининг талвасаларига ўхшайдими-ей... Мен ёза бошлаганимга қадар жуда қийналанман. Деярли касал бўлиб қоламман. Хаёлимда бирор манзара ёки ҳолат вужудни титратиб айланади. Кейин оҳанг келади. Кўпинча ўйлаганимдан кўра бошқачароқ шеър ёзаман.

3. Асарни ёзиш жараёни қизиқ ва қадрли. Ёзиб бўлганимдан кейин «асар»ларимдан кўнглим тез совийди. Ҳатто улардан уяламан. Айниқса, биров ўқиб турганини кўрсам... Ўзимга ёқадиганлари ҳам бор. Уларни... айтмасам бўладими?

4. Ҳеч кимни устоз, деб билмайман.

Яхши шоирларнинг ҳаммасидан ниманидир ўрганганман. Аммо кўпроқ проза ўқийман. Толстойни, Чеховни, Абдулла Қодирийни, Юрий Казаковни тенгсиз ёзувчилар, деб биламан. Мешчанлар тушуниб-тушунмай «байроқ» қилган ёзувчиларнинг кўпчилигига шубҳа билан қарайман. Устоз дейишга шошилмай тураман... Менинг дидим жуда қолюқ. Цовкин-сурон тингандан кейин, «билимдонлар»нинг назаридан қолган ёзувчиларни ўқишга тушаман. Масалан, кейинги йилларда Онетти ва Кортасар асарларидан жуда роҳатландим. Маркесга келсак, биттагина асари менга чинакамига ёқди — «Ошқора қотиллик қиссаси»...

Чинакам устоз — ўз тажрибанг.

5. Ҳақиқий фаол граждонлик — Ватан ва халққа бўлган муҳаббат билан боғлиқ. Кимки шу туйғу билан қалам тевратса, у ҳамisha фаол граждон. Ёзувчининг фаол граждонлик позициясини унинг асарларидаги ташқи белгилар, масалан, мавзунинг замонавийлиги ва актуаллиги билангина ўлчаб бўлмайди. Ёзувчининг актив граждонлик позициясига асариди дарднинг катта-кичиклигига қараб баҳо бермоқ лозим.

6. Энг бахтсиз кунларим болалигимда бўлган. Отамиз вафот этиб, онамиз беш бола билан қолганлар. У киши баҳорда колхоз боғида ишлайдилар, пилла қўядилар. Ёзда ўроқ ўрадилар. Кузда эса эл қатори онамни

ҳам чўлга пахта теришга ҳайдашади. Чўл олис... Ҳали турмушдан урушнинг ҳиди кетмаган. Колхознинг одамларга тўлашга пули йўқ... Ушанда кўзёшнинг ва ноннинг нима эканлигини англаганман.

Бахтли кунларим ҳам менга болалигимда бўлгандай туюлади.

Учинчи синфда ўқиб юрганимда армияда хизмат қилаётган тоғам посилка юбордилар. Посилка қутисининг ичидан алоҳида тугунча чиқди. Тугунчада антиқа қилиб тикилган бир чийбахмал кўйлак, бир жуфт сап-сарик ботинка ва бир парча қоғоз... Қоғозда «Усмонга» деган ёзув. Тоғам бошқалар олиб қўямасин, деб ёзиб қўйганлар-да! Мени жуда яхши кўрардилар... Мен даштга қочиб чиқиб кетдим. Негадир йўғладим... Балки олис-олисларда юрган кап-катта одам мени — чопонига ямоқлар тўлиб-тошган болани унутмагани учун йўғлагандирман. Ким билсин...

Лекин аниқ эслаيمان, мен ушанда бахтиёр эдим.

Еш ўтган сайин одам бахтсизлигини ҳам, бахтиёрлигини ҳам аниқ ҳис қилмай қоларкан. Балки бу ҳақда ўйлаб ўтириш ҳам керак эмасдир.

7. Кўпчилик чоп этилаётган асарлардаги талантсизлик мени ташвишга соляпти.

Ўзимнинг нарсаларимга келсак, баъзан улар менга фақат камчиликлардан иборат бўлиб туюлади. Шунинг учун ёзаяпман. Агар бирор-бир камчиликларсиз нарса ёзишни уйда қилолсам, бошқа бирор сатр ҳам ёзмаддим.

8. Мардликни қадрлайман. Энг ёмон кўрганним — хиёнат.

9. Мен асосан ўзимни ёзаман. Шеърларимнинг бош қаҳрамони — ўзим. Фақат ҳозиргача бадий ҳақиқатга айландимми, йўқми — шуни билолмай турибман...

10. Танқидга муносабатим жуда яхши. Танқид тухматга айланганини сезсам ғашим келади.

Танқидчилигимиз ҳақида.

Танқидчилигимизда учрайдиган саводсизлик, хушомадгўйлик, тарафкашлик, ўзларининг майда мақсадчалари йўлида адабиётнинг юзига оёқ босишлар қанча тез йўқ бўлса, шунча соз бўлар эди!

11. Бир тарихий асар ёзиб тугатдим. Асарнинг замонавийлиги унинг қайси даврдан олиб ёзилганлиги билан ўлчанмайди.



Худойберди Тўхтабоев

**ШИРИН ҚОВУНЛАР
МАМЛАКАТИДА
ёки**



XXIII боб

**Бу бобнинг мазмуни
ичидаги гаплардан маълум бўлади**

Туни билан тиканга ағанагандек ухллоймай чиқдим. Севгилим менга учта шарт қўйди: биринчиси қандай бўлса ҳам Севхргар Иблис билан жангга киришиб, енгиб, қайтадан онасининг қорнига — йигирма литрлик шишага киритиб юборишим керак. Иккинчидан профессорлик унвонимни тиклаб олишим зарур, учинчидан, битта иморат солишим шарт. Ана ундан кейин қўш карнайлар чалдириб, тўйлар қиламиз, куёв сарполарни кийиб олиб, жўраларим билан ёр-ёр айтиб, ўйинларга тушиб, қийқиришиб, тўйхонага кириб борамиз... Йўқ, мулла Ақром, тўйга ҳали эртароқ, андак сабр қилсинлар... Аввало устозлари ҳақида ўйлаб кўрдиларми? У киши қамоқхонада жанобларининг айби билан ётибди-ку! Уни қутқаришим учун эса... уфф, нима қилсам экан, ҳар қанча ўйласам ҳам ақллироқ бир режа фикримга келмаяпти. Роботлар ҳаққа ўхшайди. Ақлий ривожим... майли, уёғини айтмай қўяқолай.

— Азизим, — дея мурожаат қилдим Қалпоқчамга, — устозимни қутқаришга ёрдамлашасанми?

— Йўқ, — кескин қилиб деди қадрдоним.

— Нега?

Қонунга қарши боролмайман деб бошидаёқ айтганман. Хайрли ишгагина кўмаклашаман.

— Уфф, энди нима қилдим?

— Ухла, тўйиб ухласанг, бошинга бирон фикр келиб қолар.

Ухлашга ҳаракат қилдим. Кўзларим юмуқ, миям эса ёғланган мотордек гупиллаб ишлаб турибди. Кимдандир, юзгача санасанг ухлаб қолсан, деб эшитувдим. Минггача санадим ҳамки, қани энди кўз қурғур илина қолса. Санокни қайтадан бошлайман деётгандим, хайрият, тонг отиб қолди.

Туриб, музек сувга ювиниб, яхшигина нонушта қилдим. Сўнг синглим Му Ти,

онамдан ҳам меҳрибонроқ бўлиб қолган Гу Ла холам билан анчагача чақчақлашиб ўтирдик. Нима бўлганда ҳам аввалги ишимга кириб, лабораторияга яқин бўлишим керак, деб қадрдон институтимга, менга унвон берган, номимни Ширин қовунлар мамлакатига танитган меҳрибон коллективим ҳузурига отландим... Инсон умрини узайтириш илмий-текшириш институти. Бу даргоҳ авваллари гулларга кўмилиб ётарди. Атроф ёғ томса ялагудек тоза, дарахтлар ярмигача оқланган, деворлари турли рангларга бўялган, йўлакчалар супурилган, хиёбонларга сувлар сепилган — бамисоли афсонавий жаннатнинг бир парчасидек кўзга ташланарди. Энди бўлса, ё тавба, шунақани хароб бўптики, таърифига сўз топилмайди. Йўлакларда чиқиндилар уюлиб ётибди, деворлар қулаган, кимдир гулзорга новвос боғлаб қўйибди. Гулзор ўртасидаги фаввора ҳовузида ахлат тоғ баробар бўлиб кетибди.

Директоримиз Устун Устунов ишдан олиниб, ўрнига бегона одам келибди. Йўқ, бутунлай бегона эмас, уни кўрганман, сизга ҳам таништирувдим шекилли. Бу юртга янги келганимда амалдорлар фарзанди ўқийдиган факультетга ўғлини жойлаштириш учун келиб, имтиҳон комиссияси раисига: «Ушбу лавозимни ўғлингизга мерос қилиб қолдираман» дея катта гапириб кетганлиги ҳақида сизга ҳикоя айтиб берувдим. Эсладингизми, ана шу одам, яъни Шар Мада институти-мизга раҳбар бўлиб тайинланибди. Буни мен кейинроқ билдим. Ҳозир эса қабулхона котибаси қаршида турганим учун гапни шундан бошлаб кетавераман. Котиба рўпарасига кичкинагина ойнани қўйиб олиб, қошига ўсма қўйяпти. Машғулотига шундай берилибдики, кирган билан ҳам, чиққан билан ҳам иши йўқ. Онда-сонда хиргойи қилиб, чиройли оёқларини лиқиллатиб қўяди.

— Кечирасиз, мен директор ҳузурига кирмоқчи эдим, — дедим ниҳоят тоқатим тугаб.

— Директор банд, — деб қўйди қизгина.

— Қачон бўшайди?

— Билмайман.

— Зарур ишим бор эди.

— Навбатга қачон ёзилгансиз? — шундай деб, қизгина тўнкарилган пиёланинг орқасига яна ўсма сиқа бошлади.

— Қанақа рўйхат? Қанақа навбат? — ҳайрон бўлиб сўрадим.

— Қанақа рўйхат бўларди, — жеркиб берди котиба, — бошлиғимиз ҳузурига кирувчилар рўйхати-да! Тавба, эрталабдан бери нуқул овсарлар келяпти-я!

— Навбатга ёзилишим шартми, ёзилсам қачон келаман?

— Уч ойдан кейин.

— Нима?

— Кармисиз?

— Кар-ку эмасман-да, лекин ишим жуда зарур эди.

— Унда бошлиққа бирон яхшилик қиласиз... Эҳтимол, ўғилларидан биронтасининг кўнглини овларсиз.

— Ўғилларидан?!

— Қизларига совға қилсангиз ҳам бўлади.

— Қизларига?!

— Набиралари қимматбаҳо ўйинчоқларни яхши кўради... Кумуш тойчоқми, олтин ғилдиракли аравачами...

— Олтиндан дедингизми?

— Бўлмаса, невараларига бирон яхшилик қилишга уннаб кўрасиз. Боғчага олиб боришга, йўқ, одам тайинланган экан. Кечқурун от-от қилиб миндиришга, қаранг, бундан ҳам кеч қолибсиз. Лой ишларига қалайсиз?

— Дурустман.

— Дурадгорликка-чи?

— Қўлимдан келмайди.

— Бўлмаса, яхши йигит, гап бундай: бошлиғимиз эвараларига атаб шаҳар ташқарисига иморат тикляптилар. Беш-ўн кун қарашиб берасиз. Келишдикми?

— Тўхтанг, — дея жаҳл билан ўрнимдан туриб кетдим, — ахир мен профессор Акримий бўламан. Аввал бу ерда ишлаганман.

— Профессор бўлсангиз... унда ўн беш кун ишлаб берасиз.

— Эсингиз жойидами?!

— Гап қайтарганингиз учун яна беш кун қўшаман. Йигирма кун ишлаб берганингиздан кейин келасиз.

— Авваллари бунақа эмас эди.

— Сиз кўрган тераклар кесилиб кетган.

— Қачон кесилди? Бюрократ бўлиб кетибсизлар.

— Ҳақорат қилманг! Бўлмаса ҳозир соқчи чақираман.

Чақирсанг чақиравер, дедим-да, шартта бориб директорнинг чарм қопланган эшигини зарб билан очдим узимни ичкарига урдим. Ҳеч ким йўқ. Бир ўзи қорнини столга берганча, аниқроғи, икки қўллаб столни қучоқлаганча газета ўқиб ўтирибди.

Менга кўзи тушиши билан аста-секин боши кўтарилиб, кўзлари шифтга қадалди-ю, тек қотиб қолди. Қат-қат бўлиб тушган бақбақасига бир оз тикилиб турдим-да:

— Ассалому алайкум, — деб қўйдим.

— Имм, — деган овоз эшитилди қат-қат бақбақанинг ёнидан.

— Мен Акром Акромиyman.

— Иххх...

— Илтимос билан келувдим.

— Им-м-м.

— Қалай, эсон-омон юрибсизми?

— Их-х...

— Мен яна ўз ишимга кирсам деб келувдим.

Шар Манда ўнг кўли билан, чиқиб кет, дея ишора қилгандек бўлди. Эҳтимол, мени танимаётгандир, дея яна исмимни такрорладим. Бу гал икки қўлаб ишора қилди. Хўрлигим келиб, йиғлаворай-йиғлаворай дея секин орқамга қайтдим. Қиз қошларига оро беришни тугатиб, энди лабига бўёқ сураётган экан:

— Қалай? — деб сўради ойнадан кўзини олмай.

Бошқа иложим қолмаган эди, тартибга бўйсунушга мажбур бўлдим. Нима бўпти, беш-ўн кун ишлаб берсам ўлиб қолармидим, қайтага жисмонан чиниқа-ман-ку.

Уша заҳотиёқ институт автобусида Шар Манда иморат қураётган жойга жўнаб кетдим. Борганимдан сўнг дилим анча ёришгандай бўлди. Мен-ку оддийгина бир йигитчаман-а, у ерда шунақанги катта олимлар ҳашар қилишаётган эканларки, асти қўяберасиз. Бири иштонини тиззасигача қайтариб олиб, лой тепган, бири обкашда сув ташиган, учинчиси инқиллаб гувала думалатган, қаранг, бу ерда ҳам оғир ишдан қочганлар топилибди. Катта илмий ходимлардан бири Шар Мандани набирасининг тагликларини ювиб беришни ўз зиммасига олибди. Ҳар куни уч маҳал ювиб, офтобда қуришиб, дазмоллаб ҳам берар экан. Бошқа бири набираларидан тўрттасини ўйнатиб юришга розилик берибди. Бир қарасангиз — печенье чайнаб бераётган, бир қарасангиз — иккитасини елкасига миндириб олиб, тўрт оёқлаб чопқиллаётган...

Сизни зериктириб қўймаслик учун гапимни чўзмай қўяқолай. Ун уч кун деганда йигирма минг фишт қўйиб бердим. Ун тўртинчи куни директор ҳузурига киришга рухсат бўлди. Ким билади, биринчи бор кирганимда Шар Манда бирон касалга чалинган эканми, ёки ўн уч кунлик меҳнатим эвазига бўлдимки, ҳар қалай, бу гал мени ўрнидан туриб қаршилади. Қучоқлашиб кўришаркан, пешонамдан ўпиб ҳам қўйди. Институтга менга ўхшаган истеъдодли олимлар ҳозир жуда, жуда ҳам зарур эмиш. Агар шаҳардаги қайси бир идорадан ишлаши мумкин, деган қоғоз олиб келсам, бугуноқ ишга тушишим мумкин экан. Сеҳргар Иблисга қарши умумшаҳар кураши бошланган, бурнингизнинг ҳид олиш қуввати зўр деб эшитганман, ўша фазилати ҳали ҳам бор бўлса, бизга кўп ёрдамнингиз тегади, дея қўшимча қилиб қўйди...

Справка берадиган идоранинг бошлиғи менга ўхшаб бурни катта, ўзи ҳам дум-думалоқ, пешонаси дўнг бир амаки экан. Арз-додимни эшитгач, столни анчагача чертиб ўтирди-да, ниҳоят кўзини хиёл қисиб:

— Хўш, қанча берасан? — деб сўради.

— Справка олиш учун пул тўлашим зарурми?

— Бўлмаса нима деб ўйловдинг?

— Пулим йўқ-ку.

— Унда справка ҳам йўқ.

— Илгари бунақа эмас эди шекилли, — дедим ҳайрон бўлиб.

— Сен, болакай, тескари ташвиқот юритма, — овозини хиёл баландлатиб деди амаки, — хоҳласанг шу, хоҳламасанг, ана, катта кўча.

Буни ҳам Сеҳргар Иблис заҳарлабди, деб ўйладиму қўл-оёғим бўшашиб, ўтириб қолдим. Энди нима қилдим? Шартта ўрнимдан туриб, афтига тупуриб чиқиб кетайми, унда справкани қаердан оламан, ўша зорманда бўлмаса ишга киролмайман-ку? Ишга киролмасам юзим қоралигича қолаверади. Қора юз билан устозимга қандай рўбарў бўламан?

— Хўш, қанча сўрайсиз? — дедим ўзимни босиб.

— Беш юздан камига бермайман.

Ана шундан сўнг мол бозоридаги даллол билан сотувчи ўртасида қандай савдолашиш бўлса, биз ҳам шундай қилдик. Ўзим ҳам гапга чечан бўлиб кетдим шекилли, бунинг устига бозорга кўп бориб, даллолларнинг ҳунарига разм солавериб, кўзим ҳам хийла пишиб қолган экан. Қўлларини сиқиб олиб, шунақанги силкитдимки, нақ елкаларини узиб олаёздим. Охири, уч юзга кўнди.

— Ҳа, майли, пулни чиқарақол, — деб қўйди.

Чўнтагимда ҳемири йўқлигини тўсатдан эслаб қолдим. Ахир, ўзингиз ўйланг, кечагина лагердан қайтган одамда пул нима қилсин. Бир-биримизга тикилиб қолдик. Амакининг кўзи тўла ғазаб, ўқ бўлиб отилай деб турибди. Мен бўлсам, хижолатдан қочгани жой тополмайман. Справкани бугун бераверинг, пулини эртага келтириб бераман, дея шу ёлбордим, шу ёлбордим, майли, ҳовлингизда деҳқончилгингиз бўлса, бориб чопиб берай, ўғил-қизларингизнинг таглигини ювай, деган гапларни ҳам айтдим. Амаки чўяндан қуйилган ҳайкалдай қотиб тураверди. На овоз чиқаради, на тириклигини билдириш учун бирон ҳаракат қилади. Жимгина ортимга бурилдим. Энди нима қилдим? Уйлай-уйлай, қамоқхонадан совға қилишган енгил машинани сотишга қарор қилдим. Илгари ҳам айтувдим шекилли, Ширин қовунлар мамлакатада одамлар пиёда юришни афзал кўрганлари сабаб, машинанинг бозори касод. Японги нарсани кепак баҳосига пуллашга тўғри келди. Душанба куни эрталаб яна афти чўяндек совуқ амакининг ҳузурига кириб бордим.

— Мана! — дедим пулни столни устига ташлаб.

Қалбига Сеҳргар Иблис макон қурган амакининг совуқ юзида илиқлик пайдо бўлди, лабига табассум кўринди, кўзлари қувончдан чақнаб кетгандек бўлди. Справкани кўлимга тутқазга туриб, омад ёр бўлсин, деб қўйди. Уша куни яна бир тўсиққа дуч келдим. Институтнинг кадрлар бўлимига мен исмини билмайдиган ёши элликлардаги бир аёл раҳбарлик қиларкан. Унга рўпара келиш учун бир шиша қимматбаҳо атир ё бир кийимлик ялтироқ мато бериш шарт экан. Совғаларимни олгач:

— Сиз илгари бу ерда ишлармидингиз? — деб сўради.

— Ҳа, — деб қўйдим.

— Яна ўша ишингизни давом эттириш ниятингиз борми?

— Ҳа.

— Паспортингизни пропискага қўйиб келинг, — шундай деб, опамиз мен келтирган атирнинг қопқоғини очиб, чуқур-чуқур ҳидлай бошлади.

Йўқ, паспорт столида ҳам ишим юришмади. Назаримда, қаерга боришни ихтиёр қилсам, Сеҳргар Иблис ўша ерга мендан олдинроқ етиб, ишим тушиши мумкин бўлганларни сеҳрлаб, қалбини музга айлантириб қўймоқда эди.

— Справка деяпман, — деярли бақириб деди паспортхона бошлиғи.

— Қанақа справка? — дейман йўғламоқдан бери бўлиб.

— Нима бало, кармисан, маҳалладан деяпман.

Маҳалладан бўлса, маҳалладандир-да, дедим-да, оёғимни судраб босиб, ҳолсиз, дармонсиз бир ҳолатда маҳаллага жўнадим. Комитетнинг раиси ёши етмиш бешларга бориб қолган, кўзоғи, кулоғи оғир бир киши экан. Оёғига бод кириб, кўрпа-тўшак қилиб ётиб олибди. Гу Ла холамникида тураман, шу уйга прописка қилмоқчиман, мен ҳам яшасам бемалол етадиган жой бор, деган гапни нақ уч соат тушунтирдим. Охири:

— Энди берасизми? — деб сўрадим.

— Нимани? — деб қўйди чол бувам.

— Справка.

— Қанақа справка?

— Прописка туриш учун.

— А?!

— Про-пис-ка.

— А?

Бемалол ўтириб олиб, қайта бошдан тушунтира бошладим. Билмадим, бир соатдан кейинми, икки соатдан кейинми, ҳар қалай, справка беришга кўнгандай бўлди. Лекин, қуруқ келганим чакки бўлибди, текинга олинган справканинг хосияти бўлмайди, ҳеч бўлмаса кирасига оёқларимни уқалаб қўясан, деб туриб олди. Биласиз-ку, бунақанги ишларга суягим йўқ. Енгимни шимариб, ишга тушиб кетдим. Бармоқларидан тортиб, сонигача қирсиллатиб уқалай бошладим. Унг оёғини тугатсам, чап оёғини тутати, денг. Охири чарчаб:

— Бўлдимми? — деб сўрадим.

— Йўқ, — бошини сарак-сарак қилди чол, — энди белимни ҳам уқалаб қўясан. Қўлинг енгил экан, бўтам, оёқларимга жон киритиб юбординг. Сенга справканинг шунақанги зўридан бераманки... Баракалла... Сал юқорироғидан бошла... бу справка билан дунёнинг нариги чеккасига борсанг ҳам гапинг ўтаверади... ҳа, ҳа, ана шу ерларини қаттиқроқ бос. Бай-бай, қўлингни сеҳри борми дейман, таним роҳат қилипти-я. Бос, босавер... Уч-тўрт кун уқаласанг, худо хоҳласа, оёққа туриб қоламан. Ана ундан кейин... справка ўзи яхши нарса-да. Одамнинг обрўйига обрў қўшади, тилини узун қилади, мартабаси баланд бўлади.

Бир ҳафта деганда чол оёққа туриб, менга, шу уйда яшаса бўлади, мазмунида справка ёзиб берди. Боринги, олтмиш тўрт кун давомида турли идоралардан

Ўттиз иккита справкани ундиргунча игна ютган итдек озиб кетдим. Дармоним кетиб, ўрнимдан туролмайдиган бир аҳволга тушиб қолдим. Бу ҳолимни кўриб, Сехргар Иблис бир неча бор қаҳ-қаҳ уриб кулганини сезгандай бўлдим. Демак, бутун ишларимни ўша Иблис орқага сурмоқда эди... Машаққат кетидан роҳат келади, деганлари рост экан. Олтмиш бешинчи куни «Сарқитлар» лабораториясига катта илмий ходим сифатида ишга жойлашиб олдим. Кимсан, профессор Ақром Ақромий бўлиб кетдим яна.

XXIV боб

Ёруғ юз билан

Ишлаётганимнинг учинчи куни эди шекилли, «Сарқитларга қарши кураш шаҳар комитети»га чақириб қолишди. Аввалига яна бир бало бўлмаса гўрга эди, дея кўрқиб, товонимгача музлаб кетдим. Нима бўлгандаям шу кунларда кўрганимдан баттари бўлмас, деб ўзимга таскин бердим. Еши эндигина қирқларга борган бўлса ҳам, сочи оппоқ оқариб кетган, юзи етилиб пишган ҳандалакдек дум-думалоқ, ёноқлари тарам олмадек қип-қизил, лаблари ҳозир қизиқроқ бир гәп айтиб юборадигандек ғалати қимтиниб турадиган Нарӣ Бери исмли бир киши идорага бошлиқ экан. Мени чақирганларида қанчалик ҳайрон бўлган бўлсам, Нарӣ Бери деган исми эшитганда ҳам шунчалик энсам қотди. Тавба, деб қўйдим ўзимча, одам боласининг исмиям шунақа бўладими? Кейинчалик оқкўнгил, феъли кенг, саховатли ва ўтакетган даражада кўрқоқ бўлган бу одам билан яқинлашиб кетгач, ғалати исмининг маъносини сўраган эдим, э, оғайни, ҳамма нарсани биламан десанг, пақ ёрилиб ўласан, деб қўя қолди. Хуллас, мана шу одам идорага бошлиқ экан.

— Исмингиз Ақром Ақромий, шундайми? — деб илиққина қарши олди бошлиқ.

— Шундай деб қўйдим.

— Ҳидлар бўйича мутахассис эдингиз шекилли?

— Ҳа, унча-мунчасини биламиз.

— Қанчагача ҳидни фарқлай оласиз?

— Ўзим санаганим йўқ, одамлар мингга яқин деб айтишади.

— Офарин, — Нарӣ Бери қафтларини бир-бирига ишқаб қўйди, — мана бу ахборотномада, ҳурматли профессор, сизнинг ҳақингизда ғоят илиқ сўзлар битилган. Ёзишларича, сиз одамнинг афтига қараб бу ёлғончи, бу чақимчи, бу иғвогар деб айта олар эмишсиз, ростми?

— Афтига қараб эмас, — дея эътироз билдирдим, — қонини ҳидлаб кўриб биламан.

— Анализ учун аввало ўша одам қонидан бир-икки томчи олиб кўрар экансиз-да?

— Ундай эмас, яқинига бориб, ҳидлаб кўрсам бас, кимлигини дарров айтиб бераман.

— Офарин, — Нарӣ Бери қафтларини яна ишқади, — хабарингиз бор, шаҳримизда Сехргар Иблис пайдо бўлиб, яхши одамларимизни заҳарлаб қўйяпти. Олдимизда икки вазифа турибди: бири — сарқит билан заҳарланган дўстларимизни қутқариш, иккинчиси — заҳарли микробларни тарқатиб юрган Сехргар Иблисни ушлаш. Токи шаҳар эркин нафас олсин, токи юртимизга аввалги осойишталик яна қайтсин. Бизга ёрдам беришингиз керак. Бўйин товлашга ҳақингиз йўқ. Негаки, ўша Сехргар Иблиснинг пайдо бўлишида сизнинг ҳиссангиз бор экан. Тўғрироғи, бош айбдорлардан бири экансиз. Мана бу қоғозларда шундай деб қайд қилинган. Демак, ёрдамлашасиз. Қўрқманг, ёлғиз эмассиз. Соқчилар, суд, прокуратура ва яна қанчадан-қанча жамоатчилик вакиллари ҳам бу ишга сафарбар этилган. Хўш, ёрдамлашасизми?

— Бўлмасам-чи, — дедим ишонч билдиргани учун хурсанд бўлиб.

— Ишга қачон тушасиз?

— Сиз хоҳлаган пайтда.

— Бўлмаса эртадан бошлайсиз, келишдикми?

Хайрлашиб, чиқиб кетаётган эдим, Нарӣ Бери кулимсираб, андак хижолат бўлганнамо мени тўхтатди. Менинг ҳам қанақа одамлигимни айтиб бера оласизми, деб сўраб қолса бўладими! Хижолат бўлганимни кўрсангиз. Бугун-эрта сенга бошлиқ бўладиган, тақдирингни ҳал қиладиган одамнинг юзига қараб, сен фалонсан, деб айтиб бўларканми... Анча маҳал чайналиб турдим. Мен ростгўй одамни яхши кўраман, деб бошлиғим яна қисташга тушди.

— Сиз оқкўнгилсиз,— дедим бурнимни тўлдириб уч-тўрт бор ҳаво симиргач.

— Яна?

— Яна раҳмдил ҳамсиз.

— Яна?

— Хўш... очиқ айтаверайми? Хафа бўлмайсизми?

— Хафа бўлмайман.

— Утакетган даражада кўрқоқсиз.

— Яна?

— Озгина амалпарастлигингиз ҳам борга ўхшайди.

— Рост айтдингиз,— дея Нарӣ Бери елкамга қоқиб қўйди,— шунақа қусурларим борлигини ўзим ҳам сезаман. Қурмагур, лавозим деган нарса яхши-да. Ҳурмат, эъзоз, имтиёз, ёлбориб турган кўзлар... Хуллас, шу иллатдан каминида озгина бор. Лекин, илтимос, буни бировга айта кўрманг.

Бўлажак бошлиғим энди гапни бошқа ёққа буриб юборди. Яъни эртага киришишим лозим бўлган ишда фидойилик керак бўлар экан. Ўзимиздан кечмагунча мақсадга эриша олмаб эмишмиз. Мен, яъни Акром Акромий, ростгўй эканман, бу яхши экан, лекин ростгўйликнинг ҳам ўрни ва пайти бўларкан. Рост деб ҳамма гапни айтавериш ҳам одобдан эмас эмиш... Бу гапларни нима учун айтаётганлигини ҳеч тушунмасам ҳам, маъқул, дея бошимни қимирлатиб жим туравердим.

Хайрлашиб чиқишим билан устозим Дар Даражанинг ҳузурига равона бўлдим. Шаҳар ташқарисидаги қамоқхонада арқон тўқийдиган корхона цех бошлиғи бўлиб ишлаётганини набираси Му Тидан эшитган бўлсам-да, олдига боришга юрак қургур бетламаётган эди. Ўзим қора, виждоним азобда эди. Энди-чи, энди мана, қилмишларимни меҳнатим билан ювдим. Хизматни ҳам бошлаб юбордим. Энг муҳими, хайрли ишга бел боғлаганман. Сеҳргар Иблисни ушлаб, онасининг қорнига киритиб юбормагунча, уйқуни ҳам, оромни ҳам тарк этаман, дея қасам ичганман. Яна қовун тушириб қўймаслик учун устозим билан маслаҳатлашиб олишим керак эди.

Қамоқхона дарвозасига етгач, бошимга Қалпоқчамни кийиб, кўзга кўринмайдиган бўлиб олдим-да, эшик олдидаги соқчилар столи остидан эмаклаб кетдим. Устозим Му Ти айтганидек, арқон тўқийдиган цехда эмас, пластмассадан ясалаган цехда ишлар, бошлиқ эмас, шунчаки оддий бир ишчи экан. Бир қўғирчоқни бит-казиб, парма билан киндигининг ўрнини тешаётган пайтида учратдим.

Бошимдан Қалпоқчамни олиб, тўсатдан кўз ўнгида пайдо бўлдим.

— А?! — деди-ю, бечора кўлидаги қўғирчоқни ерга тушириб юборди. Ўзим ҳам ғирт тентакман-да. Профессор деган номим бор-у, ҳалигача болалигим қолмайди. Ҳазиллашгим келаётган эди, кўнглимнинг шу майлини ҳеч босолмадим, бошимга Қалпоқчамни кийиб яна кўздан ғойиб бўлдим. Тавба, деб қўйди устозим. Уч минут чамаси бир кўриниб, бир йўқ бўлиб туравердим. Э, тавба, дея устозим шеригига гапира бошлади, ажойиб бир шогирдим бўларди, шу кеча тушимга кирувди. Ҳозир ҳам кўзимга уч-тўрт марта кўрингандай бўлди-я.

— Яна туш кўраётгандирсиз,— деб қўйди ҳамкасбим.

— Йўқ, ўнгингизда кўряпсиз,— дедим бошимдан Қалпоқчамни олиб.

— Акромий! — қичқириб юборди устозим.

— Бобожон!

Билмадим, неча фурсат ачомлашиб, неча фурсат ҳиқиллашиб йиғладик экан, бир-биримизнинг бағримизда эриб кетганимиз учун смена тугаганини ҳам, одамларнинг, ҳой, энди бас қилинглар, деганини ҳам пайқамай қолибмиз.

Устозим бу ерда ихтирочи бўлиб кетибди. Айтувдим-ку, жони дили бола-ю, севган машғулоти болаларга қўғирчоқ совға қилиш деб. Ҳатто ўшанда сизга маошининг ярми шу қўғирчоқларга сарфланади деб жиндек зорланувдим ҳам. Борингки, қўғирчоқ цехига ўз ихтиёри билан ўтибди, кетма-кет янгиликлар яратаверибди. Одимлаб юрадиган, биқинини қитиқласангиз қиқирлаб куладиган, пешонасини силасангиз ўн олтига сўзни бемалол айтадиган қўғирчоқлари ширин қовунлар мамлакати кўргазмасида Олтин медаль олибди. Ихтирочиларга бошлиғу

ўзига алоҳида хона, махсус устахонаю ўн еттита ёрдамчи... Эҳ-ҳе, бу ерда ҳурмати шунчаки ошиб кетибдики, таърифига сўз йўқ.

Ўзим ҳақимда гапириб бермоқчи бўлудим, ҳаммасидан хабарим бор, газеталардан ўқиб-билиб турибман, фақат шу вақтгача бирон марта хабар олмаганинг учун хафа эдим, деб қўйди.

— Сиздан уялдим,— дея ўзимни оқламоқчи бўлдим.

— Нега уяласан? — назаримда ҳайрон бўлиб сўради устозим.

— Виждоним азобда эди. Сарқитли қонларни бирлаштирмаганимда ўша лаънати Сеҳргар Иблис пайдо бўлмасди. Сиз бу ерда ётмасдингиз.

— Тўғри, катта хатолик бўлган,— устозим чуқур хўрсиндию ўйга толди шекилли, анча маҳал жим бўлиб қолди,— лекин бўтам, масалага чуқурроқ қарайдиган бўлсан, сенда айб йўқ. Сен ёр эдинг. Шундай хатога йўл қўйишинг табиий эди. Бу ўринда мен ҳушёр бўлишим, сарқитли қонларни бирлаштиришнинг хунук оқибатлари ҳақида сени қайта-қайта огоҳлантириб туришим даркор эди. Афсуски, мана шу нарса хотирамдан фаромуш бўлган экан. Лекин сен йўл қўйган хатонинг замирида ҳам, гарчи жуда хунук бўлса-да, буюк бир кашфиёт бор. Узинг яхши биласан, жин, алвасти, жодугар, сеҳргар, иблислар ҳақида деярли ҳамма халқларда ўзига хос бир тасаввур, ўзига хос бир тушунча бор. Ҳар бир халқ бу махлуқотларга ўзича таъриф ҳам берган, образини ҳам яратган. Лекин ҳеч бири буларнинг қандай шароитда, қай йўсинда пайдо бўлишини айтиб беролмаган. Сен уни кашф қилдинг, яъни, ўн етти иллат бирлашганда бир Иблис пайдо бўларкан. Лекин, минг афсуски, бу Иблисни биз қўлдан чиқариб юбордик.

— Ушлаш мумкинмиди? — шошилиб сўрадим.

— Албатта, мумкин эди.

— Ҳозир ҳам ушласа бўладими?

— Бўлади,— ишонч билан деди устозим.

— Нега бўлмаса ишга киришмаяпсиз?

— Ахир мен бу ердан, ихтиёр ўзимда эмаслигини кўриб турибсан-ку?

Пайт келди, деб ўйлаб, мен ҳам анча-мунча Сеҳргардан қолишмаслигимни устозимга баён қилдим. Сеҳрли Қалпоқчамни ўн бир марта бошимга кийиб, яна ўн бир марта олдим. Довдираб қолган устозим анчагача ўзига келолмай анграйиб турди-да:

— Бу сенмисан, Акроми? — деб сўради.

— Худди ўзиман,— деб қўйдим.

Шу пайт устозимнинг ҳам болалиги тутиб қолса бўладими, қўярда-қўймай Қалпоқчамни уч бора бошига кийиб кўрди. Қизиқ, ҳеч қандай мўъжиза юз бермади. Сенинг вужудингда мўъжизалар мавжудлигини биринчи бор учратган-даёқ пайқаган эдим, дедию жим бўлиб қолди. Устозимни қочишга ундай бошладим. Қалпоқчамни биргалашиб кийиб, кўздан ғойиб бўламиз, шаҳарнинг холироқ бир гўшасида яшаб, Сеҳргар Иблисга қарши биргалашиб курашамиз, дея қайта-қайта таклиф қилдим. Устозим бош чайқаб, менинг қамалишим қонуний бўлган, қочишим эса қонунга зид, имконияти бор одам қонунни оёқ ости қила-берса... жамият остин-устин бўлиб кетади, дея оёқ тираб туриб олди.

— Ахир, Сеҳргар Иблис одамларни булғаяпти-ку,— дедим қичқирмоқдан бери бўлиб.

— Сеҳргар Иблисга қарши курашмаймиз деётганим йўқ, нега қизишасан, бўтам, — шошмасдан, ўзи билан ўзи гаплашаётгандек бир оҳангда давом этди устозим, — лекин ҳар бир ишнинг натижаси қўлланилган усулнинг афзаллиги билан ўлчанади. Газеталарда ўқиб турибман, профессор Дар Мон иссиқни иссиқ кесади, совуқни совуқ кесади, ёмонликни жазолаш орқали тугатиш мумкин деган фикрга бориб, Сеҳргар Иблис заҳарлаган кишиларни жазога тортмоқ керак, деган ғояга қаттиқ ёпишиб олибди. Эҳтимол, у ҳам ўз йўлича тўғридир. Лекин, бўтам, бу фикрга мен унча қўшилмайман. Қўлингга қайноқ сув тўкилса, муздек лой боссанг, танинг роҳат қилади. Совқотиб турганингда бир пиёла қайноқ чой ичсанг вужудингга роҳат қўйилади. Ёмонликни яхшилик билан, зулматни нури зиё билан даф қилмоқ керак. Айтмоқчиманки, ёлғончилик касалига мубтало бўлган беморни ростгўй одамнинг қони, қайноқ нафаси ва пок нияти билан даволамоқ керак.

— Порахўрни-чи? — дея шошилиб сўрадим.

— Уни меҳнаткаш одамнинг қони ва мен яратган ноёб суюқликдан бир томчи қўшиш орқали даволаса бўлади.

— Сиз шундай суюқликни яратганмисиз?

— Суюғини ҳам, қуюғини ҳам аллақачон синовдан ўтказиб қўйганман.

— Менга айтмаган эдингиз.

— Бу сирни ҳеч кимга айта олмас эдим.

— Уша дорилар қаерда ҳозир? Сеҳргар Иблис топиб олган бўлмасин тагин?

— Ташвишланма, тополмайди.

— Бобожон, ишга тезроқ киришайлик, тоқат қилолмаяпман.

— Сабр қил, бўтам, бизнинг ишимизда ҳали айтганим усулдан ташқари яна сабру тоқат ҳам катта роль ўйнайди... Хўш, нима деяётган эдим?

Устозим ўзи раҳбар бўлган лабораториянинг ертўласига иккита темир сандиқни лиқ тўлдириб ноёб дорилар жойлаган экан. Ертўлага тушишнинг сиру асроридан эринмасдан мени воқиф эта бошлади. Ҳали инсоният татиб кўрмаган, татиб кўрса барча иллатдан бора-бора қутулиш мумкин бўлган ноёб дорилар сеҳрли сандиқларда сақланаётган экан. Уларни бу ерга, мана шу кўфирчоқлар уймалашиб ётган хонага бир амаллаб бешикаст келтириш ҳақида узоқ маслаҳат қилдик. Ниҳоят, бир қарорга келгач, яна суҳбатимизнинг аввалига қайтдик. Устозим набираси Му Тини суриштира бошлади. Ранг-рўйи қанақа, иштаҳаси тузукми, кийим-боши озодагинами, кечалари туриб олиб йиғламаяптими, онаси билан ёзишиб турибдими... мана шунақа саволлар беряпти-ю, савол орасида ўзи юм-юм йиғлаб ҳам оляпти.

— Йиғламанг, ҳаммаси жойида, — дейман ўзим ҳам йиғига қўшилиб.

— Юрагим тўлиб турувди, — хўрсинди устозим, — қўй, менга тегма, бир ичимни бўшатиб олай. Кўфирчоқ ясаб, минглаб болаларни севинтирсам-у, ўз жигаримни ҳам лашқарига талатиб ўтирсам. Ҳа, бўтам, Сеҳргар Иблисни тезроқ ушлашимиз керак. Уша малъун қўлга тушмагунча бу оламда на қувонч, на бирон нурли кун бўлади. Ҳаммасини ўғирлаб қўяди у. Хўп, энди жўна, тезроқ бориб, набирагинамни эркалаб қўй. Кўнглим чўкмасин, бобонг тез кунда чиқади, де.

XXV боб

Иқрорнома

Шундай қилиб, «Сарқитларга қарши кураш комитетига» масъул секретарь бўлиб тайинландим. Қаранг-а, дейман ўзимга ўзим, яқингинада эшак миниб уймау-уй хат ташиб юрган йигитча шунақанги катта лавозимга кўтарилиб кетсам-а. Ўзи омади бор бола эканман-да. Нимани орзу қилсам, андак нари-беридан кейин ишим ўз-ўзидан юришиб кетаверади. Юмшоқ кресло, қўша-қўша телефонлар, минут сайин чой дамлаб берайми, дея эшилиб-буралиб кириб турадиган, сочини калта кесиб, лабини бўяб олган соҳибжамол қизлар, эҳ-ҳе, боқилган тойчоқдек гижинглаб турган енгил машинани айтмайсизми?! Оҳ-оҳ, ҳозир мақтанчоқ ўртоғим Ҳошим тўсатдан келиб қолармиди. Бу дабдабаю бу ҳурмату эъзозни кўриб, билмадим, қай аҳволга тушар экан... Ростданам, келиб қолса-я! Йўқ, келолмайди. Ахир, мен Сеҳрли қовуннинг ичида яшайман-ку. Унинг ичи осмондек кенг-у, аммо дарвозалари берк. Кирилмайди. Эҳ, кирганда соз бўларди-да.

Очиқ иқрор бўлиб айтишим керак, хизматим оғир, жуда ҳам оғир. Сарқитларга қарши курашувчи маҳаллий комитетлардан ахборотлар қабул қиламан. Чора кўришларини сўраб, соқчилар, суд, прокуратура органларига тақсимлайман. Ўзимга ҳам махсус участка биркитилган. «Инсон» институтини назорат қилиб бораман. Кўпинча жанжалли масалаларни ҳал қилишга ҳам иштирок этаман. Ифвогар ўз айбини бўйнига олмаётган бўлса, бу қусур кучайиб, касалликка айланиб, бошқаларга ҳам юқиш эҳтимоли туғилса, дарров мени ёрдамга чақиришади. Қусурли кишининг яқинига бориб уч-тўрт ҳидлайман-да, оғайни, сен ифвогарсан, деб пешонасига ёрлиқ ёпиштираман.

Бошлиғим Нарӣ Бери сал ғалатиноқ одам. Масалан, кўчанинг ўнг томонидан юриш бошласа, охирига етгунча чап томонига ўтиб олганини ўзи сезмай қолади. Нутқининг бошида бировни ёмонласа, охирига бориб мақтаб юборади. Эрталаб чиройли деган нарсасини кечкурун хунук деб туриб олади. Шунинг учун ҳам отини Нарӣ Бери деб қўйишган бўлса керак. Лекин характерининг бу белгиси ҳар куни эмас, онда-сонда намоён бўлади. Ҳар куни намоён бўладиган хислати оққўнгилли-гу раҳмдиллик. Ишни қийиб юборади, десам ишонаверинг, ўзигаям, бошқаларгаям тиним йўқ. Кўпинча кечалари ҳам қолиб кетади.

Бир куни Сеҳргар Иблис хусусида гаплашиб ўтирувдик, у туғдирган жиноятларга қарши курашдан чарчаб қолаётганлигини айтиб, жиноятчига эмас, жиноятчини юзага келтираётган иллатга қарши курашмоғимиз керак эди, деб қолди. Агар Сеҳргар Иблисни қўлга тушириб берадиган одам топилса, олтидан бўйи баробар ҳайкал қўярдик, дея қўшимча ҳам қилиб қўйди.

Демак, олтидан ҳайкал менга қўйилар экан-да, дея ўйладиму индамай қўя қолдим. Аммо тушлик пайтигача Иблис хаёлимдан нари кетмади. Тушлик пайтида

эса... Мен уни кўрдим, ҳа-ҳа, кўрдим. Ошхонанинг мендан ҳам каттароқ раҳбарлар овқатланадиган хилват бурчагидан одам боласи чидай олмайдиган бадбўй ҳид анқий бошлади. Биринчиси ўша ёққа тўғрилаб, чуқурроқ нафас олдим. Йигирма литрлик шиша ёрилиб, ичидан соқолини селкитиб Сеҳргар Иблис чиқиб келганда, ана шундай ёқимсиз ҳид таралган эди. Уша пайтда унинг қиёфаси бутунлай бошқа, кўрқинчли эди, ҳозир эса келишган бир йигит қиёфасида ўтирибди. Эҳтимол, у эмасдир, деган фикр ўтди бошимдан. Уша, дея шивирлади кўлтиғимда турган Қалпоқчам, кўрқма, унинг сеҳри сенга таъсир қилмайди.

Яқинроғига бориб ўтирдим. Ошхоналардан ҳам маза қочди, дея гапира бошлади Иблис қаршисидаги хўрандага, ҳаммаси ўғри бўлиб кетган, устидан ёзиш керак. Яна ҳам яқинроқ ўринга ўтдим. Худди шу пайтда ўтли нигоҳларимиз тўқнашиб қолди. Кўзларимизда ғазаб чақнай бошлади. Бармоқларимиз муштга тугилиб келмоқда эди.

— Ақром Ақромий бўладиларми? — менга қараб заҳарли бир табассум қилди Иблис.

— Худди ўзиман, — шундай деб устига бостириб бора бошладим.

— Сарқитларни тугатмоқчи эдилар, шекилли?

— Гапирма, Иблис!

— Ҳандалак шаҳри фуқаросининг умрини узайтираман, деб ният қилувдиларми?

— Ҳозир бўғиб ташлайман сени! — бор кучимни тўплаб, устига ташландим. Қизик, жуда қизик бўлди-ку! Утирган ўрнида йўқ бўлиб қолди. Қорним билан столга урилдим. Хўрандалар кулиб-юборишди. Бадбўй ҳид дераза томондан кела бошлади. Қочди, ҳа, қочди у. Деразадан сакраб, кўчага ўтдим. Қизик, на ранг бор, на шакл. Аммо димоқни ачитадиغان бадбўй ҳид ҳамон анқиб турибди. Ора-чора Иблисининг: «хо-хо-хо, ҳа-ҳи-ҳи ҳеҳ-хеҳ-хеҳ», — деб кулаётгани ҳам эшитилиб турибди. Ҳид орқасидан қувлашга тушдим. Бора-бора, фақат менгагина таниш бўлган қўланса бўй шундай кучайдик, ўннга югуришни ҳам, чапга югуришни ҳам билолмай қолдим. Уқчиб-ўқчиб ишхонамга қайтдим. Хафа эмас эдим. Қалбимда қувонч сурнайлари чалина бошлади. Ахир мен Уни кўрдим, олдимга солиб қувдим, демак, мендан кўрқар экан. Бугун етолмадим, лекин эртага албатта қувиб етаман, шундай эмасми...

Котиба қизлар иш столимга бир даста хат келтириб қўйишган экан, навбат билан ўқий бошладим.

«АХБОРОТНОМА № 1

Биз ким имзо чекиб, ахборотнома битувчилар «Сарқитларга қарши кураш шаҳар комитети» оператив группа аъзоларидирмиз: Бинобарин қуйидагиларни қайд қиламиз: «Инсон» институти «Витаминлар» лабораториясидан шикоят тушган эди. Зудлик билан ўша ерга етиб бордик. Маълум бўлишича, лаборатория инсон умрини узайтиришда витаминлар қандай роль ўйнаши ўрганилар экан. Ун тўрт олим йигирма еттита чол ва кампир устида илмий тажрибалар олиб бориб, хийлагина яхши натижаларга эришаётган ҳам экан. Лаборатория мудирин профессор Дар Моннинг феъли тўсатдан айнабди. «А» витаминидан бир килою икки юз граммни ўғирлаб сотиб, тушган пулини набирасининг хатна тўйига сарфлабди. Омбор мудирин бошлиқдан нусха олиб, «В» витаминидан етти юз граммни чайқов қилиб, тушган пулига хотинини курортга жўнатибди. Илмий ходимлар раҳбарлардан қолган витаминларни ўзлари еб қўя қолишибди. Кўзбўямачилик бошланибди. Беморларга «А» витамини ўрнига арпанинг толқонидан, «В»нинг ўрнига қуритилган беданинг кукунидан малҳам тайёрлаб беришибди. Устида тажриба олиб борилаётган қариялардан бир қисми ичбуруқ касалига, бир қисми ичқотиш касалига чалинибди.

Хулоса: лаборатория ходимларини Сеҳргар Иблис заҳарлаб қўйган. Минг афсуски, ходимлар буни бўйинларига олишмади. Есақ сенинг витаминингни ебмизми, ўзимиз тайёрлаган маҳсулотни едик-да, деб туриб олишди.

Комиссия аъзолари:
Ур Бон
Қур Бон
Ос Мон.»

Бошлиғим Нарн Бери ҳам ахборотнома билан танишгач, столни муштлаб, ўрнидан туриб кетди:

— Даҳшат! Шифокор беморнинг дорисини еб қўйса-я, даҳшат! Хужжатларни дарҳол қонун органига жўнатиб. Таъзирини бериб қўйиш керак бу муттаҳамларнинг!

Текширув актларини қонун органларига негадир жўнатгим келмади. Такрор ва такрор айтаманки, одамларнинг ана шу аҳволга тушиб қолишларида бош айбдор мен ўзим бўламан. Устозим ҳузурига югурдим. Пластмассадан турли қушлар ясаб, бирини сайратиб, бирини сакратиб, ўзини овунтириб ўтирган экан. Шу даражада ҳаяжонда эдимки, салом-алик ўрнига, бобожон, дорилар қачон тайёр бўлади, дея қичқириб юбораездим.

— Дорининг минг хили аллақачон тайёр бўлган, бўтам, — босиқлик билан деди устозим. — Тинчликми? Мунча энтикмасанг?

— Мана ўқинг, — ахборотномани қўлига тутқаздим.

Ўқиган сари, тавба, устозимнинг юзида осойишталик, хотиржамлик кўпая бошлади. Ўзи жуда ғалати одам-да устозим, бунақанга ақлли одамни икки дунёда ҳам тополмайсиз. Фикрининг чуқурлиги, хаёлотининг кенглиги, ихтиро кетидан ихтироларни ўйлаб топиши, минг киши ҳал қилолмайдиган жумбоқни ҳам бир дақиқада ҳал қилиб қўйиши... гоҳо бу одам эмас, сеҳргар деб ҳам ўйлаб кетаман-у, дарҳол фикримдан қайтиб, йўқ, бу чинакам инсон, менга ўхшаб иши юришмаганларнинг бахт-саодати учун яратилган у, деб кўяман. Ҳа, у одамларга бахт улашиш учун келган бу дунёга.

— Дар Моннинг аҳволи чатоқ экан-да, — деди ниҳоят устозим бошини кўтариб.

— Жуда чатоқ, — дедим шоша-пиша.

— Уни қўтқарамиз, — устозим ўйчан бир ҳолатда сўзини давом эттирди. — Одам боласининг организми, хусусан, унинг қони жуда ғалати бўлади. Бу қонларда гоҳо турли касалликлар белгиси туғилганидаёқ пайдо бўлади, тўғрироғи, ўша қон билан туғилади. Бу микроблар яхши шароитга тушиб қолса, кучайиб, касалликка айланади, нобоп шароит бўлса, ривожланмай, ўша организм, ўша қон ўлганда биргалашиб ўлиб кетиши ҳам мумкин. Дар Моннинг қони ва руҳида ўғирлик, қаллобликка мойиллик бор экан. Сеҳргар Иблис уни осонликча ўз томонига оғдириб олибди... Қўрқма, уни даволаймиз. Қани, айт-чи, ўғирликнинг акси нима?

— Тўғрилик, албатта.

— Қаллобликнинг акси-чи?

— Ҳалоллик ва ростгўйлик...

— Баракалла, бўтам. Ҳамкасбларимизни тўғрилик ва ҳалоллик дориси билан даволаймиз. Бундай сеҳрли дорини мен бундан ўттиз йилча олдин яратган эдим-у, ишлашиб кўрмагандим. Энди синаб кўрамиз. Қани, темир сандигимни очай-чи, мана, бор экан. Мана бу шишачани олгин-да, лабораторияга бориб, шойигулнинг баргидан қайнатиб, суюқлик тайёрла. Ўша суюқликка бу доридан бир томчидан томиз. Дар Мон билан одамларга ичир.

Туни билан ухламай устозим буюрган суюқликни тайёрлаб, томизгидан қўшиб, ўғирлик ва қаллоблик касалига гирифтор бўлганларга ичириб юбордим. Учунчи қуни, йўқ, тўртинчи қуни экан, Дар Мон бошлиқ ўн тўрт илмий ходим идорамизга бирин-кетин кириб кела бошладилар.

— Сарқитларга қарши курашадиган идора шу ердами? — сўради Дар Мон.

— Шу ерда, — деб қўйдим.

— Бошлиғи қаерда?

— Ичкарида ўтирибди.

Биргалашиб ичкари кирдик. Сурғучланган конвертларда хат келтиришибди. Адолатли бошлиғим Нарн Бери аввал ичида, сўнг овоз чиқариб ўқий бошлади.

«ИҚРОРНОМА»

Биз ким, ўз айби ва йўл қўйган хатосига иқрор бўлиб, ушбуни ёзувчи Витаминлар лабораториясининг юзи қаро ходимлари бўламиз. Чиндан ҳам ўғирлик ва қаллоблик йўлига кириб, тасарруфимиздаги беморларнинг умрига завола бўла бошлаган эканмиз. Бемор ҳаққини ейиш шифокор учун энг шармандали бир ҳол эканини тушуниб туриб шундай қилган эканмиз. Идорангиз ходимлари шойигул атриддан тайёрлаб жўнатган ноёб доридан ичган, тўсатдан ўзимизга келиб ғоят тубанлашиб кетганимизни англадик. Жиноятимиз ғоят оғир, ҳар қандай жазога лойиқмиз. Хоҳласангиз қаллоб сифатида ҳаммамизни жазоланг, хоҳласангиз атрофимизга куя суртиб, эшакка тескари миндириб, булар бемор ҳаққини еган ўғри, қаллоб, дея жар қақиртиринглар. Жиноятимизга чин дилдан иқрор бўлганимизни ҳисобга олиб, айбимизни ювиш учун муҳлат берсаларинг яхши бўларди. Шойигул

баргидан шифо топганимизни ҳисобга олиб, шаҳримизнинг бутун кўчаларига, хиёбону йўлакчаларига шу ноёб гулдан бир миллион туп кўкартириб, қишин-ёзин қараб туришни зиммамизга олмоқчимиз. Токи шаҳримиз фуқароси шу ноёб гулнинг хушбўй атридан ҳидлаб, кайфи чоғ бўлиб юрсин...»

Айтувдим-ку, бошлиғим кўп ақлли ва тадбиркор деб. «Иқрорнома»ни ўқиб бўлгач, уни олиб келганларга ўз мулоҳазасини дарров билдирмади. Сизлар бораверинглар, кенгаш чақириб, маслаҳатлашиб оламиз, дея жавоб бериб юборди. Кенгаш бошлиғимнинг, гул экиш керак деган фикрини маъқуллади. Умуман, бизнинг идорамизда бошлиқнинг айтгани-айтган, дегани-деган. Йўқ деган одамнинг, қишлоқча қилиб айтадиган бўлсак, косаси оқармайди.

Уша йили баҳорга бориб Ҳандалак шаҳрида бир миллион туп шойигул кўкариб, ёз бўйи одамларнинг кўзини қувонтириб, кайфини чоғ қилиб турди. Кечирасиз, мен жиддий илгарилаб кетдим шекилли. Айтмоқчи бўлган муҳим гапим қолиб кетибди. Сехргар Иблис заҳарлаган одамларни биринчи бўлиб бизнинг комитет даволагани бутун мамлакатга овоза бўлиб кетди. Ғоят ақлли, ғоят тадбиркор бошлиғимиз Нарӣ Бери номига табригу мақтовлар лайлақордек ёғила бошлагач, шаҳар маъмурияти жамоатчилик талабини ҳисобга олиб, уни учинчи даражали Катта қовун мукофоти билан тақдирлади. Ва... табиийки, мени ҳам қуруқ қолдиришмади, ташаккурнома ёзилган бир варақ қоғоз беришди.

XXVI боб

Хиёбонда муштлашув

Ишқу муҳаббат бобида ишим ҳеч юришмаяпти. Кимга йўлиқиб қолдим, ўзи, одамми ёки отаси алвастию онаси шайтону ўзи шайтонбаччами? Бир қарасанг, жуда меҳрибон, камтар, ҳамма гапга тушунадиган, мўмин-қобил қизалоққа айлланиб қолади. Яна бир қарасанг, шунақа тунд, шунақа қайсар, шунақа алдам-чики...

- Гу Ли кетяпти қаралсин! — дейман ёлбориб, — нега сиз бунақасиз?
- Қанақаман? — дейди бетимга қарамай.
- Ахир мен сизни севаман, деяпман.
- Севсангиз нима қилай, ашула айтиб берайми?
- Наҳотки мен бечорага раҳмингиз келмаса!
- Қайси бирларингга раҳм қиламан, сиздақадан яна ўттизтаси бор!
- Анов куни ўнта девдингиз-ку?
- Яна йигирматаси қўшилди.
- Ҳаммамизни аҳмоқ қилиб юрган экансиз-да?
- Вой, нега ундай дейсиз?
- Тўхтанг, — дейман йўлини тўсиб, — бугун ё ҳа, ё йўқ дейсиз.
- Анов куни айтганман.
- Нима дегансиз?
- Сехргар Иблисни қўлга туширганингиздан кейин жавоб бераман, деганман.
- Ушанда хўп дейсизми?
- Уйлаб кўраман.
- Қўлга туширолмасам-чи?
- Орқамдан умрбод эргашиб юраверасиз.
- Иблисинг қўлида ўлиб кетсам-чи?
- Унда йигирмангиздан кейин дарров эрга тегаман.
- Эр ҳам тайёр экан-да?
- Бўлмаса нима деб ўйловдингиз.

Мана, ўзингиз ҳам кўриб турибсиз, шунақа гаплардан кейин ошиқ қалбида бўрон кўтарилмайдими? Рашк кўзғовчи бу сўзлар ошиқ дилини вайронага айлантирмайдими? Ўлсангиз ўлаверинг, деб турса, ўлгандан баттар бўлмайсизми? Йўқ, дейман ўзимга ўзим кечалари уйғониб кетганда, бу савдони энди бас қиламан, бошқасини танлайман. Тавба, эрталаб ўрнимдан туриб, ке, яна бир уннаб кўрай, дейману қайтадан йўлини пойлашга тушаман.

Бугун яна оёқларим ўз-ўзидан Гу Ли ишлайдиган шифохона томон бурилиб кетаверди. Қизиқ, боргим йўққа ўхшайди-ю, оёқ кургур ихтиёримга бўйсунмаётгандек. Таниш скамейкага ўтириб, иш вақти туғашини кута бошладим. Бир маҳал... Наҳотки... Йўғ-э, хипча белли, елкаси кенг, хушрўйгина бир йигит

севгилимни қўлтиғидан олиб, чақчақлашиб чиқиб келяпти. Сўхбатга шундай берилибдиларки, ёнгинамдан ўтиб мени пайқамадилар. Қиқирлашиб кулганларичи, кула туриб бир-бирининг елкасига туртиб қўйганларичи! Тамом бўлдим, на оёқда дармону на юракда қувват қолди. Борлигимдан совуқ тер қўйилиб кетди. Рашк алангасида ёнганимдан эмас, йўқ, севгилимни чиройли йигит қиёфасига кириб олган Сеҳргар Иблис қўлтиқлаб кетаётганидан ёниб кетдим. Наҳотки, у ўз қиёфасини шунчалик тез ўзгартирган бўлса! Ошхонада кўрганимда кенг пешонаси йилтироқ, силлиқ юзи тошдан йўнилгандек совуқ, елкаси чиққан, бели андак букрироқ эди. Энди бўлса, сочларини жингалак қилдирибди, ўрмалаб кетаётган кўнғизчадек бежирим мўйловча қўйибди. Ҳар қандай қиз бир кўрганда юраги така-пука бўлиб, ошиқу беқарор бўладиган даражада ёқимли қиёфага кириб олибди...

Шартта ўрнимдан турдим. Бугун ё ўламан, ё уни ўлдираман. Орқаларидан эргашдим. Устига ташланганим билан фойдаси йўқ, яна кўздан ғойиб бўладию қорним билан ерга йиқилганим қолади. Нима қилсам экан, панада туриб, бошига тош билан туширсамми? Кошки бу шаҳардан тош топиб бўлса! Қалтирай бошладим, рашқдан, ғазабдан бўлса керак. Чорраҳага етганда икковлари тўхтаб қолишди. Сеҳргар Иблис севгилимнинг нозик қўлчаларини кафтларига олиб, очиқиб қолган бузоқча энасини эмгандек чўлп-чўлп этиб, дўмбоқ бармоқчаларини сўра бошлади. Қизгина эса қитиғи келган одамдек қиқирлаб кулиб, ора-чора, қўйинг, уяламан, дея ноз қиляпти-ю, аммо қўлларини тортиб олмаяпти.

— Торт қўлингни! — беихтиёр қичқириб юбордим. Гу Ли атрофига бир аланглади-ю, қариндошларимдан биронтаси кўриб қолди, деб ўйладими, ура солиб қочишга тушди.

Иблис иккимиз юзма-юз қолдик.

— Ҳе-хе-хе, — деб қўйди рақибим.

— Кулма! — дедим ер тепиниб.

Сеҳргар Иблис эканини пайқаб турганимни мутлақо сездирмаслигим керак, деган фикр ўтди бошимдан.

— Нега орқамдан эргашдинг? — овозини хиёл кўтариб сўради Иблис.

— Сен у қизга тега кўрма, — дедим қатъий қилиб, — мен севаман уни.

— Ҳе-хе-хе!

— Кулма!

— Ҳи-ҳи-ҳи!

— Ҳозир бўғиб ташлайман сени, — устига бостириб бора бошладим. Ҳар қанча яқинлашмай десам ҳам ҳеч иложи бўлмади. Икки қўлимни оташкуракдек чўзиб юриб боряпман, у эса менинг тезлигимга тенг тисарилиб боряпти. Шу алпозда юриб, шаҳардаги тарих музейи ҳовлисига кириб қолганимизни пайқамай қолибман.

— Тўхта, — деди ниҳоят Иблис тилга кириб, — барибир етолмайсан. Аммо истасам, мен сенга бир ҳатлаб етиб олишим мумкин, бўғиб ўлдиришим ҳам ҳеч гап эмас. Лекин ҳали-бери ўлдирмайман. Негаки сен, гарчи ашаддий душманам бўлсанг-да, мени дунёга келтирган, бошимни силаган доям бўласан. Сут ўрнига арақ бериб, катта қилгансан. Аввал бу дунёдаги Яхшиликни тугатаман, сўнг Яхшилик ва Қаҳрамонлик рамзи сифатида сенинг ўзингни бўғаман. Ҳа-ҳа, ҳали-бери ўлдирмайман сени...

— Мени бўғмоқчимисан? — дедим Сеҳрли қалпоқчам ёнимда тургани эсимга тушиб, дадиллашиб.

— Ҳа, сени!

— Эҳтимол, менга қазган гўрингга ўзингни тикарман. Ҳа-ҳа, гўрковинг ўзим бўламан. Дунёдаги барча разиллик, барча қабоҳат рамзи сифатида сени гўрга тикмагунимча еганим ҳаром! Яна шуни ҳам айтиб қўяй, севгилим Гу Лига тега кўрма. Биз у билан аҳду паймон қилганмиз. Турмуш курсам, нариги дунёга олиб кетаман.

— Аҳду паймонингизни аллақачон бузиб қўйганман, ҳе-хе-хе! Эй, бахтиқаро ошиқ, гапимга қулоқ сол. У қиз энди мени севади. Эс-хушини олиб қўйдим. Турган гапки, бир қизга икки йигит уйлана олмайди. Иккимиздан биримиз ундан воз кечишимиз керак. Хоҳласанг ҳалол туриб жанг қиламиз.

— Сенда ҳалоллик ҳам борми ҳали?

— Муҳаббат хусусида қувлик ишлатмайман.

— Бари бир сен иблиссан.

— Одамлар ўртасида менга ўхшаган иблислар кам дейсанми?

— Гапга уста экансан.

— Иблисинг гапга нўноқ бўлганини эшитганмидинг? Ке, яхшиси ҳалол туриб жанг қиламиз. Кураш тушасанми, муштлашасанми ёки қиличбозликни танлайсанми, айт!

— Учовига ҳам тайёрман.

— Бўлмаса гап бундай. Мана бу тангани осмонга отамиз. Рақами бор томони ерга тўнкарилиб тушса, аввал мен ураман. Рақами осмонга қараб тушса, майли, сен урақол. Етти мартадан урамиз. Ортиғига, назаримда икковимиз ҳам ярамаймиз, шекилли. Ма, тангани сен отақол.

Беш тийинлик мис чақа экан. Бош бармоғим устига қўйиб, осмонга пириллатиб отган эдим, омад менга қўлиб боқмади.

— Навбат меники! — қичқириб юборди Иблис ва қулочкашлаб чайкамга туширди. Хайрият, Сеҳрли Қалпоқчам олдинроқ ишга тушиб, вужудимни пўлатдек қотириб қўйган эди, зарби чивин чаққанчалик ҳам бўлмади. Яна урди, яна... Ҳеч нарса сезмай туравердим. Навбат менга келган эди. Бор кучимни муштимга тўплаб, қулочкашлаб туширмоқчи бўлувдим, тўсатдан... — ҳа-ҳа, тўсатдан, атроф бурқсаб бир сасидию Иблис йўқ бўлди-қолди. Музейнинг кунботар тарафидаги нураган девор устидан:

— Ҳе-хе-хе, — деган қаҳрли қаҳқаҳаси эшитилди.

Турган жойимда қотиб қолдим. Тентак эканман, дея ўйлай бошладим. Тентак бўлмасам, ҳалол туриб муштлашамиз, деганига ишонармидим. Юрагимни ваҳима босди. Иблис тўғри Гу Лихоннинг ётоқхонасига бориб чақчақлашиб ўтирган бўлса-я! Йўқ, ҳалиги гапим гап. Улсам ўламанки, лекин севгилимни унга бермайман. Мени чалғитиш учун музейнинг ҳовлисига бошлаб келган экан-да, оббо шайтон-ей! Оёқни қўлга олиб, таниш ётоқхонага югурдим. Иблис йўқ, Гу Ли ашула айтиб, ошхонада шўрва пиширяпти. Ит қувган соқовдек ҳаллослаб кирганимни кўриб, бир нафас ҳангу манг бўлиб қолди:

— Тинчликми?

— Тинчлик эмас, — дедим ўпкам оғзимга тиқилиб.

— Вой ўлмасам, ҳамма ёғингиз қон-ку! — қўрқиб сўради қизгина. — Муштлашдингизми?

— Ҳа, ҳалиги йигитингиз билан.

— Вой ўлмасам, шундай маданиятли йигит сизни урдими?

— Унинг кимлигини биласизми, ўзи?

— Биламан. Горздравда инспектор бўлиб ишлайдилар.

— Ёлғон!

— Вой, ундай деманг. Яхшиси юринг, ётоққа кирайлик. Чаккангиздан қон оқяпти. Дори суриб, боғлаб қўяман... Вой худойим-ей, шундай маданиятли йигит сизни уриб ўтирса-я!

— Ҳозирча дорини қўя туринг. Энг аввал гапимга қулоқ солинг. Уша олифта горздрав инспектори эмас, шаҳримиз бошига офатлар ёғдираётган Сеҳргар Иблисининг айнан ўзгинаси бўлади. Билмас экансиз, сеҳр ишлатиб, қиёфасини тез-тез ўзгартириб туради.

— Тухма! қиялпсиз, — севгилим гапларимга парво қилмасдан, ёғоч чўмич билан шўрвасини шопираверди.

— Қасам ичаман, — дедим негадир хўрлигим келиб.

— Қасамингиз ҳам жонимга тегиб кетди, — шундай деб Гу Лихон кострюлни икки қулоғидан кўтариб, ётоқхонасига кириб кета бошлади, — юринг, ярангизни боғлаб қўяман.

— Керак эмас!

Қалбимда туғилган хўрлик аламга айланиб, алам ичида ёниб ташқарига чиқиб кетдим. Шу пайтдаги ҳолатимни минг айтсам ҳам барибир тасаввур қилолмайсиз. Иблисга алданиб, калтак еганим, севгилимнинг менга ишонмай ашаддий душман билан апоқ-чапоқ бўлиб, бармоғини сўрдириб ўтириши... дунё кўзимга қоронғи бўлиб кетди. Икки қўлимни оғзимга қувача қилиб, ётоқхонанинг деразасига қараб, малҳаминг бошингдан қолсин, кострюлкадаги шўрванг тўкилиб оёғинг жизғанақ бўлсин, ўша Иблис билан қапишиб қўшмозор бўлгин, деб бақирмоқчи бўлдим-у, лекин овозим чиқмади шекилли, индамай қўяқолдим. Дуч келган томонга қараб кета бошладим. Қалбим бўм-бўш эди. Борлиғимни ҳорғинлик қоплади. Қизиқ, шу пайт яна ойижонимни кўргим келиб қолди. Соғиниб юрган эдим. Кўксига бошимни қўйиб, юм-юм йиғлагим, қўй, тойлоғим, куйинма, деган меҳрибон овозини эшитгим келди. Кўзларимдан ёш оқа бошлади...

Ҳиқиллашни бас қил, дея ўзимга далда бера бошладим. Эркак кишига кўзёши эмас, қаҳқаҳа ярашади. Сен йигитсан, эркаксан! Устозинг Дар Даражанинг, эркак киши бу дунёга қийналиш ва гўзалликлар яратиш учун келади, деган ҳикматини унутма. Сен Яхшилиқ Ёмонлик устидан тантана қилсин учун жанг қиялпсан. Бошингни балад кўтар.

Узим билан гаплаша-гаплаша, устозим яшаб турган қамоқхонага қараб йўл олдим.

— Тинчликми? — сўради устозим, — ҳаммаёғинг қон-ку, нима бўлди ўзи?

— Муштлашдим!

— Ким билан?

— Иблис билан...

Гапим чала қолди. Устозим сакраб туриб, чаккамдан оқаётган қондан бир томчи олди-да қўлбола лабораториясида текшириб кўриш учун шошилиб ертўлага тушиб кетди. Қандай тез тушган бўлса, яна шундай тезлик билан югуриб чиқди. Қонимни Сехргар Иблис заҳарлаб қўйибди! Хайрият келганим, бўлмаса, эрта-лабгача дўмбира бўлиб шишиб кетар эканман ва унда менинг ҳаётимни сақлаб қолиш амримаҳол бўларкан. Устозим, тескари ағдарилиб олиб билагимга, юмшоқ жойларимга қайта-қайта уқол қилди, ўн тўрт хил дори ичирди, иситмам кўтарилаётганини кўриб, латта ҳўллаб пешонамга босди-да, ёнимга ўтирди.

— Бобожон, — дейман хўрсиниб, — шу лаънати Иблисни бир йўла гумдон қилиб қўяқолсак бўлмайдимиз?

— Хали эртароқ, бўтам. Иблисда на ранг бор, на шакл, демак, унда вужуд йўқ. Қувласак, одамларнинг қалбига беркинади, эшитяпсанми, одамларнинг қалбига деяпман. Демак, энг олдин унинг беркинадиган жойи — одамлар қалбини поклаб, гўзалликка лиммо-лим тўлдириб олмоқ зарур, яъни, бўтам, айтмоқчиманки, шаҳримиз фуқароси қалбини разолатни қабул қилмайдиган даражага етказиб олишимиз даркор. Ана ундан кейин Сехргар Иблисни қувлашга тушамиз...

— Ушласа бўладими, ахир?

— Бўлади, деб бир неча бор айтганман.

— Устоз, бир нарса сўрамоқчи эди. Сехргар Иблис заҳарлаган одамларни даволаш усулини асосан сиз топдингиз, тўғрими?

— Тўғри.

— Ноёб дорини ҳам сиз яратдингиз.

— Буниси ҳам тўғри.

— Лекин номингизни ошкор қилишни истамаяпсиз. Одамлар билишга қизиқяпти. Каттаю кичик бир хилда қизиқяпти.

— Билмагани маъқул, бўтам. Қани, менга айт-чи, ёввойи сигирни ушлаб, биринчи марта соғган одамнинг номи тарихда қолганми?

— Йўқ.

— Биринчи бор тандирга нон ёпган аёлнинг исмини биласизми?

— Билмасак керак.

— Оташкуракни ихтиро қилган устанинг номини-чи?

— Униям ҳеч ким билмайди.

— Демак, бўталоғим, буларнинг ҳаммасини халқнинг ўзи кашф қилган, деб қўяқоламиз. Модомики, шундай экан, бўталоғим, иккаламиз яратаётган кашфиётнинг ҳам бизники эканлигини ҳеч ким билмай қўя қолгани яхши. Халқ яратди, тамом-вассалом! Биз халқнинг бир заррасимиз. Яна ўша халққа қўшилиб кетамиз. Бирон ҳаракатимиз билан халқ улуғланса, энг катта мукофот шу. Шахсан менга олтиндан қўйиладиган ҳайкалнинг ҳеч кераги йўқ... Энди, бўтам, ухла, томирларингдаги заҳарланган қон билан мен юборган Ноёб дори ўртасида кучли олишув кетяпти. Иситмангнинг боиси шундан. Вужудингдаги кўриқчи аскарлар ташқаридан кирган заҳар билан олишяпти. Ноёб дори уларга кўмаклашяпти. Ухласанг, ўша аскарларнинг кучи яна ошади. Ухла, бўтам, ухлай қол.

XXVII боб

ИҒВО ОҒУСИ

Уша куни анчагина калтак еган эканман. Бунинг устига, қоним ҳам хийла бузилибди. Устозим уч марта алмаштириб ташлагандан кейин иситмам пасайиб, аста-секин ўзимга кела бошладим. Қизиқ, ўша бир ўзимдан кетиб, бир ўзимга келиб ётган кунларим кечаси ҳам, кундузи ҳам нуқул туш кўраман. Ойижоним, бош томонимга ўтириб, юм-юм йиғлаётган бўлади. Болагинам, тойлоғим, кўзингни очгин, мен келдим, ҳеч бўлмаса, кўзингни биттасини оч, дея ёлборади. Сочларимдан силаб, юзларимдан ўпаётган бўлади. Эшитяпсанми, ўғлим, дейди яна, дадангдан хат келди, сенга салом айтибди, кузгача бориб қоларман, дебди. Бошингни кўтар, жон болам, юмшоққина қовоқ сомса келтирдим. Ҳеч бўлмаса биттагина егин... Ойижонимнинг овози узоқлашиб кетади-да, тепамда укаларим пайдо бўлгандек бўлади. Иккови икки томонимга ўтириб олиб, оёғимдан, қўлларимдан оҳиста-оҳиста силай бошлайдилар. Томиримга роҳат қуйилгандай, вужудим ором алласида чайқалаётгандек бўлади. Бир вақт қарасам, худди от кишнагандек гумбирлатиб кулиб, ўртоғим Ҳошим кириб келаётган бўлади. Об-бо, ишەқмас-ей, беш-ўн кун дам олай дебсан-да. Топган баҳонасини қаранг, эшакдан

йиқилиб тушган эмишлар. Бекор айтибсан, ўзинг калла ташлагансан. Янги бўшанган аёлга ўхшаб чўзилиб ётаверасанми, тур ўрнингдан. Сочларингни қайчилаб қўяман, алвастининг бувисига ўхшаб кетибсан... Шу сўзларни айтиб, ўртоғим яна хонани бошига кўтариб кулади. Кулги овозидан уйғониб кетаману уёқ-буёққа аланглайман... Устозимнинг қўғирчоқлар ясайдиган устахонасида ётган бўламан.

— Бобожон, — дейман оҳиста.

— Уйғондингми, бўтам, — устозим ўрнидан туриб, мен томонга кела бошлайди, — қўй гўшгидан аччиққина қайнатма шўрва тайёрладим, биргаллашиб ичамиз, терлайсан, баданингдаги сўнги заҳарни ана шу олиб чиқиб кетади. Кейин қарабсанки, гижинглаган тойчоқдек бўлиб қолибсан.

Йигирма етти кун деганда, устозим айтгандек, гижинглаб, тойчоқдек бўлмасам ҳам, ҳар қалай, хийла дармонга кириб қолдим. Ўзи мен илгари ҳам анча-мунча касални писанд қилмасдим. Иситмам қирққа кўтарилгандаям қор демай, муз демай, ялангоёқ бўлиб олиб яхмалак учиб юраберардим. Шамоллаш деган касални мен мана шу Ҳандалак шаҳрида эшитдим.

Ишга чиққаним яхши бўпти. Мен масъул секретарь бўлиб ишлаётган идора остин-устин бўлиб кетишига сал қопти. Гул Барг райони меҳнаткашлари бошига Иблис офат ёғдирибди. Келишим билан дарҳол катта кенгаш чақирилди. Адолатли бошлиғим Нари Бери:

— Мана, профессор Ақром Ақромий ҳам соғайиб, сафимизга қайтди, — дея гап бошлади, — ўйлайманки, энди ишларимиз тезлашиб кетади. Фуқаро биздан мадад кутяпти. Қаршилиқ бўлмаса, жойларга бориб, текширув ўтказиб келган комиссия аъзоларига навбат билан сўз берсак.

Биринчи комиссия раиси пақ-пакана, чорпахил, япалоқ боши танасига чўкиб кетган, ўнгдан қарасангиз ҳам, чапдан қарасангиз ҳам етилиб пишган салла ошқовоққа ўхшаб кўринадиган бир киши экан. Ўрнидан туриб гапини тополмади шекилли, анча маҳал жим қолди. Охири:

— Чатоқ, — деб қўйди.

— Нимаси чатоқ? — сўради Нари Бери.

— Жуда чатоқ.

— Нимаси чатоқ, ахир?

— Ҳаммаси чатоқ. Ифво хатларини ким ёзганини ҳеч аниқлаб бўлмади.

— Экспертиза қилдирмадингизми?

— Экспертиза оғизлик қияпти, мана шунисиям чатоқ.

— Хатларни Сехргар Иблисининг ўзи ёзган бўлмасин тагин?

— Худди шундай бўлиши ҳам мумкин.

— Иблис, Иблис... Жонимга тегиб кетди бу сўзлар, — столни қаттиқ муштлади Нари Бери. — Утиринг. Иккинчи комиссия раиси, сўз сизга. Гапни лўндасини гапиринг.

Иккинчи комиссия раиси оёғидан тортиб бошигача бир хилда йўнилган, юзига сариқ сепкил тошган, сочи ҳам сариққа мойил, хоҳ кўринг, хоҳ кўрманг, палак тубида қолиб, беҳад семириб кетадиган бир хил сариқ бодринглар бўлади-ку, худди ўшани эслатадиган бир киши экан. Ўрнидан турди-да, оғзини шифтга қаратиб:

— Уф-ф-ф, — дея нафас чиқарди.

— Уф тортманг, — огоҳлантириб қўйди Нари Бери.

Бодрингнинг тепа қисмидан яна ҳалиги овоз чиқди:

— Уф-ф-ф!

— Гапиринг деяпман.

— Уф, аслини олганда ҳурматли комитет бошлиғи, уф, гапирадиган ҳеч гапим йўқ. Текшириб кўрган шикоятларимиздан бирортаси ҳам тасдиқланмади.

— Очирок гапиринг.

— Уф.

— Гапирасизми-йўқми?

— Ичингиз газга тўлиб кетганми дейман?

— У-ф-ф-ф!

— Утиринг, — жаҳли чиқиб кетди адолатли бошлиғимнинг.

Навбат комитет аъзоларига келган эди. Айтувдим-ку, орамизда қонуншунослар ҳам кўп деб. Булар ҳам лайлаққордек ёғилиб турган думалоқ хатлар хусусида ўз фикрларини баён қилишлари лозим экан. Аммо адолатли бошлиғим, хафа қилиб қўймаслик учун, яна бир комиссия раисини тинглашга қарор қилди. Бу раис, айтсам эҳтимол ишонмасиз, лекин гап навбати келиб қолгани учун айтишга тўғри келяпти... Унинг қадди-қомати, ўқувчи болаларнинг кундалигига синф раҳбарлари ёзиб қўядиган савол аломати бор-ку, худди ўшанга ўхшаркан. Бўй новча, қўл-оёқ ингичка, калла катта, шу катта калла қўқон жўхорининг бошидек хиёл эгилиб ҳам турибди.

— Бир бошдан бошлайми? — деб сўради-да, жавоб кутмасдан гапирди

кетди, — менинг аъзоларимга ёзди-ёзди бошлангандан буён Гул Барг район фуқароси қанча моддий зарар кўрганлигини аниқлаш топширилган эди. Айтаверайми?

— Айтаверинг.

— Ҳаммасиними?

— Бунча гапни чўздингиз!

— Ёзди-ёзди бошлангач, масалан айтайлик, ишчи смена бригадири устидан, бригадир цех бошлиғи устидан, цех бошлиғи омбор мудир устидан, омбор мудир энг катта бошлиқ устидан имзосиз хат ёзиб, мана шу завод, яъни қовун уруғидан ёғ ишлаб чиқарадиган цехлар бутунлай тўхтаб қолган. Зарарини ҳам айтайми?

— Айтинг.

— Ҳисоблаш машинасига солиб кўрдик. Шу уч ой давомида етти миллион зарар кўришибди. Маънавий зарарини ҳам айтайми?

— Оббо, мунча эзмалик қилдингиз?

— Имзосиз хатлар одамларда ҳадиксирашни, хавфсирашни авж олдирган. Мана шу зарарни ҳам ЭҲМга солиб ҳисоблаб кўрдик. Очигини айтсам, бунинг зарари ҳам ҳалигидан кам эмас. Хуллас, менинг ҳисобимга қараганда, 14 миллион сўмга бориб қолади.

— Янги пул биланми? — луқма ташлади ўтирганлардан бири.

Ҳаммалари ў-ў-ўлаб юборишди.

— Айбдорни ушлаш керак эди, — деб қўйди соқчилар маҳкамаси ходими.

— Тергов ўтказмасдан қандай ушлайсиз? — эътироз билдирди прокуратура ходими.

Судья ҳам бирон фикр айтмоқчи бўлди шекилли, айтадиганини айтмай, бир кўзғалиб қўя қолди. Навбат менга келган эди. Шартта ўрнимдан туриб, уч кун муҳлат беринглар, ҳаммасини ўзим тинчитаман, дея, катта гапириб юбордим. Бири елкасини қисди, бошқаси хўмрайиб қўйди, учинчиси қани, кўрайлик-чи, дегандай тўртинчиси билан кўз уриштириб олди.

— Мажлис ёпиқ, — ўрнидан тура бошлади Нарӣ Бери.

— Хатларни келтиринг, — буюрдим ёрдамчиларимга.

Кўз юмиб очгунча столим устида имзоли, имзосиз, ўнг қўлда, чап қўлда, йирик ҳарфда, майда ҳарфда, саводли, саводсиз ёзилган хатлар тоғ бўлиб уюлиб кетди. Енгимни шимариб, бисмилло дея ўқишга киришдим. Сочини калта қирқтириб, лабини бўяб олган қизлар кўк чойдан аччиқ-аччиқ дамлаб бериб туришди. Хатларни ўқиган сари бурнимнинг буюк хислатига қайта-қайта тан бериб борардим. Бир юзу ўн тўрт хатнинг ҳаммасидан ифвогар одамнинг қонида, бўладиган ачиган пиёзнинг ҳидига ўхшаш ёқимсиз ҳид уфуриб турганлигини аниқладим. Хатлардан уфуриб турган ҳидларга қараб, эгасини қандай топса бўлар экан, дея ўйлай бошладим. Уйим охирига етгани йўқ эди, тўсатдан столимдаги қўшалоқ телефонлар бараварига жиринглаб қолди. Трубкани кўтаришга улгурмадим. Ичкаридан адолатли бошлиғим ҳовлиқиб чиқиб қолди.

— Кетдик, — деди ўзини очиқ эшикка уриб, — Гул Барг районида муштлашув бошланиб кетган эмиш. Бўлинг тезроқ.

Машиналарга ўтириб, муштлашув бўлаётган мавзегга учиб кетдик. Кўчаларда юриш қийинлашиб қопти. Гоҳ сирена чалиб, соқчилар машинаси қувиб ўтади, гоҳ бутун оламни ваҳимали овозга тўлдириб, ўт ўчирувчиларнинг қизил машинаси бизни чеккага суриб қўяди...

Ваҳима қилганларича ҳам бор экан. Кўчаларда, хиёбонларда жанжал авжига чиқиб кетибди. Йўқ, бари бир мен сизга кўрганларимни таърифлаб беролмайдиганга ўхшайман... Чоллар чоллар билан, кампирлар кампирлар билан, аёллар аёллар билан, қизалоқ қизалоқ билан, чақалоқ чақалоқ билан ёқалашиб, бир-бирининг сочидан юлишиб ётибди. Жўжаҳўроздек тиккама-тикка олишаётганлар, рақибининг елкасига миниб олиб, қулоғидан чўзаётганлар, ожизроғини тагига босиб, паҳсага лой тепгандек тепкилаётганлар... Йўқ, таърифлай олмайман дедимми, демак, таърифлай олмайман...

Ора-чора менга, фақат менинг ўзимгагина таниш бўлган:

— Ҳа-ҳа-ҳа,

— Ҳе-хе-хе,

— Ҳи-хи-хи! — деган овозлар ҳам эшитилиб қоляпти. Демак, Сеҳргар Иблис

шу ўртада, тантана қиляпти у, одамларни оралаб, бир-бирига гиж-гижляпти.

— Ҳой, менга қара, галварс — деб бир чол бошқа чолнинг соқолидан торта бошлади, — мен қачон маҳалланинг етмишта лаганини сотиб ебман, нега бундай деб ёздинг?

— Узинг-чи, букри! — деяпти бошқаси. — Мачитга бориб жойнамоз ўғирлаб келди, деб ёзибсан-ку, қачон ўғирлабман?

- Мен лаган сотдимми-а?
- Мен жойнамоз ўғирладимми-а?
- Соқолингни юлиб оламан!
- Тилингни суғуриб оламан!..

Нариги кўчада кампирлар даҳанаки жангга киришиб кетишибди:

— Сочимни қўйвор деяпман, — деди озғин кампир.

— Йўқ, аввал бўйнимга қўйиб берасан, — деяпти семиз кампир. — Мен кудамникига борганда мохорасининг гўшти йўқ, худо урсин, курумсоқни, дедимми-а?

— Узинг-чи, ўзинг, келини кўрпага кирганда дераза остида ўтириб, тонг отгунча пойлаб чиқади деб ёзибсан-ку. Қачон пойлаб чиқдим, шарманда?

— Узинг шармандасан.

— Тўйда қилган тўёнамни бер ҳозир.

— Уч кийимлик атлас қарзсан. Аввал тўлаб қўй...

Бериги тўдада олифта кийиниб, чиройли галстук тақиб олган хушрўйгина икки йигит бир-бирини бўғиб турибди:

— Қўлингни ол, деяпман!

— Тавба қил, деяпман!

— Ичагингни бошингга салла қилмасамми, сен тухматчини.

— Имзосиз хат ёзишни кўрсатиб қўяман сенга. Мен ўқувчиларимни саводсиз қилиб қўйган эмишман. Илмсиз эмишман. Узинг саводсизсан, аблаҳ.

— Ким аблаҳ?!

Ажратиб қўйиш қўлингдан келмагандан кейин томошабин бўлиб туриш ҳам маданиятли йигитнинг иши эмас, деб ўйладим-да, нариги кўчага ўтдим. Вужудимни виждон азоби қийнай бошлади. Ахир ўзингиз инсоф билан айтинг-а, боғчадан қўғирчоқ ўғирладинг деб, бир-бирининг бошида ноҳақ тухмат ёғдириб, бир-бирининг бетига чанг солган икки қизалоққа дуч келганда, ноҳақликка чидай олмай, иккови ҳам юм-юм йиғлаётганини кўриб, қай одам чидай олади, ахир.

XXVIII боб

Собиқ ифвогарлар қасами

Уша куни, гоҳ жанжаллашаётганларни ажратиб, гоҳ ора-чора ўзим ҳам калтак еб юрган пайтимда комитетда яна бир фавқулудда мажлис бўлиб ўтибди. Мени топшиша олмагач, ўзлари ўтказиб қўя қолишибди. Икки соат чамаси давом этган бу йиғинда қонуншунослар, медицина ходимлари, шаҳар маъмуриятининг масъул раҳбарлари ҳам иштирок этиб, ифво микробини ўлдирадиган кучли дорини ҳозир қамоқ муддатини ўтаётган кекса олим Дар Даражагина ярата олиши мумкин, деган хулосага келишибди.

— Шогирди ўзимизда ишлайди-ку, — деб луқма ташлабди кенгаш қатнашчиларидан бири.

— Шогирди ҳам чакки эмас. Лекин шогирд, бари бир шогирд-да, — деган жавобни айтибди адолатли бошлигим.

Буни менга кенгашнинг қарорини ёзган қизлардан бири айтиб берди. Бир томони, устозимнинг буюк ақли, беқиёс тадбиркорлигига эҳтиёж сезилгани, яна бир томони янги қўғирчоқлар ихтиро қилиб, Ширин қовунлар мамлакати ярмаркаларида ўн етти олтин ва кумуш медалга сазовар бўлгани ҳисобга олиниб, муддатидан илгари чиқаришга қарор қилишибди. Уша заҳотиёқ уни қамоқхонадан олиб келиб, сизга махсус уй қуриб бергунимизча, майли, ҳозирча набирангиз Му Ти, севимли шогирдингиз Ақромийлар билан бирга Гу Ла кампирникида яшаб тураберинглар, дейишиб ва ўша заҳотиёқ яна машинага ўтқазиб, «Инсон» институтига олиб келиб, лаборатория мудирлигини ўзига қайтариб беришибди. Қаранг-а, бир кунда қанақа ишлар бўлиб кетиши мумкин экан. Ҳатто, ой охирлаб қолганига қарамай, бир ойлик маош ҳам ёзиб беришибди.

Боринги, эл ётар пайтида қайтиб келсам, Гу Ла холамнинг ҳовлисига одам сиғмай кетибди. Уртадаги катта ёғоч сўрида юмшоқ ёстиқларга суянганча устозим ўтирибди. Аввалига яна бирон сеҳрли воқеа юз берган бўлса керак деб, хангу манг бўлиб турдим. Биласиз-ку, ўзимни тез ўнглаб оладиган одатим бор.

— Бобожон! — дея қичқириб қучоғига отилдим. Ох, ўша пайтдаги менинг хурсандчилигимни кўрсангиз! Дунёдаги барча қувонч, барча шодлик қалбимга йиғилгандек, барча ёрқин нурлар руҳимга тўпланиб, чироқ бўлиб ёнаётгандек.

Мана энди, дейман ўзимга ўзим, устозим иккимиз лабораторияда ўтириб олиб, шунақанги сеҳрли дорилар ясайликки, эй Иблис, энди онангни учкўрғондан кўрасан!

Кўни-қўшнилар, тезроқ бирон унвонга эга бўлиш умидида юрган катта-кичик шогирдлар, илмий савияси меникидан анча паст, лекин тиришқоқликда одамни лол қолдирадиган ориқ-семиз илмий ходимлар институтимизнинг собиқ директори, ҳамма-ҳаммалари тўпланишибди. Янги директор Шар Манда каравотнинг энг юқорисига чиқиб, чўккалаб ўтириб олиб, нутқ сўзлаш учун тайёргарлик кўряпти. Менинг ёрдамим туфайли қаллоблик балосидан қутулиб олган профессор Дар Мон бир чеккага катта ўчоқ қуриб, палов дамламоқчи бўлса керак, енгини тирсагигача шимариб олиб, зирвак тайёрляпти. Му Тини кўрсангиз! Улоқчадек сакраб, ўзини гоҳ у тўдага, гоҳ бу тўдага уриб, бобоси совға қилган катта кўфирчоқни қикирлатиб кулдириб, булбулдек сайратиб, ҳаммани ўзига қаратиб юрибди. Гу Ла холам-чи, вой-бўй, туясандиққа беркитиб қўйган шунақанги чиройли кийимлари бор эканки, ўша либосларга бурканиб, гул-гул яшнаб кетибди. Шу даражада шошиб, шу даражада ҳовлиқиб қоптики, қўлидаги оппоқ дастурхон-ни гоҳ узун стол устига ёзиб, гоҳ яна йиғиб олади, денг.

Гапни қисқароқ қилиб айтадиган бўлсам, ўша оқшом хўб чиройли зиёфат бўлди-да. Шар Манда бир соату ўн минутлик нутқ сўзлади. Шогирдлар эсон-омон қутулиб келганлигини табриклаб, устозимга шоҳона чопон кийдириб юборишди. Ниҳоят, ҳамма тарқаб, тўйхонадек яшнаб кетган ҳовлида яна ўзимиз қолдик. Му Ти бобосининг тиззасига бошини қўйиб, мушук боладек беозоргина хуррак тортиб ухлашга тушди. Гу Ла холам идиш-товоқларни ювиш билан машғул. Устозим иккимиз бўлсак, ширин суҳбатга берилганмиз.

— Оббо, бобожон-ей, — дейман ҳамон қувончдан энтикиб, — зап қутулиб кепсиз-да?

— Меҳнат ҳамиша кишининг юзини ёруғ қилади, — дейди устозим, — мана, иккимиз ҳам қаттиқ ишлаган эдик, юзимиз ёруғ бўлди... Шундай қилиб, бўтам, Иблис иғвогарликни авж олдириб юборибди-да. Беҳисоб хатлар тушди дедингми? Фурсатни ўтказмай, ҳозироқ бориб ўшаларга бориб танишишим зарур. Хатнинг мазмунига қараб иғво захрининг кўп ё озлигини белгиласа бўлади. Ва ўшанга қараб дори ҳам тайёрлаймиз. Қани, кетдик!

— Ярим кечаси-я?!

— Мени бу ерга ухлагани олиб келишгани йўқ. Тур ўрнингдан, идорангга бошла мени.

Устозим ҳеч қачон иккита гапирмайди. Гапини қайтарган шогирдининг косаси ҳам ҳеч қачон оқармайди. Биргалашиб бориб, менинг идорамдан хатларни олдик-да, «Сарқитлар» лабораториясига кетдик. Устозим эртасига кеч киргунча мук тушиб, хат ўқиди. Мен маҳалладан-маҳаллага ўтиб, кучайиб бораётган иғво жанжалини тинчитиш билан овора эдим. Келсам, устозим хатларни даста-даста қилиб бир-бирдан ажратиб қўйибди.

— Ўтир, — деб буюрди менга.

— Овқатланиб олсам девдим, — дедим ишлашга раъйим келмай.

— Овқатни кейин ейсан, — жеркиб деди устозим, — умуман, бунақанги нарсаларни билиб қўйсанг зарар қилмайди. Мени ҳам сизларга боғлаб бериб қўйгани йўқ. Бир оёғим ерда, бир оёғим гўрда бўлиб қолганман. Ўтир, деяпман. Қалай, жанжал босилай деяптими?

— Кучайиб бораётганга ўхшайди.

— Шу кечадан қолдирмай тинчимиз уни.

— Айтганингиз келсин, бобожон.

— Қулоқ сол, бўтам. Аввал ҳам айтган эдим, иш бошлашдан олдин аввал унинг усулини, йўсинини белгилаб олмоқ керак. Мен хатларни қуйидагича йўсинда тур ва навларга ажратиб чиқдим.

ИҒВОГАРНИНГ ЖИНСИЙ БЎЛИНИШИ:

- а) Эркак иғвогар
- б) Хотин иғвогар
- в) Эркак ёки хотинлиги номаълум бўлган хунаса иғвогар.

ИҒВОГАРНИНГ ТЕРРИТОРИАЛ БЎЛИНИШИ:

- а) Райиғвогар
- б) Маҳалла иғвогари
- в) Хонаки иғвогар

Хатларга тўкилган оғунинг миқдорига қараб қуйидагича хулосага келдим:

- а) Чаёндек чакувчи иғвогар

- б) Илондек авровчи иғвогар
- в) Мушукдек беозор суйкалувчи иғвогар.

ИҒВОГАР ВУЖУДИДА ИҒВО ЗАҲРИНИНГ ТЎПЛАНИШ ПАЙТЛАРИ:

- а) Умумхалқ тантанаси кучайганда
- б) Атрофида хайрли ишлар авж олганда
- в) Эзгу ниятли кишилар ниятига етай-етай деб турганда

ИҒВОГАРНИ ҲАРАКАТГА КЕЛТИРУВЧИ ОМИЛЛАР:

- а) Ичиқоралик
- б) Кўролмаслик
- в) Ҳасадгўйлик

— Хуллас, бўтам, сенинг Сеҳргар Иблисинг бизга анча иш ортириб қўйган. Уни тугатиш икковимизга ҳам осон бўлмайди. Аммо қўрқма, ўлимдан бошқа ҳамма нарсанинг иложи бор. Энг муҳими, муваффақиятга ишонч билан яшаш керак. Бурнингнинг ҳид олиш қуввати ҳалиям жойидами?

- Ўн баробар кучайган.
- Сеҳрли Қалпоқчанг ҳам ёнингдами?
- Ҳамиша хизматимга тайёр.
- Демак, бўтам, навбатдаги ишларнинг қаҳрамони энди сен бўларкансан.

Менга иғво битган одамларни, яъни Сеҳргар Иблисинг тузоғига илинган бахтиқароларнинг исми-фамилияси, тураржойини аниқлаб берасан.

- Ҳозир жўнайми?
- Хайрли ишни пайсалга солиб бўлмайди.

Ўша кечаси тонг отгунча ухламадим. Сизга айтганмидим, йўқми, ҳар қандай ҳид ҳам кундузга қараганда кечаси аниқроқ сезилади. Оқшомги шабнам кун бўйи кўтарилган чангу ғуборни пастга босиб, ҳавони мусаффолаб қўйгани учунми ёки тунда олам юзига кўнадиган шудринг таркибида ҳидни кучайтириб берувчи биз билмайдиган аллақандай модда борми, ишқилиб, тундаги ҳид кундузгисига қараганда ўн баробар кучли бўлади. Гапимга ишонмасангиз, кундуз кирган боғингизга тонг пайтида ҳам бир қадам ранжида қилиб кўринг. Гуллару гиёҳлар таратаётган хушбўй атирдан маст бўлганингизни ўзингиз ҳам сезмай қоласиз. Ана ўшанда булбул нега кундузи эмас, тонг пайтида сайрашининг сабабига ҳам тушуниб оласиз. Чунки қуш зоти фақат маст бўлгандагина сайрайди... Кечирасиз, бошқа ёққа чалғиб кетдим. Хуллас, хатлардан уфуриб турган ҳидларга қараб, эгаларини топишим унча қийин бўлмади. Қаранг, бор-йўғи ўн учта иғвогар бор экан. Ўн уч иғвогар ҳаммаёқни остин-устин қилиб юборибди-я!

— Офарин! — деди устозим елкамга қоқиб, — умуман, сен ҳам анча-мунча Сеҳргардан қолишмайдиганга ўхшайсан.

— Келтирган маълумотимни комитетга топширайми? — деб сўрадим мақтовдан андак талтайиб.

- Чора кўришларини сўрабми?
- Ҳа.
- Қамаб қўйишса-чи?
- Ҳандалак шаҳри қонунлар мажмуасининг 764-моддаси билан албатта қамашади.

— Ахир, у шўринг қурғурларда айб йўқ-ку! Бечораларни Сеҳргар Иблис йўлдан урган. Буни икковимиз ҳам кўриб турибмиз. Йўқ, бўтам, аввалги гапим гап. Биз қоронғиликни ёруғ нур билан даф қиламиз. Ёмонликни эса, яхшилик билан. Ҳамонки, иғвогарнинг қонида ичиқоралик, кўролмаслик, ҳасадгўйлик сингари заҳарлар бор экан, демак, биз уни оқкўнгил, дўст муваффақиятидан қувонадиган, ҳавасманд одамлардан олинган қонларнинг кучли бирикмаси орқали даволаймиз.

- Устоз, — дея қўлимни кўксимга қўйдим, — битта илтимосим бор.
- Сенинг ўзи илтимос қилмаган кунинг йўқ-ку.
- Йўқ, буниси бошқачароқ.
- Қани, эштайлик-чи.
- Минг хил дорилар тайёрлаясиз. Лекин ҳаммасини мендан яширинча тайёрлаясиз. Тўғрими?

- Тўғри.
- Ҳеч бўлмаса иғвогарликка қарши Ноёб дори тайёрлаётганингизда тепангизда турсам. Ургансам.
- Ҳозиргача ўрганганинг камлик қияптими? — устозим қошларини ғалати чимириб, бироз жим турди-да, кулиб қўйди. Сўнг ўзимни саволга тута бошлади:
- Бурнингнинг ҳид олиш қуввати жуда кучли, шундайми? Ўша сеҳрни менга ўргат, деб ҳеч илтимос қилдимми?

- Йўқ, албатта.
- Сехрли Қалпоқчанг ҳам бор, шундайми?
- Худди шундай.
- Ушани менга ҳам бериб тур, деб ҳеч сўрадимми?
- Сўрасангиз йўқ демасдим.

— Баракалла, йўқ демасдинг. Буни ўзим ҳам яхши биламан. Лекин олганим билан унинг сехридан фойдалана олмасдим. Негаки, менинг руҳий ҳолатимга унинг сехри тўғри келмасди... Ҳар бир кишининг ўзгалардан беркитадиган ҳеч бўлмаса битта сири бўлиши керак. Қондаги сарқитлар захрини кесиб, парчалаб ташлайдиган Ноёб дори сири ўзим билан кетиши шарт. Эҳтимол, мен ҳам сенга ўхшаган сехргардирман. Сехримни ошкор қилсам, тил тортмай ўлиб қоларман... Ҳаётим чироғи сўниш олдидан, иншоолло, бу сири сенга айтаман, албатта айтаман. Бўтам, тур энди, дорини тайёрлашга киришамиз, лекин асосий элементини бари бир айтолмайман. Қўшимчаларидан қисман хабардор қилишим мумкин. Шундай қилиб, Акромий, мана бу суюқликка, яъни асосий элементга етти хил гулнинг баргидан, пок ниятли кишининг нафасидан, чақалоқнинг қувончидан, эгизак туққан аёлнинг сутидан, тонгда тушган шудрининг томчисидан, тоғ оҳусининг кўзёшидан, севишганларнинг ширин оҳидан оз-оздан қўшилади...

— Чақалоқнинг қувончини қўл билан ушлаб бўлмайди-ку? — деб сўрадим ҳайрон бўлиб.

— Бунинг сирини ҳам кейинроқ айтаман.

Уша кечаси ўн уч ифвогарга устозим тайёрлаган Ноёб доридан уч томчидан ичирдим. Орадан уч кун ўтгач, эрталаб идорага борсам, яна навбатдаги мўъжиза юз берибди. Собиқ ифвогарлар адолатли бошлиғим Нарӣ Берининг хонасида қатор тизилишиб, уят иш қилиб қўйган ёш боладек бошларини солинтириб туришибди. Ранг-рўйлари бир аҳволда. Бир хиллари безгак тутаётгандек дағ-дағ қалтираб ҳам қўйишяпти. Бошлиғим овоз чиқариб қўлидаги хатни ўқий бошлади:

«СОБИҚ ИФВОГАРЛАРНИНГ ҚАСАМИ.

Ўзимизни ифвогар деб атагани тилимиз бормаяпти. Лекин иқор бўлиб айтамызки, ўша 347 имзосиз хатни ёзган ҳам, фуқарони уч ой давомида энка-тинкасини чиқариб юборган ҳам ўзимиз бўламиз. Ғоят жирканч аҳволга тушиб қолганимизни профессор Дар Даража, профессор Ақром Акромийлар тайёрлаган Ноёб доридан уч томчидан ичгач сезиб қолдик. Лаънат бўлсин оғули ўтмишимизга! Юрагимиз кир, ичимиз тўла аччиқ дуд экан. Биз, собиқ ифвогарлар, қасам ичиб айтамызки, энди дунёда қанча яхшилиқ бўлса, ҳаммасини олқишлаб яшаймиз. Биз сувдан қуруқ чиқмоқчи эмасмиз. Жиноятимизга лойиқ жазо беришингизни сўраймиз.»

Тадбиркор бошлиғим Нарӣ Бери ифвогарларга чора кўриш масаласини якка ўзи ҳал қилишга ботинолмай, кундуз соат иккига комитетнинг шошилини мажлисини чақирди. Узоқ фикр олишувдан сўнг, ниҳоят, қарорга қуйидаги сўзлар ёзилди:

Собиқ ифвогарларнинг ўз айбига иқорлиги инobatга олинсин:
 Жазо тариқаси:

а) уч йил давомида қовун өйиш тақиқлаб қўйилсин:

б) ҳар бир ифвогарнинг юзига қорақуя суртилсин. То ўзлари заҳарлаган қалблардаги ғубор кўтарилмагунча ушбу қорақуя ҳеч ар-тиб ташланмасин.

XXIX Боб

Эссиз, эссиз қулоқлар!

Гу Ла холамнинг вайрон бўлай-вайрон бўлай деб турган кулбасида аҳилгина оила ташкил қилиб олдик. Устозим, Му Ти, хонадон эгаси, хуллас, тўртовимиз яшаймиз. Одам боласи ҳамаша кимнингдир меҳрига кимнингдир эркаловчи бир оғиз сўзига муҳтож бўлиб яшаркан. Тўртовимиз ҳам меҳрга, муҳаббатга ташна, ёлғизлик балосидан қочгани жой тополмай юрган бандалар эканмиз. Буни биз кечқурунги суҳбатлар пайтида пайқаб қолдик. Суҳбатимиз кўпинча устозимнинг яккаю ёлғиз қизи Хол Дор келинойим, шаҳримиз фуқароси бошига ёғилаётган офатни эртароқ даф қилиш, лабораторияларда тайёрланаётган Ноёб дориларнинг таъсир қуввати ҳақида борарди. Гу Ла холамнинг пешонасига фарзанд битмаган экан. Қаранг, ҳалигача ҳовлисида на бирор марта карнай чалинибди, на бирор марта ёр-ёр овози эшитилибди. Юраги тўла армон эмиш. Гу Лихон иккимиз ўртамыздаги муҳаббат можаросидан хабар топгач, оғзи қулоғида, севиниб кетди.

Худо хоҳласа, ўзим бош бўламан, деб, катта тўйга тайёргарлик кўра бошлади. Биласиз-ку, икки жойда ишлайман. Ойнинг охирига бориб нақ бир чамадон пул оламану шундоқлигича холажонимга келтириб бераман. Аёл зотининг қўлига пул тушса, магазиндан чиқмас экан. Холажоним ҳам кун бўйи дўкондан дўконга ўтиб, келин-куёвга, яъни Гу Лихон иккимизга сарпо танлайди. Уёғини суриштирсангиз, бўлажак келинингиз билан ҳам алоқамиз яхши бўлиб кетган. Йигит кишининг шухрати қиз боланинг кўзини кўр, қулоғини қар қилиб қўяди, дейишарди. Рост экан. Сўнгги икки ой ичида Ҳандалак шаҳрида обрўйим шунақа ошиб кетдики, ишонсангиз, ўнлаб қизлар номимга хат ёзиб, турмуш қурмаган бўлсангиз мени танлай қолинг, дея ёлбора бошлади. Йўқ, кулманг, рост айтяпман. Мана, шунақанги хатдан чўнтагимда ўнтаси турибди.

Уша Сехргар Иблис билан тарих музейида муштлашганимиздан сўнг бир ойгача Гу Лихонни кўролмадим. Меҳр кўзда деганлари рост экан. Аста-секин кўнглим совиб келаётган эди, уни ишхонамиз олдида кўриб қолдим. Бир марта кўрган бўлсам, ўлай, агар, бу гапларни сизга айтиб ўтирмаган бўлардим. Эрталаб ҳам ўтаверди, кечқурун ҳам ўтаверди. Баъзан тўхтаб, мен ишлаб ўтирган хонанинг деразасига ўғринча нигоҳ ҳам ташлаб олади денг. Бир кун тушликдан қайтиб, идорамиз олдидаги узун скамейкада шунчаки ҳордиқ чиқариб ўтирган эдим, чиройли сумкачасини елкасига осиб олган кўйи олдимдан ўта туриб, худди мени тасодифан кўриб қолгандай бир аҳволга тушиди-да, бироз тикилиб тургач:

— Мирзолар бошлиғига салом, — деб қўйди.

— Салом, — дедим мен ҳам бепарвогина.

— Бу ерда нима қилиб ўтирибсиз? — сўради яна.

— Тишимни кавлаб ўтирибман, — дедим. Чиндан ҳам тишимни кавлаётган эдим.

— Ёнингизга ўтирсам майлими?

— Скамейка ҳукуматники. Хоҳлаган одам ўтириши мумкин.

— Сиз шу ерда ишлайсизми? Вой, биноти бирам чиройли эканки!

Қарасам, қизгинанинг мен билан суҳбатлашгиси, аллақандай бир гапни айтгиси бор. Ҳа, қўлга тушдинг-ку, деб ўйладим-да, ўзимни бепарволикка солавердим. Саволига совуққина қилиб ё ҳа, ё йўқ деб қўяман. Ўзим ҳеч нарса сўрамайман. Гўё суҳбати энсамни қотираётгандек, бурнимни хунук жийириб ҳам турибман.

— Касал бўлибсиз деб эшитдим? — деб сўрайди яна.

— Ҳа, бир-икки чучқуриб олдик.

Энди тузукмисиз, ахир?

— Отдекман.

— Анув олифта ҳақидаги гапингиз... чиндан ҳам Сехргар Иблис экан у. Учрашдик дегунча бармоғингни сўраман дейди. Сўрса шишиб кетади, денг. Упаман деб бир-икки хархаша қилувди, юзларимга яра тошиб кетди. Бир марта кўлтиғидан олмоқчи бўлувдим, кўнглингизга ёмон гап келмасин, катта идорадан келганман дегани учун шундай қилувдим, ишонасизми, вужуди йўқ экан. Э, тавба, ранг бор, шакл бор, ўзи эса йўқдек экан. Кийим-бошлари нимага осилиб турганига ҳалигача ҳайронман. Шунақа кўрқдим, шунақа кўрқиб кетдимки, касал бўлиб ётиб қолдим. Мундай бориб, аҳвол сўрай ҳам демадингиз.

— Мендан бошқа яна ўттизта аҳвол сўрайдиганингиз бор эди шекилли?

— Вой, ўша гапимга ишонмадингиз?

— Хўп, хайр, — дедим ўрнимдан туриб.

Гу Лихоннинг хайрлашгиси йўқ экан. Идорангизга кириб кетай, телефонингизнинг номерини ёзиб оламан, дея ортимдан эргашди. Идора давлатники, хоҳлаган одам кириши мумкин, деб қўйдим. Сочини калта кесдириб, лабини бўяб олган чиройли қизлардан бири чой дамлаб келтирган эди:

— Бу ким? — деб сўради лаблари пир-пир учиб.

— Ёрдамчиларимдан биттаси, — деб қўйдим.

— Чиройли экан.

— Яна тўрттаси бор.

— Ҳаммаси ҳам шунақа чиройлими?

— Хунукларни биз ишга олмаймиз.

— Суҳбатимиз мана шу ерга етганда таққа тўхтади. Гу Лихоннинг чиройли қошлари ғалати чимирилиб, бурун катаклари кенгайди. Энтика бошлади. Озор беришни тўхтатсам бўларди, лекин биласиз-ку, жони-дилим ҳазил. Ҳазил қилмаган куним яхши ўйлай олмайман ҳам. Фотовитрина ташкил қилмоқчи бўлиб, идорамиздаги ўн бир қизнинг олтию тўққиз ҳажмли суратини олдириб қўйган эдим. Тортмамдан олиб, Гу Лихоннинг олдида ташладим.

— Бу нима?! — ранг-қути ўчиб сўради қизгина.

— Суратлар.

— Қанақа суратлар?

— Қизларники.

— Қанақа қизларники, деяпман?

— Биласизми, — дедим худди хижолат бўлаётгандек кўзларимни олиб қочиб, — биласизми... келганингиз яхши бўлди. Бир кишининг маслаҳатига муҳтож бўлиб турувдим. Шу қизларнинг ҳаммаси менга турмушга чиқиш учун муҳаббат изҳор қилиб, суратларини бериб юборишибди. Бир йўла ўн бир қизга уйланолмайдман-ку, тўғрими?.. Қайси бирини танлашга эса бошим қотиб турувди. Гу Лихон, жон синглим, ўзингиз ёрдамлашиб юборинг. Сиз қайсисини десангиз, ўшанга уйланишга розиман. Бугундан қолмай, жавоб беришим зарур экан. Хўп вақтида келдингиз-да, худо хоҳласа ўзингиз ёр-ёр айтиб, гўшангага ҳам ўзингиз олиб кирасиз...

— Уйланмоқчимисиз?! — секин ўрнидан тура бошлади Гу Лихон.

— Ҳа, уйланмоқчиман.

— Танлаб берайми?

— Тезроқ бўлинг, телефонда бўлса ҳам жавобини айтишим керак.

— Энг чиройлигидан бўлсинми?

— Ҳа, энг чиройлигидан.

Гу Ли қалтироқ қўллари билан суратларни тахлаб, қоғозга ўради-да, мана сенга чиройлиси, дея афтимга шунақанги келтириб урдик, ўн бир сурат ўн бир томонга пириллаб учиб кетди.

Хўнграб йиғлаб юборди. Йиғлаганча чиқиб кета бошлади. Орқасидан югурдим. Қани энди, тўхта, деганимга кўнса, қани энди ҳазиллашдим, деганимга ишонса! Йўқ, қиз боланинг қалбидек нозиги бўлмаст экан. Уша куни кечгача йиғлади. Мен ҳам кечгача ётоқхонасида ўтиравердим. Бир коса шўрва ҳамма нарсани ҳал қилади. Йиғлаётганда бекор ўтириб зерикканимдан, костролкасига шўрва солиб кўювдим. Пишириб олиб келдим. Ҳиқиллаб-ҳиқиллаб бир-икки хўплади-да:

— Ҳазилингиз кўрсин, — дея мийғида билинар-билинемас кулиб қўйди.

— Энди тўйгача ҳечам ҳазил қилмайман, — дедим мен ҳам юмшаганидан хурсанд бўлиб.

Уша кундан буён орамиз яхши. Уч-тўрт кун кўришмасак, типирчилаб қоламиз. Киноларга ҳам тез-тез борадиган бўлдик. Охирги марта борганимизда мен унинг чап томонида ўтирган эдим. Унг кўлим билан шамолда қолган варракдек дир-дир қалтираб турган тиззасини оҳиста силамоқчи бўлувдим:

— Уятсиз! — деб қўйди.

Устозим иккимизнинг ишларимиз бўлса, ҳай-ҳай, шунақанги авж олиб кетдик, агар шу суръат давом этса, баҳоргача Сеҳргар Иблисни бутунлай маҳв этиб, у захарлаган қалбларнинг ҳаммасини поклаб олишимиз ҳеч гап эмасга ўхшаб қолди. Омонсиз олишувимиз бир дақиқа бўлса ҳам тўхтамасди. Ўлими яқинлашаётганини сезган Сеҳргар Иблис гоҳ у маҳаллада, гоҳ бу маҳаллада хунар кўрсатмоқда эди.

Бир куни эрталаб устозим билан бозорга қовун харид қилгани кетаётгандик, якшанба куни эди шекилли, ҳа-ҳа, ойнинг учинчи якшанбаси эди, кутилмаганда кўчаларда, магазинларда, хўжалик моллари дўконларида, чакана-улгуржи савдо қилувчи базаларда ур-йиқит бошланиб кетди. Биров инқиллаб шакф кўтарган, бошқаси гилам орқалаган, учинчиси бир той-читни кўтаришга қурби келмай, судраб кетаётган, тўртинчиси икки қўлтиғида икки мис самовар, қаёққа юришни билмай, калтак еган қуёндек кўча ўртасида гаранг туриб қолган...

— Оббо, Иблис-ей, — деди устозим уф тортиб, — оббо, лаънати-ей, бу кеча яна ухламабди. Одамларни молпараст қилиб қўйганга ўхшайди.

— Молпараст бўлса ёмонми? — деб сўрадим жўрттага.

— Ёмон, — яна уҳ тортиб бош чайқади устозим, — молпарастлик ҳатто ифвогарликдан ҳам ёмон. Бу микроб қалбига тушган одамнинг кўзи оч бўлиб қолади. Бугун чўнтагидаги пулга харажат қилади. Эртага иложи қолмагач, ё ўғирлик қилади, ё порахўрликка берилади. Нарсалар ҳам кўзига чиройлироқ бўлиб кўринаверади. Мени ол, мени олсанг, бахтли бўласан, деб ўзига чорлайверади. Ҳали айтганимдек, пули етмаса, ёмон йўлга такрор ва такрор кираверади. Ўғирлик, таъмагирлик асосий машғулоти бўлиб қолади. Жиноят шилимшиқ қуртдай танасига маҳкам ёпишиб олади. Ҳа, бўтам, молпарастлик микроби — хавфли микроб. Энг хунуги шундаки, мен бу касалликка қарши ҳали дори ишлаб улгурмаган эдим... Ке, қайтақолайлик, қовунхўрликни бошқа вақтда қилармиз. Лабораторияга бориб, бирон нарса ўйлаб топмасак, бўлмайди шекилли.

Лабораторияда уч кечаю уч кундуз ўтирдик. Молпарастлик очкўзликдан келиб чиқадими ёки очкўзлик молпарастликка сабаб бўладими, мана шунинг формуласини тополмай роса хуноб бўлдик. Охири, «очкўзлик+мақтанчоқлик+шухратпарастлик-молпарастлик» деган хулосага келдигу ана шунинг микробини ўлдирувчи дори тайёрлашга киришдик. Ўзингиздан қолар гап йўқ, дори ҳам бамисоли дамланган паловдек бир гап. Дам товоқни эртароқ кўтарсангиз

гурунч етилмай қолганидек, шишанинг тиқинини ҳам эртароқ олсангиз, дори ҳам оби-тобига етмай қолиши мумкин. Яна уч-тўрт кун муддат бор эди. Шу фурсатдан фойдаланиб, ўша ёққа бориб, молпарастлик балосига гирифтор бўлганларнинг сўнги аҳволини кузатиб қайтмоқчи бўлдим. Бир маҳал моллари тирбанд бўлиб ётган магазинлар энди шип-шийдон. Қишлоқча қилиб айтадиган бўлсак, сичқонлар ҳамса таянса бўладиган бўлиб қолибди. Бир хил дўконларнинг пештахтаю эшик деразаларигача кўчириб кетишибди.

Хонадонларда ғурур тўла суҳбатлар:

— Хайрият, улгуриб қолдим, — деяпти бир аёл.

— Нима олдингиз, қўшни? — сўрапти бошқаси.

— Етти юзта пиёла олдик, айланай.

— Вой, бор-йўғи шуми?

— Нега энди, бор-йўғи шу бўларкан. Ундай деманг, қўшнижон. Бир юзю йигирмата чойнак, олти юзта тақсимча, тўқсонта патнис, ўн тўртта мис самовар, еттита қозон, худо хоҳласа, тўй қилсак, ҳаммаси ўзимиздан чиқадиган бўлди. Ўзларинг-чи, қўшнижон?

— Биласиз-ку, чолим ўлгур худо урган ландовур.

— Вой, куруқ қолдингларми?

— Қуруқ деса ҳам бўлади.

— Вой шўрим. Одамларга қайси юз билан кўринасиз энди? Нимангиз билан мақтанасиз?

— Бориға шукр қиладиганга ўхшаймиз, овсинжон. Ландовур чолим олти гилам, етмишта дастурхон, икки юз метр пардалик тўр, учта бешик, еттита сумак, тўқсонта чўян обдаста олишга аранг улгурибди. Ландовур-да, ландовур, бўлмаса эртароқ навбатга турмасмиди. Обдастани бошимга урамани, десам, таҳоратимга сув иситиб бериб юрарсан, дейди-я! Ландовур бўлгандан кейин шунақа экан-да... Эшитдингизми?

— Нимани эшитаман?

— Бўта Кўз хоним бор эди-ку, ҳалиги, эрининг қулоғини тишлаб олган аёл-чи?

— Э, эсладим, прокурорнинг хотиними?

— Ҳа-ҳа, ўша. Лекин эрини жуда бошлабди-да. Бир амаллаб кўндириб, эски шаҳардаги мебель дўконини таг-туғи билан сотиб олишибди.

— Йўғ-а!

— Вой қўшнижон, ишонмасиз-а, ўз кўзим билан кўриб келдим. Магазиннинг орқасидаги ҳовлисига кўчиб бориб олиб, мазза қилиб яшашпти. Бирам ме-белларки, нақ етти арава чиқади-я.

— Қандай бахтли аёл-а!

— Менам шуни айтаяпман-да, қўшни. Олти юзта пиёлам бор деб, бу дунёдан шундай ўтиб кетиш одамга алам қиларкан. Кишиларда қўша-қўша машиналар, қўша-қўша олтин тақинчоқлар, сандиқ-сандиқ кийимликлар... Йўқ, бу кеча мен ҳам чолимнинг қулоғини тишлайман, гапимга кўнмаса, тишлаб узиб оламан.

Суҳбат шу ерга етганда ташқарига чиқиб кетдим. Бордию, қулоқ тишлаш орқали молпараст аёллар молпарастлик нафсини қондирадиган бўлса, бу усул молпараст эркаларга ҳам маъқул келиб қолса-чи? Унда хотинларнинг қулоғини тишлашга ўтади, шундайми? Кейин-чи, кейин уёғи расво бўлади! Бир ҳафта ўтар-ўтмас эрка хотиннинг, хотин эрининг қулоғини узиб олиб, ер юзида қулоқсиз район юзга келади... Мен мана шундан қўрқиб кетганимдан аёллар суҳбатини чала ташлаб, лабораторияга қараб югурдим. Гарчи дори меъёрига етмаган бўлса ҳам, ўша кечадан қолдирмай, эмлашни бошлаб юбордим. Ва ҳар галгидек бу сафар ҳам, баъзи бир дилсиёҳликларни ҳисобга олмаганда, натижаси чакки бўлмади.

Орадан беш-ўн кун ўтгач, ўша районга бориб келган комиссия аъзолари ўз актларида номаълум сабабга кўра бир кечада юзга яқин эрка ва хотиннинг қулоғи ўз-ўзидан йўқ бўлиб қолибди, деган ваҳимали сўзларни ҳам қайд қилиб келишди. Баъзи бир дилсиёҳлик деганда мен мана шу қулоқсиз бўлиб қолганларнинг аянчли аҳволини назарда тутган эдим. Эсиз, эсиз қулоқлар, дейман ўзим-га ўзим, ҳаммасига мен айбдорман...

XXX боб

Севгимни ким ўғирлади?

Уйга сал ғалатиноқ бўлиб қайтдим. Хурсандманми, хафаманми, ўзим ҳам билмайман, денг. Дилимнинг бир чеккасида шодиёналик, чароғонлик, бошқа чеккасида қоп-қора кўланка бордек. Ўзи мен кўпинча шунақа бўламан. Юрагимнинг ярми кулиб турса, ярми йиғлаб тургандек бўлаверади... Аслида-ку,

Ширин қовунлар мамлакатига келганимдан буён бунақанги зўр тантана, бунақанги ҳурматни кўрмаган эдим-а. Икки хил сарқит балосидан қутулгани учун мен номини тилга олмаган район фуқароси шу балоларни даф қилганимизга атаб, мен билан устозим шарафига катта сайил уюштирмоқчи бўлган, маъмурият хурсандчилик билан розилик берган экан. Буни мен ўтган ҳафта эшитувдим-у, ҳазил қилишаётган бўлса керак, деб ўйловдим. Рост экан. Эрталаб устозим икковимизга махсус ясатилган машина жўнатишибди. Қайсарликда бу дунёда устозимга тенг келадигани йўқ. Дабдабани, мақтанчоқликни, беҳуда шов-шувларни жиним сўймайди, мени тинч қўйинглар, бўлмаса яна лагерга қайтиб кетаман, қайтага ишлаш учун ўша ер қулайроқ эди, ана керак бўлса, Акромийни олиб бораверинглар, деб лаборатория эшигини беркитиб олди.

Махсус ясатилган машинада бир ўзимни олиб кетишди. Сайилгоҳга шаҳар стадиони танланган экан. Дарвозага яқинлашишимиз билан ўн тўртта карнай бирданига чалиниб, еру кўкни зириллатиб юборди. Машинадан сакраб тушмоқчи бўлувдим, стадионни айланиб чиқамиз, сизни бир кўришга муштоқ бўлган минглаб ихлосмандларингиз бор, ўшаларни хафа қилиш ярамайди, деб қўйишмади. Очиқ машинага турғазиб қўйишди. Оҳ, ўша пайтдаги қийқириқлар, машинага ёғилаётган даста-даста анвойи гуллар... Шу дақиқаларда ёнимда Гу Ли хоним бўлармиди! Қаерда у, нега кўринмаяпти? Лоақал мақтанчоқ ўртоғим Ҳошим ҳам йў-а. Ойижоним, укаларим, қани энди шу ерда бўлсаларингиз-ку, Акромийнинг кўксига тўлқин ураётган қувончларини, денгиздек чайқалаётган севинчларини биргаликда баҳам кўрсаларингиз... Гулдасталарга қўмилиб кетган эканман, орасидан мени аранг топиб олиб, махсус тайёрланган ёғоч супага олиб чиқишди. Митинг қилишмоқчи экан. Қатор микрофонлар сувдан тумшугини чиқарган ўрдақлардек мен томонга бўйинини чўзиб турибди, денг. Нотиқлар бирин-кетин сўзга чиқиб, минг хил ҳикматнинг тилсимотини очган устозим Дар Даража ва унинг ғоят истеъдодли шогирди сифатида мени тилга олишиб, шаънимизга мақтовлар ёғдира бошладилар. Шоирларни ҳам таклиф қилишган экан. Галма-галдан бўйинини чўзиб турган микрофон ёнига кела бошладилар:

Иблис билан жанг қилиб,
Аҳволини танг қилиб,
Қалбимизни поклаган
Дар Даража бор бўлсин!—

дея шеър ўқий бошлади Шарқий Шимолий деган бир шоир, қарсак босилишини бироз кутиб турди-да, яна келган жойидан бошлаб юборди:

Даража номи бор,
Ҳовлисида томи бор.
Шараф тўла жами бор,
Шундай устоз бор бўлсин!

Атала суюқ бўлар,
Ўрмонда айиқ бўлар.
Денгизда қайиқ бўлар,
Дар Даража бор бўлсин!

Бу шоирнинг исми нега сал ғалатиноқ, деб сўрадим ўзим қатори ёғоч супага кўтарилган ёшгина бир йигитдан. Шеърлари пойма-пой бўлади, эҳтимол шунинг учундир, дея шивирлаб қўйди йигит. Энг охирида Така Тум деган шоир микрофон ёнига келди.

Бурнида сеҳри бордир,
Қалбида меҳри бордир,
Кўзида қаҳри бордир,
Омон бўлсин, Акромий!

Иблисга ҳужум қилди,
Овозини жим қилди,
Ҳам ўзини гум қилди,
Омон бўлсин, Акромий!

Минг бир ҳидни билади,
Айтганини қилади.
Яхшиликни тилади,
Омон бўлсин, Акромий!

Молпарастлик балоси
Бор экан-ку, давоси.
Софланди юрт ҳавоси,
Омон бўлсин, Акромий!

Биласиз-ку, мақтовларга унча хушим йўқроқ. Ҳошим бўлса бошқа гап, ҳозир бир қоп семирган бўларди. Мен камтаргина бўлиб, уялинқираганнамо қимтинибгина ўтиравердим. Шеърхонликдан сўнг мукофотлаш маросими бошланди. Устозимга биринчи даражали, менга эса учинчи даражали Катта Қовун мукофоти берилиб, беш йил давомида текинга қовун ейишимиз, йил фаслининг исталган палласида, кўнглимиз тусаган қовунни сўраб олишимиз мумкинлиги эълон қилинди. Худди мана шу пайтда, катта стадионда гулдурос қарсак чалинаётган бир дақиқада даҳшатли довул кўтарилдию чанг-тўзон билан келиб, сайилгоҳга дадасининг ортидан эргашиб келган баъзи болаларни қуонга ўраб, осмонга олиб

чиқиб кета бошлади. Гап нимадалигини англаб етмасимиздан шунақанги ёмғир уриб бердики, бамисоли стадион устидан катта дарё шовуллаб қуйилаётгандек бўлди. Саросимада қолган одамлар ўзларини дуч келган тарафга ура бошладилар. Така Тум деган шоир икковимиз ўзимизни тахтадан ясалган супача остига олдик. Бир маҳал чиқсак, сайлгоҳда ҳеч ким қолмабди. Ҳар жой-ҳар жойда пайдо бўлган кўлоблар юзида нотикларнинг нутқи ёзилган қоғозлар, болалар ташлаб қочган елим кўғирчоқлар сузиб юрибди. Сеҳргар Иблиснинг бунақа қилиқлари борлигини илгари ҳеч кўрмаган эдим. Дилим вайрон бўлдию шалоплатиб сув кечиб, стадиондан чиқиб кетдим.

Хуллас, ҳали айтганимдек, уйга юрагимнинг ярми кулиб, ярми йиғлаган бир ҳолатда қайтдим. Гу Ла холам билан Му Ти сергўшт паловни дамлаб, келишимни кутиб ўтиришган экан. Гулзор ўртасидаги каравотга ёнбошлаб, сен же, мен же қилишиб, ошни туширдик, кетидан қовун сўйдик.

— Энди бошланг, — деди Му Ти идиш-товоқларни ювиб қайтгач.

— Нимани бошлайман? — дедим ўзимни билмасликка солиб.

— Вой, ҳар куни нимани бошлайман дейсиз-а?!

— Билмаганимдан кейин сўрайман-да.

— Эртакни бошланг, деяпман.

— Кеча айтувдим-ку.

— Айтганингиз йўқ.

— Айтганман.

— Ундай деманг, йиғлаб юбораман, кейин юпатолмай қийналиб юрасиз.

— Эртагим тамом бўлган.

— Елғон, мингга эртагим бор, ойижонимнинг муддатини ўтаб келгунича бемалол етади, дегансиз. Бошланг. Ойижонимни соғиниб турибман, йиғлаб юбораман...

— Қовуннинг ичига тушиб кетганимни айтайми?

— Уни айтгансиз.

— Эшак китоб ўқиб ақлли бўлганини бошлайман, бўлмаса.

— Вой, униям юз марта айтгансиз.

— Иблис ҳақида айтаман.

— Топиб олганингиз эшак билан Иблис экан-да? Ойижон, ойижоним...

Му Ти жуда шайтон қиз-да. Ёш боланинг кўзёшига тоқат қилолмаслигимни билиб олган. Айтганини қилмасам, йиғлашга тушади. Ҳеч юпатиб бўлмайди. Нима бало, ичида эртак ютиб юборадиган аппарат борми, дейман, на кундузи тинчлик беради, на кечаси. Айтмасам бўлмайди шекилли. Эҳтимол, мен тўқиб-чатиб айтадиган эртақлар интизор қалбига ором берар, ахир менинг ўзим ҳам қариндошларимни соғиниб, зор-интизор юрибман-ку...

— Бир бор экан, бир йўқ экан, қадим замонда бир подшо бўлган экан. Минг гектар келади катта боғи бўлиб, дунёдаги барча гўзал гуллардан экиб, таърифлаб бўлмайдиган даражада чиройли ошён яратган экан. Жаҳонда қанча қуш бўлса, ҳаммасидан намуна келтириб, боғида парваришлар экан. Унинг хотини Малика фақат қуш гўшти ер экан. Кунлардан бир кун сўйилиш навбати кичкинагина бир сайроқи қушга келибди. Қассоб пичоғини қайраб бораётган экан, қушча тилга кириб: э, шоҳаншоҳ, дея ёлворибди, биз қушлар аслида Маликага емиш бўлиш учун бу ерга келтирилганмиз. Қушчилар бизни яхши парвариш қилишди. Мен сиздан мингдан-минг розиман. Фақат сўйилишимиз олдидан рухсат берсангиз, бориб Ватанимни бир қўриб келсам. Бу гапни эшитиб, подшо ҳайрон қолибди. Наҳотки, қушча учун мен яратган боғдан кўра ҳам гўзалроқ Ватан бўлса, деб ўйлабди-ю, қушчага жавоб бериб, орқасидан бошқа бир учқурроқ қушни жўна-тибди. Орқасидан бор-чи, унинг Ватани мен яратган гулзордан чиройлироқмикан, агар чиройли бўлса, ундан намуна олайлик, деб тайинлабди. Қушча бир кун учибди, икки кун учибди, ниҳоят, етти кун деганда жазирама бир сахрою биёбонга етибди. Қўриб ётган чангалзорлар орасида шохларини чақмоқ уриб синдирган қари тут дарахти бор экан. Қушча дарахтнинг ўргимчаклар ин қурган ифлос қавагига кириб, ох, менинг азиз ватаним, ох, онажонимнинг нигоҳи тушган қадрдон қавакчам, ох, отамнинг овозини эшитган кулбам, ох, укаларим билан чирқиллашиб катта бўлган ҳовлим, сени кўрдим, энди ўлсам армоним йўқ, деб тинмай думалар эмиш. Кулбаси билан йиғлаб-йиғлаб хайрлашибди-да, яна подшонинг ҳузурига парвоз қилибди...

Пойлоқчи қуш бўлган воқеани оқизмай-томизмай шоҳга сўзлаб берибди. Шунда шоҳ бир оз ўйланиб турибди-да, ҳар бир кишига, ҳар бир жонзотга бировнинг гулзоридан ўзининг чангалзори афзал кўринаркан-да, қавакдеккина бўлса ҳам, ҳар бирининг ўз ватани бўлиши керак экан-да, дебди...

— Кейин нима бўлибди? — сўради Му Ти эртагим тугаши билан.

— Уёғини билмайман, — деб қўйдим ўйга толиб. Нега десангиз, ўзим ҳам шу пайтда Сойбошини эслаб кетган эдим.

— Қушчани сўйишибдимми?

— Билмайман.

— Мен Малика бўлганимда қушчага жавоб бериб юборардим.

— Унга ачиняпсанми?

— Жудаям.

— Менга-чи?

— Вой, сизга нега жавоб берар эканман.

— Ахир, менинг ҳам олисларда қолиб кетган ватаним бор.

— Сизга ҳечам жавоб бермаймиз. Ойижоним келгунча ёнимда бўласиз. Сиз кетсангиз, ҳамма мени хўрлаб қўяди. Акаси сеҳргар эди, деб калака қилишади. Йўқ, ҳечам кетмайсиз. Сиз сеҳргар ҳам эмассиз, тўғрими?

— Сеҳргарман.

— Ёлғон, ҳечам сеҳргар эмассиз, яхшисиз. Ҳамма акалардан ҳам меҳри-бонроқсиз...

Кўча эшикни кимдир от келдисига олиб дўпиллатиб қолди. Устозим бугун келмайман, лабораторияда тунаб қоламан, деган. Бу ким бўлди экан? Шиддат билан қоқайтганидан жиддийроқ бир гап борга ўхшайди. Ишқилиб, тинчлик бўлсин-да. Эшик очмасдан туриб, ким у, деб сўраган эдим, участка соқчисиман, деган жавоб қайтди. Эшикни очиб улгурмасимдан:

— Профессор Акрот Акротий бўласизми? — деб сўради ҳалиги овоз.

— Худди ўзиман, — деб қўйдим.

Сиздек ҳурматли одамни безовта қилганим учун қайта-қайта узр сўрайман, деб гап бошлади тунги меҳмон. Гапига қараганда, бундан тўрт кун аввал, кеч пайтида ҳамширалар ётоқхонасидан мен Гу Лихонимни эргаштириб, тўғрироғи, қўлтиқлаб олиб чиқиб кетган эканман. Чиқиб кетишим билан қишлоқдан қизнинг ота-онаси келибди. Дугоналари сабр қилиб турунглар, қизларингиз ҳозир келиб қолади, дейишибди. Қиз кечасига қайтмабди. Эртасига ота-онаси касалхонага борган экан, фарзандлари у ерда ҳам йўқ эмиш. Эҳтимол, тунги поездга ўтириб, бизни кўргани қишлоққа кетгандир деб ўйлаб, ўша ёққа ҳам бориб келишибди. Йўқ эмиш. Ота-она ташвишга тушиб, бугун эрталаб соқчилар маҳкамасига мурожаат қилган экан. Мен қасам ичмадим-у, лекин ичгандан ҳам баттарроқ қилиб Гу Лихонни беш кундан буён кўрганим йўқ, ётоқхонага ҳам бормадим, дедим. Соқчи мендек ҳурматли йигитнинг гапига албатта ишонаётганлигини ва менинг тоифадаги кишилар ҳаммаша рост сўзлашимизни билдириб, менга, яъни профессор Акротийга малол келмаси, участка идорасига бир минутгагина бориб келишимни илтимос қилди. Бу гапларни у шундай одоб ва назокат билан айтдики, хўб дейишдан ўзга иложим қолмади.

Участка идорасида талайгина эркагу хотинлар ўтиришган экан. Мен бу ерда биринчи дафъа бўлажак қайнотаму қайнонам билан ҳам кўришиб олдим. Иккови ҳам жуда ёш, қайнотам мендан кўра, қайнонам қизи Гу Лихондан ҳам кўхлироқ кўринади. Аммо икковлари ҳам менга еб юборгудек бир алпозда тикилишдики, товонларимгача музлаб кетгандек бўлдим. Ҳай-ҳай, эрта-индин куёв бўламан деб турган йигитга бундай қараш уят-а, дейдиган одам йўқ. Соқчи бурчакда қимти-нибгина ўтирган қизлардан бирини турғазиб:

— Бу ўртоқни танийсизми? — деб бармоғи билан мени кўрсатди.

Қулоғига чақалоқнинг шапалоғидек ойбалдоқ тақиб юрадиган бу қизни эслагандек бўлдим. Гу Лихонга қўшни хонада яшар эди шекилли.

— Ҳа, — дея келинчақлардек ийманибгина деди қиз.

— Ким экан?

— Профессор Акрот Акротий бўладилар.

— Биринчи марта қаерда кўргансиз?

— Дугонам Гу Лининг хонасида.

— Тез-тез бориб турармиди?

— Ҳа.

— Охирги марта қачон кўргансиз?

— Айтдим-ку.

— Яна айтинг.

— Айтдим-ку, чоршанба кuni эди, деб. Бу киши бордилар-да, дугонам билан бир пас чақчақлашиб ўтиришгач, сўнг қўлтиқлашиб чиқиб кетишди.

Соқчи бошқа бир қизни турғазиди. Бунисиниям танигандек бўлдим. Дугонаси нима деган бўлса, ўша гапларни такрорлади. Сўнг ўша дақиқаларда профессорнинг қўлида бир даста янги узилган гул ҳам бор эди, дея қўшимча қилди.

Ана холос, буёғи неча пулдан тушди энди, тавба, э, тавба! Қани, ўзингиз инсоф билан айтинг-чи, менинг ўрнимда мана шу ҳолатга тушиб қолсангиз, ўзингизни қандай тутар эдингиз? Сеҳрли қалпоқчани бошга кийиб, кўздан ғойиб бўлгач, хайр-маъзурни насия қилиб, жуфтакни ростлаб қолармидингиз ёки йигит кишига қочиш ярашмайди, мардонавор туриб ҳақиқатни ҳимоя қилмоқ керак, деб охирги

дақиқагача олишган бўлармидингиз? Агар йигит бўлсангиз, сўнггисини танлардингиз, шундай эмасми?

— Шаҳарда Сеҳргар Иблис кезиб юрганидан хабарингиз борми? — сўрадим соқчидан.

— Буни ҳамма билади, — деб қўйди участка бошлиғи.

— Сеҳргар Иблис билан олишаётганимни эшитгандирсиз?

— Эшитганмиз, бугун сизга мукофот ҳам беришди.

— Сеҳргар кун сайин қиёфасини ўзгартириб турибди.

— Бундан ҳам хабаримиз бор. Ҳар жой-ҳар жойга яширинча камера қўйиб, биз ҳам кузатяпмиз ўша махлуқни.

— Сеҳргар Иблис мендан ўч олиш ниятида қиёфамга кириб, севган қизимни йўлдан оздириб кетган бўлса, нега унинг изига тушиш, орқасидан қувиш ўрнига вақтни ўтказиб, мен билан ади-бади айтишиб ўтирибсиз?

Соқчи йигит афтидан мендан бунақанги жавоб чиқишини кутмаган экан. Бошига тўқмоқ урилгандек довдираб қолди. Гоҳ менга қарайди, гоҳ хижолат ичида ўтирганларга қарайди. Бўлажак қайнонам билан қайнотам бўлса, Сеҳргар Иблиснинг номини эшитишлари билан хўрсинишга тушишди. Қалбларидаги ваҳимани кўтариш учун далда берадиган сўзлар айтишим керак деб ўйлаб, шу кечадан қолдирмай, қизларингни топиб бераман, дея эшикни қарсиллатиб ёпиб чиқиб кетдим. Узим ҳам шу пайтда хийла довдираётган эдим. Ахир, менга ҳам осон эмас эди-да, шундай эмасми?!

Нима бўлганда ҳам устозим ҳузурига бориб, маслаҳат олишим даркор. Оёқни қўлга олиб, лабораторияга югурдим. Устозим ишлайдиган хонанинг чироқлари ёниқ эканлиги кўчадан ҳам кўриниб турарди. Хонанинг эшиклари, негадир, ланг очиқ. Ҳовликиги ичкари кирдим. Устозим эски диванда чўзилиб ётган экан. Ориқ қўллари шилвираб осилиб тушган, кўзлари олайиб, теппасига тортиб кетган, қулоғимни кўксига босган эдим... йўқ, йўқ... айтолмайман...

— Бобожон! — дея бақириб пастга, қоровуллар олдига қараб югурдим.

XXXI боб

Туҳмат

Қоровуллар олдига отилиб тушдим у шум хабарни етказгач, яна югуриб изимга қайтдим. Устозимнинг ориқ қўллари ҳамон дивандан пастга осилиб ётарди. Кўксига олиб қўймоқчи бўлган эдим, пастда, қўли осилган жойда бир варақғижимланган қоғоз ётганини кўриб қолдим. Юрагим бир нарсани сездио, шоша-пиша ўқий бошладим.

«Азиз ҳамшаҳарлар! Ҳаммангизни бир хилда севардим. Сизларга орзу қилганим даражада яхшилик қилишга улгурмадим. Алвидо! Ҳамма меросимни суюкли шогирдим Акромийга васият қиламан. Акромий, пўлат сандиқлардаги ноёб дориларга ҳушёр бўл. Ал...»

Бечора устозим сўнги сўзини охиригача ёзолмабди. Дориларга ҳушёр бўл, дебди. Нега энди сўнги сўзи шу бўлди экан? Демак, бунда бир сир бор. Одамлар тўпланмасдан уларни кўздан холироқ жойга олишим керак. Югуриб ертўлага тушдим. Чиндан ҳам икки пўлат сандиқ шу ерда экан. Ертўла ичида фақат устозим икковимиз биладиган яна бир ертўла бор. У шундай сиру синоат билан ишланганки, ичига Сеҳргар Иблис ҳам киролмайди. Пўлат сандиқларни ўша ерга беркитдим. Қайтиб чиқсам, аллақачон одамлар тўпланиб бўлишибди. Устозимнинг осилган қўлларини кўксига қўйиб, оқ дока билан иягини боғлаб, олайиб қолган кўзлари ўрнига уч тийинликдан иккита сариқ чақа ҳам босишибди.

Кейин... кейин ана шундай пайтда нималар қилиниши зарур бўлса, ўшаларни бажара бошладилар. «Тез ёрдам» чақирилди, эртасига экспертиза бошланди, индинига кўмиш маросими ҳам бўлиб ўтди. Кетидан еттисига, йигирмасига ўхшаш расм-русмлар ҳам бажарилди. Кейин... кейин мен, мана, иш столимда юм-юм йиғлаб ўтирибман.

— Йиғини бас қилинг! — деди ичкаридан чиқиб келган адолатли бошлиғим Нарӣ Бери.

— Юрагим куйиб кетяпти, — дедим бош чайқаб.

— Йиғлаш билан қайтиб келганда, йиғлай-йиғлай ота-онамни тирилтириб олардим... нима ўқияпсиз?

- Нима бўлади, хат-да.
- Хатлигини кўриб турибман, қанақа хатлар?
- Иблис яна ишқал чиқарганга ўхшайди.
- Ҳаммамизни ўлдириб қутулади шекилли, бу иблисингиз.
- Энди порахўрликни авж олдирибди.
- Порахўрлик?!
- Ҳа.
- Яна гумонсирашлар, яна тергов...

Шундай деб, адолатли бошлиғим тоқати бутунлай тугаган одамдай уҳ тортиб, бошини сарак-сарак қилиб қўйди.

- Туринг, сизни Бо Дом район прокуратурасидан сўрашяпти.
- Мени-я?! — дедим капалагим учиб, — нима ишлари бор экан?
- Бир келиб-кетсин дейишяпти.

Бошқа илож йўқ. Қонуншунос органлар билан ҳазиллашиб бўлмайди. Улар билан бўладиган ҳазилнинг таги албатта зил бўлади. Нега чақиришди экан, дея ўйлай бошладим йўл-йўлақай, нега менинг ўзимга эмас, бошлиғимга кўнғироқ қилишади? Еки Гу Лихонга боғлиқ бирон гап чиқиб қолдимикан? Соқчилар ахтаришаётган эди, сиз аралашманг, ўзимиз шуғулланамиз, дейишган эди-ку?

Прокуратура идораси бир қаватли кўримсизгина бинога жойлашган экан. Йўлакчалари ҳам тор, қоронғи, эшигига чарм қопланган экан, мушук таталаган бўлса керак, титилиб кетибди. Ҳандалак шаҳридаги ҳамма идораларда бўлгани каби бу ерда ҳам қабулхона секретари кўғирчоқдеккина қиз бола экан ва шу кеча-кундузда кўпчилик идораларда расм бўлганидек, мени совуққина қарши олди.

- Прокурор чақиртирган экан, — дея келганимни маълум қилдим.
- Фамилиянгиз? — афтимга қарамай сўради Кўғирчоқ.
- Акром Акромий...

Кўғирчоқ, афтидан, ичида пружинаси бўлса керак, дик этиб ўрнидан туриб кетди:

— Вой, профессор Акром Акромий сиз бўласизми? Мен сизни чол киши бўлсангиз керак деб ўйлаб юрардим... Қаранг-а, сизни кутаяптилар, йўқ, тўхтаган, бир нарса сўрасам майлими?

- Сўрай қолинг.
- Сиз ҳақиқатдан ҳам шунақамисиз?
- Қанақа эканман?
- Бурнингизнинг ичида ҳидларни анализ қиладиган завод борми? Ҳамма қизлар шунақа дейишяпти.

— Завод эмас, лаборатория бор, — деб, ичкари кириб кетдим. Ва тўсатдан хангу манг бўлиб қолдим...

Прокурорлик курсисида менга ҳам, қисман сизга ҳам аввалдан таниш бўлган «Ҳалоллик ва ростгўйлик тажриба институти»нинг ҳуқуқшунослик факультетида муаллимлик қиладиган, бир кампир набирасини ўқишга олиб келганда, келтирган пулингиз оз, конкурс шартига тўғри келмайди, дея йиғлатиб чиқариб юборган киши, ҳа, ҳа, худди ўша Оқ Сочли ўтирарди. Тавба, порага келган пулни тарозида тортиб оладиган одам қандай қилиб прокурор бўлиб қолди экан? Бошимдан ана шундай фикрлар ўтаётганда миям ловуллаб куйган бўлса ҳам ажаб эмас. Нега десангиз, аввал пешонамдан, сўнг бурнимдан тер чиқиб кетди.

— Нега серрайиб турибсиз? — кўрс бир оҳангда сўради Оқ Сочли.

— Нима қилай бўлмаса? Уйинга тушиб берайми? — дея мен ҳам кўрс жавоб қайтардим. Тўғри-да, у прокурор бўлса, мен ҳам кичкина одам эмасман, профессор деган унвоним бор, обрўли ташкилотнинг масъул котибиман!

- Хўш, эшитаман?
- Чақиртирган экансиз.

Участка соқчиси текширув ўтказиб, қизни Акром Акромий ўғирлаган, деган хулосага келибди. Лабораториядаги баъзи ходимларнинг ёзишича ва текширув пайтида берган гувоҳликларига қараганда, профессор Дар Даражани мен бўғиб ўлдирган эмишман.

- Ёлғон! — қичқириб юбордим.
- Бу ер шовқин соладиган жой эмас, — таҳдид оҳангида деди Оқ Сочли.
- Тўхмат бу!
- Тўхматлигини исботлаб берсангиз... икковимизга ҳам яхши бўлар эди.
- Қани, ўша хатни менга курсатинг-чи.
- Ҳаққим йўқ.
- Хўп, ким ёзганлигини айтинг, бўлмаса.
- Айтолмайман. Шаҳар қонунлар мажмуасининг бир юзу ўн тўртинчи

моддасига биноан тергов тугагунча сизни ҳибсга олишга мажбурман. Акром Акромий, сиз қамоққа олиндингиз.

— Нима?!

— Сержант Дағ Ал, — дея мурожаат қилди ҳалидан буён бир чеккада иккимизнинг суҳбатимизни кузатиб ўтирган йигитчага, — Акромиини еттинчи камерага олиб боринг.

Бу қанақаси бўлди-а? Қизни мен ўғирламаганимни ҳамма билади-ку, ўзим ҳам биламан-ку. Бориб-бориб, мен меҳрибон устозимни бўғаманми? Тухмат бу, бўхтон бу! Қип-қизил ёлғон бу!!

— Ўзинг порахўрсан! — дея қичқирдим Оқ Сочлига қараб.

— Олиб чиқинг, — деди прокурор худди бошини узиб ташланг, дегандек бир оҳангда.

Наҳотки бекордан бекорга қамалиб кетаверсам, буюк ишларни амалга ошираётганимни ҳисобга олишмас экан-да! Тухматчи ҳақ-у, рост сўзлаганим учун мен ноҳақ эканман-да! Йўқ, унча-мунчага мен ҳам таслим бўладиганлардан эмасман. Қўлтиғимдан шошилиб Сеҳрли Қалпоқчамни олиб бошимга кийдим.

— Олиб чиқинг, деяпман! — ўшқириб такрорлади Оқ Сочли.

— Йўқ бўлиб қолди-ку, кимни олиб чиқаман? — ранги-қути ўчиб деди Дағ Ал.

— Лапашанг, қочириб юборган бўлсанг ўзингни қамайман.

Икковлари бирин-кетин кўчага югуриб чиқиб кетишди. Қўғирчоқ қиз прокурорга аччиққина чой дамлаб кирган экан. Бостириб-бостириб икки пиёласини ичдим-да, сўнг мен ҳам ташқарига чиқа бошладим. Уёқ-буёқни бир ўйлаб, ҳозирги аҳволимни баҳолаб олишим керак эди.

— Тўғри қилдимми? — сўрадим Қалпоқчамдан.

— Жуда тўғри қилдинг, — деган овоз келди пешонам тарафдан.

— Мен қочоқ бўлиб қолдим-ку?

— Бошқа иложинг йўқ эди.

— Буюк ишларни амалга оширмоқчи эдим.

— Энди ўзим ёрдамчинг бўламан.

— Кўп нарсага ақлим етмайди, ахир?

— Маслаҳат мендан бўлади.

— Рост айтаяпсанми?

— Ёлғончини ёмон кўраман.

— Энг аввал севгилим Гу Лихонни ахтариб топсак бўларди.

— Куюнма, бежавотир жойда яшаяпти у.

— Уни ким олиб қочганини биласанми?

— Севгилингни Сеҳргар Иблис беркитган.

— Хотин қилиб олган бўлса-я!

— Ташвишланма, Иблисда вужуд йўқ. Эрлик қилолмайди у. Сендан ўч олиш учун қилди бу ишни.

— Бари бир, аввал севгилимни қутқарсак бўларди.

— Қутқарсак, унга андармон бўлиб, буюк ишлардан чалғиб қоласан. Устозингнинг васиятларини бажармаган бўласан.

— Демак, аввал шаҳар фуқароси қалбини поклаб олишимиз зарур эканда?

— Устозинг тайёрлаб кетган Ноёб дориларнинг кучи кетиб қолиши ҳам мумкинлигини унутма.

— Ишни нимадан бошлай, бўлмаса?

— Овқатланишдан.

— Қалпоқчам, азизим, кел, пешонангдан бир ўпай.

— Қўй, сўлагинг оқиб, тагин попугимни кир қилиб қўямасин.

Донишманд ўртоғим Ҳошимнинг бир маҳаллар айтган гапи тўғри экан — қорин тўқ бўлса, мия яхши ишларкан. Буни мен шаҳардаги энг гўзал ресторанга бориб, қозон бошида ўтириб олиб, қовурилган жўжалардан, димлаб пиширилган гўштлардан, ичига ёнғоқ мағзи солиб тайёрланган тухум дўлмалардан тўйиб-тўйиб еб олганимдан ва бегимсуйди қовунидан ярим палласини пок-покиза тушириб олганимдан кейин билдим.

Ишхонага қайтиб, тортмамдаги порахўрлар хусусида ёзилган актлари ахборотномаларни бир бошдан ўқиб, Ҳандалак шаҳрида ўн еттита ашаддий порахўр давру даврон сураётганлигини аниқлаб, тураржойларигача белгилаб олдим-да, устозимнинг Ноёб дорилари беркитилган ертўлага қараб жўнадим. Сиз нима десангиз деяверинг-ку, лекин устозим чиндан ҳам буюк олим, буюк инсон эди. Бунинг устига, яширмай қўя қолай, сеҳргарликдан ҳам унча-мунча хабардор эди шекилли. Ер юзида тўқсон етти йил яшаб, шундан саксон йилини инсониятнинг руҳи ва қалбини поклайдиган мўъжизакор дорилар яратишга бағишлаганига мен ертўладаги пулат сандиқларни очиб кўргандан кейин яна бир карра ишонч ҳосил қилдим. Иллатларнинг деярли ҳаммасини қайта-қайта таҳлил қилиб, бирининг иккинчисига қиладиган таъсирини ўрганиб, шу иллатлар микробини ташийдиган зарраларни парчалай оладиган дорилар тайёрлаб, «Ёмонликни Яхшилик албатта енгади», дея ўзининг буюк хулосасини ҳам ёзиб кетган экан. Билмадим, устозим бир вақт келиб, дорилар менга ўхшаган чаласавод шогирдлари қўлига тушиб

қолиши мумкинлигини башорат қилган эканми, уларни қай йўсинда қўллаш ҳақида кўрсатмалар ҳам ёзибди. Масалан, қизғанчиқ, кўзи оч одамга қарши ишлатиладиган дорини қорни тўқ, уйи молу мулкка лиммо-лим тўлган пайтда берилгани маъқул, деб таъкидлабди. Шунда қизғанчиқнинг қорнидаги овқат заҳар бўлиб туюларкан-у, уйидаги текинга тўпланган молу мулк бамисоли аждарҳога айланиб, ютаман дея қўрқита бераркан.

- Зур-а! — деб сўрайман бошимда турган Қалпоқчамдан.
- Қойил! — деб қўяди Қалпоқчам ҳам тан бериб.
- Шундай одам ўлиб кетди-я.
- Уз ажали билан ўлгани йўқ, Сеҳргар Иблис уни бўғиб қўйди.
- Сен билармидинг? — андак бўлмаса қичқириб юбораёздим.
- Афсуски, кейин хабардор бўлдим.
- Демак, бари бир Емонлик Яхшиликдан устун келибди-да?
- Жанг қурбонсиз бўлмайди, Ақромий, — насиҳат қилишга ўтди Қалпоқчам. — Устозинг қурбон бўлди, лекин сен борсан, мен борман, қалби гўзалликка лиммо-лим тўлган минглаб одамлар бор. Биргалашиб ўша Иблисни албатта маҳв этамиз. Энди тезроқ бўл, оладиганингни ол-да, ертўлани тарк эт. Бўлмаса, бу ерни ҳам Сеҳргар Иблисга фош қилиб қўясан.

XXXII боб

Жазо

Ун еттита ашаддий порахўрни ажратиб олдим дедим-у, уларнинг кирдикорларини сизга батафсил сўзлаб ўтирмадим. Шикоятлар сиёҳ билан эмас, бамисоли кўзёши билан битилгандек. Ҳар битта сўз ўрнида аждарҳо домига дуч келган одамнинг кўзлари мўлтираб тургандек. Уша шикоятларни ўқиётганимда, ишонсангиз, порахўрлар менга ҳам аждарҳо бўлиб кўринаверди. Текширув комиссияси қайд қилган актларда шунақанги рақамлар келтирилганки, ҳай-ҳай, юрагингиз орқага тортиб кетай дейди. Юрагингиз орқасига тортиб кетмаслиги учун уларни айтмай қўяқолдим.

Порахўрлик мактубларини парчалайдиган Ноёб дориларни ичириб бўлгач, қоида бўйича натижасини уч кундан сўнг билишим керак эди. Уч кунгача бекор ўтираманми дедим-да, Сеҳргар Иблис ҳамласи туфайли қалби ва руҳида қувлик, шубҳа, гумонсираш, ёлғончилик, чақимчилик сингари микроблар эндигина болалай бошлаган кишиларни аниқлаб, устоз васият қилган сеҳрли дорилардан уларга ҳам ичириб юбордим. Банияти шифо бўлсин, савоби устозимга тегсин, деган гапларни ҳам айтиб қўйдим. Бу машғулотибга берилиб кетиб, андак бўлмаса, даволанаётганим порахўрларни паққос унутиб юбораёзиман. Тахминан, бир ҳафтадан сўнг бекатда автобус кутиб турган эдим, одамларнинг шивир-шивири, ваҳимали гаплари қулоғимга чалиниб қолди.

- Эшитдингизми, — дейди биттаси.
- Нимани эшитаман? — дейди бошқаси.
- Жуда хунук бўпти-да.
- Очиқроқ айтинг, ахир.
- Прокурор қўшнимиз бор эди-ку?
- Оқ Сочлими?
- Ҳа, баракалла. Ана ўшанинг пешонасига, терисининг остига ҳеч ўчириб бўлмайдиган қилиб босма ҳарфлар билан «ПОРАХЎР» дея сеҳрли ёзув битиб кетишган эмиш.

- Совунлаб ювиб ташламабди-да?
- Совун билан ҳам, ишқор билан ҳам хўб ишқалаб ювишибди. Қаранг, қанча кўп ювишса, ҳалиги ҳарфлар шунча кўп ярақлармиш. Сеҳрли эканда.
- Чатоқ бўпти-ку!
- Йўқ, мен сизга бошқа нарсани айтмоқчийдим. Уша прокурорнинг икки қўли сонларига ёпишиб қолган эмиш.
- Ёлғонни ҳам қотириб ташлайсиз-да.
- Эрталаб ўз кўзим билан кўрдим.

Автобус келиб суҳбат бўлиниб қолди. Шу дақиқадан бошлаб менинг бир ташвишимга ўн ташвиш қўшилди. Тавба, мен ичирган сеҳрли дориларнинг хосияти бошқачароқ эди шекилли? Еки мenden бошқа яна бир сеҳргар яширинча иш олиб бораёптимикиан? Нима бўлганда ҳам ҳамма ишимни йиғиштириб қўйиб, ўшалардан хабар олишга қарор қилдим. Ун еттовининг ҳам уйига кириб чиқдим. Тўғри, юз

фоиз тўғри! Ҳаммаларининг ҳам пешоналарида «Порахўр» деган сеҳрли ёзув, икки қўли сонларига ёпишган! Бирининг уйига «Тез ёрдам» кепти, бошқасиникида хонаки табиб аллақандай дори тайёрляпти, учинчисига дуохон домла чўкка тушиб олиб, дам соляпти. Биттаси қўй сўйиб, маҳаллага худойи оши ҳам тортибди. Барчасининг уйида мотам, бола-чақаси ташвишда... Лекин ўзиям жуда ғалати бўпти-да. ПОРАХЎР деган ёзув, шахтёрларнинг ер остига тушганда пешонасига тақиб оладиган чироғи бор-ку, бамисоли ана ўшанга ўхшаб ёниб турибди денг. Ва яна, уф, энди буёғини қай тил билан баён қилсам экан, лекин айтмасдан иложим йўқ-да... ва яна икки тирсак икки биқинигаю кафтлар сонга ёпишиб қолганини айтмайсизми! Одам боласининг қўллари қўл ҳолида турганда чиройли экан, танага ёпишганда жуда хунук кўринаркан...

Бирон хатога йўл қўйдим шекилли деб ўйлаб, устозим қолдириб кетган ёзишмаларни яна бир кўздан кечириб чиқишга қарор қилиб, ертўлага жўнадим. Йўқ, ҳаммаси тўғри экан. Ёзишмалар орасидаги мана бу хатга кўзим тушиб қолди.

«ТАВСИЯНОМА

Ушбу шишачадаги дори порахўрлик касалига мубтало бўлганларга ичирилади. Агар дорини қабул қилган шахснинг қонида порахўрлик микроблари йўқ бўлса, ҳеч қандай белги бермайди. Агар порахўрлик микроблари тўқималарга аллақачон сингиб улгурган бўлса, уч-тўрт кун ўтгач, ул шахснинг пешонасида «ПОРАХЎР» деган сеҳрли ёзув пайдо бўлиб, бора-бора пора олган қўллари сонларига ёпишиб қолади.

Даволашнинг иккинчи босқичи қуйидагича: қони ва руҳи порахўрлик микроби билан заҳарланган шахс ўз пешонасидаги ёзувни кўриб, жирканч ўтмишидан ҳазар қилса, тавба тазарру қила бошласа, унда қўтичанинг ўнг тарафида турган доридан яна бир томчидан берилади. Пешонасидаги ёзув аста-секин йўқолиб, қўллар яна ўз ҳолига қайта бошлайди.

Эслатма: сўнги дори бемор ўз қилмишига иқрор бўлгандан кейин берилади...»

Хайрият, хатога йўл қўймаган эканман, дея ўзимга ўзим тасалли бердим. Қўшимча ташвиш ортганидан хафа бўлиб, ҳаммасини бир йўла тайёрлаб қўя қолмайдами, босқичли бўлишига бало борми, дея устозимдан андак хафа ҳам бўлдим. Аммо бошлаган ишни охирига етказиш керак. Марҳум устозим шундай деб васият қилган.

Сеҳрли Қалпоқчам ёрдамида йўл-йўлакай доктор қиёфасига кириб, бошимдан Қалпоқчамни олиб, кўзга кўринадиган ҳам бўлиб олдим-да. Оқ Сочлининг хузурига кирдим. Қилган жиноятига иқрор қилдирмоқчи эдим.

- Ҳм-м-м, — деди бир оз ўйланиб тургач, — докторман денг?
- Ҳа, докторман, — деб қўйдим.
- Гуноҳимга иқрор бўлсам, тузалиб қоламанми?
- Пешонангиздаги лаънат тамғаси ўз-ўзидан йўқолади.
- Бордию ҳеч қандай гуноҳим йўқ бўлса-чи?
- Унда пешонангиздаги ана у ялтираб турган лаънат тамғаси пайдо бўлмас эди. Қўлингиз ҳам сонингизга ёпишмаган бўларди.
- Хўш, ҳурматли доктор, агар билсангиз айтинг-чи, менинг жиноятим нимадан иборат экан?
- Текширув комиссиясининг акти билан таништиришдимми?
- Танишганман. Бошдан-оёқ тухмат.
- Гувоҳларнинг кўргазмаси-чи?
- Бўхтон деяпман-ку, нима, қулоғингиз оғирроқми дейман.
- Комиссия уйингиздан ўн кило олтин топган, тўғрими?
- Буниси тўғри.
- Қаердан олгансиз?
- Топиб олганман, дедим-ку.
- Кўчада ётганмикан?
- Йўқ. Ариқнинг ичига ташлаб кетишган экан.
- Прокурор бўлмасингиздан олдин институтда ишлардингиз шекилли?
- Ҳа.
- Хукуқшунослик факультетидами?
- Ҳа, деяпман-ку, анқов терговчига ўхшаб ҳадеб савол бераверар экансиз-да. Доктор бўлсангиз, докторлигингизни қилинг.
- Ўқишга кирувчилардан пора олармидингиз?
- Йўқ.
- Мен ўз кўзим билан кўрганман.
- Тухмат қиялпсиз.

— Бир кампирнинг пули камлиги сабаб, йиғлатиб чиқаргансиз.

— Елгон.

— Демак, айбингизга иқрор бўлмайсизми?

— Айбим йўқ деяпман, қанақа одамсиз ўзи!.

Кўриб турибсиз, савдолашиб ўтиришга ўрин қолмади. Уртоғим Ҳошим бўлганда, бу кунингдан баттар бўл, дея ер тепинган бўларди. Мен маданиятли йигит бўлганим сабабли, афсус, энди ўзингизга жабр бўлади-да, деб қўя қолдим. Оқ Сочли, кирганигдаёқ доктор эмас, тёрговчи эканлигини сезганман, сендақадан кўпини кўрганман, деб, пешонасидаги ёзувни кўз-кўз қилмоқчи бўлгандек, бошини баландроқ кўтариб менга бир чақчайиб қўйди...

Эсингизда бўлса керак, қамоқхонадан қутулиб келганимдан сўнг, ишга киришим учун справка сўраб, бир идорага борувдим. Савдолаша-савдолаша ярим машинанинг пулига аранг кўндирдим, дегандим. Уша бечора ҳам порохурлар рўйхатига тушиб қолган экан. Иқрор бўлган-бўлмаганини аниқлаш мақсадида уйига жўнадим. Шўринг қурғурнинг аҳволи жуда чатоқ. Шунақангиз озиб кетибдики, юзида узун бурнидан бошқа ҳеч нарса қолмабди. Оқ Сочлига қараганда ориятлироқ экан. Пешонасидаги сеҳрли ёзувни беркитиш мақсадида белбоғ билан танғиб олибди. Ҳузурига судья қиёфасида кирган эдим. Гапни чўзиб ўтирмасдан савол-жавобни бошлаб қўя қолдим.

— Пешонангиздаги лаънат тамғасини олиб ташлашимни истайсизми?

— Буни докторлар ҳам эплашаёлмаяпти, — ух тортиб деди дўнг пешона.

— Мен олиб ташлайман, ҳукми ўқиб берсам тамом, ёзув ўз-ўзидан ўчади-қолади.

— Ҳукми текинга ўқийсизми?

— Йўқ, албатта.

— Ҳўш, қанча сўрайсиз?

— Фақат, рост гапни айтсангиз бас, сўрайдиганим шу.

— Мен ҳамиша рост сўзлаб келганман.

— Идорада ишлаганингизда справка сотганмисиз?

— Ҳеч қачон.

— Акром Акримий деган йигит справка сўраб келгани эсингиздами?

— Унақа йигитни умримда кўрган эмасман.

— Рост гапираяпсизми?

— Худо урсин агар, рост гапим шу.

Бундан ҳам иш чиқара олмадим ўзи порохурлар таърифлаб бўлмайдиган даражада қайсар ҳам бўларкан. Қаранг, яхшилик қиламан деб жонимни жабборга беряпман-у, ҳа, майли, қани, маҳалла комитетининг раисиникига борай-чи, деб ўйладим, чол киши эмасми, эҳтимол, ичирган сеҳрли дорим яхши таъсир қилиб, айбига иқрор бўлиб ўтиргандир. Чол киши қўлсиз яшай олмайди. Биласиз-ку, киши кексайганда мишиғи кўпроқ оқадиган бўлиб қолади. Қўллари сонига ёпишиб ётган бўлса, унинг мишиғини ким ҳам артиб қўярди.

Раисникига қадам босишим билан ўзимнинг асли ҳолимга, Акром Акримий қиёфамга яна қайтиб олдим.

— Ассалому алайкум, — деб овоз бердим ёнгинасига ўтираётиб.

— Ваалайкум... — деди раис нурсиз кўзларини мўлтиллаб.

— Қалай, тузукмисиз, отахон? Белнинг оғриғи босилдимми?

— Бел-ку бир нави-я, лекин қўл чатоқ бўлиб қолди, болам.

— Нима бўлди, ўзи?

— Сонимга ёпишиб қолса-я!

— Пешонангизда ғалати ёзув борми?

— Сенга ҳам кўриняптими?

— Шамчироқдек ёниб турибди, отахон.

— Қариганимда шунақа тўхматга қолиб ўтирибман, болам. Комиссия текшириб, номимни ёмонга чиқариб, назаримда пешонамдаги ёзувни ўшалар ёпиштириб кетганга ўхшайди. Тавба, справкани текинга берасан, деб қийин-қистовга олишади-я. Текинга берилган справканинг хосияти бўлмайди, деб шунча айтсам ҳам тушунишмади. Справка қанча қимматга берилса, унинг қадри ҳам шунча баланд бўлади, болам. Яна справкага келдингми? Ҳўш, қанча олиб келдинг?

— Пулим йўқ, отахон.

— Бўлмаса, яна белимни уқалаб қўясан.

— Анов кун уқаловдим-ку?

— Яна уқалайсан. Бу гал қўлимниям қўшиб уқалайсан. Бирам зирқираб оғрияптики. Кечалари ухлаёлмаяпман. Туришим ҳам қийин бўп қолди. Урнимни ҳўл қилиб қўйяпман. Нега серрайиб турибсан? Бошла, яхши уқаласанг, справканинг зўридан бераман.

— Демак, справкангизни барибир текинга бермас экансиз-да?

— Текинга мушук ҳам офтобга чиқмайди, болам.

— Агар, ҳақ олмасдан битта справка берсангиз, пешонангиздаги ёзувни ўчириб, қўлларингизни сонингиздан ажратиб кетаман.

— Сеҳргар бўп қолдингми?

— Ҳа, шунақа бўп қолганман.

— Қани, аввал сеҳрингни бир кўрсат-чи, бўлмаса.

— Йўқ, аввал справка берасиз.

— Айтдим-ку, болам, текинга мушук офтобга чиқмайди деб.

— Бермайсизми?

— Кўп пачакилашаверма, кампиримни чақираман, бошинга таёқ билан туширади.

Таёқ егандан кўра емаган яхши, буни ўзим ҳам биламан. Лекин амакини шу аҳволда ташлаб кетиш ҳам одобдан эмас-да.

— Охирги сўзингизни айтинг, — дедим ўрнимдан тураётиб.

— Йўқол кўзимдан!

Назаримда амаки хайрлашувга бошқа сўз тополмади шекилли. Тамом, ўла-ўлгунча пешонасидаги ёзув шамчирокдек пирпираб ёнаверади энди. Виждони паралич бўлмаганда-ку, ёзувга кўзи тушиб, уятдан юраги ёрилиб ўларди-я! Демак, дея устозимга ўхшаб кўрган майда-чуйда воқеаларимдан катта хулоса чиқара бошладим. Сеҳргар Иблис энг аввал бу шўринг курғурларнинг виждонини булғаб қўйган экан. Лекин шу заҳотиёқ бу хулосамни ўзим инкор қилдим. Эҳтимол, бошқалари аллақачон ўз қилмишларига иқрор бўлиб ўтиришгандир...

XXXIII боб

Жазо давом этади

Институтимизнинг директори Шар Манда Ширин қовунлар мамлакатидagi энг катта порахўр деб таърифланган эди. Кулманг, мен буни ичимдан тўқиб чиқараётганим йўқ. Текширув комиссиясининг актларида шундай деб қайд қилинган. Энг каттаси бўлгани сабаб, сеҳрли дорининг ҳам энг кўпини ўшанга ичириб юборувдим. Уйига кираётганимда, тавба қилдим-ей, ҳар қалай, раҳбарнинг салобати босар экан-да, оёқларим қалтираб, олдинга юриш ўрнига, орқамга тисарилиб кетавердим. Қарасам, бўлмайдиган. Қалпоқчамни кийиб, кўзга кўринмайдиган бўлиб олдим. Ичкари кирсам... эҳ-ҳе, ишлар зўр, Шар Мандани гўла ўрагандек оқ чойшабга ўраб, хона ўртасига ётқизиб қўйишибди. Пешонасидаги сеҳрли ёзув шунақа ёрқин ёняптики, қоронғи хонани чароғон қилиб турибди. Аввалига анчагача ҳайрон бўлиб турдим. Нега десангиз, Ширин қовунлар мамлакатига келганимдан буён бошига салла ўраган муллаларни ҳеч кўрмаган эдим. Ҳаммаси Сойбоши мамлакатига қолиб кетган, деб юрардим. Бу ерда ҳам бор, қирилиб битмаган экан. Тўрт нафар мулла чўкка тушиб олиб, бешиктерватардек тебранишиб, мен билмаган дуоларни ўқиб, директоримнинг пешонасига дам солишяпти. Биттаси «Ё саттор, ё ғаффор, суф!» деб суфласа, иккинчиси «Ё қулли, ё ҳулли, куф!» дейди-да, яна дуо ўқишга киришиб кетади, денг. Шар Манда, қайси биринг кўп ўқисанг, пулни ҳам мўлроқ оласан, деб тайинлаб қўйган бўлса керак, муллалар ўртасида чинакам мусобақа бормоқда эди. Тўрттовиям кўзини юмиб олган. Бир хилда чайқалишиб, гоҳо бошларини бошларига уриштириб ҳам олишяпти.

— Ё саттор, ё ғаффор, суф!

— Ё қуллий, ё ҳуллий, куф!

Жазаваси тутиб қолди шекилли, битта мулла ўрнимдан туриб, ўйинга тушиб кетди. Кўзларининг соққаси қутурган итникидек ирғиб чиққан, оғзидан кўпиклар сачраяпти. Бошқа бир мулланинг қорни ҳам темирчиларнинг дамидек катта экан, ичи ҳавога тўлами, дейман, ҳар пуфлаганда ҳатто деразаларнинг пардасигача пирпиратиб юборапти:

— Куф-ф-ф-ф-ф!

Назаримда муллаларнинг орасида Сеҳргар Иблис ҳам ўтирганга ўхшади. Нега десангиз, хонада одам боласи тоқат қилолмайди даражада бадбўй ҳид бор ва яна муллаларнинг қироати авжига чиққанда, гоҳо:

— Ҳа-ҳа-ҳа!

— Ҳе-ҳе-ҳе!

— Ҳи-ҳи-ҳи! — деган менга, фақат менгагина таниш бўлган овозлар ҳам эшитилаётгандек.

Муллаларнинг товуши ўти ўчиб қолган мотордек аста-секин пасайиб бориб, сўнг таққа тўхтади. Ўзлари эса, қалай, қойил қилдикми, дегандек бир-бирларига қараб олишди. Қорни катта мулла дам чиқаравериб, терлаб кетган экан, ёнидан хошиясига ипакли попук тақилган рўмолчасини чиқариб, юзларини артаркан, шилқ эткизиб, мишиғини ҳам қоқиб олди. Ўйинга тушаётган мулла ўтириб сув ича бошлади.

— Худо хоҳласа, — дея антика-антика гап бошлади қорни катта мулла, — худо хоҳласа, пешонангиздаги лаънати ёзув бир ҳафтага қолар-қолмас даф бўлади. Кеча айтувдим-ку, инсу жинс тегибди, деб. Бу кеча тушимда ҳам аён бўлди. Бошингизга бир қора қарға кўниб олиб, пешонангизни чўқиётган эмиш. Лекин, жаноблари, еттита мазорга еттита кўй сўйишни унутмасинлар.

— Кеча учтасини сўйдирдим, — деб кўйди Шар Манда.

— Баракалло, еттита мачитга еттита жойнамоз жўнатсинлар.

— Пирим, — дея мурожаат қилди Шар Манда, — жойнамозларни ўзингиздан бериб юбора қолсам.

— Баайни мударо бўлур эди, — шерикларига ўғринча назар ташлаб олди қорни катта мулла, сўнг калта қўлларини баланд кўтариб, фотиҳа ўқий бошлади: — Илоё омин, шаҳримизнинг энг обрўли, энг мартабали, энг сахий фуқароси Шар Мандани ўзинг паноҳингда асрагин. Ногаҳоний бошига ёғилган фалокатни ўзинг даф қилгин. Сахий қўллари яна ўз ўрнига қайтсин, пешоналаридаги шайтоннинг кўзидек ярқираб турган анави бемаъни ёзув тезда даф бўлсин, облоҳу акбар!

— Облоҳу акбар.

— Облоҳу акбар! — дейишиб қолган муллалар ҳам юзларини силаб олишди.

Икки чинни косада лиммо-лим сув турган эди. Муллалардан бири ундан қандай фойдаланишни тушунтира бошлади. Шар Манда биринчи косадаги сувдан ҳар куни уч хўпламдан ичиб, ичаётганда, банияти шифо, деб кўйиши керак экан. Иккинчи косадаги сув билан то адо бўлгунча пешонасини ювиб туриши ва сонига ёпишган қўлларини тез-тез намлаб кўйиши зарур экан, ана шундай қилинса, худо хоҳласа, бир ҳафтага бормай, сен кўр, мен кўр бўлиб кетар экан.

— Иншоолло! — деб кўйишди дуохонлар баробарига.

Чўнтақларига пул тушиб, қўлларига тугун теккач, муллалар тездан жўнаб кетишди. Навбат энди менга келгандир деб, суҳбатга чоғланаётган эдим, яна бўлмади. Эшикдан ёши саксонда десамми, тўқсонда десамми, ишқилиб, нечадалигини ҳеч билиб бўлмайдиган бир кампир бисмилло дея кириб кела бошлади. Шунчалик қарибдики, бели, бошини кўтаролмай, ергача эгилиб қопти. Назаримда юриб эмас, эмаклаб кириб келаётгандек эди. Бошлаб кирган аёллардан бири остига юмшоқ кўрпача ёзиб, орқасига парёстиқ кўйиб берди.

— Илоё омин, — кампир ҳам фотиҳа ўқиди, — қадам етди, бало етмасин! Вой, Шар Манда, болагинам, нима бўлди сенга?

— Кўргилик экан, буви, — хўрсиниб деди Шар Манда.

— Пешонангга чироқ осиб олибсанми?

— Чироқ эмас, ёзув.

— Қани, ўқи-чи, болам. Менам бир эшитай-чи, нима деб ёзишибди?

— Тилим бормайди, бувижон.

— Ҳа, майли, ўқимасанг ўқимай қўя қол. Ҳаммасини эшитдим. Қўлинг ҳам танингга ёпишиб қолган эмиш. Инсу жинсларнинг иши бу. Вой тавба, уч-тўрт кундан буён ёмон тушлар кўраман-а. Бир алвасти сени миниб олиб, кўчаларда чоптириб юрган эмиш... Худо хоҳлаб, пирлар мададқору азиз авлиёлар қўллаб юборса, ҳаммасини даф қиламиз. Фақат дилингдан парвардигорнинг номини қўймасанг бўлгани.

Ҳолажоним бажармоқчи бўлган юмушнинг номи «кўчирик» деб аталадими ёки «алас-алас» деб юритиладими, ростини айтсам, билмас эканман. Синчиклаб кузата бошладим. Кампирнинг амри фармони билан уйнинг етти бурчагига еттита шам ёқилди. Ҳазрати Баҳовуддин пиримга етти танга атаб олиб кўйилди. Эски латта ёқилиб, алангасини кампир холамиз директорнинг боши узра силкита бошлади ва тўхтамай ғалати бир оҳангда жавраб ҳам турди:

— Алас-алас,
Эски палас,
Алас-алас,
Чўпга ихлос.

Алас-алас,
Жинмисан?
Алас-алас,
Инсмисан?
Алас-алас,
Қора девлар.

Алас-алас,
Сариқ девлар.
Алас-алас,
Даф бўлинг.
Алас-алас,
Хап бўлинг.

— Суф-ф-ф... — кампир холамизнинг оғзида тиши йўқ экан. Қаттиқ суфлаб юборган эди, тупуги чиқиб, директоримизнинг пешонасидаги пирпираб турган сеҳрли ёзувга тегса бўладими? Бир хаёлим артиб қўяй ҳам дедим-у, ўзимни фош қилиб кўйишдан кўрқдим.

— Қора кўй сўйилганми? — тўсатдан эсига тушиб қолди шекилли, дағ-дағ билан сўради кампир холамиз, — тезда терисини олиб келинлар, совуб қолади. Вой, уйинг куймагурлар, тез деяпман!

Ердамлашиб турган аёллар қора қўйнинг ҳозиргина шилиб олинган, ҳали совуб ҳам улгурмаган терисини судраб киришди. Шар Мандани ўшанга ўраб, кампир холам қўлига етти хил дарахтнинг новдасини олди-да, енгил-енгил ура бошлади:

— Кўчирик қилдим, Учирик қилдим, Қочирик қилдим, Қоч, қора девлар! Қоч, қоч деяпман, Кўч-кўч деяпман. Уч-уч деяпман Қоч, сариқ девлар!	Алвастимисан, Қўр, хастамисан, Ё қасдданмисан Чиқ-чиқ, чиқ тезроқ! Дард берди худо, Ўқилди дуо, Бўлди мустажо, Чиқ-чиқ-чиқ, тезроқ!
-------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------	----------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------

Директоримизнинг аъзои баданига ин қурган инсу жинс, деуу париларни қувиб чиқариш маросими нақ бир соатга чўзилиб кетди. Билмадим, шу фурсат ичида инсу жинслар у кишининг вужудини тарк этдим, йўқми, лекин қора кўчқорнинг терисини кўтарганларида пешонасидаги «ПОРАХЎР» деган сеҳрли ёзув яна ҳам чарақлаб, сонларига ёпишган қўллари яна ҳам чуқурроқ ботибди. Ҳечқиси йўқ, деди кампир холам, ўрнидан тураётиб, қора кўчқорнинг қони, худо хоҳласа, ўзини кўрсатади.

Муллаларга ўхшаб, холамиз ҳам даволашнинг қолган қисмини «яратган эгамнинг ўзига» ҳавола қилди. Эгам хоҳласа, деди, етти кундан кейин қўлларинг ёзилиб, пешонангдаги ёзувни малоикалар ўчириб ташлайди.

Сўйилган қўйнинг гўшти-ёғини катта дастурхонга тугиб, кампир холамга бериб юборишгач, ниҳоят, эски латта ва куйган шам ҳиди анқиб турган хонада Шар Манда икковимиз ёлғиз қолдик.

— Ассалому алайкум, — дедим кабинетига кирганимдақанги қилиб қўлимни кўксимга қўйиб.

— Нима?! — деди директоримиз қаёқдан келяпти экан, дея уёқ-буёғига аланглаб қўйиб, — Кимсан? Қаердан гапиряпсан?

«Кимсан?» деганидаёқ яна адои тамом бўлдим. Ўзиям директоримизнинг салоҳияти зўр-да. Ётган жойида ҳам от ҳурқаман дейди-я! Бошлиқ бошлиқ экан, барибир довдираб қолдим. Ақромий дегани чўчи:

— Мен профессор Дар Даража бўламан, — деб юборибман.

— Дар Даража?! — Шар Манданинги кўзлари ола-кула бўлиб кетди. — Ахир у ўлган эди-ку?

— Мен унинг арвоҳи бўламан.

— Арвоҳ?!

— Ҳа, арвоҳиман.

— Тавба, овозинг ўхшамаяпти-ку?

— Улганимдан кейин қабрда ётганда шамоллаб, овозим шунақа бўп қолди.

— Э, тавба, қанақа қонларга қолдим ўзи?! Ҳой, ким бор?

— Чақирмай қўя қол, эшикни ичкаридан беркитиб қўйганман, ҳеч ким киролмайди. Қўрқма, сенга яхшилик қилгани келдим. Шартимга кўнсанг, пешонангдаги анави лаънат тамғасини ўчириб кетаман.

— Оббо, ҳамкасб-ей, бу ёзувни ҳали сиз ёзганмидингиз? Аммо тирик бўлганингизда таъзирингизни бериб қўярдим-да. Ҳа, майли, бўлари бўлди энди... Хўш, қанақа шарт қўймоқчисиз, айтинг, ҳаммасига розиман. Кўчага чиқолмай қолдим, ҳамкасб.

— Ширин қовунлар мамлакатадаги энг катта порахўр эканлигини тан олиб, тавба қилишинг керак.

— Мен-а?

— Ҳа, сен.

— Тўхмат қияпсан, арвоҳ!

— Пешонангдаги ёзув қора қилмишингни тасдиқлаб турибди-ку!

— Уни жинлар ёзган.

— Йўқ, мен ёзганман.

— Сен?!

— Ҳа, мен.

— Аблах, ўлмаганингда сени ўзим бўғиб ўлдирган бўлардим.

— Қўлинг йўқ-ку, сонларингга ёпишиб ётибди-ку?

— Бари бир сени ўлдираман.

— Шундай қилиб, порахўрлигингни бўйнингга олмайсанми?

— Мен ҳеч қачон порахўр бўлган эмасман, худога шукур, диёнатимни ютганим йўқ.

— Бўлмаса, сенга бошқа бир шарт қўяман. Қўлингда Ақром Ақромий деган йигитча ишлайдими?

— Бўлса бордир. Унақа мишиқилар институтда тўлиб ётибди.
— Уша мишиқи қамоқдан қутулиб келиб, ўз ўрнимга тиклаб қўйинг, деб ёлворганда йигирма минг ғишт қуйдиргансан, тўғрими?

— Уша йигитча ҳозир қўлимга тушганда уни ҳам сенга қўшиб бўлган бўлардим.

— Нега?

— Ғиштнинг лойини яхши пишитмаган экан. Усталар девор ураётганда ярми уваланиб кетибди.

— Ишқилиб, қуйиб берганмиди, ахир?

— Ҳа, деяпман-ку, арвоҳ!

— Ҳозир ўша йигитча иморат солмоқчи. Сен ҳам бориб унга йигирма минг ғишт қуйиб берасан.

— Мен-а? Институтнинг шавкатли директори-я? Ахир бу, мен учун бориб турган ҳақорат-ку, хўрлик-ку?

— Ақромий учун ҳақорат эмасмиди?

— Им-м...

— Профессор Дор Бознинг сенга иши тушганмиди?

— Менга ҳамманинг иши тушиб туради.

— Уша профессордан бирор нарса таъма қилганмисан?

— Ҳозир бунинг нима аҳамияти бор?

— Дор Бозга бир йил давомида набирангнинг таглигини ювдиргансан, тўғрими?

— Ўз ихтиёри билан ювган.

— Сен ҳам ўз ихтиёринг билан бориб, профессор набирасининг таглигини бир йил ювасан.

— Бу ғирт аҳмоқлик-ку, бориб турган хўрлик-ку, арвоҳ, эсинг жойидами?

— Профессор учун хўрлик эмасмиди?

— Им-м...

Шар Манда ўн уч марта «им-м»лаб олгандан кейин, суҳбатни тўхтатдим. Ҳамонки ўз қилмишига, айбига иқрор эмас экан, муллаю дуохонларга пешонасига пуфлатиб ётаберсин, дедим-да, эшигини қарсиллатиб ёпиб чиқиб кетдим. Шундай қилиб десангиз, «Комитет» аниқлаган ўн етти порахўрдан еттитаси бориб турган қайсар экан. Айбига иқрор бўлмади. Пешонасидаги «Порахўр» деган ёзув абадул-абад қолиб кетди.

XXXIV боб

Уйқусизлик

Бирор ишга қаттиқ берилиб кетганингда куннинг ўтгани билан ишинг бўлмайд қоларкан. Ҳафтанинг етти куни бир-бирига чаплашиб кетганидек, фасллар кетидан фасллар келаётганини ҳам пайқамай қоларкансан. Қаранг, қувди-қувди, қочди-қочдилар билан бўлиб, ёзнинг келганини ҳам билмай қолибман. Умуман, Ҳандалак шаҳрида умрим тез ўтаётганга ўхшайди. Келганимга неча ёзу неча киш бўлди, бунинг ҳам ҳисобини унутиб юборганман. Хуллас, яна ёз келиб, пишиқчилик бошланиб, бозор расталарига ҳандалагу қовун-тарвузлар уюлиб кетибди. Қовун-тарвузларини айтмай қўя қолай, улар ҳақида сизга кўп гапирганман. Тарвузлари эса, ҳай-ҳай, биттасини сўйсангиз, бутун маҳаллага етади. Баъзан шунақанги катталари ҳам учрайдики, этини қиртишлаб олиб, ичини машинага гараж қилса бўлади. Ҳандалаклари эса, вой-бўй, шунақанги хили кўпки, уч юздан ортиқ десам ишонаверинг. Қишда пишадиган навини ҳам яратишган. Гупиллаб қор ёғиб ётишига қарамай полизларда ҳандалак пишиб, оламни хушбўй ҳидга тўлддириб туради. Айниқса, дарахтнинг устида пишадиган хили жуда ғалати бўларкан. Аввалига мен бу нокнинг каттароғи бўлса керак, деб ўйладим. Ушанда шаҳар ташқарисидаги бир ошнаминикига меҳмонга борувдим. Уй эгасидан руҳсат олиб, биттасини сўйиб кўрсам, йўқ, ҳандалак экан. Бай-бай-бай, шунақанги ширинки, тилни ёраман дейди...

Кумушранг ўриклари, тилларанг узумлари, тоғ оҳусининг кўзларидек қоп-қора олчаларию ҳар биттаси ёнғоқдек бўлиб пишадиган гилослар. Кўчаларнинг икки тарафига қатор экилган беҳию нокларни айтмайсизми? Мени олмайсанми, дегандек йил буйи сарғайиб ётишади. Анжирларни гўшти ширин бўлсин деб, кўпинча молларга беришаркан. Олхўрию ғайнолилари шунақанги серҳосилки, ярмини компоту шинни қилишга улгуриб, қолганини ариқларга оқизиб юборишади, денг. Ҳатто аёллар уришиб қолса, бир-бирини, «худоё, олхўринг мевани кўп

қилиб, йиғиштиролма қийналиб ўлгин», «худое, молинг анжир емай таъзирингни берсин», деб қарғашар экан. Боринги, Ҳандалак афсоналарида таърифланган жаннатнинг ўзгинаси эди. Эсон-омон ўз мамлакатимга қайтиб борсам, ўртоқларимга жаннатни ўз кўзим билан кўрдим, дея мақтанаман деб кўнглимининг бир чеккасига тугиб ҳам қўйганман.

Сеҳргар Иблис пайдо бўлдию ҳамма нарса изидан чиқди. Ҳатто дарахтлар ҳам мева тугмай қўйди. Ҳозир бозорлардан ҳам файз кетган. Деҳқонлар энди бу ерга мева сотгани эмас, харид қилгани келишади. Кўпинча сўраганини тополмай, қопчиғини қуруқ қўлтиқлаб қайтади. Шундай бўлса ҳам, бугун мен қовунга роса тўйдим. Бир миришкорнинг ҳосилини машинадан туширишга ёрдамлашиб юборувдим, ёрилганидан иккитасини қўлтиғимга қистириб, яхши йигит экансиз, ош бўлсин, дея елкамга ҳам қоқиб қўйди. Бирини еб, иккинчисини жудолик туфайли диллари вайрон бўлиб ўтирган Гу Ла холам билан Му Ти синглимга совға қиламан дея хиёбондан ўтиб бораётган эдим, кутилмаганда нариги тарафдан бурқсиб сасиётган ҳидни сезиб қолдим. Гап нимадалигини англаб етмасимдан, ўша томондан мункиллаган бир чол чиқиб кела бошлади. Сеҳргар Иблис дедиму юрагим шув этиб кетди. Қалпоқчамни бошимга кийишга улгурмадим. Энди ҳожати ҳам йўқ. Негаки, у аллақачон мени кўриб бўлди. Эски калишини шалолатиб, мени мўлжалга олиб келмоқда эди.

Е раббий, шунақа қариб, озиб-тўзиб кетибдики, игна ютган итдек бўлиб қолибди. Бел букчайган, елка туртиб чиққан, жағларидан эт қочиб, ияк осилган, пешонадаги тириш кўпайиб, эски махси қоплангандек бир ҳолга келган. Агар у Иблис эмас, оддий чол одам бўлганда, ўлай агар, қўлтиғидан олиб, уйигача кузатиб қўйган бўлардим. Қўлимдаги қовунни скамейкага қўйиб, ҳар эҳтимолга қарши, тайёр бўлиб турдим. Ҳассаси билан тушириб қолиши ҳам ҳеч гап эмас эди-да, тўғрими?

— Ҳа, йигитча, қаёқдан келяптилар? — илондек вишиллаган овоз чиқарди.

— Бозордан, — деб қўйдим.

— Қовун олибдилар-да?

— Ҳа, қовун олдик.

— Биттасини аллақачон қоринларига жойлаб ҳам олганга ўхшайдилар.

— Шунақа бўлди.

— Мени танияптиларми?

— Сеҳргар Иблисан, қиёфангни яна ўзгартирибсан, аблах!

— Ҳай-ҳай, кексаларни ҳақорат қилиш яхши эмас. Кўриб турибсан, бир оёғим гўрда, бир оёғим ерда бўлиб қолди.

— Икковиям гўрда бўладиган кун яқин.

— Қўй, ундай дема, бўталоғим. Аслида мен сенинг олдинга яхши ният билан кетаётган эдим. Бир неча кундан буён ахтараман, нима бало, сен ҳам сеҳргарми-сан, дейман, гоҳ кўзга кўринасан, гоҳ яна йўқ бўлиб қоласан. Ҳа, бўталоғим, кўриб турганингдек, қариб қолдим. Сеҳримнинг ҳам таъсири унчалик бўлмапти. Устозинг икковинга бас келолмайдиганга ўхшайман, сеҳргарликда мендан зўрроқ экансизлар. Тайёрлаётган дориларинг сеҳримнинг кучини кесиб қўйяпти.

— Ақл ҳамма вақт сеҳрдан устун келган, — деб қўйдим.

— Гап қўшмай тур, бўталоғим. Адашиб кетяпман. Ана, адашиб ҳам кетдим шекилли. Узи хотира ҳам сал чатоқроқ бўлиб қолган. Мен сенинг олдинга ярашайлик деб келдим.

— Ярашайлик?!

— Ҳа, ке энди, ярашиб қўя қолайлик.

— Устозимни бўғиб ўлдирган маккор Иблис билан-а?

— Устозингни мен бўғганим йўқ, ўзи ўлиб қолди. Умуман, биз иблислар қотилликни қаттиқ қоралаймиз. Одамлар қалбида ёмонликни авж олдириб, яшашимиз учун яхши шароит яратамиз-у, лекин қотиллик қилмаймиз. Устозингни мен бўғмадим. Ишхонасига кирсам, эски диванда чўзилиб ётган экан. Дармоним қуриб қолган эди, қонидан озгина ичай деб бармоғини сўрган эдим... ўз-ўзидан ухлаб қолди.

— Демак, ўлдиргансан!

— Ғалати йигит экансан-а, айтяпман-ку, мен чиқиб кетаётганда ҳали тирик эди.

Шу пайтда ўзим ўзимдан хафа бўлиб кетдим. Қаршимда ёвуз душманам турганини била туриб, у-билан ади-бади айтишиб ўтирибман-а. Ундан кўра устига шартта ташланиб, бўғиб қўя қолганим яхши эмасмикан, деб ўйладим-у, тезгина бу фикримдан қайтдим. Ахир, унда вужуд йўқ, бўғганимда қуруқ ҳавони бўғаманми? Уни устозим айтганидек, жисмонан эмас, руҳан ўлдириш керак.

Иблис илондек вишиллаб яна гапира бошлади. Ярашсак, менга севгилим Гу Лихонни қайтариб берар экан. Бунинг эвазига мен Ҳандалак шаҳрини унинг ихтиёрига бериб, ташқарига чиқиб кетишим ёки у сеҳрлаган одамларга Ноёб дори

ичиришни тўхтатишим даркор экан. Кишиларнинг қалби ва руҳида сарқитларни авж олдириб, қариганида ҳузур-ҳаловатда яшамоқчи экан. Мени хиёнат йўлига бошламоқчимисан, дедим қалтираб. Шундай қаттиқ ҳаяжонландимки у ёғига гапиролмай қолдим. Бўлмаса, дея яна вишиллашга тушди, Иблис, шаҳарни қоқ иккига бўлиб оламиз. Янги шаҳар қисми сенгаю эскиси менга бўла қолсин. Сен ҳам ўз билганингча, мен ҳам хоҳлаганимча яшайвераимиз. Шунда сенга, ҳозир айтганимдек, иккита яхшилик қиламан.

— Сендан яхшилик ҳам чиқадими?

— Чиқади. Номинг қотилга чиққан, шундайми?

— Қани, гапиравер-чи!

— Шу туфайли қочоқ бўлиб юрибсан, тўғрими?

— Бу тўхматни ҳам сен ўйлаб чиқаргансан.

— Албатта, мен ўйлаб чиқарганман-да, бўлмаса ким деб ўйловдинг? Шартимга кўнсанг, тўхматдан қутулиб олишингга ёрдамлашиб юбораман. Биргалашиб, сарқитларга қарши кураш комитетини тугатиб, идорасига ўт кўямиз-да, ана ундан кейин шаҳарнинг ўзимизнинг чекимизга тушган қисмида ялло қилиб яшайвераимиз.

— Иблис, — дедим қатъий бир оҳангда, — сен дунёдаги барча разолатлардан ташкил бўлган Ёмонлик рамзисан, шундайми?

— Ҳа, шундай, — қўлидаги ҳассасини дўқиллатиб ерга урди Иблис.

— Мен сенга қарши курашяпман, тўғрими?

— Тўппа-тўғри, — яна ҳассанинг дўқиллаган овози эшитилди.

— Демак, мен Яхшилик рамзиман. Тарих фанидан озгина хабаринг бўлса, қани айт-чи, ўтмишда Яхшилик Ёмонлик билан ҳеч ярашганми? Икковларининг шартнома тузганини бирон китобда ўқиганмисан? Билиб қўй, Яхшилик Ёмонликка қарши ҳамisha жанг қилган...

— Лекин ҳеч қачон енгган эмас, — иблисона бир оҳангда кулиб қўйди сеҳргар.

— Энди енгиладиган вақтинг келди. Қара, ҳамма ёқда гўзаллик гуллари очилляпти. Яхшилик аскарлари қўлларига қилич олиб, сафга тизилляптилар. Разолат қўшинини қириб ташлаймиз энди. Сен беркинадиган қора қалблар покланиб, яшашинг учун жой тополмай қоласан, ўласан энди!

— Ярашмайсанми? — тескари ўгирилиб сўради Иблис.

— Ҳеч қачон!

— Шартномага қўл қўймайман, дегин? Шошмай тур, ҳали, булбулигўё бўлиб сайрашни сенга кўрсатиб кўяман!

Сеҳргар Иблис чўнтагидан халтача олиб, энгашиб ерга бир ҳовуч кукун тўқди-да, гугурт чақиб юборди. Шунча вақтлардан буён у билан олишиб, сеҳрини қандай амалга оширишини ҳеч кўрмаган эдим. Одам боласи ҳар қанча хушёр бўлмасин, унинг ожиз томонлари ҳам бўлар экан-да. Югуриб бориб, оловланиб келаётган кукунни тепкилаб ташлаш ўрнига, қани, қандай ёнар экан, ёнганда ичидан нима чиқар экан, деб кузатиб ўтирибман-а! Кукун пов этиб бир ёнди-ю, тўсатдан тутунга айланиб, бурқсий бошлади. Кўз юмиб очгунча бутун хиёбонни аччиқ дуд қоплаб кетди. Қизиқ, ўзи аччиғу ширингина таъми борга ўхшайди. Тутун орасида Сеҳргар Иблиснинг ўзи ҳам эриб кетгандек йўқ бўлиб қолди.

Қовунни қўлтиқлаб, уйга жўнадим. Аччиқ дуд мендан олдин уйга етиб келган, боринги, бутун маҳалла, бутун шаҳар кўкиш туман ичида қолгандек эди. Одамлар буни сезмас, қайтага кайфлари чоғ, бир хиллар хиргойи қилиб, ашула ҳам айтишарди.

Уша кечаси шаҳарда ҳеч ким ухламади, барчаси кайфу сафога берилди. Кимдир ичяпти, кимдир бақириб ашула айтаяпти, кимдир қўлларини лайлак-лайлак қилиб силкитиб ўйинга тушяпти. Эртасига ҳам, индинига ҳам, боринги, бир ҳафта ўтса ҳамки, ҳеч бир зот кўз юммади. Қоронғи тушиши билан уйқу сираган, алланарсаларни гапириб сандироқлаган одамлар кўчаларни тўлдириб юборарди. Бир хил корхоналарда иш таққа тўхтади. Тўхтамаган корхоналарнинг ҳам унумдорлиги пасайиб, сифат деган нарса қолмади. «Сарқитларга қарши кураш комитети» шаҳар маъмурияти билан маслаҳатлашиб, тадбир устига тадбир белгиларди. Дорихоналардаги уйқу дорилари текинга тарқатилди. Аксига юриб, уйқу дорилари уйқусизликни даф қилиш ўрнига авж олдириб юборарди. Бир қиши уйқу сираб, бошқа одамнинг уйига кириб борибди-да, қозондаги овқатини пок-покиза тушириб, хотини солиб қўйган ўринда ухламоқчи бўлибди. Уй эгаси бундай қараса, ўрнида бир барзанги ётган эмиш. Кимсан, нега менинг ўрнимда ётибсан, деса, барзанги: мен туш кўряпман, дермиш. Туш кўраётган бўлсанг, нега ўз хотининг билан эмас, менинг хотиним билан ётибсан, деса оғзини кап-кап очиб эснаб, туш кўргандан кейин сенинг хотининг билан ётдим нимаю ўзимнинг хотиним билан ётдим нима, барибир эмасми, дермиш.

Жажожи синглим Му Ти мактабдан ҳам хунук хабарлар келтира бошлади. Битта муаллим уйқусираб ҳамма ўқувчиларнинг кундалигига «икки» баҳо қўйибди-да, сўнг бўрни ғарч-ғурч қилиб чайнай бошлабди. Ўқувчилар нега ундай қиялсиз, дейишса, бу қанд-ку, сизлар ҳам еяверинглар, ширингина экан, дермиш. Директор билан илмий бўлим мудираси ўқувчиларга саф тортинглар, деб буюрибди-да, қўлтиқлашиб чиқиб, бир-бирларига суяниб, тек қотиб қолишибди...

Уйқусизлик ҳамманинг хотирасини издан чиқариб қўйган эди. Шаҳар маъмурияти ҳам довдираб қолганга ўхшайди. Нима қилаётганини ўзи ҳам билмасди. Гоҳ карнайчиларни тўплаб, гумбурлатиб карнай чалдирар, гоҳ ҳамма атала қилиб ичсин, ором беради, дея фармон чиқарар эди. «Комитет» аъзолари ҳам, адолатли бошлиғим Нарӣ Бери ҳам адоий тамом бўлишди. Бир хили идорани топиб келолмас, топиб келгани қайтаётганда адашиб, бутунлай бошқа маҳаллага ўтиб кетар эди.

Шаҳарнинг яккаю ёлғиз ҳукмдори Сеҳргар Иблисинг ўзи бўлиб қолди. Унинг мазах аралаш қаҳрли кулгиси энди ҳамма жойдан эшитилиб турарди. Бамисоли, хўш, Яхшилик тимсоли бўлган йигитча, аҳволинг қалай энди, деб сураётгандек. Ўзим ҳам шу даражада шошиб, довдираб қолган эдимки, ишни нимадан бошлашни билмасдим. Устозимдан мерос қолган темир сандиқни ўн уч кун титкилаб, барибир ухлатадиган дори борлигини аниқлай олмадим. Ўн тўртинчи марта титкилаётган эдим:

- Овсар экансан, — дея овоз бериб қолди бошимда турган Қалпоқча.
- Нега ундай дейсан, азизим, — дедим хафа бўлгандай бир оҳангда.
- Устозингдан фақат битта сандиқ мерос қолганми?
- Йўқ, иккита эди.
- Нега, унисини ҳам очиб кўрмайсанми?

Қаранг, иккинчи сандиқни биринчи сандиқнинг остига кўмиб юборганим эсимдан чиқиб кетган экан. Шошганда лаббай топилмас деб шуни айтсалар керак-да! Сеҳргар Иблис билан олиб борилаётган жангда олишув кучайиб, сўнгги босқичга кўтарилганда унинг сеҳрини даф қилиш учун қайси доридан, қай йўсинда фойдаланишни донишманд устозим ёзиб кетган экан. Сандиқдаги икки юзга яқин нейлон халтачаларда куқун дорилар турибди. Ҳар бирининг устига дорининг номи, қўлланиш усуллари битилган ёрлиқ ҳам ёпиштирилган. «Ухлатадиган» деб номланган халтачани олдим-да, 0,7 грамма тутатилса, бутун шаҳарни ухлата олади, деган ёзувни йўл-йўлакай ўқиб, ташқарига отилдим. Ўша пайтда шошганимданми, гугурт тополмай қийналганимни кўрсангиз. Кундуз соат учларга борганда бир амаллаб ўт ёқдим уланга устига халтачадаги Ноёб куқуннинг ҳаммасини тўқдим. Пайдо бўлган ачқимтир дуднинг чиндан ҳам сеҳрли қуввати бор экан. Бир зумда шаҳар устини тумандек қоплади-ю, тентираб юрган одамларни жой-жойида ухлатди қўйди.

Ўзим ҳам уйқусизликдан роса қийналиб юрган эдим. Йўқ, Иблисинг сеҳрли туфлиси эмас, Қалпоқчам мени сеҳр таъсир қилмайдиган қилиб қўйган. Уйқусизлигимнинг сабаби: одамларнинг аҳволига ачиниб, виждон азобидан қийналганимдан эди. Хуллас, роса уйқум келган эди. Гу Ла холамнинг ичкари уйига кириб олиб, роппа-роса икки кечаю икки кундуз гумбурлатиб хуррак отибман, денг. Варанглаб чалинган карнай овозидан уйғониб кетдим. Кўзимни йириб-йиртиб очиб кўчага чиқсам... э, хайрият-ей, ҳаёт яна ўз изига тушиб олибди. Гўё ҳеч нарса бўлмагандек. Биров ишга кетяпти, биров қайтаяпти, кимдир ўғилчасини етаклаб боғчага ошиқаяпти.

Орадан етти кун ўтгач, сизга ҳам, менга ҳам таниш бўлган шаҳар стадионида катта тантана бўлиб ўтди. Фуқаро бошига ёғилган офат пайтида жонбозлик ва алоҳида қаҳрамонлик кўрсатгани учун Ишхонанинг барча аъзоларига мақтов қоғозлари, адолатли бошлиғим Нарӣ Берига эса Иккинчи даражали Катта қовун мукофоти топширилди. Мени эса ҳеч ким эсламади.

XXXV боб

Сеҳргар Иблисинг диплом ўғирлагани

Тўғри, ўша кун мени ҳеч ким эсламади. Лекин хафа бўлганим йўқ. Аслини олганда мен бу турган-битгани машаққатдан иборат бўлган гоҳ қайғули, гоҳ қувончли бўлаётган ишларимни Иккинчи даражали Катта қовун мукофотини олиш учун қилаётганим йўқ. Виждон азобидан қутулиш, асирликда ётган севгилимни қутқариш, устозимнинг васиятларини ўрнига қўйиш ниятида бажаряпман. Устозим

орзулари ушалмай оламдан кўз юмди. Уша кишининг руҳини шод этмоқ учун Ҳандалакда сўнги иллат қолгунча енг шимариб олишим шарт. Уёғини суриштирсангиз... ҳа, майли, сиз суриштирмангу мен ҳам гап халтамни очмай қўя қолай.

Эсингизда бўлса керак, ҳикоямнинг бошида «Инсон» институтида бешта лаборатория ишлаб туради, шулардан бири «Олимлар» лабораторияси деб айтган эдим. Кейинчалик ўша ердаги ходимлар билан қалин ўртоқ бўлиб кетганман, умр инсонга уни сўнги дақиқагача ҳимоя қилиш шarti билан берилади, деган ҳикматни ўшалардан эшитганман. Ишлари гумбур эди. Мусобақада ғолиб чиқиб, кўчма қизил байроқ билан икки бора пул мукофоти ҳам олишган.

Сеҳргар Иблис пайдо бўлиши билан заҳарланиш мана шу ердан бошланган экан. Аввалги директоримизнинг бошига тўхмат ёғдириб, аста-секин жиноятга ҳам ўргатиб, ишдан олдирибди. Кейин бировга айтсангиз ишонмайдиган фожиалар юз бераверибди. Сеҳргарнинг ўзи олим қиёфасига кириб олибди-да, бу ерда бир-мунча муддат директорлик ҳам қилибди. Лавозимга ўтириши билан шумлигини бошлаб, тун билан ухламай, ўзи кўпинча сеҳрини тунда амалга оширади, профессору доцент, борингки, барча олимларнинг унвони, илмий даражаси ёзилган дипломларни ўғирлаб, ҳеч ким тополмайдиган жойга беркитибди. Олимларнинг қалбидаги унвонпарастлик чўғини пуфлаб аланга олдириб:

— Ҳа-ҳа-ҳа,

— Ҳе-ҳе-ҳе,

— Ҳи-ҳи-ҳи, — деб кулиб ҳам қўйибди. Бу ишларни у яхши самаралар бераётган илмий ишларга халақит бериш учун қилган экан. Ва тез кунда ниятига ҳам етибди. Шунақанги катта жанжал бошланибдики, ўз устиларида тажриба ўтказилаётган кишилар кўрқиб кетиб, тажрибаларинг бошигдан қолсин-ей, дея кўрпа-тўшагини кўтариб, уй-уйларига жўнаб кетибдилар.

Бир хонадан:

— Менинг унвонимни сен ўғирлагансан!

— Йўқ, сен меникини ўғирлагансан.

— Уйимга бостириб кирганингни хотиним кўрибди.

— Дипломим келган куни ҳамма табриклаганда сен тиржайиб турувдинг, деган овозлар эшитилармиш. Эшиги қия очиқ турган бошқа бир кабинетдан эса:

— Диссертациянгни бировга ёздиргансан, тўнка!

— Узинг-чи, раҳбарингнинг уйига совға ташийбериб, абжафнинг чиқиб кетди-ку, эски арава!

— Энди ҳаммамиз тенг бўлдик.

— Сен билан тенг бўлгунча, ўлганим яхши, — деган йўғон-ингичка овозлар қулоққа чалиниб қолармиш. Учинчи бир хонада бўлса:

— Энди унвонсиз қандай яшайман?

— Ичим куйиб кетяпти, оғайни!

— Нақ ўттиз йил уриниб, зурға олувдим-а!

— Дадам ўлмаганда ҳам бошқа гап эди. Ҳаммасини ўша тўғриларди.

— Қайнотам яна битта диплом топиб бермаса, қизини талоқ қиламан! — мазмундаги оҳ-воҳлар эшитилармиш.

Илмий ходимларнинг ишни бир чеккага йиғиштириб қўйиб, жанжаллашишга тушиб кетганини кўрган Сеҳргар Иблис танасига сиғмай семираб:

— Ҳа-ҳа-ҳа,

— Ҳе-ҳе-ҳе,

— Ҳи-ҳи-ҳи, — дея қотиб-қотиб кулар эмиш.

Олимлардан бири ҳушёрроқ экан. Азизлар, дебди, бу аҳволда бир-биримизни еб тугатадиганга ўхшаймиш. Ундан кўра, юқорига илтимос қилиб, хат ёзайлик. Келиб, унвонларимизни тиклаб беришсин. Таклиф оқилона бўлгани сабаб, ҳаммалари маъқуллашибди, биргалашиб қуйидаги хатни ёзишибди:

«ИЛТИМОСНОМА»

Сарқитларга қарши кураш шахар комитетига!

Эшитишимизча, Сеҳргар Иблис заҳарлаган барча шахсларга ёрдам қўлингизни чўзаётган эмишсиз. Биз ҳам ёрдамингизга муҳтож бўлиб қолдик. Аллақандай мўъжиза юз бериб, бир кечада барча-мизнинг унвон, илмий даражамиз қайд қилинган диплом ва шу дипломлар берилганлиги ҳақида турли ташкилотларда сақланаётган турли ҳужжатлар ўз-ўзидан йўқ бўлиб қолди. Юқоридаги ташкилотларга хат ёзсак, сизга ҳеч қачон диплом ҳам, илмий даража ҳам берилган эмас, деган мазмунда жавоблар келмоқда. Институти-

мизнинг директори энди ҳамманг тенг бўлдинг, ҳамонки мақсадинг ишлаш бўлса, енгни шимариб ишлайбермайсанми, деб бизни ҳақорат қилди. Унвонсиз, илмий даражасиз қандай ишлаймиз!

Зудлик билан ёрдам беришингизни сўраймиз.

Унвонидан айрилган бир группа олимлар.»

«АКТ № 246

Биз тубанда имзо чекувчилар, «Сарқитларга қарши кураш» шаҳар комитетининг вакиллариديمиз. Бинобарин, қуйидагиларни қайд қиламиз. «Олимлар» лабораториясига келиб текширув ўтказдик. Ходимларнинг қалбини Сеҳргар заҳарлаб қўйгани шундоққина кўришиб турибди. Буни биз илмий ишлар таққа тўхтаб, олимлар бир-бирининг устидан бўҳтон ёзаётганлигидан билиб қолдик. Инсон умрини узайтириш ўрнига, ўзлари бир-бирларининг умрига завол бўлмоқдалар. Йўқолган унвон ва илмий даражалар тиклангунча ишлаб туришларини маслаҳат берган эдик, ўн бир олим бир овоздан илмий даражасиз, унвонсиз ишлайдиган аҳмоқ йўқ, деб туриб олишди.

Хулоса: Сеҳргар Иблис барчаларининг қалби ва руҳидаги унвонпарастлик туйғуларини авж олдириб юборган. Шаҳар дорихоналаридан унвонпарастлик касалини даволай оладиган дорилардан қолган бўлса, бу ерга кўпроқ жўнатилишини сўраймиз.

Текширув комиссияси аъзолари:

Ур Бон
Қур Бон
Ос Мон.»

...Бу воқеалар устозим иккимиз қамоқдалигимизда юз берган экан. Сеҳргар Иблис ниятига етгач, яъни жанжаллашаётганларнинг қалбидаги инсоф ва адоват туйғусини ҳам йиғиштириб олиб, нейлон халтачага солиб, институт остонаси остига кўмибди-да, ўз ўрнига анув куни таърифлаб берганим Шар Мандани директорликка кўтариб, кўздан ғойиб бўлибди. Қамоқдан қайтган кезларимда Шар Мандага дуч келиб, қанчалик қийналганимни сизга айтиб берганман. Агар йўлим тушиб «Комитет»га бориб қолганимда, аъзолар куйиб-пишиб мажлис қилиб лабораториядан тушган навбатдаги шикоятни муҳокама қилаётганлари устидан чиқмаганимда, мен бу воқеаларни сизга ипидан игнасиғача сўзлаб ўтирмаган бўлардим...

Қалпоқчамни кийиб, кўзга кўринмас бўлиб олган эмасманми, мажлисининг боришини кузатиб, бир чеккада жимгина ўтиравердим. Ую хаёлларга берилиб, андак мудраб ҳам қолган эканман, бир маҳал бундай қарасам, муҳокама тугалланай деб қопти.

— Қамаш керак, — деяпти биттаси.

— Унвонпарастлик... жинойат эмас, — деяпти бошқаси.

— Буни маънавий жинойат деб таърифлашимиз керак, — деяпти учинчиси.

Жанжални тинчитиб, илмий ишларни яна авж олдириб юбориш комитет бошлиғи Нарӣ Берининг ўзига юкланди. Ишим бошимдан ошиб ётибди деганига қарашмади. Бунақанги қалтис пайтда ўзингиз аралашмасангиз бўлмайди, бир-бирларини нобуд қилиб қўйишлари мумкин, ҳар қалай, кўпчилик кўпчилик экан-да, бошлиғим йўқ деёлмай қолди. Бир хаёлим бошимдан қалпоқчамни олиб, ўзимни кўрсатиб кўяқолинг, ўзим тинчитиб келаман, дегим ҳам келди-ю, лекин, ҳа, қочоқ, нега қонун органларига чап бериб юрибсан, дея тутиб беришлари ҳам мумкин эканда. Шундан кўрқиб, фикримдан қайтдим. Собиқ бошлиғимнинг машинасида бўш ўрин бор экан, ёнига ўтириб олдим.

Нима десангиз денг-ку, лекин менинг адолатли бошлиғим ғоят ишчан, ғоят ташкилотчи одам. Бир вақт келиб, мен ҳам раҳбар бўлиб қолсам, тажрибасидан фойдаланаман, дея неча бор кўнглимдан ўтказганман. Институтимиз директори

пешонасига «ПОРАХУР» деган сеҳрли ёзув ёзилиб, кўчага чиқолмай қолгандан буён бу даргоҳ раҳбарсиз эди. Нарӣ Бери шуни ҳисобга олдими, майда-чуйда раҳбарлар билан пачакилашиб ўтирмай, шикоят ёзганларни тўплаб:

— Нега ишламаяпсизлар? — дея дўқ-пўписа қилди.

— Унвонсиз ишлаб бўларканми? — аввалги гапларини такрорлашди хондимлар.

— Ҳамма ишляпти-ку?

— Биз ҳамма эмасмиз!

— Мақсад нима ўзи?

— Илмий даражамиз қайтарилсин!

— Илмий даражани қайтариш учун аттестация ўтказамиз, бўлмаса.

— Икки дунёда ҳам рози эмасмиз.

— Нега рози эмассиз?

— Кўпларимиз қариб қолганмиз. Каллада рўзгор ташвишидан бошқа ҳеч нарса қолмаган.

— Қариган бўлсангиз унвоннинг нима кераги бор?

— Эҳтимол, қабр тошимизга ёздириш учун керақдир.

— Фақат шунинг учунми?

— Йўқ, албатта.

— Нимага бўлмаса?

— Қайси биримиз қайси биримиздан зўрроқ, устунроқ эканлигимизни билиб туриш учун.

— Зўрлигингизни ишда, амалда кўрсатсангиз бўлмайдимми?

— Бўлмайди.

— Нега?

— Ҳали айтдик-ку, қариб, ишга ярамайдиган бўлиб қолганмиз. Яроқсизлигимизни илмий даражаларимизу унвонларимиз беркитиб туради.

— Унда баъзиларингизни ишдан бўшатишга тўғри келади.

— Бўшатиб бўлсиз. Устингиздан ёзавериб, онадан янги туғма қилиб ташлаймиз.

— Мени-я?!

— Йўқ, бўшатмоқчи бўлганми.

— Хўш, сиз нега қўл кўтаряпсиз?

— Мен Шар Манданинг судга берилишини талаб қиламан.

— Сабаб?

— Профессорлик дипломинг йўқолган эмас, менинг сандиғимда турибди, кўнглимни хушласанг, қайтариб бераман, деб бир йил давомида менга набирасининг таглигини ювдириб хўрлади.

— Қайтариб бердимми, ахир?

— Тагликни чала ювар экансан, дазмол босишни билмас экансан, деб бермади.

Бир вақт келиб, Ҳандалак шаҳри тарихи ёзилаётганда ўн учинчи июль кундуз соат 3 да яна бир мўъжиза юз берди, бу мўъжиза профессор Акром Акромиининг ажойиб ва ғаройиб бурни туфайли бўлди, дея қайд қилишларини жуда-жуда истар эдим. Агар шундай қилинмаса, тарихий ҳақиқат бузилган бўлади. Нарӣ Бери илмий ходимлар билан даҳанаки жанг қилаётганда, кутилмаганда димоғимга ғалати ҳидлар урила бошлади. Шу вақтгача бунақанги ҳидни ҳеч туймаган эдим. Хушбўй, ёқимли ва яна ипақдек майинлиги ҳам бордек. Айтувдим-ку, ҳар қандай ҳид ҳам бурнимга кўринмас ип боғлаб, қаердан таралаётган бўлса, ўша ерга судраб кетаверади. Бу гал ҳам шундай бўлди. Институт дарвозаси ёнида хом ёштдан тикланган зина бор эди. Ушанинг ковагидан нейлон халтача топиб олдим. Сеҳргар Иблис ходимлар қалби дан сидириб олган инсоф туйғусини мана шу ерга беркитган экан. Хазина топган гаюйдек севиниб кетдим. Шошилиб, халтачаларни олдим-да, даҳанаки жанг кетаётган хонага кириб, боғичини ечиб, бир-икки силкитдим. Билмадим, инсоф илмий ходимларнинг оғзидан кирдимми, ҳарқалай, яна бир мўъжиза юз берди. Ходимлар худди шоколад ўғирлаб қўлга тушган ёш боладек, бир-бирларига хижолатомуз тикилиб қолишди.

— Ростини айтсам, шу пайтда ўзимдан ўзим уялиб кетдим, — дея гап бошлади кимдир.

Бурним худди ремонтдан чиққан машинадек яна равон ишлаб қолди. Қаердадир қора туш билан чирий бошлаган қоғознинг аралаш ҳиди келаберди. Бурнимга боғланган кўринмас ип ҳовлидаги чинор остига етаклаб кетди. Қаранг, Сеҳргар Иблис бу ерга дипломларни кўмган экан. Кейинчалик кавлаб олиб, яна бир ишқал чиқараман деб ният қилган эканми, шунақанги авайлаб кўмибдими, асти кўяберасиз.

Ўртадаги узун стол устида қадрдон дипломлар тўсатдан пайдо бўлиб қолганлигини кўрган ходимлар анча маҳал елка қисишиб, ҳангу манг бўлиб

туришди. Сўнг аста-секин ўзларига келиб, қўлларига олишиб, бири ўпиб, бири кўзига суртиб, бошқаси бағрига босиб, энтика бошладилар.

— Раҳмат, сизга, — деди профессорлардан бири Нари Берига қўл узатиб.

— Офарин! — деди бошқаси.

— Раҳбар деган мана бунақа бўпти! — деган овозлар ҳам эшитила бошлади.

Ўз ташаккурини баён қилишнинг бошқача йўлини топа олмадилар шекилли, Нари Берини қўлларига кўтариб, осмонга ота бошладилар. Илмий ишларимизга ривож берганингиз учун, инсон умрини узайтиришга йўл очганингиз учун, деган овозлар институт дарвозасидан чиқиб кетганимдан кейин ҳам анчагача эшитилиб турди.

Кейинги сафар борганимда «Олимлар» лабораториясидаги ишлар яна аввалгидек авжланиб кетганини кўриб, ўзимда йўқ севиниб, омон бўлгур бурнимни қайта-қайта силаб қўйдим.

XXXVI боб

Ўлим тўшагида

Бошга ташвиш тушганда етти ёт бегоналар ҳам бир-бирлари билан яқинлашиб, юз йиллик қадрдонлардек, бир қориндан талашиб тушган ака-укалардек иноқлашиб, бора-бора бир-бирига суйнадиған, кўрмаса туролмайдиган бўлиб қоларкан. Биз ҳам шунақа бўлдик. Бўлмаса, мен қаёқдаю Му Ти қаёқда, Гу Ла холам қаёқда эди. Сеҳргар Иблиснинг шаҳар бошига офатлар ёғдириши бир-бирларимизга яқинлаштирган бўлса, ҳаммамиз учун қадрдон бўлган устозим Дар Даражанинг дунёдан кўз юмиши бизни пайвандлаб қўйди. Энди қувончимиз ҳам, ғаму ташвишимиз ҳам ўртада. Менинг андак хафа бўлганимни кўрса, Гу Ла холам туни билан ухлолмайди. Му Тини кўчада битта-яримта бола йиғлатгудек бўлса, қулоғидан чўзмагунча менинг ҳам кўнглим жойига тушмайди. Бамисоли бир ариқдан сув ичиб, бир ҳаводан баҳра олиб, бир қуёшдан нур эмиб ўсаётган дарахтларга ўхшаймиз. Шамол келса, тенг чайқаламиз, қуёш чиқса бир хилда қарсак чаламиз. Прокурор қамамоқчи бўлганда қочиб келган куним холажоним билан синглим, тўғри қилибсиз, устозни сиз ўлдирганингиз йўқ, Гу Лихонни ҳам олиб қочган эмассиз, ҳақиқат юзидаги қора парда олиб ташлангунча, беркиниб юрганингиз маъқул, дейишди, қандай қилсам қўлга тушмаслигим ҳақида талайгина маслаҳатлар ҳам беришди.

Менинг ҳам салкам сеҳргар эканлигимни аллақачон билиб олишган. Мендек қаҳрамон билан (Иблис билан олишаётганим учун шундай дейишса керак-да) бир уйда яшаётганларидан пинҳона фахрланиб, худо хоҳласа, бизнинг ҳам номимиз тарихга кириб қолса ажаб эмас, дейишиб, бир-бирларига кўз қисиб қўйганларини неча бор кузатганман.

Борингки, иноққина яшаб турибмиз. Бора-бора устозимнинг вафоти туфайли қалбимизга оғир тош бўлиб чўккан ғусса ҳам кўтарилиб, уйимизда ҳазил-мўтойиба, қаҳқаҳаю қиқирлаб кулишлар ҳам пайдо бўлиб қолди. Лекин ҳар бир нарсанинг ҳам вақти-соати бўларкан-да. Кўриб турибсиз. Сеҳргар Иблисни бутунлай маҳв этишга қурбим етмаяпти. Севгилимни ахтариб, эртақлардаги қаҳрамонларга ўхшаб йўлга чиқай десам, ўзингиз ҳам неча бор эшитгандингиз, Сеҳрли қалпоқчам рухсат бермаяпти. «Йўқ, бугун йўлга чиқасан, — деб қолди кутилмаганда бошимда турган Қалпоқчам, — севгилингнинг ҳаёти хавф остида. Уни тезроқ қутқаришинг керак». Ўзимнинг ҳам юрагим бир нарсани сезаётгандай, кечадан буён бетоқат эдим. Ҳатто шу кечаси ғалати-ғалати тушлар ҳам кўриб чиқувдим.

— Бугун ўзинг тўқиган эртақнинг қаҳрамони бўласан, — яна гап қўшди Қалпоқчам, — ҳозир тарих музейига борасан-да, ичкари залда осифлиқ турган пўлат совутни устингга кийиб, ўша ердаги қилич билан қалқонни ҳам оласан. Сўнг циркка ўтиб, энг учқур отлардан бирини танлайсан, йўлга равона бўласан.

— Бу жуда қизиқ-ку? — дедим ҳайрон бўлиб, — битта-яримта машинани кира қила қолсак бўлмайдими?

— Бўлмайди, — эътироз билдирди Қалпоқчам, — севгилинг сени эртақлардаги қаҳрамонлар қиёфасида кутяпти.

Ҳамонки севгилимнинг орзуси шу экан, бажо келтиришим шарт. Совут кийиш экан-ку, елкангда тоғни кўтариб борасан десалар ҳам рози бўлардим. Фақат уни саломат кўрсам, тонгда очилган атиргулдек тиниқ юзига бир нигоҳ ташласам, «Акромий» деган ёқимли куйдек овозини эшитсам, бас!

Шаҳардан чиқаётганимда кун пешиндан оққан эди. Вақтлироқ чиқсам ҳам бўларди-ю, лаънати совут билан дубулғани кийишни билмас эканман. Кўп вақтим

шунга кетиб қолди. Майда-майда пўлат ҳалқачалардан тўқилган шим, устига тунука қопланган баланд пошналар этик, занглаган қилич, мис қалқон, боринги, елкамдаги юк нақ етти пудгача келарди. Етти пуд юк билан отга миниш қийин бўларкан. Унг оёғимни кўтарсам, чап оёғим ерга кириб кетаётгандек бўлаверди. Демак, дейман ўзимга-ўзим, эртақдаги қаҳрамонларга ҳам осон бўлмаган экан. Ишқилиб, йўлда битта-яримта дев учраб қолмаса бўлгани. Бордию учраб қолса... ҳа, майли, уёғи яна бир гап бўлар.

Ҳар нарсага қизиқаверадиган эрмакталаб болалар шаҳар чеккасигача ҳурмату эъзоз билан кузатиб қўйишди. Циркда бугун янги томоша бўлса керак, йўқ, кинога сурат олишяпти, отни ўғирлаб кетаётган бўлмасин, қара, афтидан беркитиб олибди, амаки, найзангизни бир ушлаб кўрай, деган гапларни ҳам айтиб бориша-верди. Боринги, шаҳардан чиққунимча нақ пешин бўлди-да.

Катта йўл тўсатдан учга бўлинди. Кўчанинг бошланишига, автоинспекторларнинг иши бўлса керак, темир тахтачалар осилган. Бир тахтачага «Борса келмас» деб, иккинчисига «Борса келар» деб, учинчисига «Эҳтиёт бўл, йўлда ремонт кетяпти», деб ёзиб қўйилган. Демак, мен чиндан ҳам эртақ қаҳрамонига айланибман, деган фикр ўтди бошимдан. Эртақ бўлса эртақдир-да, дедим-да, худди ўша қаҳрамонларга ўхшаб, энг хатарлисини — «Борса келмас»ни танладим.

Ёзининг қоқ ўртаси эмасми, қуёш шунақанги қиздириб бердики, бамисоли олов ёқилган тандирнинг ичида қолгандек бўлдим. Эрталаб кўкчойни кўп ичган эканман, тер дегани шариллаб қўйила берди. Мишиғимнинг оққанини айтмай-сизми. Рўмолчамни олиб, артиб олай десам, чўнтак лаънати совутнинг остида чумолими, бургами ўрмалай бошлади. Бирон жойингиз қичишса-ю, уни қаший олмасангиз, бунақанги қўлнинг нима кераги бор? Бирон киши ҳозир елкамни қашиб қўйганда, ўлай агар, остимдаги отни совға қилган бўлардим. Ҳеч бўлмаганда, мишиғимни артиб қўйишганда ҳам майли эди. Битта-яримтаси билан жангга киришиб қолсам, ҳў йигитча, мен билан олишгунча аввал мишиғингни артиб ол, дея камситиши мумкин эди-да, шундай эмасми?

Қарши томондан сертупроқ йўлни чангитиб бир отлик кела бошлади. Бошида мис қалқону кўлтиғида найза. Дадил бўл, Акротий, найзангни ўнг қўлга ол, қиличинг чап ёнингда, дея шивирлаб отнинг бошини тортдим. Суворий қиёфасида келаётган ёвуз душман Сехргар Иблисининг айнан ўзи бўлиши ҳам мумкин. Кўз юмиб очгунча остидаги отни эшакка айлантириб, ўзи ёш бола қиёфасига кириб олди, демак, ўша! Оббо, лаънати-ей, қувлигини қаранг, бир сонияда ҳаммасини ўзгартириб юборди-я. Чучварани хом санабсан, Иблис!

— Тўхта! — дея ҳайқирдим эртақлардаги қаҳрамонларга ўхшаб. Шундай кучли наъра тортдимки, атрофдаги дарахтларнинг шоҳлари силкиниб кетгандек бўлди. — Тўхта, аблаҳ!

— Мен сизга нима қилдим, амаки? — йиғламсираган бир оҳангда сўради Иблис. Устомонлигини қаранг, йиғламсираб мени чалғитмоқчи бўляпти.

— Бу сафар ҳалол жанг қиламиз, — дея наъра тортдим яна, — танла, қиличбозликми ё найзабозликми?

— Ундай деманг, амаки, қўрқиб кетяпман.

— Энди алдай олмайсан мени, малъун! Найзангни тезроқ қўлга ол!

— Найза эмас, амаки, балиқ овлайдиган калтак бу. Учига тўр боғлаб, сойнинг ичкарироғига ташлайдиган калтак.

— Елғон!

— Жон амаки, мени ўтказиб юборинг. Дарсдан кечга қоламан. Она тилидан уй вазифасини қилганим йўқ эди. Бригадаримизга айтсам, майли, бора қол, деди. Жон амаки, ўлай агар, қўрқиб кетяпман.

— Қалқонингни қўлингга ол, ўзингни ҳимоя қил. Ҳалол туриб олишамиз.

— Бошимдаги қалқон эмас, сомон шляпа бу. Ойим офтобдан сақлайди деб, эрталаб бошимга кийгизиб қўювди. Ҳар нарса бўлай, ўғирлаганим йўқ. Дадамники.

Эшак оғзини осмонга қилиб, ҳанграб юборди. Ниманингдир бошланишига ишора бўлса керак. Бола қиёфасига кириб чалғитаётган Сехргар Иблис ҳозир менга ташланиб қолиши ҳам мумкин. Йўқ, олдин мен ҳамла қилишим керак. Найзани ўнг қўлтиғимга қисиб, чап қўлимдаги мис қалқон билан юзимни тўсдим у этигимнинг темир пошналари билан бедовнинг биқинига ниқтадим... Қизиқ воқеа юз берди. Улай агар, жуда ғалати бўлди! От икки одим ўнгга, икки одим чапга ташлаб, «Андижон полкаси»га ўхшаш бир куйга мослаб ўйинга туша бошлади. Гоҳ орқа, гоҳ олдинги оёқларини кўтариб, ғалати-ғалати қилиқлар ҳам қиляпти. Уйинчи отни танлаб олган эфранман! Жангга кириш ўрнига, кўрсатаётган ҳунарини қаранг! Эссизгина, қулай фурсатни қўлдан бой бериб қўйдим-а. От ҳунарини кўрсатиб бўлгунча душман қараб турармиди. Эшагини тўрт оёқлаб чоптириб, кўздан йўқ бўлди-қўйди...

Яна йўлга тушдим. Лекин негадир баҳри-дилим очилиб бораётганини сезиб турардим. Йўлнинг икки томони кетгунча полиз, ўнгда қовун, чапда тарвуз пайкаллари. Гоҳо йўл сабзи, пиёз сингари резаворлар гуркираб ўсаётган пайкаллар орасидан ўтиб қолди. Помидор тараётган, бақлажон узаётган болаларга дуч келиб қоламан. Кечки салқин туша бошлади. Тоғ томондан энгил-енгил эпкин ҳам эсгандек бўлди. Эпкин ўзининг кўринмас қанотларида тоғ гуллари атрини олиб келиб, атрофга пуркаётганга ўхшайди. Хушбўй ҳидлар руҳимни эркалаб, қалбимга қувонч қуя бошладилар. Ашула айтгим келиб қолди...

Хандалак шаҳрида шунча яшаб, унинг атрофида қалин ўрмонзорлар борлигини билмаган эканман. Қуёшнинг юзига тун ўзининг қоп-қора пардасини ёпаётган паллада ўрмонзор ичига кириб бормоқда эдим. Кўз юмиб очгунча шунақанги қуюқ қоронғилик чўкдики, назаримда, тубсиз чуқурликка тушиб кетгандек бўлдим. На ер кўринади, на осмон. Хайрият, от жонивор ўзи йўл топиб кетаверар экан. Сал ўтмасдан беҳисоб қушларнинг чуғур-чуғури тиниб, мен номини билмайдиган аллақандай ёввойи ҳайвонлар ўкириб, қоронғилик қаърини ваҳимали шовкинга тўлдириб юборишди. Тахминан ярим кечагача шу аҳволда йўл босдим...

Бир пайт остимдаги бедов юришдан тўхтаб, кишнаб юборди. Мудрай бошлаган эканман, кўзларим ярақлаб очилиб кетгандай бўлди. Бедов дир-дир қалтирамоқда эди. Юрагим уриб кетди. Урмасдан ҳам иложи йўқ экан, нега десангиз, икки томонидан иккитадан тўртта йиртқиш тишларини такиллашиб, ириллашиб турарди. Буларнинг бўри эканлигини дарров англадим. Тоғлик йигит эмасманми, бу йиртқичнинг кўзлари тунда олтингургуртга ўхшаб кўм-кўк ёнишини илгари кўп кўрганман. Одам қаттиқ қўрққанида ё адоий тамом бўлади, ё ўн баробар кучайиб кетади. Мен кучайиб кетдим. Бир қўлда қилич, бир қўлда найза, устимда совут, хўш, нега кучаймас эканман? Отга ташланадиган бўлса, унинг товонигача ҳалқали ёпқич ўраб тушган. Қилични суғуриб, хиёл эгилиб, ириллаб турган махлуқлардан бирининг бошига туширдим. Ё бўйни узилди, ё мияси тарвуз палласидек иккига бўлиниб кетди. Ишқилиб, ерга бир нарса думалаб тушгандай бўлди-да. Ўлдирганим, афтидан, тўданинг бошлиғи экан, қаранг, ҳатто йиртқичлар ҳам бошлиқ бўлмаса, журъатсиз бўлиб қолар экан. Ириллаша-ириллаша қоронғилик қаърига сингиб кетишди. Бир хаёлим ўлжамнинг терисини шилиб, синглим Му Тига пўстин тиктириб берай деб ўйладим-у, лекин отга миноммай шу ерда қолиб кетишдан қўрқдим.

Тонг отар пайтида ўрмондан чиқиб олдим. Кимсасиз дашт бошланди. Қовуннинг ичида жойлашган кичкина бир мамлакатга шунақанги поёнсиз чўлнинг нима кераги бор экан. Худонинг ўйламасдан иш тутишига ҳам баъзан хафа бўлиб кетасан-да. Хўп, чўлни-ку, эрмак учун яратиб қўйибди, ҳар жой-ҳар жойига бир туп-ярим туп дарахтми ёки қўққайган бир иморатми тиклаб қўйса асакаси кетмас эди-ку. Бир кечаю бир кундуз сувсиз, очу наҳор йўл босдим. Хайриятки, Сеҳрли Қалпоқчам ўннга, чапга, энди тўғрига юрасан дея йўл кўрсатиб боряпти. Бўлмаса, худди қуюнга дуч келган хасдек, бир жойда айланаверишим ҳам ҳеч гап эмас эди. Босган йўлим унча олис эмас эди шекилли. Ҳали айтдим-ку, отнинг ўйинчисини танлаган эканман деб, на қамчи уриб бўлади, на биқинига ниқтаб. Ундай қилсангиз ҳам, бундай қилсангиз ҳам, бари бир ўйинга тушади. «Отдан туш, — шивирлади бир пайт Қалпоқчам, — ахтараётган темир қасринг оёғинг остида. Банди бўлган севгилинг мана шу ерда».

Буёғи энди бамисоли эртақлардаги каби бўлди. Оғзи хашак билан беркитилган ғишт зинадан пастга тушдим. Пешонам темир эшикка урилди. Қалпоқчам афсун ўқиган эди, катта бир залда пайдо бўлиб қолдим. Залнинг айланаси катта-кичик темир эшиклар. Яна афсун ўқилгач, эшиклардан бири очилиб, ўзимни олтиндан ясалгандек ярақлаб турган танобий хонада кўрдим. Хонанинг қирқ бурчагига қирқта шам ёқилган. Деворларига шайтонларнингми, жину алвастиларнингми сурати ишланган. Бирининг бошида шох, бошқаси қип-яланғоч, сап-сарик сочи товонига тушиб турибди. Тўрдаги шамшод ёғочидан ишланган куббали сўричадан хушбўй ҳид таралгандек бўлди.

— Гу Лихон, — дея қичқираб юбордим.

— Акромий, — деган ожизгина овоз эшитилди.

Тўрт хатлаб бориб, севгилим устидаги оқ шоҳи чойшабни отиб ташладим. Мен ишқиде ёниб юрган Гу Ли исмли қиздан ич-ичига ботиб кетган мунчоқдек иккита кўз, ангишвонадек кичкина бурунча, тириш қоплаган пешона қолибди. Шунақа озибдики, чақалоқдек кичкина бўлиб қолибди!

— Бу сизмисиз, Гу Лихон?

— Ўзимман, Акромий.

— Кўзларимга ишонмайман.

— Сизнинг худди шу қиёфада келишингизни орзу қилган эдим. Ҳалоскор қўлларингизда қиличу қалқон, забардаст елкангизда пўлат совут, омон бўлгур

бошингизда дубулға, қаранг, бирәм ярашибди, шунақа ярашибдики! Бошқача қиёфада келганингизда, ҳар нарса бўлай, танимас эдим... Мени Иблис алдади. Сизинг қиёфангизда келиб, бошимни айлантирди... Уша куни, вой худойим-ей, майли, Акромий келсалар муҳаббатларини қабул қилай, тўйға ҳам розилик берай, ўзлариниям роса қийнаб юбордим, деб ўтирувдим. Вой худойим-ей, бирәм алдандимки!.. Тўйға рози бўлсангиз, майли, тўй олдидан бир айлантриб келай, деди-я. Вой худойим, овозиям худди сизникига ўхшарди... Келганимдан буён ҳар куни бармоғимни сўради. Қаранг, ҳаммаси шишиб кетди.

— Куюнманг, — дея кўнглини кўтардим севгилимнинг; — тирик қопсиз, менга мана шунинг ўзи кифоя.

— Йўқ, Акромий, энди мен узоқ яшамайман. Танимда бир томчи ҳам қоним қолмаган. Ҳаммасини Иблис сўриб олди. Хайрият, ўлимим олдида сизни кўрдим. Энди армоним йўқ... Мабодо... мабодо бир гап бўлса, мени қишлоғимиздаги... мазорда бир туп мажнунтол бор, ўшанинг остига қўйинглар... Кейн ҳар замонда ўзингиз хабар олиб туринг. Гул олиб келинг. Қизилидан бўлсин, сариғини хушламайман. Айрилиқ, жудолик рамзи у... Сиздан ажралишни ҳечам истамайман, ҳечам! Сизни севардим, қаттиқ севардим. Биласиз-ку, қиз бола дарров хўп демайди... Совутингиз бирәм ярашибдики. Қилич ҳам ўзингизникими?

— Йўқ, музейдан олдим.

— Келинг, мени бир ўпинг.

— Қўйинг, одам уялади, — дедим чиндан ҳам уялиб.

— Акромий...

Гу Лихоннинг кичкина боши бир томонга оғиб тушди. Ўзидан кетиб қолди шекилли. Оқ шоҳи чойшабга ўрадими-да, шошилиб ташқарига олиб чиқдим. Ҳа, шошилишим керак, Сеҳргар Иблис ҳам келиб қолиши мумкин. Бир амаллаб отга ўнгардим у яна йўлга равона бўлдим.

XXXVII боб

Шуҳрат майи

— Акромий, укагинам, рухсат берсанг, энди сенга сенлаб гапираман. Сизлаганда аллақандай бегоналик сезилиб тураркан. Аслида, биринчи кўрган-нимдаёқ яхши кўриб қолган эдим. Яхши кўрмасам ишга олармидим. Жон ука, ўзингни кўрсат. Маслаҳатлашиб оладиган гапимиз бор. Сенда кўздан йўқ бўлиб қоладиган сеҳр борлигини, бурнингнинг ҳид олиш қуввати зўрлигини аллақачон пайқаганман. Лекин ҳеч кимга айтган эмасман. Профессор Дар Даража тайёрлаб кетган Ноёб дорилар калити ҳам сендалигини фақат менинг ўзим биламан. Жон ука, ўзингни кўрсат.

Пайқагандирсиз, бу гапларни менинг собиқ бошлиғим Нарн Бери айтаяпти. Сухбат, агар шуни сухбат деб аташ мумкин бўлса, Гу Ла холамининг ҳовлисидаги катта сўрида кечаяпти. Холам ичкарида, чой дамлаш билан овора. Мен сўрининг шундоққина чеккасида оёқларимни ликиллаб ўтирибман. Адолатли бошлиғим мен ўтирган тарафга эмас, бутунлай бошқа томонга қараб гапиряпти. Негаки мени кўрмайди. Қалпоқчамни кийиб олганман. Ҳойнаҳой, қаршимда бўлса керак, деб тахмин билан сўзляпти. Қани, яна бир нафас тинглай-чи, гапнинг оқаваси қаерга бориб тўхтаркан.

— Майли, укагинам, ўзингни кўрсатмасанг ҳам, гапларимга диққат билан қулоқ сол. Кечадан бошлаб сени қидирув бекор қилинди. Мана, Бо Дом район прокуратурасидан берилган ҳужжат, ўзинг чой ичиб ўтирган пиёланнинг остига бостириб қўйяпман, кўриб тургандирсан. Бу расмий ҳужжатда, асосли далиллар бўлмагани сабабли профессор Акром Акромий устидан қўзғатилган жиноий иш тўхтатилсин, дейилган. Уёғини суриштирсанг, сени қамаш ҳақидаги санкцияга имзо чеккан Оқ Сочлининг ўзи сал анақароқ экан. Пешонасидаги «ПОРАХЎР» деган сеҳрли ёзувни ўчиролмай, шу ҳолда одамларга кўринишга уялиб, уйда кучала еган итдек букчайиб ётибди. Жон укам, кел, ўзингни кўрсата қол. Маслаҳатли гап билан келдим. Биламан, мендан хафасан. Хафа бўлишга ҳақинг ҳам бор эди. Сеҳргар Иблис заҳарлаган одамларни, аслида, сен доволадинг-у, мукофотини мен олавердим. Уша пайтда кўзим кўр, қулоғим кар экан. Акромийнинг сеҳргарлиги унга энг катта мукофот-ку, деб ўйлабман. Хатомни бўйнимга олиб келдим. Укагинам, мени кечир, кечирдингми? Аввалги куни Ҳандалак шаҳар маъмуриятининг катта залида мажлис бўлди. Комитетимизнинг ишини чидаб бўлмас даражада қониқарсиз деб топишди. Бир оз муҳлат берилди. Шу фурсат ичида Иблисни йўқ

қилиб ташламасак, комитетни тарқатиб, мени ишдан ҳайдайдиган бўлишди. Укагинам, аҳволим ночор. Катта бошимни кичкина қилиб, ёлбориб келдим. Бугундан эътиборан, комитетга ўзинг раиссан. Мен ёрдамчинг бўла қолай. Эрталаб маъмурият буйруқ чиқарди. Мана ўша қоғоз, буниям пиёланг остига бостириб қўйяпман. Бас, ўзингни кўрсата қол. Яқингинамда ўтирганга ўхшайсан. Пиёлангдаги чой тез-тез тугаб, яна тўлиб қолаётганини кўриб турибман. Библиб қўй, агар ишдан кетсам, оч қолган бола-чақамнинг гуноҳи бўйнингда бўлади.

Ўз боласини ўртага қўйгандан кейин ишонмай буладими. Дадам ҳам гапига бировни ишонтира олмаса, ҳой ўртоқ, бешта болам бор-а, деб қўярди.

Бошимдан Қалпоқчамни олдим.

— Укагинам!

— Адолатли бошлиғим, — агар келтирган қоғози қалбаки бўлмаса, демак, энди адолатли ёрдамчи бўлади-да, — қулочини кенг ёзиб ўрнидан турди. Ачомлашиб кўришдик.

— Ишқилиб, мендан хафа эмасмисан? — деди уч минут чамаси бағрига босиб, юз-кўзларимдан тўйгунча ўпиб бўлгач.

— Хафа эмасман, — дедим пешонамда қолган тупук юқини рўмолчам билан арта туриб.

— Атир маҳалласидаги аёллар модапарастлик касалига дучор бўлиб, эрларини ўлдириб қўяёзганда, ўшанда ҳам ўзинг даволагансан, тўғрими?

— Тўғри.

— Тол Дол кўчасидаги эркаклар рашк касалига мубтало бўлиб, хотинларини дўппослаётганда ҳаммадан олдин сен етиб борувдинг.

— Буниясиям тўғри.

— Шап Шуп номли мактабдаги қизлар чақимчиликка берилиб, бир-бирларининг сочини юлаётганда...

— Бунда ҳам Сеҳргар Иблисининг қўли бор эди.

— Йўқ, бари бир, Сеҳргар Иблис билан сен олишгансан. Жанггоҳда сен туриб бердинг-у, аммо мукофотларни менга беришаверган. Мана ўша мукофотлар, халтага солиб олиб келдим. Ўзинга насиб қилган бўлсин. Ўзи Иблис аралашгандан бўён ҳаётимиз шунақа бўп қолди. Меҳнат қилган бир чеккада қолиб, қўл қовуштириб турганларга қўша-қўша мукофот беришаверади. Холангга айт, халтачани сандиққа солиб қўйсин.

— Менга мукофот керак эмас, — дедим қўлимни қишлоғимиздаги одобли йигитларга ўхшаб кўксимга қўйиб.

— Чин кўнгилдан айтяпсанми?

— Чин кўнгилдан.

— Раҳмат, укагинам. Ўзим ҳам шундай деб айтарсан, дея ўйлаган эдим. Раҳмат! Аслида, сенинг бурнинг билан сеҳринг — энг катта мукофотинг. Менда эса бола-чақа кўп. Ҳеч бўлмаса, шуларни тақиб чиқсам, гўштни навбатсиз оламан-ку... Қани, кетдик бўлмаса.

То Нарӣ Бери ўтирадиган катта хонага кириб, юмшоқ креслога чўкканимча унинг гапига гоҳ ишондим, гоҳ ишонмадим. Фақат уёқ-буёқдан таниш-билишларим телефон қилиб, қутлай бошлаганларидан кейингина унча-мунча дадиллик пайдо бўлди. Қизлар ҳам аччиқ-аччиқ чой дамлаб келишяпти. Раисбоп деганлари шу бўлса керак-да! Аввал мен билан елкамга туртиб гапашадиган ҳамкасбларим ҳам энди хонамга сал тортиниброқ киришяпти. Қаранг-а, дейман ўзимга ўзим, омад келса шунақа бўларкан-да. Бўлмаса, куни кеча бу дунёда йўқдек эдим. Эгилиб салом беришлару қўл қовуштириб туришларини қаранг. Амалдорлик курсисининг сеҳри борга ўхшайди. Бўлмаса, чойлар бунақа аччиғу табассумлар бунақа ёқимли бўлмасди. Йўқ, курсининг сеҳри борлиги аниқ. Утиришим билан, назаримда, ақлим ҳам кўпайиб кетгандек бўлди. Салобату салоҳиятим ошганга ўхшайди. Буни мен ташқарига чиқиб-кираётганимда ходимларнинг деворга қапишиб қолаётганидан сезиб қолдим. Ҳа, бу мамлакатда амалдорлик курсиларининг сеҳри бўларкан. Ақлингга ақл, журъатингга журъат қўшиб бераркан. Қани, эди, шу сеҳрли курсилардан биттасини Сойбоши мамлакатига ҳам олиб кетсам. Бир умр мазза қилиб яшардим-да...

Ўзим ҳам ишчангина йигит эмасманми, дарҳол тушаётган шикоят арзнома-ларни қайта кўриб чиқиб, ходимларимга иш тақсимлай бошладим. Энг муҳими, азиз ўртоқлар, дедим, шаҳримиз фуқароси қалбини Ёмонлиқни қабул қилмайдиган даражада поклаб олишимиз даркор. Бунинг учун биринчидан, деб давом этдим. Иблисининг назари тушган кишилар вужудидаги зарарли микробларни батамом тугатишимиз зарур. Шунинг учун, Сеҳргар Иблис қора юраклардан, нопок қалблардан қувват олиб турибди. Агар биз устозим васият қилиб кетган Яхшилик ва Эзгулик дориси билан барчани эмлаб, қалбларидаги шоён туйғуларини мавж урдирсак, ана ундан кейин бу дунёда Иблис беркинадиган пана жой

қолмайди. Уни қандай ушлашни эса, азиз ўтоқлар, кейинги суҳбатимда айтиб бераман.

Нутқ сўзлаётган пайтимда ўзиям нақ булбулигўё бўлиб кетдим-да. Бир соату ўн минут гапирибман-у, бирортаси чурқ этмаса-я!

— Ҳўш, чора кўрилмаган яна нечта шикоят қолди? — деб сўрадим адолатли ёрдамчимдан.

— Еттита, — шошилиб деди Нари Бери.

— Еттовини тугатсак, шаҳар бутунлай покланган бўладими?

— Агар сеҳрли ёрдамнинг аямасанг...

Шикоят унинг изидан бориб, кўрилган чора-тадбирларни талабчан бир раҳбар сифатида қайта-қайта суриштирдим, чуқурроқ ўргандим. Биласиз-ку, чора кўрилди, тадбир белгиланди, деб кўпинча ёпди-ёпди қилиб кетадиган совуққон ходимлар ҳам учраб туради. Айниқса, Иблис аралашаётган шу кунларда ундан баттарроғи ҳам бўлиши мумкин. Худди шундай бўлди ҳам. Шикоятлардан бирини ўқий туриб, унинг мана бундай якунига кўзим тушиб қолди:

«АКТ № 246

Бизким, тубанда қўл қўйиб, акт тузувчилар, сарқитларга қарши кураш комитети аъзоларидирмиз. Бинобарин, қуйидагиларни қайд қиламиз: «Инсон» институти ёзувчилар лабораториясидан тушган шикоятни текширгани бориб, синчиклаб ўргангач, шундай хулосага келдик. Лабораторияда ўн бир ёзувчи адабиётнинг инсон умрини узайтиришдаги хизматини ўрганиш билан машғул. Эшикларнинг тепасига «Маънавияти бой одамнинг умри ҳам узоқ бўлади», «Эстетик завқ одамни ёшартиради», «Санъат асарни руҳий оламни ёритадиган чироқдир», сингари ҳикматли сўзларни ёзиб қўйишган. Аввалига иш жуда силлиқ кетган. Ёзувчилар ўзаро аҳил, меҳрибон бўлишган. Бир-бирларининг истеъдодига тан бериб, маъмурият томонидан бериладиган йиллик мукофотлар ва Шухрат майини қобилиятларига яраша адолат билан тақсимлашган. Сеҳргар Иблис бу ерда ҳам бир кўриниш бергану Инсоф чироғини пуфлаб ўчириб кетган. «Сен ўзи аслида ёзувчи эмассан, — деган эртасига ишга келиб, Думбул-Думбулий ҳамкасбига, — Эски шаҳарга бориб, косибчилик қилсанг яхши бўларди.» «Сен-чи, сен ўзингни ёзувчиман деб юрибсанми, — дея секин ўрнидан турган Дароз Дарозий, — кеча битта асарингни ўқувдим, мағзава ичгандек ҳалигача кўнглим айниёпти.» «Бу йилги мукофот меники, — деган шоир Шарқий Шимолий, — бутун олам мени олқишляпти.» «Эҳтимол қарғаётгандир, — жавоб қайтарган шоир Така Тум, — аслида бу бемаза сатрларинг учун сени калтаклаш керак эди. Худо хоҳласа, Шухрат майи билан Катта Қовун мукофотини ўзим оламан.» «Ўтган йили олувдинг-ку?» «Бу йил яна оламан.» «Аввалги йили ҳам сеники бўлувди? Инсоф йўқ экан.» «Ҳўш, ўша сен айтган нарса қайси биримизда бор?» мазмунидаги гаплар ҳам кўпайиб кетган. Уша пайтда шаҳар омборхонасидан икки юз литрлик ёғоч бочкада Шухрат майи ва бир талай Катта Қовун мукофоти келтирилган экан. Ёзувчи ва шоирлар бу меники бўлади, деб бочканинг устига ҳаммалари чиқиб олишибди. Мукофот солинган халтача қўлдан-қўлга ўтавериб, титилиб кетибди. Бир йилдан буён аҳвол шу экан.

Хулоса: Сеҳргар Иблис барчаларини Шухратпарастлик касалига мубтало қилиб кетган. Зудлик билан чора кўрилишини сўраймиз:

Комиссия аъзолари:

Ур Бон,

Қур Бон,

Ос Мон.»

Актни ўқиб бўлгач, роса хафа бўлдим. Нега десангиз, мен шоирларни ҳам, ёзувчиларни ҳам жони дилимдан яхши кўрардим. Китобларини ўқиб, маза қилардим. Уртоғим Ҳошим ҳам уларни беҳад севарди. Шухратпарастлик касалига дучор бўлишган бўлса, энди уёғи нима бўлади, китоб ёзиш ўрнига бочкани думалатиб, халтани талашиб, юришаверадимми! Оббо Сеҳргар Иблис-ей, бориб-бориб, менинг энг севган кишиларимга ҳамла қилдингми! Йўқ, ҳали шошмай тур!!!

— Шаҳар омборида Камтарлик майи борми? — сўрадим адолатли ёрдамчимдан.

— Сиз сўрасангиз йўқ дейишмайди, — тушунтирди Нари Бери.

Яширмайман, устозим васият қилиб кетган Ноёб доридан ҳали анчагина бор.

Бир-икки томчи ичирсам, бу касаллик ҳам кўз очиб юмгунча даф бўлиши мумкин. Аммо уларни эҳтиёт қиляпман. Келажак авлодга ҳам оз-оздан қолдириш ниятим бор. Шаҳар омборхонасидан юз литрлик ёғоч бочкани тўлдириб Камтарлик майини олдик-да, ёрдамчим икковимиз касаллик авж олган жойга етиб бордик. Актда ёзганларича бор экан. Шухрат майи тўлдирилган бочкани ҳамон думалатиб юришибди. Думбул Думбулий паҳлавоннамо киши экан, бошқаларини уриб-калтаклаб, халтадаги Катта Қовун мукофотининг ҳаммасини бир ўзи кўксига тақиб олибди.

— Сизга кўплик қилмайдими? — деб сўрадим.

— Яна шунча бўлса ҳам озлик қиларди, — жавоб қайтарди Думбул Думбулий.

— Адолат билан тақсимласаларинг, яхши бўларди.

— Сиз айтган нарса бу ерда ҳеч қачон бўлган эмас.

— Нега ундай дейсиз?

— Лабораториянинг аввалги мудирини расво одам эди.

— Тушунтириброқ айтинг, — дея раҳбарларга хос бир важоҳат билан ўшқириб қўйдим. Тўғри-да, қаршиларида турган йигит Комитет раиси эканлигини билиб қўйишсин.

— Тушунтириброқ айтсам, ўртоқ Комитет раиси, лабораториямиз аввалги мудирининг елкасида қичима касали бор эди. Маъмурият томонидан юбориладиган Шухрат майини ким елкасини қашиб қўйса, ўшанга берарди. Ҳатто елка қашиш бўйича конкурс ҳам ўтказилиб турарди. Бир марта конкурсда мен ҳам ғолиб чиқдим. Лекин барибир бермади. Нега бермайсан, десам, онам ўлганда нега фотиҳага бормадинг, дейди... Уни ўтган ҳафта ишдан олиб, ўрнига ўзим мудир бўлиб олдим.

— Собиқ мудир қаерда ҳозир?

— Кеча ўлди.

— Ўлди?!

— Ҳа. Раҳбарликдан кетгандан кўра, ўлганим яхши деб, ўзини осиб қўйибди.

Бир ҳаёлим чекланмаган ҳуқуқимдан фойдаланиб, Думбул Думбулийни ишдан олиб, янги мудир тайинлай ҳам дедим-у, лекин фикримдан тезгина қайтдим. Кўриниб турибдики, ҳаммасининг ҳам қалби ва руҳини Сехргар Иблис аллақачон заҳарлаб бўлган. Униси бўлди нимаю буниси бўлди нима? Бари бир Шухрат талашиб, бочкани думалатишаверади. Барчасини давра столи атрофига ўтқазиб, Камтарлик майдан бир қадаҳ қўйиб бердим.

— Бу нима ўзи? — сал хавотирга тушиб сўради Шарқий Шимолий.

— Ичсангиз... обрўйингиз ошади, — деб тушунтирмоқчи бўлдим.

Шарқий Шимолий бир-икки ҳўплаб ютди-ю, учинчи ҳўпламни оғзига олиб, лунжини анча маҳалгача ари. қақиб олгандек шишириб турди-да, сўнг худди этикдўзларга ўхшаб:

— П-уф-ф-ф! — дея ёнбошлаганича пуркаб ташлади.

— Нега ундай қилдингиз!

— Аччиқроқ экан.

— Мен ҳам ичолмаяпман, — шундай деб, шоир Така Тум ҳам қўлидаги қадаҳни дўқ этказиб стол устига қўйди.

Ана шундан сўнг Камтарлик майи тўлдирилган қадаҳлар кетма-кет дўқиллаб стол устига тушаверди. Кутилмаганда стол остиданми, дераза тарафданми, ишқилиб, жуда яқин жойдан:

— Ҳаҳ-ҳаҳ-ҳаҳ

— Ҳи-ҳи-ҳи,

— Ҳе-хе-хе! — деган қаҳрли овоз эшитилди. Этарим жимирлаб кетди.

Демак, Сехрли Иблис шу ўртада. Менинг устимдан куляпти у. Хўш, йигитча, аҳволинг қалай энди, деб сўраяпти. Уларнинг қалбига энди киролмайсан, у ерда абадулабад ўзими яшайман, деяпти...

Давра столи атрофидагиларни шундайлигича қолдириб, йўл-йўлакай Қалпоқчамни кийдим-да, устозимнинг дорихонасига югурдим. Шухратпарастлик касалини даф қиладиган Ноёб дориларни, ҳали айтувдим-ку, келажак авлод учун эҳтиёт қиляпман деб, улар мени кечирар. Энди ишлатмасам бўлмайди шекилли. Ўша куниеқ гулобга қўшиб, ҳаммаларига бир қултумдан ичириб юбордим. Эртасига хабар олгани келсам, таъсири бўлмабди. Яна ичирдим. Индинига келган эдим, э тавба, нима бўляпти ўзи?... Қалбларида аллақачон камтарлик туйғулари мавж уриб, енг шимариб китоб «ёзишга тушиб кетишгандир, эҳтимол битта-яримтасини менга ҳам бағишлаб юборишар, дея ширин орзулар ҳам қилган эдим. Қаёқда, иш чаппасига айланиб кетибди.

— Йўқ, шухрат абадулабад меники бўлади!

— Сеники етарли-ку!

— Бари бир камлик қиляпти.

— Меҳнатни биз қилиб, Шухрат сеники бўларкан-да! — деган овозлар энди кўча томондан ҳам баралла эшитилиб турибди. Мукофот тўла халта ҳамон талаш, бочка ўртада, думалатиб юришибди. Гоҳ еттовлари... Учтасига Ноёб дори яхши таъсир қилган экан, мен қолдириб кетган Камтарлик майидан оз-оздан ичишиб, дунёнинг ишларини қаранг, деётгандек мийиғларида кулишиб ўтирибди... Нима деётган эдим, ҳа, гоҳ еттовлари бараварига бочка устига чиқиб олишади, гоҳ бир-бирларини итариб, ерга қулаб тушишади... Ноёб дори соб бўлган. Камтарлик майини ичира олмаяпман, уф, энди нима қилдим? Наҳотки Иблис бу олишувда мендан устун келаётган бўлса?

Шошилинч мажлис қақирдим. Муҳокама қила-қила, ниҳоят Ноёб дорининг шухратпарастликни даф қила оладиган янги нави топилгунча уларга тегмаслик ва чор атрофга «Эҳтиёт бўлинг, хавфли зона», деган тахтачалар осиб қўйишга қарор қилдик.

XXXVIII боб

Мақтанчоқнинг қонида мағзаванинг ҳиди бор

Эрталаб идорада адолатли ёрдамчим билан галдаги ишларимиз хусусида фикрлашиб ўтирган эдик, кўз кўрмаган, қулоқ эшитмаган бир воқеа юз бериб қолди. Кўзларимизга ишонмай, анграйиб қолдик. Нари Бери кўрқиб кетди шекилли, кўкрагини кенг очиб, кўксига туфлашга тушди. Кексагина бир одам елкасига давангирдай йигитни миндирибди. Йигитнинг устига ёшгина жувон чиқиб олган. Энг тепада, олти-етти ёшлардаги бола. Қариянинг қўлида ичига беш-ўн китоб, бир кунлик овқат, икки литрлик термос бемалол жой бўладиган портфель, йигитнинг қўлида магнитофон, аёл ихчамгина чарм сумкасини силкитиб турибди. Болакай уч филдиракли велосипедчани осилтириб олган. Тавба, цирк томошаси бошланади шекилли, деб турган эдим:

— Сарқитларга қарши курашадиган идора шу ерми? — деб сўраб қолди қария.

— Шу ерда, — деб қўйдим.

— Профессор Ақром Ақромий сиз бўласизми?

— Мен бўламан.

— Айтинг, мана бу текинхўрлар елкамдан тушишсин, — деди қария энтикиб. — Сизга айтадиган арзи-додим бор.

— Тушмаймиз, — баробарига оёқларини силкитиб қолишди тепадагилар, — эрталабки прогулка тугагани йўқ ҳали.

— Ана, кўрдингизми?! — хўрсиниб деди қария, — ҳар куни аҳвол шу. Мен буларни боқишим, кийинтиришим, ўйнатгани ҳам олиб чиқишим керак. Улсам ўлиб бўлдим!

— Ота бўлганидан кейин мажбурсан, — дўриллаган овоз билан деди йигит.

— Шикоят қилган қайнотани жиним суймайди, — фикрини баён қилди жувон.

— Гапни бас қилсаларинг-чи, — оёқларини силкитиб қўйди болакай.

Анчагача гап нимадалигини англай олмадим. Лекин бу дунёда поёнига етиб бўлмайдиган ҳеч нарса йўқ. Сал ўтмасдан ҳамма нарса аён бўлди-қўйди. Қария профессор экан, дарс бераркан. Елкасидагилар ўғли, келини, набираси бўлиб, миниб олганларига салкам бир йил бўпти. Ишлашмас эмиш. Овқатни ётиб олиб ейишармиш. Эй, мияси айниган чол, битта биз эмас, бошқалар ҳам шунақа, нега улар индамайди-ю, сен инқиллайверасан, нима, топган пулингни нариги дунёга олиб кетмоқчимисан, дея луқма ташлаб қўйди йигит.

Жаҳлим чиқиб кетди:

— Қани туш, ҳамманг, — дея ер тепиндим.

— Бақирма, — деб қўйди йигит.

— Мўйловинг бир қарич буп қопти-ю, ҳалигача отангнинг елкасига миниб юргани уялмайсанми?

— Мўйловга тил теккизма, биқинингдан дарча очиб қўяман.

— Сиз-чи, келинойи, — дея аёлга мурожаат қилдим, — сиз нега миниб олдингиз, уят эмасми?

— Вой, нимаси уят экан?

— Ҳар қалай, чол кишини...

— Хечам-да, мен чолни минганим йўқ, эримни миниб турибман.
— Бари бир, уят-да.
— Вой тавба, бунинг нимаси уят экан? Маҳалламиздаги ҳамма келинлар эрини миниб юрибди-ку. Тавба, тагинам мен инсофли эканман, бошқа аёлларга ўхшаб устиларига тўқимми ёки эгарми урганим йўқ.

— Ҳали эрини эгарлаб миниб юрганлар ҳам борми?

— Вой, эрларини миниб, кимўзарга пойга ўйнаётган аёллар ҳақида эшитмадингизми?

— Тавба! — деб ёқамни ушлаб қўйдим. Ва шу заҳотиёқ бутун вужудим зирқираб кетганини ҳис қилдим. Сеҳргар Иблисининг иши бу! Бўлмаса, одам одам боласини миниб, пойга ўйнайдими? Шўринг қурғур эркаклар, аёлини елкасига миндириб олиб, магазинга деса — магазинга, тўйга деса — тўйга, чарларга деса — чарларга югуравериб, қийналиб кетишгандир. Қизиқ, Иблисининг бу қилиғини нима деб таърифласа бўларкин? Номи нима унинг, дангасаликми, текинхўрликми, ўзидан бошқани ҳурмат қилмасликми, Ноёб дорининг қайси хилидан ишлатсам бўларкин?

Бир фикрга келолмадим.

Қарасам, қария, бели толиб, баттарроқ инқиллай бошлади. Ёрдам бериш учун албатта уйингизга бораман, тураржойингизни маълум қилиб кетинг, дея кўнглини кўтариб, кузатиб қўйишдан бошқа иложим қолмаган эди.

— Кетдик, — деди йигит оёғи билан қариянинг биқинига ниқтаб, — мени чойхонага ташлаб ўтарсиз.

— Йўқ, — деди хотини чиройли бошини чайқаб, — аввал мен модалар уйига кириб ўтишим керак.

— У-ф-ф! — хафа бўлиб деди болакай, — велосипед пойгасидан кечга қоляпман, ахир.

Адолат ёрдамчимнинг айтишича, қария яшаб турган Шаф Тол районидан дангасалик ва мақтанчоқлик касали бошланаётгани ҳақида уч-тўрт марта шикоят тушган, комиссия бориб текшириб, актлар тузиб, баъзи бир тадбирларни белгилаб ҳам келган экан. Демак, дея афсуслана-афсуслана давом этди Нари Бери, фойдаси бўлмади-да. Тезроқ олдини олмасак, касаллик авж олиб, бошқаларга ҳам юқиши мумкин. Хусусан, мени хотинимнинг минишини ҳечам истамайман, елкамда китиғим бор.

— Бўлмаса, районга ўзингиз бориб келасиз, — дея гапни бўлдим.

— Мен-а?! — қўрқиб кетгандай бўлди Нари Бери.

— Ҳа, сиз!

— Ахир, Сеҳргар Иблисининг иши-ку бу? Мен унинг олдида ожизман.

— Ҳеч бўлмаса шароитни ўрганиб қайтасиз.

— Унда бир-иккита ёрдамчи оламан. Ўзим қўрқаман.

— Ихтиёрингиз.

Нари Бери ўринбосарларим орасида энг садоқатлиси. Ишни ҳам яхши билади. Ташкилотчилигини айтмайсизми, йўқни бор қилади, деб шунақаларни айтишса керак. Жиндак бетайинлигини, яъни эрталаб нарию пешиндан кейин бери бўлиб қолишини ҳисобга олмаганда, умуман яхши раҳбарлардан. Болажонлигини айтмайсизми? Уйига ўйинчоқми ёки болаларига бирон тансиқ егуликми кўтариб бормаса, ухлай олмас эмиш. Машиначиликдан хабари бор. Чақалоқларига ўзи кийим-бош тикади. Гоҳо ишхонамиздаги аёлларга ўғил-қизларининг ажойиб феъли-атвори, қилиқлари, айтган ақлли гаплари хусусида сўзлаб, кунни кеч қилади. Баъзан ўғилларидан бирини ишхонага кўтариб келиб қолади. Боғчадан кечга қолган эмиш. Диванга ўтқазиб, ўйинчоқларга кўмиб ташлайди-да, ҳар замонда бошини кўтариб:

— Дингирингдан ўргилай, — деб қўяди.

Уч кун деганда текширув ишларини тугаллаб қайтди. Ранги бир аҳволда. Ухламаган бўлса керак, кўзлари ҳам ич-ичига ботиб кетибди.

— Расво, — деди бир қўлтиқ қоғозни столим устига ташлаб.

— Нимаси расво? — деб сўрадим қоғозларни нари суриб.

— Шаф Тол районини айтяпман.

Ўша ёққа бориб келганингизни мен ҳам билиб турибман.

— Гапиринг!

— Гапиролмайман, укам.

— Нима бало, Иблисининг ўзига дуч келиб қолдингизми, дейман?

— Қайтага дуч келсаму ўша Иблисининг теримни шилиб олса, бунчалик эзилмаган бўлардим. Одамларга ачиниб кетяпман, укам. Ҳаммасини дангаса, мақтанчоқ қилиб қўйибди.

— Нега энди Иблис меники бўларкан?

— Уни сен яратгансан-да. Ҳа, майли, бир-биримизни айблайдиган пайт эмас. Хуллас, ўша Иблисининг аввал бир кўчани, кетидан уч-тўрт квартални заҳарлабди.

Кишилар дангасалигу мақтанчоқлигидан ҳузур қиладиган даражага бориб қолишибди. Кўчада тизза бўйи чанг, ахлат, оҳ-оҳ, озодалигини қаранг, деб мақтанишади. Дарахтлар сувсизликдан қурий бошлаган. Оҳ-оҳ, гуркираб ўсишини қаранг, дейишади. Эркаклар маишатгаю аёллар ўйин-кулгига берилиб кетибди. Оҳ-оҳ, ишчанлигимизни қаранг, дейишади. Гапираверайми?

— Тезроқ бўлинг.

— Сеҳргар Иблис мактабларга ҳам тумшугини суқибди. Уқувчилар дарс тайёрламай қўйган. Кундалик думини гажак қилиб турган «2»ларга тўлиб кетибди. Битта қизалоқдан нега ҳеч бўлмаса биронта ҳам «уч» олмадинг, деб сўрасак, вой амаки, «уч»дан «икки» яхши, иккитасини қўшса «тўрт» бўлади, дейди. Муаллимлар ҳам шунақа ишەқмас бўлиб қолибдики, синфга кирганда нуқул ухлаб ўтиришармиш. У хонадаги хуррак бу хонага бемалол эшитилиб тураркан. Ўйинқароқлик ҳам авж олибди. Битта мактабда муаллимлардан аёллар ва эркаклар футбол командаси тузилиб, аёллар эркаклар дарвозасига ўн саккизта тўп урибди. Бўлмаган гап, дейишибди эркаклар. Кўзбўямачилик қилдиларинг... Шунга қарамасдан, бу мактаб йил охирига бориб, ўзлаштириш 160, даволат 200 фоиз бўлди деб, ахборот берибди. Ёлғон, дея хулоса ёздик биз. Негаки, бир бола мактабга бир кунда икки марта бормайди. Мақтанчоқлик ҳам эви билан-да!.. Укам, мабодо уйқунг келиб қолгани йўқми?

— Нима? — дедим ҳушёр тортиб.

— Кўзларинг юмилиб кетяпти, — деди-да, Нарӣ Бери негадир кулиб қўйди.

— Мен... келтирган фактларингизни чайнаб ҳазм қилаётувдим, — дея ўзимни оқлаган бўлдим. Нега десангиз, чиндан ҳам шу пайтда уйқу элта бошлаган эди.

— Давом этаверайми?

— Қулоғим сизда.

— Йўқ, яхшиси, укагинам, мана бу актлару мана бу газеталар билан ўзинг танишиб чиқа қол. Айтган бошқаю кўз билан кўрган бошқа, шундай эмасми? Мана, районда чиқадиған газетадан бир дастасини олиб келдим. Мақтанчоқлик касали афтидан газетадан бошланганга ўхшайди.

— Йўғ-э? — дедим ишонқирамай.

— Ма, ўқи, ёки ўзим ўқиб берайми?

Газеталарнинг ҳаммасини ўқиб чиқишга тоқатим етмади. Масала равшан. Сеҳргар Иблис ўша атрофнинг яккаю ягона ҳоқими бўлиб олиб, билганини қилибди. Мақтанчоқликнинг бундан юқори босқичи бўлмаса керак. Шартта ўрнимдан туриб, Қалпоқчамни бошимга кийдим-да, оёқни қўлга олиб, заҳарланган даҳага югурдим. Яхши бидамани, дангасанинг қонидан ачиган зардобнинг, мақтанчоқникидан кир совун кўпигининг ҳиди келади. Буни мен, гўринг тўла нур бўлгур устозимнинг лабораториясида ишлаб юрган пайтларимда қайта-қайта текшириб кўрганман. Лекин иккови қўшилганда қанақа ҳид беришини синовдан ўтказмаган эканман. Шоф Тол даҳасига бориб ана шуни бир аниқлаб, шунга лойиқ дори ишлатиш ниятида, ҳозир айтганимдек, оёқни қўлга олиб жадал бораётган эдим, тўсатдан... Иблис билан бўладиган учрашувларимиз ҳаммиша тўсатдан бўлади эди, ҳа-ҳа, тўсатдан йўл чеккасидаги шохлари синган қари чинор ортидан менга, фақат менгагина таниш бўлган қўланса ҳид анқиб қолди. Иблис шу ерда, деб ўйладиму бошимдан қалпоқчамни олиб, қалпоқчам борлигини унга ҳеч қачон сездирмаганман, чинорни айланиб ўтдим. Наша чекиб, ёки кўкнори каплаб маст бўлиб олгач, хаёл отига миниб, чайқалиб ўтирадиган қари бангиларни ҳеч кўрганмисиз, Иблисни мен худди шу аҳволда учратдим. Пешонасидаги тириш яна ҳам қуюқлашибди. Юзидаги эт энди бутунлай тугаб, жағ суякларни паққос очилиб қопти. Кўзларини юмган қўйи чайқалиб, хиргойи қияпти:

Сарқитлардан жамулжам бўлган Иблисман,
Қаҳрли, кўзи қонга тўлган Иблисман.
Гўзаллик боғини пайҳон этиб бу дам,
Яхшилик гулин юлиб олган Иблисман.

Ҳали унча яқинига ҳам борганим йўқ эди. Хиргойисини тўхтатиб, бир кўзини хиёл очди-да:

— Ақромиймисан? — деб сўради илондек вишиллаб.

— Ушаман, — деб қўйдим.

— Тағин нега келдинг? — Иблис иңқиллаб ўрнидан тура бошлади. Хайрият тугабди, бутунлай тугабди, деган фикр ўтди бошимдан, — икковимиз қўл қўйган шартномага кўра бу атроф менга теккан эди-ку? Бу ерда ўзимга чиройли макон қуриб олувдим. Қара, анови қарта уйнаб ўтирган сўлақмондай йигитларни, ҳаммасини дангаса қилиб қўйганман. Анави мақтанчоқларни кўряпсанми, булар ҳам менинг аскарларим энди. Тегма уларга, шартномани бузсанг, кўзингни ўйиб оламан.

— Қанақа шартнома? — дедим ҳайрон бўлиб.

- Анови куни қўл қўювдинг-ку?
 - Қўл қўйганим йўқ.
 - Қўйгансан.
 - Қўйганим йўқ деяпман! — аста-секин устига бостириб бора бошладим. Иблис вишиллаб тисарилишга тушди. Шу пайтда қўллари қалтираб, жағлари оч бўриникидек тақиллаб кетди.
 - Бу районни менга бермайсанми?
 - Йўқ!
 - Билиб қўй, яна севгилингни олиб қочиб кетаман.
 - Энди олиб қочолмайсан.
 - Устингдан аноним уюштираман.
 - Ушанингдан ҳам қўрқмайман.
 - Фуқарони сенга қарши қилиб қўяман.
 - Ҳозир бўғаман сени! — жаҳл билан устига ташланган эдим, худди сувга сакраган бақадек қорним билан ерга тушдим. Иблис яна йўқ бўлиб қолди. Хайрият, атрофда ҳеч ким кўринмайди. Бўлмаса, сувсиз ерда чўмилаётганимни кўриб, устимдан роса кулишган бўлармиди. Турасолиб, устозимнинг сандиқлари беркирилган ертўлага югурдим. Раҳматли дангасалик билан мақтанчоқлик қўшилганда пайдо бўладиган касалликни даволайдиган томизғи, тутатқи дорилардан бошқаларга қараганда мўлроқ тайёрлаб кетган экан. Томизғисига тегмадим-у, тутатқисини олиб, заҳарланган мавзе устидан уч кун тутатдим. Тўртинчи куни натижасини текширгани бориб, энг аввал елкасига уч дангасани миндириб келган қариянинг эшигини қоқмоқчи бўлувдим, тўсатдан эшиги шарақлаб очилиб кетди. Қўлида анави кунги кўрганым катта портфель, қариянинг ўзи чиқиб келаётган экан.
 - Елкангиздаги... ўғлингиз қани? — деб сўрабман денг, ассалому алайкум дейишнинг ўрнига.
 - Ишга кетган, — деб қўйди қария.
 - Келингиз-чи?
 - Ҳовли супуряпти.
 - Набирангиз қаерда?
 - Мен тургунча боғчасига кетиб қопти.
 - Узингизга йўл бўлсин?
 - Профессор Акром Акромиёга раҳмат айтгани боряпман.
- Бир хаёлим ўша Акром Акромиё менинг ўзим бўламан, дейин ҳам дедим-у, йигит кишининг камтар бўлгани яхши деб ўйлаб, индамай қўя қолдим.

XXXIX БОБ

Тўйга, тўйга, тўйга!

Болалигимда бахт ҳам, бахтсизлик ҳам қўшалок бўлади, деган гапни кўп эшитардим-у, ўша пайтда болалик қилиб мазмунига яхши тушунмас эканман. Бордию тушунганимда ҳам нима қилардим, тўғри эмасми? Бахт билан бахтсизликнинг фарқига бормаганингдан кейин тўйиб қовун единг нимаю қулоғингнинг тагига шاپалоқ единг нима, унисиниям, бунисиниям бир тўйиб ухласанг, унутасан-қўясан. Кечирасиз, бошқа ёққа «ўтлаб» кетдим шекилли. Аслида мен сизга қоронғи тунларим ортда қолиб, чарақлаган кунларим бошланаётганлигини айтмоқчи эдим. Ҳеч жаҳонда йигит томонга қиз тарафдан совчи келганини эшитганмисиз? Ўзим ҳам эшитмаган эдим. Бугун эрталаб менга совчи келди. Йўқ, кулманг, рост айтяпман. Яна кимдан денг, севган қизим Гу Лидан, Гу Лидан! Гу Лидан! Гу Лидан! Хафа бўлманг, буни мен бутун дунё эшитсин, деб атайлаб тақрорляпман. Яхшиси, ҳаммасини бир бошдан бошлай қолай. Уёғини суриштирсангиз, бу қувончимни сизга айтмай, кимга ҳам айтардим.

Воқеанинг бисмиллоси эрталаб Гу Ла холам оёғимдан тортқилаб уйғотишидан бошланди. Биласиз, уйқум кўрғур қаттиқ. Гоҳо қулоғимнинг остида гумбурлатиб замбарак отишса ҳам уйғонмайдиган одатим бор. Бу гал ҳам шунақа бўлди шекилли. Гу Ла холам оёғимдан тортиб водопроводнинг тагига судраб кетаётганида уйғондим.

- Қаёққа оборяпсиз? — дедим кўзимни очиб.
- Сувга пишмоқчиман, — деди холам нафаси қисилиб, — вой, болагинам-ей, уйқунг бирам қаттиқки, уч соатдан буён овора бўламан-а! Тур, тезроқ ювин. Худо хоҳласа, бахтинг кулиб боққанга ўхшайди.
- Нима бўлди ўзи?

— Аввал ювин, кейин айтаман. Ювиқсиз одамга айтиладиган гап эмас, тез бўл!

Кўз юмиб очгунча бет-қўлимни ювиб, каравотга чордона қурдим. Кеча кечқурун Гу Лихоннинг ота-оналари бизникига вакил жўнатишибди. Бугун холажоним ҳеч ёққа кетмай турсин экан. Қизнинг ота-оналари келиб мен билан Гу Лихон хусусида гаплашиб олмақчи эканлар. Қизлари, тегсам ўша мени Сехрли Иблис чангалидан қутқарган паҳлавон йигитга тегаман, бўлмаса бу дунёдан тоқ ўтаман деб, совчиларни қайтараётган эмиш. Умуман, соғлиғи ҳам яхши эмас эмиш. Меҳрибон ота-она яккаю ёлғиз қизининг ҳаётини сақлаб қолиш учун ҳа, майли, тақдири қўшилган бўлса, ўша йигитга бера қолайлик, дейишибди. Биз тарафдан совчи бормаётганлиги сабаб, тоқатлари тоқ бўлиб, ўзлари келишга қарор қилишибди.

— Керак эмас, — дедим ҳовлиқиб ўрнимдан туриб.

— Нега ундай дейсан, тойлоғим, — ҳайрон бўлди холажоним, — ё кўнглинг совуб қолдими?

— Холажон, ўлсам ҳам ўшани дейман. Фақат уларни овора қилмайлик. Совчиликка ўзингиз бора қолинг.

Холажоним мийиғида кулиб, бошини сарак-сарак қилди.

— Ўша шаддод қиз роса қийнаган, тўғрими?

— Тўғри, холажон.

— Кечалари оҳ чекиб, тўлғаниб чиқардинг.

— Бунисиям рост.

— Болагинам, энди навбат бизга келди. Қизи борнинг... йўғ-е, ўғли борнинг нози бор деганларидек, дарров хўп демаймиз. Қиз бола... йўқ, йигит киши дарров кўнақолмаслиғи керак, ўзини сипо тутиши зарур. Ўлиб турган экан, бир марта борганимиздаёқ хўп дея қолишди, дейишса қизнинг... йўқ, йигитнинг шаънига ёмон бўлади. Қўрқма, тўйни, худо хоҳласа, албатта қиламиз. Лекин жон болам, кичкина лавозимда эмассан. Мавқеимизни ҳам ушлаб туришимиз даркор. Тўйгача мен нима десам, шуни қиласан. Энди тур, болам, бозорга бориб, ул-бул олиб кел. Тагин дастурхони қуруқ экан, деб устимиздан кулиб кетишмасин.

Бегона юртда бошингни силаган аёл онангдан ҳам азиз бўлиб қоларкан. Холажоним ҳам шундай. Гапини икки қилолмаيمان. Тўрва халтани кўтариб, бозорга жўнадим. Юким оғир бўлиб қолса, қайтаётганда кўтаришиб келар, дея синглим Му Тининг саволлар сақланадиган халтасининг оғзи очилиб кетди:

— Ака, энди тўй бўладими?

— Албатта бўлади.

— Тўйда менга янги кийимлар олиб берасизми?

— Хоҳлаганингча.

— Ака, тўй куни мен қаерда ўтираман?

— Келинойингнинг ёнида.

— Келинойим чиройлими?

— Жуда ҳам.

— У мени уришмайдими?

— Ҳечам.

— Тўйдан кейин келинойим мен билан ётадими?

— Икковимизнинг ўртамизда ётади.

— Эртак айтиб берадими?

— Айтиб берса керак.

— Ака, тўйимизга Гул Саф деган қиз бор-ку, ўшани айтмаймиз. Акасига келин олишганда мени айтмаган. Ундан кейин, Ола Кўз деган бола бор-ку, ўшаниям айтмаймиз. Кўчага чиқдим дегунча мушук бўлиб миёвлаб, мени қўрқитади. Ака?..

— Нима дейсан?

— Тўйдан кейин келинойим чақалоқ туғиб берадими?

— Шунақа бўлса керак.

— Иккита туғадими ё битта туғадими?

— Қайдам.

— Айтинг, иккита туғсин. Биттаси қиз, биттаси ўғил бўлсин. Қизини сочига лента тақиб, ўзим ўйнатиб юраман, хўпми?

— Хўп.

— Ака, тўйдан кейин келинойимни олиб, ўзингизнинг мамлакатингизга кетиб қолмайсизми?

— Кетмайман.

— Кетсангиз-чи?

— Кетсам, сен билан Гу Ла холаминиям олиб кетаман.

— Ракетада учамизми?

— Шунақа бўлса керак.

— Ракета газ чиқарадими?

— Қайдам.

— Мен газнинг ҳидини жуда ёмон кўраман. Кўзимдан ёш оқиб кетаверади. Ака, кўзёши қаёқдан пайдо бўлади?

— Кўп гапиргандан...

Му Ти яна икки юзу элликта савол бериши ҳам мумкин эди-ю, бозорга етиб қолдик-да. Қайтаётганда савол бермасин деб атайлаб йигирма метрча олдинда келдим. Келсак... совчилар аллақачон ташриф буюришган экан. Бир-биримизни дарров танидик. Қизлари йўқолиб қолганда соқчилар идорасида, Гу Лини Иблис беркитган жойдан қутқариб келган куним ҳовлиларида учрашган эдик. Ғалати бўлиб кетдим. Оёқларим каловланиб қолди. Хайрият, ўзимни йўқотмадим. Бўлажак куёв қайноаси билан қайноасига қандай салом берса, мен ҳам ана шундай қилдим-да, ичкари ўтиб кетдим.

Одам боласи жуда ғалати бўлар экан. Ўзи ҳақидаги гапни ўзи йўқ пайтда қандай айтилишини билгиси келаверар экан. Бунинг устига, ўзингиз яхши биласиз, Қалпоқчам қўлга теккандан буён гап пойламасам туролмайдиган бўлиб қолганман. Кўзга кўринмайдиган бўлиб олиб, секин ёнларига кирдим. Мунозара поёнига етай деб қопти. Яна бир неча дақиқадан сўнг битим ҳам тузилса ажаб эмас. Гап навбати холажонимга кепти:

— Энди... бир нарса дейишимиз жуда қийин, — деяпти холам қошларини чимириб, кампирларга хос бир таманно билан, — ўғлим катта лавозимга кўтарилиб кетгандан буён, ҳой сингил, ишонасизми, ҳар қизлардан совчи келяптики, отаси министру онаси боғчага мудир эмиш. Худонинг берган куни аҳвол шу. Баъзи кунлари совчилардан қочиб, эшикни беркитиб, томга чиқиб ётапмиз... Яна тагин тақдир билади... Биттаси денг, ҳой сингил, ё тавба, дангиллама иморат, энгил машина, книжкада пулимиз бор, ҳаммаси куёвга аталган, дейди-я. Қанақа замонларга қолдик ўзи! Яна тагин ўғлимнинг ўзи билади...

Энди гап навбати бўлажак қайнонамга тегди:

— Опоқижон, ундай деманг, бошингизга урасизми, ўша бетайин қизларнинг молу дунёсини. Йигит кишининг моли ерда, худо ўзига берсин. Машойихлар, тенги чиқса бир коса сув билан сўратиб бер, деган эканлар. Худога шукур, биз ҳам элдан кам эмасмиз. Қизимизни ҳам яхши биласиз. Икки йил уйингизда квартир бўп турган. Нима қилайлик, қалбида муҳаббат гули ғунчалаб қопти. Ҳой опоқижон, ўғлингизнинг ҳам қизимда кўнгли бор. Кўнгли бўлмаса, Сеҳргар Иблиснинг маконига бориб, уч кечаю уч кундуз қилчобозлик қилармиди. Хўп дея қолинг, хўп демасангиз, остонангизда ётиб оламан.

— Шундай дейсиз-у, сингилжон, ҳали биз тўйга тайёр эмасмиз-да, — луқма ташлаб қўйди холажоним.

— Худо хоҳласа, сизларни ҳечам уринтирмаймиз, — қасам ичгандай бир оҳангда деди бўлажак қайнонам.

— Ҳали... куёвнинг сарполари ҳам тайёр эмас.

— Ўзимиз қиламиз, деяпман-ку!

— Бари бир қизга ҳам ул-бул нарса олишга тўғри келади.

— Ҳеч нарса керак эмас. Икки сандиқ қилиб ўзим тайёрлаб қўйганман.

— Тўй жўнатишга ҳали-бери қўрбимиз етмайди, деб қўрқаман.

— Вой, опоқижон-ей, ҳалидан буён нима деяпман. Ҳаммасини ўзимиз қиламиз. Худога шукур, куёвингиз илғор қовунчи. Утган йили мукофотга ўттиз икки дона қовун олдик. Пули нақд иккита тўйга етади-я! Ҳой, дадаси, гапирсангиз-чи!

— Бари бир сенга етказиб гапиролмайман, — деб қўйди бўлажак қайнотам. Умуман, у ҳам менга ўхшаб жуда камгап одам экан. Келганидан буён дастурхоннинг попугини ўйнаб, бошини ҳам қилиб ўтирибди. Уятчанлигини айтмайсизми, худди менинг ўзгинам-а. Куёв билан қайнотанинг тупроғини бир жойдан олади деганлари шу бўлса керак-да.

Холажоним, бари бир, ён бермай туриб олди. Шошилиш ярамайди, буни умр савдоси дейдилар, қариндош-уруғлар билан биз ҳам бир маслаҳатлашиб кўрайлик, деган жавобни қилди. Қариндош-уруғ эмиш, бу дунёда унинг учинчи синфда ўқийдиган синглиси Му Тидан бошқа яна кими бор экан, ҳеч ақлим етмайди. Эртасига ҳам, индинига ҳам жавоб шунга яқинроқ бўлаверади. Юрагим тарс ёрилиб кетай деди-да. Худди беркинмачоқ ўйнаётган болаларга ўхшаймиз. Қаерга яширинганини биламиз-у, аммо ўйин шартини бузмаслик учун, атайлаб топа олмаётгандек бўлиб кўринамиз. Бир ой деганда холажоним андак юмшаб, майли, ёшлар бир учрашсин, юлдузи юлдузига тўғри келса, тақдирдан қочиб бўлармиди, деди.

Қизик, учрашув белгиланган куни аллақандай беҳаловат бўла бошладим. Кўришиб юрган бўлсак, қиз аллақачон розилик бериб, ширинликка интилган чақалоқдек ўзи менга талпинаётган бўлса, нега энди бу юрак қўрғур темирчининг босқонидек гурсиллаб уриб қолди экан. Учрашувимиз руҳий беморлар шифохонасининг орқасидаги катта гулзорда бўлиши керак эди. Узоқ кутмадим. Гулзор

чеккасига енгил машина келиб тўхтади. Икки аёл бирин-кетин тушди-да, бирови оппоқ шоҳиларга ўралиб, бамисоли сув париларига ўхшаб кўринаётгани мен томонга юра бошлади. Бу севгилим эди! Зим-зиё тунда тўсатдан чарақлаб офтоб чиқиб, атроф қандай ёришиб кетса, ҳозир ҳам шундай бўлди. Олам чароғон нурларга лиммо-лим тўлиб кетди. Нурлар ичида оппоқ бўлиб очилган атиргул сузиб келмоқда эди. Ўзи билан дунёдаги барча гулларнинг маст қилувчи хушбўй атрини олиб келаётгандек.

— Акротий!

— Гу Лихон!

Бир-биримизга тикилишиб қолдик. Бирдан оғзимизнинг таноби қочиб, жилмайишга ўтдик. Бунақанги пайтда навбатдаги қадам қанақа бўлишини билмас эканман. Югуриб бориб, қўлидан ушлашим керакмиди, ишқилиб, билмас эканман-да. Баттароқ илжая бошладим. Қизнинг гул-гул яшнаб турган юзига аллақандай соя қўнгандай бўлди. Узун киприклари пирпирлаганини кўрдим. Бодом қовоқлари осилиб туша бошлади. Бошини эгиб олди.

— Мен розиман, — дедим нима дейишимни билмай, — майли, уйлансам уйлана қолай.

— Кимга?! — қиз бошини кескин кўтарди.

— Кимга бўларди, сизга-да.

— Вой, менга нега уйланар экансиз?

— Ахир ўзингиз совчи юборибсиз-ку. Ота-онангиз, холаю тоғаларингиз... роса қатнашди.

Севгилимнинг қоп-қора кўзларида алланарса чақнагандай бўлди. Юзидаги ҳалиги кўланка тугунчага айланди, садафдек оппоқ тишларининг бир-бирига урилганини эшитдим.

— Ҳеч қачон совчи юборган эмасман.

— Юборгансиз. Ўзингиз учрашувга мендан розилик сўрабсиз-ку.

— Ҳечам-да! — Гу Лихоннинг гилосдек чиройли лаблари хунук тортилди. Кўзидаги гулга қўнган шудрингдек йилтираб ёш томчиси кўринди. — Ўзим ишлайдиган касалхонага ўтиб кетаётган эдим. Нарн туринг, кечга қоляпман.

— Гу Лихон!

— Нарн туринг деяпман!!

Шундай деди-да, ёнгинамдан ўтиб, тушиб келган машинаси ҳў нарида турган экан, бориб ўтириб олди. Ҳазил қилаётган бўлса керак деб ўйлаган эдим, чинга ўхшайди. Машина жўнаб кетди. Атрофни қоронғулик қоплагандек, бир дақиқа чамаси ҳеч нарсани кўролмай қолдим. Ишни бузиб қўйганга ўхшайман. Ҳа-ҳа, дея машинам турган томонга қараб телбаларча югура бошладим, сенсиз дунём қоронғу бўлади, сен менинг қуёшимсан!

Хайрият, шофёрим воқеани кузатиб турган экан.

— Уларнинг... машинаси қаёққа кетганини билдингми? — дедим энтиқиб.

— Билдим.

— Қувсақ ета олампизми?

— Бўлмасам-чи.

Аллақачон шаҳар ташқарисига чиқиб олишибди. Йўлнинг кенгроқ жойидан қувиб ўтдигу машинамизни кўндаланг қилиб, олдини тўсдик. Ҳали шошганимдан севгилимга аталган бир кучоқ гулни машинамда қолдириб кетган эканман. Ушани олиб, олдиларига тушиб бордим. Ёнида ўтирганлардан уялмадим ҳам. Гу Лихон, ҳазил қиламан деб, қовун тушириб қўйдим шекилли, биласиз-ку, шунақа одатим бор. Агар мени мана шу машинанинг филдираклари остида ўлишимни истама-сангиз, бир минутга тушинг, узримни айтай, дея ёлбордим. Ёнида ўтирган аёл эсликкина экан, секин туртиб:

— Туша қол, — дея шивирлади.

Машинадан тушаётганда яна олам чарақлаб кетди. Осмондаги қушчалар қўшиқ бошлаб юборгандек бўлди. Бутун дала сакраб ўйинга тушаётгандек. Ҳазилингиз курсин, дея шивирлади қулоғимга. Қулоғим ловуллаб ёниб кетди. Эгилиб, оёғини ўпмоқчи бўлувдим, сочимдан тортиб, уят бўлади, деб қўйди. Мен ё бор эдим, ё йўқ эдим. Икки қўлимга кўтариб олиб, гир-гир айланар эдим. Осмон айланарди, ер айланарди... Биз ё бор эдик, ё йўқ эдик. Бахт деб аталмиш илоҳий бир тўлқин ичида эриб кетган эдик.

— Гу Лихон!

— Акротий!

— Розимисиз?

— Розиман, Акротий...

Эртасига томонлар яна бетараф жойда учрашиб, тўй кунини белгилашди. Йигирма саккизинчи август, эсингиздан чиқмасин, йигирма саккизинчи деяпман! Эй, вот-вот карнайчилар, йиғлоқи сурнайчилар, така-тум ноғорачилар, барча-барчангизни таклиф қиламан. Акротийникига тўйга, тўйга, тўйга!!!

Эй, жажжи синглим Му Ти, атлас кўйлак сеники! Эй, холажоним, дока рўмол сизга. Эй, дўстларим, нимаики топган бўлсам, ҳаммаси сизга. Тўйга, тўйга, тўйга!!!

XL боб

Иблис қўлга тушди

Икки кун бўлдики, Қалпоқчам йўқ бўлиб қолган. Юрагим тўла ғашлик, ваҳима. Худди, ёвуз душман олдида қуролсиз қолган аскардек ожиз сезялман ўзимни. Наҳотки, бутунлай кетиб қолган бўлса, наҳотки буюк ишларимни якунлаётганимда ёнимда туришни истамаган бўлса! Ахир унинг сўнгги ёрдамига ҳам жуда, жуда ҳам муҳтож эдим-ку? Қалпоқчам бўлмаса, бурним яхши ишламаса, устозим Ноёб дориларни васият қилиб кетмаса, мен ким эдим, эшакка қийшиқ миниб, уйма-уй газета тарқатиб юрган шунчаки бир йигитча эдим, шундай эмасми? Ақлимнинг ўн чандон кўпайиб кетиши ҳам, катта мартабага эришиб кетма-кет қаҳрамонликлар кўрсатиб, бегона мамлакатда доврўқ таратишим ҳам шулар туфайли эмасмиди?

Икки кундан буён юрагимга қил ҳам сиғмайди. Қовоғим айрон халтадек осилиб кетган. Қизиқ, идорадаги ходимларнинг кайфияти раҳбарнинг ранг-рўйига қараб белгиланаркан. Аввалги куни беҳад хурсанд эдим. Ҳаммалари шод, хуррам, ҳузуримга турли юмушлар билан кириб-чиқаётган сочи калта қирқилган қизларнинг юзида табассум, лабида кулги, адолатли ёрдамчим Нари Бери бўлса, кун бўйи оёқларини ликиллатиб аллақандай куйни хиргойи қилиб ўтирувди. Бугун бўлса, барчасининг бетида маъюслик ўрмалаб юргандек, бир-икки марта кулмоқчи бўлиб ҳаракат қилувдим, хунук тиржайган бўлсам керак, чой олиб кирган қиз тезгина юзини тескари ўгириб олди. Ичида, ҳов, важоҳатинг курсин, деган бўлса ҳам ажаб эмас.

Тушликка чиқмоқчи бўлиб турувдим, хонамнинг эшиги овозсиз очилиб-ёпилдию «Акромиё» деган овоз эшитилди. Юрагим ҳаприқиб кетди. Ширингина энтикиб олдим. Қалпоқчам қайтиб келган эди!

— Қаерларда юрибсан? — дедим худди тартибсизлик қилган ўғлини уришган отадек бир оҳангда, — бунақанги одатинг йўқ эди-ку?

— Сенинг фойдангни кўзлаб юрибман! Айтмабмидим, раҳбарликка ярамайсан деб. Айтганим келди. Кун бўйи бошинг мажлисдан чиқмайди. Мақтанганинг мақтанган. Бугун радиодан гапирасан, эртага телевизорга чиқасан, нима, газеталарнинг сендан бошқа иши йўқми? Ҳаммаёқни суратинг босиб кетди-ку!

— Уэлари қўйишмаяпти-да.

— Мақтанчоқ бўл, эви билан бўл-да.

— Мақтангим келса нима қилай, ахир, — ўзимни оқлай бошладим, — одам, масалан, елкаси кичиганда қашиёлмай туролмайди-ку?

— Сенга хушхабар келтирдим... Душманинг ўлим тўшагида ётибди.

— Иблисми?

— Мени бошингга кий-да, дарҳол ўша ёққа жўна.

— Узинг бошлаб борасанми? Йўл кўрсатасанми?

— Йўқ, бу гал бурнингдан фойдаланасан. Ишламасдан занглаб ҳам кетди шекилли.

Ростдан ҳам анчадан бери бурнимдан фойдаланмай қўйган эдим. Қадрдон Қалпоқчам ҳақ гапни айтганлигини ташқарига чиққанда билдим. Ҳид олиш қуввати жуда пасайиб кетибди. Ҳавони симирсам, ҳидлар аралаш-қуралаш бўлиб кетяпти. Болалигимда, қудуқдан ҳар куни сув тортиб туриш керак, бўлмаса суви қуриб қолади, деганларини эшитувдим. Бу гапни бурнимга ҳам алоқадорлигини ўша пайтда пайқамаган эканман. Сал қопти-ю, бурнимни ишдан чиқариб қўйишимга. Саратоннинг қайноқ ҳавосини ўттиз марта қайта-қайта симирганимдан кейин, хайрият, ҳид танлайдиган кўз илғамас машиначалар ишлаб кетди шекилли. Шаҳарнинг кунботар томонидан менга, фақат менинг ўзимгагина таниш бўлган қўланса ҳид анқий бошлади. Сўнг бу ҳид ип бўлиб бурнимга боғланди-ю, судраб кетди.

Шаҳардан чиқаверишда арақдан бўшаган шишалар сақланадиган омборхона бор экан. Узиям нақ бир гектарча келади денг. Шишаларни шунақанги уйиб ташлашибдики, тепасига унча-мунча альпинистлар ҳам чиқа олмайди десам, ишонаверинг. Сеҳргар Иблис шу ерда экан! Салқин бир жойга эски палосни тўшаб, устида чўзилиб ётибди. Игна ютган итдек ҳар замонда «инг, инг», дея овоз чиқаряпти.

— Яқинига бора кўрма, — шивирлади бошимда турган Қалпоқчам, — ўзингни сездириб қўясан.

— Хўш, нима қилай бўлмаса, — деб шивирладим мен ҳам.
— Узинг ҳам ақлингни ишлат-да! — жеркиб бергандек бўлди Қалпоқчам.
Умуман, унинг феъли бугун сал айниброк турибди. Аслида сўнги саволим ўринсиз бўлди. Бунақанги пайтда нима қилишим кераклигини ўзим ҳам билардим-ку. Устозимнинг сандиғи сақланаётган ертўлага қараб югурдим. Ҳаммаси ёзиглик экан. Шошмаётган бўлсангиз ўша ёзувни сизга ҳам ўқиб беришим мумкин.

«СЎНГИ БОСҚИЧ ДОРИЛАР:

Бу босқичда шаҳар фуқароси қалбидаги Яхшилик туйғулари авж олдирилиб, Ёмонлик микробини қабул қилмайдиган даражада кучайтирилди. Ушбу Ноёб дори таркибида дунёдаги барча Яхшилик, барча Гўзаллик, барча Нафислик, барча Ёрқинлик жамлангандирким, Ёмонликнинг ҳар қандай зарраларини эритиб юборгусидир. Халтачадаги кукуннинг тенг ярми тутатилсин. Шаҳар фуқароси икки кун давомида унинг дудидан нафас олиб турсин...»

Халтачани олдимۇ дарҳол ишхонамга югурдим. Нима бўлганда ҳам «Комитет» раисиман. Тобеларим билан маслаҳатлашиб олмоғим даркор. Фуқарони икки кун дудда ушлаб туришнинг ўзи бўлмайди. Бунинг учун махсус рухсат олиш керак. Раисман-у, лекин ҳоқими мутлақ эмасман. Фавқулдда мажлис чақирдим. Сеҳргар Иблис қиёфасини ўзгартириб орасизга кириб олиши ҳам мумкин эди. Ходимларни останада якка-якка ўтказиб, ҳар бирини ҳидлаб кўрдим. Эшикни ичидан қулфлаб ёнига пойлоқчи тайинладим. Кенгашимиз фоят махфий ўтиши, Иблисга қарши сўнги ҳамла тайёрланаётганлиги сир тutilиши даркор эди. Иблис ҳам анойи эмас. Гарчи ўлим тўшагида ётган бўлса-да, тай-ёргарлигимиздан хабар топса, у ҳам ҳаракатга тушиб қолиши мумкин. Ахир, ҳатто илон ҳам ўлими олдидан вужудидаги сўнги заҳарни пуркашга ҳаракат қилади-ку!

Кукунни тутатишни фуқаронинг дам олиш кунларида, шанба билан якшанбада ўтказадиган бўлдик. Бу фикр ўзимдан чиқди. Ўзиям ўша пайтда жуда ақлли бўлиб кетувдим-да. Соқчи ёрдамчимга икки кун дошириқ бердим. Хайрли ишнинг якунида кўпинча, ташқарига чиқармайсиз, деб топшириқ бердим. Хайрли ишнинг якунида кўпинча, бошлиқлар иштироқи зарурлигини билардим. Қишлоғимизда чўчкахона қурилганда унинг лентасини қирқишга колхоз раисини топиб келганларини эслаб қолдим. Гарчи мен ҳозир Ширин қовунлар мамлакатида иш кўраётган бўлсам-да, раҳбарлар кўнглини овлаш ҳамма жойда бир хил натижа берса керак, деб ўйлаб, шаҳар маъмуриятининг бошлиғи Нар Вонни сўнги гугуртни чақишга таклиф қилдим. Илтимосим бажонидил қабул қилинди. Кукунни тутатиш учун шаҳарнинг қоқ ўртасидаги текис бир майдон танланган эди. Ўша ерга фақат икковимиз бордик.

— Ишқилиб... портлаб кетмайдими, — чўчиброк сўради Нар Вон.

— Портламайди, — дея далда бериб қўйдим.

Бошлиқ бир оз иккиланиб турди-да, бисмилло, дея гугурт чақиб юборди. Тарашадан чиққан олов устига Ноёб кукунни ўзим сепдим. Бир-биримизга қараб маъноли жилмайишиб олдик.

— Ҳиди ёқимли экан, — деб қўйди Нар Вон.

Чиндан ҳам, тонг пайтида гулзорга кирганингизда қийғос очилган гуллар орасидан анвойи ҳидлар уфуради-ку, бамисоли ана шунга ўхшаб кетди. Ўзим ҳам тўйиб-тўйиб нафас ола бошладим. Ер бағирлаб бораётган тугун бир нафасда шаҳар юзини қоплаб кетди. Бамисоли ойдин кечаю ипақдек майин, инсон меҳридек илиқ, шудринг томчисидек тоза, қуёш нуридек ёрқин бир ҳолат пайдо бўлгандек. Гоҳо қуқиш, гоҳо тўлқин ураётган туманлик шаҳар устида икки кун сузиб юрди.

— Оҳ-оҳ, бу ёқимли ҳид қаердан келди экан!

— Қўшни, ҳавода асалнинг таъми борми?

— Дунёдаги барча хушбўй атирни шаҳримиз бошидан қуйишаётганга ўхшайди.

— Кимгадир яхшилик қилгим келяпти.

— Қўшни, бир маҳал сизни ранжитувдим, мени кечиринг, — мазмунидаги сўхбатлар ҳам қулоғимга чалиниб турибди.

Устозим иккимиз бошлаган буюк иш буюк натижа билан тугалланаётганини ўз кўзи билан кўриб турардим. Ўзимда йўқ шодман. Ишонсангиз, олам менга торлик қилаётгандек. Энг баланд тепаликка чиқиб «Ҳандалак шаҳридаги оғайнилар, сарқитлардан бутунлай халос бўлдингиз. Энди эркин яшайсиз, умрингиз ҳам узоқ бўлади», дея ҳайқиргим келарди. Аниқроғи, аллақачон ҳайқира бошлаган ҳам эканман.

— Ўпкангни бос, — маслаҳат берди Қалпоқчам, — ҳайқирингизга ҳали эрта.

— Нега эрта бўларкан? Асосий ишни бажариб бўлдим, қўй, энди бир-икки кун яйраб олай.

— Иблис-чи?

— У энди ўлади, эҳтимол аллақачон ўлгандир ҳам.

— Акромий, азизим, чучварани хом санама. У ҳали-вери ўлмайди. Куч йиғяпти.. Оёққа турса, яна бошингга фалокатлар ёғдиради. Уни зудлик билан ушлаш керак.

— Ахир унда вужуд йўқ-ку, қандай қилиб ушлайман, нима билан ушлайман?

— Ақлингни ишлат.

— Э, меҳрибон Қалпоқчам, тўртинчи синф даражасида маълумоти бор одамнинг ақли ҳамма нарсага ҳам етавермайди.

— Профессорлик унвонинг бор-ку?

— Унвонга тил теккизма, жон ўртоқ, — дея жавоб бердим.

— Иблисни уйқусида ушлаш керак, қаерда ухлашини мен аниқладим.

— Ростданми?

— Онасининг қорнида ухларкан.

— Шижанинг ичидами?

— Икки кечаю икки кундуз кузатдим. Кун бўйи қаёқлардадир санқиб юради-да, кечга томон арақдан бўшаган шижалар омборхонасига бориб, кўздан йўқ бўлиб қолади. Аввалги куни бир бақалоқ шижанинг ичига кириб кетаётганини кўриб қолдим. Бугун эрталаб эса бошқа бир шижанинг ичидан чиқиб келаётганини кузатдим...

— Бўлди! — дея ўрнимдан туриб кетдим, — буёғига «Комитет» раиси сифатида ўзимнинг ҳам ақлим етади. Қалпоқчам, азизим, кел, яна бир ачомлашайлик.

Демак, дея мулоҳаза юрита бошладим, идорамга қайтиб, юмшоқ креслога ўтириб олиб, шижанинг ичида ухлар экан-да. Ундан одам боласи чидай олмайди-ган қўланса ҳид келарди, демак, бу ҳид айниган арақ билан ивиган сарқитли қоннинг қоришмасидан пайдо бўлаётган экан-да. Ана кашфиёту мана кашфиёт! Уни энди қўлга туширса бўлади. Бурним яна иш беради. Лекин тўхта, дея пешонамни ушлаб бир оз ўйланиб қолдим. Шаҳардаги шижаларнинг ҳисоби йўқ. Қайси бирини ҳидлаб чиқаман уларнинг. Бордию барча шижаларни тугатиб, битта ё иккитасинигина қолдирсам-чи? Ҳа, ҳа, шундай қиламан, худди шундай!

Яна махфий кенгаш чақирдим. Бошқа иложим йўқ эди. Бошлиқ сифатида, мана бундай қилинглар, дея бўйруқ чиқариб қўяқолсам ҳам бўларди-ю... лекин масалан, ўртоғим Ҳошимга ўхшаган палапартиш иш тутадиган йигитлар бўлса шундай қилиши ҳам ҳеч гап эмас эди... лекин мен анча пухта бўлиб қолганман. Кенгашнинг яхши томонида бири шуки, масалан, бирон ишнинг пачавасини чиқариб қўйсанг, айбни кенгаш қатнашчиларига тўнкаб тураверасан...

— Демак, арақдан бўшаган шижаларни гўм қилиш керак экан-да? — савол берди кенгаш қатнашчиларидан бири.

— Худди шундай, — деб қўйдим.

— Бўшамаганларини-чи? — деб сўради бошқаси.

— Уларниям!

— Ширинликлар қўйилган шижаларни нима қиламиз?

— Уларга тегилмасин, ичидан бадбўй ҳид чиқармайди улар.

Ичилмаган шунча арақни тўкиб, шижаларини синдирсак, унинг зарарини ким тўлайди, деган савол ҳам тушди. Комитет ўз бўйнига олади, дея ётиғи билан тушунтироқчи бўлдим-у, лекин ўйлаб қарасам, масаланинг нозикроқ томони ҳам йўқ эмас экан. Нар Вонга қўнғироқ қилиб, ундан рухсат олишга тўғри келди. Энди шаҳардаги шунча шижани қандай йиғиб олиш масаласи кўндаланг бўлиб қолди. Кенгаш чақирганим яхши бўлган экан. Бирин-кетин фойдали таклифларни ўртага ташлай берди-дар. Мен бу мамлакатга келмасимдан олдин мана шу шаҳарда шиша йиғиш бўйича бот-бот конкурслар ўтказилиб тураркан. Бир юз бешинчи мактабнинг ўқувчилари уч йил давомида конкурс ғолиби, деган шарафли номга муяссар бўлишибди. Ҳатто улар ўша пайтларда бўш шижаларнигина эмас, арағининг ярми ичилган шижаларни ҳам эгасининг қўлидан тортиб олиб ном чиқаришган экан.

Бир кечаю бир кундуз давом эттириш шарти билан умумшаҳар конкурси эълон қилинди. Манфаатдорликни ҳам йўлга қўйдик. Қайси мактаб ёки қайси бола шижани кўп йиғса, ўша мактаб ёки болага бир йил давомида текинга қовун ейиш ҳуқуқи бериладиган бўлди. Маъмурият бошлиғи Нар Вон барча магазин ва омборхоналар эшиги ланг очиб қўйилсин, шижани беркитган одам уч йилдан беш йилгача маъмурий жазога тортилади, деган кўрсатма ҳам бериб юборди. Умуман, бу ишга, болаларни жалб қилиб яхши қилган эканман. Натижаси кутганимдан ҳам аъло бўлди. Ҳалиги номини эслатиб ўтганим мактаб ўқувчилари чиндан ҳам бало экан. Ишга шунақанги муҳаббат билан киришдиларки, арақ юқи шижалар у ёқда

турсин, ҳатто шаҳарда ўн тўртта кашанда бор экан, ўшаларнинг қўлидаги нос шишаларгача йғиштириб кетишибди.

Шаҳарнинг ташқарисидаги 21 та экскаватор тинмай ер қазиб турарди. Бир кечаю бир кундузда ишни якунлагандек бўлди. Арақ ҳиди келиб турган шиша уруғи борки, ер қаърига кириб кетди... Шаҳарнинг тўрт даҳасига арақ ҳиди уфуриб турган тўртта йғирма литрлик шиша қўйишга буйруқ бердим ва ўша буйруқда ҳар шиша яқинига яширинча суратга оладиган телекамералар қўйилсин, ҳар бир камера ёнида махсус пойлоқчилар турсин, пойлоқчилар рақия орқали мен билан алоқада бўлиб, рухсатимсиз бирор ҳаракат қилишмасин, дея кўрсатиб ҳам ўтдим. Сехргар Иблис тунаш учун шу шишалардан бирига албатта яқинлашади, дея қаттиқ ишонар эдим. Лекин гап нимадалигини ҳеч ким билмасди. Комитет раиси жинни бўлиб қолганга ўхшайди, бўлмаса бунақанги пойма-пой буйруқлар беравермаган бўларди, деб ўйлаётганлар ҳам йўқ эмасди.

Ниҳоят эл ётар пайтда ўзим пойлоқчилик қилиб турган бўш шишалар сақланадиган шаҳар оямборхонаси ҳовлисини менга, фақат менинг ўзимгагина таниш бўлган қўланса ҳид қоплаб кетди. Сехргар Иблис пайдо бўлди. Ҳа-ҳа, худди ўшанинг ўзи! Одамнинг раҳми келадиган даражада мункайиб қопти. Назаримда юриб эмас, илондек судралиб келмоқда эди. Упка ҳам ишдан чиққанга ўхшайди. Хир-хир қилиб йўталиб ҳам турибди. Ҳовли ўртасида тўхтаб, худди уйини ўғри урган одамдек ҳайрат ва ваҳима ичида анча маҳал анграйиб турди. Ич-ичига ботиб кетган ёлкалари кўтарилиб тушаётгани шундоққина кўриниб турарди. Ҳовли ўртасига қўйганим йғирма литрлик шишага яқинлашиб, оғзини ҳидлаб кўрди. Бир эмас, бир неча бор ҳидлади. Ҳар гал ҳидлаганда, ҳалиги, эшак ўзи нам қилган жойни ўзи ҳидлаб, тумшугини осмонга кўтариб бурнини жийиради-ю, ана ўшанга ўхшаш қилиқлар қила бошлади. Кейин шошилиб, шишанинг ичига кириб кетди.

— Оғзини беркит! — шивирлади бошимда турган Қалпоқчам.

Ҳар эҳтимолга қарши резинка тиқин олиб борган эдим. Жонҳолатда ташланиб, шишанинг оғзини беркитдим. Резинка устидан клей тўкиб, тунука қоқоқ босдим. Ана шундан кейингина шишанинг ичига кўз ташлашга ботина олдим... Ё раббий, мен ҳозиргина кутиб турган қиёфа энди йўқ эди! Устозим лабораториясида шиша портлаганда биринчи дафъа кўрганим — қора соқоли ўсиб, кўксига тушган, тарвуздек дум-думалоқ қорни ирғиб чиққан, қовурғалари орасидан ичак-чавоғи кўм-кўк бўлиб турган, олакўз, катта бурун, йилтироқ пешонали махлуқ яна кўз ўнгимда намоён бўлди. Оташкуракдек ориқ қўллари билан аллақандай ҳаракатлар қияпти. Чиллашириқидек ингичка оёқлари тепиняпти. Бир нарсалар деб бақираётганга ҳам ўхшайди, шишанинг оғзидаги клей аллақачон қотган бўлса керак, овозини эшитолмаяпман.

— Қалпоқчам, — дея энтикиб кетдим, — ке, пешонангдан охирги марта ўпай!

— Йўқ, энди сенинг пешонангдан мен ўпаман! — деб қўйди қадрдоним, — дунёдаги барча Разолат, барча Ёмонлик рамзи бўлмиш Сехргар Иблисни қўлга туширдинг. Онасининг қорнига киритиб юбординг. Яхшилик Ёмонлик устидан мана, ғалаба қилди, қахрамонсан! Сени ўзим ўпаман!

XLI боб

Менга ҳайкал қўйганлари

Комитет идорасига одамлар эрталабданоқ тўлқин-тўлқин бўлиб ёпирилиб кела бошлади. Тунда бўлган воқеа аллақачон овоза бўлиб кетган, ҳатто шаҳар радиоси менинг рухсатимсиз эрталаб сўнги ахборот программасида жиндак тушунтириш ҳам бериб ўтган экан. Туни билан мижжа қоққаним йўқ. Иблис қамалган шишани каттароқ яна бир шишанинг ичига солиб, унинг ҳам оғзига резинка тиқиб, клейлаган эдим. Сутдан оғзи куйган қатиқни пуфлаб ичади, деганларидек, Иблисни қочириб юборишдан жуда қўрқардим. Қизиқ, шишалар ичига қаңча беркитсам, Иблис шунча аниқроқ кўриняпти, денг. Даҳшатли нигоҳини менга ханжардек тикиб ўтирибди. Қани энди, иложини топса-ю, чиқиб мени тилка-пора қилиб ташласа. Чиқолмайди энди. Негаки, ҳалигача ҳеч зот ўз онасининг қорнини ўзи ёриб чиққан эмас.

— Одамларга нима дей? — сўради адолатли ёрдамчим.

Уйқусираб турганим учун бирон фикр айтишдан ожиз эдим.

— Ҳўш, нима мақсадда келишибди ўзи?

— Оббо, укагинам-ей, — елкамга секингина уриб қўйди Нарн Бери, — наҳотки шуни ҳам тушунмаётган бўлсанг. Аввало сени, ўзларининг жасур халоскорини қутлашмоқчи. Сўнгра Порахўрлик, Тамагирлик, Ифвогарлик,

Манфаатпарастлик, Бюрократлик, Шухратпарастлик, Дангасалик, Мақтанчоқлик... ўзинг айтганингдек, ўн етти иллатдан ташкил топган Сеҳргар Иблисининг қиёфаси қандай бўлар экан, шуни бир кўрсак дейишяпти.

— Ўзингиз қандай маслаҳат берасиз?

— Менимча, ҳозирча Иблисни уларга кўрсатмай турганимиз маъқул.

— Нега?

— Афти жуда хунук экан. Бир хиллар кўрқиб, ўзидан кетиб қолиши мумкин.

— Ҳар қалай, одамларга бирор нарса дейишим керак-ку, ахир? Қаранг, эшик-деразаларни синдириб юборай дейишяпти.

— Бўлмаса, укагинам, ўзинг бирров чиқиб, кўриниш берақол.

Уйқусираб турганим учун ҳар қандай маслаҳатни ҳам қабул қилишга тайёр эдим. Эшикдан чиқишнинг иложи бўлмади. Дераза рафига кўтарилиб, кўлимни кўксимга қўйиб, тўпланганларга эгилиб уч бора салом бердим. Йиқилиб тушсам, қўлма-қўл кўтариб кетишларидан кўрқиб, тезгина орқамга қайта қолдим. Ташаккур эшитишдан кўра ҳам муҳимроқ ишларим бор эди. Энди Иблисни нима қиламан, кўмамизми, куйдирамизми ёки сайроқи беданани тўрқовоққа солиб, дарахтга илиб қўйганларидек, катта шишани баландроқ жойга чиқариб, бепул томоша ташкил қиламизми? Ана шулар ҳақида ўйлардим. Комитет аъзоларини йиғишнинг иложи бўлмади. Эшик олдида тўпланган одамларни ёриб ўтишнинг имкони бўлмаяпти, деб баҳона қилишди. Тавба, топган гапларини қаранг. Киргани кўрқаяпмиз, деб ростини айтиб қўя қолишса бўлмасмикин.

Хайрият, шаҳар маъмуриятининг катта-кичик раҳбарлари ташриф буюриб қолишди. Ўн беш чоғлича бор. Мени галма-галдан қучоқлаб, табриклаганларидан сўнг, шиша қўйилган хонага бошладим. Аввалига чўчинқираб туришди. Баъзи бирларининг лабига учуқ чиққанини ҳам бемалол кўриб турардим.

— Бай-бай-бай! — деди Нар Вон, орқасига тисарилиб, — афти ёмон хунук экан-э!

— Саркитнинг юзи чиройли бўлади деб ўйлабмидингиз? — луқма ташлаб қўйди бошқаси.

Буларнинг қолгани яхши бўлган экан. Мени қийнаган саволга ўзлари жавоб топишди. Умуман, раҳбарларнинг мияси ўзларига тобе бўлган фуқароникига қараганда ҳам тез, ҳам яхши ишлайди. Буни мен кўп синаб кўрганман. Сеҳргар Иблисни ҳозирча куйдириш ҳам, кўмиш ҳам керак эмас. Иллатнинг афти нақадар хунук бўлишини фуқаро кўриб, ўзича хулоса чиқариб турсин учун шаҳарнинг қоқ ўртасига ойнадан уй қуриб, шишани ўшанинг ичига қўйилсин, деган оқилона таклиф киритишди. Орадан уч кун ўтгач, шиша айтилган жойга қўйилди. Менга бари бир тинчлик бўлмади. Шухрат юки оғир бўларкан, қийналиб кетдим. Мухбирлардан қочгани жой тополмай қолдим. Ҳатто чет элдан келганлари ҳам саволга тута бошладилар. Кўпинча тилига тушунмайман. Таржимон ахтаришга тўғри келади: Охири, бўлмади. Никоҳ тўйимизга тайёргарлик кўришим керак, деган баҳона билан бошимга Қалпоқчамни кийиб, кўздан ғойиб бўлдим.

Бу шаҳарда тўйлар ғоят катта дабдаба билан ўтади. Аиниқса, менга ўхшаган обрўли йигитларнигина меҳмон дегани ёғилиб кетиши турган гап. Сиз қанақалигингизни билмайман-у, лекин мен ўлик чиққанга ўхшаб совуқ ўтадиган тўйларни ёмон кўраман. Қўш карнайлар чалиниб, ноғоралар гумбурлаб турганига нима етсин! Гу Лихон иккимиз менга абадулабад биркитилган машинада таклиф қоғозлари тарқатиб юрган эдик. Адолатли ёрдамчим Нар Вон бери бошқа бир машинада қувиб ўтиб, йўлимни тўсди.

— Оббо, укагинам-ей, — дея машинасидан тушиб, қулочини кенг ёзганча мен томонга кела бошлади, — бу дунёда бормисан ўзи?

— Борга ўхшайманми? — деб мен ҳам машинамдан тушдим.

— Бундай бир идорага кириб ўтай ҳам демайсан-а?

— Мен отпусадаман-ку?

— Машинангга жавоб бер. Шафёрга айт, келинболани олиб кетаверсин. Менинг машинамга ўтираман.

— Тинчликми?

— Тинчлиг-у, лекин идорага бир кириб ўтмасанг бўлмайди. Оббо, укагинам-ей, худди сувга чўккан тошдек йўқ бўлиб кетдинг-а.

— Қайнотамникида эдим.

— Тўйдан олдин бориб олибсан-да.

— Қовун узишайётган экан. Беш-ўн кун қарашиб юбордим.

— Қани, кетдик. Оббо акангни укаси-ей, ажойиб кунлар келди-да. Сезяпсанми, шаҳарда ғубор деган нарса қолмади. Худди ўзинг тайинлаб кетганингдек қилдик.

Отпусага чиқишим олдидан Сеҳргар Иблис тарқатган захарли микроблардан уёқ-буёқда беркиниб қолгани бўлса, кейинчалик авж олиб кетмасин деган фикрга бориб, Ҳандалак шаҳрини кир совуннинг кўпиги аралашган хлорли сув билан уч

устига, сизга ҳикоя айтавериб, ширали сўзларимнинг ҳаммасини тугатиб бўлганман. Тўсатдан наша элитган бангидек гаранг бўлиб қолдим. Одамларнинг мени табриклаб, айтаётган олқишларини ё эшитяпман, ё эшитмаяпман. Фақат уларга қараб, маъносиз илжайганимни ҳис қиламан, холос. Ҳайкал атрофига одам сиғмай кетибди. Бутун шаҳар бўлмаса ҳам, ҳар қалай, ярми кўчиб чиққанга ўхшайди. Маъмурият раҳбарлари ҳам шу ерда экан. Қай бири ўпди, қай бири қучоқлаб, бағрига босди, буниям эслай олмайман. Гу Лихонга кўзим тушиб қолди. Онаси билан бирга келишибди. Уларнинг ҳам қўлида гулдаста, бошқаларга кўшилиб, силкитишяпти. «Онаси» деган сўз тилимга келди-ю, негадир, ойижонимни эслаб кетдим. Оҳ, ҳозир шу ерда бўлармиди! Қайсар укаларим, тили ширин Муаттар синглим ёнгинамда туришса, қандай соз бўларди-я! Дадажоним-чи, мен бу ерда гулдасталарга кўмилиб, қувончдан маст бўлиб турган пайтимда у қоронғи хонанинг бир чеккасида маънос тортиб, мунғайибгина ўтиргандир! Лоақал мақтанчоқ ўртоғим Ҳошим бўлгандаям бир нави эди-я!

Ҳайкал устидан нуҳдек ёниб турган оқ чойшаб сидирилиб тушиб кетди. Энди уни сизга қандай таърифласам экан. Фотограф олиб келмабман, эссизгина, суратини олдирганимда, сизга ҳозир кўрсатган бўлардим... Устозим Дар Даражанинг бўйи мендан баландроқ, ёнгинасидаман, бир вужуддек қапишиб кетганимиз. Бошимда попукли қалпоқча. Юзим ҳандалакдек дум-думалоқ, носқовоқдек бурним кўксимга соя ташлаб турибди... Одам ўзининг ҳайкалини ўзи кўрганда худди ўзининг мурдасини кўргандек ғалати бўп кетаркан. Яна гарангсий бошладим.

Маъмурият бошлиғи Нар Воннинг сўзлари қулоғимга аранг киряпти. Анчагача нима тўғрисида сўзлаётганини ҳам англай олмай турдим. Фақат якунловчи қисмигина эсимда қолди.

...— шу муносабат билан буюраман:

а) ушбу ҳайкал профессор Дар Даража, профессор Ақром Ақромий ва Яхшилик рамзи бўлмиш Сеҳрли Қалпоқчаларнинг ҳайкали деб қабул қилинсин;

б) ҳайкал очилган ушбу кун, яъни йигирма еттинчи август Яхшиликнинг Ёмонлик устидан ғолиб келган кун сифатида ҳар йили байрам қилинсин ва бу байрамнинг номи «Яхшилик байрами» деб аталсин;

в) сарқитларни тугатишда, Сеҳрли Иблисни қўлга туширишда мислсиз қаҳрамонликлар кўрсатгани ҳисобга олиниб, профессор Ақром Ақромийга умрбод текинга қовун ейиш ҳуқуқи берилсин. Қовун билан узлуксиз таъминлаб туриш мажбурияти шаҳар савдо идораси зиммасига юклатилсин;

г) профессор Ақром Ақромий билан медицина ҳамшираси Гу Ли хонимларнинг эртага ўтадиган никоҳ тўйлари харажати шаҳар маъмурияти ҳисобидан бўлсин. Ва уни тартибли ўтказиш маданият бўлими зиммасига юклатилсин.

Нар Вон нутқини охирига етказолмади. Оломон гуриллаб келиб, мени қўлига кўтарди-да, урра, деб осмонга ота бошлади. Охирги марта шунақанги қаттиқ отдики ва ўзим ҳам шунақанги юқорилаб кетдимики, назаримда бошим осмоннинг шифтига пақиллаб теккандек бўлди. Кейин ипи узилиб кетган варракдек саланглаб қайтиб туша бошладим. Битта-яримта юлдузга урилиб кетиб, оёғимни синдириб олмай дея кўрқиб, кўзларимни чирт юмиб олган эдим, бир кун тушдимми, икки кун тушдимми, эҳтимол, бир ой тушгандирман, ҳали айтдим-ку, наша элитган бангидек гаранг эдим деб. Бир маҳал кўзимни очсам, якка ўзим чўзоққина бир хонада ётибман. Эрталабки пайт қуёш эндигина кўтарилиб келаётган бўлса керак, хонанинг ичи ёрқин нурларга тўлиб кетибди. Эшик қя очилиб, тирқишидан севгилим Гу Лихонга ўхшаб кетадиган бир қиз кўрқа-писа мўралай бошлади.

LXII 606

Онажоним бағрида эриб кетдим

... Кейин ҳалиги қиз менга қараб кела бошлади. Ҳамон чўчинқираб турибман. Ким бўлди экан, қаерга тушиб қолдим?

— Кечирасиз, — дедим бошимни кўтаришга ҳаракат қилиб. Лекин бошим оғир эди. Осмондан саланглаб тушаётганимда битта-яримта метеоритга уриб олган бўлсам керак, лўқиллаб оғриб турибди, — кечирасиз, мен профессор Ақром Ақромий бўламан. Сиз кимсиз?

Қиз анграйиб қолди. Мен сўзларимни яна такрорладим.

— Тавба, почтачидан профессор чиққанини энди эшитишим, — шундай деб қизгина зиппиллаганича чиқиб кетди.

Кейин... кейин, ҳў бирда икки йил ухлаб уйғонганимда хонамга катта-кичик докторлар ёпирилиб кирган эди-ку, худди ўшанга ўхшаш манзара такрорланди. Фақат ўшанда кирган докторларнинг елкасидаги халатлар бегимсўйди қовуннинг пўстига ўхшаб йўл-йўл эди. Ҳозир эса ҳаммаси оппоқ! Тавба, қаерга келиб қолдим экан?

— Хайрият, ўзингизга келибсиз, — деди докторлардан бири, — мени кўра-яписизми?

— Кўраяпан.

— Танияписизми?

— Ҳа.

— Кимга ўхшар эканман?

— Нарӣ Берининг хотинига ўхшаб кўриняписиз, — дедим атайлаб. Нега десангиз унинг сўроқлари менга ҳечам ёқмаётган эди. Доктор бошини чайқаб, орқасига тисарилди. Бошқаси яқинроғимга келиб, ўнг кўлини кўтарди:

— Кўлимни кўраписизми?

— Ҳа.

— Бармоқларимни-чи?

— Уларниям.

— Нечта экан?

— Юзтача бор, — деб бунисига ҳам атай кўрс жавоб қайтардим. Тўғри-да, қаршиларида Комитет раиси, Ҳандалак шаҳрининг қаҳрамони турганини билиб кўйишсин! Шартта ўрнимдан туриб, менинг машинамни чақириб беринглар, дея буйруқ ҳам бердим. Бир-бирларига маъноли қараб олишгач, бошларини ҳам қилганча, бирин-кетин чиқиб кета бошладилар.

— Лекин шундай бўлса ҳам, — дея қичқирдим орқаларидан, — барчангизни тўйга таклиф қиламан. Йигирма саккизинчи август, эсингиздан чиқмасин.

Худди шу пайта менинг ақлим гоҳ етиб, гоҳ етмайдиган яна бир воқеа юз бера бошлади. Коридор тарафдан ойижонимникига ўхшаш овоз эшитилди. Қаранг, одам юз йил йўқ бўлиб кетса ҳам онаизорининг овозини дарров танир экан. «Кўзини очдим, гапирдим», деётгани ва бошқа бир овознинг: «Сабр қилинг, ҳали алаҳсираб турибди, яна ўзидан кетиб қолиши мумкин», деётганини аниқ-равшан эшитиб турибман.

— Ойижон! — дея қичқириб юбордим.

— Болагинам! Ақромжоним! — эшик шарақлаб очилиб кетди. Ойижоним, ҳа, ойижонимнинг ўзгинаси! Кўзи тўла ёш, кучоғини кенг ёзиб кириб келмоқда. Бошим сал айланиб турганига қарамай, ўрнимдан туриб кетдим. Бир-биримизнинг кучоғимизга отилдик. Биласизми, одам боласининг бу дунёда кечирган энг бахтли, энг саодатли дақиқалари онасининг кўксига бош қўйганда бўларкан. Мен бахтли эдим! Ойижонимдан сигирнинг сути билан ўчоққа ёқилган таппининг ҳиди келиб турарди. Юзимни силаётган кўллари ҳамон дағал, жиққа ёшга тўлиб турган кўзларида куёш порлаб турибди. Ойижоним эди бў! Онаизоримнинг ўзгинаси эди бў!

— Ёт, болам, толиқиб қоласан! — деяпти.


— Ойижон, кўришганимиз яхши бўлди, — дейман энтикиб, — сизсиз, бари бир тўй менга татимас эди.

— Қўй, алжирама, жон болам.

— Рост айтаяпман, ойижон. Йигирма саккизга тўй. Гу Лихонга уйланыпман. Бутун харажатни...

— Қўй, мени кўрқитма энди, ётақол тойлоғим... Ёнгинангда ўтираман, ҳечам кетмайман. Эшакнинг устида ухлаб қолиб, жарга қулаб тушганингдан буён беҳуш ётибсан. Қирқ кун бўлди-я! Нақ юракларимни адо қилдинг, энди кўрқитма мени, ўзимнинг уйқучи ўғлим. Уйқуни бунча яхши кўрмасанг...

Яна эшик шарақлаб очилди. Остонанинг нариги томонида ҳовлиққан, энтиккан бир аҳволда укаларим Асқар, Акбар, булбулчадек сайраб юрадиган синглим Муаттар туришарди. Кирсақми, кирмасакми, дея иккиланишаётганга ўхшайди... Кейин, йўқ, кейинги воқеаларни яна бир учрашувимизда сўзлаб бераман.



ИЖОДНИНГ СОДИҚА ҲАМДАМИ...»



Зулфия. Тонг билан шом аро. Шеърлар. Гафур Ғулوم номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. Тошкент — 1985.

Яхши шеър мутолаа пайтида бизни эҳтирослар оламига олиб киради, ҳаёлимизни жунбушга келтиради, ўйга толдиради, курашга, ҳаракатга чорлайди. Уни ижодкорнинг ўзи ҳам азобланиб яратади. Шоира Зулфиянинг навбатдаги «Тонг билан шом аро» тўпламини ўқиганимизда ҳам шундай ҳолатни кечирамиз. Ундаги шеърлар фикримизни чархлайди, қалбимизни нурлантиради, кечаги кунимизни сарҳисоб қилиб, эртамызга буюк ишонч туғдиради.

Шеърят том маънода эрка, тинчликка, мустақилликка, бахтга, меҳнатга ташна инсоннинг виждон овози бўлиб келди. Бу санъаткорнинг қалқиб турган замон олдидаги бурчини чуқур ҳис эта олиши, инсоният ташвишларини ўз елкасига ола билиши, Ер юзидаги ҳар бир ҳодисага юракдан дахлдорлиги, бепарво ва эътиқодсиз бўла олмаслиги билан чамбарчас боғлиқдир. Зулфиянинг шеърлари худди мана шу нуқтаи назардан қадрли ва ибратлидир. У ижодкор сифатида ўз тақдирини жаҳон халқлари тақдиридан айри тасаввур қилолмайди, унинг дардидан азобланади, шодлигидан қувонади.

Зулфия Ер кurrasининг томири нотекис ураётганлигидан чексиз изтиробга тушади. Шоира жон куйдириб таъкидлаганидек, «Бу кун йўлларидан олов кўп, зор кўп» экан,

ҳақиқий ижодкор осойишта яшай олмайди. Зулфия ижоди мана шу йўллардаги олов ва зорларга барҳам бериш истаги билан тўлиб-тошгандир. Ҳақиқатан ҳам:

Бу нотинч она жаҳонда
Шу тонг йўлга кирди не сон-минг гўдак?
Кимнингдир илк йўли йўқолди қонда,
Ет, изғик, мудҳиш ўқ этди жувонмарг?

Шу боис Зулфия бор овози билан «Жаҳонда ўқ товшин ўчганин билмай, дунёдан тинчгина кўз юмади ким?» дея нидо қилади. Зеро, ҳақиқий ижодкорнинг асари миллий доирадан чиқиб, умумбашарий аҳамият касб этгандагина кашфиёт даражасига кўтарилла олади.

«Тонг билан шом аро» тўплами шоиранинг ҳақиқий ижодий жасоратидан далолатдир. Унинг номланишиёқ чуқур ва кўламли фалсафий маънони мужассамлаштирган. Инсоннинг тонгдан то шомга қадар (кенг маънода эса умри давомида) кечирган зиддиятли туйғуларини, дунё ташвишларидан холи бўлмаган безовта қалб соҳибининг изтироблари, ўйлари, юксак гражданлик ва фаол курашчанлик руҳи туркумининг ички мундарижасини белгилайди. Аслида, тонгга мурожаат, умуман, тонг образи шоира ижодининг ибтидосида бошланган бўлиб, бу тўпламда янада вояга етган, сайқаллашган, мукамал ва мураккаб босқичга кўтарилгандир.

Китобдаги шеърлар билан танишар эканмиз, «Бу элда кексармас ва чўкмас кўнгиллар бахтини бахтим деб нақш» этиш Зулфия ижодининг бош мезонига айланганлигига яна бир қарра ишонч ҳосил қиламиз. Шоира халқнинг «буюк дарди ва қудрати»ни куйлашни асосий мақсади деб билади. Чунки ҳамма нарсада одамлар қалбини ларзага солаётган ҳаётий масалаларни кўради ва уларни умумбашарий ғоялар билан боғлайди. Масалан, баҳор тўғрисида шоиранинг ўзи ҳам, бошқа ижодкорлар ҳам кўп ёзишган. Аммо Зулфия тўпламдаги «Демак, баҳор келди...» сарлавҳали янги шеърда мутлақо кутилмаган оригинал умумлашмалар чиқаради:

На маъсуд ҳузур бу, ёруғ жаҳон бу,
Ер, Инсон баҳор-ла қовушган онлар.
Давлатлар!

Илтижо,
фармон,

исён бу:

Баҳор йўлларига сепмангиз қонлар,
Баҳор боқий келсин!..

Бу Ливан, Никарагуа, Гренада ва бошқа ўнлаб ҳақиқий баҳорга ташна мамлакатлардаги меҳнаткашларнинг изтиробларини ўз юрагидан ўтказётган инсоннинг кучли ҳайқирғидир. «Бахтлига ишонч, бахтсизга толе, элларга мангу севиш бахш этмоқ унинг (баҳорнинг — И. С.) абадий қонунини» экан:

Одамлар, ўлдирманг одамни отиб,
Баҳор каби қайтиб келмас одамлар!

Ушбу сатрлар ҳар қандай виждонли китобхонни хушёрликка чақиради, унинг қалбига эзгулик уруғини сочади. Она-Ернинг покизалиги, куррамизда баҳорнинг боқий бўлиб қолиши учун курашга отлантиради. Шеърда оҳанг пастдан юқорига, хабардан илтижога, илтижодан кескин талабга қараб ўсиб чиқади. Баҳорнинг боқий келишини исташ, уни барбод этиш инсоннинг муқаррар фожиаси эканлигини таъкидлаш шоиранинг «Кел, баҳор», «Гул қўшиқлари», «Салом, тансиқ баҳор» шеърлари учун ҳам хосдир. Умуман, тўпламдаги қарийб ҳамма шеърлар илгари сурилган ғоявий мотивлари жиҳатидан бир-бирини тўлдиради, бойитади, давом эттиради.

«Билгим келади», «Хушхоллик», «Кечир, ёшлик...», «Умрим карвони», «О, ижод...» каби шеърларида шоира ҳар бири бир олам бўлган, бир-бирига ўхшамган одамлар қалбига кириш учун нурдан йўл топиш ўзининг домий қисмати бўлиб қолганлигини, бу ижодкорга алоҳида хушхоллик бахш этишини, шу хуш кайфият ёр экан, элга «айтажак сўзининг поёни бўлмас»лигини мамнуният билан таъкидлайди:

Қони заррасида, томирида юриб,
Орагин уришин тўлқинин билсам.
Дилин ҳар зарбидан шеър йўғириб,
Ўзини ўзига намойиш қилсам...

Бу одамлар орзусини, дил ҳароратини эгаллашни, уларнинг айтмоққа тортинган сўзларини топишни, ўзига интиқ бўлган кишилар жароҳатига малҳам бўлишни, бунинг учун бир эмас, минг жонини фидо этишни истаган пўртанали юракнинг нур йўғрилган илинжидир.

Зулфия шеърларида кечаги кундан умуман розилик оҳанги кўп эшитилади. Чунки «соф ишладик, қувонч топдик ва кимгадир бўлдик дармон». Шунинг ўзи бир инсон учун етарли эмасми? Аммо ижодкор сифатида у ўтган кунларидан рози эмас. Сабаби «Битгандан мўл битмас ишим» дейди шоира. Ҳа, унинг лирик қаҳрамони бирор дақиқани бекор ўтказишни истамайди. Назарида ҳатто тун бекорчилик рамзи. Шунинг учун ҳам Зулфия очиқдан-очиқ «Тунни севмай қўйдим, ҳар тун узиб кетар умримдан бир зум» дея ҳайқиради. Аксинча:

Мен тонгни севаман,
Тонгдаги ўйлар
Мени одамларга кетади бошлаб.

Шоира тасвирида тонг толе, толе эса ҳаётдир. Ҳақиқий инсоннинг бир куни ҳам бекор, беиз ўтмаслиги керак. Чунки одамнинг «ҳар тонги бир варақ, ҳар шони элга толедан бир иншо, битта боб» экан, уни эзгу ниятлар ва хизматлар билан тўлдириш шарт. Шоира бу ҳаётни, унда кўрган-кечирганларини, шу тўфайли пайдо бўлган ранг-баранг ҳис-туйғуларини қўшиққа солишга интилади, бунинг учун иштиёқ, тинимсиз меҳнат билан завқли, сөхрли сўз излайди:

Бугун ҳам қўшиққа сололмай ҳалакман,
Афтдан жодули сўз қайда, мен қайда?

Тўпламнинг асосий ғоявий мазмуни «Саҳар мен билан...», «О, эртам, энг гўзал афсонам» каби шеърларида теран очилади. «Саҳар мен

билан» шеърисида шоира тонг-сахар зиммасига шу қадар кўп, ранг-баранг маъно юқини жойлаштирадики, беихтиёр санъаткорнинг топқирлиги ҳамда кашфиётига тан берамиз. Шеърнинг лирик қаҳрамони эрта саҳардан дил қулфини очиб, одамлар қалбига сафарга отланади, то шомга қадар улар билан бирга бўлади:

Бугун шом устидан ял-ял кулажак
То умр борица саҳар мен билан.
Ҳар кун менга саҳар тухфа этажак,
Халқим юрагига сафар мен билан.

Кўринадики, шоира учун тонг ҳам, йил фасллари — баҳор, ёз, куз ва қиш ҳам — даставвал инсондир. Бу фазилат Зулфиянинг илк ижодида бошланган бўлиб, эндиликда янада такомиллашган, беқиёс камолга етган, алоҳида куч билан жаранглаётган услубга айланган. Агар «тонг» гўдакка таққосланиб, уни асраш масъулияти ва мажбурияти янада оширилса, саҳий куз таровати шоира кўзига кексалар юзидagi кексиз ажинлар бўлиб кўринади, ёз — қўшиқ куйлагувчи бастакор, баҳор — эъзозга, асрашга ташна гўзаллик тимсолидир.

«О, эртам, энг гўзал афсонам» шеърининг лирик қаҳрамони эса эртанги куннинг янада гўзаллиги, баркамоллиги, фаровон ва мазмунга бойлигидан кексиз мамнун. Бу шеърда Тонг ва Шом образлари янги қирралари билан намоён бўлади, улар инсоннинг бутун умри мобайнида давом этиб келаётган яхшилик ва ёмонлик, кеча ва бугун ҳамда эртанинг узлуксиз бахслари тарзида талқин этилади: Бошланди тонг билан шом аро бу жонда пайдарпай Туйғулар ва ўйлар қоришиқ — шиддаткор бахслари.

«О, ижод...» шеърисида илгари сурилган ғоя ҳам юқоридаги фикрларга ҳамоҳангдир. Шоира ижодни сиртдан «умрининг эгови», «оромим рақибим», «тандаги зилзила» деб атаса ҳам, аслида усиз яшолмайди, бир умрга «ижоднинг содиқа ҳамдами» бўлиб қолишга қасамёд қилади:

Мисрага далалар нафаси шовуллаб кир-
маса,

Инсонлар юраги ловуллаб турмаса,
На давр,

на меҳнат,

на шодлик қаламни сурмаса,

Бир пулдир меҳнату

дарду шеър, тун ум-
ри.

Ҳа, бу бутун онгли ҳаётини тинимсиз ҳаракат билан ўтказаятган («Менга жуда мушкул яшашдан қониш»), «гафлат, ланжлик деган маккор қароқчи»лар билан олишувга умрини тиккан Зулфиянинг ҳалоллик ҳамда буюк эътиқод билан яшаётганлиги тўғрисидаги эстетик кредоси — ҳаётини программаси дейиш мумкин.

Тўпламнинг яна бир фазилати шоира «Сўз қудуғин тубига чўкиб...» халқимизнинг бадавлат тили хазинасидан янги-янги жавоҳирларни излаб топиши ва шеърларини оҳори тўқилмаган иборалар, сўз бирикмалари билан бойитишида кўринади. Зулфия тафаккур мезониди ўлчаб, истеъмолга дадил олиб кирган «маъсум мўъжиза», «тансиқ баҳор», «қаҳра-

мон қаҳри мунғаймай», «овозда оқиб», «тутмоқ мумкин ҳавони кўзга», «бахтнинг рухсори», «нажоткор садо», «толе наққоши», «муз ҳисли қафас», «кўпчибди тошлар», «жарангдор куртаклар», «ҳайрат бўронлари», «шафтоли ёноқ» сингари ўнлаб ибора ва бирикмалар шулар жумласидандир. Булар шоира шеърларидаги маънодорликни оширган, образли тафаккурини янада теранлаштирган.

Бу янги иборалар шоира ниҳоятда сезгир, қалбан туйғуларга бой ижодкор эканлигини яна бир бор кўрсатади. Унинг тийрак нигоҳи, сезгир қулоғи куртаклар, қум ва тошларнинг жаранглаши, ҳансирашини, нидосини, сукутнинг булбул бўлиб сайрашини бир йўла кўра ва эшита олади, уларни эъзозлаб тутиб, моҳирлик билан мисраларга жойлайди. Бу ўқувчида чексиз завқ ва ҳавас уйғота олади.

«Тонг билан шом аро» тўплами тинимсиз меҳнат, оромсиз изланишлар самараси сифатида дунёга келган тароватли гулдастасидир. Шеърятни:

О, ижод, дардгинам!

Изтироб, оромим.

Тақдирим,

Шуҳратим,

Толем ва комим!.. —

деб билган юксак талант соҳибасидан кўплаб ажойиб асарлар кутишга ҳақлимиз.

Йўлдош СОЛИЖОНОВ,

филология фанлари кандидати

ЧИН ИХЛОС МЕВАЛАРИ



Абдуқодир Ҳайитметов. Мерос ва ихлос. Ғафур Ғулум номидаги Адабиёт ва санъат наشريёти. Тошкент — 1985.

Адабиётимиз тарихининг билимдонларидан бири профессор Абдуқодир Ҳайитметовнинг янги тўплами босилиб чиқди. Ундан жой олган мақолалар ҳамда ихчам тадқиқотлар асосан улуғ Алишер Навоий ижодий меросига доир масалаларни ёритишга, шоир ижтимоий фао-

лияти ва шахсиятининг айрим нуқталарига аниқликлар киритишга бағишланган. Бу — табиий. Чунки Навоий ҳаёти ва ижодини ўрганиш муаллифнинг кўп йиллик илмий изланишлари марказида туради.

Тўпландаги «Навоий лирикасининг баъзи масалалари» деб номланган мақолада шоирнинг ғазалчиликдаги новаторлиги нозик таҳлил воситасида ёритилади.

Маълумки, Навоий она тилидаги улкан лирик меросини тўрт девондан ташкил топган «Ҳазойинул-маоний»га жамлаган, форсий ғазалларини эса, «Девони фоний»га киритган. Аммо табиатан туғма шоир бўлган Навоийнинг илмий, тарихий, мемуар характердаги барча насрий асарларининг жисмида ҳам рубоий, маснавий, қитъа, фард шаклларида кўплаб лирик парчалар мавжудки, тадиқотчилар уларни ҳақли равишда шоир лирик меросининг таркибий бўлаги сифатида таҳлил этиб келганлар. Тўплам муаллифи ҳам «Маҳбулбул-қулуб», «Муншаот», «Вақфия», «Муҳокама-тул-луғатайн» каби асли насрий асарларда мавжуд бўлиб, Навоийнинг расмий девонлари таркибига кирмай қолган ана шундай намуналар ҳақида махсус мақолада сўз юритиб, уларнинг умумий ҳажмини белгилайди, айримлари мисолида насрий матнга мустаҳкам боғлиқ ҳолда бош ғоянинг янада чуқурроқ ва таъсирироқ, равоноқ ва равшанроқ очилишига хизмат этишини исботлаб беради. Муаллиф томонидан Навоийга замондош қалам аҳллари асарларида (масалан, Зайниддин Восифийнинг «Бадоеъул-вақое», Хондамирнинг «Макоримул-ахлоқ» асарларида) Навоийга нисбат берилган шеърини парчаларни ҳам келтириши ва уларга муносабат билдириши мақоланинг илмий қимматини, шубҳасиз, кўтаради.

Тўпландаги «Навоий ва лирика» бўлимидан ўрин олган «Навоийда лирика таҳлили», «Ғазалда психологик тасвир маҳорати» ва «Она табиат куйчиси» каби мақолалар ҳам илмий теранлиги билан ажралиб туради. Биринчи мақолада улуғ шоирнинг адабиётшунос-олим сифатидаги баракали фаолияти ёритилган. Муаллиф Навоийнинг ўз даврида шеърят, жумладан, лириканинг ҳолати, жанр шакллари, мавзу ва ғоявий-бадиий хусусиятлари ҳақида жуда нозик кузатувларидан дарак берувчи қизиқарли далилларни келтиради. Ўзига замондош шоирларнинг ижодий фаолиятини алоҳида қизиқиш ва манфаатдорлик билан кузатган Навоий улар яратган ҳар бир асарнинг ижтимоий мазмундорлигига, танқидий йўналишига жиддий эътибор берган. Олим «Маҷолисун-нафоис» тазкирасидан келтирилган қатор ишонарли далиллар мисолида бунини намойиш қилади.

«Ғазалда психологик тасвир маҳорати» мақоласида эса шоир лирикада образларнинг ташқи қиёфасини, зоҳирий белгилари ва амалий хатти-ҳаракатларини жонли тасвирлаш билан бир қаторда уларнинг ички дунёсини, руҳий ҳолати ва ҳис-туйғуларини, ботиний кечинмаларини ҳам бутун мураккаблиги ва теранлиги билан оча олгани ҳақида сўз боради. «Она табиат куйчиси» мақоласи ҳам жиддий қизиқиш уйғотади. Маълумки Навоий ўз ғоя ва идеалларини ёрқин ва таъсирчан ифодалашда турли-туман воситалардан кенг ва унумли фойдаланган. Жумладан, лирик асарларида ҳам, йирик эпик достонларида ҳам табиат манзаралари, йил фасллари тасвирига кўп ўрин ажратган. Муҳими шундаки, улуғ

шоир меросидаги бундай парчалар асарнинг асосий мазмун-мундарижаси билан узвий бирикиб келади ва ранг-баранг образлар ҳамда лирик «мен» фаолиятини, руҳий ҳолати ва тушунчасини, етакчи белги-кўринишларини далиллайди, асослайди, изоҳлайди.

«Шеърят юлдузлари» бўлимидаги мақола-ларда ўтмиш адабиётидаги Мунис, Машраб, Увайсий, Бобур каби йирик намояндаларнинг ҳаёт йўли ва ижодий фаолияти ҳақида баҳс юритилади. Муаллиф бу қалам соҳиблари асарларидаги ғоявий мазмунга, ўз даври ҳаёти ва ижтимоий муаммоларини қандай акс эттирганига, халқчиллиги ва бадий етуқлик-даражасига диққат-эътиборини қаратади. Ўзбек совет адабиётининг асосчиси Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий ижодий фаолиятига ўтмиш адабиётининг илғор аъёнларининг таъсири «Классик поэзия ва Ҳамза» номли мақолада тадқиқ этилади.

«Айрим муаммолар», «Текстологик хато — бош хато» ва «Навой «Ҳамса»сининг қўлёзмаларини ўрганиш» каби мақолалар тўпламнинг энг муваффақиятли саҳифаларини ташкил этади. Уларнинг юқори илмий-назарий савияси, бевосита амалий аҳамиятини ҳам таъкидлаш зарур. Гап шундаки, кўп асрлик бой адабий меросимизнинг энг етук намуналарини нашр этиш ишлари йилдан-йилга кенгайиб бормоқда. Аммо матншуносликнинг ҳали ечилмаган муаммолари, баҳсли масалалари ҳам оз эмас. Профессор А. Ҳайитметов юқоридаги мақолаларида шундай муаммоларга эътиборимизни қаратади, бу давлат аҳамиятига молик муҳим ишда ўчрайдиган хато-нуқсонларни ёрқин мисолларда кўрсатиб, ўзининг амалий тавсияларини беради. Муаллифнинг юқори савияли текстолог-мутахассислар тайёрлаш ишига жиддий эътибор зарурлиги ҳақидаги мулоҳаза ва таклифларини жуда ўринли ва асосли деб ҳисоблаймиз.

Китобга ўттиздан ортиқ кичик-кичик мақола-лар ҳам киритилган. Муаллифнинг ўзи уларни «Қисқа талқинлар», «Тадқиқот томчилари», «Навойшунослик лавҳалари» ва «Этюдлар» сифатида тасниф этади, «адабиётимиз тарихининг ўз изоҳлари» деб таърифлайди.

Тўпланда айрим эътироз туғдирадиган, янада аниқлик киритиш зарур кўринган ўринлар, баҳсталаб хулоса-таъкидлар ҳам йўқ эмас. Аввало, шуни айтиш керак, «буюк», «улкан», «улуғ» каби сифатлар, айниқса, ижодкор шахсларга нисбатан қўлланилганда, бир вақтнинг ўзида улар ижодига, адабиётимиз ривожига қўшган ҳиссасига, қолдирган меросига яхлит баҳо-характеристика бўлгани учун эҳтиёткор бўлиш, саҳийликдан сақланиш зарур кўринади. Тўпланда эса, Навоий билан бир қаторда, Мунис ҳам, Нодира ҳам, Увайсий ҳам бундай сифатлар билан ёппасига баҳола-наверадиларки, бундай бараварлаштиришга албатта, қўйиш қийин. Увайсийнинг сарбозликка олинган ўғлини соғиниб чеккан изтиробларини ифодаловчи ғазалини таҳлил этар экан, муаллиф, «Бу шеъри билан Увайсий ўзбек адабиётига «Она ва бола» мавзуини олиб кирди, уни юрагини қўри билан ёлқин-лантриб юборди», деб ёзадики, бу хулоса баҳсли туюлади. 1830-йиллар атрофида яратилган мазкур ғазалдан олдин ҳам бу мавзу адабиётимизда ишланган.

«Фарҳод ва Ширин» дostonи воқеалари ривожига адашиб қолган Фарҳод «Жоми Жам» («Жоми Жамшид») ёрдамида тўғри

йўлни топиб, манзилга осонгина етиб боради ҳамда Суқрот билан учрашиш орзусига эришади. «Жоми Жам?» лавҳасида дostonдаги шу эпизод асосида муаллиф: «Жоми Жам ёки Жоми Жамшид... — ер юзининг табиий глобус — харитасидир...» деган баҳсли хулосани илгари суради.

Бизнингча, бутун Шарқ адабиётида ҳам, Навоий ижодида ҳам кўп қўлланилган бу ибора орқали, ҳар бир ўринда, беистисно, шох Жамшиднинг ҳақимларга буюриб ясаттирган тилсимли икки жомидан бири назарда тутилади. Ижодкорлар, жумладан, Навоий тасвирида, агар биринчи жом доимо соф май билан лиммо-лим тўла бўлиб, қанча ичилса ҳам асло камаймаса ва қийшайтирилса ҳам тўкилмаса, иккинчи тилсимли жомга тикилиб бутун дунёнинг барча бурчакларини томоша қилиш, унда юз бераётган воқеаларни кузатиш, ўзи истаган жойларни ва шахсларни кўриш мумкин экан. Шу хислатларига кўра бу жомларнинг бири «жоми ишратфизои» ва иккинчиси «жоми гитинамои» ёки «жоми жаҳонбин» (яъни, дунёни кўрсатувчи жом) деб юритилган. «Фарҳод ва Ширин» дostonидаги сўз юритилаётган парчада Навоий худди мана шу иккинчи жомни назарда тутмоқда. Адашиб қолган Фарҳод тилсимли жомга тикилиб, «Юнон мулкини топади, истаётган тоғ ва ундаги ғорларга қўзи тушади». Шоир кейинги байтларда Фарҳоднинг Жоми Жамшид востасида ғор қаваклари ичидаги анжомларни ва ҳатто ўзи қидираётган Суқрот ҳақимни ҳам кўрганлигини ёзадики, булар сўз «жоми жаҳонбин» ҳақидагина кетаётганига ҳеч бир шубҳа қолдирмайди.

Мунисга бағишланган мақоладаги мана бу таҳлил ҳам шоир мақсадида анча узоқ кўринади:

«Мунис бойлик, шоҳона тортиқлар орқасидан қувган, «сийму зарга» берилган шоирларни қоралади ва бир ғазалида ўзини шеърят тараққиётига ҳалол хизмат қилишга қақариб, бундай дейди:

Ривож шеър умидин бу давр аро, Мунис, Кўтарки, барчага манзур сийму зар бўлди.

Шоирнинг фахриялари кўп. Лекин, бу оддий фахрия эмас, балки шоирнинг асосий ижодкорлик шиори эди» (43-бет).

Бизнингча, байт фахрия эмас ва у ижодкорлик шиорини ифодаламайди ҳам. Байтда шоир: «Ютубон бу замонда қон шуаро» мисраси билан бошланувчи машҳур ғазали ғояси руҳида фикр юритиб, ўз даврида қалам аҳли ва шеърятнинг тамомила беқадрлигига ишора этмоқда: «шеърят кадр-эътибор топади, деган умидингни, эй Мунис, уз. Негаки, бу даврда фақат олтин-кумуш — моддий бойликкина ҳаммага манзур бўлди», демоқчи у.

Ва ниҳоят, яна бир кичик эътироз. Матбуот саҳифаларида шеърятимизнинг йирик намояндаларидан бирининг тахаллуси, «Отый» ёки «Атойи» шаклида ёзилиши тўғрилиги хусусида баҳс бўлиб ўтган эди. А. Ҳайитметов бу масалага диққатни тортиб, Атойи деб ёзиш тўғрилигини таъкидлайди. Бутун тўпланда эса биз, Отыйи, Отыйи, Атойи ва Атойи шаклларида тўрт хил ёзилганига дуч келамиз.

Бу каби жузъий нуқсонлар, эътирозлар тўпламнинг илмий йўналиши ва амалий аҳамиятини пасайтирмайди.

Абдурашид АБДУҒАФУРОВ,
филология фанлари доктори.



Хуррам Райимов

Тонг отди

[Болаларга аталган айрим шеърларга пародия]

Тонг отди, жўралар, тонг отди,
Оламни уйқудан уйғотди.
Чумоли инида ғимирлар,
Жамики тирик зот қимирлар.
Ётишдан не наф, деб, ётоқда,
Хўрозлар қичқирар катакда.
Чумчуқлар тинмасдан чирқирар,
Қанотин кенг ёзиб, пирпирар.
Заводда тер тўкар узоқ тун
Ишчилар, эртанги кун учун.
Белбоққа тугиб бир парча нон,

Пахтазорга отланган деҳқон.
Лекин-чи, ишёқмас Холмамат
Тўшакдан қўзғалмай, «азамат»
Ётибди уйқуни хуш кўриб,
Пинагин бузмасдан, туш кўриб.
Уни ҳам мактаби кутмоқда,
Вақти-чи, соврилиб кетмоқда.
Уйғотинг уни тез, уйғотинг,
Жойидан илдамроқ қўзғатинг.
Бир жойда ётмасин чанг босиб,
У ҳолда қолади занг босиб...

Ўткир Саидов

Пародиялар

Қор ёғади оппоқ оҳорли,
Ерни булаб юмшоқ патига.

«Қор ёғади».

Ёғиб юборди-я, ёмғир ниҳоят —
Осмон қулф дилини заминга очди.

«Ёмғирдан сўнг».

Оқ, тиниқ ёғади,
Ҳам илиқ ёғади:
Бағрим ҳам эрийди ёмғир ёшидан.

«Ёмғир ёғади».

Табиатнинг ювиб гардини
Сайлгоҳга имлайди ёмғир.

«Табиатнинг...»

Сел қуяди, шамол дарбадар,
Уни ҳар ён сочиб ўйнайди.

«Сел қуяди».

Турсуной Содиқованинг
«Дил гавҳари» китобидан

Тўпламдаги шеърларда
Ёмғир ёғар, қор ёғар,

Уни ўқиб ўқувчи
Эсу ҳушидан оғар.

— Нима бало, синоптик,
Эмасмикан? — дер боқиб.
Бунча ёмғир ёғдирмас
Эди ҳатто Тойлоқов.

* * *

Ҳар қачон ҳақ эрур ҳаёт қонуни,
Мудом мўъжизага қизиқиш катта
Аҳмад,
Али,
Омон — уч оға-ини,
Ҳайвонот боғини кезар ҳайратда...

Саъдулла Ҳаким.
«Мўъжиза».

Мен куйларман ошиқларга хос:
— Мўъжизалар йўқдир дунёда,
— Мўъжизакор кўзлар бор, холос!

Саъдулла Ҳаким.
«Кўзлар».

Шоир ишлатар ҳадеб,
«Мўъжизакор» сўзини.
Тополмайсиз шеърдан
Мўъжизанинг ўзини.

«Чиқ-чиқ» қилиб эрта-кеч,
Тиним нима, билмас ҳеч.
Ухламайди тун бўйи,
Тўхтамайди кун бўйи.

Файзи Шоҳисмоил.
«Соат».

Мен соатман, мен соат,
Чиқ, чиқ, чиқ.
Қилгин менга итоат,
Чиқ, чиқ, чиқ.

Рауф Толиб. «Соат
қўшиғи».

— Соат нечун чиқиллар,
Касалми ё инқиллар?
Тиним билмас тунда ҳам,
Чиқиллаши бўлмас кам.

Нусрат Абдусаломов
«Соат нечун чиқиллар!»

Уч шоирнинг соати
Уч хил вақтни кўргазар.
Нима бало, текканми
Уларга бирон «касал?»
Китобдаги уч шеърни
Ҳижжалаймиз битталаб.
Ажаб, соат ҳақдаги
Уч шеър ҳам «ремонт талаб».



МУНДАРИЖА

Неъмат Аминов. Қайғу кўпники	3
ШЕЪРИЯТ	
Омон Мухторов. Ёғдирасан боғларга шуъла	5
Восит Саъдулла. «Янги девон»дан	29
Матназар Абдулҳакимов. Юлдузлар айланар тегрангда	33
ДРАМАТУРГИЯ	
Учқун Назаров. Ойна	11
НАСР	
Абдусайд Кўчимов. Оқ каптарлар ороли. Қисса	37
МУШОИРА	
Юлдузларнинг шалолалари	83
ҲИКОЯЛАР ХАЗИНАСИ	
Жек Лондон. Бир кунлик қўналға	97
ЗАМОНДОШЛАРИМИЗ	
Шомурод Сиддиқов. Обрў	106
БИР ДАРАХТ НОВАЛАРИ	
Адҳат Синўғил, Совет Жаманғараев. Шеърлар	111
ТАБИАТ — ЖИСМУ ЖОНИМИЗ	
Нусрат Раҳматов. Менинг дўстим. — асалари	113
БИР ҚУЛТУМ ФОЖИАСИ	
Ичкилик — умр заволи. Давра суҳбати	117
АДАБИЙ ТАНҚИД	
Ботирхон Акрамов. Қалб покланмоғи керак	127
«ШАРҚ ЮЛДУЗИ» АНКЕТАСИ	
Дилдаги гаплар. Раҳмат Файзий, Усмон Азимов	133
САРГУЗАШТ, ФАНТАСТИКА	
Худойберди Тўхтабоев. Ширин қовунлар мамлакатида. Роман. Охири	136
ТАҚРИЗЛАР	
Йўлдош Солиқонов. «Ижоднинг содиқа ҳамдами»	200
Абдурашид Абдуғафуров. Чин ихлос мевалари	202
ГУЛҚАЙЧИ	
Хуррам Райимов. Тонг отди	204
Ўткир Саидов. Пародиялар	204

Министерство связи СССР «Союзпечать»

АБОНЕМЕНТ на газету **75458**
Шарқ юлдузи журнал (индекс издания)

(наименование издания) | количество комплектов:

на 19 ___ год по месяцам:

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12

Куда | |
 (почтовый индекс) (адрес)

Кому | |
 (фамилия инициалы)

ДОСТАВОЧНАЯ КАРТОЧКА

п. в. место литер на газету **75458**
Шарқ юлдузи журнал (индекс издания)

(наименование издания)

Стоимость	подписки пере-адресовки	руб. ___ коп.	Количество комплектов
		— руб. ___ коп.	тов

на 19 ___ год по месяцам:

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12

Куда | |
 (почтовый индекс) (адрес)

Кому | |
 (фамилия инициалы)

● **ҚАДРЛИ ЖУРНАЛХОН!** ●

1987 йил учун газета ва журналларга обуна давом этмоқда. Сизнинг юмушингизни енгиллатиш мақсадида журнализмизнинг номи ва индекс номери ёзилган обуна варақасини эълон қилаяпмиз. Сиз уни қирқиб олиб, тўлдиришингиз ва истаган алоқа бўлимида ёки иш, ўқиш жойингиздаги «Союзпечать»нинг жамоатчи вакиллари орқали расмийлаштиришингиз мумкин.

«Шарқ юлдузи» журналига обуна ЧЕК-ЛАНМАГАН миқдорда қабул қилинади.

Агар журналга обуна бўлиш пайтида бирон-бир қаршиликка дуч келсангиз зудлик билан редакцияга маълум қилишингизни сўраймиз.

ПРОВЕРЬТЕ ПРАВИЛЬНОСТЬ ОФОРМЛЕНИЯ АБОНЕМЕНТА!

На абонемента должен быть проставлен оттиск кассовой машины.

При оформлении подписки (переадресовки) без кассовой машины на абонемента проставляется оттиск календарного штампа отделения связи. В этом случае абонемент выдается подписчику с квитанцией об оплате стоимости подписки (переадресовки).

Для оформления подписки на газету или журнал, а также для переадресования издания бланк абонемента с доставочной карточкой заполняется подписчиком чернилами, разборчиво, без сокращений, в соответствии с условиями, изложенными в каталогах Союзпечати.

Заполнение месячных клеток при переадресовании издания, а также клетки «ПВ—МЕСТО» производится работниками предприятий связи и Союзпечати.

Б-592-25 500 000-84 г.

На узбекском языке
«ШАРҚ ЮЛДУЗИ»

(Звезда Востока)
№ 9

Орган Союза писателей Узбекской ССР

Ордена Трудового Красного Знамени типография издательства ЦК КП Узбекистана,
Ташкент — 1986

Рассом **Х. Лутфуллаев** Техник редактор **М. Аҳмедов** Корректор **А. Ҳайдаров**

Редакцияга келган бир босма тобоқчага бўлган материаллар авторларига қайтарилмайди.
Журналдан олинган материалга «Шарқ юлдузи»дан олинди, деб кўрсатилиши шарт.

Теришга берилди 5.07.86 й. Босишга рухсат этилди 14.08.86 й. Қоғоз формати 70×108¹/₁₆.
Р-08930. Фотонабор. Офсет босма усули. Физ. листи 13. Шартли босма листи 18,55.
Нашриёт ҳисоб листи 20,2. Тиражи 165334. Буюртма № 4110.

Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётнинг Меҳнат Қизил Байроқ орденли
босмаҳонаси. Тошкент — П. Ленин проспекти, 41.

© «Шарқ юлдузи», 1986.

Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти.